

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■
49-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1981 4

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИК АДАБИЕТИ ВА САЊАТИ ҲАФТАЛИГИ

М. Турсунзода. Кишининг ёдида. Шеър.	3
М. Миршакар. Ҳақиқат ва афсона. Ишқ ўти. Шеърлар.	6
Б. Раҳимзода. Ленин кўчаси — шаҳрим юраги. Шеър.	8
М. Қаноат. Тўққизинчи баҳор. Шеър.	10
У. Ражаб. Земинга сиғинаман. Айт-чи... Шеърлар.	13
Г. Сулаймонова. Бухоро. Шеърлар.	14
Лоқ. Душанбе. Қидиргаймиз. Шеърлар.	15
Г. Сафиева. Уйку олдидаги истак. Шеърлар.	16
Гулназар. Тўртликлар.	17
М. Тўлқин. Кўёш билан суҳбат. Шеър.	18
Б. Собир. Яна жануб уфқин... Шеър.	19
Қ. Киром. Бошоқлар. Шеър.	20
Ж. Икромий. Улаксахўр зоғлар. Романдан парча.	21
Ф. Ниёзий. Урмонни холи деб гумон қилмагин... Романдан парча.	27
С. Улуғзода. Восеъ. Романдан парча.	31
Р. Жалил. Хотиржам бўлинг, хола. Ҳикоя.	34
Ф. Муҳаммадиев. Дўст хати. Ҳикоя.	39
Ю. Ақобиров. Урик гуллади. Ҳикоя.	46
М. Хўжаев. Самимият. Ҳикоя.	51
С. Турсун. Чорраҳа. Ҳикоя.	55
Мархабо, азиз дўстлар! (редакцион мақола)	64

ГЕОРГИЙ МАРКОВ 70 ЁШДА

Сарвар Азимов. Дарёдай умр.	68
Р. Иноғомов. Адабиётимиз сардори.	70
Г. Марков. Сибирь. Роман. Охири.	73
Ж. Жабборов. Муҳаббат наққоши. Достон.	128
Музаффар. Кўнги. Ҳикоя.	145
Анвар Ҳожид. Лирик шеърлар.	148
А. Шер. Чанқовуз. Шеърлар.	153
О. Юсупов. Кўёшдан тушган одамлар. Қисса.	156
С. Акбарий. Кўкан шўро. Достон. Охири.	188

САЊАТ

С. Хўжаев. Экранда Ильич сиймоси.	199
-----------------------------------	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

И. Сатторов. Ердан ташқарида ҳаёт борми?	203
ОЧЕРКЛАР	
С. Анорбоев. Қарноб чўлларида.	208
Н. Қиличев. Шифокор онахон.	214
У. Норматов. Ижодкор қиёфаси	220

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Н. Раҳимжонов. Шеърятга кўчган туйғулар.	224
--	-----

ТАҚРИЗЛАР

С. Содиқов, Т. Халидов. Мунаққиднинг ижод кўзгуси	227
С. Очилов. Замин кўрки — шеър	229
Т. Содиқова. «Иссиқ қорни» ўқиғач...	231
И. Солижонов. Ҳар шоирнинг ўз дунёси.	232

ЙИЛЛАР, ФАКТЛАР, ҲУЖАТЛАР

Ш. Турдиев. Дўстлик ва ҳамкорлик эстафетаси.	235
«Гулқайчи»	238

Ўзбекистонда тожик адабиёти ва
санъати ҳафталиги



Мирзо Турсунзода

Кишининг ёдида

Кишининг ёдида йиллар қолғуси
Чўлда туя таққан қўнғироқ саси,
Булуллар йиғиси, яшин, чақмоқлар,
Денгизлар тўлқини, олис қирғоқлар,
Кишининг ёдига гоҳо келгуси
Жон роҳат олгудек бўстонлар иси.
Булбул кеча-кундуз ширин сўз билан
Сайраб тилайдирки, яшнасин чаман.
Неча бор жаҳонда мен сафар қилдим,
Тириклик кечирдим, кўрдим ва билдим.
Кўрдим ҳар хил халқни, ҳар хил шаҳарлар,
Талай мамлакатлар, ажиб лавҳалар.
Кўрдимки, бу дунё сув билан тупроқ,
Ҳар ўлка ҳислати бошқа-бошқароқ.
Кишининг ёдига қўққисдан келар
Илк баҳор юзидек чиройли кишвар.
Ҳар қачон кўриниб турар назарда
Қоп-қора булуллар бўлса ҳам парда.

Бу каби ўлканинг халқи ичида
 Барқарор бўлади дўстлик албатта.
 Дўстларнинг ҳижрони ва ёди андак —
 Шунингдек кўнгиладан кетмаса керак.
 Шу сабаб ёдимда турар доимо
 Шаҳар манзараси ва кўмкўк дарё.
 Уша аэродром ҳалқа майдони,
 Умидли кўзларда кўпчилик жони.
 Дунёда юз йиллар тирик қололсам,
 Эсимдан шуларнинг ёди бўлмас кам.
 Сўлиққан, қайғули сапсариқ юзлар,
 Тилинган кўкраклар, мунграган кўзлар.
 Кўрган кўз қўрқади — кўп озғин танлар,
 Сўнғак ва теридан бўлган ҳайкаллар.
 Биз эдик:— Саккиз боғ, битта чаманда —
 Саккиз республика, битта Ватандан.
 У ернинг халқига биз бўлдик меҳмон,
 Умрлар бахтидан қидирар нишон,
 Бир-бирга меҳрибон, баримиз бирдай,
 Бир ота-онанинг болаларидай,
 Бир талай тил билан айтар эдик биз:
 — Бас энди, ўртоқлар, уйга қайтурмиз.
 Қайғули кўз билан бизга боқдингиз,
 Шунини мен кўрдиму айтдим: «Дўстингиз»,
 Тикилиб боқдим мен дўстларга томон,
 Олиб кетайин деб юзидан нишон.
 Боқардим муҳаббат билан юзларга,
 Термулиб қараган қора кўзларга.
 Қабр чироғидек пил-пиллаб кўзлар,
 Бемаҳал сўлиган гул каби юзлар.
 Сўрадим, не учун боғлар бузилди?
 Еки инжу бўлиб тожга тизилди?!
 Бу ернинг халқлари кўп хор кўринди,
 Паришон, ожизу кўп зор кўринди.
 Тезроқ бўл, боғбонни изла, дарров топ,
 Бир назар ташласин, боғ бўлмиш хароб.
 Қуриган дарахтнинг қазсин кундасин,
 Бўстонда пуч писта энди битмасин!
 То униб-ўсолсин хилма-хил кўчат,
 Чиқарсин новдалар япроғин қат-қат.
 Буларни деб эдим, деди: «Энди дўст, ёр!
 Бу сўздан қимматроқ оламда не бор!
 Қачон насиб бўлғай бирлашмоқ бизга,
 Сизлардек қувонч-ла севишмоқ бизга.
 Қачон насиб бўлғай турли тил билан
 Ҳамҳона яшамоқ сиздай эл билан.
 Не учун сиз билан бир уй эмасмиз,
 Токай бир эмасмиз сизлар билан биз.
 Йўқ эрур юртингиз бошида золим,
 На фақир, на гадо ва на-да ҳоким.
 Чиройли ватаннинг соҳиби сизсиз,
 Боғлару чаманлар ҳокими сизсиз» —
 Деди-ю... нафаси ичига тушди...
 Қачонки юзингга юзим қовушди,
 У ердан баҳорнинг ели қўзғолди,
 Бир янги умидни дилларга солди.

Курушган лабларда кўрингандек нам,
 Айтилди юз йиллик ғусса ва алам.
 Юзига из солиб ёшлари оқар,
 Дўл каби тўкилди қон бўлган жигар.
 Бу қора фазода бир йигит уни —
 Чақмоқдай ер-кўкни тутди шовқини:
 «Бизлар ҳам сизлардек бўламиз озод,
 Жабру жафоларни этамиз барбод».
 Қайғули ўлканинг қайноқ қалбидан
 Бир овоз келарди қайта-қайтадан:
 «Доимо юзимиз ёдингда тутгил,
 Умид кўзлари-ла бизларни кутгил.
 Булутлар остидан кўтарамиз бош,
 Кечанинг сўнгида чиққандай қуёш».
 Юртига пўлат қуш кўчгали тушди,
 Турна карвонлари учгали тушди
 Ва бизни келтирди она Ватанга,
 Жаҳонда тенги йўқ боғу чаманга.
 Аэродром аро дўстларим кутиб —
 Туришар, дўстликнинг ҳурматин тутиб.
 Узоқман, дўстларнинг оти тилимда,
 У ёшли кўзларнинг ёди дилимда.
 Юз тилка диллардир фикрим ва ййим,
 Еткизгум уларга соғинчли куйим.
 Сиз сўрар бўлсангиз:— У қай ўлка?— деб,
 Е, ер маҳвариди қайси нуқта?— деб,
 Қайси дарёларнинг қирғоғи у?— деб,
 Дегайман:— қалбимнинг булоғи у!— деб.
 Сиз сўрар бўлсангиз — қанча кунлик йўл?
 Кечаги гап эмас бу кунгими шул?
 Дегайман:— Йўлларни кўрмак эътибор,
 Қош-қовоқ ораси узоқлиги бор.
 Кўзларим тинмайин доимо излар
 Дўстларнинг изларин кеча-кундузлар.
 Номлари лабимда, доим йўқласам,
 Истасанг уйғоқман, иста ухласам,
 Бўлади кўзимга доим жилвагар
 Қуюқ ой юзидек, айласам назар.
 Фазодан келади қулоғимга дод:
 «Сизлардек бизлар ҳам бўламиз озод,
 Доимо юзимиз ёдингда тутгил,
 Умидлар кўзи-ла бизларни кутгил!»

Ғафур ҒУЛОМ таржимаси.



Мирсаид Миршакар

Ҳақиқат ва афсона

○ надан туғилиб, бу кенг жаҳоннинг
Қора кунларини кўрган инсонман.
Озодлик шуъласи, орзу-армонни
Мазлумлар юзидан уқиб билганман.

Боғларда сайраган қушлар тилидан,
Чашмалар, сойларнинг мавжларидан

Тинглаганман тунлар — ўтмиш элимдан ^{ҳам,}
Кўҳна жаҳон дарду фарёдин у дам.

Инсон баҳорининг кўки қоронғу,
Унда азоб булутлари кезарди.
Сабр косаси тўлиб, лиммо-лим оғу,
Элни қаро қисмат дарди эзарди.

Инқилоб кемаси — «Аврора» мағруп
Ленин изми билан бонг урди жангга.
Парчаланиб қора булут, яшнаб нур,
Эрк келтирди доҳий Ленин Ватанга.

Халқ олиб эркини, сўнг бўлиб бир тан,
Доҳий чақириғи билан қўзғолди.
Яшнаб гулласин, деб жонажон Ватан,
Курак, кетмонларни қўлига олди.

Аскарлардай олға ташлади қадам,
Баҳордай яшарсин, деди ҳур диёр.
Ҳаёти, иқболи бўлиб шод, хуррам,
Жаҳон эли этди унга эътибор.

Элларга бўлди у биродар, ҳамдам,
Оқлаб борди ҳар дам садоқат бурчин.
Коммунизм сари йўл олиб шаҳдам,
Уни машғал айлар аҳли ер учун.

Ҳамма вақт музаффар бир тану бир
 жон,
 Партия ва халққа дейман офарин.
 Уз кучу қўдратин айлаб намоён,
 Янги зафарларга одимлар олдин.

Баҳодир халқ ўзин қадим, улуғвор,
 Эзгу ўйларига қилмоқда амал.
 Мунаввар йўлида қутлуғ аҳди бор:
 — Коммунизм сари боргаймиз жадал!

□

Болалар сўрашар гоҳида мендан:
 «Бобо, айтинг, ўтмиш даврдан биз-чун
 Янги бир афсона!»
 «Яна эртақдан...»
 Дейману бу сўздан бўламан мамнун.
 Болалар, сизга бу афсона фақат,
 Менга-чи, бариси эрур ҳақиқат!

НАЗАРМАТ таржимаси.

Ишқ ўти

Ишқ ўти — оташлар оташидир у...
 Зардўштиийлар сиғинган ўтдек муқаддас.
 Балки билганида аждодим мангу
 Юрак оташига сиғинарди, рост.

Ёшликда сиғиндим ва ҳатто ҳозир —
 Шу ишқ оловиғи талпинаман мен.
 Шу ўт ҳарорати-ла жонимда ҳузур,
 Шу ўт ёнар экан, қалбим омон, мен...

Ишқ ўти ҳамма вақт умидга ҳамдам
 Порларкан, тирикдир авлоду аждод...
 Ҳатто фалакдаги қуёшимиз ҳам
 Ишқ ўти олдида қилади сажда.

Мирмуҳсин МИРСАИД таржимаси.



Боқи Раҳимзода

Ленин кўчаси~ шаҳрим юраги

Ў т-олов тўфони этаркан давом,
Пойтахт лойиҳаси тезда
чизилди.

Душанбе — кўримсиз, кичик бир макон,
«Муносиб номзод» деб қарор ёзилди.

Мих қоқиб, ўлчашиди танобма-таноб,
Шаҳарнинг марказий кўчаси, ахир!
Ишга бел боғлашди жадал ва шитоб:
Ленин номли кўча бўлсин беназир!

Бир гофил қичқирди:
«Бу йўлдан қайтинг!
Бу ўнқир-чўнқирлар, лою қамишзор
Табаррук бу номга лойиқми, айтинг?!»
Ҳар сўзнинг билинги, юз илмоғи бор!

Тўрт томондан янгарар нидо:
«Бизлар ҳақ!
Сўзимиз пухтаю, фикримиз тиниқ!
Ленин номи билан атармиз бешак,
Бу номга муносиб бўлмоғи аниқ!»...

Ленин номли кўча — шаҳрим юраги,
Бу кун унга тўймай боқар кўзларим.
Мақтовнинг аслида йўқдир кераги,
Лекин ҳақиқатдир менинг сўзларим!

Бу кўчадан илк бор тожиклар учун
Етиб келди дафтар, қалам ва китоб.
Бу кўчадан тунни ёриб ўтди кун,
Қучоғин кенг очди Буюк Инқилоб.

Бу кўчада илк бор тожик уйини
Зиёга тўлдирди Ильич чироғи.

Бу кўчада тинглаб шодлик куйини,
Гуллади, яшнади кўнглимиз боғи.

Бу кўчадан илк бор Ленин байроғи
Ўтиб, ҳилпиради Жаҳон Томида.
Кўҳна Шарқ ёришиди, ювилди доғи,
Бахт сўзи жаранглар Шарқ каломида.


Бу кўчада тожик бахти, иқболи
Илк бора юз очди, тоғ каби баланд.
Узоқ-яқин бўлди, хатардан холи —
Москва юраги қалбларга пайванд.

Бу кўчадан сўнмас Октябрь нури
Тоғларга ёйилди, дунё берди тан.
Оламга сиғарми йўқсул сурури
Чириб битса зулму зулмат бекафан!

Кўчалар кўчаси атарман уни,
Чунки ундан ўтар Ленин даҳоси.
Бу даҳо ҳамиша инсон наслини
Муродга етказар — йўқдир қиёси!

Эй, башар, бетакрор ҳаёт сабоғи,
Дафтаринг олгину ҳикматга тўлдир:
Йўлимда порлайди Ленин байроғи!
Сен учун Буюк йўл — фақат шу
йўлдир!

Н. НАРЗУЛЛАЕВ таржимаси.



Мўмин Қаноат

Тўққизинчи баҳор

Биринчи тожик ўқитувчи қизлари Сайрамбиби, Майрамбиби, Аламбибилар хотирасига.

Тўққизинчи эди у ўтган баҳор,
Тожик ўлкасини этган
бахтиёр.

Узгача бир одим ташларди инсон,
Узгача машқдайди олам ва замон.

Яшаш оғир эди, яшаш жаҳаннам,
Осон топилмасди бир бурда нон ҳам.

Янги даврон келди, битди эл исноди,
Хоинлар ўшқириги, қашшоқлар доди.

Байроқлар остида қўшиқлар авжи,
Утларга ташланди зиндон паранжи!

Аёл юз очдию сесканди бирдан
Олам чиройидан, бу шаффоф сирдан!

...Оқшом. Ғира-шира тун қуйиларди,
Кўмкўк буғдойзорлар тўлқин урарди.

Йироқдан кўринди қаламқош ой ҳам,
Сой оқизиб кетди инжудек бу дам.

Олмазор яшнарди — новдаларда гул,
Унда ишқ дарсини ўқирди булбул.

Ногоҳон оҳиста ўтди навнихол,
Висол айёмига йўл олган мисол.

Тобора сурмаранг олар сирли боғ,
Тўйиб бўй уфурар қаттиқроқ, хушироқ.

Сукут қамраб олди теграни тамом,
Мактаб уйғоқ эди фақат бу замон.

Елғиз бўлса ҳамки қишлоқ мактаби,
Тарихга кирганди унинг матлаби.

Тонгдан очик эди мактаб эшиги,
Кичик илм қасрин олтин бешиги.

Жадвалидан чиқмай қоровул бобо,
Мис қўнғироғини урарди аъло.

Узоқлардан келган бу занг қўнғироқ,
Қизларни мактабга чорларди ҳар вақт.

Чунки, нозик ниҳол бу қизлар учун
Йўқ эди билимдан ўзга машқ гулгун.

Қора чироқ* ёнар липиллаб бедор
Чарчоқ юзлар узра, сўнги дарс такрор.

Бирдан ташқарида тўполон турди,
Нақ эшик тагида отлар югурди.

Кимнингдир қамчини, кимнингдир уни,
Бузмоқ бўлар эди эшик турмини.

Бадмаст отдан тушди, ўшқирди яна,
Босмачилар ичра Фузайл девона.

Унга тенг эмасди ҳар қандай баттол,
Унинг қилмишига ҳамма эди лол.

Хондай разил эди, ҳайвондай йиртқич.
Тепиб-бузиб кирди эшикни шу кеч.

Оёқ ости бўлди дарсхона бирдан,
Фарқи бўлмай қолди қонли ўнгирдан.

...Тинч, омон кулбанинг ороми тинди,
Жиноят, қон ҳиди анқирди энди.

Шалақ курси узра ёлғиз, беҳузур
Хира шиша ичра липилларди нур.

Фузайл девона Сайрамга боқди,
Худди туш кўргандай ўйи улоқди...

У ўзи шу ердан, билмагани йўқ,
(Кекса — ёшигача, қариндош-уруғ...)

— Сен ҳеч ким эмасдинг яқинларда ҳам,
Гурунеларингда ҳам урмас эдинг дам.

Энди одам бўлиб қолибсан гўё,
Булбули гўёсан, тилинг ҳам бурро.

Гапдон бўлиб қопсан, юзсиз, шарманда,
Густоҳ китобларга бўлибсан банда!

Болаларни йўлдан урасан, нодон,
Болаларин йўлдан ургандек шайтон.

Қайт, Сайрам, йўлингдан, кечирим сўра,
Қўйиб юбораман... ўлгандан кўра...

Бироқ, қиз кўзида қайтиш йўқ эди,
Ёвига ғзаби гўё ўқ эди!

Асло ҳайиқмади, унга тик боқди;
— Сендан жирканаман, ифлос қароқчи!

Пичоқ, сиртмоғинг ҳам энди ҳеч қачон
Епинтиролмайди паранжи-сачвон!..

Фузайл девона кўқариб кетди,
— Олинг, олинг!— дея фармойиш этди.
Жаллодлар кулдилар вайрон кулбада,
Гўдаклар йиғлади, йиғи — беҳуда...
Қирмиз кўйлагида кетаркан Сайрам,
Йиғлаб кузатдилар қизлар чекиб ғам.
Қирмизи кўйлакда, бамисли байроқ,
Енма-ён турдилар қўрқмасдан бироқ.
Қирмизи жилолар йўли — порлоқдир,
Келажаги абад — шонли байроқдир!
Учди милтиллаган уч оқшомги нур,
Учта тонг юлдузи, уч оқшомги ҳур.

Туроб ТУЛА таржимаси.

Убайд Ражаб



Заминга сиғинаман

С

ен дейсанки:
Ишим йўқмиш менинг
ер билан,

Оёқларим ерда бўлса ҳам;
Ишим йўқмиш менинг ер билан,
Таянчим шу замин бўлса ҳам?!
Хато қилдинг,
Хато қилдинг, азизим,
Беҳуда ғам чекдинг, азизим.

Мен инсонман —
Ернинг ошиғиман,
Ернинг содиғиман!
Хато қилдинг, азизим,
Мен ерга содиқман,—

Ойнинг тупроғини қўлга олсам ҳам
Мен ерга содиқман.

Уни яна ҳам кўпроқ севаман,
Унга таъзим-ла бош эгаман.
Ернинг ғуборини алқаб,
Совуқ тошини ҳам ўпаман.
У менга шунчалар меҳрибон:
У менга —

Шамшир ва қалқон!
Олам офтобидай гўзал шу ер,
Менинг қувватим, мадорим эрур,
Севинчим, умидим, хуморим эрур;
Олам офтобидай гўзал шу ер.
Еру осмон меҳридан
Мен бир зарра...

Гоҳ аён, гоҳ ноаён бўлган ер,

□

— Айт-чи, нима бўлмоғин устун —

Истар эдинг ёруғ дунёда?

— Бўлсин инсон юраги бутун,

Кенг, соф бўлсин ҳатто дарёдан.

— Энг қадрли ҳамда муқаддас

Не бўлмоғин қилардинг орзу?

— Менинг учун тиниқ бўлса бас

Очиқ қалбда тўлғонган туйғу.

Мени қудратли амри билан
Офтобга йўллаган ер...
Мен унга сиғинаман,
Шуҳратини фалакка ёйиб,
Қўшиғини куйлаб,
Мен ерга сиғинаман.
Ер юзида мен қуёшдай ҳар он
Бахтимни кўраман нурафшон,
Ки йўлим шу заррадан равшан,
Ахир, ўзим шу зарранинг
заррасиман...

Гарчи хаёлим фалак билан банд,
Дилимда ер берган ақл ва меҳр...
Сен дейсанки,

Ишим йўқмиш менинг ер билан
Суюнчиғим ер бўлса ҳам!

Ахир,
Суюнчиғим ердирки,
Хаёлим фалаклар ҳамдам.
Сен таъна қилдинг,
Хато қилдинг,
Хато қилдинг, азизим!
Мен ерни яратдим —
Мўъжизам ундан.

Англа,
Ойнинг тупроғини қўлга олсам
ҳам,

Ерга — онамга сиғинаман,
Ернинг дарди билан яшайман.

Тилак ЖУРА таржимаси.

— Яна нени истайсан токи —
Метиндан у бўлсин устивор?
— Истайманки, ер узра боқий —
Дўстлик бўлсин доим барқарор!
— Истакларинг чексиздир, ўғлон,
Айт-чи, сенга яна не карак?
— Юрак бўлсин меҳрга макон,
Шудир менда энг эзгу тилак!

Едгор ОБИДОВ таржимаси.



Гулчехра Сулаймонова

Бухоро

Ватанимдир менинг кўҳна Бухоро,
Шеърият маскани, аҳли шуаро.
Оламга шуҳрати таралган диёр,
Тупроғи жавоҳир, кўки беғубор.

Бухором — ўланга бой беланчагим,
Гўзалим, ардоқлим, бой келинчагим.
Сеҳрлар кўраман кўча, бекатда,
Бахт яшар, шон-шуҳрат кезар бу юртда.

Севаман тунингни, ёруғ кунингни,
Севаман кечангни, шод бугунингни.
Ҳар бир кошнингни, ҳар бир
рангингни,
Севаман ғуборинг, ҳатто чангингни.

Тонг отди, шугларанг нақшлар ёнди,
Кўёш қалам тортди, кўзларим олди.
Гумбазлар бағрига сачради биллур,
Бу на бир қўшиқдир, бу на бир шуур;

Бу янги замона — давр куйлари,
Октябрь нури бу, иқбол тўйлари,
Тарихлар қатида қолди зулматлар,
Сени занжирбанд этган кулфатлар.

Сен кўҳна тарихсан, эй, она шаҳрим!
Бугунинг тўй, байрам, эй, она шаҳрим!
Муниссан, зарифсан, эй, она шаҳрим!
Истиқболга шайлан, эй, она шаҳрим!

Эътибор ОХУНОВА таржимаси.



Поик

Душанбе



аҳарларнинг ўз тақдир,
бахти,

Шаҳарларнинг ранги-рўйи бор.
Тоҷикларнинг сўлим пойтахти
Қад кўтарган ажиб, бетакрор.
Мен шаҳримнинг ҳар бир ғиштида
Битилмаган ғазал кўраман.
Безагини, ҳар бир нақшини
Жонимдан ҳам афзал кўраман.
Кундуз қуёш,
Тунда тўлин ой
Нурларига бўлиб кетар фарқ.
Меҳмон бўлиб келган ҳойна-ҳой
Кўчаларда юролмас бефарқ.
Меҳмоннавоз — Душанбе шаҳрим,
Ўзлигимсан, борлигимсан сен.
Сен халқимдек ғурурим, фаҳрим,
Ҳаётимсан, ёрлигимсан сен.
Сени жондан куйлади Мирзо,
Шеърларига сен бўлдинг Ватан!

Шундан сени билади дунё,
Билганидек ким эди Ҳасан.
Кеча эдинг кафтдаин қишлоқ,
Тарихларга туташдир бу ном.
Айний руҳи бўлиб азиз, пок,
Кучоғингда яшайди мудом.
Лоҳутий ҳам яшар сен билан,
Ўчмагандек шеърларин ранги.
Айлагандир шуҳратинг баланд
Туҳфаҳоннинг қўшиқ жаранги.
Таърифингни ёзишим қийин,
Сен кўз нурим, кўзимнинг оқи.
Тўйларингни яшнатиб тайин,
Чиройингни очганди Боқи.
Тоҷик ерин сўлим пойтахти,
Кўкламдаин яшнаб туравер!
Қуёшдаин очилиб бахтинг,
Олам билан суҳбат қуравер!

Сафар БАРИНОВ таржимаси.

□

Жаҳоннинг бор юки кифтда, яна биз юк қидиргаймиз,
Жаҳон оғушида оғуш ғами бирлан югургаймиз.

Гар исён айласак портлаб тушар бош узра бу осмон,
Тўфонга кўксимиз фарқу яна биз жим ўтиргаймиз.

Яна ғайри ва ғофиллар кўролмас бизни ҳеч, бизлар —
Кўнгиш ичра хазонрезги, кийиб гулларни юргаймиз.

Гаҳе беҳуш, гаҳе ночор, оёқ-қўлсиз кўринсак-да,
Вале, жисми қулоқ, кўз, ҳуш — ақл бўлганча тургаймиз.

Бизам оқил учун — оқил, бизам жоҳил учун — жоҳил,
Бизам дўстлар учун қайнар булоқ мисли жўш ургаимиз.

Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси.



Гулрухсор Сафиева

Уйқу олдыдаги истак

Орзуларим менинг — бедор хушрўйларим,
Эртаги кунгача хайр-хўш сизга.
Ҳаёт ҳақидаги туганмас ўйларим,
Оппоқ тонгга қадар оппоқ туш сизга.

Менга яхшиликни истамас дўстим,
Хайр,
Эрта тонгдан бўлгил серҳиммат.
Мудом билмай яша ҳаёт кам-кўстин,
Хотиржамлик бўлсин уйингда ҳар вақт.
Совуқ юрагингда пайдо бўлсин ўт,
Унинг шугъаларин одамларга тут!

Рақибим, сен эса ёлғон сўздамас,
Чин юракдан бўлгил, бўлсанг хайрихоҳ.
Қисик кўзларингдан рашк-ҳасад эмас,
Жой олсин ҳаётбахш, илҳомбахш нигоҳ.
Тикмоғинг-чун шундай нигоҳни менга,
Янги кунгача то хайр-хўш сенга.

Биродарим менинг — саҳийқалб инсон,
Яхшиликлар кўргил яхшилигинг-чун.
Ҳаёт бу — доимо мурод ва армон,
Ҳаёт бу — доимо кундуз билан тун.
Хайр тонгга қадар мурод ва армон,
Мен ҳамма-ҳаммага оқ тонг тиларман.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА таржимаси.



Тўртликлар

□
Ватан ҳам онадай беҳад суюқдир,
Ватандай пуштибон оламда йўқдир.
Дилингда бўлса гар меҳринг зиёда,
Сенинг-чун кафтдайин юрт ҳам
буюқдир.

□
Бировнинг ризқини кам қилмадим
ҳеч,
Бировнинг кўзини нам қилмадим
ҳеч.
Баланд бўлсин дебон эл ичра
бошим,
Бировнинг бошини ҳам қилмадим
ҳеч.

□
Луғатдан номгинанг ўчсин
жудолик,
Кечир, ёрим, агар ўтса хатолик.
Азизим, умр ахир ғоятда қисқа,
Яна қисқартирар-ку бевафолик!

□
Бу йўлда сен билан ҳампой
эмасман,
Сенинг ўқинг учун мен ёй эмасман.
Яратмайсан мени сен қайтадан ҳеч,
Унутма, сен кулол, мен лой
эмасман.

□
Дарёмассан, оққанингда не
фойда?
Ошиқмассан, ёқганингда не
фойда?
Тариқдек қадри йўқ вақтингни, эй
воҳ,
Тилла соат таққанингда не фойда?

□
Агар ишқим дилингда жо бўларки,
Унинг достони бир дунё бўларди.
Агар шеъримда нақш бўлса
жамолинг,
Китобимга баҳор шайдо бўларди.

Жонибек ҚУВНОҚ таржимаси.



Маҳмуд Тўлқин

Қуёш билан суҳбат

Бобом, бобокалонимни кўргансан, Қуёш.
Отам билан ҳам ҳар кунни бўлгансан
сирдош.

Сенга аён эди онам кўзидан қуйилган ёш,
Не боисдан шундай бўлган, сўзла, илтимос?

Жавоб қилди Қуёш менга:— Кўрдим барчасин!
Китоблардан ўқигансан бунинг анчасин.
Очарканман ҳақиқатнинг кўҳна дарчасин,
Фақат гапнинг лўндасини айтаман холос:

Ҳа, бобонгнинг қўли калта, қадди дол эди,
Отангнинг ҳам ҳоли хароб, забун-лол эди,
Бир парча нон топмоқ унга зил-малол эди,
Кун кўрмасдан, нур кўрмасдан яшарди улар.

Замон келди, бахт юлдузи ёнди ярқираб,
Ленин дарё йўлин очди, оқди шарқираб,
Компартия мадад берди ҳолингни сўраб
Ва ёришди зулмат билан йўғрилган тунлар.

Фақат шунда бахт не —билди кўк ҳам, замин
ҳам!

Фақат шунда ўз иқболин топди ҳар одам.
Эртакларда қолиб кетди бобонг кўрган ғам,
Ватанингда эрк туғлари Қуёшдек порлар.



Бозор Собир

□

*Я на жануб уфқин ҳошияларида
Қушлар парвозига тушди
кўзларим.*

*Наврўз ғазалининг байтлари мисол
Турналар карвони учар бежирим.*

*Унут бўлган гўдаклигим шу асно
Хотиралар гирдобида қалқиди.
Йўқолган шеър мисраларин топгандай
Тоғ йўлларин таниш ҳиди анқиди.*


*Қайтгим келди бугун қишлоқ бағрига,
Наврўз ахир, гулу ёмғир фасли бу.
Унда гулу хору хаслар қўйнида
Яшамоқнинг ўзи энг ширин орзу.*

*Тикан бўлсам, тиканига қўшилиб,
Сувларига пайваст оқсам не бўлар?
Гар шудгорнинг нафасини унутсам
Юрагимда совиб қолар туйғулар...*

*Тилсиз шамол тиллашувин соғиндим,
Соғиндим-ку оқар сувнинг куйларин.
Тилим тишлаб, шеърлар айтсам уларга,
Сўзсиз, сокин садо берса ўйларим.*

*...Яна жануб уфқин ҳошияларида
Қушлар парвозига тушди кўзларим.
Наврўз ғазалининг байтлари мисол
Турналар карвони учар бежирим...*

Самандар **ВОҲИДОВ** таржимаси.



Қутби Киrom

Бошоқлар

Буғдойзор бош тортдию замин гавҳарзор
Юраклар бу чиройдан завқли —
бўлди,
баҳравор бўлди.

Донга тўлган бошоқлар ел кафтида рақс тушиб,
Гўёки ҳар донаси олтин бўлди — зар бўлди.

Буғдойзор уммонининг мавжи дилни яшнатар.
Умидлар қайиғида деҳқон сузади сармаст.
Баъзилар бу соҳилдан ўтиб кетар беназар,
Лекин шоир бу ердан асло лоқайд ўтолмас.

Она замин берганми бошоққа бу ҳусни,
Е бошоқлар кафтида тутиб турар заминни?..

Тошпўлат АҲМЕДОВ таржимаси.



Жалол Икромий



Ўзлақсалқил 30 ҒЛАР



ШУ НОМЛИ РОМАНДАН ПАРЧА

Бу йил қиш анча оғир келди. Пайдар-пай ёққан қор, совуқ ҳарорат чорва молларининг емиш топишини ҳийла қийинлаштириб юборди. Агар Чорибой бедаю хашакни вақтида етарлича жамғармаганда, Тўйчи ҳар ҳафтада қишлоқдан кунжара, арпа ва бошқа озуқаларни ташиб турмаганида, билмадим, қўйларнинг ҳоли не кечарди. Тахминан январнинг охирларигача молларни қишлоқ атрофидан узоқлаштиришнинг имкони бўлмади. Бинобарин, Дадажон аксарият вақтини шу ерда, Чорибой амаки ва унинг фарзандлари даврасида ўтказарди.

У кундузлари Қамчинбекнинг моллари, қўйларига емиш етказиб берар, қудуқдан сув тортар, сурувнинг тарқамаслигидан огоҳ бўлар, хуллас, молларнинг касалга чалинмаслиги учун жон куйдирарди. Кечқурун эса молларни қўтанга қамаб, Чорибой амакининг иссиққина кулбасига йўл оларди. У сандал атрофида ўтириб, тамаддидан сўнг чой ичарди ва «Самаки айёр»ни варақлаганча афсоналар оламига шўнғирди. Баъзан ташқарида итларнинг безовта акиллаши эшитилиб қоларди. Шунда Қамчинбек ўрнидан ирғиб турарди. Унинг орқасидан эса қўшоғиз милтиғини қўлига олган Чорибой амаки ва Дадажонлар бирин-кетин йўлга тушиб, оч бўриларга ташланган итларга ёрдамга шошилишарди. Баъзида бўроннинг қутуриши улар суҳбатига халал берарди.

Бугун эрталабдан осмон мусаффо, қуёш чарақлаб турарди. Болалар оналарининг таъкидлашларига қарамай ташқарида яхмалак отиб, қорбўрон ўйнашарди. Қамчинбек нонуштадан сўнг молларни қўтандан олиб чиқишини, даштда қор эриб, ҳийла сийраклаганини, қўйларнинг

хас-хашак топа олишини айтганди, Чорибой амаки бир оз ўйланиб турди-да деди:

— Аввал ҳавонинг авзойини кўрайин-чи, кейин бир гап бўлар.

Улар ташқарига чиқишди. Кун чошгоҳга яқинлашган, осмонда булут кўринмас, фақат ғарб томон ғуборлироқ эди. Чорибой амаки баланд жойга чиқиб, чор атрофни синчковлик билан кузатди ва пастга тушиб деди:

— Назаримда, бугун кечқурун ҳаво айнийди. Агар қўйларни чиқарадиган бўлсаларинг, узоқроққа кетманглар. Шу атрофда ҳам хашак топилар.

— Бу атрофнинг емиши сизнинг молларингиз учун-да!— деди Қамчинбек.— Биз сал нарироққа борамиз, наҳотки шундай ҳаво айниб қолса?

— Айниши ҳеч гапмас,— деди мўсафид, сўнгра ғарб томонни имлаб кўрсатаркан:— Шу томоннинг хиралиги менга негадир ёқмаяпти!

— Бўпти, амаки,— деди Дадажон суҳбатга аралашиб.— Қўйларни ташқарига ҳайдайлик, бир оз шамолласин, кўп узоққа кетмаймиз.

— Мен бу баттолни яхши биламан,— деди Чорибой ўғлини имлаб кўрсатаркан,— молларни ҳайдадим дегунча, Селобсойга қараб жилади.

— Бунча қўрқасиз, Селобсой унча узоқ эмас-ку!— деди Қамчинбек жилмайиб.

— Шундайку-я, ўғлим, лекин эҳтиёт шарт-да,— таъкидлади мўсафид.— Майли, қўйларни чиқаринглар, лекин Селобсойга ҳаргиз бора кўрманглар.

— Хўп, сизнингча бўлсин, қўйларни яйратиб, тўйдириб келсак бўлдимми?

Улар қўтонларнинг эшигини очиб, қўйларни даштга ҳайдадилар.

Отларининг жilовини тутган Қамчинбек ва Дадажон қўйлар сурувининг икки томонидан, катта қизил серка олдинда, қулоқ-думи кесилган итлар сал орқароқда юришар, бўғоз қўйлар эса аста-секин олға интилардилар. Қўзичоқлар бўлмаганидан сурувнинг шовқини хийла пастроқ эди. Сурув аста-секин қишлоқдан узоқлашди. Чориқудуқ атрофидаги кўркам уйлар, боғлар, баланд қирлар ортида қолиб кетди.

Дашт юпқагина қор кўрпаси билан қопланган. Бир ҳафта олдин ёққан қор шамолнинг бетўхтов эсиши, офтобнинг кучсиз шуъласидан юпқалашиб қолган. Шу туфайли унда-бунда бўри изларини пайқаш мумкин.

— Мен биламан, бу атрофда хашак жуда кам, — деди қўйларнинг бетоқат ҳаракатини кўрган Қамчинбек.— Жониворлар азоб чекишяпти.

— Қанақа азоб?— сўради Дадажон.— Бир соат олдин озуқа бергандик-ку?!

Қуруқ хашак бошқа-ю, саҳронинг ўти бошқа, бу жониворларнинг нафас олишию мўлтираган кўзларидан нима дейишини яхши англайман. Ана, томоша қилинг, қўйлар тумшуғи билан қорни беҳуда титкилашяпти. Бари бир ўт йўқ. Лаб айтган эканки, ким келди, қорин айтган эканки, бу қандайин қиёмат, деб. Бу—қошиқ солиб, не-не машаққат билан бир қозон сувдан икки-учта нўхатни топгач, ўша ҳам тишларингиз орасида йўқолиб кетганидай гап.

— Мақсадингни тушуниб турибман,— деди Қамчинбекни тинглаб ўтирган Дадажон табассум билан.— Сурувни Селобсойга ҳайдашимизни хоҳлаясан-да!

— Офарин, амакижон!— деди хурсанд ҳолда Қамчинбек.— У ер-

да йил ўн икки ой қўйларбоп ёмиш бор. Хусусан, қоракўли қўйлар оғир юкли бўлганида шувоқ, янтоқ еса, қўзисининг териси жуда ажойиб бўлади.

Қамчинбекни анчадан бери синаб юрган Дадажон жўрттага деди:

— Қизиқ, териси яхши бўлди нимаю ёмон бўлди нима? Бари бир ҳамма териларни ошламасдан, хомлигича заводга топширасан-ку! Уни яхши-ёмонлигини ошлаб, обдан ишловдан чиқарганингдан кейин билса бўлади.

— Ҳеч-да, — деди Қамчинбек норози оҳангда. — Қўй туғиши биланоқ қўзичоқнинг териси қай тусдалигини, қанча туришини бир қарашдаёқ биламан.

— Хўп, майли, — деди ниҳоят Дадажон. — Сенингча бўлсин.

Селобсойга етиш учун анча юриш, баланд, тошлоқ жойлардан пастга қараб тушмоқ лозим эди. Улар қарийб ярим кун деганда белгиланган манзилга етиб келишди. Дадажон баландда туриб, кўз олдидаги манзарага диққат билан термилди. Дарҳақиқат, дилрабо манзара! Қор билан қопланган текис даштлик... пастликка қараб ўн беш йигирма метргача кенг дара чўзилиб кетарди. Унинг ўртасидан эса сувсиз сой ўтарди. Соининг соҳиллари яшил сабзалар ва буталар билан қопланганди. Пастда қор йўқ эди, бинобарин, юқоридаги оппоқ жилодан кўзлари қамашган Дадажон завқ-шавқ билан гўзал манзарани томоша қиларди.

— Мана, кўрдингизми? — деди Қамчинбек шеригига хитоб билан.

— Бу атрофда бир соат ўтлаган қўй икки кунга етадиган қувват олади.

— Ва фақат сур туғади! — деди кулиб Дадажон.

— Ҳа, ҳа, — деди Қамчинбек жиддийлик билан. — Аммо сиз бу гапга кулманг! Сершира ўт билан мусаффо ҳаво қоракўл териларининг сифати учун катта рол ўйнайди. Агар шундай бўлмаганида нега бу қўйларни қоракўл дейишади? Биласизми, Бухоронинг Қоракўл районида ана шундай териларнинг етиштирилиши учун барча шароит мавжуд.

— Йўқ, мен кулмаяпман, — деди Дадажон. — Қоракўл тери билан қўй ҳақида қанча гапирсанг ҳам эшитавераман.

Улар сурув ортидан пастга тушишди. Жониворлар бу ерларни аввалдан кўриб юргандек бамайлихотир ўтлай бошладилар. Бўрибосар итлар ҳам сурувга яқин ерда ётиб олишди. Отини тушовлаган Қамчинбек атрофдан ўтин йиғишга киришди. Дадажон ҳам ўтин тера-тера қулайроқ офтобруя жойда — кесилган дарахт кундасида ўтириб, нафасини бир оз ростлади.

Эсаётган саррин ҳаво ва сокинликни фақат жониворларнинг аҳён-аҳёнда маърашларигина бузиб турарди. Қиш оғушидаги навбаҳор манзараси, беғубор осмонда чарақлаб турган қуёш шарораси уни хийла элитган эди. Дадажон ўтин йиғиб, чой тарадудида имирсиётган Қамчинбекдан нигоҳини узмай, хаёл оғушига чўмди.

Қарийб икки ойдирки, у ҳаммадан—қишлоғидан, туғишган акаси, ёру дўстларидан кўнгил узиб, бу чексиз даштликка келган ва анча-мунча хайрли ишларни бажарганди. Мушкин ҳаво, тоза муҳит, эркин фикру хаёл уни тентираб юришдан, ғаму андуҳдан, дарду аламлардан бир даража халос этганди. У беғуноҳ қўйлар, кони фойда ҳисобланган безарар жониворлар билан улфат тутинди. Ахир, булар ҳеч кимга халал бермайдилар. Бировнинг ғийбатини ҳам қилишмайди. Одамлар уларнинг жунидан кийим тикишади, қўзисини сўйиб терисидан телпак қилишади, сутини ичишади, гўшту ёғидан қорин тўйғизишади ва ҳатто қийини ерларга сепади, ҳосилни кўпайтиришади. Ҳа, беғуноҳ ва кони фойда қўйлар айрим дилсиёҳ ва бераҳм одамлардан афзалроқдир. Агар қўйиб беришса, у қўйлар ёнидан имкони борича жилмасди. Бироқ

ўз ҳолига қўйишмайди. Бўйни йўғон акаси уни айтганига кўндириб, уйли-жойли қилмагунча, бирор сердаромад жойга ўрнаштирамагунча тинчимасди. Сўнгра райком секретари ҳам унга иш таклиф қилганди. Ахир, ҳозир ҳамма ерда кадр зарур бўлиб қолган пайтда Дадажоннинг сурув ортидан бемалол юришига йўл бўлсин энди.

— Энди битта чой қўяман, кейин нонушта қиламиз,— Қамчинбекнинг бу сўзлари унинг хаёлини бўлди.

— Ҳа, ҳа,— деди беихтиёр Дадажон,— албатта, чой қўймоқ даркор.

Улар гулхан ёқиб, қумғонни олов ўртасига жойлаштиришди.

— Сувни қаердан топдинг?— сўради Дадажон.

— Ҳзим билан бирга олгандим,— деди Қамчинбек.— Менимча, шу яқин атрофда чашма ҳам бор. Эҳ, бу жойларни ёзда келиб томоша қилсангиз экан. Гўё дўзахдан тўппа-тўғри жаннатга келиб тушгандай бўласиз. Мен қўйларни кўпинча шу ерга ҳайдаб келтираман. Бир ёзда, биласизми, агар жонивор қўй ҳимоя қилмаганда, мени илон чақиб олиши ҳеч гапмасди.

— Қандай қилиб? Наҳотки бу ерларда илон бўлса?

— Ҳоҳлаганингизча топилади! Тагин кўзойнаклисидан.

— Ажабо! Қани, гапириб бер-чи, қандай ҳодиса рўй берганди?

Қамчинбек гулханга ўтин қалаб, ҳикоясини бошлади:

— Ушанда ёз анча иссиқ келганди. Кечқурун уйқудан тўйиб, сурувни саҳарга яқин бу ерга ҳайдаб келдим. Атроф ям-яшил. Шерикларим дам олишар, қўйлар бежавотир эди, мен ҳам. Отни тушовлаб, қўйиб юбордим. Сўнг чопонимни бошим остига ёстиқ қилиб, каттакон дарахтнинг қалин соясида мазза қилиб ухлагани чўзилдим. Ўз-ўзидан маълумки, илондан хабарим йўқ... Назаримда, ўша илоннинг уяси мен ётган жойда ё бўлмаса қўйлардан ўз жонини ҳимоя қилиш учун қочиб келаётган бўлган. Шунда бир қўй югурганича келиб, олдинги оёқлари билан илоннинг бошини босиб, эзғилай бошлайди. Қулогим остидаги аллақандай патир-путирдан уйғониб кетдим. Қарасам, ёнгинамда каттакон илон қўй оёқлари остида бемажол типирчиларди. Таёқни дарҳол қўлга олиб, илонни ўлдирдим. Қўй яна сурув томонга кетди. Шундан сўнг ҳалиги қўйга алоҳида эътибор бериб юрдим, унинг қўзиларини сўймадим. Ўтган йили касалга чалиниб ўлаётганда ҳам ҳалоллашларига қўймадим. Ўлганидан сўнг уни баланд тепалик устига чиқариб кўмдим.

Қамчинбекнинг ҳикоясини берилиб тинглаган Дадажонда қўйларга нисбатан яна меҳр жўш урди. Бир оздан сўнг шундай деди:

— Мен қўйларни итлардек у қадар ақлли ва ҳушёр бўлмаса керак, деб ўйлардим.

— Албатта, итлардек ҳушёр эмас, лекин дўсту душманни яхши танийди. Ўзига ва эгасига қилинган қасддан ҳаминша огоҳ. Афсуски қуввати кам. Бўридай ёвуз душманига тенг келолмайди. Шу туфайли бундай дақиқаларда одамлар ва итлардан мадад кутади.

— Итларингнинг ҳар бири худди шердай-да!— деди Дадажон.

— Бу гап Қамчинбекка жуда маъқул тушди ва у итларини мақтай кетди:

— Менинг бешта итим бор. Уларнинг ҳар бири бештадан бўрига тенг кела олади. Бундан беш йилча бурунроқ эди, оғир йил эди. Қишлоқдан на кунжара, на арпа юборишарди. Молларни кўпинча даштга ҳайдашга мажбур бўлардик. Уша кунни ҳаво совуқ бўлса-да, қор кам эди. Аммо даштда қолиб кетиш мумкин эмасди. Мен пиёда, моллар ортидан ўз хаёлларим билан келарканман, ноҳосдан Рахшнинг бетоқат кишнашини эшитиб, ҳушёр тортдим. Кўрсам, қўйлар безовта, итлар эса олдинга қараб югуришмоқда. Қиш қаттиқ келиб, очлик рўй бермасин экан. Бўрилар ҳеч нарсадан қўрқмасдан куппа-кундузи сурувга

ҳамла қиларди. Уша кунн ҳам бўрилар галасн сурувнмнзга ташланган эдн. Улар на мндан, на мнлнғнмдан, на йўрга отнмдан қўрқншардн. Бўрилар фақат нтларнмдан днлзада эднлар.

Итларнм бўрилар тўдаснга шердайн ташланишдн. Тахмннан етнн-тача бўрн эдн. Мен мнлнқннн қўлга олуб, Рахшга мннднм. Ҳар қанча бақнрнб-чақнрсам ҳам, қанча урсам ҳам Рахш олдннга юрмадн. Маж-бур бўлнб яёв югурднм. Бнр неча марта ўқ бўшатднм. Ҳар қалайн, узган ўқларнм ва нтларнмнннг даҳшатлн олушувндан сўнг бўрнлардан уч-тўрттасн ер тншлаб қолдн. Бошқаларн қочнб кетншдн. Бнроқ, нккнннн нтнм қонга белангандн. Уларнннг қўл-оёқларн, бўйн ва бошларнн латта билан боғлаб хуржунга солднм ва отга юклаб, сурув ортндан қншлоққа йўл олднм. Отам мннннг сўзларнмга ншонмаднлар. Ҳамроҳнм Шамсн отнга мнннб борнб, ўлднрнлган бўрнларнннг тернсннн олуб келганндан сўнг нтларнмга қойнл қолднлар.

Қамчннбекнннг ҳнқоясн ннҳояснга етншн биланоқ ғарб томондан кутилмаганда қаттнқ шамол турдн. Гуё сел ёғншндан дарак бергандайн сойн юзасннн ялаб, улар ёққан гулхан алангасннн ўчнрнб кетдн. Дадажон сароснмада ўрндан турдн. Осмонга қараса, кунботарга қараб оғаётган куёш юзннн пастак булутлар тўса бошлабдн. Ҳамма нарса равшан: улар суҳбатга бернлнб, ҳавонннг ўзгарншндан бехабар қолншган. Қутурган шамол буталар ва дарахт шохларннн ерга эгар, қўйлар бўлса дара ёнбағрнда жам бўлнб, нажот кутнб турншардн. Қамчннбек ҳам ўрндан тезгнна турнб қумғоннннг сувннн бўшатдн-да, хуржунга солнб, отга юкладн.

— Отамнннг гапн тўғрн чнқдн,— дедн у.— Молларнн дарров бу ердан ҳайдаб кетнш керак.

— Қўйлар бундайн қаттнқ шамолда қандайн юрадн?

— Мен олднда юраман, снз орқадан ҳайдайснз!— Қамчннбек шундайн дея серкани эргаштнрнб, қўйларнн юқорнга ҳайдайн бошладн. Бнроқ қўйлар қўрқннч ва ваҳнмадан олдннга юрншннн нстамасдн. Қамчннбек қнчқнрнб-бақнрар, таёғн билан савалар, қўлларн билан етаклаб, қўйларннн юқорнга йўллардн. Дадажон ҳам унга тақлнд қнлнб, қўйларнн баландга ҳайдайн бошладн. Ннҳоят, молларнннг бнр қнсмнн йўлга тушгач, қолганларнн ҳам унга эргашдн. Буни кўрган Қамчннбек отга мнннб, юқорнга чнқдн ва қўйлар бошннн қншлоқ томонга бурдн.

Худдн шу пайтда куёш юзннн булутлар тамомнла тўсдн, атрофнн қоронғнлнқ қопладн, шамол яна зўрайдн. Қўйлар бнр-бнрнга тнқнлншнб безовталанар, атрофдагн дарахтлар беомон қарснллар, Дадажоннннг юзнга эса ёмғнр аралаш қор урнлардн. «Беҳ-беҳ», «моҳ-моҳ» дея сурув олднга тушнб олган Қамчннбек хнйла узоқлашнб кетгандн. Пастда эса қўйлар ҳалн анчагнна. Дадажон бўлса бетоқат қнчқнрар, таёқ ншлатнб, қўйларннн ҳайдар, баъзиларннннг қуруғндан ушлаб юқорнга тортардн.

Шу зайлда қўйларнннг қарнйб ҳаммасн юқорнга чнқнб олдн. Аммо ногаҳонда баландда турган Дадажоннннг оёғн остндан тош кўчнб кетдн. У мувозанатннн йўқотнб, юмалаганча пастга қараб учдн. Унннг ортндан бнр каттакон тош юмалаб келнб, оёғннннг тнззасндан юқорнн қнсмннн боснб қолдн.

Барча қўйлар баландга чнқнб олганндан Қамчннбекнннг овозннн эшннб бўлмасдн. Итлар ҳам қўйлар ортндан кетншган, пастда фақат Рахш ва беҳуш Дадажон қолгандн. Орадан қанча фурсат ўтганннн пайқамадн. Фақат кўз очнб кўрсақн, бнр томоннда Наргнз, бу томоннда Маржона турардн. Ҳар нккнсн ҳам унннг атрофнда гнр айланар, ҳар нккнсн ҳам табассум қнлардн. Дадажон бўлса, ннма дейншн ва ннма қнларннн, бнлмасдан уларнннг юзнга нлнжолн термнлардн,

холос. Гўё унинг ёнида бир аёл унсиз йиғлар, ёлворар ва кўзларининг ёшини Дадажоннинг юзларига томизарди...

«Эй, худо, бу қандай ҳол?— дерди у ўзига-ўзи.— Нега бу аёллар менга ёрдам беришмайди, нега улар табассум қилишади?.. Нега?..» У, бу ҳақда оғиз очмасданоқ билдики, Наргиз латиф қўллари билан тошни оёғи устидан олиб ташламоқчи, Маржона эса бир тарафда туриб, маҳкам босганча Наргизга халал бераётир... Афсуски, Дадажон беҳол ётибди. Йўқса, Маржонанинг бу қилмиши учун муносиб жавоб қайтарарди... Наргиз ҳарчанд уринмасин, тошни қимирлатолмади. Маржона ҳам худди шундай қилди. Уларнинг ҳар иккиси унга термилганча қолдилар. Энди бир аёл юм-юм йиғлар, кўз ёшларини унинг юзларига бетиним томизарди...

Наргиз раҳмдил ва зебо қиз. У нажотталаб Дадажонга ёрдам беришни истайди... Маржона эса қўймайди. Нечун? Маржона нима истайди? Наҳотки у Наргизга қасдма-қасд унинг оёғини босиб турган тошни олиб ташлашга қўймаса? Ахир, Маржонани Дадажонга унаштириб қўйишган-ку! Агар у қишлоқда юрса, Маржона хотини бўларди-ку!..

Отининг ноҳос кишнашидан Наргиз билан Маржона ғойиб бўлишди. Бир одам баландда туриб, унинг номини тутиб чақирарди. Аммо, жавоб бермоққа Дадажонда мажол йўқ. Боши оғрир, қовурғалари зирқирар, хусусан, оғир тош босиб эзгилаган оёғини қимирлатишнинг иложи бўлмаганидан ортиқча ҳаракат бефойда эди... Эҳ, хайриятки, тошни оёғи устидан олиб ташлашди. Оҳ, қандай ҳузур-ҳаловат бу!

Дадажон машинанинг кабинасида кўзини очди. Унинг ёнида Тўйчи, пастда эса Қамчинбек билан Шамси туришарди.

— Хайриятки, ҳушларига келдилар,— деди Тўйчи унинг бошини рўмол билан боғлай туриб.— Акажон, мени танидингизми?

— Ҳа,— деди зўрға Дадажон.— Хўш, нима гап?

— Ҳеч гапмас, — деди Қамчинбек.— Сиз тайрилиб йиқилдингиз, холос. Бахтингизга Тўйчи етиб келди... Хўп, Тўйчи, эҳтиёт қилиб олиб бор, биз ҳам орқадан етиб борамиз.

— Машина изидан бошқа ёққа чиқманглар,— деди Тўйчи пастдагиларга.— Мен яқин йўлдан келгандим, шу йўлдан яна кетаман.

Воқеа шундай бўлган эди: ҳавонинг авзойи бузилганини кўрган Чори амаки безовталана бошлайди. У уйда ўтиролмай ташқарига чиқади. Ҳамроҳи Шамси билан баланд жойга чиқиб, атрофни дўрбин билан кузатади. Яқин атрофда сурувнинг қораси кўринмайди. Демак, қатъий хулоса шу: ўзбошимча Қамчинбек, албатта, Селобсойга кетган. Улар чора излаб турганларида қишлоқ йўлида Тўйчининг машинаси кўринади. Буни Чорибой амаки яхшиликка йўйиб, машинага пешвоз чиқади. Машинада икки нафар мол доктори билан уларга кўмаклашиб юрган уч колхозчи қиз бор эди. Шулардан бири Маржона эди... Чори амаки Тўйчига илтижо оҳангида хавотир билан деди:

— Уғлим, юкингни шу ерга тушириб, Қамчинбекнинг орқасидан бормасанг бўлмайдиганга ўхшайди... Қўрясан-ку, қор шиддат билан ёғаяпти. У нодоннинг йўлни йўқотиб қўйишидан қўрқаман. Сен билан Шамси бирга боради. Мана бу пўстинларни элтиб, уларга кийдирилглар, термосдаги чой ҳам эсларингиздан чиқмасин.

Тўйчи юкларни тезда тушириб, Шамси билан кабинага чиқди ва машинани Селобсой томонга шитоб билан ҳайдаб кетди. Улар сурув бошига етиб келганларида Дадажонни адаштириб, орқага — дарага тушишга ҳозирланиб турган отлиқ Қамчинбекнинг безовталанаётганини кўрган эдилар.

Фотиҳ Ниёзий



Ўрмонни холи деб ҳумон қилмагин

ШУ НОМЛИ РОМАНДАН ПАРЧА

Полк командири иккинчи взводга телефон қилиб, Давлатни сўради. Давлат трубкани қулоғига тутдию подполковникнинг илк сўзларидан ранги ўчиб, дами ичига тушгандай беихтиёр лаб тишлади.

— Фашистлар қисмларимизнинг икки қанотидан саноқсиз тўпу танк билан ҳужумга ўтиб, бизни қуршаб олмоқчи,— огоҳлантирди Тарасевич.— Қўшни қисмлар душман билан қаттиқ олишяптилар. Ҳадемасдан биз ҳам немисларнинг катта кучига юзма-юз келишимиз мумкин. Сенинг ротанг катта йўлга яқин жойлашган. Шу боисдан душман йўлини тўсиш сенинг жангчиларингнинг ҳаракатига боғлиқ. Айниқса, душман танкларига ҳушёр бўлиб, уларни ўт билан қарши олиб, кўпроқ сафдан чиқариш керак. Қисқаси, ротанг биз учун ишончли қалқон бўлмоғи лозим. Тушунарлими?

Давлат гапни қисқа қилди:

— Тушунарли!

— Муваффақият тилайман,— деди комполк...

— Ўртоқ 211,— полк командирига мурожаат қилди Давлат,— керакли одамларга буюринг: бизга ўқ-дорини вақтида етказиб турсинлар. Алло! Алло! Ўртоқ 211!!!

Телефон жимиб қолганди. Давлат югуриб биринчи взводга келди. У ерда ҳам телефон ишламасди. Алоқачи Петя Семёновнинг телефонидан ҳам садо чиқмасди. Алоқачилар телефон сими бўйлаб унинг иллатини излашар, аммо ҳеч тополмасдилар.

Бир вақт узоқдан моторлар шовқини қулоққа чалинди, даҳшатли гумбурлаш тобора яқинлашарди.

— Танк! Немислар танки!..— Изтиробли бонг урди Давлат.

Катта йўлдан ёнма-ён қаторлашиб танк кетидан танк келарди. Баъзи танкларнинг қопқоғи ёпиқ, баъзилариники очиқ, танкчиларнинг қора телпакли бошлари кўриниб турарди. Танклар худди лойга ботиб чиққанга ўхшашарди. Бу узоқ йўл, дашту ўрмонларни босиб келаётганликларидан дарак берарди.

Давлатнинг жангчилари гўё нафас олмасдан жим туришар, не-

мис танкчиларининг шиддатли ўт очишини кутардилар. Аммо анча вақтгача танклар моторининг қулоқни қоматга келтирувчи шовқинидан бошқа на пулемёт овози эшитилардию на снарядларнинг портлаши.

«Харомзодалар, бизни масхара қилишмоқчи, ўқ отмасдан ҳам сизларни янчиб ташлаймиз демоқчилар», кўнглидан ўтказди Давлат ва ғазабланиб, алоқачилар орқали яқинлашган ҳар бир танкга қаттиқ ўт очишни буюрди.

Олдинда келаётган икки танк ёнди, бир танкнинг занжирли чархи узилиб, уч-тўрт марта гир айландию юролмай қолди. Бошқа танкларнинг йўли тўсилди, ўнгу сўлга, экинзору чакалакзорларга ўрмалаб, олов пуркаб, ўқ ёғдира бошлади. Жангчилар бош кўтаролмай қолдилар. Шунга қарамасдан тўп ва миномётлардан отилган ўқлар, гранаталардан яна учта танк сафдан чиқди, қолганлари жангчиларимизнинг окоп ва хандақларини босиб, ротанинг орқа томонига ўтиб кетдилар.

Давлат танклар кетидан қараб ҳайратда қолди: бирон жангчи кўринмасди. Ротада аввалгидай сирли сукунат ҳукм сурарди. У фурсатдан фойдаланиб, взводлар вазиятини, берилган талофатни кўздан кечирди. Ҳалок бўлганлар ҳам, ярадор бўлганлар ҳам бор эди. Хуллас, жанг соат сайин кескинлашарди, энди оддий жангчидан командиргача — ҳамма аввалгидан ҳам қаттиқроқ синовга тайёр туриши керак эди.

□

Алоқачи орқали батальон ва полк командирлари номидан лейтенант Давлат Сафоев қўлига етган буйруқ ҳам ана шу ҳақда бўлиб, рота командирини ачиқ ҳақиқатдан огоҳлантирарди: уларнинг қисмлари шу чоғда немисларнинг катта кучи қуршовида қолиб, қаттиқ жанг қилишарди. Талофат анчагина, яроқ етишмасди. Бўлинмалар билан телефон алоқаси узилган, тиклашнинг имконияти йўқ. Ҳар бир рота, взвод, ҳар бир жангчи қуршовни ёриб чиқиб, Қизил Армиянинг шарқий томондан жанг қилаётган қисмларига қўшилиш учун жасорат ва матонат кўрсатсин, акс ҳолда, фашистларга асир бўлиш хавфи туғилади, асирлик советлар Ватанига хиёнатдир, асир бўлишдан кўра Ватан учун қурбон бўлмоқ минг карра афзал — буйруқда ана шулар таъкидланган.

Замполит Громов барча командирларни буйруқ билан тезда ташиштирди, талвасаю қўрқувга тушмасдан жангчиларни вазиятдан огоҳлантиришни, тушкунлик ва ноумидликка йўл қўймасликни, сўнгги жангчи қолгунча ҳаракатдаги саф эканликларини унутмасликни буюрди.

Яна жанг бошланди. Десантдан қолган гитлерчилар занжири узилган танк ўти ҳимоясида ротага ҳужум қилдилар. Ердан чиққандай тўрт-беш отлиқ аскар пайдо бўлиб, ротанинг бошқа томонидан таъқиб эта бошлади.

Давлат қоронғи тушгунча урушни чўзиш учун ҳар хил тактик усулларни қўлларди. Аммо яроғ-аслаҳа етмаслиги ва жангчиларнинг уст-ма-уст сафдан чиқиши вазиятни тобора кескинлаштирарди. Унга узлуксиз равишда «фалон командир ярадор бўлди, фалончи ўлди» деган хабар етказардилар. Бу хабарлардан у ўзини қаерга қўйишини билмасди. Оқибат сабру бардоши тугадию таваккал деб тирик қолганларга бош бўлиб ҳамла қилишга, ўрмон томон йўл очишга қарор қилди.

Аввал рота ихтиёридаги барча қурол-яроғлардан бир муддат қаттиқ ўт очиб, унинг паноҳида бир тўда жангчилар билан гоҳ ўрмалаб, гоҳ югуриб, занжири узилган танкка яқин борди. Икки танк ҳамон олов-тутун ичида ёнарди. Давлат ирғиб турдию тўппончасини баланд кўтариб:

— Биродарлар, Ватан учун жангга!— деди.

Қизил аскарларнинг «ура!» садоси тўрт томондан гурулладию аммо тезда жимиб қолди. Бир вақт Давлат уч жангчи билан танк устига чиқиб, унинг қапқоғини очмоқчи бўлди. Аммо очолмади. Яна ерга сақраб, иккита гранатани бир қилиб танк устига иргитди. Тўртовлон ерга ётиб олишди. Ҳавони ларзага келтириб, тутун кўтарилиши билан яна танкка яқинлашди. Энди танк қапқоғи бир томонга эгилиб, люк очилганди.

— Қани, жаноблар, хендехоҳ!— ташқарини кўрсатди немис танкчиларига.

Танк ичидан фақат бир киши чиқди.

— Цвайн, драйн, хендехоҳ!— бонг урди Давлат.

— Капут,— деди танкчи ва имо-ишора билан ўлган шерикларини кўрсатди.

Давлат икки жангчи билан танк ичига кирди. Учинчи жангчи, Самеев, тирик қолган немисга қоровуллик қиларди.

Ротанинг бошқа жангчилари лейтенант Громов бошчилигида десантидан қолган аскарларни қувиб, тўрт юз қадамларча узоқлашгандилар.

Орадан бир муддат ўтдию Давлат ва икки жангчиси қўлларида пулемёт, учта немис автоматини кўтариб танк ичидан чиқдилар.

— Энди бу тилсиз «тилни» нима қиламиз?— сўради Давлат немисга қараб.

— Асфаласофилинга жўнатамиз, ўртоқ лейтенант,— деди дарҳол Самеев ва ўлжага олинган автомат учини немис кўкрагига тиради.

— Ҳай-ҳай, Восмушка,— шаштидан қайтарди Давлат,— шошманг. Суд қилмасдан, ҳукм чиқармасдан отишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

— Ана холос, суд билан прокурорни қаердан топамиз-а?— қош чимириб сўради Самеев.

— Бўлмаса, топилгунча унга қоровуллик қилиб юрамиз,— деди Давлат ярим чин, ярим ҳазил билан ва асирга ўгирилиб, бир вақтлар Тошкент ҳарбий билим юртида ўрганган немисча сўзларни бир-бирига уриштириб сўради:— Хўш, исминг нима?

Асир немисча сўзларни эшитиб, ҳайрон бўлиб, Давлатга бир зум диққат билан кўз югуртириб, деди:

— О... қандай яхши, сиз оз-моз немисчани биласиз, мен оз-моз русчани. Гут-гут... Исми Иоган Мюллер, лейтенант жаноблари.

— Русчани қаерда ўргандинг?— шубҳа билан сўради Давлат.

— Танкчилар мактабида.

Давлат киноя қилди:

— Энди бу тил билишинг унча иш бермаслигидан афсуслансанг керак?

— Йўқ, нега?— ишонч билан деди немис илжайиб.— Аксинча, трибунал ҳукм чиқаргунча анча иш беради...

Самеев гапга аралашди.

— Бу занғарни кўринг-а, йиғлаш ўрнига тиржайди-я...

Шу чоқ узоқдан алоқачи Петя Семёнов кўришиб қолди, бир елкасида телефон, бир елкасида автомат, югуриб келарди. Яқинлашган заҳоти Давлат шошиб сўради:

— Хўш, алоқа тикландими?

— Йўқ, ўртоқ лейтенант,— деди Петя ҳансираб.— Мен бошқа хабар...

— Қандай хабар?

— Немис танклари биз томон келаяпти, юқори работдан ўрмалаб чиқишди,— деди зўрға нафасини ростлаб.

— Олдинда нима гап?

— Замполит Громов, иккинчи взвод командири ҳалок бўлишди, жангчилар ўртасида ҳам ярадорлар, ўлганлар бор. Немисларнинг қолган-қутганлари работга чекинишди.

Давлат Петяга тезда бориб икки взвод командирларига жангчилар билан қулай пистирмага бекиниб, немис танкларига кўринмасликни айтишни буюрди. Ўзи ҳам уч жангчи ва немис танкчиси билан катта йўлнинг ўнг томонида, кўлча ёнидаги чакалакзорга жўнади.

Орадан ярим соатча вақт ўтдию немис танклари катта тезликда шовқин-сурон солиб ўта бошлади. Танклар кетидан бир нечта юк машинаси кўринди. Машиналар устида немис солдатлари ўтиришарди: елкаларида автоматлар осилган, бошларида каска, эгниларида яшил ҳарбий либос, осмонни бошларига кўтариб қўшиқ айтишарди, афтидан маст эдилар.

Давлат газабдан титраб, бирдан тўппончасига қўл узатдию немисни отмоқчи бўлди. Аммо ноҳос кўзи Самеевга тушди. У узоқроқда командиридан кўз узмай турарди. Ҳозиргина асир ҳақида айтган сўзларини эсладию тўппонча филофидан қўлини тортди.

Қоронғи тушди. Лейтенант Сафоев ротаси ҳалок бўлганларни иззат билан кўмиб, тирикларни бир жойга жамлади. Ротанинг ярми қолганди холос. Жангчилар сони зўрға элликтага етарди.

«Нима қилсам экан?— ўзидан сўрарди Давлат.— Яна жанг қил-сакмикан? Нимага? Қуршовдан чиқиб бошқа қисмларга етиб олиш учунми? Аммо бунга кучимиз етармикан? Албатта, бирдан бир йўл барча қолган кучни йиғиб, шарқ томонга жадаллаш керак. Майли, ҳаммамиз эмас, ақалли ярмимиз, тўртдан биримиз манзилга етармиз... Бу ерда қолганларнинг фожиали қисматидан одамлар хабар топишлари учун шунинг ўзи ҳам кифоя...»

Тунда Давлат Сафоев ротаси асирни эргаштириб Полесья ўрмонзорлари орқали шарқ томон йўналди. Авваллари немис асирини судраб боришдан ҳайрон бўлдилару бора-бора унга кўникиб қолдилар. Тўғриси, бир томондан, у дардисар бўлса, иккинчи томондан, жангчилар у билан чала-чулпа немисчалаб, вақт ўтишини билмай қоларди-лар. Айниқса, Самеев билан Клим унга елимдай ёпишиб олганди.

Рота катта йўлдан анча узоқлашиб, ўрмон ичкарисига кириши билан ҳаво чунон ҳам қорайиб кетдики, ёнма-ён кетаётган жангчилар бир-бирларини зўрға кўрардилар. Устига устак, йўл юриш тобора оғирлашарди. Ҳар замонда, у ер-бу ерда гоҳ кўлмак, гоҳ ботқоқ, гоҳ чириб кетган тўнкалар дуч келарди. Бу ҳол жангчиларга, айниқса, ярадорларга ўнғайсиз эди. Давлат ана шуларни ўйлаб тонг отгунча бирор қулай ўтлоқда тунашга қарор қилди. Сал юришдию қулай жой топилди. Тўрт томони азим дарахтлар билан ўралган ўтлоқда тўхташди. Ҳали кўзга кўринмаётган майсалар ва хилма-хил гуллар ҳиди димоққа урилиб, кўнгилни яйратарди.

Жангчилар тўда-тўда бўлиб тўрт томонга ёнбошладилар. Давлат икки взвод командирлари билан ярадорлар ўртасидан жой олди. Немис танкчиси ҳам Самеев ва Клим назорати остида шу ерда ўтирарди.

Қаердандир бир маромдаги отишмалар қулоққа чалинарди. Ҳар замон осмонни ларзага солиб самолётлар учиб ўтишарди. Салгина сокинлик чўкканда, қушлар чулдираши эшитиларди. Бойўғли билан какку бир-бирига навбат беришмас эди. Агар чигирткалар чириллашини бунга қўшсак, гўё бутун бир чолғучилар ансамбли машқ қилаётганга ўхшарди...

Жонибек ҚУВНОҚ таржимаси.

Сотим Улуғзода



ВОСЕТЬ

ШУ НОМЛИ РОМАНДАН ПАРЧА

Умухаммад қушбеги аркнинг ичида яшарди. Унинг ганжкор ва нақшин меҳмонхонаси боргоҳ, яъни қабулхона вазифасини ўтарди. Меҳмонхонанинг эшик ва деразалари узун айвонга қараб очиларди. Катта токчаларга ўн — ўн икки нафар катта-кичик соатлар қатор териб қўйилган, улар гўё бир-бирлари билан мусобақа қилгандек тик-тик қиларди. Булар ажнабий меҳмонларнинг уй эгасига тортиқлари эди.

Қушбеги билан Ширбаданда Остонақулга: «Келинг, бий—додхоҳ, ишларнинг оқибатини бир ўйлашиб кўрайлик», деб. Бухоро аркига бошлаб келиб, шу меҳмонхонасига олиб кирди. Ундан гап олишни истарди. Улар киришлари билан соатлар ўн иккига занг уришди. Фалакнинг гардиши билан бир марта Бухорога келган немис соатсози қушбегининг соатларини шундай бураб тузатиб қўйган эдики, улар бирин-кетин занг урарди — бирининг занги тугаши билан иккинчиси бошларди. Қушбеги уларнинг жиринг-жирингидан лаззат оларди. Бундан муқаддам ҳам бу жойга бир неча бор келган Остонақул эса, бу соатбозликни қушбегининг болаларча қилиғи деб, дилида ундан куларди.

Уй эгаси меҳмонни тўрға ўтқазди, хизматкорлари дарров дастурхон ёзиб, кумуш, олтин товоқларда нозу неъматлар олиб келишди. У чойнакни ўз олдига тортиб, чой қуйишга тараддулланди. Хизматкор ва мулозимлар хўжаларининг бу ишини кўриб, у ўз меҳмони билан танҳо қолиш ниятида эканини пайқаб, чиқиб кетишди.

Аморатпаноҳ¹ меҳмонини еб-ичишга таклиф этиб, ўзи шошилмай гапга киришди. У шарқ қариялари ва донишмандларидек дунёнинг фойийлигидан, оқил кишининг бебаҳо давлат ва бевафо мансабга кўнгил қўймаслиги кераклигидан гап бошлади. Сўнгра Музаффархоннинг мадҳига лаб очиб, бундай деди:

— Муллалар ва калтафаҳм одамлар амирни уҳдасизликдан, лаёқатсизликдан Зирабулоқ ва Чўпонотада насоро қўшинидан

¹ Аморатпаноҳ — бош вазир, яъни қушбегининг унвони, луғавий маъноси амирликни ўз паноҳида сақловчи демакдир.

шикаст еб, ер юзининг сайқали Самарқандни қўлдан чиқарди, шундан бери кофирларнинг фармонбардори бўлиб қолди, амирлик қаламравида телеграф сими тортишга, ўз пойтахтида рус савдо ваколатхоналари очишга рози бўлди, деб маломат қилишади. Аммо, нима бўлганда ҳам, у улуғ амир, одил ва фуқаропарвар эди.

Қушбеги Музаффархон ҳақида шундай гапирардики, гўё у тирик эмас, аллақачон ўлган. Сўнгра сўзловчи Абдулаҳадхонни отанинг арзанда вориси деб атади.

— Иншооллоҳ,— деди у, — саодатли амир вақтида Бухороий шариф давлатининг аввалги қудрат ва шавкати қайта барқарор бўлади.

У гапириб туриб, кўзининг қирида рақибига қарар — ҳали ҳам унинг юз-кўзларидан пинҳоний андишаларини билиш, уни гапга солишни истарди. Остонақул буни сезар, қиёфасини ўзгартмай, бир қўлида чой ичиб, бошқасида тасбеҳ ўгириб, осойишта ўтиргани учун ниятларини пайқаш мумкин эмасди.

— Аммо тўра ҳали ёшлар,— андак сукутдан кейин сўзида давом этди қушбеги. У тўра деб Аҳадхонни кўзда тутар ҳамда амирнинг ўлиши ва тўранинг тахтга чиқишига ҳеч қандай шак-шубҳаси йўқдай гапирарди.— Еш амирнинг ёнида, албатта, бу даргоҳнинг кўпини кўрган, иш ўрганган содиқ қуллар камарбаста бўлиб туришлари лозим. Сиз, бий—додхоҳ, аркони давлатдансиз, амирликнинг пушту паноҳисиз. Бинобарин, бу қулингиз шундай андишалики, сиз давлатхонага келиб, давлат ишларидан қайси бирини, хоҳ лашкарбоши, хоҳ бошқа бирини ихтиёр қилиб, шунга мутасадди бўлиб, жаноби олийнинг яқинида турсангиз, яхши бўларди.

Қушбеги хомуш бўлиб, сўз навбатини меҳмонига берди.

Бий-додхоҳ уни бир озгина интизор қилди-ю, кейин амирлик ва давлат ишларини бир тарафга қўйиб, суҳбатдошига қўққисдан мана бундай бир савол берди:

— Амратпаноҳ, сиз бу йил неча ёшга кирдингиз?

Қушбеги бу ногаҳоний саволдан ҳайрон бўлди.

— Худо хоҳласа, қиш чилласининг бошида икки кам саксонга кираман,— жавоб берди у ва кейин бий—додхоҳ уни, ёшини яшаб, ошини ошаган чол, бинобарин, қушбегилик мансабига нолайиқ андишасига бормагай деб яна илова қилди:— Аммо, худога шукр, ўзим ҳали бардам, бақувватман.

Ҳолбуки, қимирлаб турган бош, онда-сонда қолган тиш, хириллаб нафас олиш амратпаноҳнинг сўзларининг тўғрилигига сираям далолат қилмасди.

— Узоқ умр худодан бир давлат,— деди Остонақул,— аммо бу узоқ умр соғ тан билан бўлса, икки чандон давлатдир... Бу фақир (Остонақул одатда ўзи ҳақида «бу фақир» деб гапирар эди) ёшлик чоғимда бир баёзда қизиқ бир қитъани ўқиган эдим, — дея ўша қитъани эсга олиб ўқиди:

Ҳаёт қувончлари ўттиз ёшгача,
Қирқ ёшга борганда ишинг таназзул,
Элликка кирганда сустлашар танинг,
Олтмишга борганда қақшар баданинг,
Мардларнинг етмишда ўлгани афзал,
Саксонда бўлади беоёқ бир шал,
Тўқсон ёш — умрдан навмидлик, э ёр,
Юз ёшга кирганлар умрдан безор.

Бироқ, агар биз яхшироқ мулоҳаза қилсак, — сўзида давом этди Остонақул,— шоирнинг фикри тўғри эмас. Худди амратпаноҳнинг тимсоллари шоирнинг фикрини рад этади. Жаноб амратпаноҳ ўттиз

ёшдан кейин ҳам ҳаётнинг қувончларидан баҳраманд бўлдилар, қирқ ёшларида ишлари таназзулга бормай, балки равнақ ривожа экан, эллида ҳеч бир суствик кўрмадилар, олтмишда билкул саломат эдилар, етмишни ҳам сиҳат-саломат ўтказдилар, энди бардаму бақувват саксонга қараб бормоқдалар. Илоҳий юзга киринг, аморатпаноҳ, иншооллоҳ, сиз тўқсону юздан ҳам асло ноумид ва умрдан безор бўлмайсиз, албатта. Алалхусус, агар бу узоқ умр сизнинг умрингиздек бундай олий мансаб ва давлату комронлиг бирлан ўтса... шундай эмасми, аморатпаноҳ?

«Маккор! Гапни айлантириб, мени чақяпти,— рақибининг кинояларини пайқаб кўнглидан ўтказди қушбеги,— қушбегилик мансабида узоқ ўтирдинг, энди қариб ҳам қолдинг, жойни бўшат, демоқчи. Менга таҳдид ҳам қияпти. Йўқ, биродар, мен қариб қолсам ҳам, ҳали қома-тим камони юзлаб сендек «ўқ»ларни ерга киритиб юборади.

У рақибининг кинояларига жавобан бундай деди:

— Менинг узоқ умрим бошқаларга оғирлик қилса ҳам, ўзимга оғирлик қилмайди, бий — додхоҳ. Агар олло таоло ўз карами билан бу қўлга яна шу қадар умр ато қилса, ҳаммасини Сайидимнинг, ҳоми-йимнинг, валинеъматимнинг хизматларига бағишлардим.

— Бу фақир ҳам шуни айтмоқчи эдим, аморатпаноҳ,— ҳозиржавоблик қилди Остонақул,— яъни, сиз жанобга умр юки ҳам, вазирликнинг вазмин юки ҳам ҳеч вақт оғирлик қилмайди. Сиз чиндан ҳам филдек бақувват қариясиз.

Узоқ жимлик чўкди. Бу орада Остонақул тасбеҳининг ёқут доналарини икки марта санаб чиқди.

«Гапиришни хоҳламаса ҳам мақсади маълум бўлди, — кўнглидан ўтказди қушбеги. — У менинг жойимни олмоқчи. Амирзодаларни назарбанд қилишдан муроди ҳам Аҳадхоннинг кўнглини овлаш, унга яхши кўриниш, кейин ундан менинг ўрнимни тама қилиш, албатта».

Тоҷикчадан Тўхтасин
ЖАЛОЛОВ таржимаси.



Раҳим Жалил

ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ, ХОЛАЖОН

ҲИКОЯ

ШШ аҳрбону хола шаҳарлик меҳмонларни ҳатто тушида ҳам кўрмаганди. Улар кечаси таксида хола ҳовлисини топиб, пўшт-пўштсиз, эшик қоқмасдан, худди ўзларининг уйига келаётгандай турнақатор бўлиб кириб келдилар. Яна бутун бир жамоа: ёшгина эру хотин, лўппигина, юзи оппоқ, сочлари тим-қора икки-уч яшар қизча ва калласи катта, бўйни ингичка, касалнамо эмизикли бола. Меҳмонлар етакчиси — бўйи теракдай узун, ориқ, ранги сарғайган, қошлари қалин, кўзлари ичига чўккан йигит ҳам ухлаётган гўдакни, ҳам тугунни кўтариб, ҳам қизчанинг қўлидан ушлаб келарди. Кўзлари шаҳло, киприклари қайрилма, лаблари гилосдай қип-қизил, қалам қошлари ёйда эгилган, худди ҳозиргина сутга чайиб олиб, мил билан қошларига сурмаю лабларига бўёқ суртгандек кўҳликкина жувон билагига беқасамга ўхшаш матодан тикилган катта сумкани илиб олган эди.

Йигит юқларини эплаёлмай бесўнақайларча қадам босарди. Шаҳрбону хола югуриб пешвоз чиқдию ҳайратдан бир зум қотиб қолди. Буни сезган йигит кулимсираб деди:

— Ҳайрон бўлманг, хола. Биз,— у аёлига қараб қўйди,— ўғлингиз Хайруллажон билан Ялтада қалин ошна бўлгандик. Отпускада болаларни олиб боринглар, тоза ҳаво, дам олиб келасизлар, дегандилар. Шу...

— Нега ҳайрон бўларканман, айланай— деди у гул-гул очилиб. — Хуш келибсиз. Қадамларингизга ҳасанот. Меҳмонга не етсин! Ҳой келин, каравотга кўрпачалар сол. Тез бўл, Санобаржон...

Аёлнинг яланғоч болдирлари ва кўкрагини кўрмаслик учун гоҳ осмонга, гоҳ ерга қараб лолу ҳайрон турган Санобар зипиллаб уйга кириб кетди.

Жувоннинг кўйлаги ҳам қайнонани, ҳам келинни ҳайратга соли-

ши бежиз эмас. «Бу кўйлак, — дилидан ўтказди хола, — нари борса икки метрдан тикилган. Баданнинг учдан бир қисмини ёпармикан? Тавба қилдим, қўллар кифтгача, оёқлари тиззагача очиқ. Сочини қаранг! Қудратингдан ўргилай, бошидаги худди лайлакнинг уяси. Ҳусну жамоли бамисоли... Эрининг айбидир».

Санобар кўрпачалар чиқариб, ҳовузча лабида, оқар ариқ устидаги катта ёғоч каравотнинг учала томонига ёзди. Тезроқ чой қайнатиш учун газ плитаси томон югурди. Йигит гўдакни авайлаб кўрпачага ётқиздию тугунни ерга қўйди. Туфлисини ечиб, юқорига ўтиб ўтирди. Қизча ҳам унинг ёнига чўккалаб олди. Аммо жувон каравот ёнида устунга ўхшаб тик турарди.

— Келинжон, ана бу томондан ўтинг, — таклиф қилди хола. — Уялманг, ўз уйингиздай билинг.

Жувон тиржайиб қаради ва сумкасини каравот поясига илди. Сўнг:

— Бирор стул-пстул топилмасмикан? — деди атрофга аланглаб.

— Топилади, келин, топилади. Нега топилмаскан? Санобар, дарров стул келтир, — дея Шаҳрбону хола меҳмонларга ўгирилди. — Хайруллажон ҳадемай келиб қолар. Хабарингиз бордир, у бригада бошлиғи. Ҳозир югур-югур пайти, йиғим-терим ташвиши. Зап ҳосил бўлди бу йил. Айтишларича, плани икки баравардан ошаркан. Сизларнинг қадамингиз қутлуг келди.

Хола катта лаган олиб сон-саноқсиз узум бошлари ғарқ пишган ишком остига кириб кетди. Қадду қомати келишган, ёноқлари қип-қизил, сочлари қўнғироқ Санобар бир зумда дастурхон ёзди. Ҳар хил ширинлик, бир косада қатиқ, бир косада қаймоқ ва катта-катта нонлар келтириб қўйди. Хола баркаш тўла шивирғони, ҳусайни узумларни дастурхонга қўйиб, нон синдириб, лаганни кўтариб эндигина шафтоли узгани бораётганда, кўча эшикдан барваста, кенг кўкракли, эғнида қоржом, оёғида нимдош этик, бошидаги чуст дўпписи тердан шўрланган Хайруллажон шошиб кирдию, шодликдан терисига сигмай ҳай-ҳайлаб кела бошлади:

— Кўзим учиб турганди-я! Ахири ваъдага вафо бўлипти-да! Хайрият-е, ассалому алайкум, иним. Салом, қадрли синглим. Хуш келибсиз, — у йигит билан қучоқ очиб, келин билан қўл бериб кўришдию қайта-қайта ҳол-аҳвол сўради. — Ҳайдаржон билан курортда қиёматли дўст тутингандик, — онаси ва аёлига қараб тушунтирди Хайруллажон. Одам қайга борса, тилдошу юртдошини изларкан. Курортга борганининг учинчи куни булар билан танишиб олганман.

— Курортда гурунглашиб вақт ўтказдик. Бўлмаса одам зерикаркан, — гапга қўшилди Ҳайдар ҳам. — Аммо бошқа шаҳарда, сафарда топишганлар — улфати жон бўларкан. Ана, сизларни қарздор қилиш учун келдик. Келин билан бизнинг кулбамизга ҳам боринглар.

— Албатта, борамиз, — ўз навбатида тасдиқлади Шаҳрбону хола. — Меҳр — кўзда. Меҳру оқибат ошмоғи учун бориш-келиш қилиш керак. Қани, дастурхонга қаранглар. Келинжон, сиз нега ҳеч нима емайсиз? Қаймоқ тоза, бу йил узум ҳам зўр бўлди, ғубор деган нарса йўқ. Қаранг-а, ақиқдай. Отингиз нима, тасаддуқ?

— Оти Зухражон, — деди Ҳайдар.

— Зоя, — деб эрининг хатосини тузатди Зухра ва кўйлагининг этагини паства тортди.

Шаҳрбону холанинг кўзлари жувоннинг очилиб қолган оёқларига тушдию ўзича тавба тазарру қилиб, ёқасига қўл узатди ва юқориги тугмасини бураб, беихтиёр чаккасини ва қулоғи остидаги оппоқ сочини силаб қўйди. «Агар бошқа кўйлаклари ҳам шундай калта бўлса, Санобарнинг кўйлагини кийиб туринг, деб илтимос қиламан, — кўнг-

лидан ўтказди хола.— Айб ахир. Аммо ранжимасдан рози бўларми-кан? Бордию ранжиб, аразлаб, кетамиз, деб ҳамманинг дилини сиёҳ қилса, ўғлим нима дейди? Хайр, бир гап бўлар...» дея хола ўзига таскин бериб, Хайрулланинг қўлидан чойнакни олиб, чой қуйиб, Зухрага узатди:

— Олинг, келин.

— У, оқ қандсиз чой ичмайди,— деди Ҳайдар.

— Оқ қандимиз ҳам бор. Қанддон пастки токчада эди, Санобар,— хола қаторга келиб ўтирмаслик учун ўзини ҳар ишга ураётган Санобарга қаради.

Дастурхон йиғиштирилгандан сўнг Зухра тугунни олиб, уйга кирди ва кўйлагидан анчагина узун ва кенгроқ тунги халатини кийиб, хола ва келинга совға қилиб келтирган икки кўйлакли матони олиб чиқдию латиф бир табассум билан Шаҳрбону хола қўлига берди.

— Қамимизни кўп ўрнида кўринг, арзимас совғамиз учун айбсигманг,— деди Ҳайдар хотинининг индамасдан совға топширганидан хижолат чекиб.— Тўғрисини айтсам, бундан яхшироғини топмадик.

— Бундан яхшироғи бўлмайди!— деди хуштакаллуфлик билан хола.— Раҳмат. Қишлоғимиз дўконларидан бунақаси топилмайди. Ана бу кўйлагингиз, ўрғилай, ўзингизга жуда ярашаркан,— деди сўнг Зухрага.— Гули ҳам яхши экан, тикилиши ҳам. Шаҳарда қўли гул усталар кўп-да!— хола чуқур нафас олдию: «Агар бу «лайлак уяси» ни бошингдан олиб ташласанг, паризоддай хотин бўласан», деган фикрни кўнглидан ўтказиб, ўғлига қаради.— Сен ҳам келинни шаҳарга обориб, шунақа кўйлак тиктириб, кийдириб келгин.

— Холам соддароққа ўхшайдилар,— хола кўзига «ичимдагини топ» зайлида кўринган Зухра бирдан қулфи дилини очди.— Бу халатни уйда киядилар.

— Ажабо!— деб юборди хола.— Агар узунини кўчадаю калтасини уйда кийсалар, бошқа гап эди.— Аммо айтганидан пушаймон бўлиб, ўз хатосини тузатиш учун деди:— Ҳар бир давр ўз кийим-кечагини олдинга қўяркан. Ҳамон эсимда, бола эдим, келинчаклар олтин қошу олтин гажакдан тортиб, маржону тумору тақинчоқу яна қанчадан-қанча зарру зеварни тақардилар, бунчасини ҳатто қозоқлар нортуга осмасдилар. Кўйлаклари кенг эди. Йигитчалар аждаҳорий деган дўппи киярдилар: кизаги тўрт бармоғу теппаси бир қарнч, теги қора сандуфдан, гуллари сариқ...

Хайруллажон онаси ўз хатосини усталик билан тузатишидан хурсанд бўлиб, деди:

— Кўпмас, икки йилча бурун учи бигиздай туфлилар расм бўлганди, ҳозир бўлса учи ранидадай туфлиларни кийиб юришади...

Кечқурун ҳангома авжига чиққанда Зухра «лайлак уясини» билдирмасдан олиб, кўрпача остига яшириб, сочларини орқасига ташлади.

Хола буни кўриб гул-гул очилди.

— Вой, сочингиз қандай узун ва чиройли экан-а, Зухражон!— деди хола ҳам шодлик, ҳам таассуф ила.— Сочни увол қилманг, айланай... Агар сизнинг ўрнингизда бўлганимда қирқ кокилли келин бўлардим. Ишингиз кўп, сочни майда ўришга вақт йўқ, хўш, нега ҳеч бўлмаса иккита қилиб ўрмайсиз? Хайр, бир мартагина менинг гапимга хўп денг, Зухражон, сочингизни майда қилиб ўрайин, чеҳрангизга қандай ярашганини бир кўриб қўйинг!

— Майли, бу ҳам бир гап-да,— кулди Зухра. У кулаётганида хола кўзига чиройлироқ кўриниб кетди.— Ўринг, кўрайлик-чи.

— Жоним билан, қизим.— Зухрани илк бора «қизим» деб, ўзича, кўзга яқин экан, деган ҳукм чиқарди: «Ишқилиб, ҳеч бўлмаганда бир қарич узунроқ кўйлак киядиган бўлсин».— Баракалла, қизим. Соч

Ўришни азалдан севардим. Барча дугоналарим келиб, сочларини менга ўрдиришарди. Ҳамманинг сочи бир томону Солия деган дугонамнинг сочи бир томон эди. Товонини ўпарди-я! Лоф деманг. Қирқ кокилли Робияга ўшарди у. Эсиз, жувонмарг бўлди, бечора. Гўринг куйгир саксон ёшли қарияга, уч хотин устига никоҳлашди. Шўрлик, қарига теккунча ўлимни афзал кўрдию ўзини сувга ташлади...

Зухра биринчи кун Шохрбону холаи замондан орқада қолган деб ўйлаб, гарчи, ундан ўзини четга олган бўлса ҳам, уч-тўрт кундан сўнг бу ниятидан қайтди. Хола радио тинглар, телевизор кўрарди. Кўзи ўқишга ўтмасди, бошқаларга газета ва китоб ўқитарди. У, бир томондан, самимий сўзлари, хушмуомалалиги, меҳмондўстлиги ва иккинчи томондан, шаҳарликлар дастурхони кам кўрадиган ҳар хил лаззатли таомлари билан шаҳарлик меҳмонни ҳайрон қолдирди. Меҳмондорчиликнинг бешинчи кун хола кўзига ойнак тақиб, Зухранинг сочини юндириб, қарийб бир соат овора бўлиб, занжирга ўхшатиб роса қирқ кокил қилиб ўрди. Унга Санобарнинг бир кўйлагини кийдирди ва кўлидан ушлаб, кийим жавони кўзгуси олдига олиб келди:

— Туф-туф, кўз тегмасин-е! Агар пари бўлса Зухражондай бўлади-да!— деди хола унинг атрофида парвонадай чарх уриб. — Ана шунга ўхшаш, тасаддуқ, бир кўйлак тиктиринг. Ўзимизнинг дўкондан кўнглингизга ёққанини оламизу, келиндан бошлаб кўйлак тикиб беришни илтимос қиламиз. Нима дедингиз, Зухражон?

— Майли, сиз шунга истасангиз, мен нима ҳам дердим,— деди Зухра. У ўзининг бежирим қадду қоматини ва ҳусну жамолини кўзгуда кўриб, юзида қандайдир қизиллик пайдо бўлганидан ҳайратланарди.— Келинингиз кўйлак тика оладими?

— Ҳа, тасаддуқ, биз тикувчи изламаймиз, Санобарнинг қўли гул, чевар, ўн бармоғи ўн ҳунар. Пахта теримида ҳам ҳаммани қойил қилади. Ҳали терим бошлансин, кўзингиз билан кўриб тан берасиз.

— Терим бошланмагунча бизга жавоб бермоқчи эмасмисиз?

— Йўқ, тасаддуқ. Келиш иродат билан, кетиш ижозат билан.

Зухра қикирлаб кулди. Унинг кулгиси кўнғироқчалар садосидай жарангли ва ёқимли эди.

— Хайрият...

— Нима дедингиз?

— Бир дугонамнинг сўзига кириб, сочимни кесмаганимга севиняман, холажон.

— Э, шундай сочни кесинг, деб маслаҳат берадиган қанақа дугона экан у? Дугона эмас, бегона экан!

Эртаси Шаҳрбону хола Зухрани эргаштириб магазинга олиб борди ва кўнглига ёққан матодан бир кийимлик сотиб олди.

— Бу сизга, қизим, менинг совғам,— деди.— Йўқ деманг, мендан эсдалик...

Қишлоқда пахта терими бошланди. Санобар ҳам эри билан тонгда туриб теримга кетди. Унинг айтишича, пахтазор уч боғ нарида экан.

Зухра икки-уч кундан буён овқат пиширишда холага кўмаклашар ва бир йўла овқат пиширишни кунт билан ўрганарди. Тушликдан сўнг Санобарнинг пахта теришини кўришга отланди. Пахтазорнинг адоғи кўринмасди. Пахталар қийғос очилиб, кўзни қамаштирарди. Зухра пайкал четидаги бир туп пахтани силаб, томоша қилди. Унинг кўзига пахта ниҳоли столлари устидаги қандилга ўхшарди. Ҳар бир кўсақ қандилнинг шамга монанд лампочкаларини эслатарди. Санобар пахта тўла этагини кўтариб даладан чиқдию хирмонга тўкди. Терган пахта-си бир қопдан ошарди.

— Ҳаммасини бир ўзингиз тердингизми?— сўради Зухра ҳайратомуз.

— Ҳа, ҳали бу ҳалво! Кўп келса, эллик кило келар. Мен ҳар куни икки юзу эллик килодан теришга сўз берганман.

— Этак бўлганда, сизга кўмаклашардим,— деди теришга ҳавас қилиб Зухра.— Институтда ўқиган йилларим мен ҳам чиқардим.

— Меҳмонни ишлатиш қандай бўларкан?

— Майли, этак топинг?— илтимос қилди Зухра. Ҳавасим келяпти. Чамандай очилипти-я!

Шу тариқа, шаҳарлик меҳмон бели зирқираб оғриётган бўлса ҳам, сир бой бермай, тушгача уч жўякнинг пахтасини терди. Терган пахта си йигирма килограммдан ошмаса ҳам, Санобару унинг шериклари: «Қамида эллик кило чиқади, бизнинг нонимизни яримта қилмоқчимиз» деб роса мақтаб, кўнглини кўтардилар. Зухра яна уч кун пахта териб, ишнинг кўзини анча билиб олди, юзи ҳам тандирдан узилган ширмой нондай қизариб кетди. Аммо Ҳайдарнинг отпускиси тугаб борар ва уй эгалари қанча сыйлаб-сыйпашмасин, қайтиши керак эди.

Кетишдан бир кун олдин Зухра яна сочини ювиб, холадан иккита қилиб ўришни илтимос қилди.

— Қирқдан иккига тушиб, боргандан сўнг «лайлак уяси»ни яна бошингизга кўндириб қўйманг, Зухражон?— ҳазил билан сўради хола.— Тасаддуқ, сиз ўқимишли одамсиз, биласиз: шоирлар узун ва хушбўй сочларни мақтаб, қанчадан-қанча ширин-ширин байту ғазаллар битганлар! Соч қадрига етинг, ўргилай, чирмовиқдай айлан-тирманг.

— Хўп, холажон,— ваъда берди Зухра.— Фақат бир шартим бор: бизнинг уйимизга тез-тез меҳмон бўлиб турасиз.

— Жоним билан, фақат пахта теримидан кейин. Ўзингиз кўриб турибсиз, ношукрлик бўлмасин-у, бола боқиш ҳам, қозон-товоқ ҳам менинг бўйнимда. Ҳосилни йиғиб олиб, хотиржам бўлайлик, борамиз,— бирдан Шаҳрбону хола кўзларида ёш қалқди.— Мен сизга жуда ўрганиб қолгандим... Сизлар ҳам отпускани кутмасдан тез-тез келиб туринглар.

Хайрлашув чоғида хола меҳмонлар учун тайёрланган бир халта сузма ва бир сават узумни машинага юклаётиб, Зухранинг юзидан қаттиқ ўпди ва тиззасига тегиб турган кокилини кафтига олиб, силаб қўйди.

Зухра бунинг маъносини тушуниб:

— Яхши қолинг, хола, хавотир олманг,— деди кулиб.

— Илойим мингга киринг, тасаддуқ. Оқ йўл, яна соғ-саломат дийдор кўришайлик,— хайрлашди хола ва хаёлига бир нарса келгандек қўшиб қўйди:— Тасаддуқ, холам хафа бўлмасин, деб шерикларингиздан ажралиб қолманг. «Зарур бўлса, раво бўлғай» деб беҳуда айтмаганлар.

— Хўп бўлади, азиз холажоним!— Зухранинг кўнғироқдай кулгиси яна жаранглади.

Зухра эри ва болалари билан кўча эшигида машинада тушаётганида қайдандир «Сочингни кесгин», деб маслаҳат берган дугонаси пайдо бўлиб қолди. Зухранинг усту бошига, кокилларига аввал ажабланиб, кейин истеҳзо билан қараб, деди:

— Сенга нима бўлди, Зоичка, замонадан юз йилча орқада қолибсан-ку?!

— Мен шу турган-битганим билан замонага ҳамнафас бўлмоқчиман, замона билан бирга қадам ташламоқчиман,— деди Зухра.— Уйга киргин. Кирмайсанми?.. Ихтиёринг,— у дугонаси ортидан лоқайд қараб қўйди.

Тожиқчадан Жонибек ҚУВНОҚ таржимаси.

Фазлиддин Муҳаммадиев



Дўст ХАТИ

ҲИКОЯ

Бир куни Ҳайдаржон, тушки овқатдан кейин, қишлоқ қизларининг ҳусну жамолидан гап очди. Аввалига қишлоқнинг сафоли, оромбахш табиати, қуёш нури ва тоза ҳаво бу ерларнинг қизларига ўзгача бир гўзаллик бағишлаган, деган ҳаммага маълум гапни такрорлади. Кейин уларнинг шўхлиги, хушчақчақлиги, урфу одатлари, анъаналари ҳақида узоқ гапириб кетди.

Мен эшитиб туриб, бу ерда бирон гап бўлса керак, дея кўнглимдан ўтказардим. Шамол бўлмаса дарахтнинг шохи қимирламайди.

Ҳақиқатан ҳам, бир неча кун ўтгандан кейин у яна шу мавзуда сўз очди. Аммо, бу дафъа умуман қишлоқ қизлари ҳақида эмас, балки, уларнинг биттаси хусусида гапирарди. Аввалига унинг жамолини роса мақтади, кейин феъл-атворини шундай таърифлаб кетдики, бошқа киши бўлганда унинг сўзларига мафтун бўлиб, бу кенг оламда шу қиздан бошқа гўзал йўқ, деб гумон қилиши мумкин эди.

Ҳайдаржон сизнинг исмингизни, Сорахон, менинг олдимда ўша куни тилга олган эди.

Бу ўтган йилнинг ўн саккизинчи сентябри эди. Мен нима учун худди ўн саккизинчи сентябрь деганимни сизга кейинроқ тушунтириб бераман.

Дўстимнинг руҳияти мени хурсанд қиларди. Қанийди, ҳар бир кишининг ҳам муҳаббат ҳисси билан лиммо-лим қалби бўлса, ишқнинг ачиқ-чучугини татиса. Ерининг висолига етса! Ҳайдаржон ҳаётнинг бундай мурувватига, аминманки, ҳаммадан кўра кўпроқ сазовордир. Ахир у институтдаги таҳсилини охирига етказиш учун қанча машаққатлар чекмади. Бу беш йил ичида кунига олти-саккиз, баъзида ўн-ўн икки соатлаб мутолаа қиларди. Бунинг устига қари бувиси ва ёш укаларини боқиш учун ярим кечалари босмаҳонада газета корректурасини ўқирди.

Мен билан Ҳайдаржон бир кўчада яшаганмиз, лекин, бир-бири-

мизни ойда бир кўрмасак, кўришмасдик. Бунинг боиси турли институтларда ўқишимиз эмас, балки, Ҳайдаржоннинг ҳаддан ташқари бандлигида эди.

Эсимда бор, бир марта уни бозорда учратиб, халта-хуржуни билан, жони ҳолига қўймай, кинотеатрга судраб олиб киргандим. Ҳайдаржон кинони яхши кўрарди. Аммо, юқорида айтилган сабабларга кўра, томошага камдан-кам тушарди. Ўша кун қарийб ярим соат экранга завқ билан тикилиб, елкамга қоқиб, ўзининг хурсандлигини изҳор этганди. Бир вақт у ногоҳонда жимиб қолди. Қарасам, бошини кўкрагига осилтириб ухлаётган экан. Кинонинг ажойиб мухлиси шундай қизиқарли фильм томошаси пайтида ухлаб қолса-я! Аммо, халал бермадим. Ташқарига чиққанимиздан кейин менга қараб, хижолат билан, якшанбадан бери тўйиб ухламаганини айтди...

Сиз, Сорахон синглим, унинг ҳаётидаги бу жиҳатлардан беҳабарсиз. Чунки, Ҳайдаржон ўзининг азоб-уқубатларини мавридсиз ёки фахрланиб ҳар ерда айтиб юрадиган кишилардан эмас.

Шундай қилиб, ўша куни ўртоғим шодликдан терисига сиғмасди, мен ҳам унинг хурсандчилигига шерик эдим. Бироқ, ўша тўққизинчи сентябрь куни Ҳайдаржон даладан паришонхотир ва нохуш бўлиб қайтди. Ҳар қанча сўрасам ҳам, аҳволининг сабабини айтмади. Кейин билсам, унинг бундай ҳолга тушишига сиз сабаб бўлган экансиз.

Сиз уни кўчада кўриб, бир ишда кўмак беришини сўрабсиз. Кейин бир боққа олиб кириб, эндигина тили чиққан, атак-чечак бўлган учта болани кўрсатиб, шуларга қараб туринг, улар ёғоч катдан тушиб кетмасинлар, ариқ лабига бориб қолмасинлар, мен ҳозир уларнинг оналарини айтиб келаман, дебсиз.

Сиз шўх, одамлар айтганидек, эшаклини эшагидан, отлини отидан туширадиган шаддод қиз экансиз. Сиз, колхознинг янги бош агрономи бўлсаям, кўнгилчан йигит Ҳайдаржон илтимосингизни рад этмаслигини билардингиз. Фақат мулройим йигитлар эмас, балки, энг тошбағир йигитлар ҳам сизнинг шаштингизни қайтаришга ҳадди сиғмас, сўзингизни ерда қолдирмас эди. Буни ҳаммадан кўра ўзингиз яхши билардингиз.

Хуллас, Ҳайдаржоннинг бир бошига учта инжиқ гўдакни ташлаб, ўзингиз кетиб қолибсиз.

Болалар бири қўйиб бири йиғи бошлабди. Кўп ўтмасдан, ҳар учови жонининг борича чириллаб, тепинишиб, юмалай бошлапти. Бош агрономнинг аҳволи ҳам кишининг раҳмини келтирадиган, ҳам кулгили эди. Бояқиш буларнинг қайси бирини тинчатишни, уларни нима деб юпатишини билмасди. Агар уларни ёлғиз қўйиб, сизни излаб кўчага чиқиб кетса, улар баланд катдан йиқилиб тушиб, майиб бўлиши, агарда катдан пастга тушириб қўйса, катта ариқнинг лабига бориб қолишлари, сувга тушиб, фарқ бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмасди. Ҳайдаржон ўзининг ҳайрон ва ғазабли кўзларини ҳовлининг томию деворларига тикиб, гўё улардан мадад сўрар, гоҳида шубҳа билан атрофга боқиб, мени масхара қилмаяптилармикан, дея гумон қилар ва бу мулоҳазаларидан ўзи ҳам қизариб кетарди.

Сиздан ҳам, болаларнинг оналаридан ҳам дарак йўқ эди.

— Каям!— деб қизчалардан бири чириллаб қолди.— Каям!

Ҳайдаржон югуриб бориб полздан бир бош карамни узди ва уни тозалаб, инжиқ қизчага берди. Аммо, рўдак карамни бир томонга ташлаб, илгаригидан қаттиқроқ «каям» деб қичқирди. Саросимага тушган йигит қизчанин «каям» дегани сув сўрагани эканини қайдан биларди. Ҳайдаржон бир неча соат болаларни овутаман деб қон бўлди, аммо, ташлаб кетмади, охиригача чидади; билсангиз, у ўзи шунақа одамлардан. У боғнинг эшигига ўша афсунгар қиз — сиз билан юз

турли орзу-хаёллар шавқида кириб келиб, қуёш ботгандан кейингина юраги хуфтон бўлиб чиқиб кетган эди.

Сиз шу ишлардан кейин ҳам бир неча кун ўзингизни кўрсатмасиз, бу орада у ҳам бригадангиз шийпонида болалар яслиси йўқ эканини, аниқроғи, ясли учун зарурий нарсалар келтирилмаганини, албатта, билиб олди. Ясли ташкил бўлгандан кейин ҳам Ҳайдаржон билан идорада учрашдингиз, у гина-қудуратни аллақачон унутган, ҳалиги воқеадан унда фақат кулгили хотира қолганди, холос.

Лекин, нима учун сиз боғчанинг зарурлигини айнан бош агрономга тушунтирддингиз? Ахир боғча ва умуман колхозчиларнинг турмуш шароити билан правлениенинг бошқа аъзолари ҳам шуғулланади-ку?

Воқеаларнинг бундан кейинги равиши бу саволга жавоб берди. Сиз Ҳайдаржон билан тез-тез учрашадиган бўлдингиз. Бу учрашувларнинг оқибатини, шубҳасиз, ўзингиз билардингиз ва икковингизнинг қизгин суҳбатларингиз, гарчи чигит навлари ёки кулнинг кимёвий таркиби ҳақида бўлса-да, бора-бора қандай натижага олиб келишини яхши сезардингиз. Кўнгилни эритадиган табассумларингиз, оташин кўзларингиздаги учқунлар ошиқ йигитнинг дилига нечоғли ғулғула солишига ишонардингиз!

Муҳаббат ажойиб туйғу экан... Бирданига киши кўнглига йўл топиб, уни бутунлай янги оламга олиб киради, фикру иродаси, ақлу ҳушини, бутун борлигини забт этади, қадам қўйишидан то қарашларигача — ҳамма-ҳаммасини ўзгартириб юборади. Уртоғим энди овқат устида ҳам хиргойи қилар, юрган йўлида қўшиқ айтар, ҳатто илмий китобдаги жумлаларни ҳам «куйлаб» юрарди.

Кўпинча сиз Ҳайдаржон билан кун бўйи бирга бўларкансиз.

Шағал опкелинган кун эсингиздами?

Ғўзапоя йиғиштирилгандан кейин кузнинг ёгингарчилиги бошланиб, бир ҳафта тўхтовсиз давом этди ва охири ёмғир лайлакқорга айланди. Қишлоқ кўчалари лой-балчиқдан киши ўтолмайдиган бўлиб қолганди. Уша кунларнинг бирида, тонг саҳарда, сиз бизнинг уйимизга келиб, Ҳайдаржондан шағал ташишга ёрдам беришини сўрадингиз. «Раис йўқ. Шофёрлар ҳеч кимнинг гапини инобатга олмайдилар,— деддингиз,— эркаклар бўлса, эрталабдан шомга қадар чойхонада давра қуриб, халфана ош ейишу аскиячилик билан кунни ўтказадилар».

Уша куни Ҳайдаржон аллақандай илмий мақола ёзмоқчи эди. Лекин сиз гапни тугатмасданоқ, кийимларини апил-тапил кийиб, худди қанот чиқаргандай, айтганингизни бажаришга киришиб кетди.

У битта шофёрни ишга судраб чиқди, бошқа бир машина рулига ўзи ўтириб, сиз билан бирга шағал ташишга борди.

Аммо, гап бунда эмас. Бу икки кун ичида сиз, истабми-истамайми, Ҳайдаржоннинг ҳиссиётлари оловига ёғ қуйдингиз.

Кейин нима бўлди? Ҳайдаржон сизга шайдою мафтун, сиз эсангиз, яна бир йигитни ширин уйқудан, оромидан, кундалик турмуш роҳатларидан маҳрум қилиб, фикру андишалар дарёсига, рашкнинг боши берк кўчасига, умид йўллари-ю, ноумидлик сўқмоқларига, орзу-хаёлларнинг аччиқ-чучук оламига олиб кирганингиздан сархуш ва бахтиёр эдингиз... Аммо, ўзингиз шу билан тинчландингиз-қолдингиз. Ҳа, хотиржам бўлдингиз. Бунинг устига, ўзингизни четга олиб, сиз учун ақлу ҳушидан ажралган умидвор киши билан учрашишдан юз ўгирдингиз.

У бўлса, баҳор оқшомлари қуртхонанинг эшиги атрофида ўғри каби оҳиста қадам босар, йўловчиларнинг нигоҳини чалғитиб, теракнинг силлиқ танасига тирмашиб, қоровулхонага чиқар, зах томга чўзилар, ўша ердан туриб қоматингизга маҳлиё тикилар, ҳузур қиларди. Сиз бу пайт қуртбоқарларга кўмаклашардингиз, дунёдан беҳабар

ҳолда дугоналарингиз билан тут баргларини новдаларидан ажратиб, латифалар айтиб, қизларни кулдирадингиз, ширин суҳбат, чақчақлашишдан завқ олардингиз. Баъзан дугоналарингиз ишдан фориг бўлиб, доирани қиздириб келардилар. Сиз уни тилга киритардингиз. Бошқалар рақсга тушарди.

Ҳайдаржон қарийб ҳар кеча қоровулхона томида бўларди. Том унинг учун ягона бир жой эдики, ўша ерда туриб у, узоқдан бўлса-да, маҳбубасининг дийдорига мушарраф бўларди.

Бир кун шундай суҳбат бўлди:

— Сорахон,— деди номингизни чўзиб талаффуз қилган дугоналарингиздан бири,— бир ўзингиз бир неча йигитнинг ақлини ўғирлагансиз, агар сир бўлмаса, қай бирига кўнгил бергансиз?..

Сиз у қизга шундай тикилдингизки, бояқиш жимиб қолди. Бу қарашингиз қизларнинг дамани кесди. Аммо, баъзилари бўш келмасди.

— Кимга бўларди? Агроном акага-да!— луқма ташлади бири.

— Қодиржонми!— ўзича ҳукм чиқарди иккинчиси.— Агроном янги одам, кишининг кўнглини билиш осонми?

— Тўғри, Қодиржоннинг ҳусни ҳам бор, овози ҳам ёқимли, шундай эмасми, Соражон?— деди қизлардан яна бири.— Кейин, бизнинг эшитишимизча, қариялар орасида гап ҳам бўлган экан-ку!..

Сиз дугоналарингизни тинчитолмасдан, чиқиб кетдингиз.

Ҳайдаржон томда бу гапларни эшитиб, дили пора-пора бўлар, хаёллари юз кўчага кириб чиқарди. Шунга қарамасдан, янаги кеча хоҳ қуртхонада бўлинг, хоҳ бўлманг, висолингиз умидида томга чиқарди. Мен ўртоғимнинг бу ишларини сезиб, кулгим келарди. Ҳозир ҳам муҳаббат туйғуси кишини шу даражада кўр қилиб, фикр-мулоҳаза юритишдан, ўзини идора қилишдан маҳрум этади деб ҳеч ишонгим келмайди.

Кўпинча қор-ёмғир ҳам унга таъсир қилмасди. Сизлар, аксари, эшиги эҳтиётдан занжирлаб қўйилган ҳовли ичкарисида кулгию шўхликларингизни давом эттирардингиз, Ҳайдаржон ёмғир пардасини нигоҳи билан тешиб, сизлардан кўз узмас, фақат кийимлари жиққа ҳўл бўлиб, ругубат суяк-суягига синггигандан сўнг, акса уриб, фош бўлишдан хавотирланиб, томдан тушарди, сувга тушган мушукдай шаллаббо ҳолда уйга қайтарди...

Ҳозир бу сатрларни ёзпману қулоғимга дутор садолари эшитилиб, хаёлимни паришон қилиб, фикрларимни ҳар томонга тўзитмоқда. Дуторни ичкари хонада Ҳайдаржон чалапти. Ҳа, мана шу ярим кечада, ҳаво иссиқ бўлишига қарамасдан, дим хонада ўтирипти. Чунки, дуторнинг ҳазин нолаларини қўшнилар эшитишидан ҳадиксирайди.

Дўстим сизнинг кўйингизда босган ҳар бир қадамани ичига сиқдирилмай менга айтарди. Муҳаббат изҳор қилганини ҳам айтиб берувди. Сиз рад жавобини бермагансиз, аммо, аниқ-таниқ қилиб розилик ҳам билдирмагансиз. Биз буни, қиз деганнинг нози бор, қабилидаги гапга йўйиб, таскин топиб қўя қолдик. Сиз чайналиб, билимларинг, яъни маълумотларинг тенг эмаслиги ва Ҳайдаржоннинг уй-жойи шаҳарда экани тўсиқ бўлади деб ишора қилипсиз. Биз бу сўзларингизга унчалик эътибор бермадик. Аксинча, бу гаплардан Ҳайдаржоннинг орзулари бир кун келиб куртак отади, деган хулоса чиқардик.

Эсингиздан чиқмаган бўлса, май байрами арафасида ўртоғимнинг бувиси шаҳардан келган эди. Унинг келишини, шубҳасиз, Ҳайдаржон хат орқали талаб қилган, бўлажак қайлиғини олдиндан бувисига ташиштирмакчи бўлган экан.

Аммо, бирданига қишлоқда сизнинг Қодир билан бўладиган ниқоҳ тўйингиз ҳақида гап тарқалди.

Ҳайдаржон кампирининг қўлтиғидан олиб қишлоққа кириб келарди, мен эса унинг қаршисига бу хунук хабар билан борардим. Ниятим — агар Ҳайдаржон ўз мақсадини бувисига билдирмаган бўлса, бундан кейин ҳам оғиз очмасин ва кампир учун дард устига чипқон бўлмасин.

Бу ишларнинг маъноси нима эди?

Дунёда инсон тақдирини бир ўйинчоқ деб биладиган одамлар бор... Уларнинг назарида, инсон юраги бир резина тўп бўлиб, ҳар қандай тепкиларга дош берадиган, ҳар бир ҳангоматалабга эрмак бўладиган нарса.

Майли! Нима бўлса бўлди, ўтган ишга саловот. Қафасдан чиққан куш қайтиб крмайди, Сиз бахтиёр бўлинг.

Эрингиз яхши йигит, чиройли, одобли, обрўли, колхоздаги энг яхши бригаданинг бошлиғи ва ҳоказо. Уша баҳор ўзингиз ҳам бригада бошлиғи қилиб тайинландингиз, энди бу жиҳатдан ҳам бир-бирларингга муносиб бўлдинглар.

Шундай қилиб, сиз ёр танладингиз, бахтингизни топдингиз.

Болаликдан бери бир-биримизга ортиқча гап гапирмаган мен билан Ҳайдаржон эса, сизнинг тўйингиз бўлган куни, қарийб ёқалашдик. Мен уни иродасиз, жинни дедим. Латта, қўймижоз дедим. Қойирдим у лекин унинг ҳақлигини билардим.

Ҳар ҳолда, вақт ўтиши билан Ҳайдаржон таскин топди. Аммо, сизнинг серғулғула, шиддаткор феълингиз, Сорахон, ором нималигини билмас, ўзингизни ўтдан чўққа урардингиз.

Тўйингиздан икки ой ўтгач, саратон кунларининг бирида, бригадангиз шийпони айвонида ўтирардингиз. Мусобақада ютқизган бригада бошлиғи, эрингиз Қодиржон ўртоқлари билан келиб неча йиллардан бери ҳеч кимга бермаган қизил байроқни икки қўллаб сизга топширади, ҳунарингизга, бригада аъзоларининг меҳнатига қойил бўлиб, таъзим қилиб бош эгади, деб интизор эдингиз.

Бутун олам кўзингизга чамандай кўринар, юрагингиз сурурга тўла, кайфингиз чоғ эди. Ғўза ниҳоллари гўё сизнинг хурсандлигингизга шерик бўлгандай, яшил барглари, нафис гуллари билан жилоланиб, сиз билан сўхбат қиларди.

Сиз бригада боғидан янги мевалар келтириб, баркашларга тердингиз, дастурхон тузадингиз. Дугоналарингиз махсус шу маросимга атаб ёғли патирлар ёпдилар. Ахир бу сизнинг бригадир сифатидаги биринчи ғалабангиз эди! Буни тантанали, муносиб нишонламоқчи эдингиз, эрингиз ҳам ана шу хурсандчилигингизга шерик бўлади, дея умид қилардингиз.

Сизгина эмас, Сорахон, кўп кишилар ҳам шу умидда эди.

Байроқни Қодирнинг звено бошлиқларидан бири опкелди ва бригадир тўсатдан касал бўп қолди, келолмайди, деди...

Уша куни кечқурун мен билан Ҳайдаржон ишдан келиб, ҳовлимиздаги ҳовузча лабида ўтирардик. Шомдан ўтганди, боғдан ҳам ҳарорат кўтарилмаганди. Ҳовузча сувида ойнинг кулранг акси шуълаланар, атрофни хира бир ёруғлик қоплаб, сеҳрли тус берганди.

Агроном паришонҳол эди. Хомуш ўтирарди. Бирдан сиз кириб келдингиз. Тўйингиздан бери биринчи марта киришингиз эди. Ёдимда бор, сиз аввалгидай осуда ва хушқол бўлишга ҳаракат қилдингиз. Аммо, Ҳайдаржон бригадангизнинг ишлари тўғрисида гап очган заҳоти (бошқа нима тўғрисида ҳам гапирарди у!), икки юзингиз лоладай қизарди. Камондай эгилган киприкларингиз кўзингизни беркитиб, ундаги ҳаяжонни биздан яширди.

Мен ўрнимдан туриб, кўчага чиқиб кетдим. Қайтиб келганимда, кўзларингиз тўла ёш эди. Ҳайдаржон, кўнглининг нохушлигига қара-

май, аллақандай кулгили ҳикояни сўзларди. Ҳар икковингизнинг чех-рангизда гоҳи-гоҳида енгил табассум балқирди. Аммо, бу табассум илгаригидай юзларингизни мунаввар қилолмасди, зўрма-зўраки, сохта табассум эди.

Сизни кузатгандан кейин кўп ўтмай Ҳайдаржон ҳам кўчага чиқиб кетди ва ярим кечада қайтиб келди. Мен кейинроқ билсам, у раиснинг олдига бориб, шундай долзарб пайтда сизни Москвага, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасига юборишга кўндирипти.

Бир кун кечқурун партия мажлиси чақирилганди — сиз, албатта, буни биласиз, биз, коммунист ўқитувчилар ҳам колхоз партия ташкилоти ҳисобидамиз — мен ҳам бордим.

Мажлисда сув жанжали билан аллақерга кетган миробдан бошқа ҳамма бор эди. Миробни кутиб, ҳар ким ўзича кўрган-эшитганларидан, янгиликлардан сўзлаб ўтирарди. Бу орада Ҳайдаржон чўнтагидан тўрт букланган қоғозни чиқариб, деди:

— Сорахондан хат келди, ҳаммага салом депти. Истасангиз, ўқиб бераман.

Тўғриси, бу кутилмаган хабар эди. Тўпланганлар чунон таъсирлангандиларки, бир лаҳза ҳамма тинчиб қолди. Эрингиз хонанинг энг ёруғ жойида, узунчоқ стол ёнида ўтирарди. У бир нарса демоқчидай бўлиб йўталиб қўйди, лекин, ҳеч нарса демади. Раис жимликни бузди:

— Ўқинг, Ҳайдаржон. Қани, эшитайлик.

— Ҳа, қани, биз ҳам эшитайлик, — деди эрингиз. Хаёлимда унинг овози ўзининг жарангдор овозига ўхшамасди.

Ҳайдаржон хатнинг дуои салом қисмини охирига етказмасдан Қодиржон хонадан чиқиб кетди. Хаёлим паришонлигидан хатнинг мазмуни хотирамда дуруст сақланиб қолган эмас. Езган гапларингиздан фақат шуниси эсимдаки, Москва сафари сизга кўп нарсалар берипти, кўзингизни очипти. Сиз энди қишлоғимиздаги хотин-қизларнинг ҳаётига янгича кўз билан қарай бошлапсиз. Хатда дала меҳнатининг эркаклар ва хотинлар ўртасида нотўғри тақсимлангани ҳақида, рўзгор машаққатлари, ўчоқнинг тутуни-ю, яна кўп нарсалар хусусида ёзипсиз.

...Шу кеча соат ўн бирларда ҳовлимиз эшигини кимдир қоқди. Ҳайдаржон чиқиб эшикни очди. Чироқ олдида ўтириб, болаларнинг дафтарини кўраётгандим. Жойимдан кўзғолмасдан икки-уч марта «Ким у?» «Ким келди?» деб сўрадим. Жавоб бўлмади. Хавотирланиб эшикка чиқдим. Остонада икки киши тик туриб, ойнинг ёғдусида бир-бирини «томоша» қилаётганини кўрдим: ичкарида Ҳайдаржон, ташқарида Қодир — эрингиз. «Оббо, — дедим ўзимга-ўзим, — бу яна қандай даҳмаза бўлди?»

— Ўртоқ бош агроном, сизга икки оғиз гапим бор, — деди ниҳоят Қодир ва чайқалиб кетди.

— Ҳозир кеч бўп қолди. Бориб дам олинг, — жавоб берди Ҳайдаржон. Эрталаб... гаплашамиз.

— Йўқ, ҳозир, — туриб олди Қодир. — Айнан ҳозир гаплашиб оламиз. Нима дедингиз, домла? Еки ўртоқ агроном фақат одамларнинг хотинлари ва қизлари билан суҳбатлашишни яхши кўрадиларми?!

Баданим жимирлаб кетди. Ҳайдаржоннинг тухматларга тоқати йўқлигини яхши биламан. Уни зўрлаб ҳовлига олиб кирдим ва «қимирламадан ўтир», деб тайинлаб, ўзим қайтиб чиқдим. Қодир маст ҳолда, кўчага орқа қилиб, остонада бошини эгиб ўтирарди. Ун чиқармай йиғларди...

Шу воқеадан кейин мен қаттиқ туриб Ҳайдаржонни колхоздан кетишга кўндирдим. Кетдик. Бошқа колхозга бордик. Яна икковимиз МТСга қарашли ҳовлида яшаймиз.

Кечалари мен мактабдан келаман, Ҳайдаржон даладан ё идора-

дан қайтади. Бўйдоқлик рўзгорини бир нави тебратиб кун кўрамыз. Лекин агрономнинг иши аввалгидек барорли эмас. Қоғоз-китобларини йиғиштириб, бирпас ўқийди, оз-моз ёзади, ўчиради, яна ёзади, кейин номаълум хаёлларга ғарқ бўлиб, соатлаб шундай ўтиради. Баъзан бирдан сакраб туради-да, дуторни миҳдан олади, ичкари хонага кириб, чала бошлайди. Агар суҳбатга раъйи бўлса, сиз тўғрингизда, сиз билан учрашиб юрган кунлари ҳақида мислсиз бир жўшқинлик билан сўзлаб кетади. Ўтган воқеаларни сизга маълум бўлган саналар билан тўлдиради: «7 декабрь, шағал ташиган кунимиздан тўрт кун олдин...» ёки «иккинчи апрель, қуртхонага кираётиб...» ва ҳоказо.

Бундан анча илгари МТСнинг секретари мени қўриб: «Сорахон келиб, ўртоғингизни йўқлаган эдилар», деди. Яна кеча телефон қилганингизни ҳам эшитдим.

Мен ҳар қандай одамлар орасига кириб, ошга қатиқ бўлишни ёмон кўраман. Ҳозиргача одамларнинг қалб сирларига, пинҳоний муносабатларига аралашганим йўқ. Аммо, энди бошқа тоқат қилолмайман. Мен тўғримда қандай ўйласангиз ўйлайверинг, лекин, мен кўнглимни бўшатмоқчиман. Ҳали, иккинчи марта телефон қилганингизда, сизни бирор ерда учратиб, кўнглимда йиғиб юрган ачиқ-тизиқ гапларимни айтиб, дўстим ноҳақдан чеккан ранжу озорлар учун ўч олмоққа аҳд қилган эдим.

Ҳақиқатан ҳам, бу ҳангомаларнинг боиси нима? Сиз ҳар доим ўз жамолингиздан маст бўлиб юриб, наҳотки, ўз қилмишларингиз устида, инсоф юзасидан бирор марта ҳушёр тортиб ўйлашга вақт топмадингиз? Биламан, баъзи аёллар ташқи кўринишларидаги гўзалликни ҳаётдаги бир қадар афзаллик дея ҳисоблайдилар, уларни деб неча киши талашиб-тортишиб юрса, ҳаттоки, бахтдан бенасиб ўтса ҳам арзийди, деб ўйлайдилар. Худо ҳаққи, бундай аёлларнинг мана шундай феъли ҳам кулгимни қистатади, ҳам ғазабимни келтиради.

Баъзан сизни ҳақ деб ўйлардим, шунда бошимга: Сорахон нозистигно шавқи билан бу ўйинларнинг ҳаловатига берилиб кетиб, оқибатини ўйламаган-да, деган фикр келарди. Ҳар ҳолда, бошқаларнинг ҳис-туйғуларини сиз ҳали идрок этмасдингиз. Шу боис ҳам одамларнинг ҳар хил бўлишини билмасдингиз: ахир баъзиларнинг қалби нозик ва хассос, баъзиларники эса дағал ва карахт бўлади.

Аммо, сизнинг ҳаммасини билиб-кўриб турганингизни идрок қилиб, бу фикримдан қайтдим. Ахир оддий бир қизнинг бир ярим йил мобайнида областда донгдор бригада бошлиғи даражасига кўтарилиши оддий воқеа эмас. Бунинг учун ғайрат ва ташкилотчилик қобилиятидан ташқари, ақлу фаросат ҳам керак.

Яна такрорлайман, нима бўлса бўлди, ўтган ишга саловат. Аммо, мен Ҳайдаржонни ранжитадиган бошқа бирор хатти-ҳаракат қилмаслигингизни жуда-жуда истардим. Бу хатни ёзишимдан мақсад ҳам шу асли. Ҳайдаржонни энди тинч қўйинг. Қўнғироқ қилманг. Учрашувга йўл ахтарманг. Хат ёзманг. Одамлар орқали дуои салом юборманг. Унинг ўзига яраша орзу-ниятлари бор.

Агар бу хат сизнинг бундан кейинги хатти-ҳаракатингизга таъсир қилмаса, билиб қўйинг, ўз дўстим учун таъсирлироқ тадбирларни ўйлаб топиш ҳам қўлимдан келади. У, Ҳайдаржон, олижаноб, юмшоқ кўнгли, фақат яхшиликни ўйлайдиган одам. Мен эса унақалардан эмасман.

Шунақа гаплар, Сорахон.

Ҳурмат билан ОМОН».

Тожиқчадан **Нажмиддин КОМИЛОВ** ва Тоҳир **ҚАҲҚОР** таржимаси.



Юсуфжон Ақобиров

ЎРИК ГУЛЛАДИ

ҲИКОЯ

Мана, ўлкамизда яна гулгун баҳор фасли. Шу кунларда колхоз боғи нечоғлиқ чирой очиб, яшнаганини кўрсангиз. Шафтоли, гилос, ўрик ғарқ гуллаб, атрофга муаттар бўйларини уфурмоқда. Колхоз боғбони дарахтлар тагини юмшатиб, бўш ерларга қовун, тарвуз ва ошқовоқ уруғини экаяпти. Шу бонсдан колхоз боғбони Эргаш амаки, хотини Фароғатбиби ва уларнинг ёрдамчилари уззу-кун мана шу майда-чуйда ишлар билан банд.

— Равшан,— Эргаш ака хотинига ўғлининг номини айтиб мурожаат қилди.— Мен идорага, раис ҳузурига бориб келаман. Ҳў, анави ерни трактор билан ағдариб ҳайдатиб, қовун эксак, мўл ҳосил олиш мумкин. Ахир, ўзи неча йиллардан бери экилмайди, қовун ҳам роса бўлса керак. Мен келгунча пушталар лабига ловия уруғини экиб туринглар.

Фароғатбиби эрининг гапларини бош ирғганича тасдиқлаб, қулоқ солиб тураркан, анча нари кетиб қолган Эргаш акани тўхтатди.

— Ҳой, дадаси, тез қайтиб келасизми?

— Бирор гапинг бормиди?

— Ўғилларингиз ўтказган қантак ўрик ҳам гуллаяпти,— Фароғатбиби оппоқ гуллаган ўрикчага севинч тўла кўзларини тикаркан, аста пичирлади,— қантак ўрик пишганда келамиз, дейишганди. Йўл-йўлак ай анови муаллимнинг уйига кириб ўтинг. Номи нима эди?

— Рус тили муаллимасини айтаяпсанми? Э, номини мен ҳам унутибман. Шошма-шошма, шундоққина тилимнинг учуда турибди-я. Ҳозир айтаман...

— Ўзим топдим, Шура!— деди Фароғатбиби.

— Ҳа, Шура, топдинг. Шурахон!

— Ўша Шурахонга айтсангиз, битта хатча ёзиб берса, айтинг «ўрикларингиз гуллади, яқинда пишади, имтиҳонларингизни аъло баҳоларга топшириб, тезроқ келинглари» деб ёзсин. Улар хатни олиб, то етиб келганларича ўриklar ҳам пишиб қолади. Ахир Москва озмунча йўлми...

— Э, кампир, ҳовлиқмасанг-чи, ҳозир қишлоғимиз билан Москва ўртаси бир қадам бўлиб қолган. «Ту-104» самолётларидан хабаринг йўқми? Болаларимиз ана шу айропланга ўтирсалар, сен билан мен бир пиёла чой ичганимизча етиб келишади.

— Майли, дадаси, сизлар ўтказган ниҳол гуллади, деб ёздилинг, болажонларим суюнишади-да.

— Гапинг маъқул, кампир. Равшанжон билан Авазхонга шу бу-гуноқ хат ёздириб ташлайман.

□

Шура хатни конвертга солиб, Эргаш акага узатди:

— Мана, отажон, заказингиз тайёр!

— Раҳмат, қизим! Ҳадемай мева ҳам пишиб қолади. Вақтинг бўлганда боғимизга айланиб боргин. Баҳри-дилинг очилиб, дам олиб келасан.

— Раҳмат, отажон, албатта, бораман,— деди Шура майин жилмайиб.

— Майли, қизим, қай пайт кўнглинг тусаса, бемалол бориб дам олиб келавер. Бегона эмас, ўғилларимизнинг мураббийсисан, уларни ўқитдинг, мулло қилдинг.

Шура яна бир бор миннатдорчилик билдирди. Эргаш ака конверт устидаги ёзувларни ҳижжалаб ўқий бошлади: Москва шаҳри, Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети, Эргашев Равшанжонга». Эргаш ака конвертга бир оз тикилиб турди-да, Шурага юзланди:

— Менга қара, қизим. Фақат Равшанжоннинг номига ёзипсанми? Тагидан «Савельев Авазхонга» деб ҳам ёзиб қўй!

— Адресни биттасининг номига ёзса ҳам бўлаберади. Хат икки-сига ҳам...

— Бу гапинг тўғри-ку, лекин «Эргашев Равшанжон ва Савельев Авазхонга» деб ёзсанг яна ҳам яхши бўларди-да.

— Шунчалик бўлса майли, ҳозир ёзиб бераман,— Шура хатни Эргаш аканинг қўлидан олиб, у айтганидек қилиб ёзди.

— Баракалло, қизим, худди шундай ёзгин,— деди Шуранинг ёзу-виги тикилиб турган Эргаш ака хурсанд бўлиб.

□

1951 йилнинг қаҳратон қиши. Бошқа кунларга қараганда ҳаво анча совуқ. Ташқарида қор ёғмоқда. Боядан бери навбатдаги вази-фалар устида бош қотириб ўтирган райком секретари ўрнидан туриб, деразага яқинлашди:

— Қор ёғмоқда... Ерлар ҳам музлади. Ишқилиб колхозларда шуд-гор қилинмаган ер қолмадимикан,— хаёлидан ўтказди секретарь.

Шу пайт кимдир эшикни қоқди:

— Марҳамат!

Бўсағада ўрта бўйли, тўладан келган, сочлари малларанг бир ки-ши кўринди.

— Салом!— У райком секретарига қўл чўзаркан, ўзини таниш-тирди.

— Василий Васильевич Савельев. Москва заводининг ишчиси.

— Қувват Турсунов!

Улар эски танишлардек қўл бериб сўрашаркан, райком секретари меҳмонни ўтиришга таклиф этди. Турсунов билан Савельев анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Кейин бирга чиқиб, секретарнинг «Победа»си-га ўтиришди.

— Ўртоқ Турсунов, рулни менга берсангиз бўларди,— илтимос қилди Савельев.

— Меҳмонни ишга солиш одобдан эмас. Ҳазиллашиб Турсунов ва машинага газ бериб, қишлоқ томон ҳайдади.

□

— Қувватжон-ку, марҳамат!— Уй эгаси меҳмонни илиқ кутиб олди.

— Салом, Эргаш ака, меҳмонга келдик,— райком секретари уй соҳибига қўл узатар экан, қўшимча қилди,— қалайсиз, соғлиқларингиз яхшими, Равшанжону Авазхонлар дурустми?

Эргаш ака ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Шу пайт ўн уч-ўн тўрт ёшлар чамасидаги икки тенгқур бола хонага кириб келишиб меҳмонлар билан саломлашди. Болаларнинг бўйи ҳам, кийимлари ҳам бир хил эди. Юзларида ҳам қандайдир ўхшашлик бор. Авазхоннинг малларанг сочлари Равшанжоннинг сочларидан фарқ қилишини ҳисобга олмаганда иккаласи эгизакка ўхшарди:

— Бу киши москвалик меҳмон, Василий Васильевич Савельев,— райком секретари ҳамроҳини таништирди.

— Василий Васильевич, здравствуйте!— Авазхон меҳмонга рус тилида салом бераркан, Василий Васильевич Авазхоннинг қўлларини қисиб, малларанг сочларини силаб туриб, оғир хўрсиниб қўйди.

Турсунов билан Эргаш ака уни зимдан кузатиб туришарди. Василий Васильевичнинг кўзларидан марварид томчилар юзига юмалай бошлади. Кўз ёшларини ҳам унутиб, болани бағрига босди:

— Исминг нима?

— Авазхон!

— Андрей, болажоним!..— Савельев Авазхоннинг пешонасидан ўпди. Бола «бегона» одамнинг ҳаракатларидан чўчиб, ўзини олиб қоқишга ҳаракат қиларди.

Кутилмаган учрашувдан ҳайратга тушган Эргаш ака бир меҳмонга, бир болага разм соларди. Райком секретари ҳамма воқеадан хабардор бўлганидан бепарвогина ўтирарди.

□

Уруш қанча-қанча шаҳар ва қишлоқларимизни вайрон қилиб, не не оилаларнинг ширин турмушини заққумга айлантормади. Қанча болаларни ота-онасидан жудо қилмади!

Савельевлар оиласининг бошига ҳам шу бахтсизлик тушган эди. Уруш бошланган куниеқ Василий Васильевич ихтиёрий равишда Ватан мудофаасига отланди. Шундай қилиб ёш хотини Таня билан ўғилчаси Андрей ундан жудо бўлишди. Таня Москвадаги касалхоналардан бирида медицина ҳамшираси бўлиб ишларди. Ҳаёт-мамонт жанглари фақат эркакларнигина эмас, аёлларимизни ҳам сафга отлантирди. Ўғилчаси Андрейни болалар уйига топширган Таня ариза бериб, ўз ихтиёри билан фронтга кетди.

Уруш Украина, Белоруссиянинг шаҳар ва қишлоқлари, Москва учун хатарли бўлди. Шу сабабдан болаларни жанг оловларидан олисроққа — Урта Осиё республикаларига кўчирилди. Бошқа болалар қатори Андрей ҳам тожиклар юртига келганди.

Ўғли Фазлидинни фронтга жўнатиб қайтган Эргаш ака уруш болаётган шаҳарлардан Тожикистонга болалар келтиришганини эшитиб, улардан бирортасини олиб, тарбиялаш ҳақида хотини Фароғат-бибига маслаҳат солди. Бу таклиф унга ҳам маъқул тушди. Болалар уйда Эргаш акага етти ёшлар чамасидаги, кўзлари осмондек кўмкўк, сочлари олтиндек сап-сариқ ёқимтой болани кўрсатишди.

Эр-хотин Фазлиддинга бўлган меҳр-муҳаббатларини Андрейга қўйиб, кичик ўғиллари Равшанжон билан уни баробар кўришди. Равшанжонга қандай кийим тикилса, Андрейга ҳам шундай кийим тикиларди. Эргаш ака билан Фароғатбиби Андрейни тўнғич фарзандлари (у ёшлигида ўлганди) номи билан Авазхон деб аташди.

Кишилар бошига ғам-ташвишлар солган уруш ҳам тугади. Бошқалар қатори Василий Васильевич ҳам заводга қайтди. Лекин у энди ёлғиз эди. Умр йўлдоши Танядан дарак йўқ. Ўғли Андрейни излаб, турли ташкилотларга, болалар уйларига мурожаат қилди, жойларга мактублар ёзди...

Мана бугун ота-бола дийдор кўришишди. Василий Васильевич Андрейни ўзи билан олиб кетмоқчи. Лекин — Авазхон энди фақат унинг ўғли эмас, етти йилдан бери ардоқлаб келаётган иккинчи отонасини жон ўрнида кўради. Эргаш аканинг Фазлиддини урушдан қайтмади, ундан «қора хат» келди. Эргаш ака билан Фароғатбиби унинг ўрнига Авазхонни эъзозлашди. Василий Васильевич ўглини топганига севиниб, Андрейни олиб кетса, қандай бўларкан.

Ота шуларни ўйларкан, олиб кетиш учун ўғлидан эмас, аввало Эргаш ака билан Фароғатбибидан розилик олиши кераклигини қалбан тушунди....

□

Меҳмоннинг ҳурмати учун Эргаш ака катта зиёфат бериб, ўтиришга бутун ҳамқишлоқларини таклиф этди. Зиёфатдан кейин Василий Васильевич, Турсунов, Эргаш ака, Фароғатбиби, Авазхон ва Равшанжон яна дастурхон атрофига ўтиришди. Райком секретари Василий Васильевич Москвага қайтиш учун уй эгасидан ижозат сўрамоқчи эканлигини айтди.

Бу гапни эшитиб, эр-хотин аллақандай бўлиб кетишди. Ўғли Фазлиддинни урушда ҳалок бўлганини энди эшитаётгандек, юзларига қайғу чўқди. Уйлари ҳувиллаб, Фазлиддиннинг жойи сезилгандек туюлди. «Василий Васильевич ҳозир ўрнидан туради-да, ўғли Андрейни ўзи билан бирга олиб кетади» деган фикр хаёлидан ўтди.

Меҳмоннинг бугун ё эрта қайтиши, ўглини ҳам ўзи билан бирга олиб кетишини Эргаш ака яхши биларди. Ахир Андрей Эргаш ака учун қанчалик ширин бўлса, Василий Васильевич учун ҳам шу қадар, балки ундан ҳам ширинроқдир. Ахир, у Андрейнинг ҳақиқий отаси-ку!.. Бошқа иложи йўқлигига ақли етган Эргаш ака Андрейни отаси олиб кетишига ноилож рози бўлганди. Фақат меҳмоннинг бир оз туришини, эр-хотин Авазхоннинг дийдорига тўйиб олишларини орзу қиларди.

— Василий Васильевич, ҳали отпускангиз тамом бўлишига анча бор экан,— Эргаш ака қандайдир илтижо билан мурожаат қилди,— агар иложи бўлса, яна бирор ҳафта меҳмонимиз бўлинг. Шаҳар ва қишлоқларимизни томоша қилинг, дам олинг.

Савельев Эргаш аканинг илтимосига нима деб жавоб беришга ҳайрон.

— Йўқ деманг, ўғлим. Бу ер ҳам ўз уйингиз, ўғлингиз Авазхоннинг уйи,— Эргаш ака ҳамон меҳмонни қолишга ундарди.

Савельев «Сиз бир нарса денг» дегандек райком секретарига нигоҳ ташлади. У ҳам уй эгасининг таклифини қувватлади. Шундай қилиб, Василий Васильевич яна бир ҳафта Эргаш ака хонадонининг меҳмони бўлди.

Бугун Василий Васильевични Москвага кузатиб қўйишга Эргаш ака, Авазхон ва Равшанжон вокзалга чиқишди.

— Ёзда, ўқишларинг тугагач, албатта, боринглар. Кутаман. Йўлга чиққан кунларинг телеграмма беринглар. Дийдор кўришгунча хайр!

Поезд перрондан жилгандагина Василий Васильевич кузатгани чиққанларни бир-бир бағрига босиб, хайрлашди.

— Хайр, кўришгунча! Оқ йўл!

Поезд анча узоқлашиб, кўздан ғойиб бўлгунча Эргаш ака, Авазхон ва Равшанжон қўл силтаб туришди.

□

Йиллар ўтди. Равшанжон билан Авазхон ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлашди. Бу орада гоҳо Василий Васильевич уларни кўргани Тожикистонга келарди. Гоҳо Эргаш ака ёзги дам олиш пайтларида ўғилларини ёнига олиб, Москвага борарди.

Мана энди Равшанжон билан Авазхон москвалик. Иккаласи ҳам Москва Давлат университетида ўқишади. Шу вақтгача улар Эргаш ака оиласида тарбияланган бўлсалар, энди иккинчи оилада — Василий Васильевич оиласида. Тожикистонга ҳар йили ёзги каникул вақтида келиб кетишади.

Авазхон билан Равшанжон ёшликларидан Эргаш акага ўхшаб боғдорчиликка ҳавас қўйишганди. Оталари билан ниҳолларни парваришлаб, ўзлари ҳам ниҳол ўтказишарди.

Мана, бугун улар бундан уч йил муқаддам ўтқазган қантак ўрикларни оппоқ гулга кирди. Ўтган йил Москвага кетаётганларида, Фароғатбибига: «Онажон, янаги келишимизгача ўригимиз ҳосил қилса ажаб эмас», дейишган эди. Ҳа, ўрик гуллади. Оназор фарзандлари ўтқазган ниҳол гуллагандан уларни хабардор қилишга ошиқмоқда. Эшитиб қанчалик севинишини она қалби ҳис этади. Фарзанднинг севинчи эса она қувончи.

Тожикичадан **Жамол ШАРОПОВ** таржимаси.

Муҳиддин Хўжаев



Сафийият

ҲИКОЯ

Бу оқшом театр саҳнасида на драма ва на фожиа ўйналарди. Ҳатто комедия ҳам йўқ. Филармония биносига бирор кори-ҳол юз берган эди шекилли, бир неча ҳофизу раққосалар бу ерга келишган.

Опера ва балет театри мухлисларидек томошабин ҳам терма эмас. Қолхозчи, ишчи, зиёли, студент, хуллас, қурама халқлардан иборат.

Концертни бошқарувчи атлас кўйлакли чиройли қиз узундан-узоқ салом ва табриклардан кейин навбатни ёш хонандага берди. Унга бир рубобчи ва чилдирмачи ҳам қўшилиб саҳнага чиқди.

Бироқ бизнинг ҳикоямиз бошқа бир хонанда ҳақида. У саҳна орқасида ўйчан нари бери бориб келарди. Одамда андиша бўлгани ҳам яхши. Ҳар қалай уни ёш деб ҳам бўлмасди. Юзидаги ажинлари, икки чаккасидан оқара бошлаган сийрак сочларига қаралса, қирққа киргани маълум. Хўш, нега у бунчалик бетоқат? Нега бунча беқарор? Ёки саҳнага биринчи бор чиқишимиз?

Йўқ, гап бошқа томонда. Бир вақтлар ҳамма уни яхши танирди. Чолу кампирлар унинг шикаста овозини эшитганларида, бамисоли боладек кўз ёш тўкардилар, болалар эса ёши қайтган кишилардек ўйчан ва мулоҳазакор бўлиб қолардилар. Қисқаси, Ширинлар Лайлига, Фарҳодлар Мажнунга айланарди!

Фотиҳ Қамарий! Бу ном эълон тахталарининг ҳусни-жамоли, ҳар бир катта-кичик давраларнинг файзи, радио тўлқини ва магнитофон ленталарининг бетиним садосига айланган эди.

Фотиҳ Қамарий зангори экран меҳмони бўлганда қиз-жувонлар унинг суратига маҳлиё бўлиб қарашар, эркаклар оғир-оғир хўрсинишар, ёшлар эса унинг овозини чаққонлик билан магнитофон лентасига ёзиб олишарди.

Мабодо Фотиҳ Қамарий ўз шаҳар ёки қишлоғига сафар қилса-чи? Ҳамма ёқда дув-дув гап бўлиб кетар, унинг концертига тушишнинг иложи топилмасди. Унинг таърифу тавсифи ти энг аввал у билан учрашган, бир даврада ўтирган «бахтиёр»лардан эшитиш мумкин бўларди. Ниҳоят, у келиб кетгандан сўнг, бир неча тақлидчилар пайдо

бўлиб, унинг янги қўшиқларини концертга туша олмаган «бадбахт»ларга «тараннум» қилишарди.

Шундай, бир вақтлар уни томошабинлар жуда интизорлик билан кутишарди. Халқ билан саҳна орқали мулоқотда бўлган ўша дамлар ҳамон унинг кўз ўнгида. Қандай ажойиб даврлар эди-я. Шунча иззату икромдан кейин, мана уч йилдан бери, у саҳна юзини кўрмади. Уч йил давомида унинг саҳнаси — қамоқхонанинг заҳ ери-ю, томошабинлари — тўрт девор бўлди.

— Негаям қамоққа тушдим-а?— дея пичирларди у.

Фотиҳ Қамарий бу саволни ўз-ўзига бир неча марта бериб, бир неча бор жавоб қилган. Буни қарангки, айни танг лаҳзада ҳам мазкур савол миясида чарх урди. Жавоб ўрнига барча кирдикорлари эсига тушиб кетди. Тажрибали оператор суратга олган ҳужжатли фильм кадрларидек бир-бир кўз олдида намоён бўлди. Фақат бу фильм овозсиз эди. Бошқарувчи эса Фотиҳ Қамарийнинг ўзи.

Табийки, ҳаммадан аввал ана шу қалтис қадамни қўйган дамлари эсига тушиб кетди. Бу воқеага ҳам йигирма йилча бўлиб қолди. Урушдан кейинги дастлабки йиллар. Фотиҳ Қамарий ҳали балоғатга етмаган кўпгина тенгдошлари қатори фронтга жўнаган оталари ва акаларининг меҳнатини ҳам ўз зиммасига олди. Колхозда шоферлик қила бошлади. Саҳродан колхозга, колхоздан саҳрога юк таширди. Шундай пайтларда яккаю ёлғиз ҳамроҳи қўшиқ бўларди.

— Бугунги қирқ ёшли ва ўттиз ёшли эркаклар — ҳаммамиз уруш даврининг қаҳрамонларимиз,— дея фахр қиларди Фотиҳ Қамарий ўз хотираларида,— ўзимиз бола бўлсак-да, оталаримиз ва акаларимизнинг ўрнида тер тўкардик. Ўзимиз ўқувчи бўлсак-да, қуйи синфларга дарс берардик. Биз ота дийдорига тўймаганмиз, онамизнинг эркалашларини етарли тўймаганмиз. Ана шу қайғу ва ғуссалар қалбимизга мустаҳкам ўрнашиб олиб, гўё овозимга шира, дард бахш этарди. Ўз-ўзимга тасалли бериш учун куйлардим-у, бу ўз навбатида одамларни сел қилиб юборарди.

Ана шу хил ҳаётий лавҳаларни ҳикоя қиларкан, унинг назарида қуйидаги воқеалар ҳам намоён бўлди. Ою йиллар бамисоли дақиқалардай, сониялардай учиб ўтарди. Қизиғи шундаки, бу тезкорлик ўз навбатида унинг иззат-эътиборини ҳам шиддат билан ошириб борарди.

Бир пайтда қарабсизки, Фотиҳ Қамарий юк машинаси рулида эмас, дид билан безатилган «Победа»нинг кабинасида ўтирибди. Унинг манзили ҳам саҳрою биёбон эмас, пойтахт театрларидан бирининг кенг, ҳашаматли саҳнасига айланди. Унинг жозибали, бодомқовоқ кўзлари жангдан оёқ-қўлсиз қайтган мажруҳ эркакларга, фарзандлари ва эрлари жангдан қайтмаган оналар ҳамда келинчакларга қадаларди.

«Ҳар бир чиқишимда мен ана шу хил одамларни, ана шу хил аламли кўзларни излардим. Тор дастасига сим тортмасангиз яхши садоланмаганидек, мен ҳам томошабинлар орасидан ўз ҳамдардларимни топмасам, астойдил куйлай олмасдим...»

Ҳаётий лавҳалар ўзгариб борарди. Энди Фотиҳ Қамарийни «Победа» рулида эмас, яп-янги «Волга»да кўрамиз. У куйлайдиган саҳналар янада шукуҳли, унинг овозини эшитадиган кишилар янада ёшариб борарди. Энди у бир оёқли, бир қўлли эркакларга, мусибатзада оналару тул қолган аёлларга деярли назар ҳам ташламасди.

Ҳа, жанг йиллари узоқлашган сари унинг ҳам дарди, аламлари унутилиб борарди. Бу дард, қайғу-ҳасратлардан нишон ҳам қолмаганди. Томошабинлар ҳам асосан урушдан кейин туғилган ёшлардан иборат эди.

Фотиҳ Қамарий ҳам бутунлай ўзгариб кетди; семирди, юзлари

силлиқлашиб, таранглашди, тишлари тиллога айланди, қарашлари ҳам биё-биё. Энди у томошабинлар орасидан аламли нигоҳларни, дардли, қайғули қалбларни изламас эди. Энди унинг куйловчи вужуди, унинг нигоҳи бошқа хил кўзларга, бошқа хил нигоҳларга завқ бағишларди. Унинг нигоҳлари ундан кўз ўзмай ўтирган гўзал, дуркун қизларга қадаларди. Бошқаларга парво ҳам қилмасди.

— Инсон фарзандининг нуфузи ортган сари ўзидан кетаркан,— деди Фотиҳ Қамарий тан бериб,— айниқса, кишининг толеи ёр бўлиб бахти барқарор бўлса!

Ҳаётий лавҳалар ўзгариб борарди. Фотиҳ Қамарийнинг харидорлари ўз-ўзидан кўпаярди. Нафақат халқ ҳисобига. Энди у махсус давраларда, ҳатто ўйинқароқ жувонлар ва ёш-ёш қизларнинг базмларида хонандалик қилар, уларнинг эшилиб-эшилиб ўйнашларига соз чаларди. Кечалар кундузларга, кундузлар оқшомга айланиб борарди. Аммо айшу ишратларнинг чеки-поёни йўқ.

Мазкур хотираларни эслаш Фотиҳ Қамарийга унчалик хуш келмади шекилли, иккинчи бир шахс ўз-ўзини ҳимоя қилишга кўчди:

— Қандай қилиб «йўқ» дейсиз?! Йўқ, денг-а, кунингизни кўрасиз! Дарҳол «халқни менсимасди, писанд қилмасди», дейишади. Ноилож борардим. Дастлаб томошабин бўлиб ўтирдим. Лекин курашга одатланган полвондек, даврага чиқиб куйламасам, кўнглим ўрнига тушмасди. «Кўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис!» деганлар. Мен ҳам ўшалардай айш-ишрат қилардим...

Нимадир сабаб бўлиб хотиралар баёни охирига етмади. Худди шунда Фотиҳ Қамарий гўё бошқа кишига айланиб хитоб қилди:

— Кўрдингки, пушти паноҳинг, ҳимоячиларинг кўп, кўнглинг нимани хоҳласа ўшани қиларкансан. Бошқалардан нима кам дея ўн оила тургудек дабдабали участкани данғиллатиб қўйибсан. Пул деган лайлак қордек ёғилиб, оби равондек оқиб келиб турса.

Фотиҳ Қамарий сўз жиловини яна ўз қўлига олишга мажбур бўлди. Ундаги ҳар иккала шахс яна бир кишига айланди.

— Нега энди биз ҳам бошқалардек давлат тўплаб, аёлманд оилаларга, сағирхоналарга ёрдам бермаймиз? Ўз пулимизга боғчаю яслилар қурмаймиз? Фақат иғвою физқу фуруж пайида бўламиз!

Ҳозирги айрим киноларимиз ҳаётдан жуда узоқ, аммо ўз ҳаётимиз эса ҳақиқий кино экан. Ҳозирги киноларни бир кўрсангиз, қизиқ туюлса-да, такрор томоша қилсангиз, таъбингиз хира бўлади.

Фотиҳ Қамарий шундай ҳолатга тушдики, негадир ўз саргузаштларини эслашдан нафрати ошиб борарди. Бундан салгина олдин ўз ўзига берган саволдан жуда пушаймон бўлди.

— Ўзбекларда «Юз минг фароғатинг бир надоматингга арзимас» деган ажойиб бир мақол бор. Жуда тўғри экан,— деди у чуқур хўрсиниб,— ўн беш йиллик ас-асаю дабдаба бир томон бўлди-ю, уч йиллик қамоқ ҳам бир томон. Э, ўн беш йил бунинг олдида ҳеч гап эмас.

Балки, «ўзим гуноҳқордирман», дея иқроор бўлмаганда, хотиралар ҳамон уни тарк этмас эди...

Фотиҳ Қамарий соатига кўз ташлади. Вақт алламаҳал бўлса-да, ёш хонанда ҳамон саҳнадан кетмас эди. Гулдаста ва талабномалар кетма-кет ёғилиб турибди.

Ёш хонанданинг қўшиғига Фотиҳ Қамарий бир муддат қулоқ тутган бўлди. Унинг овозида ҳали дард эмас, ишқ ҳукмрон эди. Маҳорати унчалик бўлмаса-да, гурури аллақачон ҳаволаб кетгандай туюлди.

— Бу касофат одамларнинг руҳига қандай йўл топса экан-а?— дея ўз-ўзига савол берди Фотиҳ Қамарий.— Ана шу хил кибру ҳавомиз «шарофати» туфайли ҳунаримиздан ҳам кўра қонимиз тез парва-

риш топади. Бошқалар, бошқаларнинг истеъдоллари назаримизда бир пул бўлиб кўринади. Бовосита ва бевосита унинг истеъдодини чиппакка чиқаргимиз келади.

Шу аснода ёш хонанда гулдурас қарсақлар остида ўзини саҳнадан орқага олди. У ўз чиқишидан ниҳоятда мамнун эди. Фотиҳ Қамарийга унчалик эътибор қилмади.

Атлас кўйлакли қиз Фотиҳ Қамарийга навбатни берди. Баланд қарсақ янграган бўлса-да, лекин у кутган даражада эмас эди.

«Қани, овозимни эшитиб кўришсин-чи», дея Фотиҳ Қамарий торини тиринглатиб, ишқий бир ғазални бошлаб юборди.

Нигоҳини томошабинларга тикди. Қизиғи шундаки, бирор кишининг кўзида аввалгидек меҳр ва ҳавасни кўрмади. Нигоҳлар унинг куйлашидан жило олмас, ҳамма бепарво, анқайиб қараб тургандек эди. Қизларнинг кўзлари унинг кўзларига боқмас, ёшларнинг нигоҳи ҳам аллақандай олазарак эди. Еши ўтиб қолган эркак ва аёлларнинг қиёфаларида эса таънаю маломат ҳукмрон. Қўшиқ тугаган бўлса-да, одамлар яхши чапак чалишмади.

«Қани, она ҳақидаги қўшиқни айтай-чи», дея пичирлади Фотиҳ Қамарий ва тор пардаларини созлаб, куйлай бошлади.

Томошабинларнинг шавқи пасайган кезларда одат бўйича у шу қўшиқни куйлар ва сомеларнинг қизиқишини икки баравар оширишга эришарди. Шикаста қўшиқнинг хазин оҳангги юракларга қуйилиб, кўз ёшлари ўз-ўзидан шашқатор бўлиб оқарди. Ҳатто айримларнинг тоқати тоқ бўлиб, беихтиёр: «Жон!» деб юборишарди.

— Э, буларга нима бўлган ўзи?— ҳайрон бўлди Фотиҳ Қамарий.— Нега ҳаммаси паришон? Ёки мен ўзгариб қолдиммикан? Овозим, ёки куйлашим бошқачароқми? Яна қайси қўшиқни айтсам, буларга манзур бўламан?

— Ҳожати йўқ. Фотиҳ Қамарийдан жудо бўлдик!— деди бир кимса.

Бу — халқ ҳукми. Уч йиллик маломатли ҳаёт, маҳбуслик бунинг олдида ҳеч гап эмас. Халққа мен гуноҳкор эмасман, деб бўлмасан! Унинг ўзи ҳис этади. Барча кирдикорларининг овозаси, рангги рўйинг, овозининг пардаларидан ҳис этади халқ.

— Нима бўляпти ўзи? Наҳотки халқнинг меҳр-муҳаббатига қайта сазовор бўлмасам?!

— Ихтиёр ўз қўлингда,— деди «иккинчи» Фотиҳ Қамарий.— Агар ўша оёқсиз, бир қўлли эркаклар, агар ўша фарзандидан жудо бўлган оналар, тул қолган аёлларни кўз олдинга келтира олсанг, уларнинг қайғу-ҳасратларини дилинга жо қила олсанг, сен ҳамон ўша Фотиҳ Қамарий дилпарварсан!

Бу хил кутиб олиш, томошабинларнинг таъномуз нигоҳлари ва айниқса «иккинчи» Фотиҳ Қамарийнинг жон олгучи таънаси унга қаттиқ таъсир этди. Юраги тўлиб кетди. Марҳум ота-онаси эсига тушиб, ўша мажруҳ эркаклар, ёлғиз қолган аёллар, фарзандидан жудо бўлган муштипар оналар кўз олдида гавдаланди. Қўлидаги тор гўё янгидан жон олгандек бўлди. Фотиҳ Қамарийнинг овози хазин, аламли ва айни пайтда кутилмаган шира билан янграй бошлади. Кўзлари кўзларга, ўнлаб, юзлаб кўзларга тушди.


Ажабо! Ҳамманинг кўзи ота-онасининг кўзига ўхшар, ҳамманинг нигоҳи ўша мажруҳ кишилар, ёлғиз қолган аёллар, фарзандидан жудо бўлган оналарнинг нигоҳига монанд эди.

Бу қандай мўъжиза?!

Ҳамма гап одамнинг ўзида экан, ҳамма гап унинг нигоҳида, самимий назарида экан. Зотан ҳар қандай санъат ҳам самимият билан тирик, самимият билан жозибалидир.

Тожикчадан Незмет АМИНОВ таржимаси.

Саттор Турсун



Чорраха

ҲИКОЯ

Иўлнинг устида турманг, йигитча! Мен сизга неча марта айтдим: жой йўқ!— деди ресторан хизматчиси, ёшига номуносиб антиқа қалпоқча кийиб олган кексароқ аёл.

Жамшид ноилж кетмоқчи бўлиб бурилаётган эди, оркестр музика чалаётган сахначага яқин дераза тагидаги столга кўзи тушди. У ерда иккита жой бўш турарди.

— Ҳув анови ерда жой бор экан,— деди Жамшид ҳамон ёнида қаққайиб турган қалпоқчали аёлга қараб.

Аёл норози қўл силтаб, минғирлай-минғирлай нари кетди.

Рақс тугагач, тўда-тўда бўлганча шовқин-сурон билан тарқалаётган сархуш жуфтларни оралаб ўтган Жамшид бояги столга яқинлашди-да, иккиланибгина тўхтади. Бу ерда бошини пешонабоғ билан танғиб, бўйни аралаш елкасига тивит рўмол ташлаб олган жувон ва қимматбаҳо қаҳваранг костюм-шим кийган бир киши ўтирарди. У олдидаги тарелкага ялагудек бўлиб эгилган, қўлларида пичоғу санчқини баравар ишлатиб, иштаҳа билан овқатланмоқда эди. Оқ кўйлагининг ёқаси очиқ, бўйинбоғининг тўғаси бир ёнга қийшайиб қолган. Жувон эса деразага паришонҳол тикилади. Олдида бир шиша лимонад ва бўш стакан. Нарироқдаги чинни гулдонда икки дона қип-қизил атиргул.

Жамшид стул суянчиғига кафтини қўйиб, сўради:

— Кечирасизлар, бу жой бўшми?

Эркак таомдан бош кўтарди, лунжини қимирлата-қимирлата Жамшидга қаради, қарадио оғзидаги луқмани шоша-пиша ютиб, юзи ёришганча ўрнидан туриб кетди:

— Э, э, Жамшиджон! Ассалому алайкум! Яхшимилар, саломатмилар?

Жамшид шошиб қолди. Бундай учрашувни асло кутмаган эди.

Кўз олдини қоронғилик чулғандек бўлди. Йўқ, келиб-келиб шунақа вазиятда учрашиш етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. У юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлаганини сездию ўзини дарҳол қўлга олиб, эркак билан қуюқ салом-алик қилди, бироқ ҳарчанд тиришмасин, жувон томонга қарай олмади.

— Қани, қани, марҳамат, ўтиринг,— деди Жалил унга курси тўғрилаб.— Учрашиб қолганимизни қаранг! Бўлмаса, қишлоққа қайтганимда отангиз: «Ҳа, бу бизнинг Жамшидбойниям кўргандирсиз-да?», деб сўраб қолсалар, нима дер эдим?

Ногаҳоний ва нохуш бу учрашувдан эсанкираб қолган Жамшид истар-истамас ўтирди. «Кек сақлар экан, деб ўйламасин. Бирпас ўтираману кетаман», деди ичида.

— Узр, бошда мен сизни танимабман...

— Зиёни йўқ, оғайни. Мен ҳам сизнинг қаёқдан пайдо бўлганингизни билмай қолдим.— Жалил тилла тишларини кўрсатиб жилмайди.— Буни қарангки, кўнглимиз тоза, ниятимиз холис экан, мана, учрашиб турибмиз.

У официант қизни чақириб, қулоғига нимадир деб шивирлади-да, яна Жамшидга юзланди:

— Қани, гапиринг энди. Ишлар қалай, хотин, бола-чақа қалай?

— Раҳмат, ҳаммаси жойида. Ўзингиздан сўрасак?

— Биз томошага чиққан эдик, сайр ҳам сайр, саргардонлик ҳам сайр деганларидай. Тагимизда машина, ўзимизники, йўл бўлса яқин...— У лабларини қимтиганча бир лаҳза жим қолди, сўнг хотинига қараб қўйди.— Аммо бу сафар унча маза қилмадик.

— Нима бўлди?— деб сўради Жамшид кўнглидаги ғалаённи яширишга уришиб.

— Бу ернинг ҳавоси ёқмадим, Шаҳнознинг жиндай тоби қочиб қолди.— Жалил яна лабини қимтиб қўйди-да, энди эсига тушгандек сўради:— Айтгандай, сизлар танишсизлар-а? Бир мактабда ўқиган эдиларинг чоғи?

...Ҳа, Жалил, биз бир мактабда ўқиган эдик. Наинки, бир мактабда, ҳатто бир синфда! Сен буни жуда яхши биласан, мунофиқлик қилишнинг нима кераги бор? Еки ўша кеча мени танимаган деб ўйлаяпсанми? Хато қиласан, биродар! Ҳаммаси ёдимда. Уша кимсасиз қоронғи тор кўча ҳам, ўша узоқдан милтиллаб кўринган танҳо чироқ ҳам, пальтонинг ёқасини кўтариб олганинг ҳам, қошингга қадар бостириб кийган соябонли қолпоғингу бўйнингга ўраган шарфингга-ча — ҳамма-ҳаммаси ёдимда...

— Ҳа, бир мактабда,— деди Жамшид.

— Ҳозир ҳам газетада ишлайсизми?

— Шундай.

— Журналистларнинг даромади ёмонмасдир? Тушиб турадим ишқилиб?

— Ёмонмас, тирикчиликка етади.

— Ҳа, тузук... Келиннинг отасини баобрў, давлатманд одам деб эшитаман. Уша киши билан муносабатни қуюқ қилаверинг, оғайни, кам бўлмайсиз. Ҳадемай бирон-бир жойга хўжайин бўлиб кетишингиз ҳам ҳеч гап эмас.

Жамшиднинг бу гапдан ғаши келган бўлса-да, индамай қўяқолди. У бор журъатини тўплаб, боядан бери биринчи марта жувонга тикилиб қаради. Шаҳноз деразадан кўз узиб аста бу ёққа қайрилди, бироқ Жамшидга қарамади. Қошлари қаншарига йиғилиб, лаблари хиёл титраб кетганга ўхшади— эрининг гапига ранжидими? Жамшид унга тикиларкан, Шаҳнознинг кўзларида бир пайтлар порлаган ўтдан энди асар ҳам қолмагандек туюлди. Унинг юз ифодаси ва кўз қарашларида

Жамшид кўрмаган, Жамшидга бегона нималардир пайдо бўлган эди. Беғамлик, бепарволик аралаш... ўкинчга ўхшаган нимадир...

«Ҳали ҳам худди ўшандай чиройли. Фақат бир оз тўлишибди,— дея кўнглидан кечирди Жамшид.— Мен уни тез-тез эслаб туришимни билармикан? Узи-чи, ўзи мени эслармикан? Ҳали-ҳамон ҳар гал «Сўна»га кўзим тушса, бир нарсамни йўқотгандек паришон бўлиб, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Наҳот, ҳаммасини унутган бўлса?»

Бундан ўн йилча бурун — мактабни эндигина битирган кезлари — туғилган кунда Шаҳноз унга «Сўна» китобини совға қилган ва сирли кулимсираб бундай деган эди:

— Дунёда менга иккита одам ёқади. Бирини — мана шу китобнинг қаҳрамони...

— Иккинчиси-чи?— дея юрак ҳовучлаб сўради Жамшид.

— Иккинчиси?— Шаҳноз қувлик билан кўзини олиб қочди.— Иккинчисини ҳозирча билмайман.

— Билмаслигинга ишонмайман!

— Нега энди?— Шаҳноз шундай жозибали қараш қилдики, Жамшид ўз-ўзидан қизариб кетди — қизнинг кўзларида қувонч, бахтиёрлик барқ урарди.— Сиз ўйладингизки... Биласизми, иккинчиси ким?

— Йўқ, билмайман,— деди Жамшид нафаси бўғзига тиқилиб.

— Иккинчиси — Жемма...

...Эҳ-ҳэ, бу гапларга қанча бўлди! Аммо сенинг совғангни мен ҳали ҳам асраб қўйибман, Шаҳноз. У мен учун — ўша ёшликдаги муҳаббатимдан, ушалмаган орзуларимдан қолган ягона эсдалик...

Жалил чўнтагидан сигарет чиқарди:

— Чекасизми?

— Йўқ, раҳмат.

— Бу ишингиз яхши.

...Мактабда бизни ҳамма «Лайли-Мажнун» деб атарди. Мактаб, ўқувчилик — ажойиб даврлар экан!.. Кейин эса сен пединститутнинг сиртқи бўлимига ўқишга кирдинг, мен темир йўл қурилишида ишлаб бошладим. Оиламиз катта, отамнинг топгани гоҳида етса, гоҳида етмас эди. Мен бир-икки йил ишлаб, уч-тўрт сўм йиққандан кейингина ўқишга боришни ўйлаб қўйган эдим. Журналист бўлишни орзу қилардим...

— Бу ишингиз яхши,— деб такрорлади Жалил.— Лаънатининг турган-битгани зиён-заҳар эканини билатуриб, мана, ўн икки йилдан бери чекаман. Неча марта ташладим, бўлмади.— У лабига сигарет қистириб, тутатди.— Болалардан нечта?

— Битта.

— Уғилми?

...Сен у пайтда болалар боғчасида ишлардинг. Мен ҳар кечқурун ишдан кейин ўша ёққа ошиқар, таниш, олабайроқ дарвозага кўзларим толиққунча тикилиб, чиқишингни пойлар эдим. Лекин сен кўп куттирмасдинг. Тўсатдан дарвоза олдида пайдо бўлишингу худди кун бўйи кўз тутиб зориққандек илдам юриб олдимга келишларинг ҳамон кўз ўнгимда. «Мен сизни деразадан кўрдим», дер эдинг майин жилмайиб. Мен ҳар оқшом пайтини топиб, уйлариингга совчи юбориш учун розилигингни олишни дилимга тугиб келардим, бироқ ҳар гал ҳам бу ҳақда оғиз очганим заҳоти сен гапни бошқа ёққа буриб кетардинг. Эсингдами? Шу тариқа неча кун, неча ой ўтди. Ниҳоят, бир кунни таклифимга кўнганга ўхшадинг. Уша кунни ҳаво совуқ, қор ёғаётган эди. «Майли, ўзингиз биласиз». Қанот чиқариб уйга югурдим. Едингда бўлса, тўйни ёзда, сен имтиҳонларингни топшириб келганингда сўнг қилмоқчи эдик...

— Уғилми?

— Йўқ, қизалоқ.

— Ҳа, шундай денг...

...Лекин ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. «Энди мени кузатмай-сиз — одамлар гап қилишяпти», деб қолдинг бир куни. «Гапирса гапираврмайдими, ахир яқинда тўйимиз бўлади-ку!», дедим ажабланиб. Ушанда лабингни тишлаб, қўлингни секингина кафтимдан олиб, қочиб кетганинг эсингдами? Уша куни дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Шу пайтгача муҳаббат дардини, унинг дилни ўртовчи изтиробларини китоблар орқалигина билардим. Кўча-кўйда тўқнаш келиб қолсак, ўзингни кўрмаганга солиб бепарво ўтиб кетган чоғларингда қандай чидаган эканман?! Кейин сени бир неча марта мана шу одам билан учратдим. Уша вақтда у институтни эндигина битириб, универмага директор қилиб тайинланган эди. Эсингдадир?..

— Бизники учта бўлди, учаласи ҳам ўғил, — деди Жалил лабининг четидан тутун пурақаб. — Тўнғичимиз яқинда еттига тўлди.

Официант қиз учта товаки жўжа, бир шиша коньяк, уч тахтача шоколад, парракланган пишлоқ ва чиройли графинчада лимон шарбати келтирди. Жалил сигарет қолдиғини кулдонга ташлади-да, чаққонлик билан ишга киришди: иккита қадаҳга коньяк қўйди, калтабиққи бармоқлари билан шоколадни майдалаб, тақсимчага солди.

— Шаҳноз, сен ичмайсан-а? — деди у хотинига қарамасдан ва жавоб ҳам кутмай Жамшидга юзланди. — Неча йиллик танишмиз-у, лекин биринчи марта мана шундай ўтиришимиз. Тўғрими? Эски оғайниларни унутмаслик керак, Жамшиджон. Мана шу қадаҳни тез-тез учрашиб туришимиз учун олсак...

Жамшид кўз қири билан Шаҳнозга қараб қўйди. Унинг юзидан ҳеч бир маъно уқиб бўлмас, ҳамон боягидек хаёлчан, дераза оша қоронғиликка тикилиб ўтирар, аммо қўлидаги рўмолчани бармоқлари кўкаргудек қаттиқ, асабий ғижимлар эди.

— Агар шуни ичиш билан тез-тез учрашиб туриш мумкин бўлса, бўпти, ичганимиз бўлсин! — деди Жамшид кулимсираб.

Шаҳноз бу гапдан алланечук сергак тортган каби Жамшидга ялт қаради. «Кўзлар тўқнашди!», деди Жамшид ичида. Ҳа, ниҳоят тўқнашди! Бир зумгина...

— Қани, олинг, — деди Жалил қадаҳ узатиб. — Бирор нарса дейсиз энди, оғайни.

— Нима дейин? — дея илжайди Жамшид.

— Ия, журналистларни гапга бой, дейишади-ку...

...Кўп ўтмай сенинг Жалилга унаштирилганинг ҳақида гап тарқалди. Кечалари мижжа қоқмасдан чиқардим, кўзимни юмдим дегунча қаршимда сен пайдо бўлардинг, лабларинг ниманидир тез-тез пишчиларди, аммо мен нима демоқчилигингни англаёлмай доғда қолаверардим. Шунда уйдан чиқиб, тонгга қадар кўчаларда ёлғиз тентираб юрардим. Нималар хаёлимга келмасди! Лекин ҳар қанча ўйламайин, мендан қандай гуноҳ ўтганинию сенинг бебурдларча бирдан ўзгариб қолганинг сабабини англаб етолмас эдим.

Ниҳоят, бир куни чидаёлмадим. Оёқларим ўз-ўзидан мени ўша табиш боғча дарвозаси сари судради. Одатдагидек, бу гал ҳам кўп кутмадим — ўн дақиқа ўтар-ўтмас дарвозадан кўриндинг. Бироқ мен томонга совуқ бир назар ташлаб, базўр салом бердингу шоша-пиша олдимдан ўтиб кетдинг. Орқангдан етиб олиб, сўрадим:

— Шу гаплар тўғрими, Шаҳноз?

— Қанақа гаплар? — дединг пинак бузмай.

— Одамлар айтаётган гап-да.

— Ҳа, тўғри.

— Ахир, сен унинг қанақа одамлигини билмайсан-ку!

— Нима, ёмон одам эканми?
 — Буни бошқалардан сўрайсан, мен..
 — Яхши-ёмонлигини ҳали билмайман-у, лекин ҳар ҳолда қиз бо-
 ланинг қўлини ушлар-ушламас, «Меники бўлди!», деб оламга жар сол-
 маса керак ул..

— Бу нима деганинг, Шаҳноз?

— Билмайсизми?

— Билсам — сўрамасдим.

— Э, қўйинг-э! Бунақа беномус, ҳасадгўй эканингизни олдинроқ билмабман-а, афсус!

Ҳа, худди шундай деган эдинг, Шаҳноз. Мен маломатдан эсанки-
 раганча жойимда қотиб қолдим. Бу ёлғонни кимдан эшитганингни ҳа-
 лигача билмайман, бироқ ўшанда айтган аччиқ гапларинг ҳамон ди-
 лимни ўртайдди. Шу-шу, биз бошқа учрашмадик. Бугун эса бир-бири-
 миз билан гаплашолмаймиз ҳам. Нима ҳақда ўйлаяпсан, Шаҳноз? Не-
 га мендан юз бурасан?..

Жалил Жамшиднинг елкасига қўл ташлаб, кулимсираганча сў-
 ради:

— Намунча ўйланиб қолдингиз, биродари азиз? Яхши бир гап
 айтмоқчисиз, дейман-да?

Жамшиднинг назарида Жалилнинг кулгисига ҳам, гап-сўзларида
 ҳам яширин бир маъно, ғолиблик нашъасию масхара оҳанги бордек
 туюларди.

— Сизларни тўй кунларинг қутлаёлмаган эдим — тобим йўқ эди.
 Мана, энди орадан қанча йил ўтди, лекин кулгили бўлса-да, мен ҳозир
 шу қадаҳни сизларнинг бахтингиз ва саломатлигингиз учун ичмоқчи-
 ман.

— Раҳмат, Жамшиджон. Сиз ҳам бахтли бўлинг!

Ичдилар.

Оркестр қандайдир шўх куйни чала бошлади. Рақс тушаётганлар-
 нинг кулгиси ва оёқ товушлари музика садоларига қўшилиб, яна бир
 оҳанг касб этар, Жамшиднинг назарида эса, бу оҳанг залда ўтирган-
 ларнинг кайфиятини ҳам ўзида мужассамлантирган эди. Куйда шўх-
 ўйноқилик ҳам, далли-ҳавойилик ҳам, айни чоғда, юракни эзадиган
 хазинлигу мунг ҳам бор эди.

— Жуфт қилайлик, Жамшиджон?

— Раҳмат, бошқа ичмайман.

— Э-э, бунинг ўзи бор-йўғи эллик грамм!

— Бир оз иш бор эди-да.

— Олинг, олинг, иш қочмайди!— Жалил қўлидаги қадаҳни Жам-
 шиднинг олдига қўйиб, Шаҳнозга ўгирилди:— Овқатинг совиб қолади.

Ранги алланечук оқаринқираганча жимгина ўтирган Шаҳноз аста
 бошини кўтариб эрига савол назари билан қаради — чамаси, унинг га-
 пини эшитмаган эди.

— Овқатинг совиб қолди, деяпман,— деб такрорлади Жалил яса-
 ма ғамхўрлик билан.— Кўнглинг тусамаса ҳам, ўзингни мажбур қи-
 либ озгина егин.

Шаҳноз эрига лоқайд бир қараб қўйди ва санчқи билан олдидаги
 таомни шунчаки чўқилаган бўлдию яна бошини эгиб олди.

Жалил сигарет тутатиб, бир-икки марта ичига қаттиқ-қаттиқ
 тортди.

...Уша кеч сендан ажралиб, вокзал ресторанига бордим. Умримда
 биринчи марта ичдим. Ҳақиқий эркак ана шундай — аламини ичкилик-
 дан олиши керак, деб ўйлаганман-да. Кўчага чиқдим — кўнглим бе-
 ҳузур, бошим гир-гир айланади, оёқларим ўзимга бўйсунмайди. Бир
 амаллаб тор кўчамизга етиб келдим. Энди ариқдан ҳатлаган эдим,

қоронғида қандайдир шарпа йўлнинг ўртасига чиқди, «Тўхта!» деди бўғиқ, нотаниш овоз. Тўхтаб, дарахтга суяндим. У кела солиб иккала қўли билан бўғзимга ёпишдию қаттиқ-қаттиқ силкиб, «Ҳа, итвачча, ичиб олибсанми? Аламингдан ўлиб қолма тагин!», деди. Бу гапдан ғазабим қайнаб кетди-ю, ўзимни босдим — унинг кимлигини билгим келарди. Аммо билолмадим: у пальтосининг ёқасини кўтарган, соя-бонли қалпоғини қошигача бостириб, оғиз-бурнини шарф билан ўраб олган эди.

— Ўзинг кимсан? — дедим. — Менда нима ишинг бор?

— Кимлигимни билишинг шарт эмас. Агар яна бир марта Шаҳнозга яқинлашсанг, каллангни оламан. Оғзингдан гуллайдиган бўлсанг, мурданг дайди итларга ем бўлади!

— Қўрқитма. Биров билан гаплашиш-гаплашмаслик — ўзимнинг ишим, сен менга хўжайин эмассан!

— Шунақами ҳали? Қўрами-из. Вей, тирранча, билиб қўй: дўстимнинг ор-номуси учун ҳамма нарсага тайёрман! Яна айтаман: Жалилдан бесўроқ, Шаҳнозга бирор оғиз гап ташлайдиган бўлсанг, жонингдан умидингни узавер!

Аламдан титраганча яғринимни дарахтдан узиб, ғазаб билан бақирдим:

— Бор, Жалилингга айт, мард бўлса — ўзи келсин олдимга?

Қолганини ғира-шира эслайман.

— Жалилнинг ўзи келсинми? Мана сенга Жалил, мана!

Чап беришга улгуролмадим, башарамга тушган кучли зарб мени гандираклатиб юборди. Бурним ва лабимдан тирқираб қон чиққанини сезиб, шарфу қалпоқ ёрдамида ўзини яширмоқчи бўлган башарани мўлжаллаганча шиддат билан олдинга отилдим. Бироқ муштим ҳавога кетиб, қўлим шарфига илинди, холос. Бояғи муштданми, ғазабданми, кайфим тарқаб, бирдан ҳушёр тортдим ва тўсатдан қаршимдаги башарани таниб қолдим. Шарфи юзидан сирғалиб, қалпоғи энсаси томон сурилиб кетган эди — энди уни мен танимамай ким танисин!

Оғриқни, лабларимнинг ёрилганинию бурнимдан оқаётган қонни унутгандек овозим борича хахолаб юбордим:

— Номард, аблаҳ экансан!

У юзини кафти билан яширган кўйи сал энгашди-да, кучининг борича човимга қаратиб оёқ силтади. Бироқ мен чап бердим, зарб ўнг оёғимга тегди, шундай қаттиқ тегдики, йиқилиб тушишимга озгина қолди. Вужудимни ғазаб, оғриқ, алам қамраган эди. Муштимни қисганча ўзимни ҳимоя қилишга эмас, йўқ, балки... Энди уни ушласам, соғ қўймасдим!

Қочаётган одамнинг оёқ товушлари... «Нега у ўшанда қочган эди?», деб ўзимга савол бераман баъзан. Таниб қолиб, одамларга айтишимдан қўрққанми? Ахир, биз неча йиллик қўшни эдик, бир-биримизни деярли ҳар кунни учратардик — танимаслигим мумкинми? Ёки қўшничиликни бузмайин, деганми? Қайдам. Ҳар ҳолда, бу унинг охириги марта қилган пасткашлиги эмас экан...

— Нима дедингиз? — деди Жалил ажабланиб.

Жамшид билан Шаҳноз бараварига унга қарашди.

— Ҳеч нима, — деди Жамшид елкасини учириб: у ўзининг пичирлаб юборганини сезмай қолган эди.

— Қайфиятингиз йўққа ўхшайди, паришонроқ кўринасиз — нима бўлди?

— Нима бўларди, тинчлик. Ҳаммаси жойида. Фақат шу, кейинги кунларда уйда ёлғиз қолиб, бир оз сиқилдим, чамаси.

— Нима, келин билан ораларингда бирор гап ўтганми? — дея сўради Жалил жонланиб. — Кўп бўлдими?

— Йўғ-э,— деди Жамшид мийиғида жилмайиб.— Онам келиб, болаларни уч-тўрт кунга олиб кетган эдилар. Бир қариндошимизнинг тўйи бор экан.

— Шунақа демайсизми, биродар, мен ўйлабманки...

...Биз сен билан икки кундан кейин учрашдик, Жалил. Мен кеч-қурун ишдан қайтаётган эдим, тизсам ҳали бир оз оғриб турарди, оқ-соқланиб қадам ташлардим. Сен, эгинида дид билан тикилган беқасам чопон, бошингда сур телпак, дарвозаларинг олдида писта чақиб турардинг.

— Оқсаяпсизми, Жамшидбой, нима қилди?— деб сўрадинг сурбетларча.

Мен кулдиму кўзларингга тик боқиб дедим:

— Қандайдир хунаса кечалаб йўлимни тўсди. Афсуски, таниёлмай қолдим...

— Оббо, лаънати-ей! Дарров мелисага хабар қилмабсиз-да? Қачон бунақа ярамастар гумдон бўларкан-а?!

Жалил кўзимга қараёлмай юзини четга бурганча менинг олдимда ўзини оқламоқчи бўлиб, яна узоқ вайсади. Мен эса унинг тумшугига бир солиб, муғомбир, мунофиқ башарасини топтаб ташлашдан ўзимни аранг тийиб турардим.

Ушанда индамай кетиб бекор қилганимни, номарднинг номардлигини айтиб, бутун кўчага жар солиш зарурлигини, уни куч етганча уриш, калтаклаш кераклигини, негаки, таҳқирни жимгина ичга ютиб азоб чеккандан кўра, мушглашмоқ минг карра афзал эканини мен бу воқеалардан сўнг, кўп йиллар ўтгач, яна бир кеча худди шундай вазиятга тушганимдан кейингина англаб етдим... Бироқ ҳозир ҳам ночор эдим, бундай қилолмасдим. Мен у билан бир столда ўтирардим.

— Эшитишимча, чол-кампирни кўргани қишда уйга борган экансиз, учрашмаганимизни қаранг!

— Вақтим тигизроқ эди, икки кунгина туриб қайтдим.

— Мана, энди баҳонада сиз билан қалинроқ бўлиб қолдик. Бу гал борганингизда, албатта, бизнинг уйга ҳам марҳамат қиласиз, Жамшиджон, уйимизнинг тўри сизники! Одам деганингиз — ноёб гавҳардай бир гап. Мен асл одамдан жонимни ҳам аямайман! Яқинда бахтим чопиб яхши бир ишга ўрнашдим. Бу ёғига ҳам дўстларнинг хизматига тайёрмиз!— Жамшиддан савол кутибми, Жалил бир лаҳза сукут сақлади-ю, яна гапида давом этди:— Йигитнинг омадини берсин экан.

— Сизнинг омадингиз доим чопган.

— Ниятимиз холис-да, ниятимиз!

Улар бир нафас жимиб қолдилар.

Таом аллақачон совиб бўлган, боя коньяк қуйилган қадаҳлар столнинг бир чеккасида қўл тегизилмаганича турар эди. Жалил сигаретини бурқсита бошлади. Шаҳноз ҳамон чурқ этмасди. Ресторандаги хуррамлик Жамшидни юпатолмас, таъби тобора хира тортмоқда эди. У бу ерга келганидан, бекорчи-беҳуда сафсата билан банд бўлиб ўтирганидан, пушаймон, ҳозирги учрашув унга таъзияни эслатар эди.

— Энди менга рухсат...

— Ие, ўтирибсиз-да! Бунақа жойга келгандан сўнг одам баҳузур ўтириб, ёзилиброқ дам олиши керак.

— Иш бор эди.

— Бўпти, аввал мана шу қадаҳни оласиз, кейин жавоб!

— Раҳмат, бошқа ичмайман.

— Эркак одамга юз грамм-элик грамм нима деган гап!

— Йўқ, йўқ, ишим зарур. Ҳалиям анча ўтириб қолдим, тамадди қилиб дарров кетмоқчи эдим ўзи,

— Эсизгина, зўр коньяк эди-я!

Жамшид Шаҳнозга нигоҳ ташлади. Бутун бу уқубатли ўтириш давомида у бир оғиз ҳам чурқ этмади. Баъзан Жамшидга у йиғлаётгандек, қора кўзлари тубида ҳасрат ёшлари ҳалқалангандек кўриниб, шунда Шаҳноз унга сайёд оёқлари остида типирчилаб ётган ярадор какликни эслатарди. Сўнг эса у зумда бошқа қиёфага кириб, аллақандай бегона, совуқ бир маккорага айланиб қоларди.

... Сенга нима бўлди, Шаҳноз? Кимга айланиб қолдинг, кимга?..

«Хўш, буни билганингда нима?— дея ўзини-ўзи қийноққа олди Жамшид.— Ўтгани ўтди энди, ҳаммаси армонга айланиб бўлди. Энди қаршингда сен бир пайтлар ишқида куйиб-ёнган қиз эмас, бировнинг хотини, бировнинг хасми ўтирибди. Эски дардларни қўзғамоқнинг нима ҳожати бор? Ўрнингдан тургину туёғингни шиқиллат! Кўриб турибсан, изтироб чекапти бечора. Еки бировнинг бу аҳволдан лаззатланмоқчимисан? Қўйсанг-чи! Изтироб чекаётган эмиш! Эҳтимол, чиндан ҳам касалдир...»

— Майли, ихтиёрингиз. Ишингиз зарур экан, илож қанча?— деди Жалил.— Отангизга саломингизни етказаман. Бизникига, албатта, меҳмон бўлиб боринг. Бола-чақа билан. Би-ир чақчақлашамиз. Дунёда шуниси қолади.

Жалил қўлини баланд кўтариб, ўймакор устун ёнидаги курсичада ўтирган официант қизни имлади. Қиз дафтар-қалами билан югуриб келди.

— Нима керак эди?

— Ҳисобласанг. Биз кетмоқчимиз.

— Ҳали эрта, сизлар бемалол ўтираверинглар,— деди Жамшид.

Жалил соатига қараб олди.

— Тўғри айтасиз. Мең вақт алламаҳал бўлгандир, деб ўйлабман.

Официант қиз ҳисоб қоғозини столга қўйди.

— Йигирма уч сўму етмиш тўққиз тийин.

— Узр, яхши қиз, қароримиз ўзгарди. Фақат бу киши кетади, биз эса тағин бирпас ўтирадиган бўлдик. Кейин бирваракай ҳисоблашамиз.

Официант қиз кетмоқчи бўлиб бурилаётган эди, Жамшид уни тўхтатди, чўнтагидан битта йигирма беш сўмлик чиқариб унинг қўлига тутқазди.

— Булар меҳмон, меңдан оласиз.— У жойидан туриб, аввал Жалилга, сўнг Шаҳнозга қаради.— Хайр, соғ бўлинглар!

— Хафа қилдингиз, Жамшиджон. Шу ишингиз яхши бўлмади. Узим тўлардим-да.

— Қўяверинг,— деди Жамшид.— Нима фарқи бор? Кейинги сафар сиз тўларсиз.

— Ана бу бошқа гап, йигитнинг гапи.

— Яна бир марта хайр!— деб Жамшид Шаҳнозга қараб қўйди.

— Бир пайтлар қўшни эдиг-а, Жамшиджон?— деди Жалил ўрндан қўзғаларкан.— Баъзи қўшнилари ака-укалардан ҳам қадрдон бўлади, биласиз. Ҳатто нариги дунёда ҳам қиёмат куни бандасининг қилган гуноҳу савобини қўшнисидан сўраркан. Бўпти, худо хоҳласа, ҳали кўп кўришамиз!

— Албатта.

Жамшид яна бир бор аввал Жалилга, сўнг Шаҳнозга қаради-да, столдаги қадаҳни олиб, бир жуфт аламоқ кўзларга тикилганча, фавқулодда ҳузур билан симириди. Бу кўзларнинг туб-тубида нимадир ярқ этиб кетганга ўхшади. Қайдам, бу балки чироқнинг қорачиқда жилванган нуридир. Нур...

— Омон бўлинглар!

Орқасидан Жалил бир нима деб қолди, аммо Жамшид эшитмади. Улкан зал бурчагидаги саҳначада нимадир рўй берган эди: баланд бўйли гитарачи йигит бояги куйди-пишдисини бас қилди, саксофончи тўхтаб четга чиқди, кекса пианиночи клавишлардан бошини кўтарди.

Жамшиднинг юзи живирлаб кетди.

Тамаки тутуни, шовқин-сурон, санчқи ва қошиқлар товушига тўлган зал бўйлаб ҳозиргина ижро этилган сеҳрли наво ҳукмрондек...

Жамшид орқасига ўтирилди.

Аммо у на Шаҳнозни, на Жалилни кўрди. Улар ўтирган столни ўймакор устун тўсиб турарди. Ёши ўтинқираганроқ маст бир киши ярғоқ бошини елкасига солинтирганча устунни қучоқлаб ҳўнг-ҳўнг йиғламоқда эди.

Уч кун ўтгач...

...Жамшид ишдан қайтарди. Шаҳар узра аста-секин оқшом чўкмоқда эди. Майдалаб илиқ ёмғир ёғарди.

Жамшид чорраҳага етиб, машиналар оқими тинишини кута бошлади. Қизил чироқ ёндию ёмғир тўри орасидан у пиёдалар ўтадиган чизимга яқин жойда ғийқиллаб тўхтаган қора «Волга» машинасини кўриб қолди. Лабида сигарет, Жалил рулда ўтирар, унинг ёнида Шаҳнознинг юзи кўринар эди. Улар доқайд ва совуққонлик билан олдинга тикилишарди. Ёмғир томчилари машинанинг олд ойнасига келиб урилар, тозалагич уларни ўша заҳоти икки ёнга сидириб, бирйўла ичкарида ўтирганларнинг ҳам юзини бир зумгина артиб ўтганга ўхшар эди. Гўё у ҳозир, шу дақиқада яна бир-икки марта артиб ўтадию бу юзлар батамом ўчиб, кўздан ғойиб бўлади, ўзлари эса буни сезмай ҳам қоладилар ва шу аҳволда кетаверадилар...

Машиналарга йўл очиб, чорраҳада яшил чироқ ёнди. Шу маҳал қандайдир деҳқонсифат бир қария Жамшиднинг тирсагидан ушлаб, сўради:

— Уғлим, бу яқин-атрофда чойхона йўқми?

— Бор, отахон, бор.

Жамшид чолга чойхонанинг қаердалигини тушунтиргунича машиналар ўтиб кетди ва у бояги «Волга» қайси тарафга бурилганини кўрмай қолди.

Ёмғир ёғар, қоронғи тушиб қолган эди.

Эркин АЪЗАМОВ таржимаси.

Мархабо, азиз дўстлар!

Ўзбек ва тожик халқлари азалдан бир-бирига қошу кўздай яқин, буюк дўстликнинг ёзилган ва ёзилмаган барча қонун-қоидаларига содиқу вафодор бўлиб келган. Ўзбек диёрида ўтадиган Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари икки халқнинг биродарлик торлари тобора баланд пардаларда ҳамоҳанг жаранглаётганидан далолат беради.

Бу учрашув КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг халқларимиз бирлиги ҳақида айтган ҳикматли сўзларини яна бир карра тасдиқлайди. «Кўп миллатли халқларимиз бирлиги олмосдек мустаҳкамдир. Олмос ранг-баранг товланиб тургани сингари халқларимизнинг бирлиги ҳам уни ташкил этган миллатларнинг фазилатлари билан кўркамдир. Бу миллатларнинг ҳар бири бадавлат, тўлақонли, эркин ва бахтли ҳаёт кечирмоқда».

Қардош тожик халқи ҳам СССР халқларининг ягона қудратли оиласида «бадавлат, тўлақонли, эркин ва бахтли» ҳаёт кечирмоқда. Тоғлар ўлкаси гуллар водийсига айланган. КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларидан тоза руҳ ва қайноқ илҳом олган меҳнаткаш тожик халқи Ленин, Октябрь революцияси ва Халқлар дўстлиги орденилари порлаб турган республика байроғини янги нурафшон чўққиларга кўтариш учун бел боғлаб меҳнат қилмоқда. У Ленин заковоти, Октябрь қўёши ва халқлар дўстлигининг қудратли шарофати туфайли эришган гўзал ҳаётнинг гаштини сурмоқда. Тожик қаламкашлари ана шу қайноқ ҳаёт бағрида, меҳнат фидоийлари билан ҳамқадам туриб ижод қилмоқдалар, халқнинг ёрқин бахту саодатини, ширин орзумидларини, қувончу армонни, турмушининг барча қирраларини ўтқир кўз билан илғаб, социалистик реализм принципларига амал қилган ҳолда давримизга муносиб ҳолда янги-янги бадиий ижод намуналарини яратмоқдалар. Уларнинг асарлари кўп миллатли совет адабиёти хазинасини бойитмоқда.

Тожик адабиёти гоятда қадимий ва навқирон адабиётлардан бериридир. Унинг классик намуналари ўз нафосати ва ажойиб сеҳри билан китобхонларнинг қалб мулкига айланган. Аммо ҳар бир даврнинг ўз эҳтиёжи ва йўналишидан келиб чиқадиган адабиёти бор. Қалам аҳли давр фарзанди, давр куйчиси, давр юраги, адабиёт эса давр солномаси. Янги даврга янги қўшиқ муносиб, дейдилар. Тожик совет ёзувчилари ҳам безавол классик шеъриятнинг гўзал ифодалари, такрорсиз сўз ўйинлари, тугёнли фикрларини ўзлаштирган ҳолда озод ҳаёт шавънига муносиб қўшиқ битмоқдалар. Тожик совет адабиётининг пойдеворини қўйган ва ўзбек совет адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган устод Садриддин Айнийнинг «Октябрь революциясигача кўзга кўринадиган бирорта ҳам асар ёзмагандим, аммо буюк Октябрь қирқ ёшимда, мени шогирд сифатида ўз мактабига қабул қилди ва тарбиялади» дейиши бежиз эмас. Устоднинг тожик ва ўзбек тилларида яра-

тилган «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Судхўрнинг ўлими», «Дохунда», «Куллар», «Эсдаликлар» сингари асарлари тожик ёзувчилари учун катта мактаб бўлди ва бутун бир авлодни тарбиялаб, камолотга етказди. Инқилоб шоири — Абдулқосим Лоҳутийнинг шеърлари бу адабиётнинг янги чўққилари сари юксалишида катта роль ўйнади. Атоқли шоир, Ленин мукофоти лауреати Мирзо Турсунзоданинг янгроқ овози, унинг довуғини Иттифоқимиздан ташқарига ҳам олиб чиқди.

Улар бошлаган йўлни тожик совет адабиётининг янги авлоди (халқ уларни меҳр билан «комсомол насли» деб атайдилар) янги руҳ, янги куч ва тўла ишонч билан давом эттирди. Бугунги кунда адабиёт мухлисларининг меҳрини қозонган Мирсаид Миршакар, Ҳаким Карим, Ҳабиб Юсуфий, Абдусалом Деҳотий, Боқи Раҳимзода, Жалол Икромий, Сотим Улуғзода, Раҳим Жалил каби ижодкорларнинг баракали ва жўшқин ижоди туфайли тожик совет адабиёти юқори поғонага кўтарилди. Мирзо Турсунзода шеър ва дostonлари билан барча қардош халқларимизнинг сеvimли шоири ва ардоқли фарзандига айланди. Унинг «Ҳасан аравакаш», «Осиё овози», «Ҳиндистон қиссаси», «Ватан ўғлони», «Гангдан Кремлгача», «Жонгинам» сингари поэмалари, оташин туйғулар билан йўғрилган қатор шеърлари шоир номини барҳаёт қилди. Қадимий ҳикматларнинг бирида қайд этилишича, агар одам ҳаётида уй қуриш, фарзандни камол топтириш, дарахт экиш, садоқатли дўст топишдек тўрт хайрли ишни қилса, номи яхшилик билан мангу қоларкан, бу нисбат устод Мирзо Турсунзоданинг ҳаёти ва ижодига нисбатан тўла мос тушади; у янги тожик республикасини қуришда қатнашди; адабиёт боғида азим ва хазонсиз дарахтлар ўстирди, шу боис ҳозир ҳар бир тожик қаламкаши уни «падар», «муаллим», «устод» деб тилга олади; у ажойиб давримизга муносиб, Ватанга, партиёга содиқ фарзандларни камолга етказди — ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига ҳисса қўшди, саноқсиз содиқ дўстлар орттирди — асарлари билан жаҳон кезди, дўстликни улуғлади, дилларга муҳаббат ва вафо уруғини экди... Мирзо Турсунзоданинг дoston ва шеърлари ўзбек ўқувчилари орасида маълум ва машҳур.

«Комсомол насли» намояндаларидан Мирсаид Миршакар, Боқи Раҳимзода, Жалол Икромий, Сотим Улуғзода, Фотиҳ Ниёзий, Раҳим Жалил асарларини ҳам ўзбек китобхонлари севиб ўқимоқдалар.

Сўнги йилларда, — дейди СССР Давлат мукофоти лауреати Мирсаид Миршакар, — ўзбек шоирлари томонидан дostonларим ва шеърларим таржима қилиниб, беш китоб шаклида ўқувчиларга тақдим этилди. Ўзбек ўқувчилари мени «ўзлариники» қилиб олишган...

Бу миннатдорчилик сўзларида катта маъно бор: фақат яхши асар қардош халқ тилига таржима қилиниб ва ўша тилда битилган асарлар билан «беллашиб», ўзига мухлислар топмоғи мумкин.

Жалол Икромийнинг «Олов қизи», «Бухоронинг ўн икки дарвозаси», «Ағдарилган тахт», Фотиҳ Ниёзийнинг «Вафо», Сотим Улуғзоданинг «Восъ», Раҳим Жалилнинг «Пўлат ва Гулрў» номли романларида воқелик бутун мураккаблиги ва зиддияти билан ҳаққоний тасвирлаб берилган. Шу сабабли бу асарлар кенг китобхонлар меҳрини қозонди.

Адабиёт майдони ҳаёт майдонидир. Тожик совет адабиётининг майдони Фазлиддин Муҳаммадиев, Юсуф Ақобиров, Муҳиддин Хўжаев, Мутеулло Нажмидинов, Бобо Насриддинов, Ибодулло Файзуллоев сингари носирлар, Мўмин Қаноат, Аминжон Шукуҳий, Гаффор Мирзо, Файзулло Ансорий, Қутби Қиром, Мостон Шерали, Абдумалик Баҳорий, Абдужаббор Қаҳҳорий, Убайд Ражаб, Гулчеҳра Сулаймонова, Мавжуда Ҳакимова каби шоирларнинг асарлари билан яна ҳам ободроқ, файзлироқ бўлди. Тожик адабиётининг бу авлоди ўзига хос овоз ва қудрат билан адабий жараёнга янги тугёнлар олиб кирди. Фазлид-

дин Муҳаммадиевнинг «Эски одамлар», «Зайнаб биби», «У дунёда», «Бурҷакдаги палата», Юсуф Ақобировнинг «Ота-боболар ери», «Норак», Муҳиддин Хўжаевнинг «Суф — рўшнолик» номли роман ва қиссалари; Мўмин Қаноатнинг «Днепр тўлқинлари», «Сталинград овози», «Мен Тоҷикистонман», «Сино бешиги»; Қутби Киромнинг «Камон», «Мақбара посбони» дostonлари ва яна бир қатор шоирларнинг асарларида совет кишисининг бахту саодати, эзгу ниятлари, Ватанни кўз қорачиғидай асраб, уни яна ҳам гуллаб-яшнатиш йўлида жасорат кўрсатиши, жаҳон тинчлиги учун тинмай мардонавор кураши, партиямизнинг беқиёс ғамхўрлиги, ҳаётимизнинг янги нурафшон уфқлари билан овоз билан куйланмоқда. Бу авлод ҳозирги кунда тожик совет адабиёти бешигини ишонч билан тебратмоқда.

Тожик совет адабиётининг сўнги йилларида адабиёт майдонига кириб келган вакиллари ҳам ажойиб асарлар яратишга қодир эканлигини баралла намойиш этмоқда. Уларнинг ранг-баранг изланишлари яхши самаралар бермоқда. Лоиқ Шерали, Бозор Собир, Гулрухсор Сафиева шеърлятидаги жўшқинлик ҳайқариб оқётган тоғ дарёсини эслатади. Лоиқ Шералининг «Ватан тупроғи» тўплами Рудакий номидаги Тоҷикистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирланиши, Гулрухсор Сафиевнинг Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотида сазовор бўлиши бежиз эмас. Гулназар, Саидали Маъмур шеърляри латифлиги, теранлиги ва хушоҳанглиги билан ўқувчиларни сеҳрламоқда. Сорбон, Урин Кўҳзод, Саттор Турсун, Баҳром Фирўзнинг роман, қисса ва бир қатор ҳикоялари китобхонлар ташналигини қондирмоқда, адабий мунозараларда таҳсинга сазовор бўлмоқда. Тожик адабиёти келажаги ишончли ва қудратли қўлларда. Бу — адабиётнинг катта бахтидир.

Илк тўпламларини ўқувчилар оммасига тақдим этиб, уларнинг ҳукмини кутиб, адабиёт майдонига парвоз қилиш учун шайланиб турган ёш носир ва шоирларнинг сафи тобора кенгайиб борапти. Бу шиддатли авлодни Тоҷикистон ёзувчилар союзи, мўғтабар қаламкашлар партия ташкилотлари ғамхўрлиги ва оқилона раҳбарлиги остида авайлаб тарбия қилмоқдалар.

Адабий танқид — китобхонлар ва ёзувчилар ўртасида каттакон кўприқдир. Тожик совет адабиётида мумтоз танқидчилар Муҳаммаджон Шукуров, Расул Ҳодизода, Ражаб Омонов, Отахон Сайфуллаев, Соҳиб Табаров, ёш мунаққидлар Асқар Ҳакимов, Ҳамроқул Шодиқулов, Абдунаби Сатторов ва уларнинг сафдошлари адабий ҳаётга ўткир кўз билан қараб, ижодий ишларни сарҳисоб қилиб, ана шу кўприкни устувор ва барқарор тутмоқдалар.

Хуллас, тожик совет адабиётида кўз-кўз қилса арзийдиган, даримизга муносиб қатор-қатор асарлар, баракали ижод қилиб, китобхонлар оммаси ўртасида шўҳрат қозонган, янги нурли ижод уфқларини кўзлаб, қалам тебратаётган ёзувчиларнинг бақувват сафи бор. Шубҳасиз тожик адабиёти ва санъати байрами республикамиз меҳнаткашлари маънавий дунёсини яна ҳам бойитади, азалий ва абадий дўстлигимиз ҳамда биродарлигимизнинг барқарорлигига катта хизмат қилади.

Меҳмоннавоз халқимиз азиз ва меҳрибон тожик совет адабиёти вакилларини кенг қучоқ очиб, йўлларига баҳор гулларини сочиб, юракдан куйламоқда:

Марҳабо меҳмонимиз,
Жондон азиз қондошимиз.
Марҳабо, меҳмони мо,
Чун дар тани мо жони мо.



Георгий МАРКОВ.

(Адибнинг 70 ёшига)

Сарвар Азимов

ДАРЁДАЙ УМР

УСТА ГЕОРГИЙ МАРКОВНИНГ
70 ЁШЛИК КУНИДА

Совет халқи ва адабиётининг атоқли адиби Георгий Мокевич Марков жаҳонгашта одам. Замон зайли шундай келдики, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, партиямиз Марказий Комитети аъзоси, Ленин мукофоти лауреати, Совет Иттифоқи Ёзувчилари Союзининг биринчи секретари, мамлакатимиз Олий Советининг депутаты, Ленин ва Давлат мукофотлари комитетининг раиси — бу машҳур ёзувчи, камтарин инсон билан мен кўпроқ сафар йўлларида, гоҳ Ватанимизнинг турли ўлкаларида ва гоҳ чет элларда учрашиб келдим. Ҳа, азизларим, етмиш ёшга тўлган Георгий Марковнинг бор ҳаёти ҳам, ялпи ижоди ҳам Сибиристон дарёларидай уйғоқ ва теран, ўрмонларидай бағри кенг ва сержилва, одамларидай баҳодир ва доно дейилса хато бўлмас. Чин чиқар. Бўйдор, туркман чавандозлари шекилли чайир, илиқ назар, ширин суҳбат, ўн ўйлаб бир кесадиган Георгий Марков билан ҳалиги учрашувлардан, унинг ижодини ўрганишдан келиб чиққан қаноатим шу.

Бу гал, ўтган йилнинг охирида биз Москвада, арбобнинг Ёзувчилар Союзидаги шинамгина ишхонасида кўришдик. Гап Ўзбекистон Ёзувчилари Союзининг VIII съезди якунлари ҳақида, Бокуда бўлиб ўтган Совет Иттифоқи Ёзувчиларининг катта анжумани тўғрисида, партиямиз тарихий XXVI съезди қарорларининг ижроси жараёнида қилиниши зарур ҳисобланган тadbирлар атрофида кетди. Мен учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган шу суҳбат давомида, негадир, беихтиёр бир ҳолатда, ҳаёлимдан фикрдошимнинг ҳаёти ва ижодига оид баъзи тафсилотлар лип-лип ўтиб турар эди.

Уста Георгий Марков ижоди ўзининг Горькиёна инқилобийлиги билан машҳур. У ўзининг «Строговлар», «Ер мағзи», «Сибирь» каби мукамал асарларида Матвей Строговлар инқилобий авлодининг уч даврини кўрсатади. Бу образ —

Корчагин, Чапаев, Любовь Яроваялар сингари халқ меҳру муҳаббатини қозонган порлоқ образлардир. Ўзбек совет адабиётимиздаги Навоий, Ғофир, Йўлчи, Қўкан, Зайнаб, Омон ва Ойқизлар ҳам худди шу Строговлар каби халқимизнинг севикли қаҳрамонларига айланган. Георгий Марков сиймосида ажойиб фазилатлар бор — қардош адабиётларга, ёш қалам эгаларига ленинчасига меҳрибонлик, миллий адабиётларда яратилган энг яхши асарларни Бутуниттифоқ доирасига олиб чиқишдаги ғамхўрлик; халқ ҳаёти ва қаҳрамонликларини маҳорат билан тасвирлаш, нодир намуна — ибрат даражасига кўтара олиш; халқимиз, партиямизнинг буюк режа ва яратувчанлик фаолиятида қалбан, жонбозлик билан иштирок этиш ҳақиқий ижодкор ва бутун одамгина бу хислатлар эгаси бўлуви мумкин.

Ёзувчининг 1952 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлган романи — «Строговлар» тарихий революцион мавзуга бағишланган. Асарда меҳнаткаш оила Строговларнинг бир қатор «сулола»ни кўрсатиш орқали сибирликларнинг революцияга қадим қўйиши, инқилоб туфайли юзга келган, қўлга киритилган ғалабаларни сақлаб қолиш учун олиб борилган кураш, оддий овчи-деҳқонларнинг дунёқарашида содир бўлган ўзгаришлар инкишоф этилган. Социалистик воқеликни барқарор этиш йўлида қўйилган дастлабки қадамларнинг нақадар қийинчилик билан амалга ошгани бадий лавҳаларда ҳаққоний акс эттирилган. Йигирма етти ёшлик ёзувчи асарининг бундай табиий, бадий пишиқ, тарихий фактлар жиҳатдан асосли ёзилиши ҳамда поёнсиз Сибирь табиати манзараларининг ёрқин бўёқларда жило топишининг боиси ёзувчининг таржимаи ҳоли билан боғланади. Зотан адибнинг ёшлиги асарларида тасвир этилган Сибирь бағрида кечган. У бадий адабиётга бўлган иштиёқни, ёзувчиликнинг бошланғич таълимини шу ерларда олган. Ҳали ёшлигидаёқ отаси билан биргаликда овчилар даврасида ўтириши, бепоён ўрмонларни кезиши, ловуллаган гулханлар атрофидаги гапонликларнинг гувоҳи бўлиши эндиги ёзилаётган асарларининг ҳақиқий, ҳаётий қон томирларини ташкил этмоқда.

Георгий Марков халқ ҳаётини кенг кўламда эпик йўсинда бадий ифода этувчи ижодкорлар қаторига киради. Унинг «Ер мағзи» романи фикримизнинг аниқ далилидир. Романда урушдан кейинги Сибирь манзараси, совет кишилари тақдири, илм соҳасида олиб борилаётган изланишлар, унга муносабат, партия ва хўжалик ишлари билан алоқадор қатор ҳаётий масалалар ўртага ташланган. Асардаги ҳар бир образ ўз хатти-ҳаракати, куюнчакликлари, интигишларини рўёбга чиқариш учун тинчимаслиги билан ажралиб туради, ўз идеали учун курашади, ҳақлигини исбот қилишга тиришади. Улуюлье тайгасининг ер ости бойликларини очиш, ўрмонни муҳофаза қилиш, кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш каби масалалар асар қаҳрамонларининг фаолияти билан боғлиқ равишда кўрсатилади. Асар қаҳрамонлари жонли, ҳаётий ҳаракатлари билан, яхлитлиги ва пухта ишланганлиги билан ажралиб туради. Ёзувчининг ҳаётни, ташаббат ва унинг қонуниятларини тайгаликларнинг турмуш тарзи ва урф-одатларини, чуқур билишини, қалбан ҳис қилишини ромanning ҳар саҳифасида кўриш мумкин.

«Ер мағзи»дан кейин яратилган «Ота ва ўғил» романида яна Сибирь ҳақида фикр юритилади. Сибиристоннинг бебаҳо табиий бойликларини асраш, қишлоқларни социалистик асосда қайта қуриш, совет кишиси дунёқарашини камол топтириш, коммунизм гоёлари тантанаси учун олиб борилаётган кураш ҳақида ҳикоя қилгувчи бу роман ҳамisha тирик асарларимиздан бири бўлиб қолди. Ёзувчининг энг кейинги вақтларда яратган «Сибирь» романи-чи? Бу нодир асарда адиб ижодининг асосий хусусиятлари, йўналишлари ўзининг рўй-рост ифодасини топган. Бу роман кўп миллатли совет адабиётимизнинг катта ғалабасидир.

Георгий Марков социалистик реализм адабиётининг ибратли санъаткорларидан бири эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. У, М. Горький, А. Фадеев, Н. Тихонов, М. Шолохов каби устодлар йўлидан бориб, кўп миллатли совет адабиётига раҳбарлик қилмоқда. Коммунистик партиямизнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги снѐсати ва иродасини амалга оширмоқда. Ижодкор, давлат ва жамоат арбоби Георгий Марковнинг Ўзбекистон ёзувчиларининг кўпчилиги билан дўстона муносабати, айниқса Шароф Рашидов, Уйғун, Зулфия, Комил Яшин, Раҳмат Файзий, Александр Удаловлар билан ижодий ҳамкорлиги келажакдаги ютуқларимизнинг ҳам гаровидир. Дўст бўлиш, дўст топиш ва бу инсоний ҳислатни халқ ва партиямиз иродаси йўлига сафарбар қила олиш нодир фазилат.

Ишхонада кечаётган суҳбатимиз билан эмакдош кетган мана шу хотиралар мантиқи, Иттифоқимиз Ёзувчилари Союзининг биринчи секретари билан қилинган мунозара натижаси мени қуйидаги фикр сари етаклади: дўстимиз ва раисимиз Георгий Мокеевич Марков совет характери, ижодкори ва раҳбарига хос нодир фазилатларнинг истеъдодли соҳибидир.

Етмиш йиллик дарёдай умри муборак бўлсин!..

Тошкент, 25 январь, 1981 йил

АДАБИЁТИМИЗ САРДОРИ

Кўп миллатли совет адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Георгий Марков СССР Ёзувчиларининг съездларидан биридаги докладыда: «Жамият олдидagi ўз бурчимизни адо этмоқ, партиямиз билан халқимизнинг умидларини оқламоқ учун биз совет кишиларига хос бўлган зўр эҳтирос ва ғайрат билан тинмасдан ишлайверамиз», — деган эди. Съезд минбаридан барча совет ёзувчилари номидан айтилган ва муқаддас қасамддек жаранглаган бу сўзлар унинг муаллифига ҳам тўла тааллуқли.

Чиндан ҳам бутун ёзувчилик таланти, ташкилотчилик иқтидорини жонажон партиямиз ва халқимизга бағишлаган адиб совет адабиётининг равнаки йўлида зўр эҳтирос ва ғайрат билан ишламоқда. Шу туйғайли адабиётимизнинг олтин фондидан

ўрин олган қатор эпик полотнолар яратган, ўз сафида саккиз мингдан ортиқроқ ёзувчиларни бирлаштирган СССР Ёзувчилар союзидек улкан ижодий ташкилотга уддабурролик билан раҳбарлик қилаётган Георгий Марков туғилган куннинг 70-йиллиги бутун совет адабиётининг байрамидек кенг нишонланмоқда.

Георгий Мокеевич Марков 1911 йилнинг 19 апрелида Томск областининг Ново-Куского қишлоғида туғилган. Унинг бобоси ва отаси овчи-деҳқон эдилар. Болалик, ўспиринлик йиллари қишлоқда ўтади. Довжорак, мерган ва забардаст овчи бўлган отаси Мокей Фролович кўпинча ов қилиш учун тайгага отланганда кичик ўғли Георгийни ҳам ўзи билан олиб кетарди, бу билан уни табиат гўзаллиги ва поэзиясини ҳис этишга ўргатарди.

«Мен сибирлик овчи оиласида ўсганман. Шунинг учун мен туғилиб, катта бўлган жой тушунчасига фақат ота-онамнинг чорбоғи эмас, Чичка-Юла, Юкси, Чулим, Обь, Васюган, Парабели дарёларини ўз бағрига олган кенгликлар ҳам киради. Бу дараёларнинг қирғоқларида овчиларнинг неча-неча аялдолари юрган жуда кўп йўллар ва сўқмоқлар бор, буларда мен ҳам юрганман», деб эслайди ёзувчи кейинчалик.

Овчиларнинг катта меҳнаткаш оиласи ёзувчи қалбида чуқур из қолдирди, биринчи мактаби бўлди. 1924 йилда Георгий комсомол сафига киради. Унинг илк машқлари шу даврга тўғри келади. Биринчи хабари «Томский крестьянин» газетасида босилиб чиқади. 13 ёшли комсомол «Красная знамя», «Томский крестьянин», «Путь молодёжи» газеталарининг фаол қишлоқ мухбирига айланади, жамоатчилик асосида матбуот тарқатиш билан шуғулланади. Комсомоллар уни областдаги биринчи пионер отрядининг вожатийлигига сайлашади. Сўйгра район, шаҳар, ўлка комсомол комитетларида ишлайди, ёшлар газетаси, журналларида редакторлик қилади.

Унинг очерк, мақола, лавҳалари ўқувчилар диққатини ўзига тортади. Бу йиллар тинимсиз ўқиш, ўрганиш, изланиш даври бўлди. У комсомолда ишлаб юрган вақтларида ҳам, Томск университетида таҳсил кўраётган йилларида ҳам, газета ва журналларда муҳаррир бўлиб турганда ҳам юртдошларининг ҳаёти, озодлик, ҳақиқат ва адолатга интилиши тўғрисида роман ёзиш истаги билан яшайди. Зўр завқ-шавқ билан ишга киришиб, ўйланган романнинг қатор бобларини ёзади. Лекин уларни яхлит бир асар ҳолига келтириш, фактларни бадиий тахлил этиш қобилияти ҳали ёш ёзувчида етишмасди. Шунинг учун ҳам у классикларнинг асарларини, катта замондошларининг ижод сирларини синчиклаб ўрганади. Ун йилдан ошиқроқ давом этган тинимсиз меҳнат, изланиш пировардида ўз самарасини беради — 1939 йилда «Строговлар» романининг биринчи китоби Иркутскда нашр этилади.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунидан бошлаб Г. Марков ўзини фронтга сарфарбар деб билади, Забайкал fronti газетаси «На боевом посту»нинг махсус мухбири сифатида ҳарбий қисмларда, солдат ва офицерлар орасида бўлади. 1945 йилнинг августда ёзувчи Квантун армиясининг тор-мор этилишида қатнашади. Бу воқеа «Пиёда аскар» (кейинчалик «Хинган устидаги бургутлар» деб аталган) повестига асос бўлди. Асарда бу ўлкада яшовчи халқларнинг турмуши, урушда иштирок этаётган солдат ва офицерлар ўртасидаги муносабат, маънавий муҳит ҳаққоний тасвирланган.

Ёзувчи урушдан кейинги йилларда жирик асари «Строговлар» романи устидаги ишини давом эттирди. Натижада 1948 йилга келиб икки китобдан иборат улкан эпик полотно биринчи мартаба тўла ҳолда босилиб чиқди. Унда рус деҳқонларининг Улуғ Октябрь инқилоби пишиб етилаётган

ва рўй берган вақтдаги ғалаёнли, драматик даври воқеалари тасвирланган. Ёзувчи Строговлар оиласининг уч авлоди тимсолида халқ ҳаётининг катта босқичини, революцияга келиш йўлининг кенг манзарасини яратади. Ҳар бир авлод оталар тажрибаси билан қуролланган ҳолда ҳаётда илдиз отиши, эстафетани келажак авлод вакилларига етказиши, янги-янги муаммоларга дуч келиши Строговлар оиласи орқали ҳаққоний ва ишонarli тасвирланган.

Роман қаҳрамонларининг ҳаёт йўллари инқилоб билан туташади. Строговлар авлоди ягона, ажралмас тарихий занжирни ташкил этади, улар воситасида деҳқонлар оммаси инқилобий онгининг ўсиб етилиши турли қатламга мансуб кишилар характерлари орқали кўрсатилади. Матвей — романининг бош қаҳрамони. У революцион ҳаракатнинг бутун бўронларида бардош беради, партизанлар отрядини тузади, партизанлар армиясида қўмондонлик қилади, совет ҳокимияти ғалаба қозонгач, ўз қишлоғида унинг биринчи вақили бўлади.

«Строговлар» романи совет тарихий романлари сафида алоҳида ўрин тутайди, шу туфайли мамлакатимизда ва чет элларда қайта-қайта нашр этилган. 1952 йилда эса ана шу асар учун Г. Марков СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган. Асарнинг муваффақияти ёзувчига қанот бағишлади, танлаган ёзувчилик йўлининг тўғрилигига ишонч уйғотди.

«Ер мағизи» романи 1959 йилда босилган «Строговлар» асарининг бевосита давомидир. Сибирни социалистик асосда қайта қуришга бағишланган мазкур асарда адиб колхозчилар, олимлар, партия ходимларининг ижодий меҳнати ҳақида ҳикоя қилади. Роман ёзувчининг халқ ҳаёти билан ҳамнафаслиги, замон билан баробар, балки ундан олдинроқ қадам ташлашига яхши далил бўла олади. Сибирни ўзлаштиришдек буюк ҳаракат эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида бошланганини хотирага олсак ва ёзувчи асарни 1949 йилда ёзишга киришганини эсласак, масала равшанлашади. Демак, ҳаёт, у ҳақдаги янги фикрлар, ижтимоий тараққиётнинг тенденциялари ёзувчи қалби ва онгида асар нияти ва ғоясини юзага келтирган.

Романининг марказий қаҳрамонларидан бўлган Алексей Краюхин ва Уленька инсоний баркамоллик тимсоли бўлган кишилар. Уларнинг назарида шахсий ва ижтимоий тушунчалар ва юрак билан ақл орасида тафовут, айрма бўлмаслиги керак, улар ўзларини яшаётган, ўсиб улғайган муҳитнинг бир бўлаги, ажралмас қисми деб билишади. Ёш илмий ходим Краюхиннинг далил илмий фаразлари қаттиқ қаршиликка учрайди, институтдан ҳайдалади, кейинроқ бориб у ишлаб турган мактабидан ҳам бўшатилади, бунинг устига райком бюросида партиядан ўчирилади. Бошига шунча маломатлар ёғилишига қарамай, у ҳаётининг мақсади ва мазмуни деб билган ишини матонат билан давом эттиради ва пировардида ғалаба қозониб, ҳақлигини исбот қилади. Краюхин замон руҳини яхши ҳис

этувчи, ҳамisha жамиятнинг олдинги сафида борувчи янги типдаги қаҳрамон. Шунинг учун ҳам у китобхон муҳаббатини қозонади, севимли қаҳрамонларидан бирига айланади. «Ер мағзи» романи билан Георгий Марков совет адабиётининг етук санъаткорлари қаторидан ўрин олди.

«Ота ва ўғил» деб номланиб 1964 йилда нашр этилган роман мантиқий жиҳатдан «Строговлар»нинг давоми дейиш мумкин. Чунки «Строговлар»нинг сўнгги бобларида совет ҳокимиятининг Сибирь қишлоқларидаги зафарли одимлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ана шу воқеалар тасвири билан бошланган «Ота ва ўғил» романи революция ғалабаларини мустаҳкамлаш учун олиб борилган машаққатли курашни тасвирлашга бағишланган. Асарда Строговлар авлоди иштирок этмайди, лекин аввалги романлардаги Сибирь деҳқонларининг тақдири, зўр машаққатлар эъзига озодликка эришгани, янги ҳаёт учун интилиши кўрсатилади. Романга 1921 йилдан тахминан 30-йилларгача бўлган воқеалар, ишчи ва деҳқонларнинг очлик, граждандар уруши, интервенция туфайли ҳолдан тойган ёш совет давлатини сақлаб қолиш, индустриал мамлакатга айлантириш йўлида кўрсатган қаҳрамонлиги, фидокорона меҳнати асос қилиб олинган. Деҳқонларнинг Сибирнинг чекка жойларидан ҳисобланган Васюган дарёсининг бўйларида қишлоқ коммунистлари бошчилигида коммуна ташкил этиш учун кўрсатган жонбозлиги ёзувчининг диққат марказида туради. Ёзувчи реал фактларга асосланган бу эпизодни ёрқин, ўткир сюжетли драматик бадий полотнога айлантира олган.

Георгий Марков жамоат ва давлат ишлари миқёсининг ғоят кенглиги, ўта банд бўлишига қарамай, саёхатни, юришни хуш кўрадиган адиб. Айниқсе у жонажон ўлкаси Сибирга қиладиган саёхатидан ҳар сафар олам-олам таассуротлар билан қайтади. Ана шу таассуротлар натижасида пайдо бўлган ижодий ният — халқнинг революцион тарихини кўрсатувчи улкан полотно яратиш орзуси фақат 70-йилларнинг бошида амалга ошади. 1971 йилда ёзувчининг энг салмоқли асари «Сибирь» романи босилиб чиқади. Ёзувчи ижодида марказий ўрин тутувчи халқ ва революция мавзунини романда янгича талкин этилган. Автор асар воқеасини инқилб арафаси — большевиклар партияси яширин ҳолатда халқнинг революцион кучларини уюштириш, янги ҳаёт қуриш, мамлакатнинг порлоқ истиқболини таъминлаш юзасидан олиб борган улғувор ишлари кучайган даврдан бошлайди. Турли тақдир ва характердаги қаҳрамон образлари кенг социал тарихий фонда берилади. Асардаги барча эпизодлар, лавҳалар, образлардан яқинлашиб келаётган инқилоб даврининг нафаси сезилиб туради. Инқилоб мамлакат тарихий та-

рақийётининг олий босқичи сифатида муқаррар ва қонунийлиги ғояси асарнинг образли — эмоционал қурилиши орқали очилади. Ёзувчи халқ тақдири, тарихи йўлида тубдан ўзгариш ясаган революциянинг социал, ижтимоий, психологик табиатини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этади.

Ёзувчи бош қаҳрамон большевик Иван Акимов, бутун ҳаётини илм равнақиға бағишлаган улкан олим Лихачев, инқилоб фидокори Катя Ксенофонтова образларини зўр муҳаббат билан тасвирлаган. «Сибирь» совет адабиёти сўнгги йилларда қўлга киритган энг муҳим ютуқлардан бири сифатида тўла эътироф қилинди. Мазкур асар учун Георгий Марков 1976 йилда Ленин мукофоти билан тақдирланиши бу эътирофнинг ифодасидир.

Ёзувчи асарлари жам бўлган ҳолда революцион, курашувчан, эртақлардагидек кун сайин ўзгараётган Сибирнинг 19-асрнинг охиридан 50—60-йилларгача бўлган тарихи, кейинги қиёфасининг кенг манзарасини беради. У яратган Анна, Марина, Матвей Строговлар, Фишка бобо, Алексей Бастриков, Ульянов Лисицина, Алексей Краюхин, профессор Лихачев, Иван Акимов сингари бетакрор ва тўлақонли характерлар совет адабиётидаги энг яхши ижодий қаҳрамон образларидандир дейилса хато бўлмайди.

Санъаткорнинг публицист, жамоат арбоби, адабий танқидчи сифатидаги сермахсул фаолияти ҳам диққатга сазовор.

Унинг «Ҳаёт, адабиёт, ёзувчи» (1971), «Ҳаёт уфқлари ва ёзувчи меҳнати» (1978) китобларига кирган публицистик, адабий танқидий асарларида совет адабиёти турли босқичларининг тараққиёт жараёни таҳлил этилади. Жамиятимизнинг муҳим социал ва ижтимоий проблемалари тўғрисида самимий ва ҳаққоний фикр юритилади. «Улуғ жасорат партияси», «Давримиз хусусиятлари», «Замонавийлик ва замондошларимиз», «Совет адабиёти коммунизм учун курашда», «Талант ва илҳомимиз халққа», «Совет адабиётининг юксак ғоявийлиги ва бадийлиги учун», «Замон мотивлари» сингари адабий-танқидий асарлар адибнинг юксак публицистик маҳоратидан далолат беради.

Совет адабиётининг забардаст намоёниси Георгий Мокеевич Марков ижоди ўзбек халқи учун ҳам яқин ва қадридир. Унинг кўпгина асарлари ўзбек тилида аллақачон босилиб чиққан. Ёзувчининг баркамол романларидан бири — «Ер мағзини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий ғоят қиёмига етказиб таржима қилди. Ёзувчининг бу ва бошқа қатор асарларининг ўзбек тилида босилиб чиқиши адабий ва маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Раҳматулла ИНОҒОМОВ,
филология фанлари кандидати.

Георгий Марков

СИБИРЬ

Ҳасан ТҶРАБЕКОВ таржимаси.

РОМАН

Бешинчи боб

1

Иван Акимов билан Федот Федотович борган сайин тайганинг ичкарасига кириб кетишмоқда эди. Чол Акимовни йигирма чақиримча дам бермай бошлаб борди. У сира тинмай илдам одимларди. Унинг оёғидаги чанғи ғичирлар, қимирлаган новдалардан оппоқ қор тўкиларди.

— Чидайсан, йигит. Қишлоқлардан узоқлашайлик, кейин дам олаверамиз. Токи биронтаям газанда изимизга туша олмасин,— дерди Федот Федотович жарликлардан юқори кўтарилишда ортда қолаётган Акимовни кутиб турар экан.

Акимов қора терга тушганди. У бурун тешигидан паға-паға буф чиқарганича ҳансираб нафас олар, ўқтин-ўқтин намиққан қўлқопи билан тердан жиққа ҳўл бўлган юз-кўзларини артиб қўярди.

— Юраверинг, отахон, юраверинг. Чидайман,— дерди у зўриққанидан овози бўғилиб, шамолдан лабларини ялаб-ялаб олар экан.

Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш оқ-қорамтир тусдаги ўрмонни ол рангга бўяганича совуқ ярқираб турарди. Осмон гумбази худди август ойидагидек баланд ва феруза тусда эди. Аёз эса борган сайин кучга кирмоқда эди: ботқоқларда муз қирсиллаб турар, совуқ бағрини тилаётган ердан баъзан чарсиллаган овоз эшитиларди. Қизилиштонлар тумшуқларини аямай қўйишганди. Улар дарахтдаги қурт-қумурсқалар музлаб пўстлоққа батамом ёпишиб қолгунига қадар қоринларини яхшироқ тўйғазиб олиш дардида бутун тайгани тинимсиз «тақа-туқ» қа тўлдириб юборишганди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

Улар тунаш учун чуқур жарликнинг тубида, буғланиб турган кичик бир дарё соҳилида тўхташди. Федот Федотович оёғидаги чангини ечиб, милтигини елкасидан олди-да, мулойимгина деди:

— Хўш, оғайни, Гаврюха, уйга кириб, дамингни ол. Бугун сени жуда чарчатиб қўйдим. Ҳозир печкага олов ёқаман.

Акимов атрофга кўз югуртирди: ҳеч қандай уй-пуй кўринмасди. У чарчоқнинг зўридан оёқда зўрға турар экан, дарҳол ётиб, қўл-оёғини узатгиси, оппоқ қордан толиққан кўзларини юмгиси келарди.

Федот Федотович Акимовнинг ажабланганини кўриб, кулиб юборди.

— Мана-ку, менинг кулбаи шохонам...— чол чангиси билан қорни уёқдан-буёққа сурган эди, соҳилда эшик кўринди.

Кулба кичкинагина бўлса-да, бурчакда печка, кат, иккита ғўлага қоқилган столча, ўтириш учун икки дона тўнка, хуллас, керакли нарсаларнинг ҳаммаси муҳайё эди. Кулбанинг деворлари ва шифтини қиров босганди, туриб қолган совуқ ҳаводан хиёл моғор ҳиди келиб турарди.

— Бирпас ётиб, дамингни ол, йигит. Мен ҳозир печкага ўт қўйиб юбораман. Утин билан тутантириқни куздаёқ ғамлаб қўйганман,— деди Федот Федотович печка олдида тиз чўқар экан.

Печка шу заҳоти гуриллаб ёниб кетди ва бир оздан сўнг кулбанинг ичи аста исий бошлади.

Акимов калта пўстинини катга ёйиб, этигини ечди-да, ўринга чўзилди. Федот Федотович декчани шиқирлатганича ташқарига чиққан эди, музлаган қор унинг оёғи остида энгил ғичирлади. Шундан сўнг ҳамма нарса бирдан ғойиб бўлди-қўйди. Бироқ Акимовнинг уйқуси узоққа чўзилмади. Федот Федотович дарё соҳилига бориб, декчани сувга тўлдирди-да, ортига қайтди. Бу ишга, нари борса, чорак соат вақт кетди. Эшик ғичиллаганида Акимов бошини кўтарди.

— Чой қайнагунича дамингни олавер, Гаврюха!— деди чол. Бироқ Акимов, шифобахш сувда чўмилиб олгандек, тетик тортиб, ўрнидан турди.

— Ётибману қотибман,— дея жилмайди Акимов ҳозирги аҳволидан ўзи ҳам ҳайратга тушиб.

— Тиниқмоқ учун ёш одамга ўн-ўн беш дақиқа ҳам кифоя, кексага эса соатлаб вақт керак,— деди Федот Федотович йигитнинг нима демоқчи эканлигини тушуниб ва печканинг юмалоқ тешиги устига декчани ўрнатиб қўйди.

Акимов кечки овқатни тайёрлашда чолга ёрдам бермоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Ташқаридаги озиқ-овқатни олиб кела қол. Қопларни қозиққа осиб қўювдим,— деди Федот Федотович Акимовга жавобан.

Наримда яшай бошлаган шу вақт ичида Акимов маҳаллий лаҳжани анча яхши ўзлаштириб олганди. У ташқарига чиқди-ю, кулбанинг шундоқ деворига қоқилган катта ёғоч қозиқда осиглиқ турган қопларга кўзи тушди. Озиқ-овқат ана шу қопларда эди.

Осмону фалак тўқ зангори тусга кириб, тайга узра тезда қоронғи тушди. Кат тепасидаги миттигина дарчадан ёруғлик тушмай қўйди. Федот Федотович токчадан мойчиरोқ-банкани олди-да, пилигига гугурт тутди. Қоронғилик хонанинг бурчакларига чекинди. Бундай чироқнинг ёруғида китоб ўқилса, кўз ишдан чиқади, лекин бемалол овқатланса бўларди.

Федот Федотович нон кесиб, музлаган бикри гўштидан тилди-да, устига қалампир сепди ва икки дона пиёзнинг пўстини арчиб бирини Акимовга узатди.

— Ол, йигит. Манзилга етиб олайлик, сени илвасин билан меҳмон қиламан,— деди чол.

— Айтинг-чи, отахон, Парабелдан анча узоқлашиб кетдикми?— сўради йигит.

— Улар бизни қувиб етиша олмайди!— қўл силтади чол ва бйр оз сукут қилиб тургач, илжайди:— Авваламбор, ҳар эҳтимолга қарши, мен уларни адаштирдим. Йўлни неча марта кесиб ўтганимизни бир эслагин-а! Иннайкейин кедзорни беш марта айланиб чиқдик. Бунақа чигил изнинг учини топаман деб ўзинг адашиб кетасан. Бу ишга ақли етмайди калтафаҳмларнинг. Бунинг устига эрталаб ёққан қор изни йўқотиб юборди.

— Йўлни кесиб ўтганимизни ҳам, бир жойда айланганимизни ҳам сезмабман, — ростига кўчди Акимов. Менга доим тўғри йўлдан кетаётганимиздек туюлганди.

Чол қалпоғи остида патак бўлиб қолган оппоқ жингалак сочларини силаганича мамнун кулиб юборди. Акимовнинг сўзлари унинг учун ҳар қандай мақтовдан ҳам афзалроқ эди.

— Ҳамма гап ана шунда-да! Сен тўғри йўлдан кетаяпмиз, деб ўйлагансан, мен эсам сени гирдобга тушиб қолган пайраҳадай гир айлантриб юрдим. Парабелгача, тўғри юрсанг, йигирма чақиримча келади, — чол Акимовга бир тикилиб қўйди-да, хиёл ҳомийларча оҳангда қўшимча қилди:—Бу дейман, йигит, анча юрамол экансан. Зуваланг пишиқ, кучинг ҳам бор. Ешинг нечада ўзи?

— Йигирма учга тўлдим.

— Бўйдоқмисан ёки уйланганмисан?

— Бўйдоқман.

— Бир ҳисобда яхши экан. Бунақа ҳаётда ёлғиз одамга анча осонроқ бўлади.

— Анча осон, отахон.

Акимов бошини қуйи солди ва дарҳол Петроградни эслаб кетди. Қамоққа олиннишидан уч ойча олдин Ксенофонов уни ўз синглиси Катя билан таништириб қўйганди. Қиз Бестужев курсларида таҳсил кўрар ва акасининг яширин ишларида ёрдамлашиб юрарди. Катя Акимовга жуда ёқиб қолди. Бироқ ошиқ-маъшуқлик бобида Иваннинг тажрибаси йўқ эди. Йигитлик фаслининг бошида у бир муваффақиятсизликка учраган бўлиб, ушбу ҳодиса унинг дилида чуқур из қолдирганди. Ун сақиз ёшида ўрмон хўжалиги мудирининг ўғли бўлмиш Акимов ёғоч-тахта заводининг эгасининг қизини севиб қолди. Уша кезлари улар Камада истиқомат қилишарди. Акимовнинг маъшуқаси йигитнинг севгисига жавобан жўшқин эҳтирос намоён қилди. Иваннинг ота-онаси ўғиллари баланд дорга осилаётганини тушунтиришарди-ю, бироқ бадавлат заводчининг онласи ўғилларига ройиш қилаётганидан хурсанд эдилар.

Иван пойтахтга ўқишга жўнар экан, маъшуқаси билан хайрлаша туриб иккови умрбод содиқлик ҳақида онт ичишди.

Айрилиқнинг биринчи ойларида у севгилисидан деярли ҳар кун хат олиб турди. Сўнгра хатлар камроқ келадиган бўлиб, улардаги гаплар борган сайин совуқроқ тус касб эта бошлади. Баҳорга бориб умуман хат келмай қўйди. Иван изтироб чекиб, мактуб кетидан мактуб, телеграмма кетидан телеграмма йўллар ва таътилни сабрсизлик билан кутарди. Хаёлан унинг кўз ўнгида турли мудҳиш манзаралар намоён бўлар — қиз унга фожиавий бир тарзда ҳалок бўлган ёки қаттиқ касал бўлиб қолгандек туюларди. Ота-онаси унга раҳм қилиб, бор ҳақиқатни ёзишмаётган бўлишса керак. Янги хатлар бўлмагани туфайли у умрбод севиш тўғрисидаги оташин қасамларга тўла эски мактубларни қайта-қайта ўқиб чиқарди. Қизнинг сукут сақлашининг асл сабабини эса у ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

Таътилга бир ҳафта қолиб, унинг изтироблари дош бериб бўлмай-

диган даражага етганида, ҳаммаси равшан бўлди-қўйди: Иваннинг маъшуқаси Пермь ҳарбий командасининг поручигига турмушга чиқибди ва отасига қарашли шаҳар марказий кўчасига жойлашган уйда бамайлихотир ҳаёт кечириётган эмиш. Бу хабар Иванга жуда оддий бир йўсинда етиб келди: гимназияда бирга таҳсил кўрган синфдошларидан бири хатида ўз ҳаётидаги воқеаларни ҳикоя қилар экан, «янглишмасам, ўзларининг жигарларидан урган Ленка Селеверстова» нинг тўйи бўлди, деган ва ундаги базму жамшидни батафсил тасвирлаб берганди.

Маъшуқасининг хиёнатидан қалби ларзага тушган Акимов худди ана шу воқеадан сўнг шоша-пиша ўзининг навбатдаги экспедициясига отланаётган Лихачев тоғасининг олдига жўнаб кетди.

Петроградда яшар экан, Акимов зебо ва ақлли қизларни кўп учратарди-ю, бироқ ҳаётнинг унга берган сабоғи жуда кучли бўлиб чиқарди. У ўзи тенги қизларнинг барча диққат-эътиборини четлаб ўтиб кетарди. Фақат ёлғиз Катя Ксенофонтовагина унинг ҳис-туйғуларини бирдан уйғотиб юборди. Йигит уни ҳозир ҳам доим ёдида сақларди. Баланд бўйли, чаққон, қорасоч, кўзлари шаҳло Катя ҳеч кимникига ўхшамайдиган майин ва ёқимтой овозда сўзларди. Вазмин, равон ҳаракати, ҳар бир нарса ҳақида оқилона фикр юритиши, суҳбатдошига камсуқум, очиқ табассум билан қараб туриши уни Акимов танийдиган бўлак барча қизлардан ажратиб турарди.

Иван аввалдига Катя билан учрашганида ўзини ноқулай ҳис этар, эсанкирар, сийқа гаплар айтиб юборар ёки пастки лабини чўччайтириб, қовоғини солганича жим бўлиб қоларди. Катя буларнинг барини сезарди-ю, бироқ сир бой бермасди. Иваннинг бу ғалати хатти-ҳаракатини шундай кўнгилчанлик билан кечирishi туфайли қиз уни ўзига янада кўпроқ ром қилиб олди. Аста-секин уларнинг ўртасида шундай самимий ва дўстона бир муносабат пайдо бўлдики, йигит билан қиз чин кракдан дардлашадиган, ҳаёт, одамлар, илму-фан, революция тўғрисидаги энг пинҳоний фикрларни ҳам бир-бирларига очиқ-ойдин айтадиган бўлиб қолишди. Чамаси, Иван ҳам Катяга ёқарди. Ҳар қалай, қиз унга бефарқ қарай олмасди. Эҳтимол, бир кун эмас, бир кун бир-бирларига муқаррар муҳаббат изҳор қилажакларини тушунганлари учун бўлса керак, қиз ҳам, йигит ҳам дилларидаги туйғулари ҳақида очиқдан-очиқ гапиришмасди.

Агар Акимовни қамоққа олишмаганида, чамаси, тез кунда шундай бўларди ҳам. У ибтидий қамоқхонада ётганида Катя ўз хоҳиши биланми ёки ташкилотнинг топшириғи биланми, меҳрибонларча унинг ҳолидан хабар олиб юрди. Қиз унга озиқ-овқат, китоблар олиб борди, комитетнинг бир неча муҳим хабарлари, жумладан, тергов ва судда ўзини қандай тутмоқ кераклиги тўғрисидаги маслаҳатларни етказишнинг йўлини топди.

Бир куни назоратчи орқали бўш сумкани қайтарар экан, Акимов сўкилган чокнинг орасига бир парчагина хат солиб чиқарди: «Катюша, азизам!» Барча меҳрибончиликларинг учун сенга катта раҳмат. Сени кўп ўйлайман, жуда соғиндим. Буларнинг бари сени севишим туфайли бўлса керак».

Катя хатни олганига Акимовнинг имони комил эмасди. Сумкалар қайтарилаётган пайтда диққат билан кўздан кечириларди, эҳтимол, ибтидий қамоқ қабулхонасини тозалашаётганида унинг мактубини ҳам ахлатга қўшиб супуриб юборишгандир.

«Севишим ҳақида унга илгарироқ айтсам бўлар экан. Қандай ажойиб қиз! Энди эса ҳаммаси барбод бўлди... Мен Петроградга қайганимда, Катя, эҳтимол, биронта технолог ёки медикка турмушга

чикиб кетган бўлар. Муносиб одамга тегса яхши-я, ammo Катяга ўхшаш қизларнинг йўлига муттаҳамлар тузоқ қўйишади...»

— Ҳа, йигит, бунча ўйланиб қолдинг? Қани балиқдан еб, чой ичгинда, кейин ётиб ухлаймиз,— деди меҳрибонлик билан Федот Федотович қаҳрабо тусдаги бикри гўшти терилган тахтачани Акимов томон суриб қўяр экан.

Балиқнинг суяклари Акимовнинг бақувват тишлари орасида қусурлаб кетди. Чол ҳам ундан қолишмай, совуқдан қизарган юзидаги терни кафти билан арта-арта кружкадаги қайноқ чойдан ҳўплаганича ёшларга ўхшаб илдам овқатланарди.

2

Акимов анчадан бери Федот Федотовичдан баъзи нарсаларни сўраб суриштирмоқчи эди-ю, бироқ чол унинг ўзи тўғрисида бирон нарса билишини сира тасаввур қила олмасди. Ортиқча синчковлик муқобил саволлар туғдириши мумкин эдики, йигитнинг ҳозирги аҳволида бу саволларга жавоб бериши анча мушкул бўларди. Акимов чолга жилмайиб қараганича индамай ўтираверди. «Агар, отахон, сен чинданам олижаноб одам бўлиб, биздақаларни беминнат қутқараётган бўлсанг, у ҳолда дунё тургунча тур», дея ўйларди ўзича Акимов.

Федот Федотовичнинг ўзига келсак, синчковликдан чолнинг ичи қайнаб турарди-ю, бироқ куёви Федор Терентьевич Горбьяковнинг тайинлаган гапини эслаб, савол беришга журъат этмасди. «Ҳа, яна бир нарса ёдинда бўлсин, фатер, — деганди куёви хайрлаша туриб,— ҳар хил саволлар билан ўша одамнинг бошини қотирма. Тахминимча, у ўзи ҳақидаги бор гапни айтиб бера олмайди. Ёлғон гапириш эса, ўзингдан қолар гап йўқ, ростгўй одам учун кони азоб».

Улар шу йўсинда индамай овқатланиб ўтиришди. Жимликни биринчи бўлиб Акимов бузди: «Агар шунақа индамай ўтираверсам у мени ташлаб, қочиб кетади», дея хаёлидан ўтказди Акимов бу ўрмон баҳри муҳитида ўзини ёлғиз тасаввур қилар экан, бир зум унинг дилини ваҳима босди.

— Айтинг-чи, Федот Федотович,— дея таваккал қилиб қийин саволдан бошлади Акимов,— сиз ёшлигингиздан шу Нарим ўрмонларида яшайсизми?

Чол бажонидил жавоб қилди.

— Йўқ йигит. Бу ерда яшай бошлаганимга ўттиз йилдан сал ошди.

— Бу ерга қаёқдан келгансиз?

— Сенга айтсам, йўлим жуда қинғир бўлган. Сахалиндан келганман. Умрбод бадарға қилингандим у ерга.

— Сахалиндан дейсизми?! — дея хитоб қилди Акимов чолга қандайдир янгича кўз билан қарар экан. Икки юзи қип-қизил, жинглак соч, қўй кўзлари мулойим бу чол собиқ бадарға маҳбусга сира ҳам ўхшамасди.

— Хўш, Сахалинга қандай бориб қолган эдингиз?— ҳар қандай эҳтиёткорликни унутиб сўради Акимов.

— Подшоҳнинг ҳукми билан, йигит.

— Жиноятчи сифатидами ёки сиёсат юзасиданми?

— Бу ёғини ўзинг тушуниб олавер. Дўстим икковимиз бир сотқинни гумдон қилгандик. Ўртоқларимизни сиртмоққа тиққанди аблаҳ.

— Босқинчилик қилмоқчи эдингларми?

— Биз беозор одамлармиз. Сенга айтсам, иш ташлаш бўлганди. Уша кезлари Демидовнинг мис эритиш заводида юк ташувчи бўлиб ишлардим. Каторгадан баттар эди! Қўзғолон кўтардик, албатта! Ўзаро келишиб олдик. Кунда-кунда ўлгандан кўра, бир кунда ўлган

яхшироқ. Бошқарувчи аскар чақирди. Биз эсақ ўз сўзимда туриб олдик — вассалом. Ҳаммаси яхши кетаётувди-ку, орамизга бир аблаҳ кириб олган экан. Фамилияси Чураков эди лаънатининг. Бошлиқларимизни сотибди ўша. Уларни аллақаёққа олиб кетишди-ю, шу-шу гўртовиям қайтиб келмади. Фақат ўлимлари олдидан қайси аблаҳнинг сотқинлик қилганини хабар қилишга улгуришди. Шундан сўнг биз ўша ифлосни бир ёқлик қилишга қарор қилдик. Ёруғ дунё тозароқ бўлсин дедик. Ҳукми ким ва қандай ижро этиш тўғрисида узоқ бош қотирдик. Шеригим Филипп Фўнгилли бўлиб чиққан эди, мен ҳам унга қўшилдим. Икковимиз ҳам оиласиз бўйдоқлармиз, кучданам худо қисмаган. Хуллас калом, панароқ жойда йўлини пойладик-да, кейин... Лекин жони қаттиқ экан ярамаснинг. Улмаё қолган экан, уйига сургалиб келибди-да, бизниям сотибди. Филька икковимизни биринчи галда қамоққа олишди, кейин бу ишга алоқаси бўлган бошқа йигитларниям қамашди... Лекин ўша ифлосни бари бир тўнғиз қўпибди, айтишларича, одамлар ҳалол марҳумларга иснод келтирмаслиги учун гўрени ер билан текислаб юборишибди.

Ун икки кишини Сахалинга жўнатишди. Филька икковимизни ўн йилдан каторгага ва умрбод бадарға яшашга ҳукм қилишди. Шеригим бечора беш йилгаям чидамади. Озиб чўп бўлиб кетди, йўтала-йўтала қон қусиб ўлди. Менинг эса, кўриб турибсан, умрим узоқ экан. Унақасигаям эзиб кўришди, бунақасигаям... Лекин ажалим етмаган экан!

Шунда бир дам хиёл омадим чопгандек бўлди. Одамлар орасида умрбод бадарға қилинганлар Сахалиндан бошқа йироқ ўлкаларга кўчиб ўтишлари мумкин экан, деган гап тарқалди: Нарим экан ўша жойларнинг номи. Талабгорлар унча кўп бўлмади албатта, лекин баъзи одамлар топилди. Улар қандай хаёл қилишди дегин? Сахалинми, Наримми—ҳаммаси бир гўр, фақат Сахалин ўлгудай жонга теккан, Нарим эса янги жой, иннайкейин, туғилиб-ўсган жойингга яқинроқ...

Федот Федотовичнинг ана шу қисқа ҳикояси давомида Акимов бу одамнинг мушкул ҳаётини аниқ тасаввур қилди. Шундан сўнг чол унга яқинроқ, қадрлироқ бўлиб қолди ва дилида муқим сақланиб келаётган ҳадиксираш туйғуси бутунлай ғойиб бўлди қўйди. «Йўқ, у хиёнат қилиб, приставни бошлаб келмайди, аксинча имкони борича мени эҳтиёт қилади,— дея енгил тортиб ўйларди Акимов.— Россияни қаранг-а! Ҳатто кимсасиз, тупканинг тагида ҳам даҳшатли ижтимоий адолатсизлик ва синфий зулмга дуч келасан! Йўқ, фақат чуқур, ҳаётбахш революциягина Россияни чоризм ва капиталистлар киритиб қўйган ботқоқдан халос этмоғи мумкин!».

Федот Федотович ҳикояси қочоққа кучли таъсир қилганини пайқаб қолди. Чол Акимовнинг кўзларига тикилганича деди:

— Дилингни жуда хуфтон қилиб юбордимми, йигит. Қўй, қайғурма! Инсон нималарни кўриб, қандай азорларга дош бермайди дейсан! Баъзан ўтмишингни кўриб, ўзингга-ўзинг ишонмай қоласан. Гўё шунча азоб-уқубатни сен эмас, қандайдир бошқа одам бошидан кечиргандай туюлади... Сен ўзинг томсклими ёки узоқдан келганми-сан?— кутилмаганда мулоҳазадан саволга ўтиб, сўради чол.

«Ана бошланди», дея дилидан ўтказди Акимов, лекин энди у қариянинг синчковлигидан ташвишланмай қўйганди.

— Узоқдан келганман.

— Мунча кеч ҳаракат қилдинг? Бунақа пайтда қочиш — расво иш. Дарёдан қарасанг, соҳил уч чақиримгача кафтдагидек кўриниб туради. Урмонда эса яширина олмайсан—жуда совуқ. Ҳосиятсиз пайт ҳозир.

Шу пайт бирдан Акимов чолга бутун ҳақиқатни — комитет унга Стокгольмга, Лихачев ёнига етиб бориб, унинг ёнида бўлишни, олимнинг илмий тадқиқотларини хорижий калхатлар човутидан халос этиб, тез кунда ишчи ва деҳқонлар ҳоқимияти ўрнатилажак Ватан учун сақлаб қолишни буюргани тўғрисида гапириб бергиси келди.

Аммо сўнгги дақиқада Акимов ўзини тўхтатиб қолди. «Айтиб беришга улгураман ҳали. Худо кўрсатмасин, тайгада баҳорга қадар қолиб кетишим ҳам мумкин», дея хаёлидан ўтказди у.

— Шундай бўлиб қолди ўзи, Федот Федотович,— деди Акимов,— таваккал қилишга тўғри келди. Таъқиб қилишмаганида, эҳтимол ўтиб ҳам кетардим.

Овқатдан сўнг Акимов калта пўстинини елкасига ташлади-да, ташқарига чиқди. Совуқ тунда хиёл шаштидан қайтгандай эди. Осмонни майда булутлар қоплаб, юлдузлар энди фалакнинг чўққисидагина милтираб кўринарди. Шамол аста чийиллаб, дарахтларнинг учинигина тебратар, аммо пастда, ерда эса ҳаммаёқ жимжит бўлиб, қорнинг оғирлигидан букилиб қолган новдалар қимир этмай турарди.

Акимов осмонга қараб, атрофга қулоқ солганича хаёлга чўмди: «Бугун қайси кун ўзи? Янглишмасам, йигирманчи ноябрь бўлса керак. Ҳафтанинг қайси куни? Жума. Йўқ, пайшанба. Балки шанба ҳам бўлгандир! Агар ҳаммаси муваффақиятли чиққанида эди, ҳозир Стокгольм кўчаларида юрган бўлардим... Агар Прохоров тоғамни ёлғиз қолдирмаса, кейин тоғам соғайиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қодир бўлса, яхши-я... Менинг бу ерда ўтиришим ҳам узоққа чўзилмаса яхши бўларди... Хуллас, яхши нарса яхши... Ишқилиб, ҳаммаси ёмон бўлиб чиқмаса гўрга эди».

Акимов Федот Федотовичнинг ёнига қандай келганини эшитмай қолди. Чол трубакасини тутганича сал нарироқда бир неча муддат индамай турди.

— Қор ёғади,— деди чол осмонга қараб.

Акимов чўчиб тушди— Федот Федотовичнинг товуши унинг учун кутилмаганда эшитилган эди.

— Бугун пайшанбами ёки жумами?— дея сўради Акимов.

— Сенга нима бўлди, йигит! Ҳисобдан адашиб кетдингми? Жума тугаяпти. Эртага шанба. Манзилга етиб олайлик, ҳаммомга ўт ёқамиз. Шу дегин, бу чарчоқни яхши олади.

— Қор кўринмаяпти-ку, Федот Федотович,— деди Акимов совуқ ҳавода ўпкасини тўлдириб нафас олар экан.

— Эрталабгача икки қарич ёғади. Изимизни йўқотади. — Чол кулиб юборди.— Урядник кўзлари олазарак бўлиб, ҳаммаёқни искаганича уёқдан-буёққа зир югураётган бўлса керак ўзиям... Қани юр, йигит, ухлаймиз. Бу ерда бизга ҳеч ким тегмайди.

Акимов эснади-да, суяқларини қирсиллатгудай қилиб қаттиқ керишди.

— Ҳа-а, ухлаб олсам ёмон бўлмайди. Чунки ўтган шу кунларда уйқунинг мазаси йўқ эди: бир кўзим ухласа, иккинчиси очиқ турарди, бир қулоғим ором олса, иккинчиси чивин учсаям эшитарди...

— Беҳаловатликдан бу!—Федот Федотович ҳам эснаб қўйди.

Улар кулбага қайтиб киришди. Печканинг биқинларидан иссиқ уфуриб турарди. Ҳаво бир оз димиқибди. Федот Федотович печканинг уёқ-буёғини тўғрилаган бўлди-да, сўнгра девордаги юмалоқ тиқинни олиб қўйди. Туйнукдан кулба ичига тоза ҳаво кира бошлади. Акимов калта пўстинини чорпоёга ёзди-да, девор ёнига пичандан бир оз суриб, унинг устига бошини қўйиб ётди.

Федот Федотович чорпоянинг нариги четига чўзилди, бошини ушубўй пичан устига қўйган заҳоти ухлаб қолди. Акимовнинг ўлгудай

уйқуси келаётган бўлса-да, кўзи дарров илина қолмади. У атрофга қулоқ солди. Печкада ўтин чирсиллаб ёнар, кулбанинг томига дарахт шохи тўқиллаб уриларди. Чамаси, шамол кучайиб бормоқда эди.

Мудраб ётар экан, Акимов гоҳ Катя Қсенофнтовани, гоҳ тоғаси Венедикт Петровични, гоҳ Нарим большевикларининг мажлисидаги аллақандай баҳсларни эсларди. У тўғри ўша мажлисдан чиқиб, қайиққа ўтирган эди. Ниҳоят, у ухлаб қолди.

3

Акимов уйғонган заҳоти Федот Федотовичга кўзи тушди. Чол декчани шақирлатмасликка ҳаракат қилиб, нонушта ҳозирламоқда эди.

— Салом, Федот Федотович!— деди Акимов чорпоядан сакраб турар экан.

— Омонмисан, йигит! Қалай янги жойда яхши ухлаб турдингми?

— Қаттиқ ухлабман.

— Қор роса гупиллаб ёғаяпти. Ҳеч вақо кўринмайди. Энди пешиндан олдин тинмаса керак.

— Тинишини кутамизми?

— Чойни ичамизу йўлга тушамиз.

— Чиқиб қорда ювиниб келаман.

Акимов қанор қопдан осилган пардани қайириб қўйди-да, ҳуштак чалиб, ув тортаётган қор гирдоб ичига шўнғиди. Бир оздан сўнг у уст-бошини қор қоплаган ҳолда қўллари ва юз-кўзини хўл қилиб, қайтиб кирди.

— Оҳо, қандай ажойиб! Қандай яхши!— дея дўрилларди Акимов кучига куч қўшилаётганини ҳис этиб.

Федот Федотович иссиқ чой тўла кружкани у томон суриб қўйди.

— Исиниб ол, оғайни Гаврюха.

Улар овқатлана бошлашди. Яна худди кечагидек дастурхон тепасида самимий суҳбат етишмай турди. Улар бир-бирларига қараб-қараб қўйишаркан, ҳар бири ўз хаёли билан банд эди. «Уни ким яширганини Гаврюха билармикин? Мени у билан тайгага ким юборганидан хабари бормикин? Аввалига чўчинқираб юрди. Чол мени исковучларнинг қўлига топширмаса эди, деб қўрққан бўлса керак. Тентак! Ёнига қилич осиб олган бу иблисларни бошиданоқ жиним суймаслигини билмайди-да».

Акимов ҳам деярли шу тўғрида ўйларди. «Чол мени яширган қизни танирмикин. Ўша қизнинг кимлигини билиб олганимда яхши бўларди. Балким у шу чолнинг қизидир? Қария бу ерда, Парабелда Нарим комитети билан алоқа боғлаб турган одамни билармикан? Ким экан ўша одам? Балким чолнинг ўзидир? Ундай десам, чол чаласавод, шекилли. Кўрсатма берилган хат эса ўқимишли одам томонидан ёзилган».

Бироқ гап бошлаб, ўзларини қизиқтираётган муаммоларни ҳал қилиб олишга иккови ҳам журъат қилмай ўтирарди. Федот Федотович куёвининг, савол беравери бошини қотирма у одамнинг, дея тайинлаганини яхши эсларди. Акимов эса, тўрт йил махфий иш олиб бориш натижасида, муваффақиятнинг онаси ҳам, отаси ҳам — оғзингга маҳкам бўл, ишонч билдиришга шошилма, ишонч билдираётганингда эса ўртоқларинг хавфсизлигини ёдингда тут, деган бир муқаддас қонидани қаттиқ ўзлаштириб олганди.

Лекин одамнинг бир-бирининг рўпарасида индамай ўтиравериши ҳам ноқулай. Акимов чолга уёқ-буёқдан савол бериб, энг муҳими, тайга тўғрисида сўраб-суриштирди.

— Сенга айтсам, йигит, бу ернинг ўрмонлари шу қадар бепоён-ки, юз йил яшасанг ҳам, ҳамма жойни айланиб чиқолмайсан, — дея бажонидил ҳикоя қилди Федот Федотович. — Кўл деганинг беҳисоб: чуқурлари ҳам бор — тагига етолмайсан, суви қорамтир, булоқ сувига тўлган тиниқлари ҳам бор. Ўрмонлар ҳам бу ерда ҳар хил. Кеча биз кўпроқ қайинзор ва арчазорлардан ўтиб келдик, бугун асл ўрмонга кирамиз: қарағай, кедрзор — кедрзор бўлгандаям чунонам бир текисда ўсганки, томоша қилиб тўймайсан.

Чолнинг гапига қулоқ солар экан, Акимов ўзича ўйларди: «Тоғам билан учрашганимда, у даставвал борган жойларим тўғрисида сўраб, суриштиради. Агар тахминан ҳикоя қилсам, албатта койиб беради. «Аҳмоқсан, Ванька! Шундай имкониятни қўлдан бой берибсан-а! — дейди у жаҳл билан. — Харита ясаб, рўйхат тузишинг, хомаки суратини чизишинг лозим эди». Рўйхат, суратлар... Хўш, рўйхатни нима билан ёзай? Суратни нимага чизай? Қалпоғимнинг ичига жинжилоқдек қалам билан кафтдеккина ёғимланган қоғоз яшириб қўйганман. Ўшаним охириг дақиқада дафъатан бирор гап ёзишга зарурат туғилиб қолса керак бўлади, деб олгандим...»

— Нимани ов қиласиз, Федот Федотович, ҳайвонними ё қушларними? — суҳбат давом этгани сайин Акимов кўпроқ қизиқиб бормоқда эди.

— Доим бир хил эмас. Бултур дегин, савдогарнинг гумаштаси овчиларни бир жойга тўлаб: «Хўжайини иложи борича қур ва қарқур овлаб келишни буюрди. Нақ Питернинг ўзига, эҳтимол, ундан ҳам узоқроққа, хорижий ўлкаларга юборармиш. Айтишича, хорижийлар бизнинг қушларимиз гўштини ниҳоятда яхши кўришар экан», деди. Бу йил эса, аксинча, бошқача буйруқ бўлди: унга мўйнали ҳайвон, айниқса, оқсуварнинг териси керак экан. Уларни шахсан ўзи инглизлар ярмаркасига олиб борармиш.

— Савдогарлар ҳақни қандай тўлайди? Ҳисобда алдамайдими?

— Нега алдамас экан!.. Бусиз иш бўлармиди. Аввалига қабул қилувчи ҳақингдан уриб қолади. Унинг ҳам жиғилдони бор. Кейин омборчи. Сўнгра бошқарувчи. Қолганини хўжайиннинг ўзи. У фақат фойдани ўйлайди...

— Бир одам — чўкич билан, еттовлон — чўмич билан экан-да, — дея илжайди Акимов,

— Худди ўзи! — шўх кулиб юборди Федот Федотович ва ўрнидан турди. — Хўш, оғайни Гаврюха, йўлга чиқайлик энди. Худо ёр бўлсин бизга — ура!

Чол стол устидаги идиш-товоқларни йиғиштириб печкани кўздан кечирди-да, шошилмайгина кийинди. Акимов чол қилаётган барча ишларни эслаб қолишга уриниб, уни диққат билан кузатиб турарди. «Наҳот, баҳорга қадар ана шу чангалзорда сарғайиб ўтиришимга тўғри келса? — дея ўйларди Акимов, юраги орқасига тортиб. «Ҳамма нарса бўлиши мумкин, Иван, — деди сўнгра ўзига-ўзи жавобан йигит. — Тайгада яшашни ўрган, бардошингни эҳтиёт қил, у ҳали кўп керак бўлади сенга».

Қорбўрон тинай демасди. Еру осмон — бутун борлиқни гир-гир учаётган қор зарралари тутиб кетгандек. Бу зарралар кўз-қулоқ, бурун тешигига учиб кирар, шамол хуруж қилган пайтда эса чарсиллаб юзга уриларди. Дарахтлар қисирлаганича тебраниб турарди. Ҳаммаёқ қоронғи тушишидан олдин бўладигандек ғира-шира кулранг тусга кирганди...

— Тез орада кедрзорга кирамиз, йигит. У ерда шамол ҳам секинроқ эсади, ҳаво ҳам иссиқроқ бўлади, — дея Акимовга далда берарди Федот Федотович.

Чиндан ҳам орадан бир соат вақт ўтмай турли-туман жингиртоб дарахтлардан иборат ўрмон тугаб, асл кедрзор бошланди. Бу ерда баҳайбат дарахтларнинг шохлари бир-бирлари билан чирмашиб кетганди. Бўрон бу яшил шохлар остига кучини йўқотган ҳолда аҳён-аҳёндагина елпиниб кирарди.

— Кўрдингми, оғайни Гаврюха, ўрмонимизнинг қандай ҳимоячи эканлигини! Энди бизга ҳеч қандай бўрон қўрқинчли эмас. Нақ манзилнинг ўзигача кедрзор оралаб борамиз.

Федот Федотович кечагидек олдинда борарди. Бироқ бугун у шошилмас, ўқтин-ўқтин тўхтаб, Акимов билан бир-икки оғиз гаплашиб оларди.

— Бўрон изимизни супуриб, қор уни беркитди! Энди иблиснинг ўзиям ҳеч нима топа олмайди!— дея такрорларди Федот Федотович кўзлари мамнун чарақлаб. Чолнинг ўзини дадил ва хотиржам тутишини Акимов ёлғиз бир сабаб — хавф-хатарнинг бартараф бўлганлиги билан изоҳларди. Кеча қария сергаклик билан шоша-пиша йўл юрганди. Чамаси, у ҳар қалай, изларимизга тушишлари мумкин, деб чўчиган ва шу боисдан мумкин қадар Парабелдан узоқлашишга ҳаракат қилган эди.

4

Улар Федот Федотовичнинг қароргоҳига етиб боришганида кеч кириб қолган эди. Кедрзор у ер-бу ерида музламай қолган жойларидан буғ кўтарилиб турган кўлга бориб тақаларди. Ўрмоннинг кўлга туташган ана шу жойида бир уй кўзга ташланиб турарди. Гарчи уйни қор босган бўлса-да, Акимов дарҳол уни кеча ўзлари тунашган кулбага қиёслаб бўлмаслигини тушунди: уй йўғон ходалардан қурилган бўлиб, унинг катта деразаси бор эди, томида эса худди кўрсаткич бармоқ янглиғ темир мўри қўққайиб турарди.

— Бу дейман, Федот Федотович, уйнинг худди қишлоқдаги расмане уйларга ўхшайди-я, — деди Акимов, оёғини чанғининг тасмаларидан бўшатар экан.

— Бу ерда қишдаям, ёздаям, баҳордаям яшаганман. Қара, ҳув ана, омборим ҳам бор, ҳаммом ҳам қуриб қўйганман. Одам бусиз яшай олармиди?

Уйнинг ичи Акимовни бутунлай ҳайратга солиб қўйди. Хона кенг, ёруғ бўлиб, йўниб текисланган деворлари қуриган мумдан сарғайиб кўринарди. Полга кедр тахталари ётқизилганди, шифт ҳам анча баланд бўлиб, чўзилган тақдирда ҳам қўл етмасди. Сўри икки қаватли қилиб қурилганди. Хонанинг бурчакларидан бирига шинамгина қилиб стол ўрнатилганди.

Акимов унга кўз ташлади-ю, ўтган ҳафталар ичида биринчи маротаба стол ёнига ўтириб, китоб-дафтарларини ёйгиси ва тоза саҳифа устида хаёл сургиси келиб кетди.

«Ёзадиган нарса эса жуда кўп,— дея ўйларди у.— Аввало империалистик урушнинг граждандар урушига айланиши хусусида Наримда олиб борган баҳсларимизни қоғозга тушурмоқ даркор. Ишчилар синфини қурол билан таъминлаш масалаларини батафсилроқ ишлаб чиқиш зарур. Жанговар дружиналар ташкил этиш, махфий иш шароитида уларни ўқитиш йўллариини ўрганиш чиқмоқ керак. Агар Москвадаги декабрь қўзғолони пайтида тажриба орттирган ўртоқлардан биронтаси ўзига хос тактика дарслигини ишлаб чиқса, ёмон бўлмасди... Кейин бу ерлардаги дарё ва кўлларнинг музламайдиган жой-

лари тўғрисида ҳам ёзиб қўйиш керак... Венедикт Петрович, албатта қизиқиб қолади бунга...»

Акимов елкасидаги юкни ерга олиб қўйди-да, стол ёнига ўтиб, йўнилган юмалоқ тўнка устига ўтирди. Шундан кейингина у на китоблар, на қоғоз, на ёзиш учун бир нарсаси борлигини эслади.

— Толиқдингми, йигит?— дея сўради Федот Федотович, печка олдида тиз чўкар экан.

— Бугун чарчаганим йўқ, лекин кеча ниҳоятда ҳолдан тойган эдим,— деди ростига кўчиб Акимов.

— Буёғига энди шошиладиган жойимиз йўқ. Ҳозир уйни иситамиз-да, кейин ҳаммомга ҳам ўт қалаймиз.

— Жуда яхши!.. Сиз менга, Федот Федотович, белкурак, болта, челақларингиз қаердалигини кўрсатиб қўйинг. Бориб ҳаммомни ҳозирлайман,— дея таклиф қилди Акимов.

— Рост айтдинг, бошлайвер! Мен бу ердаги ишларни бир ёқли қилгунимча сен ҳам у ердаги ишларни бажариб қўясан. Қани, юрчи!

Улар ташқарига чиқишди. Федот Федотович омборчадан мисранг, белкурак ва ёғоч пақирни олди.

— Аввалига, оғайни Гаврюха, ҳаммом билан кўлга қараб йўл оч. Кейин ҳув анави дарахтнинг олдидаги қорни кураб ташлайсан-да, музни ўйиб, тешасан. Ҳаммомни иситиш учун ўтинни илгаридан ғамлаб қўйганман. Чунки баъзан уйга қайтганингда чарчоқдан оёқда зўрға турасан.

Федот Федотович бу янги ёрдамчисининг оёқ-қўли қанчалик чаққон эканлигини чамалаб кўрмоқчи бўлгандек, Акимовга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди.

— Ҳаммасини тушундим, Федот Федотович,— деди Акимов.

Чол уйга кириб кўздан ғойиб бўлган заҳоти Акимов ғайрат билан ишга киришди. Унинг танаси анчадан буён иссиқ сувга муштоқ бўлиб юрган эди. Шу тобда йигит тезроқ ҳаммомни иситиб, тош супага чўзилгиси ва суяк-суяқларигача иситиб олгиси келарди.

Ҳаммом билан кўл томон борадиган йўлканинг қорини у бирпасда кураб ташлади. Лекин музни ўйиб, тешик очишда қийналиб қолди. Мисранг енгилгина бўлиб, қўлида сирғаниб кетмоқда эди. Бир неча бор Акимов мисранг билан ўз оёғига тушириб қолай деди. У мисрангни ишлатишнинг ҳадисини олмаган эди. Гарчи бу асбоб оддийгина бўлса-да, уни ҳам ишлата билиш керак экан. Акимов кучга зўр бериб, мисрангни нақ дастасига қадар музга санчарди, аслида эса уни музга енгилгина ҳаракат билан, лекин албатта, қиялатиб уриш лозим эди. Акимов бу асбобни ишлатишда малака ҳосил қилиб улгурмасдан Федот Федотович келиб қолди. У Иваннинг ишини бир оз кутиб турди-да, жилмайиб деди:

— Бекорга шунча куч сарфляяпсан, оғайни Гаврюха. Менга бер-чи! Музни мана бундай тешадилар.

Беш дақиқалардан сўнг тешикда билқиллаб сув кўринди. Акимов ёғоч пақирда ҳаммомга сув таший бошлади. У тош ўчоққа ўрнатилган қозон ва иккита бочкани тўлдирар экан, Федот Федотович ўтхонага олов ёқди. Смолали ўтиннинг қуюқ тумани ҳаммомнинг очиқ эшигидан ичкарига ҳам кира бошлади.

— Эшикни ёпиб қўйсак бўлармиди, Федот Федотович. Бунақада ҳаммомни эрталабгачаям исита олмаймиз-ку,— деди ташвишга тушиб Акимов.

Бироқ бу ишларда у жуда нўноқ эди.

— Кўрқма, йигит. Печкадаги ўтин кўмирга айлансин, шу заҳоти эшикни ёпамиз. Ҳали иссиқдан нафасинг ҳам қайтиб кетади! Майли,

ёнаверсин. Юр, уйга кириб бирор нарса еб оламиз. Чойни эса ҳаммомдан кейин ичамиз. Менда брусника ҳам топилади.

Курсиллатиб озгина-озгина қотган нон еб олишди. Федот Федотович Акимовга печкани кузатиб туришни топширди-да, ўзи эса мойчироқларни ҳозирлашга тутинди. Унинг омборчисида доим балиқ мойининг жамғармаси сақланарди. У туес¹лардан банчкага ана шу мойдан қўйди-да, пиликларни унга ботириб, учини буради ва банканинг четидаги калтагина тунука найчадан ўтказиб қўйди. Мойчироқлардан бирини у хонадаги токчага қўйди, иккинчисини эса ўзи билан ҳаммомга олиб чиқди. Қиш фасли тайгада кун жуда қисқа бўлади, ҳаш-паш дегунча қоронғи тушади-қўяди. Мана бугун ҳам бирпасда қош қорая бошлади. Акимов печка ёнида ундаги оловнинг чирсиллаб ёнишига қулоқ солганича, ҳеч нимани ўйламай мудраб ўтирарди. Шу аҳволда қанча ўтирганини ҳозир унинг ўзи ҳам айтиб бера олмасди. Кутилмаганда ташқаридан совуқ ҳаво кирди.

— Ҳаммом тайёр, йигит. Сен буғда ўтириб терлашни яхши кўрасанми ё йўқми? Мен бу ерда супурги ҳам тайёрлаб қўйганман. Сенга-ям, ўзимга-ям буғлаб қўйдим ҳозир. Нега қоронғида ўтирибсан?

Чол мойчироқни ёқди-да, калта пўстинини ечиб ташлади. Аммо у қалпоғини бошидан олмай қўлқопини қўлтигига қистириб олди. Акимов унга ҳайрат билан қараб турарди.

— Бу ерда мен ҳаммомга кийимсиз бораман,— деди Федот Федотович Акимовнинг ажабланаётганини сезиб.

Акимов иккиланиб қолди: балким у ҳам калта пўстинини ечиб борсамикин? Ҳаммомнинг даҳлизи йўқ-ку ахир. Пўстинни ҳаммомнинг олдида шундоқ қорнинг устига ташлашга тўғри келади. Лекин чолнинг нега қалпоғини ечмагани ва қўлқопини олганини Акимов ҳозирча тушунолмади турарди. Хўш, майли, қалпоқни бир амаллаб тушунса бўлади: чол бошини шамоллашдан асрайди дейлик, лекин қўлқопчи? Ҳозир унинг чолга нима кераги бор экан?

Акимов ҳар қалай ҳаммомга ечиниб боришга журъат этмади. Пўстинини елкасига ташлаб, қалпоғини кийди-да, Федот Федотовичнинг ортидан юрди.

Ҳаммомнинг эшигида димоққа гуп этиб куйган лой ва буғда ивитилган қайин япроғининг ҳиди урилди. Мойчироқ хиёл липилласа-да, лекин қоронғиликни супа ва тош ўчоқнинг ортига қувганича бемалол ёниб турарди.

Акимов ечиниб улгурмасданоқ унинг танасини нам бир ҳовур ўз оғушига олди. Ҳаммаёғидан тер чиқиб, терисининг устки қисми эскирган кўйлак янглиғ сидирилиб тушаётгандек туюлди. Федот Федотович иссиқ сув тўла тоғорани Акимов томон суриб қўйди.

— Ювинавер, оғайни, Гаврюха, мен эсам ҳозир ҳаммомни бир буғлатаман-да, суякларимни қиздиргани тепага чиқаман.

Чол пақирдаги сувни устидан қўйди-да, сўнгра катта чўмич билан бочкадаги сувдан олиб, уни ўчоқда қизиб ётган тошлар устига сеппиб юборди. Сув шу заҳоти пов этиб булут янглиғ оппоқ буққа айланди-ю, шиддат билан шифтга урилиб, бутун ҳаммомга тарқалди. Акимовнинг эти хиёл куйгандек бўлди. У елкаларини қисиб, гужанак бўлиб олди. Федот Федотович қалпоғи билан қўлқопларини кийди-да, бочкачадан қайин супургини олиб баланд супага чиқиб кетди.

У завқ билан томоқ қоққанича аъзойи баданини савалай бошлади. Супургининг ҳар силтовидан сўнг Акимовнинг беданига қайноқ ҳаво келиб уриларди. Акимов нафаси қайтаётганини ҳис этиб, бурчакка тикилиб олди. Федот Федотович ҳамон ўзини савалашдан тинмасди.

¹ Туес — қайин пўстлоғидан ясалган идиш. (Тарж.)

Мана, ниҳоят, у супадан сакраб тушди-да, боши билан қўлини қайноқ буғда куйишдан сақлаб турган қалпоғи ва қўлқопларини ечиб, эшикни ланг очди ва ўзини қор уюми устига ташлади. У мамнун ҳў-ҳўлаганича қорда бир оз уёқдан-буёққа юмалагач, югуриб ҳаммомга кирди ва қизиган тошлар устига бир чўмич сув селиб, яна супа устига чиқиб олди. Чол энди ўзини илгаригига қараганда хиёл авайлаброқ саваламоқда эди.

— Яхши! Жуда зўр бўлди-да, йигит! Ҳамма дардни қувиб чиқардим!— деб хитоб қилди Федот Федотович.

Ниҳоят, у супургини бир четга ташлаб, супадан пастга тушди-да, бурчакда турган тоғора ёнига келиб ўтирди.

— Супага чиқиб, баданингни буққа тут, Гаврюха! Агар иссиқ камлик қилса, тош устига яна сув селиб юбораман.

Акимов ўз супургисини олиб, супа устига чиқди. Йигитнинг қулоғи, юзи, бўйни куйиб, ачишаётган кўзлари юмилиб кетаётган бўлса-да, лекин шу билан бирга, у суяк-суякларигача қизиб, алланечук баҳридили очилаётганини ҳис этди. Акимов супургини силтаб, сони, биқини, елкаларини ура бошлади. Лекин бу машғулот унга ҳар қалай оғирлик қилди. У супадан тушиб, бочка ёнига югуриб борди-да, юзига ҳовучлаб совуқ сув сепа бошлади.

Ниҳоят, у чол томон ўгирилиб қараган эди, мойчироқнинг липиллаб турган шуъласида Федот Федотовични ғалати бир аҳволда кўрди: қария бирдан, худди мўриконга кириб чиққандек, қоп-қора бўлиб қолганди. «Унга нима бўлди?»— дея ташвишга тушиб хаёлидан ўтказди Акимов.

— Қани, йигит, бизнинг тайга совунидан суриб ол. Жуда ҳузур қиласан-да ўзиям!

Акимовнинг розилигини кутиб ўтирмай Федот Федотович тоғорачадаги қўл балчиғидан кафтини тўлдириб, йигитнинг елкасига суртди. Акимов тоғорачани олдига тортди-да, бир дақиқадан сўнг ўзи ҳам чолга ўхшаб қоп-қора бўлди-қўйди.

Улар курсиларда қуриниб ўтиришарди. Федот Федотович йигитга каторгадан орттириб келган эски бод касалини ана шу қўл балчиғи билан қандай даволаганини ҳикоя қилиб берди. Акимов қулоқ солиб ўтирар экан, ўзича ўйларди: «Буларнинг барини ўзим текшириб кўрмоғим лозим. Стокгольмда Венедикт Петровичга рўбарў бўлганимда, унга Парабель тайгасининг тилсимотлари тўғрисида тадқиқотчиликнинг барча қоидаларига амал қилган ҳолда ахборот бераман».

Энди, Гаврюха, устингдан сув қуйиб юбор, қарабсанки, фариштадай топ-тоза бўласан-қўясан.— Федот Федотович ёғоч пақирдаги сувни Акимовнинг устидан қуйиб юборди, сўнгра челакни бочкага ботириб олди-да, яна йигитнинг устига сув қўйди.

— Қўйсангиз-чи, Федот Федотович, ўзим, ўзим чўмиламан!— дерди Акимов чолнинг илтифотидан ноқулай аҳволга тушиб.

Улар уйга қайтиб, чой ича бошлашди. Федот Федотович Акимовни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ноз-неъматлар — тукли арининг болига аралаштирилган брусника билан меҳмон қилди.

— Тукли арининг болини қаердан олдингиз, Федот Федотович?— дея сўради Акимов. У умри бино бўлиб бундай хушбўй асални тотиб кўрмаган эди.

— Бу ерда, қўлдан сал нарироқда куйган ўрмон бор. Афтидан, чақмоқ уриб ёнган бўлса керак. Ана ўша жой ҳозир асал берадиган гуллар билан қопланган. Ёзда ўша ерда тукли ари дегани беҳисоб бўлади. Ерда ўрнашган иккита оилани олдим-да, тоғтерак тўнкасининг қавагига кўчириб ўтказдим. Кўникиб кетди жониворлар! Қишда, иссиқроқ бўлсин учун устини мох билан ёпиб қўйдим.

— Ажойиб! Мўъжизанинг ўзи!— деди ажабланиб Акимов.

— Қани, Гаврюха, манови гўштан тотиб кўр-чи! Хўш, сенингча, бу ниманинг гўштийки?— Шундай дея Федот Федотович Акимовнинг олдига тилим-тилим тўқ қизил қоқигўшт терилган тахтачани суриб қўйди.

Акимов қаршисида сир сақлаб ўтирган чолга қараб-қараб қўйганича гўштни чайнай бошлади.

— Ниманинг гўшти дейсизми? Ҳм... Молники! Йўқ шошманг. Чўққаникига ўхшайди... Балким буғу гўштидир...

— Айиқнинг гўшти бу, оғайни! Мен уни аввалига қозонда қайна-тиб, офтобда қоқитганман-да, кейин товага солиб чўққа ёғида хиёл қовуриб олганман.

— Айиқ гўшти демайсан сира! Бир вақтлар Кета соҳилида айиқ гўшти егандим. Итнинг ҳиди келганди ундан.

— Уни яхшилаб қайнатиш керак эди. Шунда ҳиди қолмасди.

— Айиққа кўп дуч келганмисиз, Федот Федотович?

— Кўпам дуч келган эмасман-ку, лекин ов қилганман.

— Ҳаммаси бўлиб нечтасини қулатгансиз?

— Йигирматача чиқса керагов. Балким кўпроқдир.

— Инидан топиб олармидингиз?

— Иниданам, бостирмалар олдида пистирмада туриб ҳам.

— Ёлғиз ўзингизми?

— Баъзан ёлғиз ўзим, баъзан шериклар билан ов қилганман. Ҳар хил бўлган. Бизнинг Парабелда Федор Терентьевич Горбьяков деган фельдшер яшайди. Ўша билан кўп борганман. Уни танимайсанми мабодо?

— Горбьяков? Йўқ, бунақа одамни танимас эканман.

«Бу дейман, Гаврюха ё қувлик қилаяпти, ё чинданам Федяни танимайди. Лекин сенинг асосий халаскоринг ўша-ку ахир. Агар Федя бўлмаганида, оғайни, озодликни тушингда кўрардинг», дея ўйларди Федот Федотович Акимовга синовчан қараб қўяр экан.

— Сиздан кечаёқ бир нарсани сўрамоқчи эдим, Федот Федотич, нега менга Гаврюха деб от қўйдингиз? Ёки шундай қилишни сизга биров буюрдими?— кружкадаги иссиқ чойдан хўплаб ичар экан сўради Акимов.

— Ўзим шундай от қўйдим сенга. Хўш, нега деб сўрарсан. Фақат жаҳлинг чиқмасин. Парабелда битта шеригим бор. Исми Гаврюха. Ўзи беозор, яхши йигиту фақат мановининг мазаси йўқроқ—шундай дея Федот Федотович бармоғи билан пешонасини тўқиллатиб қўйди.— Шу дегин, раҳмим келганидан баъзан ўшани овга олиб бораман. Ўзи жуда тиришқоқ бола... Нимани буюрсанг, ҳаммасини бажо келтиради... Шунинг учун ҳам миямга бир хаёл келди: сени бошқача исм билан чақирсам — одамларнинг қулоғига ғалати эшитилади. Яна биронтаси, худо кўрсатмасин, қизиқиб қолиши мумкин. Бунда эса Гаврюхами — Гаврюха. Гаврюха билан оғайни эканимни ҳамма билади.

— Ҳозир ўша Гаврюха қаерда ўзи?

— Епифашка Криворуков балиқ сақланадиган омборларига қоровул қилиб олган уни. Баҳорга қадар дарёнинг нариги соҳилида яшайди. Буни эса кўпчилик билмайди.

«Гаврюхани яхши ўйлаб топибсиз, отахон. Билмадим, махфий иш қондаларини сизга биров ўргатганми ёки йўқми, лекин буларнинг бари оқилона топилган гаплар», дея хаёлидан ўтказди Акимов.

— Менинг асл исмим Иван бўлади, Федот Федотович. Лекин бундан кейин ҳам мени Гаврюха деб чақираверганингиз маъқул,— деди Акимов дилида чолга нисбатан қандайдир чуқур ишонч билан.— Менга бориб ертўлага яширинишни ўргатган анови қиз-чи, уни таний-

сизми?— Акимов анчадан буён шу тўғрисида сўрашга ботинмай юрган эди.

— Поляни айтаяпсанми?— дея жилмайди чол.

— Унинг исми Полями?

— Менинг набирам. Бу ёруғ дунёда кўзимнинг оқу қораси ўша.

— Шунақа денг? Мени миршабларга тутиб бермагани учун катта раҳмат унга.

— Бундай разолатга ўргатилган эмас у,—товушида қатъият билан деди Федот Федотович ва жиддий боқиб турган кўзлари табассумдан бир зум майин тортди.

5

Ҳаммомда чўмилиб, брусника билан чой ичишганидан сўнг бу кеча уларнинг иккови ҳам қаттиқ ухлаб қолишди. Аммо уйғонган заҳоти Акимовнинг миясига нохуш бир фикр келди. «Бу ерда нима қиламан энди? Чол билан тинимсиз суҳбат қуравермоқ учун менда на мавзу, на бардош етади, бир жойда муқим ўтираверишга эса одатланган эмасман...»

Федот Федотович Акимовнинг бу нохуш хаёлларини сезгандек бўлди. Бунинг унча ажабланарли ери ҳам йўқ эди. Зеро, Федот Федотович умрининг чорак қисмини тутқунликда, чорасиз бир шароитда ўтказган эди. Шу боисдан ҳам у бир вақтнинг ўзида қочқин ва асир аҳволига тушиб қолган одамнинг кайфиятини яхши тушунарди.

— Сен билан, Гаврюха, эртадан бошлаб овга борамиз. Олмахонни ов қилиш мавсуми ҳозир. Илвасин ҳам ов қиламиз. Ўзимиз учун ҳам, савдогар учун ҳам. Сенга кўл ва дарёларни кўрсатаман. Балиқ тутамиз. Агар бўрон бошлангудек бўлса, бунга ҳам иш топиб қўйганман: хомборчамда туес ясаш учун қайин пўстлогидан анча-мунча бор. Бунга нима дейсан?

— Нимаям дердим! Ўзингиздан қолар гап йўқ, Федот Федотич. Бусиз ҳам жуда кўп бекор ўтирдим. Улгудай жонимга тегди! Хўш, бугун нима иш қиламиз?— Акимов ҳозирнинг ўзидаёқ шартта ўрнидан туриб, бирор ишни бошлаб юборишга тайёр эди.

— Бугун, Гаврюха, ишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Утин арра-лаймиз. Бир. Уй билан ҳаммомни тартибга соламиз. Икки. Кўлда то-вон—балиққа тузоқ қўямиз. Уч. Қарабсанки, кеч бўлиб, қоронғи тушади, уйқуга ётамиз. Буям керак нарса. Бусиз яшаб бўлмайди.

Федот Федотович шошилмай вазмин сўзлар экан, чақнаб турган кўкимтир кўзлари кулгидан жилваланмоқда эди. Чол кечаги ҳаммомдан сўнг пахмайиб кетган оппоқ жингалак сочларини силаб-силаб текислаб қўйди.

— Айтинг-чи, Федот Федотич, сиз бу ердан тўғри Томск ёки Новониколаевск томон борадиган йўлни билмайсизми?

Федот Федотович Гаврюхани тўғри шу ердан, Парабель тайгасидан қочиб кетмоқни хаёл қилаётганини фаҳмлади. Чол Акимовнинг сабрсизлик қилиши сабабини тушунарди-ю, бироқ бу ниятнинг хом хаёл эканини ҳам барчадан яхшироқ тасаввур қиларди. Зеро, бу ердан юзлаб чақирим масофагача ҳали инсон оёғи етмаган, қаҳри қаттиқ, ўтиб бўлмас чангалзорлардан иборат тайга чўзилиб кетган эди. Қиш қиличини яланғочлаб келяпти, ҳали олдинда чилланинг совуғи турибди. Бўронларни айтмайсизми? Улар бу ерда баъзан шу қадар узоқ давом этиб, шу қадар кўп қор ёғадик, қишлоқларда қорнинг остидан фақат печь мўриларигина кўриниб туради.

— Бу хаёлни миянгдан чиқариб ташла, йигит. Мундоқ ўйлаб кўрсанг-чи ахир. Бу ерга, кўл томонга келадиган йўлда мен кечаги кулбани бекорга қуриб қўйибманми? Хом хаёл сенинг ўйлаган режанг. —

Чол бу гапни аллақачон ўйлаб, узил-кесил ҳал қилиб қўйилган фикр тарзида комил ишонч билан айтди.

«Ҳа, албатта,— дея ўйлади Акимов,— харитасиз, йўлбошловчисиз ва махсус асбоб-ускуналарсиз тайгани кесиб ўтаман дейиш — бу хом гап. Бунақада бир балогоа гирифтор бўлиш мумкин». Аммо бари бир, унинг онгида ҳамон қандайдир умид учқуни ўчмай турарди. Балким ерлик аҳоли, бу ердагиларнинг таъбири билан айтганда, «ғайридинлар» остьак, тунгус, селькунларнинг ёрдами тегар. Улар бу ерда Обнинг ирмоқлари — Васюган, Кета, Тим дарёларининг соҳилларида истиқомат қилишарди. Акимов профессор Лихачев билан экспедицияларга борган кезлари, улар тайга одамларига тез-тез дуч келиб туришарди.

— Э, оғайни, уларга умид қилиш хавфли,— деди Федот Федотович Акимовнинг саволига жавобан.— Улар бир жойда туришмайди ахир. Тинимсиз кўчиб юришади! Айттайлик, сен уларни Тимнинг қуйилиш жойида учратгансан, қарабсанки, бир-икки ҳафтадан сўнг улар Васюганга ўтиб қолишади. Кейин сенга яна бир гапни айтиб қўяй, Гаврюха: уларнинг биронтаси ҳам тайгани бошдан-оёқ кесиб ўтмайди, шаҳарга борадиган йўлни билишмайди улар. Шаҳарни бошларига уришадими ахир? Ярмаркага улар Парабелда йиғилишади, керакли нарсаларни шу ердаги катта қишлоқлардан сотиб олишади... Йўқ, йўқ, улардан сира ҳам умид қилма...

Лекин Акимов ҳар қалай яна бир бор чолнинг кўнглига қўл солиб кўрди:

— Бу ерларда кўплаб староверлар¹ яшайди дейишади. Айтинг-чи, Федот Федотич, шу гап ростми? Ана ўшалар бу ердаги барча йўлларни яхши билишса керак ахир!— Шундай дея Акимов чолга тикилиб қаради. Хўш, қария бунга нима деркин? Балким у ана шу имкониятни унутгандир?

Федот Федотович қўлларини силкитиб, худди ҳурпайган мушукдек жаҳл билан пишқириб қўйди.

— Анови таркидунёчи дарвишларни айтяпсанми? Биламан уларни, биламан! Уларнинг қўлига тушишдан худо сақласин! Ҳовлида совуқдан қотиб ўлсанг ҳам уларига киритишмайди. Ҳаммомларига киритсалар ҳам раҳмат деявер.— Чамаси, «таркидунёчи дарвишлар» қаердандир чолни қаттиқ хафа қилган кўринарди. Қария улар ҳақида ғазаб билан сўзлар экан, жаҳлнинг зўридан юзлари қизариб кетди.— Сенга айтсам, Гаврюха, улар махфий ҳаёт кечиришади. Бегона одамларга туриш-турмушларини кўрсатишмайди. Уларнинг қондаси шунақа ўзи. Ниҳоятда жоҳил, қаҳри қаттиқ одамлар. Улардан узоқроқ юр. Ўрмон билан бу ернинг йўлларини эса улар билишмайди. Қилар ишлари деҳқончилик: ер ҳайдашу мол боқиш. Ҳайвон овлашмайди, қушларгаям тегишмайди. Тўғри, балиқ тутишади. Фақат хонаки, қўлбола нарсаларни ишлатишга ҳаракат қилишади, харид қилинган нарса гуноҳ ҳисобланади уларда... Аммо туз сотиб олишади. Иннайкейин, керосин ҳам. Лекин кийим бобида — худо сақласин. Ҳаммаси уйда тўқилган, хонаки кийимлар...

— Сиз, Федот Федотич, уларнинг ҳаётини қаёқдан бундай яхши биласиз?— сўради Акимов, ўзича, демак, бу йўл ҳам тўғри келмас экан, дея хаёлидан ўтказар экан.

— Уларнинг лаънати ҳаётига хиёл аралашиб қолганман. Бу ерга, Наримга кўчиб келгач, шундай мушкул бир аҳволга тушиб қолдимки, асти қўяверасан. Бошимни сиртмоққа тикшигаям, рози эдим. Еб-ичиш

¹ Старовер — Россияда XVII асрда динни ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган диний мазҳаб тарафдори: староверлар ҳокимият таъқибидан қочиб овлоқ жойларда яшаганлар. (Тарж.)

керак-ку ахир, мени эса ҳеч ким ишга олмайди дегин. Сахалиндан келган бадарға маҳбус эканлигимни билишган заҳоти қувиб солишади. Ана шундай кейин Парабель бўйлаб юқорига староверлар олдинга равона бўлдим. Бир бурда нон учун салкам бир йил яшадим уларнинг орасида. Алоҳида кулбада истиқомат қилдим албатта. Уларнинг уйига қадам босиб кириш мумкин эмасди. Жонимни жабборга бериб ишладим. Қаҳратон қиш. Қаёққаям борардим? Ҳаммаёқ тайга, қор, одам боласи кўринмайди. Уларнинг бош руҳонийсига ёқиб қолдим шекилли, у мени ўз мазҳабига киришни ташвиқ қила бошлади. Унинг гапларига қулоқ соламану ўзимча ўйлайман дегин: «Яхши, яхши, мазҳабингни мақтаб, турмушларинг, арши аълодаги ҳузур-ҳаловат тўғрисида ёлғон-яшиқни қалаштиравер. Кўриб турибман ўша жаннати каторгаларингни. Сахалиндагидан хиёл яхшироқ, холос. Уша азоб-уқубат, фақат бир оз жило берилган». Яна қиш тушди. Шундан сўнг мен яшаш учун янги жой топишга аҳд қилдим. Энди ишга жойлашаётганимда, ҳар қалай, бошқача баҳонам бор, деб ўйладим. «Қаёқдан келдинг?»— дея сўрашса, «Староверлар олдидан келдим», деб жавоб қиламан. Нима сабабдан у ерни тарк этганим тўғрисида эса ортиқча сўраб-сориштиришмайди. Аҳён-аҳёнда бўлса-да, ҳар қалай, уларнинг олдиларидан одамлар қочиб келишарди. Лекин, сенга айтсам, улар мазҳабларига хиёнат қилган одамларни ўлгунча калтаклашарди. Бу ўринда қочганам худо дерди, қувган ҳам. Қочиб қутулсанг, бахтининг чопгани, етиб олишса, шафқат сўрама. Сира ҳам шафқат қилишмайди.

Тўғри, менинг у мазҳабга алоқам йўқ эди. Шунга қарамай, у ердан яширинча, қоп-қоронғи тунда чиқиб кетдим. Бунинг устига, ҳаво шу қадар айнаб турган эдики, ҳатто биронта ит ҳам ҳурмади. Энди тушунгандирсан, уларнинг ҳаётини қаёқдан яхши билишимни...

Акимов Федот Федотовичнинг ҳикоясини диққат билан тинглар экан: «Жаҳондийда чол .У жуда кўпни кўрган. Балким мени Васюган ботқоқлари орқали тайга оралаб Новониколаевск ёки Омск томон бошлаб боришга унинг ўзини кўндирсаммикин?»— дея яна ўша режаси ҳақида ўйларди.

Бироқ кейинги дақиқада у чолдан бу хусусда ҳам шундай тўлатўкис жавоб олдики, тўғри шу ернинг ўзидан, тайгадан қочиш ҳақидаги режаси бутунлай хом хаёл эканлиги маълум бўлди-қўйди.

— Эсимда, Гаврюха,— дея ҳикоясини давом этди Федот Федотович бир оз сукут қилиб тургач, староверлар қишлоғидан қочган ўша тунда мен нафасимни ростламай ўттиз чақирим йўл босдим. Силлам қуриб йиқилмаганимга ўзим ҳам ҳайронман. Шу дегин, юргандан юраверибман, юраверибман. Худди биров елкамдан итариб келаётгандай. Гарчи ортимдан қувмаслиқларини билсам ҳам староверларнинг зиндонини эсласам, юрагим орқамга тортиб кетарди. Улар гуноҳ қилган барча одамларни ана шу зиндонга солишгувчи эди. Чуқурлигиям ўн газ келарди. Четлари сип-силлиқ, оёқ қўйиб чиқа олмайсан. Тагидан эса худди қудуққа ўхшаб сув сизиб чиқарди. Маҳбусларни у ерга арқонга боғлаб туширишарди. Зиндоннинг оғзига хода ташлаб қўйишарди.

Уша куни Калистратнинг қўрғонига етиб бордим. Калистрат исмли бир овчи оғайним бўларди. Кампири билан ёлғиз ўзи яшарди у ерда. Улар мени яхши кутиб олишди. Ушаникида тунадим. Эрталаб бир фикр келиб қолди миямга: «Хўш, қаёққа бораё энди? Тайга орқали тўғри Томскка жўнасам-чи? У ерда шаҳар ёнида савдогарларнинг асарилари кўп бўлади. Индамай ишга олишади. Паспортимни ижикилаб текшириб ўтиришмайди. Уларга тиним билмай ишласанг бўлди».

Кел, Калистратдан бир маслаҳат сўрай дедим. У бутун Наримда тайгани ҳаммадан яхшироқ биларди. Гап ана шундай, қадрдон, менга

ёрдам қил, йўл кўрсат, дедим. Ана шунда у менга бутун бир қиссани ҳикоя қилиб берди. Парабелга сургун қилинган бадавлат одамлардан бири уни тайга орқали шаҳарга бориш учун йўлбошловчилик қилишга кўндирибди. Хўш, улар йўлга равона бўлишибди. Урмон ора-лаб йўл юришибди, йўл юргандаям мўл юришибди-ю, охири адашиб қолишибди. Улганининг кунидан Обь ўзани томон юришга мажбур бўлишибди. Икки ҳафталардан сўнг улар силлалари қуриб, оч қолган, оёқ-қўлини совуққа олдирган ҳолда Чўлимнинг қуйилиш жойидаги Могочино деган жойга етиб боришибди. У ерда биринчи тундаёқ сургундан қочган ўша одамни миршаблар қамоққа олишибди. Калистрат эса изини чувалаштириб қочиб қолибди. Униям қамоққа олишлари мумкин эди албатта, бироқ бу ерда ҳеч ким Калистратни танимасди. Анови маҳбус эса, гарчи бойлардан бўлса-да, олижаноб одам экан, тайгада ўзига ким йўлбошловчи бўлганини айтмабди.

Акимов Нарим тайгасининг чангалзорларидан чиқиб кетишнинг ягона чораси бу вақти келганида комитет кўрсатадиган йўлдан кетиш эканлигини узил-кесил тушунди. «Ўша вақт қачон келади ҳали? Жин урсин! «Кутиш керак. Ҳовлиқиб, турли хом хаёл режалар тузишдан фойда йўқ», деди ўзига-ўзи Акимов.

— Қани, Федот Федотич, айтинг, нима иш қилай?.. Уйингиз катта экан... Оилангиз билан яшаган эдингизми бу ерда?

— Буниси бутун бир ҳикоя, Гаврюха.— Федот Федотовичнинг шамолда тобланган ва қалин соқол босган юзи табассумдан хиёл майин тортди.— Бу уйни ильинкалик бир савдогар қурдирган. Беш нафар мужикни бошлаб келган эди, шоввозлар икки кунда қуриб беришди шу уйни. Хўш, бу ерда уй қуришнинг нима кераги бор эди унга, деб сўрарсан. Буёғини эшит. Унинг қизи Анфиса шу ерда кўлнинг балчиғи билан оғир бир касалдан даволанган.

— Хўш, тузалиб кетдими?— инонмайгина сўради Акимов, олдин-данок Федот Федотовичнинг бу гапи овчиларнинг одатдаги ёлгон-яшиғи бўлса керак, деган хаёлга бориб.

— Ишонмасанг, Голешчихинога боргин-да, ўша хотинни ўз кўзинг билан кўр. Хотин эмас, гумбазнинг ўзгинаси. Нақ бўрдоқига боқилган дейсан,— деди Федот Федотович Акимовнинг ишончсизлик билдирганидан хиёл жаҳли чиқиб.— Агар ўша хотинни бориб кўра олмасанг, мана, манови мужикни кўриб қўй.— Федот Федотович бармоғи билан кўксини ниқтаб кўрсатди. — Агар ўша балчиқ бўлмаганида оёқдан айрилиб, ўла-ўлгунча тўшакка чўзилиб қолардим. Ҳозирча эса кўриб турибсан, оёқда юрибман...

— Юрганда қандоқ! Унча-мунча ёш йигит етолмайди сизга. Кейин менга ўша кўлни бир кўрсатсангиз, Федот Федотич. Менинг битта яхши танишим бор, ҳатто тоғам десам ҳам бўлади, аниқроқ қилиб айтганда, онамнинг қариндоши. У ердаги бойликларни жуда яхши билади. Тоғам бу ерларни — Наримни ҳам кезиб чиққан. Сиз айтган ўша кўл ҳақида унга ҳикоя қилиб бераман. Эҳтимол, илм-фан учун фойдаси тегиб қолар.

Акимов чолнинг кўнгли кўтарилганини фаҳмлади. Қария ҳатто кўксини кериб, гердайиб ҳам қўйди.

— Ҳали диққатга сазовор ҳамма жойларга олиб бораман сени, Гаврюха. Афсус, ҳаммаёқни қор босган. Ҳай, майли! Кўз билан кўролмасанг, сўз билан тасвирлаб бераман... Қани, юр энди, ўтин арра-лашимиз керак.

Акимов ҳузур қилиб ишламоқда эди. У йўгон кедр ғўлалари устидаги қорни сидириб ташлади-да, қарағай хода ёрдамида уларни томи юпқа тахтачалар билан ёпилган бостирма тагига юмалатиб келди. У ерда қорнинг тагидан Федот Федотович ўтин арралайдиган чорпоя-

ларнинг учи кўришиб турарди. Чол эса бу орада саржин тахлаш ниятида курак билан иккита кедр дарахти орасидаги қорни кураб, жой ҳозирлади.

Арранинг ўткир тишлари гўлага осонгина ботиб бормоқда эди. Унинг кесилаётган жойидан атрофга хушбўй мум ҳидини таратганича қипиқ отилиб чиқарди. Изғирин ҳаво билан аралашган мум ҳиди кишининг димоғини қитқилар, бироқ нафас олиш осон бўлиб, тоза ҳаво Акимовга тетиклик бағишларди. У икки кишилик арранинг дастасини хиёл пастга босганича алоҳида ҳафсала билан ўзига тортар ва тортиш гали Федот Федотовичга келганда, уни ўз ҳолига қўйиб берарди.

Акимов аррани қўлига олмаганига беш йилча бўлганди, аммо ёшликда орттирилган кўникма сира унутилмас экан. Оила қўйнида яшаб юрган кезлари Акимов куз фасллари отаси билан қишга атаб ўтин ҳозирларди. Акимовлар одатда қиш кезлари ўзларининг эски, путури кетган уйларини иситмоқ учун асл қарағай ва қайин ўтинидан ўн саржин ёқишгувчи эди.

— Аррани яхши тортар экансан, йигит,— дея Акимовни мақтаб қўйди Федот Федотович.

— Отамдан ўрганганман, Ўрмон назоратчиси эди у. Шунақа лавозим бор.

— Ҳа, биламан! Россияда анча кўзга кўринарли лавозим. Ўрмонни назорат қилади. Фақат бу ерда, Наримдагина назоратчининг ҳожати йўқ. Ўрмон эмас — океан дейсан. Худосиям, шайтониям уни ўлчаб, ҳисоблаб чиққан эмас.

Лекин, маълум бўлишича, ишга чидамлик бобида Акимов чолга бас келолмас экан! Иккинчи гўлани арралашаётганида унинг қўллари чарчай бошлади. У бутун гавдасини орқага ташлаб, аррани аранг тортиб олмоқда эди. Аммо у чарчаганини тан олгиси келмасди. У қачон чолнинг ўзи тўхтаб нафас ростлашни таклиф қиларкан, дея кутарди. Чиндан ҳам Федот Федотович биринчи бўлиб арранинг дастасидан қўлини олди-да, деди.

— Дамингни ол, йигит. Ҳар қандай меҳнат чиниқишни талаб қилади.

— Қўлимнинг манови ери негадир оғирлашиб қолди, — дея ростига кўчди Акимов билагини кўрсатиб.

— Нима қилибди? Шошиладиган жойимиз йўқ, бекорга зўриқиб, ўтирмаймиз. Бўш кунларимиз кўп ҳали!

Улар пешинга қадар ишлашди. Акимов, гарчи бир оз чарчаган бўлса-да, ўзини анча тетик ҳис этарди.

— Хўш, Гаврюха, Илиқдарёга бориб, балиқ тутиб келмаймизми? деди Федот Федотович идиш-товоқни йиғиштириб кўяр экан.

— Бўпти борайлик, Федот Федотич. Мен тайёрман.

— Бу дейман, Голешчихино кўрфазидаги ертўлада ўтиравериб сиқилиб кетганга ўхшайсан-ку. Оёғингни чигилини ёзмоқчимисан,— дея илжайди қария.

— Оёқ ҳам гапми! Ҳадеб бир хил манзарани кўраверса, одамнинг кўзи чарчар экан.

— Рост айтдинг! Мен Сахалинда шундай бўлган эдим! Эсимда, нуқул осмонга қарар эдим. Ҳар қалай, бир-бирига ўхшамайдиган булут ўтиб қолар ёки бирдан қуёш ярқираб чиқарди. Ерда нима бор эди дерсан? Забойнинг уч деворию дарага чиқадиغان ўнғир, хомос. Етоқхонадан иш жойимизгача икки чақирим сўқмоқ йўл эди. Бу сўқмоқнинг ҳар бир қаричини кўздан кечириб чиққан эдим.

Чолнинг ҳикоясини тинглар экан, Акимов унинг қилаётган ишларини ҳайрат билан кузатиб турарди. Қария омборчасидан кенг сирғалги-

чи деярли чанғидай келадиган чанани тортиб чиқарди-да, унинг устига ингичка симдан тўқилган узун дастали човли, мисранг ва бўздан тикилган бўш қопни ташлади. Сўнгра буларнинг барини чилвир билан чанага боғлаб қўйди.

Чол нарта деб атаган чананинг вазифаси Акимов учун тушунарли эди: у ҳар хил юкларни ташиш учун мўлжалланганди. Нарта жуда кенг бўлиб, унга Федот Федотович қароргоҳидаги бутун лаш-лушни бемалол жойлаш мумкин эди. Бироқ чол човлини нима мақсадда олганини Акимов тушуна олмади.

Улар йўлга тушишгач, балиқ тутиш учун биронта тўрми, тузоқми олишмаганидан ташвишга тушган Акимов бу тўғрида чолга айтиб қўйишни лозим топди.

— Балиқ тутиш учун бирон нарса олишни унутмадикми, Федот Федотич?

— Нега унутарканмиз, олдим-ку!— дея жавоб қилди Федот Федотович орқасига ўгирилиб қарамай.

«Қачон ола қолибди? Кейин, қанақа асбоб экан ўзи одамнинг кўзи илғамайдиган?» — дея ўзича ажабланди Акимов.

У Федот Федотович арқонда тортиб кетаётган нартанинг ортидан чанғида бормоқда эди. «Чамамда, у чўнтагига блесналардан¹ солиб олган бўлса керак», дея хаёлидан ўтказди Акимов кўнгли жойига тушиб. Зеро, у чолнинг эрталаб бир қанча блесналарни тахтача устига ёйиб, кўздан кечираётганини эслаганди.

Илиқдарёгача бўлган йўл унча узоқ эмас экан. Улар тахминан бир соатча ҳам йўл юрмай Федот Федотович нартани тўхташиб, деди:

— Мана, Илиқдарёга ҳам келдик! — шундай дея у қўлини чўзиб бир четни кўрсатди.

Акимовга, гарчи «мана, Илиқдарё», дейилган бўлса-да, ҳақиқат унча анча юриш керакдек туюлди. Чунки Федот Федотовичнинг ишораси жуда мавҳум чиққан эди. Бироқ чол сойликка сирганиб тушди-да, таққа тўхтади. Акимов чанғисини тўхтага олмай нартага қоқилиб тушди.

— Келдик, Гаврюха, чанғини еч,— деди Федот Федотович.

— Қани сиз айтган дарё? — дея сўради Акимов қор босган сойликни кўздан кечираар экан.

— Мана, кўрмаяпсанми, чакалакзор орасидан илон изи бўлиб оқяпти.

Фақат шундан кейингина Акимов шумурт, тол ва терак буталаридан иборат чакалакзор оралаб оқаётган ингичка тоза сув тасмасини кўриб қолди.

— Нега уни Илиқдарё деб аташади, Федот Федотович? — дея сўради Акимов тоғаси Венедикт Петровичнинг Кета соҳиллари бўйлаб саёҳат қилишаётганида жой ва дарёларнинг номи бирон жиҳати билан диққатини ўзига тортса, маҳаллий аҳолидан унинг келиб чиқиши тарихини сўраб-суриштириш одатини эслар экан.

— Қандай қилиб бошқача аташсин уни, йнги! — дея хитоб қилди чол.— У қўйилиш жойидан юқори оқимигача илиқ жилғалардан иборат ахир. Бундай ўтириб қарагин-чи! — Федот Федотович чўққайиб ўтирдида, бошини гоҳ ўнг, гоҳ сўл томонга буриб қарай бошлади.

Акимов шу заҳоти чолнинг ёнига чўққайди. У ўнг томонида ҳам, сўл томонида ҳам яланғоч буталар орасидан қор узра енгилгина буғ кўтарилаётганини кўрди.

— Тешиклардан буғ кўтариляпти. Ҳаво қанча совуқ бўлса, буғ шунча кўпроқ кўтарилади,— дея тушунтирди қария.

¹Блесна — балиқ овлаш учун қармоққа боғланадиган ялтироқ темир балиқча. (Тарж).

«Бу гапларнинг барини эслаб қолиш ёки ёзиб қўйиш керак... Ҳеч бўлмаса оддий тахтачага ёзиб қўймоқ зарур. Венедикт Петрович раҳмат дейди...» — деб хаёлидан ўтказди Акимов.

— Қиш пайти, Гаврюха,— дея давом этди Федот Федотович,— балиқ, чамаси, муз остида димиқиб кетса керак... Жой етишмаса керак-да. Шу боисдан жониворлар ўлиб-тирилиб, ўзини тешикка уради.

— Эҳтимол, сувда кислород етишмаса керак,— дея товуш чиқариб мулоҳаза юритди Акимов ва чолнинг ўзига савол назари билан қараб турганини кўргач, фикрини соддароқ қилиб тушунтирди: — Балиққа ҳаво етишмайди... Ахир уям нафас олиб яшайди-да.

— Бўлмаса-чи! Ойқулоқ бекорга берилганми унга,— деди аниқлик киритиб Федот Федотович ва нартадан човлини олди-да, чакалакзор оралаб қорнинг устидан яқиндаги тешик томон юрди.

Акимов мисрангни қўлига олиб, унинг ортидан юрди.

Федот Федотович биринчи тешикнинг олдидаёқ тўхтади. Чол деп-сийиб атрофидаги қорни шиббалади-да, муз қоплаган қирғоқнинг тегида туриб, тешикдаги майда муз парчаларини бир четга суриб ташлагач, човлисини сувга ботирди. У чўққайиб ўтирганича дастани қимирлатиб, човлини у ёқдан-буёққа суриб турди-да, кейин човлини дарёдан тортиб олди. Катта ва чуқур човли қимирлаб турган балиққа лиқ тўла эди. Федот Федотович балиқни шиббаланган қор устига тўкмоқчи бўлиб човлини кўтарган эди, унинг дастаси оғирлигидан эгилиб ва ҳатто қисирлаб кетди. Чол шоша-пиша човлини бўшатиб олди.

— Вой-бўй, балиқнинг кўплигини қаранг-а! — дея хитоб қилди Акимов кўз ўнгига содир бўлган воқеадан ҳайратга тушиб.

— Сенга айтсам, Гаврюха, бу ерда балиқ дегани беҳисоб. Лекин бекорга нобуд қилмаймиз уни. Ярим қоп тутаман-да, бас қиламан. Буни еб бўлганимиздан сўнг яна келармиз. Хиёл майдароғу, лекин жуда мазали, жонивор!

Федот Федотович човлисини яна тешикка ботириб, уни балиққа тўлдириб олди. Шундан сўнг човли яна бир неча бор сувга ботирилиб, ҳар гал ўлжага тўлиб чиқаверди.

Акимов билан Федот Федотович шошилмайгина тамаки чекишар экан, совуқ ўз кучини кўрсатди: балиқлар тош бўлиб музлаб қолишди. Улар балиқларни қопга жойлаб, уни нартага ортишди-да, қароргоҳ томон қайтишди.

Йўл-йўлакай Федот Федотович Олис тайганинг энг қизиқ жойлари тўғрисида ҳикоя қилиб борди.

— Иннайкейин, Гаврюха, мен сени яқинда Қўланса ботқоққа олиб бораман... Бу ердан узоқ эмас. Етти-саккиз чақирим келади... Ботқоқ эмас, аломат мўъжиза дейсан!

Федот Федотович ўз ҳикоялари билан Акимовни жуда қизиқтириб қўйди. «Қиладиган бошқа иш бўлмагандан кейин ҳеч бўлмаса тайга билан чинакамига танишиб олмоқ керак. Ким билсин, эҳтимол, бир кун эмас, бир кун фойдаси тегиб қолар», дея ўйларди Акимов.

7

Эрталаб у Федот Федотовичдан қароргоҳдаги бошқа ишларни қўйиб, Қўланса ботқоққа бошлаб боришни илтимос қилди.

— Ҳа, йигит, ит ҳидини ҳидлагинг келиб қолдимми? — дея кулди чол Акимовга чеҳраси очилиб қараркан.— Бўпти, борганимиз бўлсин! Аммо мен сенга айтсам, у лаънати жойдан оёғингни қўлингга олиб қочасан ҳали...

— Ута сассиқ ҳид қаердан пайдо бўлади, Федот Федотович? Бунинг сабаби нимакин? Одамлар бу тўғрида нима дейишади? — сўради Акимов дилида ўша ботқоққа нисбатан алоҳида қизиқиш ҳис этиб.

— Ҳар хил гапларни гапиришади. Уша Қўланса ботқоқ тўғрисида нодон одамлар нималарни валдирашмайди дейсан... Агар ҳақиқатни билмоқчи бўлсанг, унинг тагига ҳеч ким етган эмас. Сир бу...

— Ҳар қалай, одамлар қандай изоҳлашади буни?! — дея тинчимасди Акимов.

— Биласанми, гап бундай эмиш. Айтишларича, қадим-қадим замонда бу ерлар денгиз бўлган эмиш. Унда ғаройиб маҳлуқлар — отсимон балиқлар яшар экан. Лекин улар отга қараганда ўн марта каттароқ экан. Бу ер уларнинг энг севимли макони экан. Бир куни кутилмаганда денгизнинг тепасида қаттиқ момақалди роқ бўлибди. Кучли чақмоқ чақиб, ҳаммаёқ гулдираб кетибди-ю, осмону фалакдан дегин улкан ер парчаси қулаб тушибди. У бир зумда чанг-тўзону қумга айланиб, ўша маконни бутун ифлос маҳлуқотлари билан кўмиб юборибди. Шундан кейин бу жойлар ириб-чирий бошлади. Денгиз ҳам узоқ-узоқларга оқиб кетибди. Ушандан буён ботқоқнинг таги тинмай чирмишу, лекин сира чириб тугамасмиш... Халқнинг айтишича, бир вақтлар битта чол жарликнинг тагини қазиб, ҳеч бўлмаса, ўша маҳлуқларнинг суягини кўрмоқчи бўлган экан. Қазиб, қазиб охири бўғилиб ўлибди. Кейин бунақа бемаъни ишга бошқа ишқибоз топилмабди...

— Қизиқ ривоят... жуда қизиқ. Айниқса, шунинг учун қизиқки, унинг асосида ҳаётий маъно бор. Органик моддаларнинг чириши натижасида чиндан ҳам газ ҳосил бўлиши мумкин. Тўғри, отсимон балиқлар — бу чўпчак албатта, — деди Акимов келажакда ўзи ва тоғаси Венедикт Петровичга керак бўлиб қоладиган баъзи нарсаларни ёзиб олиш учун қоғози йўқлигидан юзинчи марта афсусланиб. — Ҳўш, яна қанақа изоҳлар бор? — дея сўради Акимов.

— Сенга айтсам, оғайни Гаврюха, бор гапнинг ҳаммасини гапириб адо қилиб бўлмайди. Чунки дунёда ким кўп — ёлгончи билан лофчи кўп. Бултур Парабелда битта таниш кампирни учратиб қолдим дегин. «Салом, Федот!» — дейди. «Саломатмисан Олимпиада» дедим. Шунда у бирдан: «Якшанба куни черковга борувдингми?» — деб сўраб қолди. «Йўқ, бормовдим, — дедим унга, — зарур ишим чиқиб қолувди». «Вой, Федот, бормаи чакки қилибсан, — дейди. — Тақсирим ваъзгўйлик қилдилар». «Ҳўш, — дея сўрадим кампирдан, — отахон нималар деб олиб қочдилар?» «Биз томонларга, Федот, мудҳиш фалокат бостириб келаяётганмиш», дейди кампир. «Ҳўш, нима қилибди?» — дея сўрадим ундан. «Тақсиримиз аввал мўқаддас китобдан ривоятлар ўқиб, кейин бизга тушунтириб бердилар. Маълум бўлишича, осмону фалакдан бизнинг еримизга боши отникига, думи эса балиқникига ўхшаш баҳайбат маҳлуқлар учиб тушаётган экан. Яратган эгам мурдор жонзотларни ташлаб юбораётган эмиш. Шу боисдан ҳам, дейди тақсир, Қўланса ботқоқдан даҳшатли бадбўй ҳид аримаётган эмиш. Тангрига сидқидилдан сиғиниб, ибодат қилмасак, жарнинг тубини қазиб, маҳлуқларнинг суягини кўрмоқчи бўлган анови костаревоник чол димиқиб ўлгани каби бизни ҳам қўланса ҳид бўғиб кўярмиш». «Ҳойнаҳой, — деб сўрадим кампирдан, — тақсиримиз кейин хайр-эҳсон йигиб олган бўлсалар керак?» «Бўлмасам-чи, — деди у, — албатта йигиб олади-да. Ибодатхонани янгилаш керак. Қўнғироқ минораси қийшайиб қолган». Кўрдингми, Гаврюха, одамлар орасида қанақа мишмишлар юришини...

Федот Федотович кулиб юборди. Акимов унга қараб туриб, чолнинг бу бўлмағур мишмишларга мутлақо ишонмаслигини пайқади-да, деди:

— Мудҳиш фалокат... Яратган эгам баҳайбат маҳлуқларни ташлаб юбораётганмиш... Қўланса ҳид... Бр-р... Бу аҳмоқона гапларга ишонмаслик учун одам анча довурак бўлиши керак!

— Ишонишади, Гаврюха! Ана, овчилардан бир сўраб кўр-чи,

улардан қанчаси Қўланса ботқоққа борганийкин? Кўп чиқмайди! Юрак йўқ боришга!

— Лекин бари бир борамиз, Федот Федотич!

— Бўпти, кетдик! — деди яна илжайиб Федот Федотич.

Акимовнинг назарида, чол боя Қўланса ботқоқча етти-саккиз чақиримча келади, деганида масофани анча кичрайтириб айтган экан. Улар тўхтамай уч соатча йўл юришди. Йўл юргандам ўқтин-ўқтин югуришга тўғри келди, зеро, йўл қиялашиб, чанғилар гўё қор бетини қоплаган юпка муздан сирпангандек, жадал сирғалиб борарди.

Қўланса ботқоққа етишларига икки-уч чақирим қолганида Акимов йирик ўрмон сийраклашиб, кейин бутунлай ортда қолиб кетганини кўрди. Энди унинг кўз ўнгиди ярни қуриб бўлган ўлик қора қарағайлар, ҳаккам-дуккам кўриниб турган саёзгина жарлик намоеън бўлди. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда қорнинг тагидан эски тўнкаларнинг ўпирилиб чиққан илдиэлари ва бетини қандайдир ифлос балчиқ қоплаган кичкина дўнгликлар кўриниб турарди.

— Мана кўриб ол, Гаврюха. Қўланса ботқоқ деганлари шу ердан бошланади. Қаерда тамом бўлишни эса ёлғиз иблиснинг ўзи билади. Уни кесиб ўттишга ҳеч ким уриниб кўрмаган албатта. Лекин мен бир марта айланиб ўтмоқчи бўлган эдим. Ботқоқнинг четидан икки кун юрдим. Ҳеч охири кўринмайди. Кейин орқага қайтдим.

Акимов диққат билан Қўланса ботқоққа тикилди. У жуда кўримсиз бўлиб, эски, ташландиқ мазорга ўхшаб кетарди. Бироқ у ер-бу ерда кўриниб турган олачалпоқ ерлар, аллақайси жойларда тўнкаларнинг тагидан сизиб чиқаётган тутун, музламай қолган кўлмаклар ушбу қор босган водийнинг пинҳона сирли ҳаёт кечираётганидан далолат бериб турарди. «Табиат жумбоғи! Қани энди бу ерга Венедикт Петрович тоғамни олиб келсам. Қизиқ, қандай фараэларни айтарди у...» — дея ўйларди Акимов.

Улар яна ярим чақиримча йўл юришгач, олдинда бораётган Федот Федотович бирдан таққа тўхтади.

— Бўлди, Гаврюха, бас энди! Уёғига ўзинг бор, мен эсам шу ерда тураман. Уша қўланса ҳиддан миям айниб кетади.

Ёкимсиз, аччиқ ҳид шу ернинг ўзидаёқ сезила бошлаган эди.

— Яхши, Федот Федотович, мени шу ерда кутинг,— деди Акимов ва қўлларини ёйиб силкитганича чанғисида энг яқин тўнка томон сирғалиб кетди.

Федот Федотович ҳозир нима бўлишини олдиндан билиб, Акимовнинг ортидан илжайиб қараб турарди.

Акимов нафасини ютиб, тўнгаклардан бирининг олдига шитоб билан борди-да, эгилиб уни кўздан кечири бошлади. Бироқ унинг бардоши бир-икки дақиқага етди, холос. Аччиқ ҳиддан нафаси сиқилиб, икки чаккаси лўқиллай бошлади. Кўз ўнгиди қора ҳалқалар липиллаб, боши айланди. Акимов тўнгак олдидан сапчиб четлашди-да, кучи борича орқага қараб қоча бошлади.

— Ҳидлаб кўрдингми, Гаврюха? Хўш, қалай?! Ха-ха-ха!— Федот Федотович қотиб-қотиб кулмоқда, Акимов эса тўнгак олдидан орқасига қарамай қочиб келмоқда эди.

— Хўш, Гаврюха, нима дейсан бу синоатга? — дея сўради Федот Федотович Акимов ёнига қайтиб келгач.

— Фаннинг ёрдамисиз бу сирнинг тагига етиб бўлмайди, Федот Федотич. Бу ботқоқнинг турган-битгани газ. Лекин масала бошқа ёқда. Бу қанақа газ ўзи, қаердан пайдо бўляпти у? Эҳтимол, бу газ ўтмишда қолган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг чириб-ёниши натижасидир, лекин бошқача бўлиши ҳам мумкин: айтайлик, ернинг устки қатлами дарз кетгану бизга номаълум бўлган йўлдан табиий ер ости

гази чиқиб келаётгандир... Жин урсин... Яна билмадим, Федот Федотич...— Акимов қўлларини ожизона ёйди-да, гуноҳкор одамдек жилмайиб, чолнинг кўзига қаради.

— Ана шунақа гаплар,— деди лабларини чўлпиллатиб Федот Федотович ва хаёлга чўмиб турган Акимовга жиддий қараб, оҳиста деди: — Бунақа синоатлар бу ерда ҳар қадамда учрайди, Гаврюха. Жуда аломат бир жой бор. Қароргоҳимдан ярим кунлик йўл у ергача. Уша ердаги қарағайзор тайгада Алдоқчи яшайди...

— Алдоқчи деганингиз нимаси? — дея тушунмай сўради Акимов.

— Алдайди-да. Масалан, унга: «Ҳой, Гаврюха, буёққа кел!» — деб қичқирдинг дейлик. У бўлса: «Ўзинг кел! Қутаман!» — дея жавоб қилади.

— Энди, Федот Федотич, бу гапга ишонмайман. Буёғи лоф энди!

— Ишонма! Алдоқчи ўзимниям алдамагунича мен ҳам ишонмаган эдим.

— Қандай қилиб алдади сизни? — дея сўради Акимов бир оз шаштидан тушиб.

— Кичкина бир артель тузиб, Алдоқчига қарашли жойларнинг яқинида ёнғоқ терардик. Қароргоҳимиз ҳам ўша ерда эди. Бир куни қароргоҳга кечикиброқ қайтдим. Қош қорайиб қолди. Сўқмоқни яхши билардим, лекин қоронғида адашиб кетибман. Юриб-юриб қарасам — бўлмайдиган. Тўхтадим-да: «Митрофан! (Шерикларимдан бирининг исми шунақа эди.) Қаердасан? Жавоб бер!» — дея қичқира бошладим. Бир маҳал дегин: «Э-ҳей! Шу ердамиз!» — деган жавоб эшитилди. Овознинг эшитилишига қараганда, қароргоҳдан анча четлаб кетибман, лекин нимаям қилардим, дўнгалакда тунамайсан-ку ахир. Тўғри овоз эшитилган томонга қараб йўл олдим. Юриб-юриб, кел яна, қичқириб кўрай-чи, дедим. Овозимнинг борича бақирдим. Митрофан бўлса мутлақо бошқа томондан жавоб беряпти. «Ҳе, жин урсин, четлаб ўтиб кетибман шекилли», деб ўйладим мен ва яна овоз келган томонга қараб юрдим. Юраман, юраман дегин, қароргоҳдан ҳеч дарак йўқ. Яна қичқира бошладим. «Қаёқлардан юрибсан ўзинг?!» — дея қичқирди мендан жаҳли чиқиб Митрофан. «Худога шукур-е» қароргоҳнинг ёнгинасида эканман» дея қарор қилдим мен ва гарчи ўлғудай чарчаб, оёқда зўрға турган бўлсам ҳам бор кучим билан ўша ёққа қараб юрдим. Жадал юриб борар эканман, мана ҳозир ўрмоннинг орасидан гулхан кўриниб қолади, деб ўйлардим. Қийимларим шох-шаббага илинавериб, далвир-далвир бўлиб кетди-ю, аммо қароргоҳ кўринмайди дегин. Умидсизликка тушиб, овозимнинг борича бақирдим: «Митрофан! Қаердасан ахир?» Қулоқ солиб кўрдим: ҳаммаёқ жимжит. Тиқ этган товуш эшитилмайди. Яна бир марта бақирдим. Шунда дегин аллақерда, ернинг қаъридан, худди қудуқнинг тубидан эшитилгандай Митрофаннинг заиф овози қулоғимга чалинди. «Э-ҳей! Бу ердамиз! Сени кутяпмиз!» Шундан сўнг қароргоҳга ета олмаслигимни тушундим — жуда силлам қуриган эди. Елкамдаги ёнғоққа тўла қопни ерга ташладим-да, гулхан ёқиб, эрталабгача ўша ерда ўтириб чиқдим.

Тонг сал ёриши биланоқ йўлга тушдим. Сўқмоқни ўзим ўйлагандан тезроқ топиб олдим. Қароргоҳ ҳам шундоқ ёнгинамда экан. Бориб қарасам, шерикларим ухлаб ётишибди. Уларни уйғотдим-да, бошимдан кечирган воқеани гапириб бера бошладим. Улар бир-бирларига қараб олишгач, Митрофан деди: «Биз сенинг товушингни эшитмадик ва сенга ҳеч қандай жавоб ҳам қилганимиз йўқ». «Буёғи қандоқ бўлди? — дедим. — У ҳолда тун билан менга ким жавоб қилиб турди?» Шерикларимнинг ҳатто ранглари оқариб кетди. «Нима, деб ўйласанг ўйлайверу, лекин биронтамиз ҳам кеча кечқурундан буён ўрнимиздан туриб, ташқарига чиққанамиз йўқ». Мени ишонтириш учун йигитлар худони

шафе келтириб, чўқиниб ҳам қўйишиди. Шундан кейин ўзимнинг ҳам рангим оқариб кетди. «Буни қара-я! Одамлар бемалол ухлаб ётишган экану, мен бўлсам уларнинг товушини эшитиб, ҳаллослаб юрибман. Янглишим мумкин эмас ахир, ўз қулоғим билан бир неча марта эшитдим». Бундай қарасам, шерикларимнинг руҳи тушиб кетди. «Келинг, йигитлар,— дейди Митрофан,— вақт борида бу ердан жуфтақни ростлаб қоламиз. Чамаси, бу ерда тайганинг хўжайини пайдо бўлганга ўхшайди. Айтишларича, у ҳар қандай овозни — одамникиниям, ҳайвонникиниям, қушникигаям ўхшата олармиш».

Мен йигитларни бу аҳдидан қайтармоқчи бўлдим. Лекин дегин ўзим ҳам чўчиброқ турардим, яхшиям у мени чакалакзорда бирон балога гирифтор қилмабди, деб ўйлардим. Қисқасини айтганда, биз ўша куниёқ қарағайзор тайгадан жўнаб қолдик. Лекин бари бир ўша воқеа дилимга ўрнашиб қолди. «Бўёғи қандоқ бўлди? — дея ўйладим.— Худосигаям, шайтонигаям ишонмасаму бу ўринда кўрқиб ўтирсам. Йўқ, бунақаси кетмайди». Бўлган воқеани фельдшеримиз Федор Терентьевич Горбьяковга ҳикоя қилиб бердим. У бўлса кулиб, «Сен, фатер, ўша куни кўпроқ ичиб юборган бўлсанг керак», дейди. «Бир томчиям оғзимга олган эмасдим! — дедим унга.— Лоф қилаётганим йўқ. Бу гапларнинг барини сени олим одам деб жиддий гапиряпман...» Шундан кейин Горбьяков ҳам ўйланиб қолди. У олис тайга томон йўли тушган заҳоти мен билан қарағай жарга боришга ва ўша ерда ёлгончининг бор ёки йўқлигига шахсан ўзи ишонч ҳосил қилишга ваъда берди.

Горбьяковнинг ўша ёққа йўли тушишини икки йилча кутдим. Ниҳоят, шундай имконият туғилди ҳам. Қароргоҳда икки-уч кун турганимиздан сўнг эслатдим: «Ёдингдами, Федор Терентьевич, Қарағай жарга боришга ваъда қилгандинг». «Ҳа, ёдимда, қани бошла», деди. Йўлга тушдик. Федор Терентьевич жуда юрамол одам, чарчаш нималигини билмайди. Уша жойга етиб бордик-да, қичқира бошладик. Оддий аксадо, ҳеч ғалати жойи йўқ. Қаттиқроқ қичқирсанг қаттиқроқ садо беради. Горбьяков устимдан кула бошлади. «Ушанда,— дейди у,— кайфинг бўлса керак, деб бекорга айтмагандим. Маст одамнинг кўзига ҳатто ажиналар ҳам битта эмас, ўнта бўлиб кўринади». Мен хижолат чекдим албатта, аммо таслим бўлгим келмайди дегин! «Кел, Федор Терентьевич, тунни кутамиз,— дедим унга.— Ахир ўшанда воқеа тунда содир бўлган эди. У бўлса: «Майли, кутсак кутаверамиз», деди. Чунки бари бир қароргоҳга ёруғ борида ета олмасдик. Шундай қилиб, ўша ерда қолдик-да, чайла қуриб, гулхан ёқдик ва чой қайнатдик. Қарабсанки, қош қорайиб, кеч ҳам тушди. Федор Терентьевич ҳар эҳтимолга қарши милиқни олди-да, тўғри дарё томон жўнади. Орадан бир соат-икки соат вақт ўтди, ундан эса дарак йўқ. Мен ташвишга тушиб ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Ишқилиб, айиққа дуч келиб қолмасин-да, деб ўйладим. Махлуқнинг ҳамласига учраб ҳалок бўлиши мумкин ахир фельдшеримиз. Бир маҳал қулоқ солсам — келяпти: оёғининг остида шох-шабба чирсиллаб, хазон шитирлайди дегин, чўчиган қушлар қоронғида патир-путир учади дегин.

«Сени аранг топдим. Товушинг эса жарнинг бошқа томонидан эшитилгандай бўлди», дейди.

Унинг бу гапини эшитиб ҳайрон бўлдим.

«Мен эсам, Федор, сенинг овозингни сираям эшитмадим. Сен кетганингдан буён ҳатто эснаб ҳам очганим йўқ оғзимни».

«Бундай бўлиши мумкин эмас! Мен сенга: «Фатер қаердасан?» — дея қичқирдим. Сен бўлсанг: «Э-ҳей, Федор! Бу ердаман!» — дея жавоб қилдинг».

«Худо ҳаққи,— дедим унга,— оғзимга талқон солгандек миқ этмай ўтирибман».

«Бу қандай васваса бўлди. Қани юр, бирга борайлик-чи!»— деди қизишиб фельдшер.

Урмоннинг ичига қараб юрдик. Ёнма-ён кетяпмиз дегин. Урмоннинг энг қалин жойига етгач, Федор Терентьевич: «Ҳей, менга жавоб қилаётган ким ўзи? Отингни айт!»— деб қичқирди. Қулоқ солсак— жавоб беряпти: «Отим Иван!» «Ким билан яшайсан Иван?» «Бир ўзим яшайман!»— дея жавоб қилди. «Буёққа кел!»— деб қичқирган эдик, «Кетяпман!»— дея жавоб берди. Кутдик, кутдик, аммо ҳеч ким келмади. Азонгача Федор Терентьевич билан ўша ерда ўтириб чиқсакда, бу сирнинг тагига етолмай кетдик. Горбьяков жуда билимдон одам, лекин ўшайам бу жумбоқни еча олмади. Бир томондан, у инс-жинсларга ишонмаслиги керак: ҳар қалай, ўқимишли одам, бадарға маҳбус, деҳқонларни турли касаллардан даволайди. Иккинчи томондан, ишонмай деса, ҳаммасини ўзи синаб кўрди, ўз қулоғи билан эшитди. Ана кўрдингни, оғайни Гаврюха, бизнинг томонларда қандай мўъжизалар борлигини.

Акимов Федот Федотовичнинг ҳикоясига шу қадар қизиқиб қолган эдики, ҳатто Қўланса ботқоқни ҳам унутиб қўйди.

— Мени ўша жойга олиб борсангиз, Федот Федотич. Илтимос. Агар ҳаммаси сиз айтгандек бўлса, бу ахир фан учун ниҳоятда ноёб ҳодиса-ку. Уни ўрганиш ва изоҳлаш керак. Агар чўпчак бўлиб чиқса, бу ҳам қизиқ. Ривоятларнинг қандай туғилишини кўрамиз.— Акимов чолга қараб хиёл кўз қисиб қўйди.

— Чўпчак эмаслигига бошимни гаровга қўйишим мумкин. Олиб боришга эса олиб бораман.

— Кейин бу ишни пайсалга солмасангиз, Федот Федотич. Узингиз биласиз, менинг ҳаётимнинг тўхтама йўқ. Бугун шу ердан, бирдан қарасангиз, тақдирнинг тақозоси билан шоввоз йигит йироқ-йироқларда юрибди.

Акимов жилмайганича атайлаб жуда мужмал қилиб гапирарди. Аммо Федот Федотович унинг гапларига тушунаётгандек эди.

— Бўлмаса-чи! Сенинг ҳозирги ҳаётингда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ҳозир сен Олис тайгада юрибсан, кейин қарабсанки, пойтахтга ошна-оғайниларнинг орасига тушиб қоласан. Уёғига тақдир, балким ундан ҳам узоқроққа равона қилар...— Федот Федотовичнинг гап-сўзидан у Акимовнинг режалари тўғрисида баъзи нарсаларни биладигандек туюларди. Аслида эса қария Акимовни миршаблар қидираётгани ва йигитни, ҳар нима қилиб бўлса-да, улардан қутқармоқ кераклигидан бўлак ҳеч нимани билмасди.

Қўланса ботқоқни тарк этишдан олдин Акимов тўнкалар ёнига яна бир марта бориб келди. У лабораторияларда танишиб чиққан турли газларнинг ҳидини эслар экан, айрим ўшашликларга таянган ҳолда ўзига йўл топиб, ёруғ дунёга сизиб чиқаётган бу газнинг қайси газлар гуруҳига тааллуқли эканини, тахминан бўлса-да, аниқламоқчи эди.

— Яна бўғилиб қолма, йигит! Айниқса папирос чека кўрма у ерда. Бу Қўланса ботқоқ деганлари баъзан шундай ёнадикки, сассиғи Парабель билан Қаргасоккача етиб боради. Гўё бу ерда ёнадиган нарсанинг ўзи йўқдек: ҳаммаёқ ботқоғу кўлмак сув, лекин чунонам ёнганки, асти қўяверасан! Чамаси чақмоқ урганда ёниб, ёмғирдан ўчган бўлса керак...

Федот Федотович чанғисини оёғига илди. Акимов жойидан силжиши биланоқ чол унинг орқасидан юрди. Акимовнинг Қўланса ботқоқ сирига нақадар қизиқиб қолганини кўрган Федот Федотович энди йигитнинг ўзини ўйлаб ташвишга тушиб қолганди. «Боласи тушмагур

газга бошини тутиб, бир марта нафас олса борми — тамом бўлади-қўяди. Уни ёлғиз қолдирмаслигим керак. Қизиққон йигит экан. Қизиққонлик бўлган жойда эса, оқиллик бўлмайди», дея ўйларди Федот Федотович.

Акимов, ўзининг тахмини бўйича, газ сизиб чиқаётган тўнгак ёнидаги ўпқон томон эгилганида Федот Федотович истаган дақиқада йигитга ёрдам бериш учун шай бўлиб турди.

— Уф-ф! — Ниҳоят қаддини ростлаб тин олди Акимов, лекин шу заҳоти бармоқларини бурни олдига олиб бориб, уларни диққат билан ҳидлай бошлади.

— Ҳа, чиндан ҳам бу газ чириш маҳсули бўлса керак,— дея тўнғиллади у башарасини бужмайтириб чарм қўлқопини кийиб олар экан.— Кетдик, Федот Федотич! Раҳмат. Бу Қўланса ботқоғингизни харитага тушириб, кейин уни олимларга бериш керак бўлади, токи улар ушбу мўъжиза ҳақида бош қотириб кўрсинлар.

— Тўғри айтяпсан! Яхши бўлади,— дея салобат билан унинг фикрига қўшилди Федот Федотович. Чол «олимлар» сўзини аниқ ҳаққоний тасаввур қилар, зеро, бу сўз унинг назарида куёви Федор Терентьевич Горбьяков сиймоси билан тўла уйғунлашиб кетганди.

Қароргоҳ томон юришар экан, Акимов Қўланса ботқоққа қилган сафарларининг барча тафсилотларини — жойнинг рельефи, ўсимликларнинг тури, ҳидларнинг ўзига хос томонларини хаёлан аниқлаб борарди. Бу ўринда унга Федот Федотовичнинг ёрдами керак бўлиб қолди.

— Айтинг-чи, отахон, қўланса ботқоқнинг шарқ ва жануб томони қанақа жойлар? Сиз у ерларда бўлганмисиз? Биласизми у ерларни? — Биламан!

Федот Федотович чанғисини хиёл тўхтатиб, Акимов билан тенглашиб олди. Ёнма-ён юрсанг, суҳбатлашиш осонроқ бўлади, улар эса у ер-бу ердагина дарахт ўсган текис водийдан боришмоқда эди. Кедрзор олисда қорайиб кўринарди — у ерга етгунларича мириқиб суҳбатлашиш мумкин эди.

— У ердаги жойлар жуда фэйзсиз, Гаврюха! Пастлик жойлари дўнғалаклардан иборат. Аммо ўрмони жуда қалин — нақ девор дейсан. Шарқ томонидан дарё оқиб ўтади. Худди мастга ўхшаб илон изи бўлиб оқади. Гоҳ уёққа қараб буралади, гоҳ буёққа. Бир жойда дарё икки тармоққа бўлинади. Қўланса ботқоқ худди ана шу тармоқлар ўртасига жойлашган.

— Сиз менга шуни қорға чизиб кўрсатсангиз, Федот Федотич, кейин мен бу гапларнинг барини харитага тушираман,— дея илтимос қилди Акимов.

Федот Федотович тўхтаб, узун бир чўпни синдириб олди-да, оппоқ қор устида оддийгина, лекин анча аниқ бир чизма ҳосил қилди.

— Мана қара, Гаврюха.— Қор устида ҳалқачалар ва синиқ чизиклар пайдо бўлди.— Манови Парабель. Манови ердан Обь оқиб ўтади. Манови Васюган бўлади. Менинг қароргоҳим мана бу ерда. Бўғмача дарёси мана бу ерда бўлади. Унга ўзим шунақа деб ном қўйганман. Жуда иланг-биланг бўлиб оқади! Баъзи жойларида нақ сиртмоқнинг ўзгинаси дейсан. Қўланса ботқоқ, демак, ана шу Бўғмачанинг яқинида жойлашган. Худди мана бу ерда.

— Қуёш-чи, у қаердан чиқади, Федот Федотич? — батамом тушуниб олишга ҳаракат қилиб сўради Акимов.

— Мана буёққа қара: у манови ерда чиқади, пешинда манови ерга келади, манови ерда эса ботади. Тушундингми, Гаврюха?

— Тушундим.— Акимов асосий белгиларни эслаб қолиш ниятида Федот Федотовичнинг чизмасига яна бир бор қараб олди.

8

Мажбуран тўхташган ана шу жойдан сўнг улар нақ қароргоҳнинг ўзигача индамай боришди. Йўлнинг ярмисига етишганида қоронғи тушди; тун сокин ва ёруғ эди. Тўлин ой тайгани яхшигина ёритиб, ўрмондаги бўшлиқ ва ялангликларга сутдек ёғду сочиб турарди. Федот Федотович оғирлигини дам у оёғи, дам бу оёғига солиб, лапанглаб юрганича, Акимовни эргаштириб, ана шу йўлакларга шўнғиб кирарди. Қор алланечук кўкимтир тусда товланарди. Баъзи жойларда у ҳайвонларнинг изидан жимжимадор бўлиб кетганди. Акимов бу изларга бепарво қарарди, зеро, кўённинг изини тулкиникидан, кўзанни олмахон ёки оқсувсардан фарқлай билмасди. Ҳатто карқурнинг изи ҳам унга бирор ҳайвоннинг изидек кўринарди. Аммо Федот Федотович ҳаммасига эътибор берар, қаерга тузоғу қаерга қопқон қўйишни ўзича чамалаб борарди. «Жониворлар оёққа турибди, ғамлаб қўйган емиши тугаб, овга чиқадиган бўлибди. Менинг ҳам тузоқ қўядиган пайтим келибди энди», дея ўйларди Федот Федотович.

Акимов эса ўз хаёллари билан банд. Бу изғирин кечада у Стокгольм ҳақида, тоғаси Венедикт Петрович тўғрисида ўйларди. «Чамаси, менинг Наримга келганим ҳақидаги хабар унга ҳам етиб борган бўлса керак. У мени нақадар сабрсизлик билан кутаётганини тасаввур қиляпман. Тоғамнинг ёнига етиб борганимда биринчи қиладиган ишим — унинг Сибирь экспедицияларига тааллуқли барча манбаларини оламан-да, у қўйган ҳамма масалаларни синчиклаб ўрганиб чиқаман. Энди менга унинг тадқиқотлари маъзини чақиш осонроқ бўлади. Ҳар қалай, Нарим ўлкаси Сибирнинг улкан бўлаги ахир... Ишқилиб, тоғамнинг ўзи саломат бўлса, бас, унга кўп нарсаларни айтиб бераман...»

Бирдан ҳаммаёқ қоронғилашиб кетди. Акимов ўз хаёли бил бўлиб, кедрзорга қандай киришганини сезмай қолганди.

— Энди кўзингга қараб юр, Гаврюха. Бирон шох-шаббага урилиб, кўздан айрилиб қолма тагин,— дея огоҳлантирди Акимовни чол.

— Қараяпман, Федот Федотич! — деди жавобан Акимов.

Энди улар секинроқ юришмоқда эди. Бу ер қоронғи бўлгани учунгина шундай эмасди албатта. Чарчоқ ҳам таъсир қилганди уларга. Улар азонда ўрниларидан туришиб, бир кунда жуда катта масофани босиб ўтишган ва қоринни алдаш учун бир-икки бўлак қотган нон еб, тушлик ҳам қилишмаганди.

Акимов кечки овқатни ҳам кутиб ўтирмай чорпоёга чўзилди. Бирок овқат пишгач, Федот Федотович бари бир уни уйғотди.

— Оч қоринга ухласанг, тушингга ажиналар кириб чиқади, йигит. Қани тур, тамадди қилиб ол! — дея ҳазиллашди чол идиш-товоқларни шақирлатиб.

Акимов ўрнидан аранг туриб, қўл-оёғининг чигилини ёзди-да, бир дақиқадан сўнг ўзини анча тетик ҳис эта бошлади. Федот Федотович бунини дарҳол пайқади:

— Ҳа, ўзингга келдингми, Гаврюха! Қарининг чарчоғи суягида қолади. ёшнинг чарчоғини уйқу қувиб солади, дейишади машойихлар.

— Мен ухламадим шекилли.

— Бир оз мудраб олдинг, мудроқ эса баъзан уйқудан ҳам ширинроқ ва фойдалироқ бўлади.

— Тўғри айтдингиз, ўзим ҳам сезганман бунини. Баъзан денг, китоб ўқиб ўтирганимда кўз олдинг қоронғилашиб кетади. Шунда бошингни столга қўйиб бир оз мудраб оласан. Ўн, нари борса, йигирма дақиқа ўтади; қарабсанки, миянг тиниқлашиб, анча тетик тортасан... Ҳар қалай, Федот Федотич, харитани нимага чизамиз? Энг муҳими, нима билан чизамиз уни? — бирдан мавзуни ўзгартириб деди Акимов.

— Сенга қанақа асбоб керак ўзи? — сўради Федот Федотович қурум босган чойнакни кружкаси устида тутиб турар экан.

— Катта қоғоз, қалам, чизғич, циркуль, компас,— чолга бир оз қувлик билан тикилиб санаб берди Акимов.

Федот Федотович чойнакни жойига қўйиб, кружкани бир четга сурди.

— Компас бор, йигит. Қолганини эса ўйлаб кўриш керак.

— Қанча ўйламанг, бундан қоғоз ёки қалам пайдо бўлиб қолмайди. Харита эса мана бундай керак,— Акимов қоп-қора соқол қоплаган энгагининг тагига кафтини кўндаланг қилиб кўрсатди.

— Хўш, чизғични-ку, ясаймиз. Рандамиз бор,— дея гап бошлади Федот Федотович.

— Менга, Федот Федотич, оддий чизғич эмас, миллиметрли чизғич керак. Акс ҳолда, хаританинг масштаби тахминий бўлиб чиқади.

— Бунинг йўли осон. Аниқ ўлчовни милтиқнинг оғзидан оламиз. Менинг милтиғим ўн икки калибрли. Уни дюймга айлантирамиз.

— Нимаям дердим? Йўқ деганда шундай усул ҳам бўлаверади,— дарҳол жонланиб деди Акимов.

— Циркуль... Егоч циркули сенга эртагаёқ ясаб беришим мумкин,— деди Федот Федотович.

Акимов қария гапга берилиб кетиб, овқатни унутиб қўйганини пайқаб қолди.

— Овқатдан олинг, Федот Федотич,— Акимов кружкани у томон суриб, қуруқ қайин ўсимтасидан аччиқ қилиб дамланган чойдан қўйди.

— Овқат қочиб кетмайди, Гаврюха. У доим шу ерда. Сенинг ишинг тўғрисида эса ўйлаб кўриш керак... Балким шуни деб Парабелга бориб келарман,— деди иккиланибгина Федот Федотович Акимовга синовчан тикилар экан.

«Чамаси, чол тўғри гапиряпти. Бунинг устига, эҳтимол комитетда мен тўғримда бирор янги гап бордир», дея хаёлидан ўтказди Акимов, кўзларида умид учқунлари чақнаб. Бироқ шу заҳоти у комитетнинг хабар беришгунларига қадар пана жойда яшириниб ўтириш ҳақидаги қатъий буйруғини эслади. Комитет уни қочишни ўзича давом эттиришга уринмаслик ҳақида қатъиян огоҳлантирган эди. Шу дақиқа ичида Федот Федотович ҳам баъзи нарсаларни эслади. «Олис тайгадан, фатер, фақат нон олиб кетиш учун келасан. Тахминан бир ойдан сўнг». Федор Терентьевич Горбьяков унга ана шундай деганди.

— Парабелга бориб келишнинг ўзи бўлмайди. Жуда олис йўл, Федот Федотич,— деди Акимов дилидаги тарадудни енгиб.

— Ҳа, яқин эмас,— дея йигитнинг фикрига қўшилди чол, ўзича мудлатидан олдин борса куёвининг норози бўлиши, сўнг қочоқнинг кейинги тақдири ҳақидаги унинг режалари бузилиб кетиши мумкинлиги тўғрисида ўйлар экан.— Нима дейсан, Гаврюха, қоғознинг ўрнига мен сенга катта тахта рандалаб берсам-чи? Агар биттаси камлик қилса, иккита ёки учтасини ёпиштириб бераман. Елимим бор бу ерда...

— Харитани гахтага чизса ҳам бўлади. Лекин нима билан чизаман, Федот Федотич?

— Куйдириб чизолмайсанми? — миясига келган янги фикрдан ғайратга кириб сўради чол.

— Куйдириб дейсизми? — дея қайта сўради Акимов жонланиб.

— Ҳа-да, куйдириб деяпман. Омборчамда бигиз бор. Баъзан туес ясаётганимда жуда асқатади. Бир жойда қайин пўстлогини тўғрилашда, бошқа жойда тешикни кенгайтиришда фойдаси тегади. Ўрни келганда туеснинг қопқоғига гоҳ буғу боласи, гоҳ қуён, гоҳ биронта уйчанинг расмини куйдириб чизганман ҳам. Бунақа туесларнинг бозори

чаққон бўлади: одамлар уни кўришганида пулнинг бетига қараб ўтиришмайди.

«Чиндан ҳам харитани аввалига пистакўмир билан чизиб, кейин устидан куйдириб чиқсам-чи?» — дея ўйлади Акимов чолга миннатдор бўлиб қарар экан.

— Бигиз билан тахтани эртагаёқ ихтиёрингга топшираман Гаврюха. Компасни эса, мана, олавер.

Федот Федотович чорпоянинг тепасига осиглиқ, турган қайиш ўқдонини олди-да, ундан компасни чиқариб, Акимовга узатди.

— Улгурамыз, Федот Федотич. Ҳали харита чизишга анча вақт бор. Мен харитани сиз билан бутун Олис тайгани айланиб чиққанимиздан кейингина чиза бошлайман,— Акимов компасни авайлаб стол устига қўйди.

— Ҳа, тушунарли, албатта. Буёғини энди ўзинг ҳал қилавер. Менинг бу ишларга унча ақлим етмайди,— деди бир оз ҳижолат чекиб Федот Федотович ва сукут сақлаб тургач, қўшимча қилди: — Лекин сенга гапнинг сирасини айтсам, Гаврюха, компас билан йўл топишни биламан. Бу ҳикматни менга ҳали Сахалинда юрган пайтимдаёқ бир маҳбус ўргатганди. У билан бирга ўша ердан жуфтакни ростлаб, бошқача қилиб айтганда, қочиб қолиш ниятимиз бор эди. Дурустроқ бир баркас¹ни ўғирлаб, материкка, Владивостокка қараб сузмоқчи эдик. Сўнгра тайга орқали Уралга етиб олиш ниятимиз бор эди. Чунки у ерда халқ кўпроқ бўлиб, одамлар орасида кўзга кўринмай кетиш осонроқ бўларди. Аммо қочиб қилмаган экан. Шеригимни маҳбусларнинг ўзи тамаки учун ўлдириб қўйишди. Валати қаердандир тамаки топган экан. Узиям ўлгудай қурумсоқ бўлиб, бировга бирон нарса беришни ёмон кўрарди. Уни тахталар орасига олиб, сиқишибди. Тўғри, балким уни шунчалик кўрқитиб қўймоқчи бўлишгандир, лекин ортиқча куч ишлатиб юборишибди шекилли, эртасига дунёдан ўтди...

— Компас уникими?

— Уники. Ўша кун менда эди.

Акимов компасни қўлига олиб уёқ-буёғини айлантириб кўрди-да, мойчироқнинг ёруғида кўзини хиёл қисиб, инглиз тилидаги деярли ўчиб кетган ёзувни ўқиди.

— Компас Англиядан олиб келинган экан, Федот Федотич. Эҳтимол, биронта денгизчи фойдаланган бўлса керак ундан. Антиқа матоҳ экан!

— Шунақа дегин-а! Ҳаммаси бўлиши мумкин. Худо раҳмат қилгур маҳбус боёнлардан эди шекилли. Отаси билан бойлик талашиб қолган экан, шундан кейин болта билан падари бузрукворининг калласини шартта чопиб ташлабди. Уйқудан олдин яхши бўлмади шу гапни айтганим...

«Хўш, айёру алдамчи аломат банкача, сен бир вақтлар бадавлат падаркушга хизмат қилган экансан, энди менга, фақир студент ва қочоқ социал-демократга ҳам хизмат қилиб кўрасан-да», ўзича илжайиб ўйлади Акимов компасни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўяр экан.

Акимов эртасига эрталаб уйфонганида, Федот Федотович бирваракайига бир нечта зарур нарсаларни унинг олдида қўйди. Чамаси, чолнинг омборчасида баъзи нарсалар илгаридан сақланар экан. Акимов, айниқса, тахтага қойил қолди: у кедр гўласидан рандалаб ясалган бўлиб, катталиги столнинг ярмидай келарди. Унга бемалол Олис тайганинг тугал шаклини — беҳисоб дарёлари, кўллари, ботқоқлари ва кедрзорлари билан биргаликда жойлаштириш мумкин эди. Бигиз ҳам ажойиб экан. У узунгина бўлиб, учи тобланган пўлатдан қуйилган, дастаси эса қуруқ қайин бутоғидан ясалганди. Федот Федотович

¹ Баркас — катта қайиқ. (Т а р ж).

омборчасидан циркуль билан чизгич ҳам олиб келди. Чол бу асбобларнинг борлигини унутиб қўйган экан. Тўғри, циркуль дурадгорларники бўлиб, кўполлиги учун чизма ўлчовларига ярамас эди, лекин чизгични кўриб Акимовнинг боши осмонга етди. Чамаси, уни мана шу уйни қуришаётганида яшашган бўлса керак. Чизгич вақт ўтиши билан қорайиб кетибди. Лекин унинг энг қимматли томони шунда эдики, давлат томонидан чиқарилган ҳамда чорак ва вершок¹ларга бўлинган бир газли металл чизгичдан аниқ нусха олиб ясалганди.

— Мана бу иш зўр бўлди, мана бу ажойиб бўлди,— асбобларни бирма-бир олиб дерди Акимов, Федот Федотовичга миннатдорлик билан қараб қўяр экан. Шу пайт Акимов беихтиёр тоғаси Венедикт Петровични эслаб кетди...

Ўзининг беҳисоб саёҳатлари ҳақида жиянига ҳикоя қилар экан, профессор Лихачев экспедициясига оддий ишчи — еркавловчи, эшкакчи ёки йўлбошловчи сифатида ёлланган мужиклар тўғрисида доим қойил қолиб, гапирарди. Улар саёҳатдан кўзланган илмий мақсадларга кўпроқ ҳурмат билан қарашар, агар шартномадагига қараганда анча кўпроқ ишлашга тўғри келса, вақтларини ҳам, куч-гайратларини ҳам аямай меҳнат қилаверишарди.

Федот Федотович ўз ҳомийлигидаги бу йигит оддийгина қилиб бошлаётган ушбу ишнинг илмий аҳамиятини тасаввур қила олмасди элбатта, бироқ Акимовдан бу ишларнинг бари илму фанга фойдаси тегиши мумкинлигини эшитгач, чол унинг муваффақиятли чиқиши учун қўлидан келган ҳамма чорани кўришга аҳд қилди.

— Энди, Федот Федотич, энг муҳим иш — тайга билан танишиш қолди,— деди Акимов.

— Бу ишни пайсалга солмаймиз, Гаврюха. Бугундан бошлаб овга чиқа бошлаймиз,— дея жавоб қилди Федот Федотович.— Мана бу ерда мен баъзи нарсаларни тайёрлаб қўйдим,— шундай дея чол печка ортида уйиб қўйилган тузоқ ва қопқонларни кўрсатди.

Уша кундан бошлаб улар ҳар кунни тайгани кеза бошладилар, Федот Федотович Акимовни азонда уйғотарди. Улар нонушта қилишарди-да, чанғиларини оёқларига илиб, гоҳ тайганинг у томонига, гоҳ бу томонига қараб жўнашарди. Акимов компасга қараб, йўналишни аниқлар, йўлда учраган дарё, кўл ва ботқоқларгача бўлган масофани чамалаб кўрар, Федот Федотовичдан овчилар уларга қандай ном қўйганини сўраб-суриштирарди.

Ҳозирча уларнинг ови юришмай турарди. Шу шунларда кечасию кундузи бўрон бўлиб турганди. Тузоқ ва қопқонларнинг устини бирикки соатнинг ичида қор босиб қолар ва улар ишламай қўярди. Бундай ҳавода ҳайвонларнинг янги изини топиш ҳам амримаҳол эди: улар бир зумда қорнинг тагида қолиб кетарди. Лекин шунга қарамай, улар қароргоҳга қуруқ қайтишмасди: икки-учта кўзан, оқсувсар, беш-олтита олмахон — шундан кам олиб келишмасди.

Федот Федотович бундай овдан норози эди, лекин Акимовга бундай ўлжа бутун бир хазина бўлиб туюларди.

— Шундай йиллар бўлганки, Гаврюха, мен бир кунда ўнталаб кўзан, ўттизталаб олмахонни ўлжа қилганман,— эсларди Федот Федотович.

— Демак, мен омадсиз эканман-да — дея ҳазиллашарди Акимов.

— Гап сенда эмас, йигит. Кедрнинг ҳосили яхши бўлмади бу йил. Олис тайгада емишнинг мазаси йўқ. Хайвонлар ҳам қор ёғмасдан олдиноқ Васюган томон кетиб қолган. Ҳозир, айтишларича, Васюган ўрмонларида ов зўр емиш,— дея тушунтирарди Федот Федотович.

¹ Вершок — Россияда 4,4 сантиметрга тенг бўлган узунлик ўлчови. Бир газда 16 вершок бўлади. (Т а р ж).

Бу орада кунлар кетидан кунлар ўтиб борарди. Ов қилиш, тайгани кезиш, аслида эса, харита учун уни ўлчаш билан банд бўлган Акимов энди Голешчихино кўрфазидаги каби бекорчиликдан сиқилмай қўйганди. Федот Федотовичнинг ёнида юриб, у тез орада тузоқ қўйишни ва қопқон созлашни ўрганиб олди. Аста-секин Акимов тайгани ҳам тушунадиган бўлиб қолди. Аввалига у йигитга айқаш-уйқаш бўлиб ўсган ўрмон ҳамда қўл ва ботқоқларнинг тартибсиз йиғиндисидан иборатдек туюлган эди. Энди эса кун сайин унинг тасаввурида асл кедр дарахтлари билан қопланган тепаликлар тарҳи аниқ шаклга кира бошлади. Жарлик ва пастликларда туташган дарё ва қўллар бир тартиботга бирлашиб, тайгада юксалиб турган тепаликлар ва рельефнинг бўлак ўзига хос томонларини бўрттириб кўрсатаётгандек эди.

Печка ўтхонасининг тубидан синдириб олинган бир парча қизғиш кесак билан Акимов Федот Федотович туес ва ёғоч бочкалар таглиги учун ҳозирлаб қўйган тахтачаларга Олис тайганинг айрим бўлақларининг шаклини чизиб қўярди. Унинг бу машғулотига Федот Федотович шунчаки оддий ҳурмат билан эмас, балки ортиқ даражада иззат эҳтиром билан қарарди. Акимов қўлига кесак билан тахтачани олган заҳоти Федот Федотович дарров ўзгариб қоларди: у гапиришдан тўхтаб, трубкасини чўнтагига яширар ва чорпоянинг бир четига ўтириб, қимир этмай Акимовнинг ишини кузата бошларди.

Бир куни эрталаб Федот Федотович деди:

— Бўлди, Гаврюха, бугун Алдоқчинни кўргани борамиз. Йўл олис. Бир кунда бориб келишга улгурмаймиз. Тайгада тунашга тўғри келади. Озиқ-овқатни тайёрлаб қўйдим. Сен нима дейсан?

— Нима дердим? Борамиз, Федот Федотич! Ҳаво қалай?

— Бир оз юмшади. Булут кўринмайди. Чамаси, ҳаво илиса керак. Алдоқчининг олдига боришининг нақ пайти ҳозир. Шў пайтгача бўрон тиниб, совуқнинг юмшашини кутиб юрувдим. Лекин бари бир анча юрасан, қора терга ботасан ҳали.

— У ерда кулбангиз борми?

— Кулба йўқ, йигит.

— Қаерда тунаймиз бўлмасам?

— Бир иложини топамиз, Гаврюха! — деди қўл силтаб Федот Федотович.

Акимов кўзларида ташвиш билан чолга қаради, бироқ қария буни пайқамай, қайиш ўқдонига бамайлихотир ўқ жойлашни давом эттираверди.

Қиш кезлари тонг кеч ёришади. Ана шундай эндигина тонг ёришай деганида улар чанғиларини оёқларига илишди. Осмону фалакда ҳали юлдузлар миллтиллаб турарди. Чанғилар остида қор одатда қаттиқ совуқ тушган пайтлари бўладигандек ғирчилламас, балки хиёл ҳуштак чалиб қоларди. Тайга узра сукунат ҳукмрон бўлиб, дарахтлар қилт этмай туришарди. Улар кедрзордан чиқиб улгуришмасданоқ бирпасда кун ёришиб кетди, кумуш каби товланиб турган бутун ўрмон энди бирдан қирмизи тусга кириб, қуёшнинг ёрқин шуъласи ҳаммаёкда липиллаб ўйнай бошлади. Оппоқ қор буркаган, совуқдан тўниб, қимир этмай турган борлиққа бирдан жон киргандек бўлди. Бу поёнсиз ва оппоқ кенгликда соялар сузиб, улкан кедрларнинг осмону фалакка найза янглиғ санчилиб турган чўққилари қуёш нурида ярқирай бошлади. Акимов умри бино бўлиб бундай мўъжизани кўрмаган эди. Йигит сокин ўрмонга шундай шиддат билан жон киритиш учун ва изғиринли тонгда табиат шунча бўёқни қаердан олаётганини тушунмай лол қолганича атрофга индамай қараб турарди.

Мана, ниҳоят, кедрзор тугаб, улар узунлиги уч-тўрт чақирим ке-

ладиган текис ялангликка чиқиб олишди. Чамаси, бу ерда қорнинг осги музлаган ботқоқлар ёки қуриган кўлмаклар ўрнида ҳосил бўлган майсазорлар бўлса керак. Акимов ҳозир поёнсиз ўрмон бағрида бу ялангликнинг қандай пайдо бўлгани тўғрисида ўйлашни истамасди. Зеро, бу ўрмон шу қадар кучли эдики, унинг ҳамласига дарёлар дош бера олмай, янги орол ва бурунлар ҳосил қилиб, саёзлашган ва то-райиб қолганди.

Йигитнинг рўпарасида, яланликнинг нариги четидаги ўрмон оша икки қулоч келадиган тўқ қизил баркашдай қуёш кўтарилмоқда эди. Унинг заррин гардишидан осмону фалакка кедр игнабарги янглиг ин-гичка ярқироқ нурлар тараларди. Гарчанд бу нурлар иситмай, қуёш-га истаганча тик қараб туриш мумкин бўлса-да, унинг тайга узра кў-гарилиши заминнинг қиёфасини ўзгартириб, уни инсонга яқинроқ қи-либ қўяр, дилларда шундай ҳис-туйғулар уйғотар эдики, бу туйғулар-ни ифодалаб беришга тил ожизлик қиларди.

«Қиш, қор ва мўъжиза, фусункор рўё... Азалий борлиқнинг сирли ҳусни бу...» — дея эсларди Акимов. У табиат манзараларига ҳеч қачон кўр-кўрона завқ билан қарамасди. Табиат унинг учун билиш манбаи, курашларда инсоннинг иродасини тоблайдиган, онгини уйғотадиган, унинг олдида баъзан ҳал этиш учун бутун умри талаб қилувчи маса-лалар қўядиган бир куч сифатида мавжуд эди...

Федот Федотович, турган гап, табиатнинг бундай мўъжизасини илгари ҳам кўп кўрган эди, лекин у ҳам узоқ сукут сақлаб тургач, дилидаги завқ-шавқни яширишга ҳаракат қилиб, деди:

— Уни қара, Гаврюха, ёритгичимиз бугун жуда бошқачами? Меҳ-рибон. Бир қулоқ солгин-а: қушлар бу меҳрга, албатта, жавоб бери-шади.— Федот Федотович чангисини тўхтатиб, қулоқчинини энсаси-га сурди-да, атрофга қулоқ сола бошлади.

Шу пайт чиндан ҳам аллақайси қавагиданми ёки қорнинг орасида-ги иниданми иккита қушча учиб чиқиб, ҳақкам-дуккам ўсган дарахт-лар орасида уёқдан-буёққа учишганича шўх чирқиллай бошлашди. Аммо уларнинг қўшиғи узоқ давом этмади. Улар, афтидан, яна ин-ларига кириб кетишган бўлса керак, бир зумда ғойиб бўлишди.

— Ўзим пайқаган яна бир нарсани айтайми, Гаврюха? Ҳаво илий-диган ана шунақа тонгда ҳайвон албатта из қолдиради. Кўрдингми офтобимизнинг кучи қанақалигини! Ҳаммани оёққа тургазади! Яшай-вер дейди! Мана ҳозир сен билан бизнинг ҳам анча баҳри дилимиз очилди.

— Секинроқ айтасизми, Федот Федотович! — дея ҳитоб қилди Аки-мов чиндан ҳам кучига куч қўшилаётганини ҳис этиб.

Қуёш эса бу орада секин-аста рангини ўзгартирар ва хира тортар экан, борган сайин юқори кўтарилиб борарди. Бениҳоя йироқ ва со-вуқ, лекин ҳатто иситмаган тақдирда ҳам инсон учун жуда зарур бўл-ган қуёш тез орада тайга узра муаллақ туриб қолди.

— Айтинг-чи, Федот Федотич, биз ҳозир қороргоҳдан қайси йўна-лишда узоқлашяпмиз? — дея сўради Акимов улар бир оз тўхтаб ту-ришгач, яна йўлга тушишар экан.

— Тўғри Томска қараб боряпмиз.

— Агар ўша ерга қараб тўхтамай бораверсақ, Колпашево сўл то-монимизда қолиб кетади,— дея аниқлик киритди Акимов.

— Шундай, Гаврюха! Фақат Колпашевонинг бизга кераги йўқ.

— Ҳозир биз, Федот Федотич, жануби-шарққа қараб кетяпмиз, Қў-лаңса ботқоққа борганда эса ғарб томонга қараб юргандик,— давом этди Акимов.

— Худди шундай! Ушанда биз нақ Васюганга етиб қолгандик, энди бўлса, аксинча, борган сайин ундан узоқлашиб кетяпмиз.

— Тушуняпман, Федот Федотович. Компас ҳам шуни кўрсатяпти.

— Мен бу ерда, Гаврюха, компасиз ҳам хоҳлаган жойимга етиб бораман,— дея вазминлик билан мақтаниб қўйди чол.

— Кўряпман, Федот Федотич, тайгани беш қўлдек билар экансиз. Бунақа йўлбошловчи билан истаган ерга адашмай бориш мумкин,— деди Акимов ҳеч қандай пинҳона фикрга бормай.

Аммо Федот Федотович бирдан Акимов билан Парабель тайгасидан Новониколаевск ва Томск томон олиб борадиган йўллар ҳақида қилган суҳбатини эслади-да, ўзича, йигит яна қочиш тўғрисида ўйлаб қолибди, деган хаёлга борди.

— Йўқ, йигит. Бегона ўрмонда мен кўзи очилмаган мушук боладай адашиб қоламан. Бунақада абгор бўлиш ҳеч гапмас.

Улар йўл-йўлакай гаплашиб кетишмоқда эди. Федот Федотович, шаҳарлик йигит чарчаб қолмадимикин, нафас ростлаш учун тўхташнинг вақти келмадимикин, дея ўзича чамалаб кўрганича ора-сира орқасига ўгирилиб, Акимовнинг юзига қараб қўярди.

Акимовнинг юзидан ҳовур кўтарилаётган бўлса-да, лекин кўриниши тетик эди, шу боисдан ҳам чол ҳеч қаерда тўхтамай одимлаб бо-раверди.

Федот Федотович яланғоч тепаликнинг устига кўтарилиб тўхтаганида, қош қорая бошлаган эди. Қария, бир оз ортда қолган Акимов етиб келгач, узоқни кўрсатиб, деди:

— Хув ана, кўряпсанми, Гаврюха, олд томонда ўрмон худди ернинг тагига кириб кетаётгандек бўляпти. Шунақа товоқсой бор. Кўрдингми?

— Кўрдим.

— Қарағай жар дегани ўша. Алдоқчи ўша ерда яшайди. Уша жойга яқинроқ борамиз.

Акимов аллақандай ўрмон ажинаси тимсолидаги Алдоқчининг мавжудлигига ишонмасди албатта. У ҳатто чолнинг «Алдоқчи ўша ерда яшайди», деган гапини эшитиб, мийғида кулиб ҳам қўйди. Лекин йигит, бу афсонага қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, Қарағай жарнинг сирига жуда қизиқиб қолган эди. У чанғида ҳамон енгилгина сирғаниб бораётган Федот Федотовичнинг тунаш учун жой танлаб тўхташини сабрсизлик билан кутарди.

Бироқ Қарағай жар ҳали узоқ экан. Улар қоронғида анчагина йўл юришди. Акимов ўқтин-ўқтин ўрмондаги чангалзорлар орасига шўнғиб кўзга кўринмай қолаётган чолга аранг етиб борарди.

— Бўлди, Гаврюха! Тунаш учун энг яхши жой мана шу ер,— деди ниҳоят қўлини силтаб Федот Федотович.

Акимов атрофни кўздан кечирди. Улар тўгарак шаклидаги қор босган ялангликда туришарди. Унг томонда зич бўлиб ўсган ёш қарағайлар қорайиб кўринар, сўл томонда эса — қуриб қолган кедрлар жонсиз шохларини тарвақайлатиб турарди.

Федот Федотович елкасидаги юкни олиб, қор устига қўйди. Акимов ҳам егулик ва йўл бўйи шиқирлаб келган дечка солиғлик қопни ерга ташлади.

— Демак, гап бундай, Гаврюха: чанғи билан манови ердаги қорни суриб ташла, мен бўлсам ўтин билан шуғулланаман,— дея буюрди Федот Федотович.

Акимов чол нима мақсадда унга қорни суриб ташлашни буюрганини дарҳол тушуна олмади.

— Биз бу ерга, Гаврюха, партўшак ёзамиз,— дея илжайди Федот Федотич ва қуриб қолган баланд кедр ёнига бориб, унинг тагидан чопа бошлади. Федот Федотовичнинг қўлида ялтираб турган ўтгир болтаинг зарбида ҳар томонга пайраҳалар учди.

Бир оздан сўнг чол Акимовга четроққа ўтиб туришни буюрди. Тагидан чопилган кедр аввалига қисирлаб турди-да, сўнг қийшиқ ўсган тепа қисмининг оғирлиги остида бута ва бурганларни эзгилаганича қасира-қусур қилиб қор устига қулади.

Акимов қорни четга суриб, майдон ҳозирлар экан, Федот Федотович шу ернинг ўзида турган иккинчи қуруқ кедрни қулатди. Қулаган дарахт таналарининг пастки қисми ёнма-ён эди-ю, бироқ тепа қисми бошқа-бошқа томонга қараб чўзилганди. Федот Федотович қуруқ шох-шаббаларни йиғиб, гулхан ёқди. Иккала дарахтнинг ҳам қуруқ танасидан олов ўрмалай бошлади.

Акимов қорини суриб ташлаган майдонча икки ўт оқими ўртасида қолди. Федот Федотович бир кучоқ майин қарағай новдаларидан синдириб, ерга ташлар экан, деди:

— Қани, Гаврюха, яна синдир, юмшоқроқ бўлади. Мен эсам бу орада чой қайнатаман.

Акимов бир талай қарағай новдаларидан синдириб келди-да, уларни текис ёйиб, устига ётиб кўрди. Новдалар унинг гавдасини майингина оғушига олди, ўнг ва сўл томондаги оловнинг тафти иссиқ ҳаво уфуриб турарди. Қуриган кедр таналари аста чирсиллаб, учқун сачратмай бир маромда ёнмоқда эди. «Учқун сачраб ёниб кетишдан кўрқмай ухлаб олсанг ҳам бўлади, ҳатто», дея ўйлади Акимов.

— Қани кел, Гаврюха, чой ичамиз-да, кейин Алдоқчи билан гап-лаша бошлаймиз,— деб қолди шу пайт Федот Федотович.

Акимов осмонга тикилганича қарағай новдалари устида чўзилиб ётарди. Тўлин ой милтиллаб турган юлдузлардан иборат пояндоз янглиғ бепоён фалакни хиёл ёритганича вазмин сузиб борарди. «Бир кун келиб ана шу пайтни — тайга, ҳайвонлар, гулхан, қорнинг оппоқ кўрпаси остида қолган ана шу тупроқ, Алдоқчи ҳақидаги афсонани эслайман-да, ўзимга-ўзим ишонмайман. Зеро, буларнинг бари жуда ғаройиб, менинг Петроград, баррикадалар, қизил байроқ кўтарган халқ оммаси ҳақидаги орзуларимга мутлақо ўхшамайди...— дея хаёлидан ўтказарди Акимов.— Ҳар қалай, бу ерда жуда совуқ экан, гарчи ҳаводан баҳорнинг аллақандай ҳиди келиб турган бўлса-да, тун бўйи гулхан ёнида ўтириб чиқишга тўғри келади... Анови Алдоқчи ҳам — чолнинг хаёли, овчиларнинг одатдаги лофи».

— Қани кела қол, Гаврюха! Сен бекорга ечинмасдан ётибсан. Бу нақада совқотасан,— яна Федот Федотовичнинг овози эшитилди.

Акимов эти жимираб кетганини аниқ ҳис этганича сапчиб ўрнидан турди. «Ечинмасдан ётибсан? Нима бало, ички кийимгача ечиниб ёт демоқчимиз?» — дея ўйлади Акимов, гўё кунни бўйи тинимсиз юришмагандай гулхан ёнида қошиқ билан биқирлаб қайнаётган декчани уриб-уриб қўйганича ҳаракат қилаётган чолнинг ёнига яқинлашар экан.

— Ҳиди жуда зўр-ку, Федот Федотич,— деди сўлагини ютиб Акимов.

— Манови ерга, гўланинг устига ўтир, йигит,— таклиф қилди қария.

Акимов ўтирди. Уч томонда ловиллаб ёнаётган оловдан иссиқ ҳаво уфуриб турарди. Федот Федотович йигитга қотган нон билан қошиқ узатди-да, сўнгра шўрва биқирлаб қайнаётган декчани оловнинг устидан олиб, тўғри қорнинг устига қўйди.

— Олавер, Гаврюха!

Улар декчага қошиқ ботириб, тамадди қила бошлади. Шўрва шу қадар тотли эдики, уни ҳеч қандай таомга қиёслаб бўлмасди. Теъда Акимов исиб кетди. У қалпоғини энсасига суриб, калта пўстинининг тугмаларини ечиб қўйди.

— Гулханни бундай ёкиш усули, йигит,— деди гуриллаб ёнаётган куруқ дарахт таналарига ишора қилиб чол,— тунгус олови деб аталади. Тунгуслар — ўрмон одамлари. Уларнинг умри қишин-ёзин ўрмонда ўтади. Бизнинг рус овчиларимиз улардан кўпгина нарсаларни ўрганишган.

— Бу ўтин бизга эрталабгача етадими, Федот Федотович? — дея сўради Акимов.

— Эртага кечгача ёнади у! Энг иссиқ берадиган пайти, Гаврюха, олдинда ҳали. У лаққа чўққа айлансин, чунонам иссиқ чиқарадики ҳали, ҳеч қандай аёз тўхтата олмай қолади уни. Совуқ кучли, лекин олов ҳам ҳақини қўймайди.

Шўрвани тугатишгач, улар чой ича бошлашди. Тайга узра тун парда ёйган бўлиб, атроф гира-шира бўлишига қарамай, Федот Федотович қарағайзорнинг аллақаерида қарағай бутасини излаб топди ва ундан битта новдасини синдириб, уни майдалаб кесди-да, чойнакка ташлади. Чойга қўшилган бу доривор жуда ажойиб экан. Акимов кружкадан бир қултум ҳўплади-да, чойнинг алоҳида мазасидан лаззатланиб, уни бир оз вақт ютмай турди.

— Ёзининг ҳиди келяпти, Федот Федотич,— тилини танглайига уриб деди Акимов.

— А-ҳа, сездингми,— дея кулиб юборди чол.

Улар кружкадаги чойни бамайлихотир ичиб олишди, сўнгра Федот Федотович декчага қор тўлдирди-да, унга қошиқ ва кружкларни солиб, декчани яна олов устига осиб қўйди.

— Идишларимиз ювилади шунда.

10

У бошқа бир оғиз сўз айтмай, оловли ҳалқанинг ташқарисига чиқди-да, овозининг борича қичқириб юборди:

— Салом. Алдоқчи!

Акимов кулини қор устига туширганича тамаки чекиб ўтирарди. Федот Федотовичнинг овозини эшитиб, у ўрнидан турди. Акс садо негавир анчагача жавоб бермай турди. Акимовга ҳатто у энди умуман жавоб бермайдигандек туюлди. Лекин бир неча дақиқадан сўнг тайга узра «Ло-о-оом до-оқ-чи-и-и!» — деган садо таралди.

— Салом, Алдоқчи! Федот келди! — яна қичқирди чол акс садо тинган заҳоти. Яна ўша воқеа такрорланди: деярли бир дақиқача сукунатдан сўнг чўзиқ ва кучли акс садо эшитилди:

— Ло-о-оом... е-е-до-оо-т.

— Эшитяпсанми, Гаврюха, Алдоқчи мен билан саломлашяпти ахир. «Салом, Федот!» — деяпти. Уни қара, эски танишини унутмабди,— дея илжайди Федот Федотович, бироқ Акимов бунинг сира ажабланарли ери йўқ деб ҳисобларди, зеро, «салом» ва «Федот» сўзлари жумладаги энг чўзиқ сўзлар эди.

— Қани, Федот Федотич ўша Алдоқчингиз мен билан ҳам саломлашсин-чи,— деди Акимов.

— Ҳозир айтаман,— дея жавоб қилди чол ва гулхандан узоқроққа, қарағайзор ёнига бориб қичқирди:

— Ҳой, Алдоқчи! Гаврюха келди! У билан саломлаш! Унға «Салом, Гаврюха!» — деб айт!

Акс садо анчага довур жавоб бермай турди, сўнгра бутун тайгани гумбурлатиб садо берди-да, тиниб қолди. Лекин у батамом тинмай, хиёл пасайиб тургач, аввалгисидан ҳам кучлироқ гумбурлай бошлади.

— Жавоб беряпти, Гаврюха. Эшитяпсанми? — деди Федот Федотович. Унинг товушида, кўрдингми, сени Қарағай жарга бекорга олиб келмабман, дегандай мамнуният сезилиб турарди.

Акс садонинг иккинчи тўлқинини биринчи тўлқиндан ажрата билиш ва уни аллақандай бошқа товушнинг садоси дея тушуниш учун инсон бой тасаввурга эга бўлмоғи керак эди албатта. Лекин ҳар қалай Қарағай жардаги акс садо жуда ғалати эди. Акимов бунини Федот Федотович тунгус олови учун қуриган кедрларни қулатаётганидаёқ ўзича қайд қилиб қўйганди. Болтанинг тез-тез тўқиллашига жавобан акс садо худди товуш таъсирида пайдо бўлгандек кучли ва чўзиқ эшитилганди. Лекин бу акс садонинг ўзига хос томони шунда эдики, у тўп-тўп товушларга бўлиниб, бу товушлар тайганинг турли бурчакларига таралар ва яна ўзаро садо бериб, кўплаб товушлар эшитилаётгандек таассурот уйғотарди. Турган гап, кечаси, бунинг устига одам ҳаяжонланиб турган пайтда буларнинг бари ҳатто тажрибали овчининг ҳам дилига ғулғула солиб, уни адаштириб қўйиши ва гўё Қарағай жарда истиқомат қиладиган Алдоқчи тўғрисидаги афсонани туғдириши мумкин эди. «Жойнинг ўзига хос акустикаси унинг физик хусусиятига боғлиқ бўлади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Қизиқ. Еки, эҳтимол, физика соҳасидаги бошқа бирор сабабияти бордир бунинг...» — дея ўйларди Акимов. У чарчоқни унутиб, чанғисини оёғига илди-да, қоронғи ўрмон ичига қараб юрди.

— Эҳе-ҳей Эҳе-ҳей! — дея қичқира бошлади йигит.

Бутун тайга узра гумбурлаш, уёқдан-буёққа ўтаётган акс садодан ҳозир ер қимирлаб кетадигандек туюларди. Лекин Акимов узун бир жумлани қичқириб айтганидан сўнг акс садо айниқса жимжимадор эшитилди:

— Ҳей, Алдоқчи, жин урсин сени, қани буёққа чиқ, гаплашиб қўямиз! Ҳа! Ҳа! Ҳа!

Бу ўринда энди инс-жинсга мутлақо ишонмайдиган одам ҳам ўйланиб қолиши мумкин эди. Акс садо кучга кириб, чунонам бақир-чақир-қилар, чунонам, турли-туман товушлар эшитила бошладики, бир зум Акимовга тайганинг қаърида ўзининг янги исми тилга олинаётгандек туюлди. У миясида яна ҳам узунроқ жумла тузди-да, уни қичқириб айтди. Яна ўша воқеа такрорланди. Яна йигитга акс садонинг бу гумбур-гумбурида «Гаврюха! Гаврюха!» — деган исм тилга олинаётгандек туюлди.

«Кулгили-ю, лекин одам ишонай деб қоларкан. Афсонанинг руҳиятга таъсири бу», дея ўйларди Акимов гулхан ёнига қайтар экан. У ерда қалпоғини энсасига сурганича жуда сергак бир қиёфада Федот Федотович турган эди.

— Эшитдингми, Гаврюха, у сенинг исмингни айтди, — деди ҳаяжонланиб қария Акимов гулхан ёнига қайтиб келгач.

— Ана холос! Демак, ёлғиз менга шундай туюлмаган экан-да», дея ўйлади Акимов ва жавобан ҳеч нима демай, қўл силтаб қўя қолди. Бироқ чол унга савол назари билан бетоқат қараб турарди.

— Акс садонинг шакли бундай бузилишини, Федот Федотич, фан ер устки қатламининг тузилиши ва ҳаво оқимларининг ўзига хос томонлари билан изоҳлайди.

— Тушунаман, Гаврюха, — дея бош ирғади Федот Федотович. — Бу ердаги жар чиндан ҳам жуда чуқур ва қинғир-қийшиқ. Аммо ҳаво оқимларини негадир сезмаган эканман!

— Эҳ, қани энди бир мизғиб олсанг, — деди ҳомуза тортиб Акимов, — эртага ёруғда эса бу ерларни айланиб, Алдоқчингизнинг изини қидирамиз.

— Бўпти ечингин-да, ётавер. Мениям уйқум келяпти.

— Хўп, гапни айтасиз-да, Федот Федотич! Ечингинмиш! Эрталаб-гача қотиб қоламан-ку бунақада, — кулги аралаш деди Акимов.

— Йўқ-йўқ, йигит, пўстининг билан пиймангни албатта ечиб ёт. Мана бундай.

Федот Федотович калта пўстинини ечди-да, бир сакраб, қорнинг устида уйилиб турган юмшоққина қарағай новдалари устига ётиб олди. Сўнгра у оёғидаги пиймасини ечиб, оловга яқинроқ жойга қўйиб қўйди. У энди устига пўстин ёпганича, оёғини олов томонга қилиб ётарди. Чолнинг жун пайпоқ кийган оёқларини гулханнинг ёлқини яхши иситмоқда эди. Қалпоғини эса у ечмай, аксинча, кўзининг устигача бостириб кийиб олганди.

— Кел, ёнимга ёт. Новдаларнинг устига ит териси билан жўн шолча тўшаб қўйганман. Бўлмасам пастдан совуқ уради. Бўпти, ухладик. Кўп ҳам тиниқа олмайсану, аммо эртанги тунгача етарли мизгиб олса бўлади.

Акимов калта пўстинини ечди-да, Федот Федотовичнинг ёнига чўзилди. У пиймасини ечишга журъат этмади, зеро, пайпоғи бўлмай, оёғига пайтава ўраб олганди. Бир оздан сўнг у анча исиниб олганини ҳис этди. Йигитнинг оёқлари ва гавдасининг олди қисмини олов иситиб турар, елкасини эса у Федот Федотовичнинг пўстинга тираб ётарди. Унинг пўстини бир оз калтароқ ва торроқ эди, лекин Акимов тезда йўлини топиб, унга шундай ўраниб олдики, ҳеч қаердан совуқ кирмай қўйди. Тунда Федот Федотович биқинларини оловда иситиб олиш учун уч марта уни ўрнидан турғазди. Ҳар гал исиниб олганидан сўнг йигит жойига ётарди-да, дарҳол ухлаб қоларди. Эрталабга яқин тунгус олови ўз кучини кўрсатди: қуриган кедрнинг йўғон танаси лаққа чўғ уюмига айланди. Ундан шундай иссиқ таралар эдики, атрофдаги қор эриб, қарағай новдалардан иборат тўшакнинг тепасидаги ҳаводан хонанинг ҳиди кела бошлади...

— Хўш, қалай, Гаврюха, ухлай олдингми ёки йўқми? — дея суриштирди Федот Федотович эрталаб нонушта тайёрлар экан.

— Ўзингиз қалай ухладингиз, Федот Федотич? Мен-ку, анча тўйиб ухлабман.

— Мен ҳам озгина ухлаб олдим. Чол одам қанақаям ухларди дейсан? Сенга айтсам, оғайни Гаврюха, одам ёшлигида ухлайди. Лекин ўзинг ҳам жуда қотиб ухларкансан. Мен пўстинингни бир неча марта ўраб қўйдим, уйғониб кетарсан деб ўйловдим, сен бўлсанг миқ этмай ухлайвердинг.

— Шунақа денг! Сиз, Федот Федотич, мени худди ёш боладек парвариш қиляпсиз. Лекин ростини айтсам, бир ўзим бундай тунаш жойи ҳозирлашни ўйлаб тополмасдим. Қопга нималарнидир тиқиб олганингизни кўрганимда ўзим ҳам ҳайрон бўлувдим. Қарасам, алланимани орқалаб кетяпсиз, лекин енгилга ўхшайди.

— Жуда катта илм эмас-у лекин уни билмасанг, абгор бўласан. Тайга холанг эмас. Чучвара пишириб бермайди. Итнинг териси эса, Гаврюха, бунақа пайтда жуда асқотади. Буғунинг териси ҳам ёмон эмас, лекин уни нартада олиб юриш керак.

Тонг отгач, улар чанғиларини оёқларига илиб, жарнинг бўйига боришга қарор қилишди. Акимов унинг тузилишига бир назар гашламоқчи эди. Жар томон боришар экан, Алдоқчини чақириб кўришди. У, чамаси, эрталаб қаттиқ ухлаб қолган кўринарди, лекин ҳар қалай жавоб берди. Тўғри, у аввалига қандайдир истар-истамас садо бериб турди-да, кейин борган сайин кучга кира бошлади.

— Уни қара, Гаврюха, ухлаб қолибди валати Алдоқчи,— дея кулиб юборди Федот Федотович.

— Ҳечқиси йўқ, мен ҳозир унинг танобини тортиб қўяман,— деди ҳазиллашиб Акимов ва овозининг борича қичқирди: — Ҳой ишёқмас, қачонгача ғафлат босиб мудрайсан?!

Ана шунда Алдоқчи бор кучини кўрсатиб қўйди! Тайга аввал бир четда, кейин бошқа четда гумбурлаб турди-да, охири акс садо ҳозир Акимов билан Федот Федотович турган жойдаги қарағайларнинг нақ гепасидан овоз бериб ўтди.

— Кўрдингми, Гаврюха, унинг қандай бақироқлигини! Сенга айтсам, биродар, ундан баланд келишнинг ўзи бўлмайди.

— Мана бу гапни тўғри айтдингиз,— Федот Федотич! — дея кулди Акимов.

Тез орада улар жар ёқасига етиб боришди. Ана шунда Акимов Қарағай жар — бу ўзига янги йўл очиб кетган қандайдир дарёнинг эски ўзани эканлигини тушунди. Сув ўпириб кетган жой геологик жиҳатдан ҳали нисбатан анча ёш кўринарди. Соҳилдаги яқинда ўпирилиб тушган жойларда ағдарилиб тушган қарағайларнинг қинғир-қийшиқ илдизлари кўзга ташланарди. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда буғ кўтарилиб турган аллақандай музламас булоқларга бой бўлган жарнинг тубида ер бағирлаб кўкимтир туман сузиб юрарди.

Ҳали қароргоҳ яқинидаги кўлни кўздан кечираётганидаёқ, кейин эса Илиқдарё ва Қўланса ботқоққа бориб келганидан кейин ҳам Акимов бу замин ҳаётга тўла эканлиги, унинг қаърида, худди баҳор кезлари қор остида ниш урган майсадек, ҳад-ҳудуди бўлмаган пинҳоний кучлар мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилганди. «Бу ерда замин нафас оляпти, унинг томири уриб турибди», дея такрорларди Акимов ўзича Қарағай жар ёқасидан бора туриб, ҳозир унга атайин йўл бўшатаётган чолни ўқтин-ўқтин қувиб ўтар экан.

— Уша Алдоқчингиз, Федот Федотич, мана шу сойларда яшайди,— дея кулди Акимов қўлини ярим доира шаклида айлантириб, атрофни кўрсатар экан.— Чамаси, товуш ана шу сойлар иштирокида парчаланиб, кўплаб акс садо берса керак. Уларнинг қандайдир роль ўйнаши аниқ.

Ана шу сўнги сўзларни Акимов Федот Федотовичдан ҳам кўра кўпроқ овоз чиқариб мулоҳаза юритганича ўзига-ўзи айтмоқда эди. Лекин чол унинг бир оғиз ҳам сўзини четда қолдирмай диққат билан тингларди. Акимов жимиб қолгач, қария йигитнинг баъзи гапларини тушуна олмаганидан дилида афсусланиб хўрсиниб қўйди.

— Агар, Гаврюха, биз овчилар саводсиз бўлмаганимизда эди, эҳтимол, бундан ҳам зўрроқ гапларга ақлимиз етган бўларди,— деди Федот Федотович Акимов аллақандай тўнка устидаги қорни қўлқопи билан супуриб ташлаганича унинг устига компасни қўйганини кўриб, йигит шарфи ичидан узун бўйинини чўзиб, компасга алоҳида диққат билан тикилиб турарди.

— Бу ерда қуёш қайси томонга ботади, Федот Федотич? — дея сўради Акимов.

— У манови томондан чиқади, манови томон — ғарб. Пешин чоғи қуёш манови ерда бўлади.— Чол қўлини дадил силкитиб, қуёшнинг осмону фалакдаги ҳаракатини чизиб кўрсатди.

— Компаснинг мили бежо бўлиб қолди. Федот Федотич! Бугун сизнинг Алдоқчингиздан ҳам баттарроқ алдаяпти,— кўзини компасдан узмай деди Акимов.

— Қўйсанг-чи, Гаврюха, бу нима деганинг! Жуда пишиқ компас. У менга бирон марта ҳам панд берган эмас, деди компасига нисбатан бундай ҳурматсизликдан ранжиб Федот Федотович.— Қани, ўзим бир кўрай-чи.

Акимов чолга илжайиб қаради-да, бир четга ўтиб турди. Федот Федотович қалпоғини энсасига суриб, компасга тикилиб қолди.

— Чиндан ҳам жин ургур бошқа ёқни кўрсатяпти. Бузилиб қол-

дими дейман зангар? — Федот Федотович ташвишланиб қўл силкитди-да, тўнка ёнидан чекиниб, саросима билан Акимовга қаради.

Акимов компасни қўлига олиб, уни бир-икки марта силкитди-да, яна тўнка устига қўйди. Сўнгра у ора-сира компасга назар ташлаб, кунчиқардан кунботар томонга аста ўгирилганича, бармоқлари орасидан осмонга узоқ қараб турди.

— Сирнинг тагига етдим, Федот Федотич,— Акимов чол томон ўгирилди.— Компасингиз бузилмаган, алдаши масаласига келсак, у темирни сезяпти. Фанда бу ҳодиса магнит аномалияси деб аталади.

— Темир дейсанми? Бу дейман, оғайни Гаврюха, эс-ҳушинг жойидами ўзи? Темир бу ерда нима қилсин? Ҳаммаёқ ботқоқ бу ерда, жин урсин! У бўлса темир дейди-я... Темир деганларини тоғлардан қазиб олишади...—Федот Федотович Акимовга қараб-қараб қўйганича хахлаб кула бошлади.

— Эҳтимол, темир йўқдир ҳам, лекин компас бекордан-бекорга безовта бўлмайди,— деди тарадуд билан Акимов, чолнинг ишончсизлик билдирганидан хиёл саросимага тушиб.

— Агар компаснинг мили қуёш нурига эргашаётган бўлса-чи, унда нима дейсан? Қуёшнинг нур сочишига бир қара. Бир вақтлар шундай бўлганини пайқаган эдим.

— Ким билсин, Федот Федотич, балким сиз айтгандек бўлаётгандир,— деди қўлларини ёйиб Акимов, лекин ўзича: «Йўқ, сабаби бу эмас! Бекор шундай деяпсиз, отахон. Майли, нима десангиз деяверингу, лекин мен харитада аномалияни белгилаб қўяман», дея хаёлидан ўтказиб қўйди.

Улар тўнка ёнида яна бир оз туришди-да, сўнг чангиларини оёқларига илишди. Акимов Федот Федотовичдан ортда қолди. Қарағайзор оралаб боришар экан, у ўқтин-ўқтин чўнтагидан компасни олиб, унинг мили қандай ўйнаётганини кузатарди. Бироқ тез орада мил ортиқ липилламай қўйди ва унинг магнитланган учи белгисига ёпишиб қолгандек бўлди.

Улар қароргоҳга етиб боришганида алламаҳал бўлиб, осмонда ой хирагина шуъла сочиб турарди. Йўл-йўлакай Акимов тахтага куйдириб туширмоғи лозим бўлган чизмани миясида пишитиб келди. Баъзан у алаҳсиб кетиб, Петроград, эндиликда Наримдан Якутскака қадар энг пасқам қишлоқларга сургун қилинган ўртоқлари ва албатта тоғаси Венедикт Петровични аччиқ алам билан эслай бошларди. Ҳозир ўша бегона юртда, Стокгольмда унинг аҳволи не кечаётганийкин? Қария Петрограддан жуда вақтида жўнаб қолди-да. Сибирь архивлари устидаги иши қандай кетаётганийкин? Эҳ, қани энди ҳозир тоғаси билан учрашса-ю, баъзи нарсаларни ундан сўраб олса, олис тайганинг диққатга сазовор жойлари тўғрисида унга ҳикоя қилиб берса! Ким билсин, самодержавие кулаб, капитал ҳукмронлигига чек қўйиладиган ва Россияда янги давр бошланадиган кунга қадар жуда оз қолгандир... Унинг яқинлашиб қолганини Ленин башорат қиляпти... Бизро воқеани олдиндан айтганида, у ҳеч қачон янглишмаган ахир... Ана ўшанда бирдан большевикларнинг Россия кенгликлари бўйлаб мажбурий саёҳатлари сира ҳам зое кетмагани маълум бўлиб қолади. Эртами-кечми ана шу беҳисоб кўллар ва дарёлар, зовур ва тепаликлар, ўрмон ва ялангликларни хўжалик ҳаётига киритишга тўғри келади. Россия шундай поёнсиз кенгликларга эга бўлиб туриб, ишлаб чиқариш кучлари чекланган мамлакатлигича қолавермайди-ку, ахир. Унинг учун ҳамма ишлар олдинда ҳали... Уз юртимизни янгича изга солмоқ учун эса аввало уни билиш лозим... кўздан кечириш, ушлаб қулоқ солиб кўриш керак...

— Мана, уйимизга етиб келдик! — Бугун негадир чарчадим, Гав-

рюха! — чанғисининг сирғанишини хиёл тўхтатар экан, деди Федот Федотович.

— Чиндан ҳам уйимизга келибмиз!— дея хитоб қилди хаёли бўлиниб Акимов ва ўзича қароргоҳга қадар бўлган узоқ йўлни осонгина босиб ўтганидан ажабланиб қўйди.

11

Орадан уч кунча вақт ўтгач, Федот Федотович Акимовга қараб деди:

— Озиқ-овқатимиз тугаяпти, Гаврюха. Эрта-индин қишлоққа боришим керак. Беш-олти кун ёлғиз ўзинг туриб туришингга тўғри келади.

Акимов бундай кутилмаган хабардан ҳатто ўрнидан туриб кетди. — Бораверинг, Федот Федотич! Бораверинг! Қанча керак бўлса, шунча туравераман ёлғиз ўзим.

Федот Федотович Акимовнинг товушида қувонч оҳангларини пайқаб қолди. «Афтидан, манови тутқунликдан халос бўлишини кутяпти.... Мени хушxabар олиб келади, деб ўйлаяпти... Ишқилиб, янглишмагинда, йигит», дея хаёлидан ўтказди чол.

Олтинчи боб

1

Дераза ортида оч бўрилар тўдаси янглиғ бўрон ув тортмоқда эди. Ромдаги ойналар ўқтин-ўқтин шиқирлаб қўярди. Унча қаттиқ ёпилмаган кўча эшик тўқиллаб кесакига уриларди. Вақт-вақти билан қорбўрон қутураётган бу зим-зиё қоронғиликда адашиб қолган йўловчи уй деворларини пайпаслаётгандек ва мадорсизликдан товуши бўғилиб қолгани туфайли бошпана сўраб унсиз илтижо қилаётгандек туюларди.

Горбьяков хонанинг ўртасида ўтирарди. Пилиги хиёл тушириб қўйилган бақалоқ лампани у полга қўйиб қўйганди. Лампа атрофида турли қоғозлар, икки дона юпқа ўқувчилар дафтари, ранг-баранг сифтларда ёзилган сўзларга тўла айрим саҳифалар, яширин ташкилот босмахонасида кулранг қоғозга босилган рисола, майда қоғоз пуллар солинган конверт сочилиб ётарди. Курси ёнида ўртаси ғовак қилиб ўйилган ғўла турарди.

Горбьяков дам-бадам қоғозларни саралашдан тўхтаб, бўроннинг чийиллашига, шамолнинг уй деворига келиб урилишига қулоқ солиб кўрарди. Вақт ярим кечадан оғиб қолганди. Девордаги занжирига оғир тош осилган соатнинг миллари бир яримни кўрсатиб турарди.

Федот Терентьевич Горбьяков кундуз куниеқ партия ҳужжатларини зудлик билан ишончлироқ жойга яшириб қўйишни қарор қилганди. Тиббий жавон бурчагидаги қоп-қора дори шишага солиб қўйилган бу ҳужжатлар диққат билан тинтув ўтказилса, дарҳол полициянинг қўлига тушиб қолиши мумкин эди. Тўғри, шишага ваҳимали қилиб: «Эҳтиёт бўлинг! Заҳар!» деган сўзлар ёзиғлик қоғоз ёпиштириб қўйилганди. Лекин бу ёзув полиция исковучиларини қўрқитиши амримаҳол эди...

Ғўланинг ичини Горбьяковнинг илтимосига кўра Федот Федотович қўйиб берганди. Қария бундай ғўланинг нима учун керак бўлиб қолганини яхши тасаввур қилар экан шекилли, куёвининг топшириғини эшитгач, деди:

— Ҳаммасини ўрнига қўяман, Федя. Шундай қилиб қўяманки, бекаму кўст бўлади. Уни омборнинг бурчагига қўйиб қўяман. Керак бўлиб қолса, балиқ тутадиган тўримнинг тагидан топасан.

2

Ушандан буён икки-уч йилча вақт ўтди. Анчага довуруқ бўладан фойдаланишга зарурат бўлмай юрди-ю, лекин мана бирдан хатар туғилиб қолди...

Горбьяков урядникнинг мужиклар ёрдамида ўрмонни тинтиб чиқиш ниятида эканлигини эшитгани заҳоти отини эгарлади-да, унга инқилобий ишларда анчадан буён пинҳона ёрдам бериб юрган бир неча деҳқонларнинг олдига — Голешчихино, Костарево ҳамда Нестерово томон йўл олди.

— Урядник сизларни тинтув қилишга чақиради. Лекин сизлар ёмби берса ҳам борманглар,— дея тайинлади у деҳқонларга.

Деҳқонлар, албатта, унинг айтганини бажо келтиришди: қўни-қўшниллар, қариндош-уруғларга айтиб қўйишди. Ўз навбатида қариндош-уруғу қўни-қўшниллар ҳам худди шундай қилишди.

Урядник тинтувга мужикларни ёлламоқ учун қишлоқларга борганида индамас деҳқонларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Филатов аввалига мужикларни яхши гап билан кўндиришга, пул билан қизиқтиришга уриниб кўрди-ю, аммо охири қутуриб, бақира бошлади:

— Подшоҳнинг хизматчиларига ёрдамларинг шу бўлдим сенларнинг! Қараб турларинг ҳали, кўрсатиб қўяман сенларга!

Шу пайт Нестероводаги мужиклардан бири ҳамманинг олдида оғзидан гуллаб қўйса бўладими:

— Мунча ўшқирасан бизга, жаноби олийлари?! Бизга нима, бари бир эмасми! Парабелдаги фельдшер тайинлаган бизга, бу ифлос ишга аралашмаларинг деб!

Филатов ўз қулоғига ишонмай қолди. У ижиклаб қайта-қайта сўрай кетди. Деҳқон сирни оғзидан гуллаб қўйганини тушунди-да, аҳмоқлиги туфайли илиниб қолган тузоқдан қутулиб чиқишга ҳаракат қила бошлади. Гўё унинг ўзи фельдшерни кўрмаганмиш ва ундан бундай гапларни эшитмаганмиш. Фақат қишлоқда шунақа миш-миш юрганини эшитибди, холос.

Энка-тенкаси чиқиб, ҳовлиқиб қолган Филатов мужикдан эшитган гапига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай Парабелга, Горбьяковнинг олдига елиб кетди.

Уйга югуриб кирган урядникни кўрган заҳоти Горбьяков қандайдир фалокат содир бўлганини тушунди. Балким Акимов билан Федот Федотович қўлга тушиб қолишгандир. Қандайдир бир лаҳзада Горбьяков содир бўлган вазиятни чамалаб кўрди. Иш чатоқ эди. Ҳаммаси барбод бўлди! Фақат Акимовнинг қочишигина эмас, унинг ўзи ҳам қўлга тушиб ўтирибди. Қандай йўл қўйди бунга ахир у?! Қаерда, қайси жойда хато қилди? Ахир у эҳтиёткор, жуда эҳтиёткор эди-ку...

— Нима бало, Варсонофий Квинтельянич, бутунлай ақлдан оздингми?! — урядник оғиз очишга ҳам улгурмай баланд кела бошлади Горбьяков муштини силкитиб.

Фельдшердан бундай сўзларни сира кутмаган новча ва қоқсуяк урядник кўзини пирпиратганича эси оғиб эшик томон тисарилди.

— Нега йўлимга гов қўяяпсан, Федот Терентьич? Становой теримни шилиб олади ахир,— дея минғиллади урядник Горбьяковнинг ўшқиршидан анча шашти пасайиб.

— Қачон гов қўйибман? — бир оз юмшаб сўради Горьяков.

— Қачон дейсан-а, Федот Терентьич! Мен ёрдам сўраб мужик-

ларнинг олдига борган эдим. Сира кўнишмади зангарлар. сен буюрибсан! — Филатов кўзларига ёш қалқиб, алам билан лабларини чўчайтирди.

Горбьяков бир зумда вазият аввал ўзи ўйлаганчалик чатоқ эмаслигини тушуниб қолди.

— Сени, Варсонофий Квинтелянич, яхшиликча гапга кўндириб бўлмаса, нима қилай,— анча муросага келиб, лекин ўша-ўша қатъият билан деди Горбьяков.— Кўрпа-тўшак қилиб ётгин деб, озмунча айтдимми сенга? Аҳволингга бир қара. Қандай тирик юрибсан, ҳайронман! Худо кўрсатмасин, бутунлай ётиб қолсанг, бошлиқлар: «Нега ҳукумат одамнинг ҳаётини сақлаб қолмадинг?» — деб мендан сўрашади. Хўш, мен нима қилай? Ҳамма учун тиббиётнинг кўрсатмаси — қонун, бузиб бўлмайдиган амру фармон, сен бўлсанг уни сариқ чақага олмаяпсан. Мени кечиргину фақат ана шу чорам қолди; ҳоқимият сенинг қўлингда, лекин менинг ҳам гапим ўтади. Сенинг режанг ҳақида эшитган захотим отга миндим-да, қишлоқма-қишлоқ жўнадим. Барча мужикларга қатъиян буюрдим: «Филатов билан бир қадам ҳам юрмаларинг! У оғир касал, ўзини-ўзи ҳалок қилади, балога эса сенлар қоласанлар, сўроқ қилавериб, тинкаларингни қуриштилади!» — дедим. Яна бир гап бор, Варсонофий Квинтелянич: агар сен подшоҳ отахонимизнинг содиқ қули бўлсанг, унга соғлом, тетик, ҳар қандай буйруқни бажаришга қодир одам сифатида кераксан. Билиб қўй: тожу тахт хаста хизматчиларни ёқтирмайди.

Горбьяков, вазиятга тўғри ёки нотўғри баҳо бергани, айтаётган гаплари Филатовга қанчалик таъсир қилаётганини чамалаб, урядникка разм солганича тинмай сўзламоқда эди.

Урядник фельдшер айтаётган барча бу гаплардан қаттиқ ҳаяжонга тушганди. У кўзларини пирпиратиб, букчайганича ҳасрат билан қўлларини силтаб қўярди. Унинг кўнгли ийиб, ўзига-ўзи меҳри товланиб кетганди. «Ҳукумат одами! Подшоҳ отахонимизнинг содиқ қули!» Бундай сўзлардан у ҳозирнинг ўзидаёқ ўкириб йиғлаб юборишга ёки бурчакка югуриб бориб, Момо Ҳаво иконаси ва ҳарбий шавкат ҳомийси бўлмиш Георгий Победоносец сурати олдида ғоз қотганича деразаларнинг ойнасини зирқиратгудек қилиб, тантанавор оҳангда «Тангри, сақла шоҳимизни ўз паноҳингда» қўшиғини айтиб юборишга ҳам тайёр эди.

Аммо Горбьяков унинг нафасини ростлашга ҳам йўл қўймай, товушини бир оз пасайтириб, айрим сўзларидаги таҳдидни яшириб ўтирмай гапида давом этди:

— Хўш, нима қилгин дейсан? Буёғига энди, муҳтарам Варсонофий Квинтелянич, фақат нуридийда рафиқанг Аграфена Васильевнанинг ҳузурига бориб, инсон дардларини даволовчи шифокор сифатида масалани узил-кесил кўндаланг қўйиш қолди: ёки сен менинг кўрсатмаларимга амал қиласан ва шунда мен сенинг она юртимизга жуда зарур бўлмиш ҳаётинг учун жавобгарликни бўйнимга оламан, ёки уёғини худодан кўриб, билганингни қилавер. Бундай қаттиқ гапираётганим учун маъзур тутасан... Келиб-келиб, яна кимга шундай гапираётганимни ўйлашнинг ўзи даҳшат! Мен бу гапларни алифни калтак дейдиган жоҳил мужикка эмас, давлат амалдори, муқаддас тожу тахтнинг ҳимоячисига айтяпман ахир... Ана шундай, биродари азиз... Майли, уёғини Аграфена Васильевнанинг ўзи ҳал қилсин...

Горбьяков мўлжални жуда пишиқ, пухта, ниҳоятда аниқ олган эди! У урядникнинг хотинини жуда вақтида тилга олди. Филатов ҳатто Нарим даҳабошисидан ҳам хотинига қараганда камроқ қўрқарди. Аграфена Васильевна... Унинг феъли ниҳоятда тез, мушти эса нақ гурзидек оғир эди. Жаҳл устида эса у палён билан ҳам, ўқлоғи билан

хам солиб қолган пайтлари бўлганди... Филатов бирдан тиши қаттиқ оғриб қолган одамдай башарасини бужмайтирди. Унинг ўзига нисбатан товланиб турган меҳри сўниб, тик ва тараша жуссаси букчайди ва кулранг шинели остида елкалари шалвираб қолди.

— Жаҳлинг чиқмасин, Федот Терентьевич! Кел, ҳамма гапни эркакчасига ҳал қилиб олайлик. Хотин зотини биласан-ку ўзинг! — дея бидирларди Филатов бутун жуссасидан қатъият ёғилиб турган Горбьяковнинг жиддий кўзларига очиқдан-очиқ шушомад билан тикилар экан.

Горбьяков жавоб беришга шошилмади. У даҳлизда уёқдан-буёққа юриб, пешонасидаги терни артди-да, енгил тортиб тин олди.

Шу озгина вақт ичида у ниҳоятда қийин дақиқаларни бошдан кечирган эди. Энди энг даҳшатлиси ортда қолди. Лекин шу соатдан эътиборан Федот Терентьевич Горбьяков янада сергакроқ, юз карра эҳтиёткорроқ бўлади!

— Сен, Варсонофий Квинтельянич, мени биринчи йил танишинг эмас, — дея бутунлай бошқача оҳангда гап бошлади Горбьяков урядникка энди кўзлари анча майин тортиб қарар экан. — Мен ҳам сени яхши биламан. Графена Васильевнанинг феълени ҳам тушуниб қолганман. Сенга ёмонлик қилмайман. Лекин яна бир карра айтиб қўяй: эс-ҳушингни йиғиштириб ол, бир оз шаштингдан туш...

— Узимга қолса шундай қилармидим?! Становой қисти-бастига оляпти. Бўлмасам, ўзим ҳам сезиб турибман: дардим оғир, ётишим керак...

— Албатта ёт, Варсонофий Квинтельянич, агар хотинингни бева, болаларингни егим қолдиришни истамасанг, албатта кўрпа-тўшак қилиб ёт. Буни сенга биринчи айтишим эмас.

— Становойга эса: ҳамма ўрмонларни тинтиб чиқдик, қочоқ гоёиб бўлибди, деб ёзиб юбораман... Ўрни келиб қолса, сен ҳам, Федот Терентьевич, мени қўллаб юбор.

— Нега қўллаган эканман? Чиндан ҳам ўзи шундай-ку. Мен қишлоқлардаги мужиклардан суриштириб кўрганман, ҳаммаси бир оғиздан, қочоқ ўша пайтнинг ўзида, ҳали сув музламаган пайтдаёқ қочиб кетган, дейишяпти.

— Менгаям шундай дейишяпти. Становой бўлса, қидир, топ, деб икки оёғини бир этикка тикяпти.

Горбьяков елкасини қисиб, меъеридан ошириб юбормаслик учун индамай қўя қолди.

Филатов дарҳол кўрпа-тўшак қилиб ётишига яна бир бор ваъда бериб чиқиб кетгач, Горбьяков бўлиб ўтган воқеани яхшилаб ўйлаб кўрмоқ учун хонадаги стол ёнига бориб ўтирди.

Йўқ, ана шу гапнинг ўзи билан чекланиб бўлмайди. Филатов бефаҳм, жоҳил ва ўлгудай қўрқоқ одам. Қўрқоқ одам эса аблаҳ бўлади. Становой бир дўқ урса борми — ўзини қутқариш учун ҳар қандай разилликдан ҳам қайтмайди. Яна бирор нарса ўйлаб топиш керак... Бу аҳмоқни тўшақка ётқизиб қўйиш, унга баджаҳл хотинини ўчакиштириш камлик қилади, яна бўлиб ўтган мана шу воқеани бости-бости қилиб юбормоқ, ўша тарашанинг анови мужикдан билиб олган ҳамма гапларини, бугунги тўқнашувни батамом унутиб юборишга мажбур қилмоқ керак.

Ўтмиш тажрибасидан Горбьяков Филатов билан муносабатни созлаб олишнинг энг яхши йўли — бу урядник билан унинг дўстларини меҳмонга чақириб, базму жамшид уюштириш, уларга икки-уч кун ўзларига келолмайдиган қилиб, йиқилиб қолгунларига қадар ўлгудай ичириш эканлигини яхши биларди.

Парабелл казолари билан улфатчилик қилиш тўғрисидаги хаёлинг ўзиданоқ Горбьяковнинг башараси бужмайиб кетди. Тўмтайган

аҳмоқ башаралар, сийқаси чиққан гаплар, суллоҳона майллар... Горбьяков худди қайт қилдирадиган дори ичган одамдек қоп-қора пахмоқ бошини силкитиб қўйди... Лекин эрталабгача ўйлаган тақдирингда ҳам шундан яхшироқ йўлини топиб бўлмасди. Ўз туйғуларини жиловлаб олиб, адоватини ичига ютишга ва наримча меҳмондўстлик намойиш этишга тўғри келади. Майли, бўкиб қолгунларича еб-ичишсин...

Горбьяков бир варақ қоғоз олиб, бу иш ўзига қанчага тушишини ҳисоблаб кўра бошлади. Унинг арзимас маошини назарда тутилса, каттагина пул сарфланар экан. Аммо у шунинг учун қайғуриб ўтирмақчи эмасди. Қўли ҳозирча қалтирамайди, кўзи аввалгидек ўткир. Эртага азондаёқ милтигини олиб, кедрзорга боради. Ҳозир кедрнинг яшил барги оч қолган карқурларни айни ўзига тортадиган пайти. Беш-олтита ўттиз қадоқли қушдан отиб келса, зиёфатга бемалол етади. Пирог учун нельма балиғини у Обь дарёсидаги балиқчилардан арзонгина сотиб олади. Тўғри, ҳозир унинг чиллаки қудаси Елифан Криворуков қўлида шиша-шиша ароқ билан уларнинг бошини айлантисин, кўзини тиндириб юрибди. Газак учун баъзи нарсалар — тузлаган карам ва бодринг, дудланган стерлядь Федот Федотовичнинг саёй-ҳаракати билан ҳовлидаги ертўлада истаганча топиларди...

3

Горбьяков ҳисоб-китобини охирига етказай деб турганида бирдан оддийгина рақамлар билан тўлдириб ташланган саҳифаларни стол устидан апил-тапил йиғиштириб олди-да, тортмага солиб қўйди. Унга дераза ортида Парабель попининг ёш хотини Глафира Савельевна-нинг таниш сумбати кўрингандек бўлди. Горбьяков, янглишмадиммикин, дераза ёнидан ўтган аёл ўшамикин, деган хаёлда тез-тез юриб, даҳлизга чиқди. Йўқ, янглишмабди. Қор уюми ўртасида босилиб очилган торгина сўқмоқдан сонларини оҳиста тебратганича дарвоза томон Глафира Савельевна яқинлашиб келмоқда эди. Унинг ранг-баранг лўлича рўмоли Горбьяковга биринчи совуқнинг заҳрини кўрган куз ўрмонини эслатди: тоғтеракнинг тўқ қизил барглари чўгдек ёниб турар, қайиннинг заъфарон япроқлари сарғайиб кўринар, қизил тол қип-қизил бўлиб товланар, рўмоннинг ҳошиясига эса рябинанинг пушти новдалари сочиб юборилгандек эди. Товонига қадар тушган узун сувсар пўстин жувоннинг самбитдай хипча қоматига ёпишиб турарди. Аёлнинг бошини хиёл тик тутиши, бундай атайлаб оҳиста юришида қандайдир тантанавор кўтаринкилик ва шу билан бирга алланечук тақдирга тан бериш бордек туюларди. Шундай қадди-қомат, шундай либос билан у шаҳарнинг гавжум кўчаларидан юрса бўлар экан. Шунда одамлар унинг саллона-саллона юриши, жағи хиёл туртиб чиққан қорамангиздан келган юзининг ҳусн-тароватига мафтун бўлиб ортидан қараб қолардилар. Зеро, бу чеҳрада пинҳоний орзу-истаклар таъсирида пайдо бўлувчи чорасизлик муҳри сифатидаги қандайдир асабий ва сирли бир ифода жилваланиб турардики, бу билан у ўзгалардан ҳамдандард бўлишини илтимос қилаётгандек туюларди. Бу ерда ким ҳам қарарди унга? Уйларнинг деразалари сукут-ла ялтираб турар, томлардаги мўрилардан устун янглиғ тутун унсиз ўрлаб чиқар, беқиёс оппоқ қор ерда партўшак янглиғ сассиз ёйилиб ётар, полизлар ортида гўё қандайдир катта фалокат олдидан жимиб қолгандек, маъюс ва сокин кедрзор унсиз қорайиб кўринади.

«Чамаси, Глашанинг яна ҳасрат қилгиси келиб қолганга ўхшайди», дея ўйлади Горбьяков ва кираверишдаги зинапояда аёлнинг қадам говушини эшитгач, ўзига бошдан-оёқ бир разм солиб чиқди-да, соқоли ҳамда оқ оралаган, ёшлигиданоқ боғламдаги сомон янглиғ кокила-кокила бўлиб, диккайиб турадиган дағал сочларини силаб қўйди.

— Салом, Федя! Салом, азизим! Агар беш-олти дақиқа суҳбатлашсам, сени ишдан қўймаймани ишқилиб?— Глафира Савельевнанинг товуши баланд ва жуда жарангдор бўлиб, таранг тортилган камоннинг ипига ўхшаб кетарди: гўё яна бир дақиқа, яна битта айтилган сўздан сўнг бу ип узиладигану қандайдир даҳшатли воқеа содир бўладигандек туюларди. Аммо товуш жаранглагандан-жаранглайверар, фақат жумланинг охиридагина у хиёл титраб кетарди.

— Салом, Глаша! Марҳамат, ечин! Ичкари кир. Мен сенинг ихтиёрингдаман.— Горбьяков Глафира Савельевнанинг пўстинини ечишга ёрдамлашиб юборди-да, сўнг унинг қўлидан ранг-баранг рўмолини олиб, миҳга осиб қўйди.

Глафира Савельевна эғнидаги рўмолига мос гулгун кашмири қўйлагини текислади-да, бошига чамбарак қилиб ўраган сочларини силаб қўйди ва Горбьяковга безовта, доим қўрқув акс этиб турадиган кўзларини тикиб, деди:

— Уйинг сув қуйгандан жимжит бўлибди-қўйибди, Федя. Булбулчанг Полянини қўшиғи тугагач, хонадонинг ҳувиллаб қолибди. Кўзларинг нега қизарган, Федя? Кулбангда ўтириб олиб, ёлғизликдан йиғламадингми, ишқилиб?

— Қўйсанг-чи, Глаша, дарров дилимни эзмоқчи бўласан-а. Поляга ачинаман, лекин юракка буюриб бўлмас экан. Севиб қолди. Кўзим эса бошқа сабадан қизарган. Негадир мазам йўқроқ, сал этим жунжикади, айниқса кечқурунлари. Марҳамат, хонага кир, эшик олдида турма. Мана бу ердан совуқ кирапти. Янги кигиз қоқиб қўйишга сира ҳафсала қилолмаяпман.

Глафира Савельевна ўша-ўша тантанавор ва оҳиста қадамлар билан хонага кирди. Горбьяков ҳам унинг ортидан ичкари кирди-да, эшикни маҳкам ёпиб қўйди. Зеро, тез орада ошпаз хотин келиб, кечки овқатни пиширишга тутиниши керак эди, Глафира Савельевна эса, афтидан, ҳасратларини айтиб, Горбьяковга ичидаги бор дарду аламни тўкиб соладиганга ва сира-сира иложи қолмаганда ишлатмоқ учун заҳар сўрайдиганга ўхшайди. Неча марталаб шундай бўлган-ку ахир...

4

Горбьяков Глафира Савельевнани таниганига, чамаси, ўн йилларча бўлган эди. Қизнинг тақдири жуда мушкул ва ачиқ бўлган экан. У Наримга ўқитувчилик қилгани келганди. Ушанда унинг ёши йигирма иккида эди. Ота-онасининг уйини қиз сира қутилмаганда тарк этди. Унинг отаси олтин қазих соҳасида бахтини синаб кўришга аҳд қилган бир чиновник эди. У қандайдир фирибгарлиги учун Мартайгадаги коннинг ўрнига тўғри қамоқхонага бориб тушди. Қанақа фирибгарлик бўлганини эса қизи аниқ билмасди. Оиланинг эски дўстларидан бири унга шундай деди: «Ҳеч кимга ишонма, Глаша. Унинг гуноҳи битта: қашшоқлик... Бойроқ рақиблар чиқиб қолди. Конни тортиб олишди, отангни эса оёқнинг остида ўралашмасин деб, авахтага тикишди. Хулоса шу: ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан».

Глаша ёшлиги туфайли ўзини ўтга-чўққа уриб, адолатни тикламоққа киришди-ю, аммо тез орада ҳафсаласи пир бўлди. Биринчи қадамларданок у тўқнаш келган ҳаёт қизга қоп-қора ўлқон бўлиб кўринди: усти сил-силлиғу, лекин чуқурроқ тушган саринг зулмат, тубсиз ва мудҳиш қуйқага дуч келар экансан.

Тўғри, отасининг азоби узоққа чўзилмади. У ичак терламаси касалига мубтало бўлиб, қамоқдаги касалхонада бандаликни бажо келтирди. Онаси шундан сўнг бор-йўғи икки ҳафтагина яшади. Глафира учирма бўлиб уялурмаган қушчадай бузилган уяда ёлғиз ўзи қолди.

Турган гап, ҳаммаёқдан маслаҳатгўйлар ёпирилиб кела бошлади. Жонгинам, ундай қилгин, азизим, бундай қилгин, дегувчилар кўпайиб кетди. Аммо тез орада маслаҳатгўйлар унга шундоқ текиндан-текинга, қуруқ раҳмат учун сабоқ бермоқчи эмасликлари маълум бўлди. Бир хил одамлар уларнинг уйдаги жиҳозларга кўз олайтиришса, бошқалар отаси билан онасининг кийим-кечагига қизиқишар, учинчи хил одамлар ўйнаш қилиб олиш дардида унинг ўзига очикдан-очик хирс билан қарашарди. Тўртинчи хил одамлар эса, ўзларини беғараз жонкуяр қилиб кўрсатишганича салкам қирқ йил давомида солиқ йиғувчи бўлиб ишлаган кекса чиновникдан банкдами ёки қимматбаҳо қоғозлардами пул-мул қолмаганикин, деган хаёлда андиша қилиб ўтирмай, отасининг столини титкилашарди. Лекин, афсус, бу суллоҳлар учун ўлжа бўлишга аргизулик нарсанинг ўзи кам топилди. Олтин соат, костюм, кумуш билан безатилган ҳасса — топилгани шу бўлди. Банда ҳам, қимматбаҳо қоғозларда ҳам ҳеч вақо йўқ экан. Аксинча, чолнинг қарзи бор экан. Мол-мулкни хатлаб, тезда сотиб юборишди, аммо бу пул лақма отаси тузган аллақандай тушунарсиз битимлар учун қарзни тўлашга камлик қилди.

Ана шундан сўнг Глафира Савельевна узоқ ва нотаниш Нарим томон жўнаб кетди. Зеро, уйда ҳамма нарса жонига тегиб, дунё кўзига қоронғи кўрина бошлаганди. Томскдаги ўқитувчилар семинариясида педагогикадан бирмунча таҳсил кўргач, у черков қавм мактабида муаллималик қилиш учун имтиҳон топширди. Топширгандаям муваффақият билан топширди. Зеро, ўзи қобилиятли, идроки яхши қиз бўлиб, боз устига, умумтаълим тайёргарлиги ҳам бошқаларга қараганда кучлироқ эди.

Ҳар қалай у гимназияни тугатганди. Гимназияда эса у вақти келиб Петербургга — Олий Бестужев қизлар курсига бориб таҳсил кўришни пинҳона орзу қилганидан жуда яхши ўқиган эди. У ҳатто, эҳтимол, аёллар озодлиги энг авжига чиққан ва қизлар дорилфунунда йигитлар билан ёнма-ён ўтирадиган Цюрих ёки Лондонга ҳам боришим мумкин, деб ўйларди.

Бироқ унинг орзулари кутилмаганда буткул барбод бўлди. Нарим уни қаҳр билан совуқ қарши олди, дарвоқе, у кўпгина бошқа одамларни ҳам шундай кутиб оларди. Мактаб учун эски, эгалари аллақачон ташлаб кетган, чирик бир уйни ажратишди. Мужиклар муаллиманинг келганидан унча хурсанд бўлишмади. Хўш, бу қиз уларга нима олиб келди? Янги ташвишлар, холос. Уларнинг эса бусиз ҳам ташвишлари бошларидан ошиб ётарди. Рост, жаҳолатда диққинафас бўлиб ўтаётган ушбу йиллардан сўнг ўзгача бир замон — саводхонлик асри келажагини тушунган икки-уч мужик баъзи ишларда унга бажонидил ёрдам қилишди: тахталардан стол ва курсилар ясашди, уйнинг бурчагидаги тешикларни беркитишди, ўтин ёришди, биринчи бўлиб бодаларини мактабга олиб келишди, жамоадан муаллима учун иссиқ кийим, идиш-товоқ, бир оз егулик йиғиб беришди...

Қиш жуда совуқ ва изғиринли келди. Қанча иситма, қанча ўтин ёқма, бари бир иссиқни сақлаб бўлмасди. Бундай кунларда — баъзан Глафира Савельевнага уларнинг адоғи йўқдек, бундай кунлар уни шафқатсиз совуқ ҳукмига бутунлай топширмоқ учун фалакнинг аллақасеридан ёпирилиб тушгандек туюларди — болалар мактабга келишмас, уйнинг ўзини эса нақ мўрқонига қадар қор босарди. Бунақа пайтда Глафира Савельевна уйдаги бор иссиқ кийимларни эгнига илиб, эшикдан ташқарига чиқишга журъат этмай печкага ёпишганича гужанак бўлиб ўтирарди. Очлик ва юпунлик ниҳоятда силласини қуритган ана шундай кунларнинг бирида, у кўмир ҳали ис чиқариб турган пайтда печь трубасини ёпиб қўйди. Бояқиш қиз ўзини исга тутиб, бу дунё

ни гарк этмоқчи бўлганди. Аммо бунақа уйда ис ҳам урмас экан. Елвизаклар исни учириб кетди, у эса лоҳас қилувчи бошоғриқ орттириб олди, холос.

Горбьяков Глафира Савельевна билан унинг ана шу оғир кунларида танишди, қиз муаллималик қилаётган қишлоқ Парабель билан Нарим ўртасидаги йўлнинг устида жойлашганди.

Бир куни Горбьяков Наримдан уйига қайтмоқда эди. Кечга яқин яна бўрон туриб, совуқ тушди. Горбьяков таваккал қилишни истамай қишлоқ оқсоқолиникида тунашга аҳд қилди. Қишлоққа муаллима келганини у илгарироқ эшитганди, шу боисдан, фурсатдан фойдаланиб у билан танишиб олмоқчи бўлди.

Горбьяков қўнжи узун пиймаси билан қорни тепкилаб, тахта билан уни икки четга кураганича эшик олдига етиб олди-да, уни аранг очиб, ичкари кирди. Глафира Савельевна куни битганини аниқ билиб ўз ҳужрасидаги совуқ печь ортида чўзилиб ётарди. Шу ётишда у вақтнинг ҳисобини йўқотиб қўйганди. Горбьяков дори-дармон ва фельдшерлик асбоблари солиғлик сумкаси қолган оқсоқолнинг уйи томон югурди. У муаллиманикига қайтиб келганида қизни ўрнидан туриб ўтирдан ҳолда кўрди. Глафира Савельевна бир ҳолатда эди. Бояқиш уч кундан буён туз тотмаганди. Бу муз босган ўлкада, тушуниб бўлмайдиган бегона одамлар орасида яшашдан кўра совуқ кулбада очликдан ўлиш афзалроқ кўриниб қолганди унга.

— Иродангиз бутунлай заифлашиб қолибди, оппоқ қиз. Сиз ўзингизга келишингиз, руҳингизни кўтаришингиз керак. Бу ерда, Наримда, фақат ҳайвонлар эмас, одамлар ҳам яшайди. Уларнинг орасида эса бу ерда эътиқодига кўра, ўз хоҳиши билан қолганлар ҳам бор. Тасаввур қилинг-а: уларнинг ҳаёти фақат ғам-ташвишдангина иборат эмас, уларнинг қувончли кунлари ҳам бор. Ҳа-ҳа, қувончлар... Ушлардан бири қаршингизда турибди.

Глафира Савельевна Горбьяковнинг гапига бўшашиб, лоқайдгина қулоқ соларди, бироқ фельдшернинг сўзларидан ҳам кўра кўпроқ унга оқсоқолнинг уйдан келтирилган ширин таомлар бир оз қувват бағишлади.

Горбьяков Глафира Савельевнанинг кайфиятини созлаб, руҳини кўтармагунига қадар қишлоқдан кетмади. Бу орада унинг талаби билан мужиклар муаллимага бир талай ўтин келтириб, турли-туман егулик йиғиб беришди. уйни босиб ётган қорни кураб ташлашди.

Бир ҳафтадан сўнг Горбьяков қишлоққа яна келди. Тузалиб қолган Глафира Савельевна Горбьяковни хижолат билан кутиб олди. Қиз унинг кўзига қарашга қўрқарди. Горбьяков ўтган воқеа ҳақида чурқ этиб оғиз очмади, панд-насихат қилиб ўтирмади. Қайтага самимият билан соддагина қилиб, яқинда бошига тушган кулфати — кўзининг оқу қораси бўлмиш қизи Полянинг етим қолгани тўғрисида, дилида ичган қасами ҳақида сўзлаб берди. У умрининг охиригача шу ерда, Наримда, хотинининг қабри ёнида яшашга, биронта ҳам иш ёки биронта ҳам сўз билан унинг хотирасини булғамасликка аҳд қилибди.

Горбьяковнинг ўзидек яхши таниш бўлмаган бир одамга бундай инонувчанлик кўрсатиши Глафира Савельевнани қаттиқ ҳаяжонга солди.

— Сиз менинг биродарим бўласиз, Федор Терентийч. Кулфатда орттирган биродарим,— дея хитоб қилди Глафира Савельевна.— Ушанда, ўлим тепамда турган пайтда сиз қилган ҳамма ишни ҳар қандай олижаноб одам ҳам қилиши мумкин эди. Лекин бошқа бир одамга дилидаги бутун сирларини маъна шундай самимият билан айтиш фақат биродарнинггина қўлидан келади.

Глафира Савельевна йиғлаб юборди, шунда унинг озгингина юзи бирдан руҳланиб, унда уқубатли тантанаворлик пайдо бўлди ва бун-

дан у жуда ёқимтой бўлиб кетди. Горбьяков ўзининг ҳам томоғига алланима тиқилиб, кўзига ёш қалқийганини сезиб қолди.

Уша учрашувдан сўнг уларнинг орасида чиндан ҳам камдан-кам учрайдиган — очик, содда, деярли ака-сингилларникидек бир муносабат пайдо бўлди. Улар бир-бирларини сенсираб гапиришга ва исмларини атаб чақиринишга келишиб олишди. Улар энди бир-бирлари тўғрисида деярли ҳамма нарсани билишарди. Ҳа, Нарим яширин большевиклар комитетининг аъзоси, унинг алоқачиси сифатида, Нарим қишлоқларидан то Россия давлатининг пойтахти — Петроградга ва рус инқилобчи-большевиклари вақтинча яшаб турган кўпгина хорижий шаҳарларга қадар чўзилиб кетган партиявий алоқани қўлида тутиб турувчи Федор Терентьевич Горбьяковнинг буюк сирини ҳисобга олмаганда, албатта.

Очигини айтганда, Глафира Савельевна билан бундай самимий муносабат ўрнатган Горбьяков бир неча бор, уни ҳам партиявий инқилобий фикр ва ҳаракат манбаларига жалб этсаммикин, деган хаёлга ҳам борганди. Ахир қиз ижтимоий адолатсизликдан қаттиқ азият чеккан эди-да. У мазлумларнинг фикр ва туйғуларини жуда яхши тушунарди. Унга яъни Горбьяковга эса Нарим билан Парабель ўртасидаги йўлда яширин комитетнинг қарори билан қамоқдан қочган у ёки бу ўртоққа бошпана бера оладиган, уни хавф-хатардан қутқаришга қодир бўлган одам етишмай турганди.

Худди шу сабабга кўра, ора-сира Глафира Савельевнани кўргани келганида Горбьяков ҳар гал унда ижтимоий ҳаётга қизиқиш уйғотмоқчи бўлар, фронтдаги воқеалар, аскарларнинг кайфияти тўғрисида ҳикоя қилар, чор ҳукуматининг майдакашлиги, унинг мактаб ва касалхоналар учун арзимас маблағ ажратаётганини танқид қилиб оғзига келганини қайтармай гапираверарди. Ана шунда баъзан Глафира Савельевнанинг кўзлари қандай чақнаб кетиши, унинг фикрларини бажонидил қўллаб-қувватлашини кўриб, Горбьяков гарчи аста-секин бўлса-да, лекин мўлжалга аниқ яқинлашаётгандек бўларди: Глафира Савельевна бора-бора онгли равишда инқилобий курашга қўшиладигандек кўринарди.

Бироқ Горбьяков қанчалик янглишаётганини билганида эди! Узининг Глафира Савельевна ёнида пайдо бўлиши қизнинг қалбида мутлақо бошқача туйғу ва хаёллар туғдираётганини Горбьяков ҳатто тасаввур ҳам қила олмасди. Унинг аҳён-аҳёнда бирров келиб кетиши қизнинг онгида кундан-кун қаттиқроқ эзаётган ёлғизлигини янада бўрттириброқ кўрсатарди. Ҳар гал у жўнаб кетгач, Глафира Савельевнанинг кўз ўнгида, қаерга қадам қўймасин, қаҳри қаттиқ ҳаётнинг ҳар томонлама берадиган зарбалари олдида ўзининг нақадар ожиз эканлиги ёрқин намоён бўлар ва буни ўйлаб унинг юраги баттар эзиларди.

Қизнинг қалбида Горбьяков яна бир ҳиссиёт уйғотган эдики, бу ҳали хотин ва она бўлиб улгурмаган, лекин табиатнинг бу даъватини бажо келтирмоққа жуда ҳам ошиқаётган аёлнинг туйғулари эди. Глафира Савельевна унга нисбатан бор вужуди билан аёл сифатида интилаётгани ва сир бой бериб қўйишдан ўзини аранг тийиб турганини Горбьяков ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Горбьяков — бу ақлли ва зукко одам яна муҳим бир нарсани — Глафира Савельевнага ёлғиз ўзигина эътибор бермай, балки уни, агар ибора жоиз бўлса, нариги соҳил одамлари ҳам кўз остига олиб қўйганларидан беҳабар эди.

Улуғ рўза кунлари Глафира Савельевна яшайдиган қишлоққа Наримдан ёнида дьячок¹ билан бир руҳоний келди. Улар мактаб ўқувчиларини муқаддас причастиега жалб эта туриб, камгап, лекин ўз

¹ Дьячок — православ чerkовида унвонга эга бўлмаган руҳоний. (Тарж.)

қадр-қимматини яхши билиши сезилиб турган муаллимага эътибор бермай иложлари йўқ эди. Айниқса дьячок Вонифатий унга илтифот кўрсатди. У ўрта ёшлардаги бир одам бўлиб, қулоғи оғирроқ эди ва ожиз кўзлари билан ёруғликка шинграйиб қарарди. Лекин ҳар қандай ҳаётда маълум бир мавқега эришган сўққабош одам сифатида у ўзини турмуш тўлқинларида анча дадил ҳис этарди.

Ҳаёт оқими, унинг дарё ва жилғалари шу қадар хилма-хилки, унинг қачон, қаерда ва нима сабабдан кутилмаганда буралиб кетиши ва тўлқинланишини ҳеч ким олдиндан айтиб бера олмайди. Бу ўринда ҳам худди шундай бўлди. Наримлик дьячок Вонифатий олдида бирдан дьякон¹ унвонига эга бўлиш имконияти туғилиб қолди. Энди у тезроқ уйланиши керак эди, зеро, мавжуд қонунларга биноан, сўққабош руҳонийларга бундай унвон берилмасди.

Вонифатий узоқ бош қотириб ўтирмади. Наримдан Глафира Савельевнанинг олдигача учқур отлар икки соатда етказиб қўйди. Вонифатий ўз маҳбубасини қаттиқ саросимага солиб қўйди. Глафира Савельевна қишлоқ ортига, ўрмонга қочиб кетди ва ўша ерда совуқ ва бепарво осмонга тикилиб, юм-юм йиғлаганича не-не азоблар билан келажақ ҳаётини ҳал қилди. Вонифатий юмшоқроқ қилиб айтганда, анча ёқимсиз одам эди — лекин, бу ҳақида эса вужудида титроқ турмасдан ўйлаб бўлмасди — дарҳол бир ҳафтадан кейинроқ қизнинг очюпун ҳаётига чек қўйилади ва унинг олдида тақдирнинг зарбаларини бартараф этадиган қалқон пайдо бўлади. Ушбу қисса Русия учун янгилик бўлмай, деярли азал-азаллардан давом этиб келарди, лекин бундан кимнинг оғири енгил бўлибди дейсиз?

Вонифатийнинг эса омади келди. У дьяконликда узоқ йиллар ўтириб қолмади. Парабель руҳонийсининг тўсатдан қазо қилгани муносабати билан Вонифатий қавмга эга бўлиб олди.

Баҳор кунларининг бирида, айна тошқин пайти Парабель ирмоғига кўч-кўрон ортилган ва одамлар тушган қатта бир қайиқ кириб келди. Тақсир Вонифатий билан онахон Парабелга шу зайлда кўчиб келишганди. Горбьяков Глафира Савельевнанинг ўзи ниҳоятда нафратланадиган бегона дунёга қочиб ўтганидан хабар топганига анча бўлганди ва ростини айтганда, шу туфайли азоб чекиб ўтирмоқчи эмасди. Ўз тасавурларининг нотўғри чиққани унга алам қиларди албатта. Лекин кўп нарсаларни парво қилмай унутиб юборгани каби, бу ҳам ўтиб кетади. Бироқ, жин урсин, Горбьяковни бир нарса безовта қилмоқда эди: ахир у бу ерда кўзга кўринган одам, бунинг устига, тожу тахтининг содиқ фуқароси қилиб кўрсатади ўзини. Шундай экан, у янги тақсирни бориб кўрмаслиги, унинг қавми деярли бутун бўлисни эгаллаган авлиё Михаил ибодатхонасига нозир этиб тайинланган ана шу муҳим пайтда бориб табрикламаслиги мумкин эмас. Агар Горбьяков шундай қилмаса, дарҳол номатлуб мишмишлар тарқалади, обрў-эъгиборига путур етади. Қайфияти бузилган Горбьяков хонада уёқдан-буёққа юрганича аҳволни ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўра бошлади. Лекин у бекорга бундай безовта бўлаётган эди.

Наримдан келган қатта қайиқ Парабель соҳилида тўхтаган кунинёқ ибодатхона ошпазининг хотини Горбьяковга Глафира Савельевнадан бир парча мактуб олиб келди. Глафира Савельевна хатида Горбьяковдан дарҳол, шу бугуннинг ўзидаёқ келиб кўришга рухсат сўраганди.

— Ҳай, майли, агар онахонимизнинг товлари қочган бўлса, у кишига бориб айт, Ульяна хола, ҳозирнинг ўзидаёқ кела қолсин,— деди Горбьяков аёлга, фельдшернинг олдига, боз устига, унинг ўз ижозати

¹ Дьякон — православ ва католик динида сўфилик мартабаси. (Тар ж.).

билан истаган одамнинг келавериши мумкинлиги ва бу нарса қишлоқда ҳеч қандай ножўя гапга сабаб бўлмаслигини аниқ билган ҳолда.

Глафира Савельевна гўё унинг жавобини нариги муюлишда эшитиб тургандек экан. У дарҳол етиб келди. Аёл Горбьяковнинг хонасига отилиб кирди-да, бир оғиз ҳам сўз айтмай, унинг олдида тиз чўқди, ва ҳўнграб йиғлаганича энтिका-энтика деди:

— Мени ур, Федя, қабиҳ ва разил хоинлигим учун, олижаноб орзу-истакларга хиёнат қилганим учун мени қаттиқроқ ур. О, сотқинлар, о, қасамхўрлар... Дунёда улардан ҳам разилроқ одамлар бормикан ўзи. Урақол, Федя! Ургин-да, кейин кечир. Ҳаётдан чўчидим, курашдан қўрқдим... Айт, сен нафратланяпсанми мендан? Нафратланяпсанми?

«Жазаваси тутибди... асаби ярамас экан... яхшиямки, уни яширин ишга жалб этмаганим... Мушқул аҳволга тушиб қолган пайтда сотиб қўйиши, бутун ташкилотни ҳалок қилиши мумкин эди», дея ўйларди Горбьяков Глафира Савельевнанинг асабий овозига қулоқ солар экан.

— Тур ўрнингдан, Глаша ва манови ерга ўтир,— деди қатъият билан Горбьяков. Шу тобда у қандай йўл тутса аёлни ўзига қарши қилиб қўймаслиги ҳамда шу билан бирга ўзининг инқилоб ва партия учун олиб бораётган махфий ишини қай йўсинда хатардан холи этиш тўғрисида ўйларди.

Глафира Савельевна атир сепилган батист рўмолчаси билан юзини беркитиб ҳамон пиқиллаб йиғлаганича стулга ўтирди.

— Мен сенга, Глаша, бир нарсани айтиб қўяй: ҳар бир одам қандай истаса, шундай яшайди. Курашни истаган одам кураш қизиган майдонни топади. Осойишталикни истаган одам осойишталикка эришади. Сен виждонинг буюрган ишни қилгансан.

— Виждонинг буюрган иш дейсанми? Агар ўша виждон менга кечасию кундузи азоб бераётган бўлса-чи! Нима қилай, Федя?! Нима қилай? — Глафира Савельевна қўлларини чалмаштириб боши узра кўгарди.

Горбьяков жавоб беришга шошилмади.

— Нима қилишинг кераклигини сўраяпсанми? — деди у ниҳоят узоқ сукут сақлаб тургач.— Яшашинг керак, Глаша, яшайверишинг ва одамгарчилик қилишинг керак. Одамгарчиликни эса ҳар қандай аҳволда ҳам қилаверса бўлади. Жумладан, сенинг аҳволингда ҳам. Ахир сенинг атрофингдагилар ҳам одамлар-ку! Улар ёрдамга муҳтож эмас, деб ўйлайсанми? Ўзинг ҳам кўп алам тортгансан, кўзёш тўккансан ва ҳаёт сени абгор қилган, кулфат қаддингни буккан пайтда ўзга бир одамнинг ҳамдари бўлиши нақадар қимматли эканини биласан...

Горбьяков сўзида давом этиб, Глафира Савельевнага қараб-қараб қўяр экан, жувоннинг юзи аста-секин ёришиб, кўзлари жонланаётгани ва нафас ростланаётганини кўрди. У аёлнинг онгида абадулабадга ўзининг қалбида нурланиб турган христианларча инсонпарварлик ва шундай бир ақлий хушбичимлик ўрнашиб қолсин учун тинмай сўзларди. Ахир у Глафира Савельевна билан қурган аввалги суҳбатларидики кўплаб шундай фикрлар баён қилган эдики, бу фикрлар унинг ижтимоий орзу-хаёллари қандай эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб қўйганди: унинг инқилобчи эканлиги, қўлида белкурак билан эски дунёга тинмай гўр қазийётгани аён бўлиб қолганди. Энди бўлса ўз фикр-мулоҳазаларини бирмунча бетараф қилиб кўрсатмоқ, уларни шунчаки мазлумларга ҳамдарилик шаклига киритиб, мавҳумлаштирмоқ лозим бўларди. Лекин шу билан бирга аёлнинг ихлосини қайтармаслик, унинг самимий илтифотидан маҳрум бўлмаслик ҳам керак эди. Ҳар қалай, у билан дўст бўлиб, тинч-тотув яшаса, тўғридан-тўғри ёрдамга бўлмаса-да, баъзи ишларда билвосита кўмагига умид қилса бўларди. Ҳатто

попнинг уйида нималар бўлаётгани, бепоён ўлканинг турли жойларидан қандай хабарлар оқиб келаётганини билиб туришнинг ўзи ҳам зарар қилмасди!

— Биласанми, Глаша, сўққабошликдан қутулганингдан, энди иссиққина, фаровон ҳаёт кечираётганингдан хурсандман. Асабларингни эса даволаймиз. Мен сенга валерьян илдизи, красавка, марваридгулдан тайёрланган микстура бераман. Албатта ич. Жуда ёрдами тегади...

Горбьяков шкафдан дори солинган шишача олиб, Глафира Савельевнага узатди.

— Сен менинг фариштамсан, Федя.— аёл ўрнидан сакраб туриб, Горбьяковнинг қаттиқ соқол ўсган ва тамаки ҳиди ўрнашиб қолган юзидан ўпди-да, меҳмонга таклиф қила бошлади.

— Албатта бор, тортиниб ўтирма... Вонифатий ўзи поп бўлсаям, лекин авлиё эмас, ичишни, кўнгил очишни яхши кўради. Менинг бўлса-ку, бошим осмонга етади! Сен деразамдаги ягона нурсан бу ерда...

5

Глафира Савельевна Горбьяковникига биринчи бор келган ўша кундан буён анча вақт ўтди. Бу орада жувон тўқ ва бемаъни ҳаётдан зорланиб уникага кўп марта келиб кетди. Аммо қаттиқ пушаймон бўлиш, сиқилиш, Вонифатийни баъзан жоҳил ва лақма қавм устидан кувувчи чакана муттаҳам сифатида фош этиш, ўзининг «ренегатлигидан» чексиз нафратланиш унинг сершовқин базму жамшидлар уюштириб туришига ҳалал бермасди. Одатда егулик дегани мўл-кўл бўлиб, турли-туман ичимликлар қўйиладиган бундай йиғинларга наримлик боёнлар, полиция амалдорлари таклиф қилинар ва унда гитара чалиб, лўлича романслар ҳамда анчайин исёнкор мазмундаги қўшиқлар айтиларди. Глафира Савельевнанинг ҳаётида содир бўлаётган воқеалардан Горбьяков биринчи бўлиб хабар топарди. Баъзан ёш онахоннинг соддадиллиги Горбьяковни ноқулай аҳволга солиб қўяр ва у ўз саросимасини сохта хотиржамлик билан яширарди-ю, аммо ўз ҳаракатларини хаспўшлаш учун ана шу ўзаро муносабатдек қулай ниқобдан маҳрум бўлишни истамасди.

Тақсир Вонифатий хотинининг ана шу камгап, кўринишидан анча одамови фельдшер олдида сажда қилишини биларди, лекин у негадир Горбьяковнинг ҳалоллигига шубҳаланмас ва севикли Глашасини унга рашк қилмасдигина эмас, балки Федор Терентьевич бир-икки соатга уйига меҳмон бўлиб келганида боши осмонга етарди. Бунинг сабабини тушуниш турмуш тажрибаси бўлган одам учун жуда осон эди. Глафира Савельевнадек тутуриқсиз ва ҳовлиқма бир одам билан бир уйда яшаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермасди. Шу боисдан ҳам поп эски донишмандликка амал қилиб, бола нима билан овунса овунсини, ишқилиб йиғламаса бўлгани, қабалида мулоҳаза юритарди...

...Горбьяков бу гал ўз тахминидан адашган экан: Глафира Савельевна унинг олдида гуноҳларига иқрор бўлмоқчи эмасди. Иш анча пачавароқ экан.

— Мен сенга, Федя, нохуш хабар олиб келдим.

«Наҳот Акимовнинг қочишига доир бирор гапни сезиб қолишган бўлса?» — дея қаттиқ сергак тортиб хаёлидан ўтказди Горбьяков.

— Хўш, Глаша, мени нима билан ҳайратга солмоқчисан? — ҳаяжонини яшириш учун илжайиб сўради Горбьяков безовта кўзларини Глафира Савельевнадан пана қилишга уринар экан.

— Вонифатий голешчихинолик бир хотинни айбига иқрор қилибди,— деди Глафира Савельевна.— Майда-чуйда гапларни гапириб берибди. Кейин Вонифатий нимани сўрамасин, жавобан нуқул: «Гуноҳ-

корман, тақсирим, гуноҳкорман», дермиш. «Хўш,— дея сўрабди Вонифатий,— ёлғон гапирмаганмидинг?» «Гапиргандим, тақсирим,— дермиш,— гапиргандим». Шундан кейин овозини ўчириб қўя қолсаям бўларди тентак. Йўқ, тафсилотларни айта бошлабди... «Урядник наримлик қочоқ ҳақида сўраб-суриштирганида дермиш,— унга ёлғон гапиргандим. Кейин яна бир марта кўрдим: бадарға Федот Безматерних уни Катта Нестеровнинг ортидаги кедрзорга бошлаб кетди. Икковиям,— дермиш,— оёғига чанғи илиб, елкасига милтиқ осиб олган».

Глафира Савельевна лабларини дастрўмоли билан артганича қандайдир сохта йўтала бошлади. Горбьяковга аёл бўлган воқеа ҳақида ўйлаб кўришга имкон бермоқ учун жўрттага шундай қилаётгандек туюлди.

— Хўш, хўш, Глаша! Уёғи нима бўлди? — дея қувноқ оҳангда сўради Горбьяков трубкасини тутатиб, хонада уёқдан-буёққа юрар экан.

— Буёғини энди ўзинг тасаввур қилишинг мумкин, Федя: Вонифатий уйга қайтиб келгач, мен билан маслаҳатлаша бошлади, албатта: урядникка бориб айтсамикин? Эҳтимол, ўша хотин бекорга валдирамагандир. Балким уни текшириб кўришмоқчидир? Бу ерда, Наримда, жандармериянинг ҳар бир қишлоқда бештадан хуфияси бор, дейди.

— Бу ўринда Вонифатий Гаврилич ҳақ, мутлақо ҳақ. Хуфиялар чинданам кўп. Лекин ўша хотиндан бекорга шубҳаланибди. Уни шунга ишонтир, Глаша. Гуноҳига иқрор бўла туриб, жазава устида валдираган у. Довдир кимсаларда тез-тез учраб туради бундай ҳолат. Федот Федотич билан оёғимга чанғи илиб мен боргандим. Катта Нестерово ортидаги кедрзорда қур овлаган эдик. Гапини қара-я: қочоқмишман!

— Ана, кўрдингми! — дея хитоб қилди Глафира Савельевна, лекин унинг кўзларидан Горбьяков аёл ўзининг гапларига унчалик ишонмаётганини тушунди.— Лекин бари бир, бу гапни сенга айтиб қўйишга аҳд қилдим, Федя. Агар қочоқ чинданам сенинг назоратингда бўлса, ўзингни эҳтиёт қил,— дея давом этди Глафира Савельевна жарангдор овозини пасайтириб.

— Раҳмат сенга, Глаша, лекин сенга рост айтяпман: қочоқларга ҳеч қандай алоқам йўқ. Ахир ўзинг биласан, ишим бусиз ҳам бошимдан ошиб ётибди, сургундагилар эса деярли ҳар куни қочишади. Куздаги ўша қочоқ эса аллақачон биронта шаҳарга етиб олган бўлса керак. Наҳотки, у шу пайтга қадар Парабель ёнида яшириниб юрса?! — Горбьяков эпчиллик билан ботинкасининг пошнасида айланди-да, бармоқларини қарсиллатиб қўйди ва гап оҳангини ўзгартириб, деди: — Ҳе, жин урсин уларнинг ҳаммасини, Глаша, қочоғиниям, полициячисиниям! Яхшиси ўзингдан гапир, аҳволинг қалай? Негадир анчадан бери келмай қўйдинг?

— Вонифатийнинг туғилган кунига ҳозирлик кўряпман, Федя. Уни эйтиборингдан четда қолдирмассан, ишқилиб?

— Нималар деяпсан, наҳот шундай қилсам! Агар сир бўлмаса, меҳмондорчилик қачон бўлади?

— Якшанба куни. Пешин соат иккида. Эсингдан чиқарма. Агар унутсанг, эслатиб қўяман. Билиб қўй. Сенсиз дастурхон ёнига ўтирмаймиз.

— Меҳмонлар кўп бўладими, Глаша?

— Катта меҳмонларни кутяпмиз, Федя. Гарчи бу ҳали сир бўлса-да, жуда ҳаяжонланяпмиз, айниқса, Вонифатий. Архиерей келаётганмиш бизлар томонга. Одамларнинг айтишича, у ёлғиз ўзи юрмас экан. У билан бирга исправник ҳам келаётган эмиш. Ушани ҳам таклиф қилишга тўғри келади. Вонифатийга Қолпашеводан хабар келди.

— Ҳаяжонланасан да, албатта! — дея хитоб қилди Горбьяков ва

бир оз сукут қилиб тургач, давом этди:— Яхши, Глаша, ҳаракатингни қилавер, мўътабар меҳмонлар олдида уялиб қолма. Очигини айтганда, мен ҳам бундай ҳурматли зотлар билан ҳеч қачон бирга ўтирган эмасман. Айтганинг яхши бўлди. Акс ҳолда, ўзимизники деб, оёғимга пийма, эгнимга калта пўстин кийиб бораверардим. Буёғиниям назарда тутамиз энди.

— Ошириб юборяпсан, Федя! Бир вақтлар отамнинг уйида бунақа меҳмонларни кўп кўрганман. Адабимни еганман роса. Ичиб олиб, хиралик қилишарди.

— Унда сен ҳимоясиз бир қиз эдинг, энди бўлса, ҳурматли зотнинг хотини, бунинг устига онахонсан.

Глафира Савельевна ўрнидан сапчиб туриб; қўлларини силкита кетди, кўзлари шўх чақнади.

— Юрагимни ўртама, Федя, ярамга туз сепма!

Горбяков бошини гуноҳқор одамдек қуйи солганича жимиб қолди: чамаси, у бехосдан жувоннинг қалбидаги нозик торларни чертиб қўйган эди. Глафира Савельевна уйи томон шошилди. Горбяков унинг кийинишига ёрдамлашиб юборди-да, сўнгра эшикка қадар кузатиб чиқди ва хайрлаша туриб, унга эзгу тилаклар билдирди. Жувон орқасига ўгирилиб эслатди:

— Якшанба куни албатта боргин, Федя.

6

Глафира Савельевна қор уюмлари ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлган заҳоти Горбяков калта пўстини, қалпоғи ва қўлқопини кийди-да, ҳовлига чиқди. У ерда, омбордаги ўтинлар орасида ичи говак қилиб ўйилган ғўла ётарди. У анчадан буён ўз вақт-соатини кутарди. Ниҳоят ўша фурсат ҳам келди.

...Роса оғир кун бўлди-да ўзиям! Аввал урядник билан тўқнашув, кейин попнинг хотини келтирган манови нохуш хабар. Горбяков неча йиллардан буён қил устида юради-ю, лекин бундай хавфли вазият биринчи марта содир бўлиши. Эҳтимол, албатта бу хавф-хатар ўз-ўзидан ўтиб кетар, аммо у қўл қовуштириб ўтирмайди. Душманлар унинг яшин иши ҳақида аниқ далилу исботларни қўлга киритмасларидан олдин ўзини ҳар хил хатарлардан холи қилиб қўймоғи керак. Биринчи навбатда ҳужжатларни яширмоқ лозим.

Горбяков авайлаб дори шишадан қоғозларни оларди-да, уларни букилган тиззаси устига қўйиб, текислаб ва апил-тапил ўқиб чиққач, қайин ғўладаги говакка сиғадиган даражада найча қилиб ўрарди.

Мана у ўқувчилар дафтарини очди-да, кўк сиёҳ билан ноаниқ қилиб битилган мисраларга кўз югуртириб чиқди. Бу Нарим большевиклари партия комитетининг протоколи эди. Ўша конференцияда меньшевиклар ҳам, эсерлар ҳам, кадетлар ҳам роса адабларини ейишганди. Уларнинг шериклари — турли тусдаги оппортунистлар ҳам унутилмаганди. Горбяков мийиғида кулиб қўйди. У ўша машҳур мажлиснинг баъзи тафсилотларини эслаганди. У икки кун давомида ўтиб, аввалига қишлоқнинг четидаги сойликда боғ сайли сифатида, кейин эса бир касал ўртоқнинг уйида давом этганди. Нутқлар сўзланар экан, Горбяков эгнида оқ халат, қўлида стетоскоп билан исталган пайтда зарбани ўзига қабул қилишга тайёр бўлиб ўтирди. Тўғри, ертўла орқали эҳтиёт йўл ҳам тайёрлаб қўйилганди. Лекин ҳаммаси яхши бўлди. Полиция амалдорлари ҳам, уларнинг хуфиялари ҳам, большевикларнинг бошқа партиядаги ғоявий мухолифлари ҳам бўлиб ўтган бу мажлисдан беҳабар қолишди. У эса жуда муҳим эди. Фақат Горбяковгина эмас, балки барча иштирокчилар бу мажлисдан ҳаётнинг энг муҳим масалалари —

уруш, тинчлик, революция ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб тарқалишди. Нарим қанчалик йироқ бўлмасин, лекин Прага партия конференцияси, Марказий Комитетининг партия ходимлари билан Краков ва Поронинода ўтказган йиғилишлари тўғрисидаги аниқ хабарлар бу ерга ҳам етиб келмоқда эди.

Дафтарни ғовакка жойлагач, Горбьяков иккинчисини очиб, кўздан кечира бошлади. О, бу дафтарча учун ҳозирги маъмурлар жуда катта пул беришлари мумкин: унда Нарим большевиклари алоқа қилиб турган партия комитетлари ва учрашув жойларининг адреслари ёзилган эди. Гарчи дорихона сифатида кўрсатилган бўлса-да, барча адреслар очиқдан-очиқ ёзилганди. Агар бу дафтарча душманлар қўлига тушиб қолса борми, улар ўзларининг инқилобга қарши ёвузликлари учун жуда кўп нарсаларни билиб олишлари мумкин эди.

Қоғозларнинг ҳаммаси жойланиб бўлгач, Горбьяков ғовакнинг қопқоғини зич қилиб ёпди. Ғўланинг четидаги қаттиқ пўстлоқ — қопқоқ зиҳини беркитиб қўйди. Шундан сўнг ғўла бошқа ғўлалардан фарқ қилмай қолди. Бундай ғўлалар ҳар бир хонадонда истаганча топиларди.

Печка ёнидаги токчада фонус бор эди. Горбьяков уни ёқиб, калта пўстини билан қалпоғини кийди-да, ғўлани олиш учун кабинетига қайтиб кирди. У ғўлани қўлтиғига қистириб, липиллаб ёнаётган фонусни пўстинининг этаги билан пана қилганича ҳовлига чиқди. Горбьяковнинг ҳовлиси Нарим ўлкасидаги барча ҳовлилар каби тепасига ходалардан соябон қилиниб, устига сомон ёпиғлик тахта девор билан ўралганди. Бироқ ҳовлини томорқа билан туташтириб турган эшик очиқ турарди ва ундан, худди мўридан ўтгандек, ҳуштак чалиб қор қуюни отилиб чиқмоқда эди. Шамол Горбьяковнинг кўксига урилиб, юзига игна янглиғ қор зарраларини қадади. Горбьяков юзини пўстинининг ёқаси билан пана қилиб, зим-зиё қоронғиликда пайпасланганича бир амаллаб Омборга етиб олди. Омборнинг ичида, йўғон ходалардан қурилган девор ортида шамолдан қўрқмаса ҳам бўларди. Горбьяков фонусни саржини устига жойлаштирди-да, ғўлани ерга қўйди. Сўнгра болта билан бурчакдаги қипиқ ва майда пайраҳаларни бир четга суриб, ғўла ўз вақт-соатини кутиб ётган ўша эски жойни тозалади ва ғўлани у ерга қўйиб, яна болта билан унинг устига қипиқни суриб қўйди. Ғира-шира қоронғиликда уёқ-буёққа қараб олгач, Горбьяков ўша бурчакка яна беш-олтита серкўз палённи ҳам ташлади ва фонусни ўчириб, уйга қайтди.

Горбьяков пиллапоядан кўтарилиб, эшик олдида тўхтади. Қорбўрон тинимсиз ув тортар, инграр, йиғлаб ҳуштак чаларди. Аллақаерда, йироқ-йироқда, Парабелнинг нариги четида итлар қутуриб акилларди. «Чамаси, ҳовлилар олдида бўрилар айланиб юрган бўлса керак», дея хаёлидан ўтказди Горбьяков.

У даҳлиздаги эшикни тамбалади-да, уйга кириб, аввал хонадаги, сўнгра ўз хонасидаги чироқни ўчирди ва аъзойи бадани иссиққа интилаётганини ҳис этганича печка устига чиқиб чўзилди. «Ўзингни чоллар қаторига анча эрта қўшиб қўяяпсан, оғайни. Федот Федотич ўз жойини бериб қўядиган анойилардан эмас. Бу ер, печнинг усти жаннат-ку ахир. Бунақа иссиқда жонинг роҳатланиб, дилинг ором олади», дея ўйларди у илжайиб ўзи ҳақида.

Жуманиёз Жабборов

Муҳаббат Наққоши

ДОСТОН

К

1

адимий Бухоро. Рангин пештоқлар,
Музайян саройлар, гумбазу равоқ.
Самодан ранг олган неча бир қаср
Ярқиллар қуёшнинг олтин селида.
Устма-уст қалашган кўрксиз лойдевор,
Жин кўча, тош ҳовли, хароб кулбалар —
Узра юксак қалқиб бир даста минор,
Инсон санъатини этар намоиш.

Шаҳар четидаги оддий тош ҳовли.
Минглар қисматининг ҳамдами бўлиб,
Бу ерда яшайди Аҳмад Бухорий,
Бу ерни манзилгоҳ тутгандир устод.
Аҳмад Бухорийни ким танимас, ким?
Оппоқ соқоллари кўксин тўлдирган,
Донишманд чеҳрада тарих мужассам,
Шогирдлар оламин фахри бўлган зот.

Бунёдий тафаккур завқига тўлиб,
Рангларга кўчириб, қалб сеҳри, ҳоврин,
Ҳовли ташқисиди бир ҳужра ичра
Зайниддин ишларди, муносиб шогирд.
Устод кириб келди шогирд ёнига,
Фикрини ром этди ранглар жилваси,
Тошларга мунаққаш ажиб лавҳалар,
Уйқусиз тунларнинг маҳсули — ижод.
Устоднинг ёнида яна бир шогирд —
Самандбек бор эди, талай йилларни
Шу санъатга тиккан, кеча-кундузлар
Машаққатли касбдан шон кутган йигит.

Б у х о р и й

Баракалло, ўғил, неча фурсатки,
Тунларни тонларга улайсен бедор,
Ниҳоят мақсадга дарча очибсен,
Нақшингда мангулик барқ уриб турар.

З а й н и д д и н

Ташаккур, бу рағбат сўзингизни мен
Яхши бир орзудек тўғри англарман.

Б у х о р и й

Ранглар нисбатида тенгсиз жозоба,
Чизгиларда сирли олам суварати!
Улуғвор пештоққа кўчган ҳамоно
Ақлларни тамом лол этмоғи рост.
Бунда маҳобат бор даҳоларга хос.
Шундайми, Самандбек?

С а м а н д б е к

Алҳол рост, устод.

Бу тансиқ бир хаёл, олижаноб ҳис,
Тафаккур мавжланур ҳар қиррасида,
Абадийлик муҳри аёнди яққол,
Тасанно, азизим.

З а й н и д д и н

Раҳмат, Самандбек.

Сизга муболаға бўлса бас ўзи.

Б у х о р и й

Санъат оламида азалдан-охир
Шундай бир қоида мавжуддир мутлақ.
Бировким, қалбининг ганжинасини
Тортиқ қилар экан инсониятга,
Яъни китобатда, фунунда, шеърда,
Заргарлик, меъморлик, сангтарошлик ё,
Қайси бир ҳунарнинг илгин тутмасин,
Унга ўзлигини сингдирар аввал.
Бу — унинг қонида гупурган оташ,
Жисмида ғалаён этган эҳтирос.
Сўнг, у олам ичра сочилиб ётган,
Зардек зарра-зарра тарқалган жамий
Гўзалликни битта нуқтага тўплаб,
Талқин айлаяжак хос бир ғояни.
Токим у келажак неча авлодга
Ҳикоятлар қилсин эзгу ниятдан.
Абадият деган мана шул ўзи,
Уни истак билан олиб бўлмайди.

З а й н и д д и н

Мана бу гулларнинг ушбу тархида
Мутаносиб ҳолат етишмас, устод.
Кўнглимни тўлдирмай ғалат бир чизги,
Андак безовтаю ғаш этаётир.

Б у х о р и й

Бали, ўз-ўзидан норизолик — бу
Ҳамиша изланиш, тинимсиз шуур

Тақозо этгувчи ноёб фазилат.
 Фақат нодонгина ўз ихтиросин
 Кўкка кўтаргайдир бенуқсон дея.
 Мана бу шаклнинг устида бир оз
 Бош қотирмоқ керак, ўғлим Зайниддин.

С а м а н д б е к

Фикри ожизимча, анов гул тархи,
 Хусусан, мана бу суврат ва шакл
 Бир-бирин тамоман инкор этмоқда,
 Бунда сохталик бор, меъёр бузилган.
 Бунда соя билан нур нисбати ғўр.

Б у х о р и й

Нечун? Қайси шакл ва қайси суврат?
 Исбот талаб қилур ҳар қандай даъво.

С а м а н д б е к

Ҳозир ўзингиз ҳам айтдингиз, устод,
 Фикрингизни такрор этдим мен, холос.

Б у х о р и й

Мен ёлғиз бир чизги камолин ўйлаб,
 Уни қиёмига етказ, дедим, то —
 Мукамаллик унда гуркираб турсин.
 Хайр, ишлагайсан яна бир муддат.
 Ҳозирча тушликка марҳабо, дўстлар,
 Қани, ичкарига — бир пиёла чой!

Самандбек титрарди. Ҳамиша гап шу.
 Зайниддинга барча мақтов муҳайё.
 Неча йилки, ялаб бу остонани,
 Бир оғиз яхши сўз даригдир ундан.
 Бунга ортиқ чидаб бўлмайдди сира.
 Нуқсонга мисолдир унинг машқлари,
 Етукка — Зайниддин ишидир тимсол.
 Бунда ноҳақлик бор, адоват, ғазаб,
 Устод адолатни унутган тамом.
 Йўқ! Тоқат тоқ энди, тоқай йўлимда
 Зайниддин бўлғуси ўтиб бўлмас ғов!..

Эшиклардан бири очилиб қийғоч,
 Ташқида кўринди ажиб бир гўзал,
 Зулфизар — устоднинг ёлғиз фарзанди.
 Зайниддин санъатин кўздан кечирмоқ
 Севимли одатдир бу дилбар қизга.
 Гулларда мужассам олам чиройи,
 Пайваста чекилган беқиёс ранглар
 Қизнинг вужудида қўзғарди тугён.
 Кўзига сураркан гулгун нақшларни,
 Билмоқ истар эди улар асрорин.
 Қаердан йигитнинг бегард кўнглида
 Чаманларнинг шўхчан оловланиши.
 Қизилида ял-ял ёнади шафақ,
 Сарикда — саҳронинг минг йиллик оҳи.
 Кўкида — самонинг баҳорий ранги.

Тасаввурнинг бундоқ кўрки олдида
 Энтикиб боқарди дилрабо санам.
 Мана, дугоналар — қўшни қизлар ҳам
 Бир-бир чиқийдилар, ҳар кунги одат.
 Уларнинг маҳлиё қарашларида
 Нақшлар гулхани акс этар ёрқин.
 Таажжуб! Табиат бағрида пинҳон
 Бунчалар мўъжиза, бунча жозиба
 Қандай сеҳр билан нақшларга кўчди,
 Бундан табиатнинг ўзи, балки, лол

Ешлик-да, кулгию ҳазил юксалар,
 Қизлар оламига хос барча хислат
 Ярқ этиб товланар бир неча лаҳза,
 Гўё Зулфизарни қутлашар дилдан.
 Зулфизар бокира бир ибодат,
 Ички бир ифтихор шуғласидан маст,
 Ҳавоий рангларнинг жимжимасида
 Ўзининг хаёлий оламин кўрар.

Зайниддин бу ҳолни сезарди зимдан,
 Биларди ул қизнинг ҳайратли қалбин,
 Ҳозир ниманидир баҳона қилиб
 Секин чиқиб келди ташқи ҳовлига.
 Қизлар гўё ҳурккан кабуларлардек
 Дувва қўзғалдилар, сачралиб ҳарён.
 Зайниддин Зулфизар рўбарўсида
 Энтикиб турарди, сўзсиз бир висол.
 Қамти келди бир жуфт ошифта кўзлар,
 Икки қалбда бир қон гупурди гўё.

З у л ф и з а р

Ассалом алайкум...

З а й н и д д и н

Салом, азизам,
 Қайдан пайдо бўлдинг бахт қуши янглиғ?

З у л ф и з а р

Чироғингиз турди тонггача ёниқ.
 Билдимки, ижоду иш билан бандсиз,
 Тошга сайқал берган Моний монандсиз.

З а й н и д д и н

Ҳа, тунни уйқусиз ўтказганим рост,
 Кўр-чи, сенга маъқул тушурму бир оз.

З у л ф и з а р

Маъқул ҳам гапмидир, бу бир мўъжиза.

З а й н и д д и н

Ошириб юбординг, кўп қилма изза...
 Хайрият, кўнгилнинг сўниб ғубори,
 Қаламга рўй берди ранглар баҳори.
 Бедор тунларимнинг якунидир бу,
 Тугёнли ишқимни акс этган кўзгу.

З у л ф и з а р

Мени кўпдан қийнар бир муаммо ҳол,
Аммо ботинмасман бермоққа савол.

З а й н и д д и н

Сўзла, мен жавобга уриниб кўрай,
Ақлим етмаганин устоддан сўрай.

З у л ф и з а р

Бунчалик камолот, тенгсиз тароват
Елғиз бир санъатнинг завқи эмас-ку,
Бу ерда яширин сир бор, сеҳр бор.

З а й н и д д и н

Топдинг, дилрабо қиз, ошкора айтсам,
Бу ерда сир деган севги, меҳр бор.

З у л ф и з а р

Ажаб, тушунмадим ..

З а й н и д д и н

Тушунарсан хўб,
Бу санъатнинг асл боиси ўзинг.
Сендаги мукаммал нафосат ва қалб
Менга бахш этгандир яратиш шавқин.
Сени хаёлимда ҳис этиб ҳар дам,
Тасаввур этарак айни қошимда,
Қонимда, жонимда англаб эрта-кеч,
Мен бу нақшларга қалбим солурман,
Кўзим нури бўлиб оққан жилолар
Сенинг сеҳрингдандир, сенинг меҳрингдан.

Йигит сўзларидан қизда турфа ҳол,
Дилнинг таг-тагида таҳланган ҳислар
Бирдан аён этар равшан туйғуни,
Булутдан офтоб ярқ чиққан мисол.

З у л ф и з а р

Устод, илғайдирман мен фикрингизни
Ташаккур, дилга хуш сўзлар айтдингиз,
Ва лекин ижоднинг туб асосинда
Бўлак бир қудратнинг ётмоғи, бешак.
Инсон камолига куч бағишловчи
Сиз ўшал асрорни яширмоқдасиз.

З а й н и д д и н

Тасанно фаҳмингга, олижаноб қиз,
Сўзларингда бордир олий ҳақиқат.
Истасанг, ўзимча ушбу саволни
Майли, талқин этай, эшитиб боқ-чи.
Аммо бу барчага бирдай мос бўлмас,
Бу бир тажрибаким, мингларнинг бири.
Бунда барча тақдир, барча йўлларга
Бир қолип, бир мезон бўлмагай раво.
Энди саволингга шулдир жавобим:

Болалик — ижоднинг олтин бешиги,
 Мутаассир онгу қалб керак аммо.
 Ешлик туйғуларинг қанча мўл бўлса,
 Қанча рангин дардлар бўлса ошно,
 Илҳоминг ўшанча бўлгай анвойи.
 Яъни истеъдоднинг асил илдизи
 Болалик замани ичра барқарор.
 Мен ҳам болаликда қўйчибон бўлдим,
 Англадим одамлар қувончу дардин.
 Дон янчдим, ўт ўрдим, гувала қордим,
 Тоғлар шоввасию яйлов ҳавосин,
 Қирмизи шафақлар, нилий осмон,
 Бепоеън қирларнинг зилол мавжию
 Заъфар саҳроларнинг жизғанақ рангин
 Юракдан ҳис этмоқ бўлди насибам.
 Отамнинг аянчли, оғир қисмати,
 Онаминг аламли кўз ёшлари ҳам,
 Шаҳри сабза бўлмиш жафодийда Кеш
 Балки, кўчган чиқар бу нақшларга.

Буларнинг ўзаро ишқ мулоқотин
 Зимдан кузатаркан Самандбек бу пайт,
 Ениб ич-ичдан кул бўлар эди.

С а м а н д б е к

Ҳаддидан ошмоқда бу ярамас зот,
 Наққошликда мени сояга солиб,
 Шуҳрат гултожини орзу этмоқда.
 Дарвоқе, тан бермоқ керак, албатта,
 Мўъжизавор эрур унинг паргори.
 Унинг чизиқлари бағоят нозик,



Бағоят аниқдир ҳар бир нуқтаси.
 Қўли гул дегани аслида-ку, шу,
 Хўш, нечун сен бунча ўтда ёнурсан?
 Нечун ул эришган чўққини, бахтни
 Сен орзу қилмайсан? Сабаб ё боис?
 Ё сенинг йўлингени тўсдими бир пайт,
 Қўлингдан олдими бирор ҳунарни?
 Уйла, тафаккур эт, аё Самандбек,
 Унда бор икки қўл сенда ҳам мавжуд,
 Бир хилдир бўя баст, кўзу қулоқ ҳам.
 Йўқ, бунда иқтидор қудрати керак,
 Керакдир табиий, илоҳий ёғду,
 Бунёдкор истеъдод унда беқиёс,
 Бунинг инкорига бора билмасман...
 Булар етмагандай, Зулфизарни ҳам
 Юрагим қазридан юлқиб олмоқда...
 О, гўзал Зулфизар, мени бу ерда
 Сақлаган сенинг ой жамолинг-ку, қиз!
 Сени бир кўрмакнинг орзусида мен
 Ушбу остонага урганман бошни.
 Наҳотки сезмассан, бефарқсан, наҳот,
 Йўқ, сенинг бошингни айлантиргувчи
 Анов қишлоқидир. Кешлик сеҳргар.
 Мен унинг пайини қирқмагунимча
 Бир лаҳза ҳаловат билмасам керак.
 Қайдан пайдо бўлур қизганч ҳис, ҳасад?
 Санъат олами бу бепоён уммон,
 Бу уммондан ҳар ким ўз эътиқоди,
 Уз фикри, қувваи қалбига кўра
 Дурдона тергай-ку. Санъат — хазина,
 Чексиз имконларнинг пинҳон олами.
 Юзага чиқмаган нозик туйғулар,
 Ҳали сир сақланган талай гўзаллик,
 Антиқа ҳодисот унда беҳаддир.
 Унда ўз мақсади, ўз йўли, бахти —
 «Ўз»лигин қидирган ошгайдир доvon!
 Йўталиб маънодор кирар Самандбек,
 Зулфизар ичкари отилар зумда,
 Зайниддин ҳайратда бундоқ тазйиқдан.

С а м а н д б е к

Маъзур тутинг, бўлдим ширин суҳбатни,
 Авж нуқтада экан изҳори кўнгил.

З а й н и д д и н

Йўқ, биз фавқулодда дучлашиб қолдик.
 Тийран ақл мавжуд эрур бул қизда.
 Ижодиёт мағзин чақмоқ истайди,
 Унда санъатларга сўнгсиз ташналик.

С а м а н д б е к

Тинч қўйинг бул қизни, сиздан илтимос,
 Ҳашам, жимжимадор сўзлар на ҳожат?
 Гангитиб бечора қизнинг бошини,
 Қиз шаъни, иффатин топташдан кўрқинг,
 Устод сезиб қолса қаттиқ ранжийди.

Зайниддин

Ноўриндир сизнинг барча шубҳалар,
Қайдан фикрингизда бул қора илон?
Наҳот инсонийлик, самимиятни
Бу қадар тубанда идрок этурсиз.
Зулфизар била биз ижод ҳаққинда
Жиндай мулоҳаза юритдик холос.

Самандбек

Ажаб, қиз боланинг ожиз фаҳмида
Қайдан минораю пештоқлар кашфи?
Бундай салоҳият аёл зотинда
Бўлмоғини сиздан эшитмоқдаман.

Зайниддин

Сиз аёл зотини ғалат англайсиз,
Уларнинг қалбида парвоз тополмай,
Ҳали ниҳон ётган ғаройиб қудрат
Борлигини ҳатто хаёл қилмайсиз.
«Ман-ман» деб кўксига беҳуда урган
Эркаклардан минг бор устундир улар.

Самандбек

Асоссиздир тамом бу мужмал фикр,
Тангрим аёл зотин яратар экан,
Бошқа мажбурият юклади унга,
Хусусан, эркаклар хасми бўлмоқни.
Хайр, бу гапларни қўя турайлик,
Бу ерда ҳеч қандай баҳсга ўрин йўқ.
Очигини айтинг, сиз Зулфизарга
Ошиқлик даъвосин қилаётирсиз.

Зайниддин

Тергамоққа бунча мойил эрсангиз,
Мен сизга баралла айтишим мумкин.
Зулфизарни жондан ортиқ кўрармен,
Ҳаётим маъноси эрур ўшал қиз!

Самандбек

Энди ёрилдингиз. Бу гап бўлакча.
Унда мен ким бўлдим? Бу остонада
Йиллар юрмоғимнинг недир боиси?
Устод режасига зид бормоқликка
Қандай жазм этурсиз. Менга аталган
Қизга кўз олайтмоқ кўрнамакликдир,
Шариат йўл бермас бу шаккокликка.

Зайниддин

Бун Зулфизарнинг ўзи қилур ҳал.

Самандбек

Кўрурмиз ниманинг ҳал бўлмоғини!

II

Утди неча муддат ушбу маромда,
Зайниддин иш-ижод завқи билан банд,
Ранглар жилосидан чаман яратиб,

Тошларни сўзлатар. Унинг нақшида
 Самовий шўълалар тошқини яшнар,
 Бўёқлар сайқали кўзни оларди.
 Бухоронинг адил миноралари,
 Гумбазу равоқу мадрасаю арк
 Кўрганнинг ақлини забт этиб тамом,
 Эл-юрт таҳсинига бўлди сазовар,
 Ёйилди диёрлар бўйлаб шуҳрати.
 Бир ёнда Ҳироту Табризу Ажам,
 Бир ёнда Дамашқу Шому Халафда
 Бухоро фарзандин санъатига лол
 Одамлар кўпайди барча тарафда.
 Қарвонлар ўтаркан, аҳли тижорат,
 Аҳли саёҳатлар ўшбу хабарни
 Слиб ўтар эди элдан элларга.
 Унинг овозаси Самарқандда-ку
 Бағоят маълумдир, бу баланд доврўф
 Шоҳнинг саройида кенг ёйди қанот.
 Кунлардан бирида етдию чопар,
 Самарқандга унинг тезда етмоғин
 Маълум қилди, яъни ғоят улуғвор
 Иншоот беазаги кутмоқда уни.
 Тоқим шундай нақиллар яратсинки у,
 Ҳайрат ёқасини тутсин кўрганлар.

Ҳайҳот! Бу таклифда тенгсиз бир ишонч,
 Ижод иштиёқи бирла баробар
 Зулфизардан олис кетмоқ азоби
 Қалбини ханжардай тилкалаб ўтди.
 Лекин кўп қатъийдир фармони олий,
 Унга монe қудрат борму жаҳонда?
 Балки манглайига ёзилмиш толе
 Устивор этгайдир уни замонда.
 Бироқ Зулфизар-чи? Фироқ шиддати
 Қошида япроқдек сарғаймасму у?
 На чора? Бормоқдан ўзга илож йўқ.
 Фотиҳа бергайдир кекса устод ҳам,
 Маъюс волиданинг не кечгай ҳоли,
 Наҳот Зулфизардан олис фироқда,
 Бу гўзал маскандан анча йироқда,
 Ҳис этмай ёнида ул қиз нафасин,
 Шарпасин, ғамзасин, хандасин, сасин
 Қандай кун ўтказур ошуфта йигит.
 Ахир, қўлларига, қалбига мадор,
 Қаламига нафис жило берган ишқ
 Уни не куйларга солғай ғурбатда?

Зайниддин бу икки ўт ичра ёмон
 Ёнаркан, куйаркан хас-хашак мисол,
 Аниқ бир чорани тополмас ҳамон...
 Фақат бир лаҳзалик учрашув — висол
 Бу мудҳиш хабарга қўйди сўнг нуқта.
 Кўзида томчилар ғилт-ғилт айланиб,
 Бу аччиқ қисматга бўйин берди қиз.

Зулфизар

Омад тилайдирман сизга, азизим,
Соғлиқ тилайдирман, кўришмоқ завқим
Орзу қилиб, сизни кутгум қишу ёз,
Мангу топширганим сизга қалбимни,
Севгимни покиза сақлашдир аҳдим.

Зайниддин

Сенга инонурман, азизам, жоним,
Кўришмоқ бахтидан умидим бисёр.
Доим хаёлимда ўзинг бўлурсан,
Бу кўнгал сен томон етказгай мени.

Шундай яқунланди бу қисқа висол,
Тонгда йўлга тушди аламли наққош...

Ушбу воқеотдан хабардор иблис —
Самандбек қаҳқаҳа солди жаҳонга.
Гўё йўлидаги барча тўсиқ — ғов
Тақдирнинг бешафқат қўллари билан
Бир лаҳзада юлқиб ташланган эди.
Ва бу қаҳқаҳадан совуқ бир ларза
Тушди Зулфизарнинг нозик дилига.

III

Самарқандни қураб оқсоқ жаҳонгир,
Якто бўлсин дейди бу ер юзинда.
Шаҳрим жаҳон ичра ўзи жаҳондир,
Унинг тожи бўлсин дер «Шоҳи Зинда».
Иморат юксалар, самовий ранги
Жаранглаб қалбинда бергудай садо.
Тусин ўзгартолмас замонлар чанги,
Мангуликка турар худдики само.
Тошлар сўзга кирар, яшнайти нақшлар,
Қўли гул меъморлар бунда бўлмиш жам,
Ўзбеки баҳори қувонч бағишлар,
Санъатин тиккандир арабу ажам.
Меъморлар келишган Насафдан, Кешдан,
Бухородан келган неча монийлар,
О, бу хил санъатни кўрмаган ҳеч-да
На-да сосонийлар, на сомонийлар.
Темур мағрур боқар мақбарлар сари,
Дунё подшолари кўрсин савлатин.
Бу, ахир, Темурнинг буюк асари,
Кўрсатсин жаҳонга унинг сарватин.
Бунда одам деган қайнайди ғиж-ғиж,
Юзлаб мардикорлар тер қуйиб ишлар.
Биров тупроқ ташир, биров элтар ғишт,
Биров зиналарга пардоз бағишлар.
Бунда сангтарошлар, яна наққошлар,
Ганчкорларнинг қўли тегмайди қўлга.
Кошинми, муқарнас, кунгурадир ё
Гумбаздир — барида маҳорат ўти.
Бир ёнда ишлашар ҳиндий усталар,

Бир ёнда арабдан асир юзлаб қул.
Эроний наққошлар пардозда зариф.
Тошкенту Андижон, Бухорою Кеш
Асил фарзандларин йўллаган бу ён.

Мингларнинг кўз нури, пешона тери
Азим иншоотга сингар кунба-кун.
Узлуксиз икки ёз, икки қишдириким,
Зайниддин бу ерда соҳиби ҳунар.
Бутун вужудини, меҳру ишқини
Нақш тимсолида айлар ифода.
Баланд ҳавозада, юксак пештоқда
Эртадан то оқшом тош қотган йўсин,
Зайниддин гўзал бир чаман сувратин
Тошга туширмоқда, бу нозик санъат
Тоғда игна билан қудуқ қазмоқдан
Мураккабдир, бунга шак йўқдир мутлақ.
Тобора ярақлаб бормоқда пештоқ,
Дардли қалб, соғинчу ҳижрон ҳислари,
Висолга умиднинг эзгу ишончи
Омухта бўларак барча рангларда,
Уйғун бир санъатда топмоқда сайқал.
Ажнабий усталар бармоғин тишлаб,
Унинг санъатидан узолмаслар кўз.
Бу ажиб хаёлий эртақ олами
Шаҳр аро овоза бўлган тамоман.
Ичсонда улуг бир фазилат мавжуд:
Қураркан биноми, кўприкми, гумбаз,
Ё чинор улғайиб, яратурми боғ,
У фақат ўзлигин, ўз даврин эмас,
Келажак авлодни ўйлагай кўпроқ.
Баланд ҳавозада Зайниддин танҳо,
Уйлар на тушликни, на қултум сувни,
Лаҳзалик ҳордиқни этмайди хаёл.
Юрак-юрагидан қалққан бир ғазал
Фақат лабларини пичирлатар гоҳ:
«Меҳру ишқим ёғдусин тошларга
нақш этмоқдамен,
Бу нақшларга юрак қонимни
бахш этмоқдамен.
Зулфизар ёш меҳри қалбимда
шижоат қўзғатиб,
Севгию санъатда Моний бирла
бахс этмоқдамен.
Эй, санам, уққил бу дostonимни,
сендан илтимос,
Неки дил ичра ниҳондир, сенга
арз этмоқдамен».

Пастда қистайдилар унинг дўстлари,
Бир пиёла чойга, лаҳза ҳордиққа.
Лабларда ним кулгу, шикаста ҳолат,
Кўзларда ҳорғинлик, маънос бир нидо,
Тушиб келар экан баланд пештоқдан,
Дўстлар оғушида енгиллик сезар,
Таскин топган янглиғ барча ҳасрати,

Дўстларга аламли қалбин ёраркан,
 Кўз олдида турар ул нозли сиймо.
 Сарвадй бўйлари, қийғоч қошлари,
 Нурдай тиниқ чеҳра, садафдай тишлар,
 Эҳтиросли кўзлар, покиза хаёл,
 Ақлининг ялт этган кескир ёғдуси,
 Гоҳ маъюс, гоҳ қувноқ, дилбар қиёфа,
 Севгидан йўғрилган ул оташин жон —
 Йигит вужудини тўлдирар бир зум.
 Ҳамон кўз олдида ўшал дақиқа:
 Ҳижрон асносида учрашилган он,
 Уйнаб сочларининг учин оҳиста,
 Жовдираб боққани, айтган сўзлари:
 «Мангу топширганман сизга қалбимни,
 Севгимни покиза сақлашдир аҳдим».

Севги! Бул қудратнинг қайдин келмоғин,
 Жунбуш қўзғамоғин юракда, жонда
 Ҳали бирор доно аён этмаган,
 Ҳали бирор ҳаким этмаган ифшо.
 Жунун саҳросида йиғлаган Қайсни,
 Кўҳкан Фарҳоднинг аччиқ қисматин
 Қачон, ким тушунган? Ва ёхуд қайси
 Аллома мукамал таважжуҳ ила
 Талқин эта билган қайси замонда?
 У инсон фарзанди жисму зорида
 Туғёнлар яратган буюк туйғуким,
 Барча авлодларнинг силсиласида
 Янгича бир қудрат, янги барқ билан,
 Бўлак хислатларда, бўлак оҳангда,
 Янги ранглар билан туғилгай мудом.

Ойма-ой, кунба-кун, соатма-соат
 Сўнги нуқтасига етмоқда пардоз.
 Нақшларнинг ложувард, нилий балқиши,
 Пистақий, напармон шўҳ ранглар ичра
 Зайниддинлар қалбин сирли олами
 Тобора ярқираб элитар кўзни.
 Олис эмас ул кун, эртами-индин,
 Жавоб тегиб қолгай Зайниддинга ҳам.
 Марҳамат қилишса аёну кабир,
 Марҳамат қилса гар қудратли сарой,
 Адолат деган гап бўлса дунёда
 Сўнгра Бухорога, Зулфизар томон
 Қушдай парвоз этгай қанотни кериб.
 Устод этагини ўнгайдир мамнун,
 Кекса волидасин шод этгай беҳад.

Бир пиёла чойни яйратиб танга,
 Висол умидидан тўлқинланиб жон,
 Энг сўнги жилою сўнги тарх учун
 Яна ҳавозага юксалар наққош.

□

Тонгдан ноғораю карнай гумбури
 Самони ларзага солгудек баланд.

Кўчаю томларда беҳад оломон,
 Сарбозлар тагида гижинг тулпорлар.
 Саркорлар эгнида ёниб банорас,
 Мунаққаш пештоққа интилар ҳамма —
 Еттидан то етмиш аҳли Самарқанд,
 Бунда меҳмонлар кўп: Румдан, Хитодан,
 Олис Московия, Ироқу Эрон —
 Элчиси, сайёҳи, тижорат эли
 Ҳайратда боқурлар бу гулистонга.
 Бу чиндан замона мўъжизасидир,
 Гўё асрларнинг танҳо кутгани.
 Бу беқиёс санъат, зумурад дунё —
 Олам салтанатин гултожи гўё.

Саройда кутилар улугвор базм
 Ушбу воқеотнинг шон-шарафига,
 Саркор Зайниддинни чорлаб ёнига,
 Шаънига ёғдириб лак-лак тасанно,
 Буюк бир илтифот қилди намойиш.

С а р к о р

Иним, бу санъатинг оламда машҳур,
 Мамнундир ишингдан подшоҳи олам,
 Беҳад марҳаматлар кутмоқда сени,
 Нимаyki истарсан, бўлгай муҳайё.
 Қандоқ мукофотни орзу қилурсен,
 Саховатин сендан аямас сарой.

З а й н и д д и н

Ташаккур, қўлимдан келган ҳунарни
 Мен ушбу даргоҳдан дариғ тутмадим.
 На шуҳрат, мукофот, на юсак амал,
 На олтин жилоси мени этди лол.
 Устодим санъатин, элнинг санъатин,
 Нимаyki улусдан олган эсам гар,
 Барчасин сидқидил изҳор этмакни
 Мақсуд қилган эдим, агар шу истақ
 Гўёб топган эса мовий пештоқда —
 Шудир юракдаги олий муддаом.
 Фақат бир илтимос — ёлғиз тилагим,
 Бухорога қайтмоқ бахтини тезроқ
 Менга бахш этсангиз — олий мукофот.

Саркор мийгида жилмайиб қўяр:
 «Бунча камтарона олижаноблик,
 Кулиб турган бахтдан юзни ўгирмоқ,
 Ё тангрим, антиқа бандаларинг бор».

С а р к о р

Ҳайр, бу марҳамат кўп қиммат эмас,
 Ҳеч ким сени тутиб қолмайди, йигит.
 Бу ишда кафолат бергумдир аниқ.

З а й н и д д и н

Ташаккур, унутмам бу яхшиликни,
 Мартабангиз бўлсин яна улугвор.

Саркор

Бу кеч сен саройга мукаллиф бўлдинг.
 Иштирок этурсан базми олийда.
 Бино интиҳоси шунда бўлур қайд.
 Сўнгга истагингга албат етурсан,
 Яна Бухорога қайтиб кетурсан.

IV

«Боғи беҳишт» аро улғу тантана.
 Дабдабали базм этмоқда давом.
 Тўрда, тилло тахтада салобатли шоҳ,
 Адраслар, кимхоблар ёнади рангин,
 Эроний гиламлар қондай қип-қизил.
 Бунда аъёнлару соҳиб девонлар,
 Бунда кибру ҳаво, салтанат, қудрат.
 Таманно хонимлар уст-бошида
 Дурлар, жавоҳирлар безаги ял-ял.
 Меҳмонлар ўлтирар етти иқлимдан,
 Бу ҳашам кўзларни қамаштирар шўх.
 Биллур косаларда кўпиради май,
 Чеҳраларга қалқар кайфнинг ёқути.
 Қанча мулозимлар ҳар хизматга шай.
 Мармар ҳовузларда фаввора сачрар,
 Товуслар хироми зар деворларда.
 Наю даф сатору уд билан ғижжак
 Лаҳза тиним билмас, куй устига куй,
 Гоҳ хазин, гоҳ янгроқ наволар ёйиб,
 Қанча моҳир машшоқ, қанча ғазалгўй,
 Оҳангни юксалтиб само тоқига,
 Бағишлар базмга сирли жилолар.



Шифтларда шингарфу зангор ёғдуси,
 Юмшоқ ўриндиқлар, бахмал пардалар...
 Тўлғана-тўлғана неча раққоса,
 Чулғана-чулғана белларга сочлар,
 Майин хиром айлар ёниб, ўртаниб,
 Арманий, озарий қоши қийғочлар.
 Даврага тушади ҳиндий гўзаллар,
 Араб хушрўйларин мақоми бўлак.
 Куйга куй уланар, рақсга рақс,
 Хумор нигоҳларда ҳирс тўлқинлари.
 Ушбу базм аро Зайниддин ҳам бор.
 Бир четроқ, қовушмай бунча ҳашамга,
 Ғалат бир мамнунлик чулғаб дилини,
 Ултирар, кўнглида бўлак тўлқинлар.
 Овчидан қутулган бир оҳу каби,
 Тузоққа чап берган бир шаҳбоз мисол,
 Эртанинг умиди ёритиб қалбин,
 Бухоро, Зулфизар хаёлидан маст,
 Бетоқат, безовта ўйлар билан банд,
 Кутар бу маросим ниҳоясини.
 Қаранг-а, нечоғлик буюк марҳамат,
 Саройда меҳмондир оддий бир наққош!

Юз минглаб ғариблар, йўқсил, муҳтожлар,
 Толон-торож мулклар елкаси узра
 Қад чеккан саройнинг бунча ҳашами
 Наҳот Зайниддинлар шағнига эмас?!
 Базм авжда борар. Чўғ гиламларда
 Майин сирғалади нозли дилбарлар.
 Ўкинчли чеҳралар табассумида
 Совуқ урган гулнинг сўнги балқиши...
 Баногоҳ янграйди Бухоро савти,
 Маъюс садоларда бир дунё фиғон.
 Даврага киради гўзал раққоса,
 Бастига чирмалмиш оқ ҳарир либос,
 Сочларнинг паришон мавжлари аро
 Куюқ тун зулмати қотгандир гўё.
 Қизнинг кўз қараши ниҳол қаддида
 Қаноти қайрилган шикаста қушининг
 Дардли изтироби, унсиз фарёди.

Во ажаб! Қим бўлди бу дардли барно?
 Наҳот, ўша лаблар, ўша қошлар бу,
 Наҳот, ўшал кўзлар, ўшал ишорат?
 Зайниддин вужудин чақмоқдек тилиб,
 Бир мудҳиш иштибоҳ ўтар ларзакор.
 Е тангерим, яратган оламинг ичра
 Яна қандоқ даҳшат ўйинларинг бор?!

Йўқ! Ортиқ шубҳага йўқ зарра ўрин,
 Туш эмас, ўнгдир бу. Хаёлмас — ҳаёт.
 Дафъатан жойидан даст қалқди наққош,
 Даврага отилиб чиқди дафъатан.
 Ажаб бу ғулудан танг қотмиш сарой.

З а й н и д д и н

Зулфизар! Азизам! Сен қайдан бунда?
Наҳотки, сенсан бу? Ва ёким тушим...

З у л ф и з а р

Туш эмас, азизим, сизга етказган
Эгамга минг бора ташаккур бўлсин.

З а й н и д д и н

Нечук бу ҳолатга тушдинг, Зулфизар?

З у л ф и з а р

Евузлар банди дом этдилар мени.

З а й н и д д и н

Қайси гуноҳингга, не айбинг учун?
Нечук йўл бердилар бу ишга устод?

З у л ф и з а р

Айбимни билмадим... Сизга ишқимни
Кишандек урдилар оёқларимга.
Билмаслар, севзига қафас чикора...
Йиғлай-йиғлай куйиб, мўйсафид отам
Кўндан тарк этдилар сўқир дунёни.

З а й н и д д и н

Е раббий, сени бу кўйга солган ким,
Қанотинг синдирган қайси бир иблис?

З у л ф и з а р

Ул иблислар ана! Ана сайёдлар!
Номус ўғрилари, зулматпешалар!
Шоҳига бурканган кир вужудларнинг
Маст-аласт тўдаси, мана, қаршимда!

Ғазабнок тўлғанар ширакайф сарой,
Ғижирлаб кетгандай бўлади тахт ҳам.
Ажаб, қайдан келди бу шаккок гадой,
Эгасин қопармиш итни сийласанг.

Зайниддин кўз солар аҳли аёнга,
Минг йиллар кекини жамлаган нигоҳ
Бир-бир кесиб ўтар олмос тиг янглиғ
Нопок сийналарни. Машғум Самандбек
Зулфизар васлига бўлолмай молик
Палид бир тубанлик кемириб жисмин,
Қизни сотган эди қонли саройга.
Ана, унинг ўзи! Аёёнлар аро,
Заррин этикларнинг ўкчасин ўпиб,
Қора илон янглиғ чирмалиб тахтга,
Бунда рутба топган қусқи бир виждон.

Қабиҳ ўч-аламнинг, фисқ-фасод ҳиссин
Қурбони Зулфизар мармар ҳайкалдек
Зайниддинга боқиб тош қотган эди.

Зайниддин

Эй, менинг малагим, нозли фариштам,
Юр, тезроқ кетайлик, жоним, бу ердан.

Зулфизар

Таассуфлар бўлсин, азиз Зайниддин,
Сизга ёр бўлмоғим энди маҳолдир.

Зайниддин

Нега? Нима учун? Не деятирсан?

Зулфизар

Мен номус, иффати, шаъни топталган
Бечора кимсаман, ўлимга маҳжум.

Зайниддин

Қўй, ёмон ниятни, ҳар бир ҳолатда
Сен менга тегшисан, менинг тақдирим!

Зулфизар

Мен заҳар ичганман. Оғу қудрати
Ўзини мукаммал кўрсатди энди.
Тонгла маҳшаргача алвидо, йигит!
Етди жудоликнинг фурсати энди...

Гидамга қулади нозик навниҳол,
Шарт кесилган гулдек, ё тез ўчган шам.
Гўё бу оламни зулумот босиб,
Йўқлик гирдобига шўнғиди олам.
Зайниддин фарёди ўртаб жаҳонни,
Қизнинг боши узра йиғларди зор-зор.
Билинг, ёруғ олам — олам эмасдир,
Балки бошдан-оёқ қўрқинчли мозор...
Вужудин тамоман этмишди карахт,
Авжига минарак мудҳиш қаҳқаҳа —
Ғолиб Самандбекнинг шум тантанаси.
Чақмоқдан чарс куйди азим бир дарахт,
Дарахтмас, кул бўлган наққош танаси.
Шундай яқун топди буюк муҳаббат,
Бир лаҳза ярқ этиб, гўё йўқолди.

Лекин нақшлар аро қон-ла битик хат:
«Амали Зайниддин» деган ном қолди.

Кўрар бу санъатни яқин-йироқлар,
Бу санъат ҳам орзу, ҳам шикоятдир.
Қуёшга кўкс урган мовий пештоқлар
Аламли севгидан бир ҳикоятдир.

1980 йил.

КҮНГИЛ

ҲИКОЯ

Саида опа чўчиб уйғонди. Кўзини очганида, аввал танга-танга оқ доирачаларни кўрди. Сўнг қаршисидаги деворга тушган қуёш нурига тикилганча бир зум карахт ётди. Кўз олдида гавдаланган ўғлининг чеҳраси унинг руҳини кўтарди. Туш уни турли хаёлларга олиб борди, хавотирини оширди. «Жума куни келиши керак эди. Бугун якшанба. Дунё нотинч дейишади. Кеча телевизордан ёнаётган қайсиямдир бир юртни кўрсатди. Одамлар бир-бирини отишяпти-я! Ўғлим Қаҳрамонжоннинг боши омонмикан?.. Афғонистоннинг ҳам тинчлиги йўқолган дейишади. Ўғлим афғон деҳқонларига пахта териш машиналарини ўргатаман, деб кетган у ерга. Ё худо, ёмонларга ўзинг инсоф бергин-да, ишқилиб».

Саида опани ёнида ётган невараси иккинчи ёнбошига ағдарилди. Унинг хаёли бирдан бўлиниб, ҳушёр тортди. Сўнг аста ўрнидан турди... Ювинди. Хонага қайтиб кирди. Усти ярим очилиб қолган неварасининг кўрпасини тўғрилаб қўйди. Келинини уйғотишга кўзи қиймади. «Бугун тиним куни, дам олсин. Ишлаб чарчайди бўлам, бечора. Яна бунинг устига болаларнинг ташвиши»...

У ошхонага кириб, супрани ёзди. Намоқоб, доғ бўлган ёғ ва кеча қўшниси чиқартирган сутдан қолганини олдига қўйиб, хамир қоришга тушди. Назарида, мана ҳозир ўғли эшикдан кириб келади ва у тандирдан янги узилган, иссиққина патир билан жигарбандига пешвоз чиқади...

Хамирни қориб бўлиб, дастурхонга яхшилаб ўради, ёнидаги кўрпачани тоғоранинг устига ёпди.

Ун юқи қўлини сўри тагидаги ариқни тўлдириб оқаётган сувда ювди. Энди тандир томон йўналмоқчи бўлган эди ҳамки, эшик қўнғирогги жиринглади.

У эшик томон ички ҳаяжон ва севинч билан югурди.

Эшикни очиб, ҳангу манг бўлиб қолди. Кўнглидаги севинч ўрнини алланечук ташвиш эгаллаб олди.

Қаршисидаги катта қизининг бепарво жилмайиб туриши кўнглини

бир оз тўқ қилиб турса-да, лекин унинг тонг саҳарлаб келиши юрагининг аллақарерида ғашлик уйғотганди.

— Тинчликми, болам?— деб титроқ овозда сўради Саида опа.— Мунақа вахли келадиган одатинг йўқ эди-ку?

Умида безовта бўлган онасини меҳр билан қучди. Икки юзидан ўпди.

— Суюнчи беринг, ойижон, қорачиғингиз келяпти. Кеча куёвингизга телефон қилибди. Бир уйқуни олиб бўлиб, менга шунақа десалар бўладими?! Севинишимни ҳам билмайман, Ориф акамни яхшилаб урушиб беришни ҳам... Нега юрагингиз торс ёрилиб кетмайди, десам: «Эсимдан чиқибди» дейдилар. Апил-тапил кийиндиму бу ёққа югурдим... Ҳали замон куёвингиз ҳам невараларингизни олиб келиб қоладилар...

Саида опа қизининг бижир-бижир сўзларидан фақат: «Қорачиғингиз келяпти», деган гапни илғаб ололди, холос. Якка-ягона ўғлини у «қорачиғим» деб атарди. Учала қизи бу сўзни баъзан-баъзан жаҳллари чиққанда «қорачиғингизга айтинг», «қорачиғингиз мени урди» деб кеса-тишарди. Қизининг шу сўзини бу сафар самимият билан тилга олиши она кўнглидаги ғашликни тарқатиб юборди.

Умиданинг жарангдор овозидан уйғониб кетган Машҳура — Саида опанинг келини ҳам ҳовлига чиққан, ҳатто юз-қўлини ювиб улгурганди. Қаҳрамон акасининг келишини қайнэгачисидан эшитиб, кўзларида қувонч порлади...

Тандирдан нон узилганда невараларининг шовқини, учала куёвининг хушчақчақ кулгиси, хушхабарни эшитиб чиққан қўшни аёллар даврасида чоғида ҳовлини файзга тўлдирганди. Саида опа тиним билмайди, қизларининг «Уриниб қоласиз, дам олинг. Қўшниларингизни ёнига борсангиз-чи», деб ҳоли-жонига қўймасликларига қарамай, гоҳ қозонга уннар, гоҳ чойнак-пиёла юваётган қизига кўмаклашар, гоҳ «Сиз дастурхонга қаранг, болам. Ҳар ҳолда стол безашда мендан устасиз», деб, келинининг қўлидан ишини оларди. Юмуш билан банд бўларди-ю, икки кўзи кўча дарвозасида эди: юраги илҳақ бўлиб ўғлини кутарди. Умидага жиддий қараб: «Нега кечикаяпти? Еки мен кампирни чалғитай деб алдадингми?», дея дам-бадам саволга тутарди. Унинг саволидан қизлари, келини завқ билан кулишарди. Бу кулги онанинг кўнглидаги севинчини, интизорлигини баттар оширарди...

Ниҳоят, она орзиқиб кутган дам келди.

Кўчада машинанинг овози эшитилди. «Дадам келдилар!», «Ура, тоғам!», «Қаҳрамон ака!» деган овозлар Саида опа ҳаяжонини оширди. У ҳам қизлари, келини кетидан худди ёш боладек кўчага ошиқди. Дарвоза ёнига келганида, йиғилганлар унга йўл беришди. Қаҳрамон остонада онасини кўриб, унга бор вужуди билан талпинди ва илиқ бир меҳрни туйиб, қалби ҳаяжондан, қувончдан энтикиб кетди.

Саида опа ўғлини бағрига босганча:

— Эсон-омон келдингми, қорачиғим, мунча ҳаялламасанг?...— дер эди.

— Ойижон, иш кўпайиб кетди...

— Ишингга бор бўлсин,— деб, Саида опа ўғлининг пешонасидан ўпиб, қучоғидан бўшатди-да:— майли, болаларим, гани-жонийлар соғ бўлсин. Умирларингдан барака топинглар. Тангрим сизларга ёр бўлсин! — дея, фотиҳага очилган қўлларини юзига тортди.

Унинг бу ҳаракатини йиғилганлар баб-баравар такрорлашди...

Эрталабки дастурхон давраси кенг эди. Доира стол атрофини куёвлари, қизлари, келини, неваралари тўлдиришганди. Бу ҳамжиҳатлик Саида опа дилига олам-олам қувонч солганди. Онанинг руҳини кўтарган нарса — болаларнинг дадаси орзу қилган оилавий файз — худди шу бугун бу хонадонга ташриф буюрганди...

Қаҳрамоннинг ёнига ўртанча ўғли яқинлашди. Миттигина қўлчаларини тиззаларига қўйиб, унга талпинди. Қаҳрамон ўғлини даст кўтариб, тиззасига ўтқазди.

— Ада, бувимни соғиндийми? Бувим сиззи жудаям соғиндила, менам соғиндим.

— Ҳа, ўғлим, бувингни ҳам, сени ҳам соғиндим.

— Қайси кўзиз билан?

— Мана бу кўзим билан,— Қаҳрамон ўнг кўзини кўрсатди.

— Бувимми-чи?

— Иккаласи билан?

Ўтирганларнинг қувноқ кулгиси кичкинтойни яйратиб юборди. Лўппи юзларини отасининг кўксига босиб, суйканди.

— Ада, узоғдан менга нима олиб келдий?— деб сўради у бир оздан кейин бошини кўтариб.

— Кўп нарса, ўғлим.— Қаҳрамон оила аъзолари учун олиб келган совғаларини топшириш пайти етганини сезиб, хотинига енгил ишора қилди.

Машҳура ўрнидан туриб, қўшни хонага кириб кетди. Фурсат ўтмай ихчамгина чамадонни кўтариб чиқди.

У ўғлига, қизига, жиянларига, ундан сўнг опа ва почча, куёвларига бир-бир совғаларни топширди. Ногоҳ елкасига тоғдек юк ағдарилгандек бўлди. Шу дақиқадагина у онасига бирон бир нарса харид қилмаганини сездди. Сездю-ю, вужудини ноқулай туйғу қамраб, пешонасида совуқ тер йилтиради. Қандай қилиб онасига тухфа олиш ёдидан кўтарилганига ҳайрон ва пушаймон эди. Уни чалғитган нарса опаси—Умида кузатув пайтида чўнтагига солиб қўйган рўйхат бўлди-ми? Йўқ... Еки...

Қаҳрамоннинг боши беихтиёр эгилди. У онасининг кўнглидан нималар ўтганини хаёлан тасаввур қилишга тиришар, лекин беҳуда ўйлар унинг дилига ғашлик соларди.

Саида опа учун ўғли соғ-омон қайтганининг ўзи катта давлат. Қаҳрамоннинг унга атаб совға олиб келмагани заррача ҳам кўнглига ботмади. Лекин, келини, куёвлари олдида бир оз ноқулай аҳволга тушиб қолганди. Сўнг кўнглидан ўтди: «Болам бечора олмоқчи бўлган-у, иш билан алаҳсиб кетган... Шукр, ўғлим жигарларига меҳрибон. Шунисигаям шукр...»

Қаҳрамоннинг дилига оташ солган ҳисни катта қизи алангалатиб юборди.

— Ада, бувимларга ҳеч нарса олмадингизми?

Орадаги ноқулай жимликни бузган бу жарангдор овоз Қаҳрамонни баттар эсанкиратиб қўйди.

«Уэр сўрасинми? Қайси тил билан? Шунча қилган меҳрибонлигининг оқибати шу бўлди-ми? Наҳотки онангни унутган бўлсанг, болам», демайди-ми?.. Бари бир кечирим сўраганим маъқул... Ахир...»

— Ойижон, мени кечиринг— Қаҳрамоннинг овози титраб чиқди. Юзлари қизиб, нафаси сиқилгандек бўлди.

Саида опа ўғли қандайдир бир руҳий азоб чекаётганини сездди. Аста ўғлининг бошини силади.

— Хижолат тортма, болам. Сенинг бағримга омон-эсон келганингни ўзи менга ҳар қандай совгадан аъло.

Бу гапдан Қаҳрамоннинг кўнгли бир оз таскин топган, кўпчилик олдидаги ҳозирги аҳволи жиндек енгиллашган бўлса ҳам, лекин у ўзини оқлолмасди. Паришонхотирлик туфайли содир бўлган бу дилхиралик кўнгли тубида оғир юк бўлиб, тошдай чўкиб қолган эди...



Анвар Ҳожи

Мирлик шертлари

□
Р айхонлар атрини ёйган уйма-уй,
Шамоллар, ҳар дилнинг бўлинг қўноғи.
Оламни қамрасин, айласин хушрўй
Бизнинг райҳонимиз яшил япроғи.

Дўстларнинг қалбига йўл олсин иси,
Кўрмоқ истаганлар кўрсинлар келиб,
Қай юртнинг, тупроқнинг экан тухфаси
Десалар айтингиз: Ўзбекистон деб!

Москва тун

Сокин тун.
Ёқимтой ел менга ҳамроҳ.
Москвам бағрини кезаман мағрур.
Нур қўйнида ёнар яқину-йироқ,
Борлиққа термулиб қиламан ҳузур.

Москва уйқуда, бўм-бўш ҳар кўча,
Чироқлар шаҳарни нурга қорибди.
Курант занг уради: дейман ўзимча,—
Москвам юраги уриб турибди.

□
Қиш юриш бошлади дала-ю боққа,
Баҳор қўнғироғи — ирмоқлар тинди.
Дарахт учидаги якка япроққа
Кумуш қиш чопари — оппоқ қор инди.

Қўлимда баҳордан бир чечак қолди,
Сўлғин чеҳрасида акс этар кулгинг.

Қалбим ардоғида сақлайман уни,
Қуриган бўлса-да, у сенинг гулинг.

Солдат мактуби

Эҳтимол сен мени орзиқиб кутиб,
Паришон кезарсан ўй сурган кўйи.
Сирдош дугонанга кундуз дил ёриб,
Ухламай чиқарсан балки тун бўйи.

Висол онларини эслайман дилдор,
Кўзим ўнгидадир у анҳор лаби...
Муҳаббатим асра, авайла зинҳор,
Жангчи сўнгиги ўқин асраган каби.

□

Бўрон гувуллайди,
Дарахт букилар,
Новдалар синади, инграйди гўё.
Мевалар заминга бир-бир тўкилар,
Тупроқ-чи, бу ҳолга қилмайди парво,
Дегандек:— бағримда илдизлари жо...

□

Боғ-роғлар қўйнини босди қоронғу,
Ой ҳам ожиз турар зулмат қошида.
Олис-олисларда порларди ёғду,
Мен эса турардим йўлнинг бошида.

Ҳали йироқ эди борар манзилим,
Руҳимда ёнарди сўнгсиз бир оташ.
Висолга талпиниб шошарди кўнглим,
Булутлар теппамда кезарди бебош.

Жадал юриб кетдим, кутгандек самар,
Баланд доволардан, тоғдан ошдим мен.
Ҳеч қачон шошмаган эдим бу қадар,
Сен кутиб қолмагин, дея шошдим мен...

Эҳ, йўлнинг гашти бор, йўл юрмоқ на соз!
Биламан, сен менга чиқасан пешвоз!

Сўроғимдир

Кел, эй дилбар, кўнгиел жоми,
Ишқ майи-ла лиммо-лимдир,
Дил уйимга чироқ бўлсанг,
Боқишларинг иқболимдир.
Келган кунинг кўнглим ўсар,
Ҳар сония сени қўмсар,
Ишқ кўйида ёнган Мажнун
Бу кун менинг тимсолимдир.
Сени қўмсаб боғда гуллар
Паришондир шому саҳар.

Бу жарангдор кулгинг ўхшар ирмоққа,
Жилғалар туғилар тиниқ, беғубор,
Сенинг ҳам илк кулгинг кирди гулбоққа,—
Лойқаланишига йўл қўйма зинҳор!



Ҳали уруғ қадаймиз кўп бор,
Аммо, дўстим бизни ҳеч қачон,
Тарк этмасин гўзал гул баҳор
Биз ниҳолга бермоқ учун жон.

Биз ўтказган ниҳол баргида
Бахт қуёшин шуъласи ўйнар.
Теран отган ҳар томирида
Соф жўшқинлик мавжи жўш урар.

Гулдираса кўкда гулдирак
Япроқлар ҳам боқар бегидир.
Қўрқув ичра қолган гўдакдек
Япроқчалар титрайди дир-дир.

Лекин қуёш қайта кулажак,
Навниҳоллар қайтадан яйрар.
Яна уруғ қадаймиз ерга,
Боғимизда қушлар шўх сайрар.



Дераза кўзидан юмалади ёш,
Дил шув этди куздан дарак топгандек.
Сарғайган япроқлар йўлкада уйқаш,
Навбаҳор авайлаб уни ўпгандек.

Ўзим севган олча барглари олтин,
Новдада қалтираб турар омонат.
Баҳор чоғи суҳбат қурадлик ҳар кун,
Энди-чи, қаршимда сен мисли сурат.

Япроқлар бош қўяр тупроққа хорғин,
Ўтган кунларидан жуда ҳам мамнун.
Билади, янгитдан барг чиқар тағин,
Шунинг-чун хотиржам бош қўяр беун.



Яна қалам қўлда,
Дастёр мен учун.
Хаёл отидамиз тун-кеча уйғоқ,
Ойнинг назарида бир нуқта, беун,
Жилмасдан турибмиз — ажралмас ўртоқ.

Қаламим ҳамроҳдир,
Оттираман тонг.
Зеро ялқовликка йўқ менда ихлос.
Тарк этма, қаламим, бўлай гиргиттон,
Ҳамиша мен бўлиб, сўйла, илтимос.



Булбулнинг куйлаши ҳар дилга яқин,
Баҳорнинг чопари — гуллар шайдоси.
Гул қошида куйлар ғазалхон оқин,
Ғунчани уйғотар тонгда нидоси.

Кичкина қалбида меҳри бир жаҳон,
Муҳаббат дардини ҳануз тортади.
Булбулга яна ҳам меҳрим ортади:
Ўз она тилида куйлайди ҳар он.

Шамоллар, ҳей...

Елиб учган, шамоллар, ҳей,
Елпиб ўтган, шамоллар, ҳей!
Кокилларин ўйнаб-ўйнаб,
Ёрим қучган, шамоллар, ҳей!

Мушки анбар маст этдиму,
Соч чўлғатган, шамоллар, ҳей!
Кўз олдимда ёрим ўпиб,
Рашк уйғотган, шамоллар, ҳей!

Атрофида парвонасиз,
Нари кетмас, шамоллар, ҳей!
Тутмоқ бўлиб қувлашаман,
Қўлим етмас, шамоллар, ҳей!

Бир дамгина холи қўйинг,
Мен ҳам шайдо, шамоллар, ҳей!
Ёр васлини кўп соғиндим,
Бўлдим адо, шамоллар, ҳей!

Дўстлик гулхани

Жалил ҒУЛОМОВГА.

Дўстликнинг гулхани тутади кўкни,
Икки қалб оловдан олур ҳарорат.
На бўрон, на довул енга олар уни,
Гуруллаб ёнади, пасаймас суръат.
Чунки, бу гулханда яшар икки қалб,
Ҳар ишда бир-бирга содиқ, яраймиз.
Дўстлик гулханига узоқ-умр тилаб,
Иккимиз баробар ўтин қалаймиз!..



Абдулла Шер

Чанқовуз

Оқшом чўкар, атрофи тол мовий ҳовуз,
Айни ёзда тўлиб чиққан ойдай сулув.

Мен ясадим филсуякдан бир чанқовуз,
Нозик — булбул тумшугидай, гулдай сулув.
Тол тагида мен куйлайман: келгин ой юз,
Келгин сулув, келгин сулув, кел-кел, сулув.

Ҳатто фалак ҳайрон бундай сирли унга,
Анграйганча юлдузларин тўкар дув-дув.
Интиқ куй-ла мен ёяман исминг тунга,
Ўз исмингдан ўзингга ҳам тушсин ғулув.
Гоҳ чанқовуз далда менга, гоҳ мен унга:
Келгин сулув, келгин сулув, кел-кел, сулув.

Билгил, сенга етишмасам ўлолмайман:
Тупроқ кўммас, ўт ёндирмас, чўктирмас сув.
Аммо ҳозир не қиларим билолмайман,
Утарманми бўйдоқ дея дилда ғулув.
Замон ўзга, ахир, Мажнун бўлолмайман!—
Билгин сулув, билгин сулув, бил-бил, сулув!

Янгам қўймас: «Шўлтаймасдан топинг овсин,
Борми мундоқ забон, ахир, борми уқув!»
«Келар,— дейман бошим қашиб, —
мавруд-мавсум...»

Шартта олиб қочсамми ё сени, оҳу,
Шохтугингда бир тун бўлиб мен силовсин,
Айтгин сулув, айтгин сулув, айт-айт, сулув.

Лекин чиқсам шохтугинга буталгандир,
Ошай десам тўкилади пахсанг «шув-шув».
Уйқисираб отанг дам-дам йўталадир,
Биз бедормиз: сен дея мен, худо деб у.
Бу чанқовуз асли сенга аталгандир,
Билгин сулув, билгин сулув, бил-бил, сулув.

Рамазондай узун қилиб берсам салом,
Отанг алик олар десам: «Ўҳхув-ўҳхув!»

Тонгда бошга сават қўйиб борса онам,
Айт, бўлмасми эшигингда: «Ҳа, қув-ҳа, қув!»
Сўнг демасми: «Бебош кўнглинг қурсин, болам!»—
Айтгин. сулув, айтгин сулув, айт-айт, сулув.

Тушларимда кимхоб тўнга ўралсам ман,
Уйғотади тўним қийиб қайчи-қайғу.
Чанқовузим тили каби зириллайман,
Аҳдим тинглар фақат шамол эсиб ғув-ғув:
«Маҳшаргача мен пахсангдан мўралайман,
Билгин сулув, билгин сулув, бил-бил, сулув!»

Саккиз бандим саккиз беҳишт бўлса, эй моҳ,
Барин сенга тутардим, деб: «Қалининг шу!»
Олти мисрам — олти дўзах, лекин, эвоҳ,
Ўз ўтимда ўзим ёниб қоврилдим-ку?!
Айбим шуки, оллоҳ эмас, мен — Абдуллоҳ,
Билгин сулув, билгин сулув, бил-бил, сулув.



— Айтилган сўз, ҳа, отилган ўқ!..
Ҳаммасини тушундим. Аттанг..
Адашибман. Сиз севмайсиз, йўқ!
— Тушунсанг-чи, ҳозир ҳолим танг!
— Эҳ... Кўнглингиз доим бўлсин тўқ,
Мен ёпишиб олмайман, қўрқманг...

— Ҳўш, нима қил дейсан, ахир, айт?!
— Йўқ, ҳеч нарса керакмас энди..
— Қўй, беййлик қилмасанг-чи, қайт!..
— Сочимга ҳам, қаранг, оқ инди,
Демак, ақл кирадиган пайт.
Хайр. Кетдим... Ҳа... Емғир тинди...

Илк баҳорга ўхшаган кузда,
Намхуш тунда ёшинг ютдинг сен.
Қўрилмаган тушларинг кўзда,
Хомуш тонгга сингиб кетдинг сен.
«Емғир тинди...»— Шу икки сўзда,
Билмам, қандай оғу тутдинг сен:

Ҳануз, эвоҳ, мен у сўзлардан
Теран хотир денгизи аро
Ёт оқимдек гангиб, жосуво
Чиқаман-у юзага қалқиб,
Аллақачон унут ўзандан
Телба сойдек оқаман чалқиб...



Менга оғир, жуда ҳам оғир,
Қайдан топай, жоним, ҳимоят?
Тинглайвериб эзилар бағир,
Хотирадан ҳадеб ҳикоят.


Яна бир кун. Бир кунлик йўлга
Узоқлашдинг умримдан яна.

Хаёл олар тизгинни қўлга:
Уша олам қилар тантана.

Мен биламан: у олам — сароб,
Саҳродаги илинж ҳовури.
Чорлар экан, лекин у, шитоб —
Мен бораман умрим совуриб.

Мен бораман, пойимдан ҳар гал
Қалқиб чиқар бахтим юзага:
Юрагимда қулф урар ғазл,
Сўз айланар аста бўсага...

Аммо бугун... Яшамоқ керак,
У оламга виро айтар кўз;
Мен яшайман: чўғланар юрак,
Учқун бўлиб тўкилади сўз...





Обид Юсупов

ҚУЁШДАН ТУШГАН ОДАМЛАР

ФАНТАСТИК САРГУЗАШТ ҚИССА

1

Раманажуна эшикни зўрға очиб ичкарига кирди-ю, юраги орқасига тортиб кетди: борт ускуналаридан кўпчилигининг дабдаласи чиққан, қаердандир кучсиз гўнғиллаган овоз эшитиларди. Фалокатдан огоҳлантирувчи автомат сиренаси бўлиб-бўлиб ўкириб, чўгдай лампочкалари тинимсиз липилларди. Тўқнашув зарбидан жиҳозларнинг бари эшик томондаги деворга айқаш-уйқаш йиғилиб, ораларида қолиб кетган одамлар қимир этмай ҳушсиз ётишарди.

Раманажуна шошиб скафандрини ечиб, одамларни қутқара бошлади. Лекин дам ўтмай аччиқ қўланса ҳаводан ўпкаси ачишиб боши гангиётганини пайқади. «Наҳотки биз тушган сайёранинг ҳавоси ерликлар учун заҳарли бўлса?!» — мудҳиш фикр миёсида чақнади ва юраги орзиқиб орқасига қайтди. Эшик очиқ қолганида қўланса ҳаво йўлакка ҳам тўлиб бўлганди. Унинг нафас олиши баттар қийинлашиб, вужудидан тер қуйила бошлади. Гавдаси зилдай оғирлаша бориб бирдан кўз ўнгидаги нарсалар чир айланди-да, полга йиқилиб тушди. Лекин ўлим даҳшати уни иложи борица олдинга, ҳали элас-элас илғаб олган кислород йўлини очувчи мурват томон силжишга ундарди. Ниҳоят тимирскиланаётган қўли бўртма чамбаракка тегди. У бор кучини йиғиб чамбаракни бураб юборди. Димоғига ёқимли ҳаво урилганини сезди-ю, қулоғи шанғиллаб, наздида бир кўтарилиб, тубсиз чуқурликка тушиб кетди...

□

...Ерда Эридан Эпсилони — юлдузлар туркумидан олинган ногаҳоний радиосигналлар катта тортишувга сабаб бўлди. Баъзилар уни коинотдаги жисмларнинг биронтаси даврий ўзгаришдан келиб чиққан

табий тўлқини, деб тушунтирди; баъзилар эса, фан ва техникаси тараққий қилган мавжудот томонидан юборилганига шубҳа қилмасди. Баҳс-мунозаралар авжига чиқиб, охири экспедиция юборишга қарор қилиш билан якунланди. «Эридан» экспедициясида қатнашиш иштиёқини билдириб ер юзининг турли томонидан йўлланган арзномалар озмунча эмасди. Конкурс ҳайъатида фаннинг турли соҳалари бўйича мутахассислардан, тортиб, психиатрларгача бўлганидан уларнинг «юз икки элагидан» ўтиш омадли кишиларгагина nasib бўлди.

2149 йилда «Эридан» экспедицияси йўл олган «Яхши умид» номли фазовий кемаси метеорлар жаласи, магнит бўронларига чап бериб, манзилга етиб қолган эди. Сайёрага юборилган радиосигналларга жавоб бўлмаса-да, объектовизор экранида яқинлашиб келаётган енгил фазовий кемани кўриб турган фазогашталар ўзларининг самода кутиб олинаётганликларига шубҳа қилмасдилар. Бироқ телеметрик асбоблар уни баллистик ракета эканлигини аниқлаганда вақт ўтган эди. Зудлик билан ишга туширилган ҳимоя воситаси таъсирида батамом парчаланшдан сақланган «Яхши умид» узун тутун изи қолдириб юзтубан кетган эди. Кема бошқарувчиси Туронбекнинг чала-ярим ишлаётган енгил кўниш системасини ҳаракатга туширгани эса фазовий кемани батамом чилпарчин бўлишдан сақлаганди. Туронбекнинг ўзини эса автоматик равишда ишлаб кетган катапульта итқитиб юборди.

Раманажуна кўзини очганда кислород резервуари олдида ётарди. Қўланса ҳаво ора-чўра димоққа урилса ҳам, нафас олиш енгиллашиб борарди.

У газометрни олиб космомобилнинг ўпирилган жойига чиқди. Пастда торфга ўхшаш нарсалар яллиғланиб, ундан қизғиш-зангори рангдаги тутун кўтариларди. Газометр тутунга яқин бориши билан заҳарли газ икдорини кўрсатувчи мил сакраб, охири нуқтага урилди. Раманажуна зудлик билан ўт ўчириш балонидан бирини олиб чиқиб ўтни ўчирди-да, ҳамроҳлари олдига шовди. Енғин ўчгани ва ҳавонинг тозаланишидан экипаж аъзоларига жон кириб қолган эди. Элдор билан Анна эса нарсалар орасидан чиқиб олишиб, бошқаларга ҳам ёрдам беришарди. Экипаж аъзолари орасида кемани бошқариб бораётган борт-инженер Туронбек кўринмасди. У космомобилнинг ўпирилган олдинги қисмида қолгани аниқ эди. Унга нима бўлган экан, тирикмикан, катапульта ишладимикан? Ҳаммани ана шу савол қийнади.

Тонг шаффоф иллюминаторлардан мўралай бошлаганида барча оёққа турган, лекин кўпчилиги лат еганди. Боши жароҳатланган экипаж командири Виталий Альфредовични лазаретга ётқизишга тўғри келди. Буюмларни шунчаки саранжомлашиб, энди тамадди қилишга ўтиргандилар, тўсатдан иллюминатор ташидан тутун аралаш аланга кўзга чалинди. Бу қандайдир бегоналарнинг иши эканлиги аниқ эди, команда аъзолари саросимага тушиб, бир-бирларига қараб қолдилар. Термо-изоляция қатлам шикастланмаган бўлса-ку, унча қўрқинчли эмас, лекин ишдан чиққан бўлса-чи?!

— Оғир бўлинг! — хитоб қилди Иван Сидорович. — Бир-иккитамиз бизни йўқ қилиб юбормоқчи бўлганларнинг олдига чиқишимиз керак.

— Мен бораман! — деди Элдор олдинга чиқиб.

— Тортишадиган вақт эмас, — унинг гапини бўлди командир ўринбосари Зайдоний. — Иван Сидорович иккимиз борамиз.

Улар кема остидаги люкка йўл олганларида орқадан жавраб Денис Воген эргашди:

— Биродарлар, қурол-чи? Меҳмонга кетмаётганинглари биласизларми?

— Қўлингда қурол борлигини кўрган дўст ҳам ҳадиксираши мумкин, — шошиб бораётиб жавоб қайтарди Иван Сидорович.

Олдинда кузатгани кетаётган Мирослав люкни очаркан, аланга ич-карига уриши билан қайта ёпди. Хона ичига ўт илашиши аниқ эди.

— Упирилган жойга,— имо қилди Благовешченский. Улар ўтга чидамли арқон-нарвонни тушираётган эдилар, орқадан Раманажуна кичқирди:

— Зайдоний, тепамизда вертолёт турибди!

Ҳамма қотиб қолди. Нима қилиш керак: «Яхши умид»га вертолёт-дагилар ҳужум қилган бўлса, аланга ичидан чиқиб бораётганларини кўриб, омон қўймасликлари муқаррар. Кеманинг ўтга чидамлилигига ишониб кутишдан бўлак илож йўқ.

Вертолёт тепада анча айланди-да, кейин тезлигини орттириб, қаёққадир йўқолди. Диққат билан тепадан кўз олмай турган нигоҳларда ниҳоят осойишталик пайдо бўлди.

Зайдоний билан Благовешченский йўлга тушишди. Кемани қуршаган ўтдан чиқиб олгач, скафандрларини ечиб ташладилар.

Ғарб томонда, олисда денгиз кўринар, қолган ҳаммаёқ қалин бу-тазор ва ўрмон эди. Зайдоний аланглаб, дарахтлар орасида бақрайиб турган одамларни кўриб қолди. Уларга қараб бораётганларида ғувил-лаб келган камон ўқи икки қадамча нарида ерга санчилди.

— Тўхташ керак? — деди Зайдоний ҳайрон бўлиб қолган Благо-вешченскийга.— Бу — ўқдан нарига ўтмасликка қилинган ишора.

— Ассалом, одамлар! — қўлларини юқори кўтариб жуфтлади Иван Сидорович.— Биз сизлар билан дўст бўлгани келганмиз!

— Биздан асло хавфсираманглар! Кўряписизларми, қўлимизда ҳеч нарса йўқ! — кафтини ёзиб қичқирди Зайдоний.

Ўрмон четидаги одамлар гўё ҳайкалдек қимирламасди. Благо-вешченский алангага бир қараб қўйиб, жаҳд билан олдинга босди. Лекин икки-уч қадам юрмай бир ўқ келиб унинг сонига санчилди. Ўқ нишига заҳар суртилгани эҳтимолдан холи эмасди. Зайдоний ярани сиқиб қо-нини оқизаётганида бир тўда ярим яланғоч, жингалак соч, қорамтир танли одамлар уларга ёпирилиб қўлларини орқасига қайириб, оёқла-рини ерга тегизмай суриб кетишди ва юзидан қаҳр ёғилиб турган қирқ-қирқ беш ёшлар чамасидаги миқти гавдали, ялпоқ юз, танқа бурун одамга рўпара қилишди. Уни бир қарашдаёқ қабила бошлиғи эканли-гини билиб олиш қийин эмасди. Қўлида бошқаларниқидан қаттароқ камон, бошида ранг-баранг патлардан қилинган тож турарди. Унинг буйруғи билан жангчилардан уч-тўрттаси Зайдонийни тинтиб кўришди. Шубҳали нарса топиша олмаганларидан кейин қўлини бўшатишди. Ке-йин бараварига тилларини чиқаришиб, алла қанақа сўзни қайта-қайта такрорлашди.

Қирра бурун, юмалоқ юз, ўрта бўй, тўладан келган Зайдоний су-риялик бўлиб, машҳур этнограф олим эди. У бир вақтлар Ерда яша-ган қабилалар тил чиқариб саломлашганини эслади-да, дарров тилини чиқариб жилмайди. Маҳаллийлар маъқуллагандай бошларини қимир-латиб, бир-бирига қараб қўйишди. Зайдоний салом-аликдан кейин қўл ҳаракати билан, имо-ишоралар билан ҳеч қандай ғаразлари йўқлиги, дўст бўлиб келганликларини ва тезлик билан космомобиль остида кў-тарилаётган алангани ўчириш кераклигини жон куйдириб тушунтира бошлади: «Агар сал кечиксак, қа-арс ёрилиб кетади-да, у ер-дагилар ҳам, бу ерда турганлар ҳам ҳаммамиз,— у кўзини юмиб, ти-лини осилтирди,— ҳа, ҳаммамиз битта қолмай ҳалок бўламиз».

Қабила доҳийси аланга ичидаги баҳайбат учар уйга ташвишли на-зар ташлаб туриб, Зайдонийга қўлини бигиз қилди:

— Туанака?

Зайдоний тушунмаганидан елкасини қисди.

Доҳий жаҳли чиқиб, осмонни кўрсатаркан, овозини баландлатди:

— Туанака? Туанака?

— Ҳа, қаердан келганимизни сўраяпсанми? — Зайдоний йўқ маъносида бошини чайқади.— Биз бошқа томондан келганмиз. Ватанимизнинг номи — Ер! Туанакани билмайман.

Доҳий, тушундим, дегандай иягини қоқиб қўйди ва ёнида диққат билан қараб турган бурушиқ юзли, соч-соқоли оқ қабиладошига сўз қотди. Бу одам қабиланинг нуфузли аъёнларидан эканлиги билиниб турарди. Улар ўртасида дастлаб маслаҳат оҳангида бошланган суҳбат жиддий тус ола бориб можарога айланди. Чамаси, келгиндиларга ишон-ниш ва ишонмаслик устида эди жанжал. Охирида, қабила бошлиғи оқ соч одамнинг гапига кўнди. У бир оз тумшайиб турди-да, сўнг оғзига тикилиб турган жангчиларга ниманидир тайинлади. Жангчилар буйруқни олгани ҳамон югурганларича тўқай ичига тарқалиб кетдилар. Дам ўтмай ўрмонни одамларнинг қичқирӣқ-бақирӣқлари босиб кетди. Тумонат одам ёпирилиб чиқиб, жон-жаҳди билан ўтни ўчиришга киришиб кетди. Доҳий яна имо-ишорага тутинди:

— Энди сенларники қайтиб кетадими?

— Кўриб турибсан-ку, учар уйимиз мажақланиб ётибди. Тузатганимиз заҳоти кетамиз.

Қабила бошлиғи ўйланиб қолди. У бирор қарорга келолмасди. Оқ-соқол космомобиль томон бош ирғаб, неча киши эканликларини сўради.

— Мен билан ўн кишимиз,— икки қўлининг панжаларини жуфтлади Зайдоний.

— Чақир, ҳаммаси пастга тушсин. Ҳа, ҳа, менинг олдимга олиб келасан.

Фазогашталар космомобилдан тушиб, саф тортдилар. Виталий Альфредовичнинг қўлтиғидан Анна билан Элдор тутиб туришар, Иван Сидоровични Денис билан Раманажуна суяб олишганди. Доҳий, уларни бирма-бир санаб чиқди-да, ўзи олдинга ўтиб денгиз томон йўл бошлади. Шу жойда ерликлар қабила одамлари билан биргаликда ёниб турган гулхан устидан сакраб ўтиб, сўнг денгизда чўмилиб чиқдилар. Бу иримни ҳамсафарлари ёрдамида ҳатто Добронравов ва Благовешченскийлар ҳам адо этишди. «Инсу жинс»лардан холис бўлган фазогашталарни қабила доҳийси ўрмон тўридаги қишлоққа олиб кетадиган бўлди. Добронравов, Благовешченский ва юзи моматалоқ бўлиб кетган Кодзо Охисиларнинг илтимос, ялинишларига парво қилмай забардаст маҳаллийларга опичтирди-да, аллақасққа жўнатди. Уларнинг орқасидан эргашган Аннанинг фарёдига қулоқ солмай икки маҳаллий қўлидан ушлаб олиб келиб, шериклари олдига итариб юборди. У ўзини ўнглаб ўрнидан тураркан, қабила бошлиғи қўли билан таҳдид қилиб, нималарнидир пўписа қилди.

Малла соч, мовий кўз, оппоқ кулча юзли бўлиққина Анна Виталий Альфредовичнинг кенжа фарзанди эди. У отаси орқасидан кўз ёшларини тиёлмай қараб қолди. Дўстлари уни юпата бошлашди. Фазогашталарни ўртага олган маҳаллийлар сўқмоқ йўлдан тизилиб ўрмон ичига кириб кетишди. Қабила қишлоғига етиб келганларида қуёш ботай деб қолганди. Хас-хашакдан қилинган чайлалар ямаб-ясқалганлиги кўзга ташланиб турарди.

Фазогашталарни қишлоқ ўртасидаги шийпонга жойлаштиришди. Қабиланинг каттадан-кичиги шу ерда, баъзилар эрмак қилгандай тил чиқариб қўйишса, кўпчилик ўқрайиб тикилишар, уларнинг олдини соқчилар тўсиб турмаганда ур-калтак қилишдан ҳам тоймайдиган кўринардилар.

Эрта билан қабила бошлиғи Ер одамларини ҳузурига чақиртирди. Ўртадаги қалдиरोқ пўстақда яхлитлиғича ўтда пиширилган қандайдир

ҳайвоннинг нимтаси. Атрофига ҳўл-қуруқ мевалар тўкиб қўйилганди. Доҳийнинг чеҳраси очиқ, ўзини Шомжун, оқсоч қабиладошини Даман Дарай деб таништирди, сўнг ҳар бир меҳмоннинг номини алоҳида сўраб чиқди. Зиёфат илиқ фикр олишув билан давом этарди. Зайдоний ўзларининг учар уйларида ширин-ширин таомлар борлигини, ерликлар ҳурматли Шомжун ва Даман Дарайни меҳмон қилмоқчи эканликларини бир амаллаб тушунтирди.

Шомжун коҳинга саволчан назар ташлади. Унинг жилмайиб туришидан рози эканлигини билди ва бошини қимирлатиб рухсат этди. Зайдоний дарҳол ўнга яқин жангчи ва уларга бош бўлган паст бўй, жуссадор Қанзар исмли йигит ҳамроҳлигида йўлга тушди. Сайёра одамлари денгиз бўйига етгунча ётсирашни ҳам унутган эдилар, бироқ космомобиль ичига киришда ранглари бўзариб, чўчиб қолишди. Лекин Зайдоний бўш келмади. Ажойиб совғаларга қизиқтириб, нарвондан юқорига чиқишга қистади. Маҳаллийлар космомобиль ичига кирганларидан сўнг, умрида кўрмаган ажойиботларга кўзлари тушиб ҳадиксирашларини яшира олишмас, оғизлари очилиб бир-бирларига ваҳимали назар ташлаб қўйишарди. Аммо оғизда эриб кетадиган шоколад, қаймоқли печенъелардан дурустгина ошаганларидан кейин қўрқувни тамом нутишган, илжайишиб ким қанча еганини мақтанишга бошлаган эдилар. Зайдоний дарҳол ялтироқ антенначалари чайқалиб турган шлёмнинг бирини кийиб, иккинчисини Қанзарга узатди. Қанзар шлёмни қўлига олди, диққат билан айлантриб, салмоқлаб ҳам қўйди.

— Қиявер,— имо билан тушунтирди Зайдоний,— мана менинг бошимда ҳам турибди-ку.

Шериклари қизиқтириб турганидан Қанзар ҳадиксираса ҳам шлёмни бошига кийди.

Зайдоний бошидаги аппаратни чаққон унинг фикр тўлқинига созлади-да, очиқ чеҳра билан сўради:

— Мени тушуняпсанми?

Қанзар ақл бовар қилмайдиган ҳодисадан ўзини йўқотаёзган эди. У ҳовлиққанидан жавоб беришни ҳам, шерикларига ўз таассуротларини сўзлашни ҳам билмасди. Соқчилардан бири унинг бошига қўл чўзгандагина ўзига келган Қанзар унинг қўлини итариб жавоб беришга тутинди:

— Ҳа, ҳа, тушуняпман.

— Жуда яхши,— давом этди Зайдоний,— бошимиздаги оддий нарса. Мияда туғилган фикрни таржима қилиб, электромагнит тўлқини орқали суҳбатдошига узатади ва бошқаларнинг фикрини қабул қилади. Султонов деган олим ихтиро қилгани учун «Султонов электронмия аппарати»— СЭМА деб юритилади. Нима дейсан, иккимиз гапиришиб кўрсак қарши эмасмисан?

— Нима демоқчисан?

— Дўстим, Қанзар, қабиладошларинг бизга қандай муносабатда эканликларини билсак бўладими?

Қанзарнинг кўзи чақнади:

— Бундай масалаларни фақат йўлбошчимиз ҳал қилади. Кейин қабиладошлари олдида яширинча гаплашиш бизда жиноят ҳисобланади.

— Айт-чи, Шомжун бошимиздаги аппаратни кийиб, биз билан гаплашишга рози бўлармикан?

— Мен қистасам, кўнса керак. Чунки унинг энг ишонган одами-ман.

— Бўпти, Қанзар.

2

Катапульта отиб юборган космомобиль борт-инженери Туронбек парашютда тушиб бораркан, сайёра юзидан кўзини олмасди. Бепоен тўқай ва ўрмонзорлар қорайиб кўринади. Уфққа туташиб кетган денгиз симобдай ярқираб кўзни олади. Узоқларда юксак тоғлар, аммо шаҳару иншоотлардан асар йўқ.

Туронбек денгизга тушсам керак, деб тахмин қилган эди, лекин бирдан бошланган шамол гоҳ кучайиб, гоҳ секинлаб уни қалин ўрмон томон суриб борди-да, баланд дарахт учига илинтирди.

Туронбек нотаниш ўрмонга тўсатдан тушмасликка, шу осилганча кутишга аҳд қилди.

Бир оз туриб уфқдан қорайиб булут пардаси кўтарилди-да) бир зумда осмонни ўраб олди. Чақмоқ кўзни қамаштириб, момақалди роқ гулдуросидан олам ларзага келди. Шаррос бошланган ёмғир шу қуйганича тун ярмидан ўтгандан кейингина тинди. Сокин ва сирли ўрмон сукунати нимадир ўқтин-ўқтин бузиб қўяди. Туронбек ноквизатор¹ орқали ҳаммаёқни кўздан кечириб чиқди. Кўкрагидан жажжи рацияни ишга солиб, «Яхши умид»ни чақира бошлади. Лекин жавоб келмади. Шу пайт шлемфонда аллакимларнинг нотаниш тилда гапиришаётганлари эшитилиб қолди. Улар ниманидир сўраётгандай уч-тўрт сўзни қайта-қайта такрорлашар ва жавоб беришни қисташаётгандай бўлишарди. Туронбек индамай туравергач, бирови овозини кўтариб пўписа қилди-да, жим бўлиб қолишди. «Булар ўша тажовуз қилганлар бўлса керак!» Туронбек, шуни ўйлар экан, пишқирган овоздан чўчиб бошини кўтарди, дарахт шохларига ёпишиб олган ёввойи мушукка ўхшаш йиртқич ҳайвонлар ириллаб яқинлашмоқда эдилар. Туронбек дарҳол нуротгар тўппончасини олди, лекин тепкини босишга улгурмаёқ осиглиқ парашюти билан сирғалиб пастлай бошлади. Парашют соябони устидан оғир бир нарса нохуш тириллаган овоз чиқариб силжиди-да, шалоп этиб ўзини пастга ташлади. Кўринишидан улкан бўлма илонга ўхшаб кетадиган махлуқнинг ола-чипор танаси ерга тегай деганда боши билан юқори кўтарила бошлади. Қорни оппоқ, тимсоҳларникидай калта оёғи теккан жойига чиппа ёпишар, думи эса ҳамон тепада, дарахтга чирмашган эди. Шердек ўкирганда оғзидан одам эмас, ундан каттароқ нарса ҳам бемалол ўтиб кетаверадиган эди. Туронбек ўзини тутиб, унинг бошини нишонга олди ва телкини босди. Махлуқ шох-шаббаларни сидириб, гурсиллаб ерга тушди. Атрофга қандайдир жимжитлик чўкди. Боя ўраб келаётган майда йиртқичларнинг қораси ҳам кўринмасди. Лекин хотиржамликка асос йўқ эди. Чунки, ёвуз одамларга у ўзининг қаердалигини рация орқали билдириб қўйганди. Туронбек скафандрини орқалаб, қорайиб кўринган тоғ томон йўл олди. Шовуллаб оқаётган бўтана сел сувини кечиб, эски ўзандан тўқайзорга чиқди. Қалин бутазор илдам юришга қўймас, ялангликларда эса тўпиғидан лойга ботарди. Нойлож елкасидаги юкни ташлади. Керакли нарсаларни чўнтагига солиб, изини чалғитиш учун ён томонга қараб кетди. Тошлоққа чиқиб олганда тонг ота бошлаган эди. Тоғ этагига етгач, бир ўнгирга тушиб, нафасини ростлаш учун ўтирди. Дастрўмолини олиб юзини артаётган эди, ярқираган нарса кўзига чалинди. Уфқ чизигидан анча юқорида, тиниқ осмонда, овоз чиқармай икки вертолёт учиб юрарди. Вертолётлар парашют қолган жойда бир оз тўхталиб, сўнг яқин кела бошладилар.

Туронбек ўзини панага олиб, кузатишни давом эттирди. Вертолётлар скафандр ташланган жойда ҳам пастлаб, анча туришди. Сўнг икки-

¹ Ноквизатор — тунда атрофни кўрсатадиган асбоб.

си икки томонга жадал ажралиб остиларида кўзни қамаштиргудай нур ярқ этди-да, тўқайда аланга кўтарилди. Хўлу қуруқ бараварига ёна бошлади. Куйган жониворларнинг чинқирғи тутунга қўшилиб кўкка кўтарилди. Тўқайзор кулга айланди. Вертолётлар ёнғин узра бир оз айланиб, келган томонларига учиб кетишди.

Туронбек сийрак бутазор қоплаган адирларга қараб анча ўтирди. Бирдан унинг назари ўнг томондаги адир устида буталар қимирлаётганини сизди. Бир оз туриб бута ёнида жингалак соч, қора одам кўринди. Елкасида камон, белидаги тасмасига уч-тўртта ўқ қистириб, найза ушлаган бу жангчининг орқасидан бошқалар келаётган бўлса керак, фоз туриб, келаверишга ишора қилди.

«Чақириб кўрсаммикин? — ўйлади Туронбек. — Йўқ, қочвориши мумкин. Нуротардан йиқитсам-чи? Унда бирор кор-ҳол орттириб қўяман». У ўртани тўсиб турган тош орқасидан чиққан ҳам эдики, қаёқдандир пайдо бўлган йўлбарсга ўхшаган йиртқич қора одамга ташланиб уни босиб тушди. Туронбек йиртқични нуротардан йиқитаркан, ёрдамга шошди. Жангчи жонидан умидини узиб, кўзи юмуқ, қимирлашни хаёлига келтирмай ётарди. Бир оз туриб қўрқа-писа кўзини очди-да, Туронбекни кўриши билан даст туриб кетди. Бир кўзи йиртқичда, бир кўзи Туронбекнинг қўлидаги бинтларда эди.

— Сени қўрқитиб юбордим шекилли, ҳозир икковимиз оғайни бўлиб оламиз...

Рангида қон қолмаган жангчи оҳиста тисарилиб бораркан, бирдан орқасига ўгирилди ва овозининг борича бақириб адир орқасида ғойиб бўлди.

— Тентак! — жаҳл билан тупурди Туронбек. — Қочиб нима қиласан?

У жангчининг қолиб кетган найзасини олиб адир устига чиқиб борди. Ёнғинда куйган ҳайвонлар гўштини йиғиштириш учун келган қабилла одамларининг ўлжаси, қуроллари у ер-бу ерда сочилиб ётарди. Афтидан, жангчи шерикларининг ҳам ўтакасини ёриб юборганди.

Туронбек атрофдан кўзини олмай тўқай четидаги эски ўзандан бошланувчи ўрмон тарафга юрди ва шу жойда кутмоқчи бўлди. Чунки қора танлилар ўлжа ва қуроллари ташлаб кетмасликларини билар эди.

Орадан икки соатлар чамаси ўтгач, адир устида яна бояғи жангчи пайдо бўлди. Туронбек шошиб ялангликка чиқди ва икки қўлини оғзига қўйиб қичқира бошлади:

— Хў-хў-хў!..

Жангчи уни кўрдию орқасига қараб ишора қилди. Узи шошмасдан пастга қараб юра бошлади. Дам ўтмай ўттиздан ортиқ ўқ-ёй, найза билан қуроолланган қора танлилар Туронбекни ўраб олишди. Улар кафтларини ёзиб кўрсатиб, алланималар деб ғўлдирашди. Туронбек уларнинг нима демоқчи эканликларини тушунди ва у ҳам панжаларини ёзиб кўрсатди. Шу пайт орқа томонидан бир тўп қора танлилар тўсатдан ташланишиб уни босиб олишди. Қўлини орқасига боғлаб, тантана аломати бўлса керак, хаҳолаб ирғишлай бошладилар. Ўлжа ва асир билан қайтган омадли жангчиларга қишлоқ аҳли пешвоз чиқди. Каттаю кичикнинг кўзи Туронбекда. Уни эллик ёшлар чамасидаги бурушиқ юзли қабила доҳийси ҳузурига олиб бордилар. Доҳий саккиз киши елкасида кўтариб турган тўқима кажавода ўтирарди. Жангчилар Туронбекнинг қўлини ечиб, ўзлари орқага ўтдилар.

Қирра бурун, қуюқ қош ва сочлари қоп-қора, буғдойранг, яғриндор, ёши ўттизларга бориб қолган асирга тикилиб қолган доҳий негадир елкасини учуриб қўйди.

— Никора, доҳий, — деди буёққа чиқиб, сўнг Туронбекни кўрсатди.

— Туронбек,— жавоб берди асир,

Доҳийнинг чеҳраси очиқ, кўзини маънодор қисиб қўйиши Туронбекнинг қалбида умид учқунлари пайдо қилган эди. У доҳийнинг имо-ишораларини ўқиб олишга тиришар, ҳар бир саволга аниқ жавоб бериш учун ўзи ҳам имо-ишораларга берилиб кетарди:

— Сеники Туанака? — доҳий осмонни кўрсатди.

— Йўқ, Туанакангни билмайман.

— Ҳмм,— доҳий кўзларини пирпиратиб жим қолди.

Бу қабила Туанака сайёрасидан келган одамларга тобе эди. «Яхши умид», кемасига ҳам ҳужум қилганлар шу туанакаликлар эди. Доҳий қаршисида турган одамнинг хўжайинларидан эмаслигини билиб олган эди. Нима қилсин? Улдиртириб юборса хўжайинлардан балога қолмасикин? Улардан бирортаси келгунча сақлаб турса-чи? Доҳий шу фикрга келиб, фармонини кутиб турганларга алланималар деди. Бир неча киши шох қалаштириб ўт ёқишга киришди. Уч-тўрт киши катта тошни думалатиб келиб, ялпоқ томонини тепага қилиб қўйишди. Унинг олдида тош босқон кўтарган жангчи ҳам пайдо бўлди. Туронбекни тинтишиб ёнида бор нарсаларини бир қалқон устига ўйишди ва жангчилардан бири уни кўтариб бориб доҳийнинг олдига қўйди. Доҳий нарсаларни кўздан кечириб дудама пичоқни ёнига олиб қўйди, бошқасини яна қалқонга ташлаб, тош томон қўлини чўзди. Доҳийнинг қандай буйруқ қилгани равшан эди. Туронбек қўл-оёғидан ажралиб қолаётгандек жон-жаҳди билан қалқондаги буюмларини кўтарган жангчининг йўлини тўсмоқчи бўлди. Лекин соқчилар уни кўкрагидан итариб, четга олиб чиқиб кетдилар. Нуротар тўппонча, жажжи рация, соат, компас, ҳатто тамадди ўрнини босадиган тугмача-тугмача шаклдаги дориларгача тош босқонда майдаланиб, сўнг ўтга улоқтирилди. Туронбекни одамлар қуршовида ечинтириб, дағал жундан тўқилган калта иштон кийдиришди. Фазогир кийимларини эса ҳали ўчиб улгурмаган гулханга ташлашди. Ўзини оёғига кишан уриб, бир чайлага қамаб қўйишди.

3

Маслаҳат чайласида фазогашталар билан қабиланинг катталари давра қуришган. Зайдоний ва Шомжуннинг бошида СЭМА.

— Сизлар осмондан тушгансизлар-а? — суҳбатни сўроқдан бошлади Шомжун.

— Ҳа, осмон бўлиб кўринган коинот тўридан.

— Қандай мақсад билан келдиларинг?

— Биз осмоннинг узоқ томонларидаги сайёраларда ҳам одамлар яшашини тахмин қилардик. Улар билан учрашиш орзусида эдик.

— Фақат шугинами?

— Кейин улар билан дўстлик алоқасини ўрнатиш.

— Буниси ёлғон,— Шомжуннинг ранги оқарди,— фақат ишларинг битгунча тилёғламалик қилиб турсанлар. Кейин ўз билганларингни қилаверсанлар, шундайми?

Зайдоний ҳайрон бўлиб қолди. Сабабини сўрагунча бўлмай доҳийнинг ўзи изоҳ беришга тутинди:

— Сенлардан олдин келган туанакаликлар ҳам аввалига ёмонлигимиз йўқ, сенларга ёрдам бергани келдик, деб бизни алдашган. Эркакларга пичоқча, хотинларга ялтироқ мунчоқлар совға қилишган. Аммо ўзларига қалин деворли уй қуриб, атрофни одам тегса кўмир қилиб қўядиган қатор-қатор темир арқонлар билан ўраб олганларидан кейин бизларни қўл қилишга ҳаракат этди. Бўйин товламаганларни аямади. Азоб жонимиздан ўтгандан кейин ота-боболаримизнинг обод

ерини ташлаб бу томонларга қочишга мажбур бўлди,— Шомжун тўхтаб бир оз ўзини босиб олди ва таъкидлаб давом этди.— Энди алданмаймиз. Агар измимдан чиқмасаларинг кун кўришларинг мумкин.

Бир сайёрада ибтидоий қабила билан бир қаторда юқори даражада тараққий этган одамларнинг ёнма-ён яшаш жумбоғи ерликларга аён бўлган эди. «Яхши умид»га ким шикаст бергани ҳам равшан эди. Зайдонийнинг кўнглига қоронғилик чўкди.

— Туанакаликлар қаерда туришади? — сўради у.

— Анча узоқ. Чопиб борса ўн беш кунда етса бўлади.

— Улар кўпчиликми?

— Келиб-кетиб турганлари билан йигирмадан ошади.

Зайдоний ҳалокат ёқасида турганларини ўйлаб, доҳийга тикилди:

— Бизга учар уйимизда иш олиб боришга ҳозироқ рухсат этишингга тўғри келади.

— Қандай иш?

— Бизни туанакаликлар ҳалокатига учраганимизни биласан. Омон қолганимизни сизди — қараб турмайди. Синган, бузилган қуроолларимизни тузатиб олсак, ҳар қандай душман ҳужуми бизга зарар етказа олмайди. Ўзинг ҳам жиддийроқ ўйлаб кўр. Биз туфайли сенларнинг бошингга ҳам кулфат тушиши аниқ. Ахир сен қабиланинг йўлбошчисан-ку.

Шомжун бошидан СЭМАни олиб хаёлга толди. Даман Дарай буларнинг нима ҳақда гаплашаётганларини билишга ошиқарди, ўзини тутиб туролмай доҳийни гапга тутди. Улар узоқ маслаҳатлашиб олганларидан кейин Шомжун аппаратни бошига илиб, жиддий оҳангда Зайдонийдан сўради:

— Гапингга ишонса бўладими, алдамаясанми?

— Сен Ер одамларидан хотиржам бўлавер.

— Аввалига душманлик қилганимиз учун кек сақламайсанларми?

— Ҳаммаси англашилмовчилик туфайли рўй бераётганини билиб турибмиз.

— Унда мен обдан ўйлаб кўришим керак. Жавобини кейинроқ оласан. Бу ҳақда гап тамом. Бошқа арзинг йўқми?

— Яна битта илтимосимиз бор. Бизлардан ажратган шерикларимизни тезлик билан олиб келиш керак.

— Йўқ,— Шомжуннинг кўзи чақчайди,— уларга ёмон жин илашган. Агар бу ерга келтирсак, улардаги ёмон жинлар бошқаларнинг жонини ҳам олиб кетади.

— Ўзимиз жинлардан қутултириб оламиз.

— Мақтанчоқлик қилмаяпсанми? Ҳамма нарса қўлимиздан келаверади дейсан? Сен билан гап тамом. Шерикларинг тўғрисидаги арзингни ана Даман Дарайга айт,— Шомжун жаҳли чиқиб бошидаги СЭМАни қоҳинга узатди. Қоҳин Зайдонийнинг илтимосини диққат билан тинглаб, бош чайқади:

— Мумкин эмас,— деди мулоим жилмайиб. — Биз жин илашган одамларни ўрмон тўридаги жинлар маконига ташлаймиз. Ажали етмагани қайтиб келади. Уни биз онадан янги туғилган ҳисоблаймиз. Янги от қўйиб, катта базм ўтказамиз. Агар бирортаси жиндан халос бўлмай туриб келиб қолса, энг яқин қариндоши кўпчилик олдида бошига тош билан уриб ўлдирлади. Ҳа, шунақа. Мен шерикларингни бориб кўрай, соғайиб кетишган бўлса, ўзим бошлаб келаман.

— Бизда жинларни қувадиган нарсалар бор. Уларга етказмасак қийналиб ётишаверади,— бўш келмасди Зайдоний.

— Майли,— деди Даман Дарай,— қоҳинларингнинг каромати зўр бўлса, жинлар маконига бориб олишиб кўраверади. Лекин ҳар гал қишлоққа қайтишида ўтдан сакраб, сувга тушиб келиши шарт.

«Яхши умид» экспедициясининг врач Вероника шу ондаёқ йўлга чиқди. Унга йўл кўрсатув учун Қанзар билан уч-тўртта жангчи ҳамроҳ бўлишди. Кўрсатмалар бериб, орқаларидан қараб қолган коҳин улар кўринмай кетгач, СЭМАни бошига илиб, Зайдонийга жилмайди:

— Худонинг арзандаси экансизлар,— деди бошини сарак-сарак қилиб.— Бўлмаса битта ҳам илтимосингга қулоқ солмаган бўлардик.

— Наҳотки биз арзанда бўлсак?

— Ҳа-ҳа, ҳайрон бўлма,— жиддий туриб давом этди Даман Дарай.— Қара, аввал учар уйлари омондаёқ аланга ичида жинлардан халос бўлди. Кейин денгизга тушиб покиза бўлиб чиқди. Тепадан тушган одамлардан аламзада бўлганимиз учун учар уйлари нини ёндириб юбормоқчи бўлгандик. Худо шамолни юбориб, жаласини ёғдириб ўт ёққани қўймади. Бир илож билан аланга олдирган жин тарқатувчи оловимизни ҳам ўчириб қўйди. Тонгга яқин қорамоё сочиб не машаққатлар билан ўт қўйсак, аланга ичидан ҳеч нарса билмагандай чиқиб келдиларинг. Ўзинг айт-чи, худо паноҳига олмаса, шунча фалокатлардан омон чиқармидиларинг?

Зайдоний унга қаршилиқ билдирмади-да, гапни космомобиль бортинженерини суриштиришга бурди. У парашют тузилишини яхшилаб тушунтириб коҳиндан сўради.

— Ҳозир мен айтган нарсада осмондан тушган одамни кўрмадиларингми?

— Йўқ,— жавоб берди лабларини буриб,— унисини кўрмадим.

□

Вероника лоладай қизариб-бўртиб кетган, ёноғидан тинмай тер қуйилар, қанчалик жадалламасин ички бир нидо янада илдамроқ юришга даъват этиб турарди.

У космомобилдан зарур дори-дармонларни, шунингдек, бир неча қути ширинлик олиб тушди. Ширинликларни кузатиб бораётганларга улашиб, уларнинг кўнглини юмшатгандек бўлди.

— Энди югурмайсан, — деди Қанзар совгадан татиб кўриб, Верониканинг қўлидаги юкларни олиб шерикларига кўтартираркан.— Қара, ҳалигача нафасимизни ростлолмаямиз.

Улар ўрмон ичига кириб кетишди.

Ўрта бўй, оқмағиз нозиккина бу жувон Адриатик денгизи бўйида улғайди. Шифокор бўлиб етишди. Не-не йигитларнинг илтижоларини рад этиб юриб, ўз қўлида даволаниб чиққан олим йигит Шавкет Дамиржигга қалбини тутди. Лекин космомобиллар синовчиси бўлган эри тажрибалардан бирида ҳалок бўлди. Вероника Истамбулда қолиб, танҳоликда кун кечираётганда «Эридан» экспедицияси ҳақида хабар тарқалди...

Тўрт чақиримча чамаси юриб, «жинлар маконига» яқинлашган сари кузатувчилар кўзлари ола-кула бўла бошлади. Охирида улар буткул тўхтаб, Қанзар қанчалик зўрламасин олдинга юришдан бош тортдилар.

— Энди ўзинг бораверасан,— деди ноилож қолган Қанзар, сўнг қўли билан кўрсатиб тушунтирди.— Шу ёққа кетаверасан-кетаверасан. Биз сени шу жойда кутамиз. Билиб қўй, борасану қайтасан. Қунни қара, кеч бўлиб қолди.

— Раҳмат.

Вероника қуёшни чамалаб йўлга тушди. Юк оғир, қалин буталар илашар, ботқоқ эса сўнгги мадорини ҳам суғуриб олаётгандай бўларди. Бирдан у очиқ мозор олдидан чиқиб қолиб тўхтади. Ҳар қадамда катта-кичик одам суяқлари, йиртқич ҳайвонлар чала ғажиган мурдалар ётарди. Бадбўй ҳаводан нафас олиб бўлмасди. «Наҳотки уларни шун-

дай жойга олиб келиб ташлашган? Ё адашдимми?» Даҳшатдан юраги орқасига тортиб, овозининг борича қичқира бошлади:

— Вита-алий Аль-фре-дович!.. Иван Си-и-дорович! Код-зо О-хи-си!

Унинг йиғламсираган овози сокин ўрмон ичра бир неча бор акс садо бериб тинди. Яна ваҳимали жимлик бошланди. Шу пайт узоқдан Кодзонинг овози эшитилди.

— Ве-ро-ни-ка!!!

Кодзо билан Вероника бир-бирларини чақира-чақира кўл бўйида учрашдилар.

— Улар қани? — нафаси тиқилиб сўради Вероника.

— Яқинда, — Кодзо Верониканинг қўлидан юкларини олди. Жадал юриб ўрмон четига чиқдилар. Вероника тик қараб турган Виталий Аль-фредовичнинг бағрига отилди-да, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Ҳол-аҳвол сўрагунча бўлмай, нарироқда, қуруқ хашақлар устида ётган минерологни кўриб унга югурди.

— Иван Сидорович, тузукмисиз? — сўради Вероника тиз чўкиб.

— Ёмон эмас, — зўрға жавоб берди Иван Сидорович. Қотма, новча, бўлган бу одам шу топда суяклари чиқиб, янада пайковлашиб кетган-дек эди. — Сизлар-чи, тузукмисизлар?

— Ҳамма яхши. Сиз хавотир олманг!

Вероника ҳаммасини инфекцияга қарши эмлаб, соғлиқларини текшириб чиққунча бўлган воқеаларни айтиб берди.

— Туронбекдан хабар борми? — сўради Виталий Альфредович.

— Бирор аппаратга қўл теккиздиршмаяпти, — деди фиғони ошиб Вероника.

— Сутдан оғзи куйган — қатиқни пуфлаб ичади, дейдилар, — вазмин гап бошлади Виталий Альфредович. — Қабила одамлари туанакаликлардан юрак олдириб, бизлардан эҳтиёт бўлишларига ажабланмас бўлади... Сиз дарҳол қайтишингиз керак. Доҳий шубҳага тушмасин. Мен ва Кодзо соппа-соғмиз. Иван Сидорович ҳам дори-дармондан кейин оёққа туриб кетар. Энг муҳими, азизам Вероника, экспедициянинг тақдирини Бунини ҳеч бирингиз унутмаслигингиз керак.

Ёши олтмишдан ошганига қарамай, малла сочларига энди оқ оралай бошлаган, кенг пешонали, мовий кўз, барваста, истараси иссиқ экспедиция бошлиғи астроном Виталий Альфредович Добронарвовни ҳамма ўз отасидай биларди. Унинг талаби туфайли, сафарга чиққанларидаёқ ҳар ким ўз ихтисоси бўйича қисқа программада экспедициянинг бошқа аъзолари билан машғулот ўтказиб, имтиҳон олган эди. Ана шу нарса ҳозир асқатиб қолди. Вероника Кодзога қандай укол қилишни тайинлади ва йўлга тушди.

□

Ноғора овози қишлоқ аҳлини ўртадаги майдонга чақиринишда давом этар, йиғилган одам ҳам анча-мунча эди.

Ўртадаги гулхан атрофига ёшгина ўспиринлар саф тортишганди. Уларни қабила жангчилари сафига қўшиш имтиҳонлари кутарди. Қабилаининг мард жангчиси бўлиш осон эмас: этини тилиб юборганларида ёки чўғ устидан юриб бораётганда гинг этмаслик, узоқ масофаларга дам олмай югуриш, мерганлик, яккама-якка олишув машқлари. Бир неча кунга чўзиладиган маросимнинг сўнггида ўспиринни ўрмон тўрига олиб боришарди-да, биргина найза бериб танҳо қолдириб кетишарди. Агар у эрта билан омон-эсон қишлоққа қайтса, тантана билан жангчилар сафига қабул қилишар ва оила қуришга рухсат беришарди.

Чўғ устида юриш машқи бошланди. Шомжун лахча чўғ устидан диркиллаб бораётган болаларни кузатиб тураркан, ҳаллослаб Даман Дарай келиб қолди.

— Ҳа, тинчликми, қария? Эрталабдан бери дарагинг йўқ,— деди унинг авзойига қизиқсиниб қараб.

— Жинлар маконига бордим,— деди нафасини ростлаб қоҳин.— Осмондан тушган одамларни кузатдим. Бошлиғи билан паканасидан жин кетган, аммо ўқ егани чўзилиб ётибди.

— Уқнинг нишини заҳарга обдан белаган эдим-да. Яхшики сонини мўлжалга олмаганман. Жон жойига отганимда тил тортмаган бўларди.

— Ҳар қалай, кек сақламайдиган одамлар кўринади. Бўлмаса сен билан менинг қаттиқ туришимизга қулоқ солишмасди. Ақалли орқаворатдан ҳам бизга кеклари борлигини сезмаяпман.

— Сен қандай деб ўйлайсан, учар уйларида иш қилишларига рухсат берсам, охирида бир кор-ҳол чиқмасмикин?

— Буларни худо азиз қилганини билиб турибман. Худо азиз қилган одамлар ёмон бўлмайди. Бизга душман бўлган туанакаликлар буларнинг ҳам душмани бўлгани учун ҳадиксирамасанг бўлади. Қанийди, буларнинг гапи чин бўлса, душманзимизнинг тумшугини, армондан чиқиб, тошга ишқасак.— Қоҳин жим қолиб кейин қўшиб қўйди.— Яна ўзинг бил. Қабиланинг тақдири сенинг қўлингда.

Шомжун ерликларнинг илтимосини қондирди.

Комсомобилни тиклаш қизиқ кетди. Иш бошида турган прагалик кибернетик олим Мирослав ҳаммага иш топиб берарди. Радио-телевизион алоқа инженери ҳиндистонлик Раманажуна, барвастандан келган лейпциглик табиатшунос — Денис Воген, чуваккина, қорачадан келган Элдор, Зайдоний ва Аннагача ишдан бош кўтаришмайди. Ҳатто Виталий Альфредович ҳам тиңч турмасди. Назоратчи маҳаллийлар, ҳар бир асбобнинг нимага кераклигини суриштираверишиб, тоза ғашга тегишди-ю, кейин ўзлари ҳам қизиқиб кетиб қараша бошлашди. У-бу нарсани ташишганда ёрдамлари текканидан ўзларида йўқ хурсанд бўлиб кетишарди: Фақат Вероникагина тиклаш ишларида кам кўринарди, у Иван Сидоровичнинг бошидан нари кетолмасди.

Ниҳоят, мутгасил тахлика остида ўтган дамлар тугади. Объект-визор ва дахлсизликни таъминловчи мудофаа воситалари тикланди. Беш юз чақирим радиусдаги истаган нуқтага йўналтирилган инфрақизил нурлар хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин, экранда аниқ тасвир берар, мудофаа воситасида эса шу радиусдаги ҳар қандай тажовузкор моддани кулга айлантириб юборишга қодир эди.

Мирослав объектовизор мурватини бурай бошлади. Ҳамманинг нигоҳи экранга қадалган. Аппаратларнинг ғўнғиллаган овози-ю, тоғу тошлар, денгиз ва ўрмонлардан бошқа нарса кўринмайди.

— Лаънати туанакаликларнинг ини ҳийла узоққа ўхшайди,— жимликни бузди Дениснинг овози.— Агар кўриб туриш имконияти бўлганда ажойиб иш бўларди-да.

— Афсуски, космомобилни жилдираб бўлмайди,— жавоб берди Мирослав.— Бўлмаса босган изигача кўриб турардингиз.

— Ҳали ҳам чакки эмас,— мамнун жилмайиб қўйди бошлиқ.— Беш юз чақирим радиусдаги ҳар қандай тажовуздан ҳоли бўлишимиз ва бунга вақтида эриша олганимиз катта гап. Раманажуна, сиз энди эфирга чиқаверинг! Туронбекдан хабар топишга ҳаракат қилинг!

4

Фувапролдж Сурбасакен ён дафтарига ёзган нарсалар рўйхатини қайта-қайта кўздан кечирар, трубка тутатиб хаёл суриб кетарди.

Новча, қотмадан келган, чўзиқ юзию бўйнигача қизғиш сепкил тошган ва ёши олтмишлардан ўтиб қолганига қарамай чайир, ҳара-

катчан бўлган бу одам Туанака сайёрасидаги саноқли давлатмандларнинг бири эди. Ядро энергияси соҳасидаги рақобатда сайёранинг деярли ярмига эгаллик қилар, ҳокимият олдида ҳам нуфузи чакки эмасди. Бироқ энергия берувчи маъданларнинг камайиб бориши унинг омад ва шуҳратига тобора путур етказа борди. Охир-оқибат миллиард сўмлар сарф қилиб қурилган реакторлари бири кетидан иккинчиси ишдан тўхтар, оддий темир-терсакка айланар эди. Худди мана шу пайтда Туанака фазогирлар уюшмасидан ўзга галактикада одам яшайдиган сайёра топилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитди-ю, саробдай тутқич бермаётган бахт яна унга пешвоз келаётгандай бўлиб кетди. Бошқа биров илиб кетмасидан олдин фазогирлар уюшмаси талаб қилган нархга савдолашиб ҳам ўтирмай, экспедиция қилиш ҳуқуқини сотиб олди. Саноатчилар билан таъминот хусусида шартнома тузиб, керакли одамларни ёллаб, катта умидлар билан парвоз қилган эди.

Янги дунё Фувапролдж кутганидан ҳам ортиқ бўлиб чиқди. Қўл тегизилмаган табиий бойликлари, қул қилиб ишлатиш мумкин бўлган ибтидоий қабилалар — ҳаммаси кўнгилдагидек эди. У денгиз бўйидаги баҳаво жойни танлаб, бу ерда азалдан яшаб келган манай қабиласини ҳайдаб юборди-да, қароргоҳ қурди. Қароргоҳ Янги Туанака деб номланди. Янги дунёнинг мўътадил ҳавоси, гўзал табиати, бойликларидан маст бўлган Фувапролдж уни Зумрад деб атай бошлади.

Фувапролдж ёллаган мутахассислар Зумрадга келган кунларидан иш бошлаб юборгандилар. Радио-алоқа иншоотлари тикланиб бўлгунчаёқ уран моддаси бор жойларни аниқлашиб бўлишган эди. Орадани бир йилдан ортиқроқ вақт ўтганда Туанакадан келтирилган тайёр заводлар ёрдамида уни тозалаб, ғамлашга, бошқа қимматбаҳо металл ва тошларни теришга киришиб кетилганди.

Фувапролджнинг мақсади бир неча ўн йилларга етадиган хом ашё ва зеб-зийнат тошлардан кемасига сиққанича олиб кетиш эди. Кейинчалик эса Зумрадда доимо «эмиб» турадиган шаҳар яратиб, сайёрага мутлоқ ҳукмдор бўлиш ниятида эди.

Ишлари гуркираб бораётган пайтда «Яхши умид»нинг пайдо бўлиши Фувапролдж Сурбасакенни талвасага солди. Номанум фазовий кемада кимлар бор, нима мақсадда келишаётганини билишни истамас, ўзга олам одами янги Зумрадга қадам қўйишини хаёлига келтиролмасди. Шунинг учун «Яхши умид»ни ўз наздида гумдон этиб, тўғри иш қилганди. Кеманинг парчалашиб, одамларнинг ҳалок бўлганига гумон қилмаса-да, бу воқеадан кейин баттар ҳушёр тортган ва тиштирноғигача қуролланиб ким бўлмасин яқин йўлатмасликни кўнглига қаттиқ тугиб қўйганди.

У рўйхатни яна бир бор кўздан кечириб, ҳузурига ёрдамчисини чақиртирди. Паст бўй, этдор юзи йилтиллаб турган, семиз кибернетик инженер, айни вақтда маъмурий ишлар бўйича ёрдамчиси — Гоуд Голлс бағбақасини осилтириб кириб келганда Сурбасакен индамай креслога ишора қилди;

— Катта объектовизор тузалдими? Наҳотки шунини тўғрилаш қийин бўлса? — кетма-кет савол ёғдирди у, Гоуд креслога ўтиргач.

— Антеннанинг энг ноёб элементи бузилган. Эҳтиёт қисм бўлмагандан кейин чорасини қилиб бўлмади-да.

— Лаънати, келгиндилар кемасини уриб туширган кунимиз ишдан чиқадими, а? Уларнинг асфаласофин бўлганини ўз кўзим билан кўришим керак эди! — деди янада заҳрини сочиб Фувапролдж ва қўлидаги қоғозга сурди.

— Чакана эмас, жаноб Сурбасакен, — деди қоғозни кўриб Гоуд ҳайратдан бош чайқаб, — ёллайдиган одамимиз яқин тўрт юз кишига бориб қоляпти! Шусиз ҳам тайёр ашё юкланган экипажни жўнатиш

учун икки-учта фазовий кема эмас, бутун бошли эскадрилья керак бўлади!

— Парво қилманг,— Фувапролдж қўл силкиди.— Бунақа эскадрильялар бундан буён мунтазам қатнайверади. Одамлар кўпайишидан асло хавотир олманг. Улушингиз ошса ошадики, асло камаймайди. Дарвоқе, бундан буён рация олдиға бир неча кун ўзингиз ўтирасиз. Валакисаланг радистингиз қачон қарасам, оёғи чалишиб юрган бўлади. Бу аҳволда бизни бир кунни доғда қолдириши ҳам ҳеч гап эмас...

Фувапролдж Сурбасакен гапини тугатар-тугатмас эшик зарб билан очилиб, радистнинг ўзи кириб келди:

— Жа-жаноб Сурбасакен, э-эфирда номаълум ра-диосигнал! — деди нафаси бўғзига тиқилиб, ранги ўчган ҳолда.

— А?! Қанақа радиосигнал? Қаердан эканлигини билдингми?

— Олдин хабар қилиб қўймоқчи бўлдим!

Фувапролдж йўлакка отилиб чиқар экан, радистни туртиб, йиқитиб юборай деди.

Улар ҳарсиллашиб радио-телевизион кабинетига кириб келганларида «ти-ти»лаган товуш тинимсиз такрорланиб турарди. Радист аппарат клавишларини бирин-кетин чаққонлик билан босиб, сўнг бошини кўтарди:

— Яқиндан, денгиз ортидан келяпти.

Фувапролджнинг заҳил юзини ваҳима босди, совуқ кўк кўзида ғазаб алангаланди. Зўраки тиржайиб ёрдамчисига минғирлади:

— Бунисига нима дейсиз, жаноб Гоуд? Парашютдан тушгани эр-тароқ ҳаракат қилиб, тўқайдан чиқиб олганмикин?

— Бу уларнинг кемасидан келяпти,— аппаратга тикилиб туриб жавоб берди Гоуд.

— Тушуниб бўлмайдиган жумбоқ,— Фувапролджнинг сариқ қошлари учиб-учиб кетди. Осмону фалақдан қулаган кемада жон эгаси омон қолишига ақлим сира етмайди.

— Оламнинг бир бошидан келишга қодир бўлган одам анча-мунча эҳтиёт чорасини кўриб қўйганига ажабланмаса бўлади.

— Хўп, бу фикрингизга қўшилайин,— қизишиб давом этди Фувапролдж.— Тирик қолиши мумкиндир. Лекин тагидан ўт қўйган манайлар бирор кимсанинг кемадан чиқаётганига лоқайд қараб туриш-димикин? Улар келгиндиларни кўришга кўзи қолмаган-ку! Назаримда кемада роботлар бор. Бу сигналлар ўшаларнинг иши.

— Йўқ,— кескин рад этди Гоуд,— роботлар бўлса кема ҳалокатга учрагандаёқ ишга тушган бўларди. Унда одамлар бор. Бир иложини қилиб, маҳаллийлар юрагига йўл топиб омон қолганми — ҳар ҳолда одамлар. Афсуски, эртаси вертолётларда етиб борганимизда портлатишга кўнмадингиз!

— Баъзан болаларча ўйлайсиз-да,— Фувапролдж аччиғи чиқиб ўрнидан туриб кетди.— Хўп, ҳар икки вертолётнинг ёндирувчи аппаратини номаълум фазовий кемага тўғрилаган бўлайлик! Кемадаги портлаши мумкин бўлган нарсалар ўзингизни тилка-пора қилиб юборган бўлмасмиди?!

Гоуд индамди. Энсаси қотган Фувапролдж ўқрайиб давом этди.— Мен билан гап талашгандан кўра радиограммати Туанакага тезроқ етказишга ҳаракат қилинг!

Гоуд ўрнидан оғир қўзғалиб, эшик олдиға етганда Фувапролдж уни тўхтатди:

— Радиосигнал тўғрисида оғиз очманг. Бошқалар саросимага тушиб қолганларидан кейин ҳамма ишнинг расвоси чиқади.

Гоуд орқасидан эшик ёпилиши билан Фувапролдж радистга таъкидлади:



— Эсангда бўлсин, автоматларга ишонсанггина ўрнингдан жиласан. Бирор тасодиф содир бўдса аяб ўтирмайман!

— Хўп бўлади, жаноб Сурбасакен.

— Кейин, — давом этди хўжайин, — эфирда шундай шовқин кўтаргинки, сайёрадан чиққан овоздан жин ҳам бирор нарсани англай олмасин!

— Тушундим, — жавоб берди радист.

5

Никора асирини унутиб юборгандек эди. Туронбек фурсатни ганимат билиб, соқчиларни ҳоли жонига қўймай қабила тилини қисқа вақт ичида дурустгина ўрганиб олди. У мингапумоларнинг эртак, афсоналарини мароқ билан тинглар, ўзи ҳам қизиқ воқеалар, гоҳо Насриддин Афанди латифаларидан айтиб, суҳбатдошларининг ичакларини узгудай бўларди.

— Сенга бир илтимосим бор, — деди у бир куни соқчиларнинг бошлиғи, Телпасан исмли ўзи тенги йигитга, унинг елкасига қўлини қўйиб.

— Айт, нима демоқчи эдинг?

— Никоранинг олдига борасан. Мени қабул қилиши жуда-жуда зарур эканлигини айтасан.

— Йў-ўқ, бу мумкин эмас, — деди Телпасан тайсаллаб, — энди унинг ўзи чақиртирсагина борасан! У бизга шундай тайинлаган.

— Қўрқма, тўполон қиляпти, де. Ҳар қандай айбни менга ағдариб қўявер.

— Ёлғон гапира олмайман, тушунсанг-чи, — кўкрагига қўлини уриб деди соқчилар бошлиғи. — Келиб-келиб сендай яхши одамга туҳмат қилиб бораманми?!

Лекин Туронбек астойдил қистаб туриб олди. Телпасан бошқа соқчилар билан узоқ маслаҳатлашиб, асирнинг гапига кўнди. Улар Туронбекни доҳий чайласидан анча нарида тўхтатиб, кириб рухсат олиб чиқдилар. Сўнг уни қуршаганча чайлага кирдилар.

— Соҳибқирон,— ўтирмаёқ гап бошлади Туронбек,— муҳим бир масала тўғрисида сизга арз этгани келдим.

Унинг бурро гапиришидан Никора ағрайиб қолди ва бир оздан кейин юзидаги тиришлар ёзилиб, илтифот кўрсатди:

— Кел-кел. Ўзим ҳам чақиртисам деб тургандим. Бугун менинг иززатли меҳмоним бўласан. Ўтир.

Туронбек пўстакка ёнлаб ўтириб олгач, доҳий бошини лиқиллатиб давом этди:

— Оқлигингни демаса, гапиришингдан ҳеч ким сени қуёшдан тушган одам демайди, мингапумонинг ўзгинаси бўпсан-қопсан! Ҳиҳ-ҳиҳ-ҳиҳ... Ҳўш, нима демоқчи эдинг?

— Таним соғ, кучим етарли. Бекор ётиш жонга тегди.

— Сенда бор давр менда ҳам йўқ,— ишшайди доҳий,— қорнингга шапатилиб ётавер.

— Йўқ, мўътабар зот, биз меҳнатга ўрганганмиз. Меҳнатсиз ҳаёт — азоб.

— Бу одатинг яхши экан. Майли, тамадди қилиб олайлик, сенга ишларни кўрсатаман.

Зиёфатдан кейин асирнинг оёғидан кишани олиб ташланди. Соқчилар кузатувида қабила кулбалари оралаб атрофи очиқ, узун бостирма олдига келдилар. Бу жойни мингапумоларнинг саноат маркази деса бўларди. Кўпчилиги кексалардан иборат ҳунармандларнинг бир тўдаси ёғочдан ўйилган ялпоқ идишларга алмойи-алжойи нақш туширар, бир тўдаси суякдан қурол, безаклар тайёрлар, бошқалари эса ўқ ва найза нишларини тошга ишқаб чархларди. Никора усталарни мақтай-мақтай бостирма четига ўтди.

— Энди бу ёққа қара,— деди у Туронбекни ундаб,— бундан ҳам қизигини кўрасан.

Кичкина жарлик ичидан қоп-қора тутун қўтарилар, тутун орасида оташга айланган ўчоқ зўрға-зўрға кўринарди. Унинг нарироғида маъданлар уйилиб турарди. Бу ўта ибтидоий темир олиш усули эди.

— Буларни қаердан оласизлар? — сўради Туронбек хом ашени кўрсатиб.

— Жула узоқдан кавлаб олиб келамиз,— жавоб берди Никора ўрнига паканароқ, миқти гавдали ишбоши. Никора эса ғурур билан кеккайиб турарди:

— Тошни эритиб темирга айлантириш! — деди у, худди бу ишларни ўзи қилаётгандек.— Юр, сенга яна бир мўъжизани кўрсатаман.

Улар қишлоқнинг нариги томонида жойлашган «мўъжизага» етиб келдилар. Никоранинг «мўъжиза» дегани катта, «бесўнақай» жувознинг ўзгинаси эди. Жувозни саккиз киши айлантирар, ўртада ўтирган тўққизинчи киши эса ўқ атрофига ниманингдир мағзини ташлар ва ундан чиққан мойни йиғиб турарди.

Никора бу ерда изоҳга тутинмади. Ўртадаги одам ишини тўхтатиб, ёғоч идишга мойдан тўлдириб унга узатди.

— Им-мм, оҳ-оҳ,— мойни ялаб кўрган Никора кўзини сузиб, бошини сарак-сарак қилди.— Бунда одамнинг жонидан бор-а! Кучи кетиб қолган одамлар ялаб юрса, яна йигит бўлиб кетади. Баданидаги жароҳатга суртгани замон тузалиб қолади.

Никора гапирар экан, мойжувоз ғачир-ғучур овоз чиқариб, яна ишга тушиб кетди.

Туронбек қабила бошлигининг яхши кайфиятидан фойдаланиб

қолмоқчи бўлиб, муддаосига кўчди. Унинг мақсади одамларга аралаш-шиш, ватандошлари тўғрисидаги мишмишларни, улар орқали ҳақиқат-ни билиш эди.

— Қандай фикрдасиз, муҳтарам зот, эртадан ишга чиқсам бўла-ди-ми? — сўради у.

— Нима қиласан, ёғочдан идиш ясайсанми ёки мойжувоз айлан-тирасанми?

— Темир эритадиганлар билан ишлайман.

Доҳий чақчайиб Туронбекка қаради:

— Чекка жойда нима қиласан? Ёки қочиб кетмоқчи бўляпсанми? Овора бўлма, биздан қочиб бошқа жойда бошпана тополмайсан! Сен билан қуёшдан тушган шерикларингни манайлар қириб ташлаган. Ҳа-ҳа, бундай совуқ хабарни сенга айтмоқчи эмасдим-ку, ўзинг тилимни қичитиб қўйдинг!

Бу гапдан Туронбек севишиб кетди. Чунки бу ватандошлари ҳақи-даги биринчи гап эди. Уларни қиришиб кетган деяётган Никоранинг эса ёлғон гапираётгани сезилиб турарди.

— Қаёққа қочиб борардим. Сизлардан ажралиш хаёлимда ҳам йўқ,— жавоб берди у ўзини бепарво тутиб.

— Бўлмаса нега ўзингни қийин ишга тикяпсан?

— Мен ҳам билганимни кўрсатмоқчиман. Мингапумоларнинг оғир ишини енгиллаштирамоқчиман.

— Шундай дегин...

Никора хаёл суриб кетди. У асирини туанакалик хўжайинларига топшириб, оладиган мукофоти, эшитадиган мақтовларини эслаганда терисига сизмай кетарди. Ҳозир эса, ўйлаб қараса, Туронбекнинг бу илтимоси унга ҳам қўл келадиган. Асири кундузлари оғир меҳнатдан чарчаб бўлади-да, кечаси донг қотади.

— Бўпти,— деди тириши ёзилиб,— рухсат бераман. Лекин билиб-қўй, менинг қўл остимда яхши ошини ейди, ёмон бошини.

Туронбек ишга оёғидаги кишан билан чиққан бўлса ҳам ўзини қа-фасдан қутулган қушдай ҳис қиларди. Узоқ вақт бекорчиликдан кейин меҳнат қилиш завқи тўлиб-тошиб, пайларига куч қўйилиб келаётган-дай бўларди. У тез орада ўчоқларни такомиллаштириб, ўта қаттиқ ме-таллар олишни, мингапумолар кўрмаган арра, мих, омбур, айниқса, дудама пичоқ ва ўткир найзаларни ишлаб қабила одамларини, хусусан, Никорани ҳайратга солди.

Соқчибоши Телпасан, авваллари Туронбекка доим кўз-қулоқ бў-либ туриш топширилганидан аччиғи чиқиб юрган бўлса, Туронбекнинг одамларга меҳрибон эканлигини сезиб, уни яхши кўриб қолди.

— Туронбек,— деди Телпасан тушки пайт дарахт соясида дам олиб ўтирганларида осмонни кўрсатиб,— сен ўша ёқдан тушгансан-а?

— Ҳа.

— Қуёшнинг ўғли — муқаддас руҳларни тез-тез кўриб турармиди-ларинг?

— Муқаддас руҳни? — Туронбек кулиб юборди.— Йўқ, менимча, у умуман бўлмаса керак.

— Муқаддас руҳни йўқ дейсанми? — Телпасаннинг кўзлари чано-ғидан чиқаёзди.— Сен иккинчи бундай бемаъни гап қилма! Улар бўл-маса, сен ҳам, мен ҳам бўлмас эдик. Улар меҳрибон, ҳаммага меҳри-бон бўлишни ўргатадилар!

— Майли, сен айтганингча бўла қолсин,— Туронбек баҳонада Тел-пасаннинг юрагига қўл солиб кўрмоқчи бўлди,— нега улар барчага ба-равар қарашни Никорага ўргатишмайди? Ахир у ўз уруғига меҳрибону бошқаларга меҳрибон эмас-ку! Нега муқаддас руҳлар қаттиқ одамни

қабила бошлиғи қилиб қўйганингларга индамайди? Бу ҳам меҳрибончиликданми?

Туронбек қабиладаги вазиятни чуқур билиб олган бўлса-да, бу саволлари ниҳоятда қалтис эди.

Телпасаннинг тикилиб қолганидан Туронбек гап нишонга текканини билди. Суҳбатдошининг юрагида қандайдир дард туғён урарди.

— Бир сирдан огоҳ қилсам, ҳеч кимга оғиз очмайсанми? — сўради у.

— Наҳотки менга ишонмасанг, Телпасан?

— Оғзингдан чиқса,— деди Телпасан у ёқ-бу ёққа қараб, ҳеч ким эшитмаётганлигидан хотиржам бўлгач.— Мен ҳалок бўламан. Менинг қариндошларим эса сени омон қўйишмайди... Анигини билмоқчи бўлсанг, туанакаликлар келганда қабиламининг доҳийси бошқа, Атаульпа деган ақлли, довюрак бир одам эди. У ёнар тошларимиз қаердалигини туанакаликларга айтмагани учун ва бизни уларга хизматкор қилишни хоҳламай, бошқа ерга олиб кетмоқчи бўлгани учун уни туанакаликлар олиб кетганлар. Урнига эса мана шу сотқин, мечкай ва ўз уруғидан бошқани ўйламайдиган Никорани зўр билан доҳий қилиб қўйганлар. Ҳозир биз келгиндиларнинг итоаткор қули бўлиб қолганмиз. Ҳар йили дарахт гуллаган пайтда энг бақувват йиғитларимизни тош қазиш учун уларга берамиз. Норозиларни — Никора биринчи навбатда жўнатади. Ундан кўпчилик хафа. Атаульпанинг озодликка чиқишига яширинча ёрдам берамиз. Кейин гапни бир жойга қўямиз-да, кураш бошлаймиз.

— Қандай бўлди, ўқ-ёй, найзалар билан бас келамиз, деб ўйлайсанми? Ахир улар бир зарба билан қанча жойни ёндириб юбориши мумкин-ку.

— Узгаларнинг зўравонлигида яшашдан кўра, куйиб кетган ҳам яхши! — деди Телпасан мағрур туриб.— Сен-чи, биз билан бирга борармидинг? — сўради у бир оз туриб.

— Энг олдинда борган бўлардим. Лекин бунақа шошқалоқлик билан эмас.

— Сенингча, нима қилиш керак?

— Энг аввал қуёшдан тушган шерикларимнинг тақдирини билишимиз керак. Ҳеч бўлмаса туанакаликлардан қурол тортиб олиб, ишлатишни ўрганишимиз керак.

— Шерикларингга келсак, сени тутиб келишгандан кейин... Телпасан унинг гапини бўлди:

— Никора атайлаб одам юборди. Улар шерикларингни қирилиб кетган, деб келишди.

— Бу гап Никорадан чиққан, сенга очиғини айтишмайди. Ахир унинг кимлигини мендан кўра сен яхшироқ биласан-ку.

Телпасан бош қашлаб ўйланиб қолди. Сўнг:

— Майли,— деди бўштоброқ қилиб,— гапинг ерда қолмасин. Эртага ўзимга қарашлилардан биттасини юбораман.

Туронбек Телпасаннинг елкасидан ушлаб ўзига тортди:

— Биласанми, бизларда туанакаликларнинг оловини ўчирадиган нарсаларимиз бор. Биргаликда ҳаракат қилсак, туанакалик алвастилар ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайди!

Телпасаннинг кўзида учқун ёлқинланди.

6

Совуқ хабар манайлар қишлоғига бир зумда етиб борди. Ерликларнинг фаройиб — мурдани қабрга кўмиш одатини шоҳиди бўлишга ошиққанларнинг кети узилмай қолди. Қабила доҳийси билан қоҳин

ҳам етиб келди. Шомжун Сидоровичнинг ўлимига шахсан ўзи сабабчи бўлганидан эзилиб, Ер одамларига тик қарай олмасди. Жуда гавжум ўтган дафн маросимидан кейин ҳам бошида СЭМА борлигини эсдан чиқариб секингина кетвормоқчи бўлди. Виталий Альфредович унга фикр узатди:

— Сизлар қола туринглар. Муҳим маслаҳатли иш бор.

— Даман Дарай иккимизми? — негадир ҳадиксираб тўхтади у.

— Яна кимлар қолиши ўзингизнинг ихтиёрингизда. Аввал ўзаро келишиб олсак ёмон бўлмасди.

Элдор ва Қодзо Охиси елкаларида целлофанга ўралган пакетни космомобилдан кўтариб чиқдилар ва дарахтзор ўртасидаги полимер уйни тиклай бошладилар. Юпқа ғилофи олиб ташланган уйнинг девор ва томлари ҳаво таъсиридан бир зумда тошдай қотди. Ичкарига жиҳозлар олиб кирилди, дастурхон тузалди. Қабиланинг аъёнлари чўғдай гиламни авайлаб босишиб тўрга ўтдилар.

Иван Сидоровичнинг хотирасига бир оз сукут сақлаб, кейин нознеъматлардан тотинишгач, Виталий Альфредович гап бошлади.

— Биз қолишга қарор қилдик, — фикр узатди у Шомжунга, — мақсадимизни ўзгартирдик.

— Нега, учар уйинглар кетишга ярамайдими?

— Гап унда эмас, қабила сарқори. Кичик учар уйларда қайтиб кетаверсак ҳам бўларди... Мана оламнинг узоқ бурчагида одамлар яшашини билдик, қандай олам эканлигини кўрдик. Сизлар билан дўстлашиб ҳам олдик. Очигини айтсам, машаққатли ҳаёт кечирасизлар. Бундан ташқари туанакаликлар хавфи остида турибсизлар. Шундай аҳволда ташлаб кетаверишга виждонимиз йўл қўймайди. Сизлар эркин, фаровон ҳаёт кечиришга эришгунларингча бир сафда турмоқчимиз.

Шомжуннинг қалбида меҳр ва миннатдорчилик туғён уриб кетди. «Душманлик билан кутиб олган бўлсак, сафдошларидан бирини биз туфайли эндигина тупроққа қўйиб келган бўлса, яна тақдиримиз билан қизиқишса!» У аппаратни бошидан олиб чуқур хўрсинди. Бир оз сукутдан кейин суҳбат мазмунини қоҳинга тушунтирди. Даман Дарай ярқ этиб Ер одамларига қаради-да, бошини қуйи солди.

— Айт, яхши одамлар! Нима қилишим керак бўлса, ҳаммасини айт! — ҳаяжондан тошиб фикр узатди Шомжун.

— Биз Ердан кўтарилганда, — босиқ оҳангда давом этди Добро-нравов, — ёвуз одамлар қаршилигига дуч келишни хаёлимизга келтирмаган эдик. Қўлимизда бор қуроллар фақат ҳимоя қилиш учунгина ярайди. Туанакаликларга қарши ишга киришишдан олдин улар нимага қодиру нима қўлидан келмайди, — билишимиз керак. Ихтиёримизга уч-тўртта чаққон йигитлардан берсанглар, иш юришиб кетган бўларди.

— Уч-тўртта холос? — Шомжун ишонмагандай бармоқларини кўрсатди.

— Ҳа, ҳозирча шулар етади. Биз уларни ўргатиб, душман ичига юборамиз.

— Хотиржам бўл, бошлиқ. Мен тўртта эмас, ўттиз тўрттасини бошлаб келаман. Танлаганингни олаверасан.

Шомжун шу кунгича кечга яқин одамларни ўзи бошлаб келди. Қанзар ва яна учта жангчини ажратиб олинди.

Манайлар қурол ва асбоблар билан муомала қилишда уқувсизлик қилмадилар. Яккама-якка олишувларда ажойиб усулларни намойиш қилишиб, ерликларни ҳайратда қолдиришарди. Бир ҳафтага яқин вақт ичида разведкачиларнинг машғулотлари ниҳоясига етди. Уларнинг нима қилиши, қай тартибда ҳаракат қилишлари пиширилди. Бирор тасодиф юз бермагунча туанакаликларга сездириб қўймаслик учун радио-алоқага ўтмаслик тайинланди.

...Олам қоронғилик қўйнида, кўкда юлдузларгина милтиллаб турган пайтда разведкачилар йўлга тушишди.

— Омад тилайман,— деди Виталий Альфредович манайлар кийини кийиб олган группа бошлиғи Элдорни қучиб хайрлашар экан.

— Кўришгунча,— Элдор қўл сиқиб, тўқай. четида кутиб турган шериклари томон шаҳдам юриб кетди.

Полимер уйлардан қад кўтарган манзилгоҳни фазогашталар космомобиль шарафига Яхши Умид деб атадилар. Кечалари чароғон Яхши Умидда сайр қилган киши ўзини коинотнинг узоқ жойида эмас, Она Ернинг кўркем бир шаҳрида юргандай ҳис қиларди. Кечасию кундузи одамлар гавжум, ҳаёт қайнар эди.

Фазогашталар манай тилида бемалол гаплаша оладиган бўлиб қолдилар. Зайдоний дарслик тузиб чиқди. Кўркем биноларнинг бирида «саводсизликни битириш академияси» иш бошлаб юборди. Кодзо ва Денис манайларни ёнларига олишиб деҳқончилик қилишарди. Вездеходда катта майдонни текислаб, ҳайдаб маданийлаштириш мумкин бўлган экин уруғларини экиб бўлишди.

Астойдил тушунтиришдан кейин Вероника ва Аппаларнинг иши ҳам юришиб кетди. Дардга чалинган манайлар илгаригидай жинлар маконига элиб ташланмас, ёруғ ва озода хоналарда даволаниб, тез кунда яна оиласига хурсанд қайтардилар.

Қабила улуғларига юборилган вездеходда фақат Шомжуннинг ўзи келди.

— Маслаҳатчиларингиз қани? — у билан қўл сиқиша туриб сўради Добронравов.

— Даман келишни хоҳламади,— деди у негадир энсаси қотиб.— Бошқаларнинг зарури йўқ. Қандай гапингиз бўлса айтаверасиз, ўзим ҳал қилавераман.

— Кўпчилик билан ҳал қилганимизда яхши бўларди. Хайр, майли,— Виталий Альфредович уни бинолардан бирига бошлади. Стол устини эгаллаб турган шаҳарча макетини кўрсатиб тушунтира бошлади.— Бу келгусида манайлар яшайдиган жойнинг кўриниши, қабила саркори. Марказдаги катта бинолар клуб, мактаб ва жамоат жойлари бўлади. Қатор кетган уйларда оилалар яшайди. Мана бу кенг майдон стадион бўлади.

Шомжун бепарво тингларди, аммо ўзини қизиқсинаётган кўрсатмоқчи бўлди:

— Шунча оворагарчиликнинг нима кераги бор? Манайларга қорин тўқ, хавф йўқ бўлса бўлди-да.

— Ундай эмас, азизим, бир қучоқ хашак томларга қараганда бу уйларда катта қулайликлар бўлади. Электрлаштирилади, радиолаштирилади, кейинчалик телеэкранлар ўрнатилади. Лекин қурилиш материаллари бош қотириб турибди. Ҳозирча ёғочдан бўлса ҳам энг муҳимларини қураверамиз.

— Усти оғир бўлиб кетса одамларни босиб қолмайдими?

— Хотиржам бўлинг,— кулди Добронравов.— Энди бўлажак шаҳарчага жой танлашимиз керак. Аввал икковимиз кўриб келамиз-да, кейин кўпчиликнинг фикрига ҳавола қиламиз.

Шомжунни вездеходда сайр қилиш қизиқтириб турарди:

— Майли,— деди ўзига оро бериб,— мен бир нима десам, бошқалар гапимни қайтармайди.

Вездеход адир тепасига чиқиб тўхтади. Ҳаммалари пастга тушиб атрофга тиқилишди. Виталий Альфредович туя ўркачидай қад кўтарган тоғлардан кўз узмай туриб Шомжундан сўради:

- Сиз бу томонларни яхши билсангиз керак, Шомжун?
- Ҳа, менинг қадамим етмаган жойлар қолмаган. Нима эди?
- Яқин-орада одамлар яшайдиган жой борми?
- Бор, ҳу анави тоғлар орасида. Мингапумолар қабиласи яшайди.
- Таваккал қилиб ўша ёқларга бориб кўрмаймизми?
- Бу сира мумкин эмас,— доҳийнинг ранги бирдан ўзгарди.
- Нега?
- Қабилла бошлиқлари боришдан олдин элчиларини юборади. Тўғридан-тўғри босиб бормади.
- Жуда соз. Кодзо иккимиз сизнинг элчиларингиз бўламиз. Шомжуннинг пешонаси баттар тиришди:
- Фойдаси йўқ гапнинг нима кераги бор?
- Нега фойдаси бўлмайди? Балки йўқотган одамимиз ўша ёқдан чиқиб қолар?
- Агар шерикларинг мингапумолар қўлига тушган бўлса бекорга овора бўласизлар. Улар шундай қонхўрки, қўлига тушган ёт қабилла одамини суриштириб ўтирмай ўлдириб юбораверади. Айниқса, Никора деган виждонсиз бош бўлгандан кейин яна ҳам ҳаддидан ошиб кетишди.
- Ортиқча қисташдан фойда чиқмаслигини сезган Виталий Альфредович кўнгли ғаш бўлди.
- Мингапумолар билан муросанглар йўқлиги сабаби нимада?— сўради у бир оз жимликдан сўнг.
- Ҳа, бунинг тарихи узоқ,— чеҳраси очила бошлаган Шомжуннинг яна қовоғи осилди. Бир оздан кейин хоҳиши йўқдай давом этди.— Илгарилари мингапумолар билан тотув яшар эдик, туанакаликлар келди-ю, муросамиз бузилди.

— Сабаб?

— Сабаби, туанакаликлар ота-боболаримиздан қолган ердан бизни ҳайдади. Биз мингапумоларни жойидан қувдик. Орада катта қирғин жанг бўлган. Мингапумолар ҳеч қайси қабиладан енгилган эмас, уларнинг қуроли ҳам бошқаларникидан ўн баробар яхши эди. Лекин биз кўплик қилдик.

— Шундай денг. Ярашишга ҳаракат қилиб кўрмадингларми?

— Ҳарақат қилганмиз, натижа чиқмади. Ҳар галги ҳаракатимиз қирғин билан тугайверган.

— Энди яхши кунлар келади, хотиржам бўлинг,— Добронравов Шомжуннинг елкасига қўл ташлади.— Биз ўртада туриб, ҳар икки томонни инсоф ва адолат билан муросага келтиришга ҳаракат қиламиз. Биргина сизлар эмас, барча қабилалар тотув яшайдиган бўлади.

— Қани, шундай вақтлар келса,— Шомжун бошлиққа жиддий тикилди.— Биласизми, ҳозир энг кучли жангчиларим қабилани ҳимоя қилиш билан банд. Агар ҳаммалари ов билан, тирикчилик билан шуғуллансалар, ҳе-ҳе, биздан ҳузур қилиб яшайдиган бўлмасди.

Улар бўлажак шаҳарча ва ариқ қазиладиган жойларни аниқлаб қишлоққа кириб борганларида кун ботиб қолган эди.

7

Туронбек янги қуриладиган мойжувозга тайёргарлик кўриб бўлди. У ишни нимадан бошлаш тўғрисида бош қотириб турганда Телпасан келиб қолди.

— Ишинг битди,— деди у қувноқ кайфиятда,— кеча манайлар юртга одам жўнатдим.

Улар чайладан ўн-ўн беш қадамча узоқлашгандилар, қишлоқ ўртасидан бўлиб-бўлиб чалинаётган ноғоралар овози эшитилиб қолди.

— Мана яна бир можаро бошланди,— деди асабийлашиб Телпаса-сан.— Энди буниси кам эди.

— Қанақа можаро?

— Бу яккама-якка олишув ҳақида хабар берувчи ноғора. Аҳмоқлар! Ҳамжихат бўлиш ўрнига бир-бирларининг гўштини ейишади.

Улар етиб келишганда одамлар давра атрофига тўпланишган, Никора аллақачон олачипор бўялиб, кажавасида савлат тўкиб ўтирарди. Икки қабиладош сузишаётгандай бир-бирига пешонасини тираб кажава олдида тўхтатдилар. Ҳаммаёқ сув сепгандай, биров чурқ этмайди.

Рақиблар бошларини кўтариб, қоматларини тиклашди. Уларнинг бири эллик ёшларда, бадани халтадай бурушиб қолган, бўйи ҳам давангирдай рақибдан анча паст эди.

Баковуллар бўлса керак — икки кекса одам рақибларнинг кафтини, сочлари орасини, ҳатто калта иштонларининг устидан сийпаб, тош ё темиртак яшириб олмаганларига ишонч ҳосил қилгач, доҳийга қараб алланарсалар дейишди. Доҳий туғини кўтарди ва овозининг борича бақирди.

Тиқ этган шарпа йўқ, ҳатто шабада ҳам тўхтаб қолганга ўхшайди. Рақиблар бир-бирларидан кўзларини узмай ҳамла қилишга пайт пойлаб, бирдан тебранишиб, бир-бирининг атрофида айланишарди. Тўсатдан кўз илғамас чаққонлик билан ташланишарди-да, тапир-тупур мушт ёғдириб, яна ажралишарди. Гоҳ ёшроғи дўппослайди, гоҳ кексаси душманининг жон жойига боплаб тушириб қолади.

— Улар яна қанча уришишади? Кексани ўлдириб қўяди-ку? — сўради Туронбек Телпасандан.

— Бирортаси ўлмагунча уришаверади! — жавоб берди Телпаса-сан ва оҳиста шипшиди:— Манайлар юртига ана шу кексани жўнатган эдим. Нима бўлсаям сир ошкора бўлмаса деявер!..

Туронбек ваҳима босиб, майдонда олишаётганларга қараб қолди ва тоқат қилиб туролмай икки-уч қадам олдинга ўтиб қичқирди:

— Ҳой одамлар! Одам ўлдиришнинг нима кераги бор! Доҳийдан илтимос қилсаларинг-чи, бу бемаъниликни тўхтатса!

Туронбек ўзини ушлаб қолмоқчи бўлган Телпасаннинг қўлидан бир силтаниб чиқиб кетди-да, майдон ўртасига қараб юрди. Бундай пайтларда жанг майдонига қадам қўйиш ўз ўлимига тик қараб бориш билан тенг эди. Даврадагилар нафасларини ютиб, Никорадан кўзларини олмасдилар. Туронбек ҳеч нарсадан тап тортмай уришаётганларнинг олдига етиб, ўртага туриб олди. Давангирнинг олдини тўсиб, бўлди, дегандай қўлини кўтарди. Никора Туронбекни кўрсатиб бақирди:

— Тик-ка-си-дан чопиб таш-лан-син!

Соқчилар. Туронбекка ташланишди. Шу ондаёқ болта кўтарган жаллод ҳам унинг олдида пайдо бўлди, аммо доҳийнинг фармонини бажаришга улгура олмади. Қишлоқ устидан чувиллаб ўтган ўқлар овози ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Атроф-теварақдан ола-була бронетранспортёрлар ўраб кела бошлади.

Мингапумолар бу машъум «ўзиюлар уйларни» яхши билишарди. Бу уйларда туанакаликлар сара йигитларни сим арқонга тиркаб олиб кетардилар.

Бироқ уларнинг муддатидан олдин келиб қолгани ҳатто Никорани ҳам шошириб қўйди. Машинадан тушган икки-уч туанакалик майдон ўртасига ўтиши билан Никора кажавасидан ирғиб тушиб, эгилиб-букилиб бориб қўлида металл хивич ушлаб келаётган жиккак, пакана туанакаликнинг қўлини ўпди:

— Маконимизга ташриф буюрганларидан гоят хурсандмиз, жаноби Душтил. Қулингизга қандай хизматлар буюргайсиз?

Дьюстелл Никорага ортиқча парво ҳам қилмай, ёнидаги девсифат одамга, бошла, дегандай имо қилди. Девсифат одам олдингга ўтиши билан мингапумолар ичида: «Кекидо! Кекидо!» — деган овозлар эшитилди.

Кекидо манай қабиласининг «суякхўр» уруғидан, ўттизлардан ошиб қолган абжир йигит эди. Лекин шунчалик гавдаси ва абжирлигини яхшилик учун ишлатмади. Ўзи ўрмонга чиқиб овчилик қилишдан бировлар ўлжасини ўғирлашни афзал кўрди.

Шомжун унинг панжаларини чошиб ташлашга буйруқ берганда, шунда Кекидо ҳеч бир қабилалош қилмаган номардликни қилган, яъни жазо майдонидан қочворган эди. «Қувманглар, — деганди Шомжун фармон кутиб турган жангчиларга, — ор-номусни билса қайтиб келадди. Билмаса йиртқич ҳайвонларга ем бўлади». Аммо Кекидо қайтиб келмади. Туанакаликларга тиз чўкиб, қасам ичиб хизматига ёлланди.

— Жасур мингапумолар! — қичқирди Кекидо. — Тўғрисиўз, мард ўғлонлар! Бундан бир неча кун бурун жаллод Атаульпа катта жиноят қилиб қочди...

Оломон ичида ғовур кўтарилди. Уни Кекидонинг қичқирган овози босиб кетди:

— У яқин атрофда бўлиши керак. Бошқа қабилдагилар уни кўрган жойда тирик қўймадилар. Ваҳший ҳайвонлар тўла чакалакзор, ўрмонларда ёлғиз юролмайдди. Агар уни бизга топиб берсанглар, марҳаматли олий зот, — у Дьюстеллга таъзим қилиб давом этди, — бу сафар сизлардан одам олмайди! Қани, Атаульпани ким кўрган?!

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Сен-чи, Никора, билмайсанми?

Атаульпанинг қочганини эшитибоқ, бўйнида сиртмоқ тургандай жисмидан жони тамом чиққандек бўлганди Никоранинг.

— Би-би-биб... Билмайман, — деди.

— Билиб қўйинг, — қичқирди Кекидо, — ким унинг тайинини айтса хўжайиндан катта мукофот олади!

— Мен, — деди вужуди қон ва чангга беланган жанг қилаётган ёш мингапумо, — ўзини эмас, хотини ва болаларини кўрганман. Эрта тонгда манайларга борадиган йўлдан кетаётган эди.

— Чиқ, ана унга, — буюрди Дьюстелл унинг афти ангоридан ирганиб тупураккан, бронетранспортёрга қўл чўзиб. — Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келсан. Тополмай келсанг, жонингдан умид қилма!

Бронетранспортёр шиддат билан ўрнидан кўзғалиб, тўқайзор ичида кўздан ғойиб бўлди. Туанакалик хўжайин жанг сабабини суриштираётиб, бирдан Туронбекка кўзи тушиб қолди. Унга бошдан-оёқ тикилиб туриб сўради:

— Бу ким? Қаердан келиб қолди?

— Ҳи-ҳи-ҳи, — мурдадай оқарган Никорага жон кирди, — буни мен туттириб келганман. Қўлингизга топшираман деб, йўлингизга кўзим тўрт бўлиб юргандим. Ҳиҳ-хиҳ-хиҳ.

Дьюстелл соқоллари ўсиб, қорайиб кетган Туронбекка қараб, қаҳқаҳ отиб юборди:

— Ажойиб учрашиш! Сиздақаси менга Атаульпадан ҳам зарурроқ эди! Ха-ха-ха!

Туронбек жаҳлини босиб, жиддий оҳангда сўради:

— Сиз мени ким деб ўйлаётганингизни билсам бўладими?

Нотаниш одамнинг мингапумо тилида бурро гапиришидан ҳайратда қолган Дьюстелл бақрайиб туриб, сўнг минғиллади:

— Бунисини кейин биласиз.

— Йўқ, мен ҳозир билмоқчиман.

— Сиз, — қўлидаги металл хивични ўйнатиб яқинлашди Дьюстелл, сўроғимга жавоб берингу бошқа вақтда жим туринг.

— Адашяпсиз, жаноблари!

— А? — Дьюстелл гезариб ёнидан нуротарни олди ва чаққонлик билан Туронбекнинг пешонасига тўғрилаб, илгакни босди. Туронбек бир чайқалиб ерга йиқилди.

Дьюстелл қадамини кериб ташлаб четроққа борди ва Никора билан Кекидони олдига имлади.

— Энди нима қиласиз, қабила бошлиғи? — сўради ниқтаб Дьюстелл, жавдираб турган Никорадан.

— Қулингиз Никора сизнинг топширигингизга мунтазир. Муқаддас руҳлар ҳомийлигида у муртадни тирик тутармиз, деган умиддаман.

— Муқаддас руҳ, муқаддас руҳ, — Дьюстеллнинг жаҳли чиқди, — ўзингиз бош бўлиб ҳаракат қилинг!

— Хўп бўлади, бугундан бошлаб ўзим унинг изига тушаман.

Шу пайт тўқай орасидан отилиб чиққан бронетранспортёр яқинга келиб тўхтади. Унинг юкхонасидан улоқтирилган Атаульпанинг хотини Амана тупроққа қоришиб чинқираётган гўдаклари устига ташланди-да, болаларини бағрига босиб, шафқат тилагандай Дьюстеллга тикилди...

Унинг ёнига кечаси эри келиб кетган ва тезроқ қишлоқни тарк этиб, нима бўлса ҳам манайлар юртига боришни уқтирган эди. Ана шунинг учун ҳам Амана саҳарлаб йўлга тушган эди.

— Ҳи, оёққа йиқилишни ҳам билмайди бу ярамас, — лабини буриб давом этди туанакалик хўжайин. — Эринг қаерда?

— Уни сизлар олиб кетгансизлар.

— Биздан қочди, энди унинг қаердалигини сен биласан.

— Билмайман, — оҳиста бош чайқаб шивирлади Амана.

— Қайсарлик қилма, айтмасанг, мендан яхшилик кўрмайсан!

Аёлнинг юзидаги илтижо нафрат аломатларига алмашди, лекин оғиз очмади.

— Сендан сўраяпман, лаънати! Унинг қаердалигини биласан! — Дьюстелл хивични унинг бошида ўйнатди, аммо Амана киприк ҳам қоқмади.

— Мана сенга! — туанакалик хўжайин аёлнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Амана ерга ағдарилиб тушди, лекин шу ондаёқ қаддини тиклаб, бошини мағрур кўтарди.

— Олинг қўлидан болаларини!

Амананинг чинқириғи қулоқларни тешиб юборгудек бўлди. Хизматдаги туанакаликлар унинг оғзини боғлаб ташлашди, қўлини орқасига қилиб чирмаб қўйишди.

— Олиб бориб менинг машинамнинг орқасига боғланг, болаларини юкхонага ташланг. Атаульпа қўлимга тушмас экан, бу исқиртлар мендан тирик қутула олмайди! — Дьюстелл Кекидога ўгирилиб ерда хушсиз ётган Туронбекни кўрсатди. — Сизлар мана бу жанобни олиб кетасизлар.

Мингапумоларга ҳар сафаргидан даҳшатлироқ кўринган олачипор ўзиюрар уйлар ўрнидан қўзғалди. Дьюстелл тушган энг олдинги бронетранспортёрнинг орқасига боғланган Амана гоҳ йиқилиб, гоҳ ерда судралиб, элтанг-телтанг чопиб бораркан, қариндошларининг фарёди осмонга кўтарилди.

Колонна узоқ юрди. Йўлда Дьюстелл билан Кекидо Аманани яна бир марта сўроқ қилишди. Доҳийнинг хотини эри ҳақида ҳеч нарса айтмади. Шунда Кекидо уни ўрмонда ташлаб кетишни маслаҳат бер-

ди. Унинг фикрича, энди ҳеч қандай фойдаси тегмайдиган бу аёл йирт-қичларга ем бўлишдан аввал, Атаулпани тутишда тузоқ бўлиши мумкин эди. Дьюстеллга бу фикр ёқди. Лекин Атаулпа уларнинг тузоғига илинмади.

Амана кўзини очганда кун тик келиб қолган, ҳаммаёқни тандирдай қизитганди. Аъзойи баданидаги шилинган, сидирилган жойлари чидаб бўлмас даражада ачишар, туриб-туриб кўнгли озиб кетарди. У ўзини тетик тутишга уриниб, бўлган воқеани ва қаерда ётганлигини билишга ҳаракат қилди. Кўз олдига болалари келди-ю, қалб изтиробидан ўрнидан туриб кетди. Туанакаликлар турган жой кўзига ғирашира илашаётган олисдаги тоғ этагида эканлигини биларди. Очлик, чанқоқлик тинка-мадорини қуритаётганига қарамай, тоғни қорага олиб йўлга тушди.

У туанакаликлар жойлашган ерга етиб келганда тун ярим бўлиб қолган, Янги Туанака кучли прожекторлар нуридан ёришиб турарди. Амана кучли электр токи уланган симли девор орасидан каттароқ тешик қидириб, қўрғонни бир айланиб чиқди ва ноилож яна дарвоза олдига келиб тўхтади. Сирли, мудҳиш биноларнинг баъзи деразаларидан ёруғ тушиб турарди. Бир деразада эса лип-лип этиб турган соя кўринарди. У кимнидир дўппослаётганга ўхшаб ҳаракат қиларди. Сал вақтдан кейин соя қўлини узатганича тек туриб қолди-ю, беихтиёр Амананинг кўз олдига гезариб, чақчайиб турган Дьюстелл келди. Наздида жаллод катта ўглининг кўкрагига тиф қадаб турарди. «Болаларим шу ерда экан,— онанинг юраги питирлаб уриб кетди.— Ҳа отанг қаердалигини айтмасанг, ўлдирамиз, дейишяпти. Энди нима қиламан-а...» Бирдан унинг қулоғига болаларининг бараварига чинқираётганлари баралла эшитилгандай бўлди-да:

— Болаларим! — дея қичқириб ўзини симлар устига отди...

8

Даман Дарай чакалакзор орасидан Яхши Умидга яқин келарди-да, соатлаб кузатишдан зерикмасди. Туанакаликлар билан ерлик одамларнинг тутаётган иши жуда бир-бирига ўхшаб кетганидан кўнглига ғашлик чўкиб борарди. Сим билан тўсилган қўрғон, темир дарвоза, деразали уйлар, радиомачта, телеантенналар, майдон саҳнида ўзиюрар уй ва яна аллақанча нарсалар...

Коҳин қоронғи тушгандагина қишлоғига қайтди. «Ё муқаддас руҳлар, қандай замонлар келяпти?— ўйларди фиғони чиқиб.— Жин илашганларни Ер одамлари уйга қамаб, тузатиб юборишса. Оғзингдаги гапингни оқ қоғозга чизиб, ёпиштириб қўйишса. Оқ матони деворга тортиб қўйиб, унга тушган ёруғда одамми, алвастими — ҳар ҳунарга солса, жисми йўқ соялар одамдай гапириб, рақсга тушиб кетсалар... Қабиланинг катта-кичиги жин йўлдан оздиргандай уларнинг орқасидан эргашиб кетяпти. Лаънати Шомжун бўлса уларни тийиш ўрнига ўзи бошчилик қилади! Аҳвол шундай давом этаверса, қабиланинг коҳини ким деган одам бўлади?!»

У қоронғида телбалардай якка бораркан, йўл ёқасида сўррайиб турган қора олдига қандай яқинлашганини билмай қолди. Кимнидир пишиллашидан юраги орқасига тортиб, турган жойида таққа тўхтади:

— Ҳ-ҳой, к-кимсан?!

Қора индамади, яхшироқ кўринсин учун Даман Дарайга юзини яқин тутиб, тилини чиқарди. Чаққонлик билан унинг оёғига йиқилиб, ёлвора бошлади:

— О-о, пуштипаноҳим, мен сизни якка учратиш учун қанча вақт-

лардан бери пайт пойлаб юриб, энди ниятимга етдим-а! Титраётганингизни билиб турибман. Мендан хавотир олмасангиз бўлади.

— Кимсан ўзинг? Одаммисан ёки жинмисан?

— Мен қабиладошингиз Кекидоман-ку. Наҳотки танимаётган бўлсангиз?

— Кекидо?! — коҳин чўчиб орқасига тисарилди. Гўё уни атрофдан ўраб олишаётгандай ён-верига аланглади. У бундан бир ярим йил бурун манайлар олдида ваъз айтиб, «Кекидо қўрқоқлиги устига ўз қабиласига хоинлик қилди. Имонини душманга сотиб, уларнинг малайига айланди. Бундай виждонсизнинг жазоси ўлим!»— деб хитоб қилган эди. Ҳозир эса дод деган овозини ҳеч ким эшитмайдиган жойда, ҳеч қандай яроғсиз унинг қаршисида якка ўзи турибди. Тенг бўлсалар ҳам кошкийди, нақ ярмидай келади.

Коҳин сирни бой бермасликка ҳаракат қилди:

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? Ўзинг яккамисан ё...

— Якка ўзимман. Бировлар олдида юра олармидим. Паноҳингизга бош эгиб келдим,— Кекидо йиғламсиради.

Даман Дарайнинг чиқай деган жони қайтиб кириб, «ух», деб қўйди. Кейин дадил олдинга қадам ташлаб, овозини кўтарди:

— Қўрқоқ ва хоинларга шафқат йўқлигини билмайсанми?

— Биладан, лекин менда айб йўқ.

— А-а! Жазо олиш олдида шармандаларча қочиб кетганинг ёлфонми?

— Мен жасур жангчи бўлмоқчи эдим. Ўзингиз ўйланг, қўлсиз одам жангчи бўла олармиди... Шундай, пуштипаноҳимиз, гуноҳсиз эканлигимга ишонаверасиз.

Даман Дарай бу гапдан иложинг қанча, деган маънони тушунди ва ўйланиб қолди: «Шошма-шошма,— коҳин ичи ёришиб, бошини қимирлатди.— Сенга ўхшагани менга жуда зарур бўлиб турган эди. Сенинг бунчалик итоаткорлигинг бир эмас, бир кунни қўл келиб қолса ажаб эмас...» хаёлидан ўтказди-да, Кекидога тик қаради:

— Қулоғингда бўлсин, эртага ҳамма овдан қайтганда кун чиқиш гомондан қишлоққа кириб келаверасан. У ёғини ўзим биладан. Лекин унганча бирорта қабиладошнинг кўзига кўрина кўрма. Гапимни уқдингми?

— Уқдим, пирим, уқдим.

Шомжун ўзида йўқ хурсанд, эғнидаги кийимини кўз-кўз қилиб, алламаҳалгача қишлоқ оралаб сайр қилди. Тунги қоровуллардан ташқари ҳамма ётоғига кириб кетган паллада чайласига қайтаркан, ҳал-лослаб келаётган коҳинга дуч келди.

— Ҳа, қария,— деди икки қўлини шимининг чўнтагидан олмай кўкрагини кериб,— шу вақтгача қўноғингга кирмабсан?

— Ўзинг нега бемаҳалда тентираб юрибсан?

— Мен одамлар ҳолидан хабар олиб турибман. Бунга ҳақим бор.

— Тинчликми, ё яна бир янгилик бошламоқчимисан? — сўради коҳин кесатиқ билан.

— Тинчлик,— гаши келди Шомжуннинг,— нима, бўлаётган янгиликлар хатоми?

— Хато ё тўғрилигини ҳаммадан кўра сен яхшироқ билишинг керак. Сени манайлар савлат тўккани, келгиндиларга малайлик қилгани сайлаб қўйишмагандир?

— Ахир улар оғиримизни енгил, мушқулимизни осон қиляптилар-ку!

— Мушқулимизни осон!...— кесатди коҳин,— ўзингнинг мушқу-

лингни осон қилишаётгандир. Сен уларнинг мазали овқатларига бўканинг учун оғиринг енгил бўлиб қолгандир?!

— Ердан келганларнинг бирор ёмон ниятини билган бўлсанг айт, мен шунга қараб иш тутай.

— Туанакадан келганлар ҳам аввалига елкамизни силаб, кейин миниб олишган эди. Алдаганини кейин билиб қолган қабиламиз йўлбошчиси алаmidан ўзига-ўзи найза санчиб ўлдиргани сенга ибрат бўлмаган экан-да! Шошмай тур ҳали, бугун алвастилар ўз кийимини сенга, эртага қабиладошларингга кийдиришади. Кейин бурнингдан ип ўтказмаёқ етаклаб юрадиган бўлади!

— Ҳой қария, шу гапларни ўзинг гапиряпсанми? — қўлини силтади Шомжун.— Улар янги келганида: «Яхши одамлар, буларни худо ярлақанган, буларга ёмонлик қилма», деб менга ақл ўргатган сен эмасмидинг?

— Мен буларни туанакаликлар ҳужумига учраганидан софдил одамлар бўлса керак, деб ўйлаганман. Энди эса юртига қайтиб кетмай, қилаётган қилиқлари ёқмаяпти. Ҳеч ким бировга бекордан-бекорга яхшилик қилмайди!

— Мен манайлар бошига мингапумолар куни тушмаслиги тўғрисида қайғуряпман, туанакаликларни тийиб қўйишармикин деяпман?!

— Туанакаликларни тийиб қўйишлари тўғрисида хом ўйлайсан. Узлари зўрға омон қолишди-ю.

— Бунисини сендан яхши биламан,— қовоғини уйди Шомжун.

— Демак, ўз билганингдан қолмоқчи эмассан?

— Ҳа, йўлим тўғри бўлгани учун орқага қайтмоқчи эмасман.

— Шомжун,— қаҳр билан сўлагини сачратиб деди қоҳин,— гапимга қулоқ солсанг — солдинг, қайсарлик қиладиган бўлсанг, муқаддас руҳлар жазосига йўлиқасан! Ҳа, аяйди деб ўйлама!

Шомжун унинг орқасидан қараб қолганича қанча турди, билмайдди. Уйига ниҳоятда таъби хира қайтди. Хотинининг кетма-кет сўроғига парво қилмай чайла олдидаги қўркулга кўмилган чўғни титиб, устига ўтин қалаштирди. Буруқсаган ўт аланга олиб кетгунча калтак учида ер чизиб ўтирди. Кейин жаҳл билан ўрнидан турди-да, эғнидаги кийимнинг чок-чокидан ситилганига, ўзи яхши кўрган гулдор тугмаларнинг тисирлаб отилганига парво қилмай ҳаммасини ечиб аланга устига улоқтирди.

9

Фувапролдж йўқлигидан фойдаланиб, Эя Туронбекни сайрга таклиф қилди. Улар чатишиб кетган тор йўлақлардан гоҳ пастга тушиб, гоҳ кўтарилиб, гоҳ эса чапга, ўнгга бурилиб ташқарига чиқдилар.

Шарқ томонда ҳайқариб зилол денгиз тўлқин отади. Жануб томондаги ўрмон уфққа туташиб кетган. Шимол томонда кўкка бўй чўзган юксак тоғлар кўксиди, ям-яшил дарахтлар, буталар орасида турли-туман қушлар чуғурлашиб, гужғон уришади.

— Ажойиб дунё! Қаранг, ҳаммаёқ гўзал. Чиндан ҳам Фувапролдж бу дунёни Зумрад деб атаганича бор,— деди Эя бўялган кўзларини сузиб.

— Ҳа, гўзал диёр,— деди Туронбек.

У шаҳарчани ўраб турган сим деворларга кўз ташлар экан, уларга осилиб, қорайиб ётган мурдани кўриб сесканди.

— Бу мингапумоларнинг илгариги доҳийси Атаульпанинг хотини, — тушунтирди Эя.— Маккор Атаульпа бизга жуда кўп ташвиш ортиряпти. Агар Фувапролджнинг бир нарсадан илинжи бўлмаганда аллақачон унинг баҳридан ўтиб қўйган бўларди.

— Қандай илинж?

— Мана булар,— деди Эя, узуклари ва қулоғидаги исирғаларига ўрнатилган нур таратаётган тошларга ишора қилиб.

— Атаульпага нима алоқаси бор буларнинг? — сўради Туронбек суҳбатдошини гапга солиб, кўпроқ нарса билиб олиш мақсадида.

— Реактор ва комбинатлар қурилиб бўлгандан кейин,— тушунтира бошлади Эя,— конда ишлаш ва маъданларни Янги Туанакага ташиб келтириш учун одам ёллагани мингапумо қабиласига борган эдик. Шунда қабила аёлларининг кийимларига қадалган ёнар тошларни кўрганимиздаёқ асосий мақсадимиз эсимиздан чиқиб кетаёзди. Бундан ташқари Атаульпа одам беришдан бош тортди. Уни ҳушидан кетказиб, банди қилдик, қабила аъзоларига эса: «Бирорта тошларинг қолгунча доҳийларингни қайтармаймиз», дедик. Кейин қабилага бирорта худбинроқ одамни бошлиқ қилсак, ҳамма мақсадларимизга осонгина эришишимизни ўйладик.

Шунда Никора бир халта ёнар тошларни бизга келтириб, Атаульпани ўлдириб, ўрнига ўзининг доҳий бўлиб кўтарилишига ёрдам берсак, ҳар қандай талабимизни қулоқ қоқмай бажаришга тайёр эканлигини айтди. Атаульпанинг ёнар тошлар конини билишини ҳам айтди.

— Ҳозир Атаульпа қаерда? — Туронбекка унинг тақдирини билиш муҳимроқ эди.

— Сабр қилинг,— давом этди Эя.— Аввалига у уч ойлик қийноқ ва маҳбусликка чидаб конни айтмади. Сўнг бирдан рози бўлди. Уч ойлик қийноқ пайтида биз ҳам унинг иродасини синдириш, ҳам юртини қўмсатиш учун гоҳо сайрга олиб чиқиб турардик. Шунда Атаульпа узоқдан дарахт ва буталар орасида пойлаган одамлари билан имо-ишора қилиб алоқа қила олган экан. У ёнар тошларни топиб бериш баҳонасида одамларимизни пистирмага бошлаб бориб, кўпчилик бирдан ташланиб қириб юборишган. Соқчиларимиз қўлидаги нозик қуро-лар ҳам у билан кетган. Худо кўрсатмасин, қуро-ларни ишлатишни ўрганиб олса... Фувапролджнинг эсига Атаульпа тушса, чайнагани оғзида қолади. Уни тутиш мақсадида қанча ҳаракатлар қилмади! Чайласини ойлаб пойладик. Охирида эса, Дьюстелл унинг болаларини бу ерга келтириб, хотинини атайлаб ўрмон ичида якка қолдириб, узоқдан кузатиб кўрди. Лекин Атаульпа бунда ҳам илинмади. Хотин эса болаларини излаб келиб, ўзини симларга отган.

Туронбек шундай гўзал Эянинг бу ваҳшийликларни бамайлихотир гапиришидан даҳшатга тушди. Лекин ўзини босди:

— Бу аёл қачондан бери ётибди?

— Сиз келган куннинг индинига бўлди бу воқеа.

— Болаларини нима қилдинглар?

— Ҳозирча чўри қизимиз Тихимеянинг тарбиясида.

— Ҳозирча деганингизни қандай тушунса бўлади?

— Ким билади дейсиз, балки Фувапролджнинг жини тутиб қолган куни бу ваҳшийваччаларни ҳам комбинатнинг ўтхонасига улоқти-
рар...

Туронбек бир оз жимликдан кейин ўсмоқчилаб сўради:

— Мурдани шундай ҳолда ётиши одам шаънига тўғри келмаса керак?

— О-о, Туронбек, юқори вольтли симларга тегиб кетиш қандай оқибатларга олиб келишини маҳаллийлар кўриб қўйишса, ёмон бўлмайди. Ахир биз йиртқичлар орасидамиз-ку!... Умуман эса, жаноб Туронбек,— Эя, қизариб ерга қаради,— мен ҳам юмшоқроқ муомалада бўлиш тарафдориман. Лекин Фувапролдж бу маънодаги гапларимни эшитгиси ҳам келмайди.

— Эя, Эя,— деди ҳаяжон билан Туронбек,— сиздек гўзал аёлнинг бу жоҳилликларга бефарқ эмаслигингизни юрагимдан сезгандим.

— Ҳа, жаноб Туронбек, мен одамларга юмшоқроқ муомалада бўлиш тарафдориман. Фувапролдж менинг Тихимеяга дўстона муносабатимни сезиб ёмон кўриб қолган. Агар соғ қолсам, шартнома тугашига икки ой қолди, кейин қайтиб кетаман. Лекин менинг бу кайфиятда кетишимга Фувапролдж йўл қўймайди. Шунинг учун уни бир жоҳиллигини икки қилай деб турибман. Сизга шахримизнинг сирларини кўрсатганимни билиб қолса ҳам яхши бўлмайди.

— Эя, Эя!— деди яна ҳаяжонда Туронбек.— Сиз! Фақат сиз менга ёрдам бера оласиз. Бу жоҳилликларнинг олдини ола оласиз. Бизнинг одамлар билан алоқа ўрнатишимизга ёрдам беринг!

— Туронбек! — Эя жаҳлдан бўзариб кетди.— Юмшоқроқ муомалада бўлиш истагим, бу — Туанакага сотқинлик қила олади, деган гап эмас!

— Эя, ахир бу сотқинлик эмас, бу ёрдам!

— Бас! — Эя жаҳл билан тепинди.— Сизнинг одамларингизга келсак, улар қирилиб битган. Сизнинг тирик қолишингизнинг бирдан-бир йўли — Фувапролджнинг айтганини қилиш!

10

Ов ўлжалари билан эркаклар, ўрмон неъматларига тўла сават кўтарган аёллар уйларига қайтар эканлар, қишлоқнинг ҳар тарафидан кафтдек кўриниб турувчи майдон ўртасида турган Даман Дарайни кўрдилар. Бу — йиғилиш кераклигига ишора эди. Одамлар юklarини ташлаб қоҳин қаршисида саф тортишди. Даман Дарай салобат билан бошини кўтариб, қисик кўзини атрофга тикди. Ҳамманинг диққат билан қараб турганлигига ишонч ҳосил қилгач, томоғини қириб олиб, ваъз бошлади:

— Жондан азиз қабиладошларим, мен бу кеча муқаддас руҳ элчилари билан суҳбатда бўлдим. Улар: Кекидони жазо майдонидан қочишга муқаддас руҳларнинг ўзлари ундаганларини ва туанакаликлар унинг қўл-оёғини боғлаб олиб кетишганларини айтишди. Кекидода ҳеч қандай гуноҳ йўқлигини билганимдан кейин жабрдийда қабиладошимизни қайтаришларини ёлвориб сўрадим. Улуғ элчиларнинг айтишларига қараганда, Кекидо ҳозир келиши керак. Иззат билан кутиб олинглар!

Оломон атрофга аланглади. Норозилик оҳангидаги говур-ғувур бир зум кўтарилиб, яна босилди. Кун чиқиш томондаги тўқай орасидан бир одам бошини осилтирганча чиқиб кела бошлади.

«Ана, келяпти», «Лаънатининг ўзи-ку!» «Тарвақайлаб семириб кетибдими?» — деган овозлар эшитилди.

— Жим! — бақирди қоҳин.— Ножўя гапирманглар! Гуноҳкор бўласизлар!

Кекидо ҳеч қаёққа қарамай майдон ўртасига ўтди ва тил осилтириб ҳар томонга таъзим қиларкан, бирдан бақириб бошига муштлай бошлади:

— Мана мен келдим! Мени қўрқоқ десангиз ҳам ўзингиз билинг! Хоин десангиз ҳам ўзингиз билинг! Танамни бурдалаб ташласанглар ҳам чурқ этмайман...

— Кекидо!

Кекидо Даман Дарайнинг гапини эшитиб турса-да, билмаганга олиб ўзини уришда давом этди. Қоҳин жаҳл билан қичқирди:

— Бас қил, сенда ҳеч қандай гуноҳ йўқлигини ҳамма билади! —

қоҳин жиддий турган ҳолда қабиладошларига мурожаат қилди.— Жа-
сур манайлар, Кекидонинг гуноҳсиз эканлигига ишончинглар комилми?

— Ишондик,— деган жавоблар у ер-бу ердан эшитилди. Булар
кўпроқ Даман Дарайнинг қутқуси туфайли чиққан овозлар эди.

Даман Дарай юзидан қаҳр ёғилиб турган Шомжунга ўгирилди:

— Манайларнинг забардаст йўлбошчиси, Кекидони яна ўз ўғлон-
лари қаторига қўшиб оладими?

Шомжун индамади. Даман Дарай қайтариб сўради.

— Ботир ўғлонларим қаторига қўшиб оламан,— истар-истамас
жавоб берди Шомжун.

Кекидонинг қариндошлари чуввос кўтаришиб, ўзларини унга таш-
лашди. Уртага олиб, бундан бир ярим йил илгари тарк этган чайласи-
га бошлашаркан, Кекидо болалардай ҳўнграб йўлга тушди.

Кекидонинг қабилага қайтганидан кечроқ хабардор бўлиб қолган
Виталий Альфредович Кодзони олиб манайлар қишлоғига жўнади.
Одатда ҳамма ов ва бошқа иш билан банд бўлиб, қишлоқ ҳувиллаб
қоладиган вақтда бунчалик одам тўпланишини тасаввур қилиб бўл-
масди. Ерликлар чиндан ҳам қутилмаган ҳодисанинг устидан чиққан-
дилар. Уртада қандайдир ҳайвон ғажиб ташлаган манай жасади ётар,
Даман Дарай ваъзхонлик қиларди:

— Мана кўр, осий бандалар, муқаддас руҳлар қудратини! Кимки
унга шак келтирса, мана шундай жазога йўлиқаверади. Бу қарғиш
текканнинг баданига ёмон жин ёпишганини билиб, жинлар маконига
ташлаб келсам, ердан келган одамларнинг олдига қочиб борибди.
Уларнинг жодугари жинларни вақтинча алдагани билан омон қолди-
ми? Йўқ! Муқаддас руҳлар ўз махлуқларига буюриб жонини олди-
рди. Кимки муқаддас руҳлар менинг номимдан айтган панду насиҳатла-
шимга қулоқ солмаса, ана шундай аҳволга тушаверади.

Оломон овоз чиқармай маъюс тарқала бошлади. Уларга зимдан
назар ташлаб турган Даман Дарай орқа томонда турган Добронра-
вов ва Кодзоларни кўриб қолди-да, қовоғидан заҳар томиб тураверди.
Шомжун эса меҳмонларни таклиф қилишни ҳам, индамай кетавериши-
ни ҳам билмасди.

— Бу кўнгилсиз воқеа қачон содир бўлди? Қаерда? — сўради
Виталий Альфредович.

— Унга раҳмингиз келяптими? — пўнғиллади қоҳин.

— Албатта, инсон ўлади-ю, ачинмасдан бўладими? Мурдани кўз-
дан кечирсак майлими?

— Билганингизни қилинг.

Мурданинг бўғзига узун ўткир тишлар ботган, юзи ва танасидан
сизиб қон оқиб турарди.

— Қизиқ, йиртқич ҳаммаёғини ғажиб ташласа-ю, бирор жойига
тегмаса?..— деди Виталий Альфредович.

Ҳайрон бўладиган жойи йўқ,— гўлдиради қоҳин.— Бунга қорни
тўқ йиртқич ҳужум қилган. Баданидаги тишларнинг ўрни, тирноқлар-
нинг изини кўрмаяпсизми?

Виталий Альфредович кифтини учириб, Шомжунга ўгирилди:

— Қабилангизга туанакаликлар олдидан бир киши қочиб келган-
миш, деб эшитдим. Шу гап ростми?

Шомжун оғзини очгунча бўлмади орага қоҳин суқилди:

— Сизга унинг нима кераги бор?

— Ахир биз душманларимиз сирини билишимиз керак-ку!

— У фақат қамоқда ётгани ва тортган азобини эслайди, холос.
Буёққа қайси йўл билан келганини ҳам билмаяпти,— яна чўрт кесди
қоҳин.

— Шундай бўлса ҳам уни бир кўришим керак эди, қаердалигини айтолмайсизларми? Агар овга кетган бўлса, марҳамат, вездеход сизларнинг хизматингизда.

— Бошқа вақтда келасизлар. Аввал биз уни кўндирайлик. Осмондан тушган одамлардан юрагини олдириб бўлган.

— Ҳимматингиз учун ташаккур, хайр кўришгунча.

Виталий Альфредович Яхши Умидга кириб борганида кўнгилни баттар хира қиладиган гап эшитилди.

— Шу ерда даволаниб, бизга ўз ихтиёрлари билан ёрдам қилишга қолган манайлар кетиб қолишди,— деди жаҳли чиқиб Денис Воген.— Дунёда шунақа каллаварамлар ҳам бўларкан. Ахир ҳеч нарсадан камчилиги бўлмаса, биров мушугини пишт демаса...

— Тушуниб етганларича сабр қилишимиз керак, азизим, бошқа чора йўқ,— жавоб берди Виталий Альфредович.

— Фикрингизга қўшила олмайман,— Денис бош чайқади.— Муҳит, вазият талаб қиялпими, шунга қараб иш тутишимиз керак. Ҳар бир манайга тўғрининг эгри эмаслигини тушунтиришимиз яхши. Лекин вақт талаб қилганидан кейин қаттиққўллик қилишдан хижолат қилмаса бўлади. Негаки...

— Гапингизни бўлганим учун узр, сиз қалтис йўлни таклиф қилясиз.

— Йўқ, аксинча, ҳозир қалтис йўлга кириб қоляпмиз.

— Нимадан гумонсираётганларингни билсам бўладими?

— Даман Дарай ошкора тўнини тескари кийиб олди. Шомжун эса биздан юз ўгира бошлади.

— Даман Дарайни йўлга солиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Шомжун унинг таъсиридаги одам.

— Ўз ихтиёрлари билан қолган манайлар бирин-кетин жуфтакни ростлашаётганда-ку, уларнинг юзидаги қандайдир ташвишдан юрагим жизиллаб қўювди. Лазаретдаги беморларнинг яширинча қочиб кетганларига нима деса бўлади?

— Йўғ-э.

Добронравов бир зум хаёл суриб қолгач, ошхонага йўл олди.

— Азизим Кодзо, тезроқ овқатланинг. Яна манайлар қишлоғига боришга тўғри келиб қолди,— деди Добронравов бўш стуллардан бирига чўкаркан, кетидан келган Денисга ҳам ўтиришга имо қилди.— Менга қолса шундай вақтда овқатланиб ўтирмасдим.

— Аслида бемаҳалда боришингизни маслаҳат кўрмайман,— деди Зайдоний норози оҳангда.— Қолаверса, эртага ҳам кун бор.

— Йўқ, азизим, вазият кўтармайди.

— Бир ҳисобда Зайдоний тўғри айтяпти,— деди Денис.— Мен ҳам ҳозир боришингизга қўшилмайман.

Добронравовнинг юзи бирдан ўзгарди:

— Нима дейсизлар, биродарлар, касалхонадан қочган манайлар эрта билангина бизроқ фалокатга учраса?.. Ўзи ишимиз уваланиб турганида бу томонига эҳтиёт бўлиш зарурроқдир?

— Майли! Мен тайёрман,— Кодзо бошлиқнинг фикрини қувватлади.

— Унда бир минут ҳам радиоалоқани тўхтатмайсизлар,— тайинлади Раманажуна.

— Сизлар билан мен ҳам борсам-чи? — сўради Мирослав.

Виталий Альфредович хонадан чиқаётиб, унга қўл силтади.

— Чарчагансиз, дамнингизни олинг.

Вездеход манайлар қишлоғига кириб бораркан, Добронравов кўз ўнгидеги юз бераётган воқеаларга тушуниб етмасди. Бирданига бир

неча чайла олдига ёқилган гулханлар атрофида, одамлар ўтга маънос боқиб туришарди.

— Нега гулхан ёқиб юбординглар? — сўради Добронравов манайларнинг биридан.

— Сизларнинг касофатингизга, — тўнг жавоб берди у.

— Қанақа касофатимиз бўлиши мумкин?

— Ҳа-ҳа, — деди шошиб етиб келган Шомжун ғазабини яшира олмай, — бу гулханлар сизларнинг қилмишларингиз туфайли ёқилди.

— Тушуна олмаяпман, ҳурматли қабила саркори, кўнглингизда борини очиқ айтаверинг.

— Бугун касалхонангиздан келаётган манайлардан яна учтасини махлуқ ғажиб ташлаган.

— Махлуқлар нега касалхонадан чиққан манайларгагина ўчакишади? — бу савол билан Добронравов кўнглидаги шубҳага Шомжунни ҳам бурмоқчи эди.

— Жинлар одамларнинг жонини олишга қасд қилса, сизлар дорипориларингиз билан уларни вақтинча соғайтириб юборяпсизлар. Бунга қаҳри келган жинлар итоатсиз манайларни махлуқларга рўпара қиляпти.

— Тўғри жавобингиз учун миннатдорман, азизим. Демак, жинларнинг ҳам ожиз томони бор, шундайми? Улар йиртқич махлуқларсиз бир ишни уддалай олмайдилар. Энди махлуқлар тўғрисидаги ваҳимага келсак, буниси ҳам менга сал шубҳалироқ кўриняпти.

— Шубҳа қиладиган жойи йўқ. Жин илашганлар касалхонангиздан битта-битта қочган, махлуқ ҳам биттадан ғажийверган.

— Қолганларни-чи?

— Қолганларига тегмаган. Улар кўпчилик бўлиб келишаётган экан.

— Ҳа, баракалла, бунисини ҳам очиқ айтдингиз. Ахир махлуқнинг жони ўзига ширин-да.

— Сиз улар тўғрисида чакки гапирманг, қаҳри келгудай бўлса...

— Уларнинг қаҳри эмас, — Добронравов асабийлашиб унинг гапини бўлди, — одамларнинг қаҳри уларга келса, оқилона иш бўларди. Мана, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг, жинлар одамларнинг жонини олишга ожизлик қилиб, махлуқларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қоляптилар. Махлуқлар эса якка одамларга ташланиб, кўпчиликка кўринишга юраги дов бермаяпти. Улар даҳшатли эмас, улар ҳақидаги ваҳималар даҳшатли. Гапимга иқрормисиз?

— Йўқ, бу ҳақда менга бошқа гапирманг, — деди Шомжун ранги ўчиб, — бу сирлар қоҳинга аён. Мен қабилага бошчилик қилишни билман.

— У вақтда қоҳингизга тайинлаб қўйинг.

— Овора бўлманг. Унга буюриш, илтимос қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — Шомжун ерга қаради-да, қўшиб қўйди. — Бизнинг қишлоғимизга келишларингни вақтинча ман этаман.

(Давоми бор.)

Султон Акбарий

КУКАН ШУҒО

ДОСТОН

Иккинчи боб

Т ушиб қолмас деган билан оғзингга жиш,
Эгар олган билан битди-қўйдими иш»

Гапни бошлаб ўтган замон феъли билан,
Оқшоқ оқлаб, шоли туйиб кели билан,
Бир очилди, бир ёпилди тоғлар боши,
Усма кетиб, келинларнинг қолди қоши.
Тушиб қолмас деган билан оғзингга жиш,
Эгар олган билан битди-қўйдими иш.
Ҳали жазлуқ керак, ҳали ўмуддуруқ.
Терлик керак отни сақлаш учун қуруқ.
Тўқа, айил, тўқим, кумуш узанги ҳам,
Ипак банот ёпилмаса қайда ҳашам.
Достоннинг ҳам ўзи бўлмас, лаш-луши кўп,
Мавзу, услуб, ечим деган ташвиши кўп.
Мунаққидлар тили билан арпа ўрар,
Мол олгандай оғзин очиб, тишин кўрар.
Монологу диалогу автор нутқи,
Хуллас калоҳ достон учун кўп ачитқи,
Яна бир хум бўёқчининг нили керак,
Пардозига қалмоқи от қили керак...

□

Нега ўйдим сув келмаган ариқ четин,
Баҳонаи сабаб қилиб этин-бетин,
Сўзчил бўлиб топмасмидим саж билан важ,
Бола-бақра, катта рўзғор, хотин-халаж,
Жа бўлмаса хизматчилик — маълум нарса,
Бир гап бўлар насиб этса, ярлақаса,

Давоми. Боши журналнинг 3-сонида.

Мазмунида алтай-балтай қилмасдан кўп,
Иззатимда турмасмидим тилсиз сур бўп.
Утолмасдан шогирдликнинг битта бурчин,
Кўканвойдан ҳижолатпаз, ишим хуржун,
Саҳарларда ёлу парим еб чиқардим,
Алахсираб бир нималар деб чиқардим.

«Ётсам, турсам, кўз ўнгимда Кўкан расми,
Қарашлари бир хил — таъна, ўпкамасми?..»

Кунлар ўтар, ишим хуржун, машқим пастди,
Томоғимдан овқат ўтмас—татимасди.
Хаёлим бар тутқазмасди, уч бир тунда,
Этим оғриқ, басқоқ тери каби сунта.
Ётсам, турсам, кўз ўнгимда Кўкан расми,
Қарашлари бир хил — таъна, ўпкамасми?
Такабурлик нашъасидан кўзлар қийиқ,
Истеҳзоли, ним кулгига мойил мийиқ.
Бир пиёзнинг бошини ҳам кесмагандек,
Қаршисида турар эдим сўппайиб тек.
«Шоир ўртоқ,— дермиш,— эсон-омонмисиз,
Дам урмайсиз, қопга тиққан сомонмисиз?
Узр, тегиб кетсам қитиқ патларига,
Тўрт кўз бўлдиқ «кетдим» деган хатларига.
Дехқон содда, чўрткесарлик айби эмас,
Кўканчангиз бош ҳисобчи Сайфи эмас,
Раис акса урса рўмол тутадиган.
Эшигидан сурнай чалиб ўтадиган.
Суяк тўғри ўсган, ерда қайишган бел,
Ғафур Ғулом билан бошга кўтарган эл.
Арава ҳам чиқиб кетар баъзан издан,
Ўз вақтида камчилик ҳам ўтган биздан.
Филҳақ, кечроқ колхозлашган бўлса-да онг,
Кўл милтиқда, кўз доскада, бўзариб тонг,
Контрларни уриб турдик тасир-тусир,
Пахта учун енгишларда битди қусур.
Бошқа биров бўлса менинг ўрнимда гар,
«Мана ман!» деб Жалойирга соларди жар.
Кириб қолса тарихнинг бир чеккасига,
Епишарди ҳукуматнинг елкасига.
Кимсан — Уртоқ Фалончиев!.. Залда жимлик...
Орденлари, медаллари бир костюмлик!
Сал бўлмаса инқилобчи, эски фирқа,
Гўё хом сут эммагандай силлиқ-сийқа.
Ўзинг асра ундайлардан, ел патакдан!
Боларидай ҳид ўғирлаб наъматакдан,
Қиштикорлик билан ўтди қишим, ёзим,
Йўқ яшалган лаҳзаларга эътирозим.
Агар қайта туғилишга бўлса чора,
Буюрсин дер эдим шундай яшани зора.
Айбситмайсиз, эзмачурук бўп кетибман,
Вақтингизни суиистеъмом этибман.
Қаминага термакашнинг маълум ҳоли:
Бўш омордан инъом этаверар холи...
Радиоми — бажонидил, журналми — хўп,
Ҳаммадан ҳам шоирларнинг ишлари кўп.

Кўнгилчанлик панд берадир ўқтин-ўқтин,
 Зеро ўзи бўлмайди бор қилиш йўқдин.
 Гапди оғзин гап ечади, шу десангиз,
 Какликжонми, тувалоқми, қув десангиз,
 Ёки олқар, ёки марол, ёки қобон,
 Ёинки бир ғалатиси — туютовон,
 Галламасдан широлғага¹ келиб кетинг,
 Бўза солиб берай, ичиб илиб кетинг.

«Тариқ эдинг митти,
 Кўнглим сувга ивитти.
 Сўгин халтага тушдинг,
 Кепакда димиқиб пишдинг.
 Шишиб майса бўлдинг сан.
 Уғирда янчилдинг сан.
 Докадан ўтказдилар,
 Тиндириб тутқаздилар.
 Косагул суза-суза,
 Ахир бўлдинг рост бўза!..»

Бетга қизил югуради арпа ўрсам,
 Қоғозгулга ўхшаб қопсиз бирда кўрсам.
 Ўн қаватли сиймон уйда жигарлар об,
 На эркак сув, ширин ҳаво, на лаъли ноб,
 Қуруқ энгак билан буйир² қопти, холос,
 Одамсифат қилиб турган экан либос.
 Бунақада ўлиб кетиш тайин нарса,
 Келиб кетинг, Кўканчангиз енг шимарса,
 Бир том солиб берар Чустсой тепасида,
 Хос айвони кайвон³ билан супасида.
 Улайверинг оқ теракка қоратолни,
 Қаҳ-қаҳ урсин бедовсувор тараб ёлни.
 Шунақамиз, оқибатли, тўкис рўзғор,
 Ленин номли колхоз водий ичра номдор.
 Ҳосилдорлик жабҳасида кўтарган донг,
 Аъзолари културни ва юқори онг.
 Беш милён ақчаси бор «бўлинмас»да,
 Аммо чорва кўрсаткичи бир оз пастда.
 Яйлови тор, боз ерлари қайир, газга⁴,
 Адирлари қумли, тошли, қушга маза.
 Обдор гап шу: соғлик керак, қўниб кетинг,
 Қаламизнинг учини ҳам йўниб кетинг.
 Йиғиб қўйдим ҳангомалар галасини,
 Тўлдирасиз дostonчангиз чаласини».

«Бобом билан отамлашиб, жўқчи-жўқ деб,
 Бир қўй еган экан шоир қорин тўқ деб».

Рост эканми ирим, учган йўл пашшами,
 Туйқусдан мен тилларангли куз оқишони
 Қиладиган бўлиб қолдим Чустга сафар,
 Ён-веримда мухбирлардан икки нафар.

¹ Широлға — ов тақсими, овдан тегишлиси.

² Буйир — очбиқин.

³ Айвони кайвон — баҳаво айвон.

⁴ Газга — туртиб чиққан тоғ чўққилари.

Бири Маъруф Назар ўғли, эски хаткаш,
 Яна қўли келиб қолган бир отамкаш.
 Бир фурсатга уй ичи-ла хўшлашдимиз,
 Кечкачойин перронда қўл ушладимиз.
 Москвадан келаётган поезд экан.
 Қатновчи мўл, жойладилар брон билан.
 Мадмусанинг саргузашти тушиб эсга,
 Шарақлашиб кулиб олдик, вақтни несга
 Шетказмасдан танишдимиз ҳамхўжра-ла,
 Бўш ўрин йўқ миядаги хўжайрада.
 Уз билгича ҳар ким бичиб-тўқир эди,
 Ҳамроҳ мукка тушиб китоб ўқир эди.
 «Хе,— деворгим келди,— лаби, лунжи бўрдоқ,
 Купе санга читалнийми, нима, ўртоқ?
 — Уладиган дунё, қани, қиттак-қиттак!
 Минг машқ қилган билан бўлмас булбул читтак...
 Китобхўр ҳам фаҳми етиб бу белгига,
 Беихтиёр қўшилишди гурр кулгига.
 «Қизиқ артист экансизлар»деб қўйди сўнг,
 Мавриди бор, чоғи келиб қолганди ўнг,
 Гапни айлантириб ташлаш, сўзни ямаш,—
 Қалла деган хумчага бир фикр қамаш.
 — Йўғ-ей,— дедим,— бизлар бўлак тоифадан,
 Масаланми, шоир деган заифадан...
 Жўрамизнинг икки бети ловуллади,
 Гўё ички аъзолари шовуллади.
 — Хуш кепсизлар,— деди туриб ўрнидан даст,—
 Бу бандаям шунга ўхшаш бир камарбаст.
 Кўканбобо жиянлари бўладилар,
 Танимабмиз, ор-номусга ўладилар...
 Қулочкашлаб кўришдимиз қайта бошдан,
 Ақл қайнаб чиқаверди биздан — ёшдан.
 «Эшмоқ биздан, ўрмоқ сиздан, бошлайверай,
 Тор келганда чаккани жим қашлайверай.
 Улфати чор — анда маза бор демишлар,
 Кўнгил уйи улфатларсиз тор демишлар.
 Бобом билан отамлашиб, жўқч-жўқ деб,
 Бир қўй еган экан шоир, қорин тўқ деб.
 Гафур Фулом менга сиртдан танишгина,
 Менга қолган фақат сурнай чалишгина.
 «Кўкан батрак» қиссаси мен учун эртак,
 Аммо лозим тарихга ҳам салом бермак.
 Қатрасида кўринадир Кўканчамиз,
 Қисматига шерик бўлганмиз қанчамиз.
 Ёлғиз қўл-у, сўққа бошу, иш пачава,
 Қорин деган бой-имомда меш, гажава,
 Қолаверган экан қуруқ курсоқ билан,
 Супра қоқди қилишганда урпоқ билан.
 Колхоз киргин деса, дуруст йўталмаган,
 Ипилтириқ сабзиси ҳам ўталмаган
 Кўканчанинг тақдири ҳам ўзгарибди,
 Молли-қолли бўлгунча у бир қарибди.
 Коллективлик нашъасини сургунча то
 Тоғ селлари оқиб кетган дарё-дарё.
 Эркин меҳнат файзи кириб қўрасига,
 Ҳеч зорикмас бўпти ўрик ғўрасига.

Гафур ака ҳаммасини ипга тизган,
 Янгиланиш машаққатин тўғри чизган.
 Эсимдадир у дostonнинг битта жойи:
 — Ада, тим?— деб сўраган қиз менга ойи.
 «Ойпахта» деб от қўйганлар экан унга,
 Ҳисобласам қирқ тўққиз йил бўпти шунга,
 Бобом ҳали гижинг, гўё от алқими¹,
 Болам-бўтам қиладилар чуст халқини
 Саксонларга бориб қолган ёшлари ҳам,
 Қелбат деган адл, кертик қошлари ҳам.
 Тағларидан шамол ўтиб турган эмиш,
 Қайси бир куз жиндаккина кўзикканмиш...
 Азоб бериб бўксадаги ямоқ-яра,
 Синфий кураш кунларидан бир давара,
 Илк мартаба дўхтирларга боқизмишлар,
 Кўп хаёлни «кўкденгизга» оқизмишлар.
 Ялта ёқиб қолган эмиш, қаранг, буни,
 Яна бир ой чўзибдилар отпускани.
 Ҳали-ҳануз ғурурланиб: «Икки ой кам
 Ярим аср стажим бор,— дерлар,— бўтам!...»
 Ушанда денг, колхоз чўкиб қолган эркан,
 Янги раис сайлаймиз деб эртан-мертан
 Кўканвойга қилишипти заказной хат,
 Сўрашипти «Беринг кенгаш, бир маслаҳат...
 Узингизга қўл кўтариб қўййликми,
 Аҳвол нозик, виждонимиз бўййликми?!
 Мазаси йўқ ҳозиргининг, илми гиж-гиж,
 Ориқ-тирриқ, кўримсиздан нима илинж.
 На шоп мўйлов, на бўйдан бор, на қориндан,
 Суе етаклаб келолмас-ов шўх Нориндан.
 Дала қолиб, идорада чўт қоқади,
 Ажабтовур, қўй ўрнига ўй боқади.
 Отамизнинг чиқмасин бу ишга жаҳли,
 Аддуоу вассалом деб, колхоз аҳли!...»
 Тез орада кела қопти хатга жавоб,
 Жумла-жумла ўқишипти айлаб тавоф.
 «Манга аён диққатчилик, касби-қоллар,
 Йўл кўргазур тажрибали бизнинг чоллар.
 Райком билан кенгашинглар авваламбор,
 Манга қолса тўғримасдир, думбул қарор.
 Эмдилликда раислар йўқ қориндорлик,
 Куёв бола тўни қилмас унга торлик.
 Бурунгиси эди гўштдор, савлат раис,
 Бугунгиси куйди-пишди, давлат раис.
 Раис манга яхши таниш ўрта қўлдай,
 Ҳали ёшдир, очилмаган партов чўлдай.
 Кўз очилур эшитса ким бисёр койиш,
 Талантини этар ҳали кўп намойиш.
 Илм унинг ширасини сўриб олган,
 Чилги узум десалар-да ҳосил солган.
 Йил беновот, қийин келди аввал ўзи,
 Лек бу билан камаймасдур колхоз рўзи.
 Эмди маним хусусимда, омади гап,

¹ От алқими — отнинг қўлтиғидан чиққан шамол.



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

Шўроликда¹ қолавериш айни талаб.
 Зар илашсин молларингиз туёғига,
 Олма-ўрик бўлармидик буёғига.
 Еш кадрлар ишончли бир ўринбосар,
 Дебдилар, қўй босмагани қўзи босар.
 Алоҳида бир-бир салом юртдошимга,
 Етиб борсам керак янги ой бошига».
 Шул мактублар каминада сақланыпти,
 Колхоз-совхоз тарихига тахланыпти.



Шавол туни хийли узун бўлган билан,
 Отаётган эди тонг ҳам эран-қаран.
 Йўлдошларим мизғишарди иштиёқ-ла,
 Мен-чи, қоғоз тўлғизардим кўк сиёҳ-ла.

«Бахт келинин бўйнидаги маржон каби
 Ҳар туп ғўза шохларида кўсак сафи...»²

«Чуст! дедилар, қора йўрға тўхтаб ўтди,
 Праводник билетларни қўлга тутди.
 Апил-тапил йиғиштириб қоғозларни,
 Қаршиладик «Салом!» деган овозларни.
 Бизлар худди космонавт-у, қўндик ерга,
 Қутғувчилар қучоғида ботдик терга.
 Нақш олмадек қизча тақдим этди раъно,
 Хуллас, иззат-икромларда талай маъно.
 Халқ урфининг энг ноёби — меҳмондўстлик,
 Андиша ҳам шафтолидай юпқа пўстлик.
 Пешвоз чиққан эди райком билан Қўқан,

¹ Шўролик — қишлоқ Совети раислиги маъносида.

² Фафур Ғуломдан.

Даврамиз ҳам ёришгандек бўлди шу он.
 Уттан-бўттан сўзлашдимиз боғ ичида,
 Котиб деди: «Ҳе, қолмайлик доғ ичида!
 Пахтазорнинг чўғи сўниб бораётир,
 Симёғочга мезон қўниб бораётир...»
 Резаксойми, Олмоссойми, Шатаксойми,
 Варзиқ, Шўркент, Шоёнбоймоқ—бошқа жойми,—
 Ҳаммасида бунёдкорлик, етук ҳавас,
 Янги турмуш лаззатини эмган нафас,
 Қирдан-қирга, ўрдан-ўрга — яшил денгиз,
 Тут истисно қилинса гар, уфқи тенгсиз.
 Бахт келинин бўйнидаги маржон каби
 Ҳар туп ғўза шохларида кўсак сафи...



«Бу шон-шухрат уйи» деди ўртоқ котиб,
 «Бу — заргарлик» деди Кўкан носдан отиб.
 Манависи айланма йўл, буси — завод,
 Атлас ҳам бор, чиқазмаймиз фақат мовут.
 Хув бадиш буюмларнинг фабрикаси,
 Энг юқори баҳоланар Чуст маркаси.
 Дўппилари кезган Познань, Монреални,
 Тонг қолдирар ҳам эркакни, ҳам аёлни.
 Пичоқларин доврўғи зўр, олмос чақар,
 Дамгирлари бургага ҳам тақа қоқар.
 Қани, дебон бошладилар бол, қаймоққа
 Тоғ бағрида яшайдирган бир аймақда.
 Арча ёқиб, тобладилар ўтга болни,
 Ажабсиниб қараб турдим ушбу ҳолни.
 Қаймоқни ҳам қайнатишиб, пишгач ёғи,
 Болга аста қораверди ним ёйлоғи.
 Бол қаймоққа яна сепган бўлдилар ун,
 Ичимизга кирган каби қизиган кун...
 Тоғда ботган шафақ савтин кўнгил севди,
 Кимимиздир ғазалхона бўлса девди,
 Қани, дебон бошладилар гавжум ёққа,
 Маданият саройига сиғмас соққа...
 Қандиллари шамолоқдай, ҳашам вой-бўй,
 Коммунистик турмуш тарзи — янгича тўй.
 Жуфтланмоқда экан бирмас, олтига пар,
 Ана чолғу, ана ўйин, ана лапар.
 Котиб қадаҳ тутиб деди: «Бахтли бўлинг,
 Кўша қаринг, мудом, маҳкам аҳдли бўлинг.
 Кўкан билан Холпош каби ин қуринглар,
 Бахтингизни машғал қилиб шод юринглар!..»
 Қарсақбозлик, шифтлардан ҳам чиқди садо,
 Бу ёғини қилолмайман битиб адо.
 Кўкан бизни ўз қасрига олиб тушди,
 Нақшинкор уй, бўёқлари нимранг, пушти.
 Чорси айвон, газ ўчоғи, тунука том
 Ва бўғотга чиқиб кетган аймақ ишком.
 Ҳалимхона, ҳадимхона деганидек,
 Бурунларда яшаганми шунчалик бек.
 Оғилида галански — қашқа экан,
 Кўрада — қўй, бахтли ҳаёт бошқа экан.

Индаллосин айтсам, ростдан Кўкан чайир,
 Жоиз бўлса, тўқмор ёлли қорабайир,
 Суриб чиқди «Жигули»ни гаражидан,
 Хуқуқидан фойдаланар ҳар граждан.
 Шарт ўтқазиб ҳаво рангли тўриғига,
 Елиб кетди адир билан қўриғига.
 «Кўрганмисиз Оғасарой, Тўдани.— дер,—
 Каркидонлик бизнинг Салим қудани,— дер,—
 Бўлганмисиз Кўксераксой салқинида.
 Саримсоқтепа донишмандин талқинида,
 Кўк сахтиён муқовали китоби бор,
 Китоботда валийларнинг итоби бор.
 Демишларким, боққа кирсанг гул боғлагил,
 Умр ўтар, яхшиларни ардоқлагил.
 Етим бўлса, қўрғаз санам саъй ва кўшиш,
 Боқиймасдур уммондаги мавж ва жўшиш.
 Юзинг гўзал бўлмаса, бу нуқсон эмас,
 Хулқинг гўзал бўлмаса гар одам демас.
 Олтин сочма, табассум соч, кўнглин кўтар,
 Бу дунёдан шоҳ-у гадо бирдай ўтар...»
 Во ажабо, Кўканми бу, сўқир Кўкан,
 Бекас Кўкан, шайтон ковуш тўқир Кўкан.
 Зеҳнида тек ҳақ таоло, усул ад дин,
 Оғзини чип бойлаган у «лом» билан «мим».
 — Кўз очилди,— дейди Кўкан,— билим доя,
 Кўкка нарвон қўймай чиқди бизнинг гоё.
 Фафур ака ёзгандек, биз энди синчи,
 Тонглар бизнинг, давр бизнинг, биз ленинчи...
 Яшиавор-ей, бошидан кўп тарих ўтган,
 Социализм этагини маҳкам тутган.
 Сизнинг, бизнинг сўтак Кўкан, бир камбағал,
 Гарч этикка қоқтирибди кумуш нағал.
 Уни Шўро бува қилиб сайлашибди
 Сельсоветга ҳурмат бажо айлашибди.
 Йиллар ўтмиш бир-бирини қува-қува,
 Шу-шу эмиш Кўкан Шўро, Шўро бува.



Ишкомлардан сузиб қўндик бир манзилга,
 Боғи эрам демабдилар беҳазилга.
 Хатларимда кетмасиң-у саҳву хато,
 Жаннатмакон этишибди бунда ато:
 Ун беш чоғлиқ аъзо ҳордиқ ёзар эди,
 Ичларида раис, тўзиб озар эди.
 Дўхтирлар ман этишган иш, сустроқ тори,
 Тумбочкада валокардин ва ҳандори.
 — Ҳа, бой касал,— деди Кўкан,— нима ётиш,
 Яхшиси мен билан туриб носдан отиш...
 Кўкан билан ачомлашди раис алҳол,
 Бизлардан ҳам сўраб қўйди сиҳат, аҳвол.
 Сўнгга гина қилган бўлди: «Шўро бува,
 Бир шипшитиб қўймабсиз-да, ош, мастува,
 Е қора қўй, шашлик кимни ўлдирибди,
 Мана бугун колхоз план ўлдирибди.

План катта — ўттиз бешдан, устама—қирқ,
 Ҳзи бўлмас пахта деган, пахтаям зирҳ¹.
 Уни тоблар азим меҳнат, лов-лов тандир,
 Пахтамизни чидаганга чиқаргандир.
 Азизларга қўй сўйсак ҳам сийловлар оз,
 Қадамлари ёқди, қутли ва сарафроз.
 Қуёш — олтин қозон, шарбат қайнатади,
 На ҳизиринг, на одаминг айнатади.
 Қуёшли кун кўпроқ бўлсин «оқ олтин»га,
 Сводкада чиқиб олдик энг олдинга.
 — Ҳа-да,— деди, қувватлади Қўкан очик,—
 Табиатнинг неъматини кун билан чочиқ.
 Сирасини айтсам сизга, аҳли дониш,
 Қийин бўлди бу раисга меҳр, ишониш.
 Ичин ёрсанг, чиқар эди нуқул ҳарф,
 Тажриба кам, кўрсатарди қандай шариф.
 Энди кимсан — пих бойлаган, қирғий нигоҳ,
 Фақат бўлмас соғлиқдан вақт-бевақт огоҳ...
 Қўкан ғалат қараш қилди раис томон,
 У ўлтирар мусичадай уволсимон.
 — Тоза очиб ташладим-а ҳашагингни,
 Қўтар дори, шойи кўрпа-тўшагингни.
 Куракни бир терлатиб ол тоққа чиқиб,
 Барра равоч сувини ич сиқиб-сиқиб.
 Валидолда нима қилсин дилга қувват,
 Дармондори — бол сўтаси билан кўкат!..



**«Бир очилди, бир ёпилди тоғлар боши,
 Ҳсма кетиб, келинларнинг қолди қоши».**

Бир тирноқни яратади қанча меҳр,
 Бир қўшиқни таратади қанча сеҳр.
 Қўканни ҳам яратгандир она бағри.
 Лекин офтоб кўрмагандир йиллаб сағри.
 Чарос, кишмиш хол ташласа еёлмаган,
 Босиб еган бойга ул-бул деёлмаган.
 Тоғда пишган дўлонага ҳад сиғмасди,
 Чориг қўсқи — бошқа тузук мол йиғмасди.
 Қўкан батрак ҳикояти чиппа-чиндир,
 Қисмат шундай бўлса, тошга уриб сундир.
 Ойнинг ярми ёруғ, ярми қоронғумиш,
 Фақат Ленин замонида куни туғмиш.
 Демас кўндан «Олампаноҳ! Давлатпаноҳ»,
 Чаккасига тақиб юрар олтин чаноқ.
 Қўш ордендор — Ленин нишон, Қизил юлдуз,
 Меҳнату жанг мукофоти, ёруғдир юз.
 Эслаб турар меҳнатини, курашини,
 Тарихларнинг гайкасини бурашини.
 Оғиб-оғиб Қўканвойни солдик гапга,
 Гоҳ ярқиллаб, гоҳ чарқиллаб ўнгу чапга,
 Икки орден баёнини қилаверди,
 Кун устига қизил байроқ илаверди:

¹ Зирҳ — пўлатнинг аъло нави.

«Бир очилди, бир ёпилди тоғлар боши,
 Усма кетиб, келинларнинг қолди қоши».
 Уртада кўп сойлар тинди, ранглар тинди,
 Бу гаплар, ҳе, хотиралар каби энди.
 Ёдингизда бўлса керак, қурултойга
 Сайлангандим, шоир урғу берган жойга.
 Разм солсалар, чўнтагимдан зарбдорлик
 Дафтарчасин олган эдим юзи ёруғ,
 «Қолган сўзлар тутқизмади ўз баридан,
 Кўкан айтди қурултойнинг минбаридан»¹,
 Мисрасидан кейин қилмай ранг омукта,
 Алломамиз қўйгандилар сўзга нуқта.
 Қурултойда чиққан эдим маърузага,
 Сув тўлдириб олмагандек нақ кўзага
 Истакандан қақраб хўплаб қўяр эдим,
 Йўл-йўлакай гапни тўплаб қўяр эдим,
 Усмон ота жилмаярди қайта-қайта,
 «Баракалло!» деб қўярди у одатда,
 Соз бўларкан одамнинг ҳам жағ-тиллиги:
 «Сўзим тамом. Яшасин пахта мустақиллиги!»
 Шунда Йўлдош Охунбобо ўғли туриб,
 Олий фармон ўқиб, менга қарши юриб,
 Даст кўтариб ўпган, нишон таққан эди,
 Кўзларимдан қувонч ёши оққан эди.
 Кейин мени сайладилар ҳосилотга,
 Каттиқ қамчи босиш тўғри келди отга.
 Ишонч учун партияга қуллуғ қилиб,
 Планларни бажардимиз тўлиғ қилиб.
 Қирқ биринчи йили ишлар кетди чаппа,
 Қаллакесар босган эди бизни таппа.
 Трактор — танк, ўрнига қўш, омоч қолди,
 «Дон фронтга!» — болаларга умоч қолди.
 Пахтадаги оғирчилик — аёлларга,
 Ушанда биз бормадик не хаёлларга!
 Илож қанча, оққан сувдай оқиндим мен,
 Қоядаги олғир қушдай қоқиндим мен.
 Кўпчиликдан қолмай бўлдим аскар йигит,
 Хайр, кўзларим оқ-қораси гавҳар чигит!
 Москванинг бўсағаси, қор бўронда
 Утдай қалқиб кириб кетдим ур-суронга.
 Кўзим очсам окопдамас, санчастандаман,
 Гўё ҳамма жангчилардан энг пастдаман.
 «Дод!» девордим, бошдан тагин хушим учди,
 Элас-элас билсам кимдир суйиб қучди.
 Душман ўқи керак қўлни еган экан,
 Генералим «Танкчи мерган!..» деган экан.
 Филт-филт ёш-ла оташ танни суйган эмиш,
 Бўз кўйлакка орден тақиб қўйган эмиш.
 Икки танкни ёндирибман, сўнг бир ёнга
 Шилқ тушибман, беланибман қора қонга.
 Ҳарбий врач қайсар, боқмай ёш тарзимга,
 «Панфиловчи» деганимга, ҳол-арзимга
 Хукм чиқарди яроқсизга, зуд чиқитга,
 Шу кўйда мен қайтдим дала ва чигитга.

¹ Гафур Ғулом сатрлари.

Кампирларга раис бўлдим хачир билан.
 Кўп қисқартиб берилганди пахта план.
 Асосан биз сочардик мош, оқ жувори,
 «Пат-пат! ўчган, йўқ пўлат от, йўқ сувори.
 Шу аллозда ёзлаб чиқдик, қишлаб чиқдик,
 Тирикчилик дарди билан ишлаб чиқдик.
 Сутни энанг берар, нонни эса — колхоз,
 Утни отанг берар, шонни эса — колхоз!
 Тўйми, аза, эл ғамини эса — колхоз,
 Иттифоқлик, маъмурчилик деса — колхоз!
 Кам бўлмасин Шароф ўғлим — юрт сарвари,
 Колхозпарвар, пахтапарвар, сувпарвари!
 Халқ бағридан чиққан пахта илмин зўри,
 Олтин ерга битган қўшиқ—деҳқон умри.
 Канда қилмас, йилда уч-тўрт кўрар Чустни,
 Зуд тўғрилаб кетар бўлган каму кўстни...
 Шўро сўзи — инсофли сўз, филҳақ сўзим,
 Кўп илтифот кўрганман мен шахсан ўзим.
 Отанг — ердир, онанг — ердир, ёринг — ердир,
 Ўзбекистон диёрида боринг — ердир!..»



Кўкан мамнун тин олди ва ўйга чўмди,
 Кўҳна ҳасрат—андуҳларни ерга кўмди.
 Кўзларида ғилтиларди гавҳар дона.
 Эй табиат, ҳаёт, ўзинг мушфиқ она!
 Сенга йиғи ярашмайди, ранг ярашар,
 Ширинчилик билан ўтган тонг ярашар.

ХОТИМА

Чу-ҳа, чу-ҳа қилиб келган отим дирр-ей,
 Тинғиллаган дўмбирам ғилофга кир-ей!
 Қизил тутдан бутагандай кўринасан,
 Вазифангни ўтагандай кўринасан.
 Чечанликда мен ҳам сўзнинг бир деҳқони,
 Қувватлади устозимнинг руҳ, эҳсони,
 Куйни эшиб, ўзни анча койитибмиз,
 Кўканвойнинг тарихини бойитибмиз.

1976—1980 йил,
 Тошкент,



Саид Хўжаев

ЭКРАНДА ИЛЬИЧ СИЙМОСИ

Бутун жаҳон меҳнаткашларининг доҳийси, коммунистик партиямизнинг ҳамда биринчи социалистик жамиятнинг асосчиси В. И. Лениннинг кўп қиррали инқилобий фаолияти санъат асарлари учун битмас-туганмас ҳаётбахш чашмадир. Унда меҳнат аҳлининг қудрати, башариятнинг қаҳрамонлиги ва тафаккур зиёлари мужассамлашган. Ленинни куйлаш, унинг умрбоқий даҳосини тараннум этиш ҳар бир ижодкор учун катта бахт.

Владимир Ильич Ленин сиймосини акс эттириш энг оммабоп санъат ҳисобланган кинода айниқса равшан намоён бўлди.

Ильичнинг дийдорини кўрмаган авлодлар, кино санъати туфайли, унинг табаррук чеҳрасига боқиш бахтига муяссар бўлдилар.

Бу хайрли иш моҳиятини ҳис қилган Г. Гибер, Ю. Желябужский, Эдуард Тиссэ, Н. Козловский, А. Левицкий, А. Лемберг, П. Новицкий сингари биринчи совет кинохроникачилари томонидан 1918—1922 йиллар давомида суратга олинган, В. И. Лениннинг жонли сиймоси туширилган ҳужжатли киноленталар жаҳон кинематографияси хазинасининг бебаҳо дурдоналаридир.

Нодир хроникал кинокадрлар бадий кинематография ижодкорларигагина эмас, балки мўйқалам соҳиблари ва ҳайкалтарошларга ҳам катта илҳом ва мадад берди. Натижада, Марказий киностудиялар «Ленфильм» ва «Мосфильм»да яратилган «Октябрь» (1928), «Ленин ҳақида ҳикоялар» (1957), «Ленин Польшада» (1965), «Кремль куранти», «Олтинчи июль» каби киноленинномаларимизнинг ёрқин намуналари яратилди.

Мазкур фильмларда Владимир Ильич Ленин революция илҳомчиси ва ташкилотчиси, биринчи социалистик давлат раҳбари, омманинг раҳномаси сифатида гавдалантирилди.

Мамлакатимиз кино санъатининг Ленин образини яратиш соҳасидаги ижодий тажриба ва муваффақиятларидан руҳланган ҳамда атоқли санъаткорларнинг анъаналаридан баҳраманд бўлган ўзбек киносанъаткорлари ҳам ана шу хайрли ишга бош қўшдилар. Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, Урта Осиё республикалари кино санъатида Ленин сиймосини акс эттириш биринчи бўлиб ўзбек киносанъаткорларига насиб бўлди. Кинорежиссёр Латиф Файзиев ёзувчилардан Уйғун, Михаил Швердин ва Собир Муҳамедовлар сценарийси асосида «Ленин йўлланмаси билан» номли рангли киноқиссани яратиб, миллий кино санъатимиз тарихини янги ёрқин саҳифа билан бойитди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги муносабати билан 1957 йилда экранга чиқарилган бу фильм ўзбек тарихий-инқилобий киноасарлари қаторидан фахрли ўринни эгаллади.

«Ленин йўлланмаси билан» бадий фильмида Ленин шарқ халқларининг халоскори, дўсти, мураббийси, ғамхўр устози ва ҳимоячиси сифатида талқин этилди. Фильм муаллифлари Ленин образини яратишаркан, доҳий ва унинг сафдошларининг маънавий қиёфасини очиб беришда фактик материалларга — таржимаи ҳол, тарихий ҳужжатлар, хотираномаларга таяндилар ва асарда қамраб олинган тарихий воқеаларга мувофиқ келадиган бадий тўқима образ ва лаҳзаларни картинанинг сюжет таркибига сингдириб юбордилар. Тошкентда Туркистон Давлат университетини таъсис этиш ҳақида Халқ Комиссарлари Совети декрети тарихий ҳужжат бўлиб, шу декрет асосида марказдан — Москва ва Ленинград шаҳарларидан Ленин йўлланмаси билан тажрибали

олимларнинг келганлиги ҳақидаги тарихий ҳақиқатга асосланиб, Ленин характери ва фаолиятининг шарқ халқлари тарихи ва тақдиридаги муҳим родини очиб беришга ҳаракат қилишди.

Вазият ғоят танг, граждандлар уруши давом этаётган бўлишига қарамай, доҳий маърифат масалалари ва шарқнинг мазлум халқлари тақдири билан боғлиқ бўлган барча масалалар билан шуғулланишга вақт топарди, келажакни олдиндан қўриб, ана шунга мувофиқ тадбирлар белгиларди.

Асарда Ленин билан Туркистон меҳнаткашлари вакилларининг учрашуви талқинида муҳим бир ғоя — халқ, партия ва Лениннинг бирлиги, Ильичнинг камбағал меҳнаткашлар оммаси билан мустаҳкам алоқаси очиб берилган. Фильмдаги бу учрашув тасодифий бўлмай, балки тарихий жараённинг ривожланиши натижасида келиб чиққан қонуний зарурят сифатида тасвирланган. Унда В. И. Ленин Туркистон халқлари вакиллари билан ўзининг энг яқин одамларидай гаплашади. Постановкани режиссёр Латиф Файзиев, Ленин ролининг ижросиси актёр Михаил Кондратьевлар ана шу учрашув лавҳаларида мамлакатдаги барча ташкилий тадбирларни моҳирлик ва донишмандлик билан бошқариб бораётган буюк йўлбошчи характерининг муҳим сифатларини очиб беришга интилишган.

Картинанинг тасвирий—ифода услубини белгилаш, воқеа ва лавҳаларни талқин этишда кинематография бадий имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Фильмда Лениннинг кекса олим Степан Иванович Матусовский билан мулоқоти ҳам таъсирли ифодаланган. Бу мулоқот турлича ракурсларда суратга олинган бўлиб, йирик ва ўрта планлар доҳий билан олимнинг ўзаро муносабатини, уларнинг ўзларига хос индивидуал хислатларини очиб беришга ёрдам берган.

Лениннинг шарқда социализм машъалини ёқиш, чекка ўлка меҳнаткашлари фарзандларини илм-маърифатдан баҳраманд этиш соҳасидаги хайрли кўрсатмаларини амалга оширишда Ленин йўлланмаси билан Тошкентга келган рус олимлари қаторида маҳаллий халқ вакилларидан Музаффар (артист Убай Бурхонов), Ғафур (артист Санъат Девоннов), Саодат (артистка Р. Муҳаммедова) ва бошқалар катта ғайрат ва шижоат кўрсатишади.

«Ленин йўлланмаси билан» бадий фильмидан кейин, тажрибали режиссёр, СССР халқ артисти Йўлдош Аъзамов «Фарғоналик беш киши» (1963) бадий фильмини яратди. Унда В. И. Ленин сиймоси ўзига хос формада талқин этилди, фильмда бош қаҳрамон Абдулла Набиев вагонда дўстлари билан кетаётган пайтда доҳиймиз билан хаёлан учрашади, суҳбатлашади.

«Ленин йўлланмаси билан», «Фарғоналик беш киши» бадий фильмларида Ленин образи актер талқинида экранда бевосита кўрсатиш йўли билан тасвирланган бўлса, «Осиё устида бўрон» (1964), «Ойдин саҳифа» (1964), «Инқилоб чавандозлари» (1968), «Фавқулудда комиссар», «Узоқ-яқин йиллар» сингари тарихий-инқилобий киноленталарда унинг ғойибона образи революционерларнинг ғойивий эътиқоди, Ленинга садоқати орқали ифодаланган.

СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Ёрматовнинг тарихий-инқилобий кинотрилогияси воқеалари улуғ Лениннинг революцион руҳи билан суғорилгандир. Трилогиянинг ҳар учала фильмдаги ленинча-большевикларнинг кураш ва интилишларида Ленин ғоялари етакчилик қилади. Трилогиянинг энг етуқ ва баркамол асари ҳисобланган «Осиё устида бўрон» бадий фильмида Ленин ва унинг революцион таълимоти ўзига хос услубда талқин этилади. Томошабин унинг доҳийона руҳини чуқур ҳис қилади, ғойибона образини қалбда туяди.

Жамол Ялангтўш билан биринчи марта учрашганда золимлардан ўч олишнинг Ленин кўрсатган йўлини тушунтираркан, буюк доҳийни кўрган йигитга Ялангтўш зўр ҳавас билан боқади. Подшо ҳокимиятини ағдариб ташлаган Лениннинг оддий инсоний киёфасини ўзининг содда тасавурида буюк бир афсонавий паҳлавондай ҳис қилиб юрган Ялангтўш Жамолнинг Ленин ҳақидаги ҳикоясини завқ ва эътибор билан тингларкан, «Ленин ҳам ўзимизга ўхшаган одамми-а?» деб сўрайди. Унинг бу саволида содда ўзбек деҳқонининг доҳийга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромини пайқаймиз. У «Қани энди Ленинни бир кўрсам, у билан бир отамлашсам» деб доҳий билан учрашишни, унга ўз кўзи билан тўйиб-тўйиб боқишни, донишманд йўлбошчи билан мулоқотда бўлишни орзу қилади.

Оқ гвардиячилар улоқтириб ташланиб, қуролли эшелон эгалланган, Ялангтўш Жамол билан паровознинг олд томонидан бораркан ундан: «Лениннинг сенга ўхшаган йигитлари кўпми?» деб сўрайди.

— Сизнинг қўл остингизда қанча йигитингиз бор?— саволга савол билан жавоб қилади Жамол.

— Кечаги урушдан кейин, ўзим билан икки юз ўн икки одам қолдик.

— Лениннинг йигитлари жуда кўп,— деб тушунтира бошлайди Жамол.— Мана энди улар сафига яна икки юз ўн икки киши қўшилди.

Ялангтўш Жамолнинг бамаъни жавобидан мамнун ва хурсанд бўлиб, бахтиёр ҳолда жилмаяди. Оддий ўзбек деҳқони умрининг охиригача Ленинга, унинг ҳаётбахш ғояларига содиқ қолади, халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, совет ҳокимияти душманларидан шафқатсиз қасос олади.



«В. И. Ленин Октябрда» фильмидан кадр.

Фильм охирида заводчи бой Қоплонбекнинг ўғли Азиз яраланган аҳволда Жамолни излаб Тупроққўрғондаги авахтадан уни тополмагач, кўзлари қонга тўлиб атрофга аланглайди. У шу пайтда ғалаба нашъасидан мамнун ҳолда тепадан тушиб келаётган Ялангтўшни кўриб қолади ва кўксига қараб ўқ узади. Уқ зарбидан оғир яраланган Ялангтўш доҳий номини тилга олиб жон беради: «Болаларим, ниятим Ленинни кўриш эди, атанг, кўролмадим. Сизлар кўрасизлар. Айтинглар, батрак Юсуф Ялангтўш большевик бўлиб ўлди».

Комил Ерматов ўзининг тарихий-инқилобий кинотрилогиясидан сўнг инқилобий мавзу географик доирасини янада кенгайтириб, Хоразм Халқ Совет революцияси воқеаларига бағишланган «Узоқ ва яқин йиллар» (1977 йил) бадий фильмини яратди. Картинада 1920 йилда Аму воҳасида Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлаш учун олиб борилган шонли кураш лавҳалари ўзининг бадий кинематографик талқинини топди. Картина лавҳаларини томоша қиларканмиз, В. И. Лениннинг РСДРПнинг 1917 йил апрель конференциясида башорат қилиб айтган: «Биз Хива деҳқонининг Хива хони қўли остида яшашини мутлақо истамаймиз. Биз революциямизни давом эттириб, мазлум халқларга таъсир этамиз», сўзларини эслаймиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг мантикий давоми бўлган Хоразм инқилоби ҳам доҳий В. И. Лениннинг раҳнамолиги ва таълимоти билан суғорилгандир.

Мураккаб воқеалар марказида В. И. Ленин дийдорини кўриш бахтига мушарраф бўлган кекса ўзбек деҳқони Матниёз Бойсунов ва унинг ўғли, жасур чекист Жума Матниёзов образлари туради.

СССР халқ артисти Шукур Бурхонов ўз қаҳрамони характерини халқ орасидан етишиб чиққан шижоатли, мард ва ботир шахс сифатида гадалантиради. Матниёз ота қўш ҳайдаб, ер сураётган пайтда ҳам, кекса ҳамқишлоқларига В. И. Ленин билан бўлган тарихий дийдорлашув лавҳаларини хотирлаб завқ ва ғурур билан сўзлаб бераётганида ҳам ана шу фазилатларни намоён этади.

— Бир кун, Воронеж ёнида жанг қилаётганимизда,— деб хотирлайди Матниёз Бойсунов.— Мени Будённий ўз ҳузурига чақирди. Семен Михайлович менга Лениннинг суратини берди. Сизни Туркистонга юборамиз, деди. Йўлим Москва орқали ўтарди. Москвада доҳий Ленин Қизил майдонда нутқ сўзларкан, деган хабарни эшитиб қолиб, мен ҳам ўша ёққа бориб, Лениннинг сўзини эшитдим.

Матниёз отанинг доҳий ҳақидаги ҳикоясини ҳайрат ва қизиқиш билан тинглаган деҳқонларнинг олам кезган, юрт кўрган Матниёзга бўлган ҳурматлари янада ошади. Тажрибали санъаткор ўз қаҳрамони табиатидаги ажойиб фазилатларни ёрқин ва жозибали халқчил бўёқларда ифодалаб образнинг баркамол чиқишига эриша олган. Матниёз образида актер ўзи илгари яратган Юсуф Ялангтўш, Азнавур полвон сингари реалистик образларнинг яхши аъналарини давом эттириб, Матниёзнинг доҳий В. И. Ленин ғояларига садоқатини, табиятан соддадиллигини, мардлиги ва жасурлигини, тadbиркорлигини очиб беришга муваффақ бўлган. У ўғли Жумада ҳам ана шундай ибратли фазилатларни тарбиялайди ва ўзининг халқ бахт-саодати учун мардона

курашга тайёр турган, мустақкам иродали жасур ўғилни тарбиялаб вояга етказаетганлиги билан ҳақли равишда фахрланади.

Ленин образини ана шу тарзда талқин этиш, унинг умрбоқий ғояларини қаҳрамонлар фикри ва хатти-ҳаракатлари орқали ифодалаш қардош республикаларнинг кино санъаткорларига катта ижодий имкониятлар очиб беради. Йўлдош Аъзамов постановка қилган «Ойдин саҳифа» бадий фильмида В. И. Лениннинг ғойибона образи ўзига хос ҳаётбахш формада акс эттирилган. Фильмнинг бош қаҳрамони Рустам Кремлда, дохий ҳузурида бўлади. Унинг блокнотнинг бир varaғига ёзиб берган: «Большевиклар ҳақиқати абадий, бизнинг ҳақиқат, албатта, енгади» деган муборак сўзларини картина воқеалари давомида фахр билан такрорлаб юради. Дохийнинг блокнот varaғига ёзган юқоридаги сўзлари Рустамга машаққатларни енгиб ўтишида ҳамisha мададкор, ҳаётда ва курашларда раҳнамо бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда яратилган тарихий-инқилобий фильмларда ўзбек кино усталари В. И. Лениннинг ғойибона образини гавдалантириш соҳасидаги ижодий анъаналарни дадил ривожлантирмоқдалар. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, истеъдодли режиссёр Али Ҳамроев томонидан постановка қилинган «Фавқуллода комиссар» бадий фильмида Туркистонда Совет доҳимиятини мустақкамлаш учун олиб борилган қизгин кураш ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм марказида ўзбек ва рус халқларининг шонли вакиллари — ленинча интернационалистлар Низомиддин Хўжаев билан Пётр Кобозевларнинг образлари туради.

Уларнинг дадил хатти-ҳаракатларида, ғанимларга бўлган муносабати, мунозара ва нутқларидаги мантиқ кучида Ленинча ҳақиқат балки туради.

Фильмдаги ўткир драматизм билан суғорилган лавҳалардан бирида Казаков ва бошқалар Кобозевни партия сирларини ошкор қилганликда айблаб, уни фавқуллода комиссарлик ваколатидан маҳрум қилишга уринадилар. Экранда Кобозев тарафдорларини ва рақибларини кўрамай, уларнинг мунозараларини эътибор билан кузатамиз. Кобозев ана шундай оғир вазиятда ўзини вазим, осойишта ва бамайлихотир тутишга ҳаракат қилади, унинг ҳақиқат ўзи томонида эканлигига ишончи комил. Ниҳоят мухолифлар даъвоси авжига кўтарилгач, Кобозев ён чўнтагидан яқиндагина улуғ дохийдан келган телеграммани чиқариб аста-секин ўқий бошлади: «Тошкент. Кобозевга. Нуқтаи-назарингизни қувватлаймиз. ЦҚ қарорини юбораяпмиз. Фарғона фронтдаги воқеалар ҳақида, босмачилик ҳаракати тўғрисида муфассал ахборот беринг. Коммунистик салом билан Ленин». Бу сатрлар Кобозевнинг мухолифлари га берган муносиб жавоби эди. Улар Кобозевнинг ҳақлигига тан беришга мажбур бўлишди.

Ўзбек кино усталари фақат бадий кинематографиядагина эмас, балки ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинода ҳам Ленин мавзуини дадил давом эттирмоқдалар. 1969 йилда яратилган «Альбомнинг жонли саҳифалари» тўла метражли фильми бу жиҳатдан характерлидир. Латиф Файзиев томонидан Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида яратилган мазкур фильм муаллифлари дохий Лениннинг шарқ халқлари тақдирда ўйнаган шарафли ролини оригинал шаклда талқин этишган. Фильмда Туркистон меҳнаткашлари томонидан 1923 йилда Москвага, Ленинга совға тариқасида юборилган нодир бир тарихий альбом ҳақида ҳикоя қилинади. Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг аъзолари альбомга қуйидаги сўзларни қайд қилишганди: «Жаҳон пролетариатининг улуғ дохийсига Совет Туркистонини фото-расмлар ёрдамида акс эттирувчи мазкур альбомни меҳр-муҳаббат ва садоқат рамзи сифатида қабул қилишингизни Сиздан сўрайди...».

187 суратни ўз ичига олган бу альбом жуда катта маърифий ва тарихий қимматга эгадир. Фильм муаллифлари тарихий альбом саҳифаларини varaқлаб, Урта Осиё республикаларида 50 йил мобайнида эришилган оламшумул ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қиладилар.

Ўзбекистон кинематографчилари яратган «Ленин ва Туркистон» номли тўрт мустақил бобдан иборат, тўла метражли ҳужжатли фильмни ягона мавзу уйғунлаштириб туради.

Фильм муаллифлари тарихий ҳужжатларни ягона мавзу ва инқилобий ғоя атрофида бирлаштириб, улуғ Лениннинг Туркистон халқлари тақдирдаги буюк ролини таъкидлашга муваффақ бўлганлар. Картинада М. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Й. Охунбобоев, Ф. Хўжаев, С. Қосимхўжаев, Н. Хўжаев, П. Кобозев сингари мангу барҳаёт сиймоларнинг мураккаб даврдаги жўшқин фаолиятлари, Ленин кўрсатмаларини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари кино-фото ҳужжатлар воситасида акс эттирилган.

Кинофильм ўткир публицистик мазмун ва образли-мантиқий шакл касб этган. «Ленин ва Туркистон» илмий-оммабоп картинаси «Фавқуллода комиссар» бадий фильмининг ғоявий-тематик жиҳатдан тўлдирди, бадий фильмдаги инқилобий воқеаларнинг ҳаққонийлиги, ҳаётийлигини таъкидлашга хизмат қилади. Ҳар иккала фильмда ҳам ленинча миллий сиёсат масаласи қизил ип бўлиб ўтади.

Бугунги хунда кино санъати В. И. Ленин образини гавдалантириш соҳасида жуда катта ижодий тажриба ва имкониятларга эга.

Дохий фаолиятининг ҳар бир жабҳасини, мамлакатимиз тарихининг унга боғлиқ даврларини чуқур ўрганиб, санъаткор назаридан туриб талқин қилаётган республикамиз киночилари янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.



Исроил Сатторов,

физика-математика фанлари кандидати

ЕРДАН ТАШҚАРИДА ҲАЁТ БОРМИ?

Онгли ҳаёт на фақат бизнинг сайёрамиз — Ерда, балки бошқа оламларда ҳам кенг тарқалган, деган фараз кўҳна замонлардаёқ пайдо бўлган. Қадимги грек файласуфи Анаксагор (мил. ав. V аср); Ойда ҳаёт бор, деб ҳисоблаган Рим материалист файласуфи Лукреций Кар (мил. ав. I аср) машҳур «Нарсаларнинг табиати ҳақида» асарида «Бизга кўринаётган бу дунё табиатда асло ягона эмас, фазонинг бошқа қисмларида бошқа одамлар ва ҳайвонлар яшайдиган ерлар бор, бунга биз ишонмоғимиз керак», — деб ёзган эди.

Беруний билан Ибн Сино ўртасидаги машҳур савол-жавобда ҳам шу хусусда тўхталиб ўтилади. Беруний савол беради: «Нечун Арасту бутунлай бошқа табиатли, бошқа оламлар ҳам бор, дегувчиларнинг фикрларини номақбул, деб ҳисоблайди».

Ибн Сино шундай жавоб беради: «Бошқача табиатли бошқа дунёлар бўлиши мумкин эмас. Агар бошқа дунёлар мавжуд экан, улар бир-биридан фарқ қилмасликлари керак».

Буюк Италия олими Бруно (XVI аср) ҳам коинотда «сон-саноқсиз қуёшлар бор, улар атрофида сон-саноқсиз ерлар айланади... уларда тирик мавжудотлар яшайди» — деб ёзган эди. Бироқ бу сўзлар узоқ вақт фалсафий фаразгина бўлиб келди. Фақат XX асрга келиб, астрофизиканинг ривожланиши натижасида тирик мавжудотлар оламларининг кўпчилиги масаласига илмий ёндашиш имконияти яратилди. Айниқса, охириги йигирма-ўттиз йил ичида бу соҳада катта ютуқлар қўлга киритилди. Ердан ташқи ҳаётни излаш усуллари ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилиб кўрилди.

Генетиканинг ривожланиши натижасида ҳаётнинг пайдо бўлишини текшириш борасида талайгина ишлар қилинди. Яқин-яқингача мавҳум бўлиб келган бошқа оламлардаги ҳаёт масалалари ҳозир реал амалий аҳамият касб этмоқда.

1970 йилда Ереванда академик В. А. Амбарцумян раҳбарлигида Ердан ташқарида ҳаёт (ЕТЦ)ни ахтариш масалаларига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда СССР, АҚШ, Англия ва бошқа давлатларнинг таниқли олимлари қатнашди. Симпозиум ЕТЦни ахтариш муҳим масала эканлигини яна бир бор таъкидлади ва унинг стратегиясини ишлаб чиқди.

Онгли ҳаёт, шубҳасиз оддий микроорганизмларнинг миллионлаб йиллар давомида ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Шундай экан, Ердан ташқи онгли мавжудотлар масаласига ўтишдан олдин, ана шу, оддий микроорганизмларни космик шароитда пайдо бўлиши билан танишиб чиқайлик. Материалистик диалектика қонуналари асосида моддий дунёнинг бирлиги ва барча ривожланиш жараёнларини соддаликдан мураккабликка томон йўналган, деб тушунишимиз бизга ҳаётни Ер мисолида кўриб чиқишга имкон беради. Ривожланишининг анча юқори поғонасига кўтарилган, она табиатнинг миллионлаб йиллар давомида ўстирган ва тарбиялаган ҳаётнинг ҳозирги ҳолатига кўра узоқ ўтмишини тасаввур этиш амри маҳол бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ, биология фани ҳаёт учун умумий негизни аниқлагани

сабабли ривожланиш жараёниги кўриш имкони туғилди. Биолог олимларнинг фикрича ҳаёт негизини тана тўқимасининг энг кичик бўлаги бўлмиш хужайра ташкил этади. Диаметри миллиметрнинг ўн мингдан бешига, массаси эса граммнинг қарийб юз триллиондан бирига тенг бу хужайранинг тўртдан уч қисми сувдан иборат. Қолган тўртдан бир қисмининг эса 53 фоизини оқсил, 16 фоизини қанд, 18 фоизини нуклеин кислотаси, 10 фоизини мой ва бошқа оддий бирикмалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам бундай катакча «сув+оқсил+нуклеин» — ҳаёт деб аталади. Оқсил макромолекуласининг асосий структура биригини аминокислоталар ташкил этса, нуклеин кислотаси молекулалари икки хил бўлади: дезоксирибонуклеин ва рибонуклеин кислоталар. Бу макромолекулаларни ҳосил қилишда ва ўзаро боғлашда углерод атоми муҳим роль ўйнайди. Углерод атоми каррали боғланишлар ҳосил қилиш қобилиятига эгаллиги учун мураккаб молекулалар ҳосил қилишда асосий боғловчи родини ўйнайди ва Ердаги ҳаётнинг кимёвий негизини ташкил этади. Ердаги тирик организмларда углероддан ташқари водород, азот, олтингургурт, фосфор, кислород, калий, хлор, магний, натрий ва кальцийлар доимо учрайди. Булар қирққа яқин бўлиб, биоген элементлар қаторига киради.

Маълумки, коинотни тўлдирган модданинг асосий қисмини водород ва гелий ташкил этади. Барча оғир кимёвий элементлар, шу жумладан, ҳаёт учун зарур биоген элементлар космосда рўй бериб турадиган турли жараёнлар (юлдуз чақнашлари ва портлашлари) таъсирида ҳосил бўлган. Яъни, ҳаёт гувалачалари бўлмиш оғир элементлар узоқ давом этган кимёвий эволюция — оддий кимёвий элементлардан (водород ва гелийдан) мураккаб элементлар (углерод ва бошқалар)нинг ҳосил бўлиши натижасида қарор топа бошлаган. Кимёвий эволюциянинг биринчи «атомдан молекулагача» деб аталадиган босқичида, Қуёш ва космик нурлар таъсирида оддий органик молекулалар ((аминокислоталар, адеин, шакар ва бошқалар) ҳосил бўлган. Бу молекулалар узоқ ўтмишда Ерни бутунлай қоплаган океанда мураккаб молекулаларга бирика бошлаганлар, яъни «мономерлардан полимерларга» ўтиш бошланган.

Космик фазода юлдузларо органик моддалар кенг тарқалган. Улардан ташкил топган объектлар ҳозирги пайтда радиоастрономия методлари ёрдамида топилмоқда ва ўрганилмоқда. Бундай мураккаб органик бирикмаларни ноорганик моддаларга турли хил радиация ва электр зарядлари ёрдамида таъсир этиб, лаборатория шароитида ҳам олиш мумкин. Бироқ, органик бирикмалар қай даражада мураккаб бўлмасин улардан тирик организмлар ҳосил қилиб бўлмади. Бунинг учун узоқ давом этган мураккаб химик-биологик жараёнлар зарур. Академик А. И. Опариннинг назариясига кўра космик шароитда юқори даражада полимерлашган моддадан «коацерват томчилар» ҳосил бўлган. Бу томчиларнинг ривожланиши натижасида тирик хужайра, нисбатан ҳали содда системалар — «протобионат»лар ҳосил бўлган. Бироқ, улардан тирик организмлар ҳосил бўлгунча яна юзлаб миллион йил ўтади. Бу жараён ҳозирча номаълум бўлса-да, унинг океанларда рўй бергани ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Чунки, ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун сув муҳим роль ўйнайди: сув орқали хужайра ичига озуқа киради, сув орқали хужайра билан уни ўраб турган муҳит орасида энергия ва модда алмашуви рўй беради ва ниҳоят, сув орқали хужайра ичи заҳарли чиқиндилардан тозаланиб турилади. Сув хужайранинг ўсиши учун зарур муҳит ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳаётнинг қандай пайдо бўлганлигидан қатъи назар унинг пайдо бўлиши учун кимёвий асос ва маълум физик хусусиятларга эга суюқ муҳит бўлиши шарт.

Ердаги актив ҳаёт муҳит ҳароратининг маълум чегарадан четга чиқмаслигини (сув суюқ ҳолда бўлишини) талаб қилади. Бироқ, текширишлар, ҳарорат абсолют ноль (-273°C)га яқинлашганда ҳам сақланишини, лекин бунда у «анабиоз» ёки «тинч» формада бўлишини, юқори температурада (100°C га тенг ва ортиқ) эса кўпчилик органик бирикмалар айниб кетишини кўрсатди. Шундай қилиб, ҳаёт ривожланиши учун суюқ ҳолатдаги сув бўлиши шарт.

Сайёрада ҳаёт кенг ривожланиши учун у маълум газлардан (масалан, кислород ва унинг бирикмаларидан) таркиби топган атмосферага эга бўлиши керак. Бироқ, сайёра дастлабки атмосферанинг кимёвий таркиби ҳаёт пайдо бўлгандан кейин ва унинг ривожланиши жараёнида ўзгариб бориши муқаррар. Масалан, ҳозирги пайтдаги Ер атмосфераси (у 70 фоиз азотдан, 28 фоиз кислороддан ташкил топган) энди ҳаёт илдиз отаётган пайтдагидан фарқ қилиши турган гап.

Қуйида биз бошқа сайёралардаги шароит (температура, атмосфера таркиби ва босими, сув миқдори) Ердагидан кескин фарқ қилишини кўрамиз. Шу муносабат билан, ҳозирги пайтда, тирик мавжудотларни бошқа сайёралардан ахтаришда ҳаётнинг Ердагидек эмас, балки бошқа кимёвий ва биологик асосда ривожланиш масалалари ҳам текширилмоқда. Бундай тажриба учун хусусиятлари углеродникка ўрнатиш кимёвий элемент танланмоқда. Бу жиҳатдан кремнийнинг бошқа элементларга қараганда анча афзалликларга эга эканлиги аниқланди. Кремнийга асосланган ҳаёт юқори температура ва босимга бардош бера олади. Бу ҳолда биологик эритувчи сув родини қуруқ олтингургурт кислотаси ва фосфор трисулфиди бажариши мумкин экан. Айрим олимлар суюлтирилган аммиакда ҳам микроорганизмлар пайдо бўлиши мумкинлигини айтмоқдалар. Ҳаёт тўғрисидаги тушунчаларимиз Ердаги ҳаётни

урганишдан олинганлигини эсдан чиқармасдан, коинотнинг бирор қисмида органик бирикмалардан фарқ қиладиган моддага асосланган ҳаётнинг ривожланишини умуман олганда инкор қилиб бўлмайди. Бироқ, биз ҳозиргача, углероддан бошқа элементга асосланган ҳаёт намунаси тугул Ердаги «сув+оксил+нуклеин»—ҳаётнинг пайдо бўлиши йўлини ҳам билмаймиз. Шунга қарамасдан, кўпчилик олимларнинг фикрича: «Қуёш системасига кирувчи бошқа сайёраларда «сув+оксил+нуклеин» бирикмасидан иборат ҳаёт намуналарини излаш керак. Маълумки, тўққизта сайёра Қуёшга нисбатан олганда совуқ космик жисмлардир. Улар ўзларидан ёруғлик чиқармайди. Қуёш сайёраларни ёритади ва иситилади. Маълумки, ёритилиш ва иситилиш миқдори сайёра билан Қуёш орасидаги масофага боғлиқ. Бу масофа қанча қисқа бўлса сайёра шунча кўп ёритилади ва иситилади. Ҳар бир сайёра Қуёш атрофида ундан маълум узоқликда айланади. Ер Қуёшдан узоқлиги буйича (Уторуд) Меркурий ва (Зухра) Венерадан кейин туради. Одатда сайёраларнинг Қуёшдан узоқлиги астрономик масофа бирликлари яъни Ер билан Қуёш орасидаги ўртача масофа—149,5 млн. км)да ифодаланади. Уторуд Қуёшдан ўртача 0,39, Зухра — 0,72, (Миррих) Марс—1,52, (Муштарий) Юпитер—5,20, (Зухал)—9,54, Уран—19,18, Нептун—30,07 ниҳоят Плутон—39,44 астрономик бирлик масофада унинг атрофида айланади. Шундай экан, уларнинг юза қатламларининг исиси ҳам турлича. Маълумки, нур олиш ва иситиш миқдори масофанинг квадратига тескари пропорционал камайиб боради. Шунинг учун Уторуд юзанинг квадрат метрига Ернинг худди шундай юзасига нисбатан 6,7 марта кўп, Нептун юзасига эса минг марта кам Қуёш энергияси тушади. Уторуд юзида ҳарорат Ер юзидагига қараганда юқори бўлса, Нептун юзида аксинча—паст. Сайёра температурасини белгилловчи яна бир фактор ундаги куннинг узунлигидир. Чунки кундуз кунлари (шунингдек, кечалар) қанча узун бўлса сайёра юзида температура-нинг ўзгариши шунча кенг интервалда рўй беради. Масалан Ой юзида температура кечасидан кундузига ўтганда минус 150 даражадан плюс 120 даражагача ўзгаради. Чунки, Ойнинг суткалари йигирма еттита Ер суткасидан ортиқ. Икки ҳафта ичида плюс 120 даражагача қизиган Ой юзи яна икки ҳафта ичида минус 120 даражагача совийди. Албатта бу ерда Ойнинг атмосфераси йўқлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Сайёраларнинг ҳам ўз ўқи атрофида айланиш даври турлича. Бу жиҳатдан Ер ва Миррих бир-бирига жуда яқин туради (Миррих суткаси йигирма тўрт соату ўттиз етти минут). Уторуд билан Зухра уларга нисбатан ниҳоятда секин (58 ва 243 Ер суткаси) айланса, қолган сайёралар (Плутондан бошқа) тез айланади.

Сайёраларнинг температура тадрижи уларни ўраб турган газ қобиғи-атмосферанинг таркибига ва зичлигига ҳам боғлиқ. Қуёш нурлари таъсирида қизиган сайёра юзаси иссиқлик тарқата бошлайди. Бу иссиқлик нурланиш ва ҳаво оқимлари таъсирида атмосферанинг юқори қатламларига кўтарилади ва атроф-фазога тарқалиб кетади. Бу жараён сайёра атрофида атмосфера ҳосил бўлиши ва уни сақланиши билан боғлиқ. Чунки, Қуёш нурлари таъсирида сайёранинг юза қатламларида турли хил қимёвий реакциялар, шунингдек, вулкнлар отилиб чиқиши натижасида газлар ҳосил бўлиб туради. Бу газларни сайёра ўз атрофида ушлаб қолиши ёки қола олмаслиги унинг тортиш майдонининг кучига боғлиқ. Тортиш майдони кучсиз бўлса даставвал енгил газлар кейин эса оғир газлар ҳам сайёраларро фазога тарқалиб кетади ва аксинча кучли бўлса, сайёра атрофида қалин газ қобиғи ҳосил бўлади. Тортиш майдонининг кучи эса сайёра массасига боғлиқ. Массаси кам сайёраларнинг тортиш майдони массаси кўп сайёраларнигига қараганда кучсиз бўлади. Газларнинг сайёра тортиш майдонидан чиқиб кета олиш имконияти уларнинг (шунингдек, сайёранинг) температурасига ҳам боғлиқ. Температура қанча юқори бўлса, газ молекулалари ва атомлари шунча катта кинетик энергия (тезлик) га эга бўла оладилар ва бу тезлик сайёранинг критик тезлиги (II космик тезлик)дан катта миқдорга етиши мумкин. Бундай ҳолда сайёра газ зарраларини ушлаб қола олмайди, улар фазога тарқалиб кетадилар. Шундай қилиб сайёра атмосферасининг таркиби, зичлиги ва қалинлиги аввало сайёра тортиш майдонининг кучига ва сайёранинг температурасига боғлиқ. Сайёрада ривожланган ҳаётнинг пайдо бўлиши унинг массасига ҳам боғлиқ.

Сайёралар физик табиатларига кўра икки гурпуага бўлинадилар. Ер типигаги сайёралар (Уторуд, Зухра, Ер, Миррих) ва гигант сайёралар (Муштарий, Зухал, Уран, Нептун). Бу иккала гурпуа ўлчами, ўртача зичлиги ва атмосфера таркиби билан бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Ер типигаги сайёралар Ерга ўхшаш қаттиқ юза қатлам ва атмосферага эга бўлсалар, гигант сайёралар кўпроқ газ шарларини эслатади. Гигант сайёраларнинг бизга кўринадиган ташқи қатлами — атмосфераси — асосан (97—99 фоизи) водород ва гелийдан таркиб топган, шунингдек, улар таркибида метан ва аммиак борлиги аниқланган. Бу қатламларда температура ниҳоятда паст (Муштарий минус 100 даражадан минус 150 даражагача, Зухал эса минус 180 даража). Муштарийда ички иссиқлик манбаи борлиги аниқланган ва шунинг учун унда органик бирикмалар ҳосил бўлиши мумкин. Умуман олганда гигант сайёраларда тирик организмлар яшаши учун шароит жуда оғир. Бироқ, уларнинг шароитга (айниқса паст температурага) мослашиши ҳисобга олинса гигант сайёраларда оддий формадаги ҳаёт бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун гигант сайёраларда тирик организмлар йўқлиги тўғрисида бирор хулоса чиқариш вақти ҳали келгани йўқ. Космик техника ёрдамида олиб-борилаётган текширишлар бу масалани ҳал қилади.

Тирик организмларни Уторуд юзасидан ахтармаса ҳам бўлади. Чунки, бу сайёра йўқ даражада сийрак атмосферага эга. (Уторуд Ердан 2,5 марта кичик ва 20 марта кам массага эга). Унинг юзасида температура минус 175 даражадан плюс 350 даражагача ўзгаради. Бундай шароитда тирик организмлар яшай олмайди.

Зухра ва Миррихга келганда, Ернинг бу қўшнилари табиий кўрсаткичлари билан ҳам сайёралар орасида Ерга энг яқин туради. Шунинг учун ҳам яқин йилларгача улар ҳаёт учун қулай шароитга эга бўлиши мумкин деб ҳисобланар эди. Зухра катталиги, массаси бўйича Ердан кам фарқ қилади (радиуси 0,95 Ер радиусига, массаси 0,82 га тенг). Сайёра ҳамма вақт қалин булут қатлами билан қоплангани учун сатҳини кўриб бўлмайди. Спектрал анализ сайёра атмосфераси асосан карбонат ангидриддан таркиб топганлигини, радиоастрономик текшириш эса юзасининг температураси плюс 300 даражага тенглигини кўрсатди. Сайёра юзига қўнган «Венера 7, 8, 9, 10» автоматик станциялар бу кўрсаткичларни тасдиқлади. Зухра атмосферасининг тўқсон етти фоизини карбонат ангидрид, 0,05 фоизини сув буғи ташкил этиши, инерт газлар ва азот 5 фоиздан ошмаслиги, ҳаво босими Ердигидан юз марта кучли, температура эса 480 даража иссиқлиги аниқланди. Демак, Зухрада ҳам ҳаёт бўлиши мумкин эмас.

Юқорида биз айрим тирик организмлар паст температурага (ҳатто абсолют нолга яқин) мослашиши мумкин деб айтган эдик. Бу жиҳатдан Миррих ҳаёт учун анча қулай шароитга эга. Миррих Ерга нисбатан икки марта кичик ва ўн марта кам массага эга. Ҳавоси сийрак (атмосфера босими Ер юзидигидан қарийб икки юз марта кам). Унда фаслар алмашинуви кузатилади. Температура кутблари томон пасайиб боради. Сайёра юзидидаги ҳарорат кескин ўзгариб туради. Масалан, экваторида 1954 йил 20 июль кунини эрталаб ҳарорат минус 64 даража, тушда эса плюс 22 даражага тенг бўлган. Босим ва ҳароратнинг бундай шароитида сайёрадаги сув буғ ҳолда бўлади. Агар атмосферадаги сув буғлари юзасига туширилса қалинлиги бир неча мм. келадиган сув қатлами ҳосил бўлади. Бу Ердигидан минглаб марта кам демакдир. Миррих атмосферасининг 95 фоизи карбонат ангидрид (Ерда—0,03 фоиз), 2—3 фоизи азот (Ерда—78 фоиз), 1—2 фоиз аргон (Ерда 1 фоиз), 0,1—0,4 фоизи ксилород (Ерда—21 фоиз)дан иборат. Бироқ лабораторияда сунъий ҳосил қилинган Миррих шароитида айрим микроорганизмларнинг яшай олиши аниқланди.

Қуёш системасининг бошқа сайёралардаги содда микроорганизмлар шаклидаги ҳаётни текширишда уларга бевосита космик экспедициялар уюштириш қўл келади. Техник ривожланиш даражаси бизникидек ёки ундан ҳам юқори онгли мавжудотларни ахтаришда эса, Ердан туриб ўтказилган радиоастрономик текшириш усули ҳам жавоб бера олади. Бу — иккинчи усулни қўллаш натижасида Қуёш системасида Ердан бошқа жойда юқори савияли, онгли ҳаёт йўқлиги аниқланди. Демак, микроорганизмларнинг бўлиши ва улар бевосита текшириш йўли билангина аниқланиши мумкин. Бунга эса фақат космик техниканинг ривожланиш натижасида имкониятлар яратилди. «Луна», «Венера», «Марс» номли Совет автоматик станциялари Ой, Зухра Миррих юзидеги текширишлар ўтказди. Америка фазогирлари Ой юзига қўндилар ва унда ҳаётдан ном-лишон йўқлигини аниқладилар. Ниҳоят, 1976 йил 20 июль ва 7 августда «Викинг—1» ва «Викинг—2» америка автоматик станциялари Марсга қўндирилди ва телекамералар ёрдамида қўшни жойи атрофи кузатилди. «Викинг»лар сайёранинг бошқа-бошқа қисмларига туширилган эди. Улар қўнган жойларда йирик тирик мавжудотлар кўринмайди. Олинган суратларга қараганда сайёра юзи турли катталиқ ва шаклдаги тошлар бетартиб чиқиб ётган қизил рангдаги қум саҳрони эс-латади.

Тирик микроорганизмларни топиш мақсадида «Викинг»лар орқали учтадан тажриба ўтказилди. Махсус куракчалар ёрдамида Миррих жинсидан намуна олиб, учта камера-идишга солинди. Сўнгра ҳар бир идишга Ердан олиб борилган, турли микроорганизмлар истеъмол қила оладиган махсус суоқ озуқа солинди. Агар сайёра юзидан олинган намуналарда микроорганизмлар бўлса, улар озуқани истеъмол қилиши натижасида айрим газлар ажралиб чиқиши керак. Карбонат ангидрид ажралиб чиқишга мўлжалланган биринчи тажриба бошланганданоқ ижобий натижа берди. Бироқ, вақт ўтиши билан ажралаётган газ миқдори камаё борди ва сўнди. Қўшимча озуқа бериш ҳам айтарли ўзгаришга олиб келмади. Бу тажриба натижасида газ ажралиши оддий кимёвий реакцияларда кузатиладиганга нисбатан узоқ, бироқ микроорганизмлар фаолияти натижасидагига қараганда кам мuddат давом этади. Карбонат ангидриди ва оксидининг ассимиляциясини ўлчашга асосланган иккинчи тажриба микроорганизмлар бўлганда кутиладиган натижани берди. Бироқ, карбонат ангидриди, метан, олтингургурт-водород, аммиак ва азот оксидлари ажралиб чиқишга мўлжалланган учинчи тажриба кутилмаган натижаларни берди. Мураккаб таркибли суоқ озуқа қўйганданоқ кутилгандан ўн беш-йигирма марта кўп ксилород ажралиб чиқа бошлады. Аммо бу жараён ҳам тез орада сустлашди ва кейинги етти кун ичида камера ичидаги ҳавонинг таркиби деярли ўзгармади.

Шундай қилиб, Миррих юзидеги ўтказилган тажрибалар, унда ҳаёт борми, деган саволга аниқ жавоб бера олмайди. Бу тажрибалар олимлар олдига янги муаммоларни қўйди ва янги тажрибалар ўтказишни тақозо этди. Шундай қилиб, Ер ҳаёт кенг кў-

ламда ривожланган ҳозирча бизга маълум яккаю-ягона космик жисм деган хулосага келдик.

Хўш, Ернинг бошқа сайёралардан қандай афзалликлари бор? Даставвал, Ер орбитасининг Қуёшдан маълум масофада ўтиши ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Демак юлдуз (Қуёш) атрофида шундай мавзе борки, унинг ҳарорати ҳаёт, ривожланиш учун мос келади. Бу мавзе-ҳаёт мавзеси, деб аталади. Агар юлдузнинг ҳарорати юқори бўлса мавзе ундан узоқда бўлади ва аксинча.

Қуёш оддий сариқ юлдузлиги назарда тутилса шу синфдаги бошқа юлдузлар атрофида ҳам ҳаёт мавзеси бўлавермайди, бўлганда ҳам атрофидаги сайёрадан бирида ҳаёт ривожланиши учун у узоқ муддат (миллионлаб йиллар давомида) орбитасини ўзгартмаслиги керак.

Бундан ташқари юлдузнинг ҳарорати ҳам бир меъёрда туриши шарт. Маълумки, айрим (гигант) юлдузлар бу даражада узоқ яшай олмайдди, аксарияти эса (70), ўз ёруғлигини (ҳароратини) кескин ўзгартириб туради. Демак бу юлдузлар атрофида ҳаёт мавзеси (Юлдузларнинг ёруғлигини текшириб бериш, улар орасида ўзгарувчанларини топиш ва ўзгариш сабабларини текшириш каби масалалар билан ЎзССР ФА нинг Астрономия институтида шуғулланишади.) атрофида ҳаёт ўчоғи ҳосил бўладиган юлдуз Қуёшга нисбатан 0,8 — 1,2 масса ва катталиққа эга бўлиши кераклиги ҳам аниқланган. Бундан ташқари у юлдуз ўз системасида Қуёшдек ягона бўлиши лозим (маълумки, тортишиш кучлари билан боғланган қўшалоқ системалар ҳам бор).


Синаб ўтилган шартлар ҳаёт пайдо бўлиши ниҳоятда кам эҳтимолга эга, тасодифий ҳодиса, деган хулосага олиб келмайдими? Йўқ, негаки, Галактикамизда турлича катталиқ ва массага эга (улар орасида Қуёшсимонлари ҳам кўп) 150 млрд. юлдуз борлиги коинотда бизнинг Галактикага ўхшаган бир неча млрд. Галактика борлиги ҳисобга олиниши керак.

Ана шундай маълумотларга асосланиб ҳаёт учун мос келадиган юлдузларни топдик дейлик. Уларнинг атрофида сайёралар системаси ҳам бўлсин. Хўш сайёралардан бирида ҳаёт бор-йўқлигини қандай аниқлаш мумкин? Зудлик билан «Викинг» сингари автоматик станция юбориш керакми? Албатта, космик техниканинг ҳозирги даражаси бундай станцияни яратиш имкониятига эга. Фараз қилайликки, уни бошқариб туришдек ниҳоятда мураккаб масала ҳам ҳал қилинди. Агар танлаган юлдузимиз Центаврнинг альфаси (Ерга энг яқин юлдуз) бўлса, автоматик станция юбориш станциямиз учинчи космик тезлик (16,6 км. сек да учганда бу юлдузга саккиз минг йилдан кейин етиб боради. Демак, бундай бевосита текшириш йўли ярамайди. Шунинг учун биз яна аънавий астрономик усулга — узоқдан текширувчи радиоастрономик усулга мурожаат қилишимизга тўғри келади.

Шу ўринда Ернинг бошқа сайёраларда бўлиши мумкин бўлган цивилизацияларга кўриниши масаласига ҳам қисқача ўз фикримизни билдириб ўтсак. Техника тараққиёти юқори даражага кўтарилган ҳаёт сайёра юзини қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган даражада ўзгартириб юборади. Унинг энергияга бўлган эҳтиёжи тез суръатлар билан орта бошлайди. Ишлатилаётган энергиянинг бир қисми шубҳасиз фазога тарқала бошлайди. Унинг қаърида тинч ётган энергия (тошкўмир, нефть) электр энергиясига маълум қисми электромагнит тўлқинга айлангач, айниқса, фазога сочилиш муқаррар. Ер юзиде ҳозир бир неча минг телевизион эшиттириш станцияси бор. Улар бир ярим метрдан олти метргача диопозонда фазога радиотўлқин тарқатиб туради. Бу тўлқинларнинг жуда оз қисми қабул қилиш системасига тушади, кўпчилиги эса коинотга тарқалади. Энди телестанциялар ёнига радиостанцияларни ва бошқа ультра қисқа тўлқинлардаги алоқа станцияларни қўшинг, демак, Ер шарни кучли радиостанцияга айланган. СССР ФА муҳбир аъзоси. С. И. Шкловскийнинг ҳисоблашларига кўра Ернинг радиодиапазонда сочаётган энергияси Қуёшнинг сокин (яъни, қора доғлар йўқ) пайтидаги энергиясидан юзлаб марта кучли экан. Телестудиялар сутка давомида маълум вақт оралиқларида ишлайди. Демак, Ернинг «радиоёрқинлиги» сутка давомида ўзгариб туради. Бундай ўзгаришни узоқдан (масалан, бошқа сайёралардан) туриб қайд қилиш мумкин. Албатта Ердан узоқлашган сари радиотўлқинларнинг қуввати масофанинг квадратига тесқари пропорционал равишда, яъни тез суръатлар билан камайиб боради. Шунинг учун радиоприёмник Ердан қанча узоқда бўлса Ер «овоз»ни эшитиш шунча мушкул бўлади. Бироқ, катта антенна ёки радиотелескоп ёрдамида бу масалани ҳал қилса бўлади.

Агар Ердан ташқи онгли цивилизация ҳам, биз ерликлар сингари, коинотда онгли ҳаёт ўчоқларини излашга тушса, радиоалоқа усуллари кенг ривожлантирилган бўлса бизни топиши мумкин деган хулосага келамиз.

Сирасини айтганда бу ҳам ЕТЦ билан келажакда боғланиши мумкин бўлган алоқаларнинг бир жабҳасини ташкил этади.



Суннатулла Анорбоев

Жарноб ШУЛАЛАРИДА

I. ИХЛОС

Биз тушган «УАЗ» қуриб қолган сой ёқалаб аста юқориламоқда. Машина деразасидан сурув кўринди. Ҳозир у каттакон пўстакка ўхшайди. Лаҳ задан кейин пўстак гуе йиртилиб, бўлак-бўлиб кетди. Бир чўпон таёғини силтаб ташлаб, сурувни кесиб ўтди.

Қудуқ бошида тўхтаб, машинадан тушганимизда чўпон ҳам яқин келиб қолган эди. Унинг шаҳдам қадам ташлаши, алпдай келишган қоматиға қараб ёш деб ўйлагандим, йўк...

— Отахон чўпон,— деди Ҳаким Худойбердиев қўлини олдинга чўзиб,— сардор десак ҳам бўлади, Умар ака Тошниёзов.

«Ленинчи чорвадор» совхози партия ташкилоти секретарининг бу ҳаракати бир оз артистона чиққанигами, сўрашгани қўл узатган Умар ака жилмайганча юзини четга бурди:

— Уялтирманг-эй, партком бова!— Умар аканинг от жағли чўзинчоқ юзи янада чўзилиб дўнг пешонасини қат-қат ажин қоплади. У кулар экан, ўзига ярашган қирқма мўйловини, худди тушиб қоладигандай, бармоғининг орқаси билан босиб кўярди.— «Сардор»ингиз нимаси?

— Сардор бўлмай кимсиз? Минг бир юз қўй ихтиёрингизда. Қанча-қанча чўпонлар таълимингизни олган. Бу киши,— Ҳаким Худойбердиев Умар аканинг тирсагидан тутганча менга юзланди,— совхоз ташкил бўлмасидан илгари, «Қизил чорвадор» колхози вақтида отасидан кейин узоқ вақт фермага бошчилик ҳам қилган. Ҳа, бу жиҳатдан ҳам сардор!

Чамаси Умар ака «бўлди» дегандай бир ҳаракат қилган бўлса керак, Ҳаким Худойбердиев:

— Тўхтанг, буюғини ҳам айтиб берай!— деб жилмайганича Умар аканинг таърифини қила кетди.— «Сўз сўзлатгунча иш қилдиринглар» деб мудирликни ташлаб қўйга чиққан.

— Жавобгарлиги бор,— деб қўйди Умар ака, бирдан жиддий қиёфаға кириб.

— Қўрқдингизми? — дедим. Мен ҳам Худойбердиевдай ҳазиллашмоқчи бўлдим шекилли. Лекин ҳазилим қўпол чиққанини кейин пайқадим.

Умар ака қовоғини солди. Бир оздан кейин кўзимга тик боқиб:

— Жавобгарлик — жавобгарликда,— деди салмоқлаб.— Ундан кўрқмайман, дейиш ҳам ҳато. Кўрқдим дейиш ҳам унча...

У сўзининг охирини ютиб, қудуққа қараб юрди. Бетон кўтарма устига ўрнатилган моторни ўт олдирди. Қудуққа тортилган энлик тасма бирдан ҳаракатга келди. Ҳа, чархпалакдай гап. Фақат чархпалакда сув пақирчаларда кўтарилса, бунда резиналанган силлик брезент тасмага илашиб чиқади.

— Тиниқ қудуқ суви шириллаб тарновга, тарновдан бетон охурларга оқарди. Узимни сувга уриб, ҳовучимни тарновга тутдим. Қуёш найзада. Чўл қизиб турибди. Қудуқ тубидан чиққан сув эса тиниқ ва муздай. Ичганинг сари ичгинг келади. Чўлдаги кўп қудуқларнинг сувини тотиб кўрганман. Аксари шўр. Бунинг мазаси бошқача.

— Кўп ичманг!

Бейтӣёр бошимни кўтардим. Тепамда таёғига суянганча кекса чўпон турган экан. Нарироқда эса Ҳаким Худойбердиев. У ўзини сипо тутиб, мийиғида кулар эди.

Ичгим келса ҳам ичмай, ҳовучимдаги биллурдай сувни гарданимдан оқиздим. Ахир Умар ака ҳам бир нимани билса керакки, «кўп ичманг», деяпти. Урнимдан турганимда у Худойбердиев билан нима ҳақдадир гаплашаётган эди.

— Қаранг!— деди кимгадир зарда қилгандай.

Улар қараган томонга тикилиб, сой ўзанидан анча нарида оқиб келаётган сурувни-ю, кўк эшак устида энкайган чўпонни кўрдим.

— Ерда ўт бўлса, қўй бунча тез юрмайди,— деди Умар ака.

— Чанкагандир,— дедим ўзимга қиёс қилиб.

Худойбердиев кулди-да, ени калта ҳаво ранг кўйлагининг кўкрак чўнтагига кўнган қизғиш чигирткани бир чертди. Лекин шу заҳоти елкасига ундан каттароғи кўнди.

— Кўк еган мол бот чанқайвермайди,— деди Умар ака қиш қулоқчинини кўтариброқ чаккасини қашлар экан,— кўкат бир қарич бўлар-бўлмас манави иссиқ жизганак қилиб ташлади.

— Усиқ-ку?— дедим баъзиси қўйни кўмадиган баланд кўнғир хашакка ишора қилиб.

— У ўтган йилдан қолган бурган. Ҳов ановиси мушук кўйруқ.

Тилимни тишладим. Шундан кейингина сурув кетидан бурқсиб узоқ-узоқларга чўзилган чангни назарим илғади.

— Ёзда шунчалик... Қишда нима қиласизлар?

— Қишдами?— Умар аканинг пешонаси тиришиб, қуюқ бароқ қошлари туташиб кетгандай бўлди. Унинг ўйга толган катта-катта қора кўзларида бирдан шўхлик йилт этди.— Э-эй! Бошга тушганини кўз кўради-да!— аммо у яна жиддийлашди. Берган жавобидан ўзи қониқмади, чимирилганча сўзга киришди.— Бундай қурғоқчиликнинг кўпини кўрдик. Ёшим олтмиш олтига қараб кетди. Ақлимни танибманки, отамга эргашиб шу чўлда қўй боқаман. Товланиб туради бу чўл. 1938 йилдан мустақилман... Ҳозир,— у Ҳаким Худойбердиев томонга кўз қирини ташлади,— «бош чўпон» деган ном чиқаришган. Қишда нима қилар эдик? Қўйни мана шу яланг чўлга ҳайдаимиз.

— Ҳозирданоқ чанги чиқиб кетибди-ку?

— Анави қотган бурган, тикан қишда намиқиб юмшайди. Адрасмон совуқ урган-дан кейин чучийди, чўпон қорли-қировли кунда эринмай сурувни сураверса бас! Қўй жонивор туёғи билан қовлаб бўлса ҳам чўлдан насибасини топади. Оз-моз изень бор, ўрдик. Август-сентябрда янтоқ чопамиз.

— Бултургидан қолган пичан бор,— деди Худойбердиев.

— Қайдам, етади, дейишади. Бироқ мен сизга айтсам,— Умар ака қўлини паҳса қилди,— қанча ғамламанг, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Ерда емиш бормийўқми, бари бир қўйни неча-кундуз боқув керак. Увоқ молнинг таомили шу: ёғин ёғмадимми, тамом, тўхтамай ёй! Тўртинчи, қиш фасли чўпоннинг уч фаслда қилган ишини синонадан ўтказлади. Қўй жонивор ҳам одамдай гап. Ётанғич одам пўк бўлгандай, ётагон қўйга жир битмайди. Қиш-ку қиш-а, ҳатто мана шундай кун қизиқда ҳам қўйни ётқизмаслик керак. Бағрини қайноқ қумга бериб ётгандан кейин ўпкаси терлайди. Туриб қаттиқроқ юрса, ё қудуқ сувини ичса шамоллайди. Қарабсизки, манқа, кўксов бўлибди. Қиш кириши билан бундай қўй ё бола ташлайди, ё ўлади. Шунақа! Узини билган чўпонда тиним бўлмайди. Қўйни семиртираман деган чўпон айниқса тунги салқинда ёяди. Қўйга жир битгани— чўпонга жир битгани. Қўйга жир битмаса чўпоннинг рўзгоридан барака кетгани! Ҳа, чўпон ширин уйқи, юмшоқ кўрпадан ўзини бир оз тиймаса бўлмайди. Шунгами, гўшт-ёғ ёки чакмоқдай ярақлаган сур-телпанни қанчалик яхши кўрмасин, ҳар кимнинг ҳам чўлда чўпонлик қилишга юраги дов беравермайди. Айниқса ёшлар...

— Бекорга сардор демеганимиз сизни. Сардор ўргатиши, қизиқтириши керак!— деб қўйди Худойбердиев.

— Қарс икки кўлдан чиқади!— Умар ака жаҳл билан кафтини кафтига урди.— Сен ҳунарингни ўргатмоқчи бўлиб жон қойитасан, у бўлса худди қулоқ солаётгандай бақрайиб туради-ку, бироқ хаёли бошқа ёқда!

— Ниманинг хаёлини сураб экан, билмадингизми? — қизиқиб сўрадим.

— Нимани бўларди? Шаҳарни-да!— кўрс жавоб қилди Умар ака.— Бригадамда иккита йигитча бор. Биттиси ҳов анави, — у пастда суви қуриган тошлоқ сойга яқинлашган сурувга тикилганча қош қоқди. — Емон болалар эмас, аммо мен сизга айтсам ихлоси мустақкам эмас-да. Икковиям институтга бориб киролмай қайтгандан

кейин кўйга келган. Буниси эмас, бошқаси бу йил яна бормоқчи. Майли, омадини синаб кўрсин, лекин ўзи хушёр бола. Қаттиқ уйкуда ётганидаям «Фарҳод» десам дик этиб туради. Қарши эмасман, бироқ..

— Ҳамма ўқиб мулла бўлаверса, подани ким боқади, демоқчимисиз?— сўзини бўлди Худойбердиев.— Кўрқманг, элак бор, эланади.

Умар ака бош ирғаб кўйиб чаккасига чертди-да, қизишганча гапни улаб кетди:

— Бу ёғида бориям, йўғиям ўзини шаҳарга уряпти. Уқишга кирганидан киролмагани кўп. Аро йўлда аввора бўлгани қолади, —Умар ака чуқур сўлиш олди.— Қишлоқда қолганларининг ҳам чўпонликка тоби йўқ. Омборчиликми-ей, савдо-сотик.. енгил-елпи кабинетда ўтириб қилинадиган иш топса.. Ҳайронман, шу аҳволда кетаверса, таёқни ким олади қўлимиздан? Бригадамдагилар ҳам менга ўхшаб ёши бир бармоғини букди. — Муҳаммад Йўлдошев ҳам олтмиш олти ёшни уриб қўйди, икки. Турдубой Рўзиев эллик тўртда, уч. Узим бўлсам олтмиш бешдаман, тўрт. Умидим иккита ўсмиримиз Абдували билан Фарҳодда эди. Фарҳод ҳам ҳалигиндай, ўзи чўлда-ку, хаёли Самарқандда. Ҳайт!— Умар ака беҳосдан ҳайқирди.

Эшакни ўз ихтиёрига кўйиб, эгарда энкайганча ўтириб, сурув кетидан келаётган чўпон хушёр тортиди. Қаддини тиклаб, теваарагига боқди-да, овоз берди:

— Курр, ҳайт!

— Бригадангизга атай кексаларни йиққандирсиз?— дедим.

— Биздаям оз-моз айб бор,— деди Умар ака бош чайқаб.— Уттиз саккизинчи йили отам Тошнӣёз ферма мудирликка тайинланди. Сурув бизга қолди. Ушандан буён бирга ишлаб келаётганлар бор, бир майизни бўлиб еб. Лекин ҳар қалай бриевга боқди.— Узоқдан қидирманг. Анави Оққирдаги Рамазон Усмоновнинг бригадасини олинг. Уларнинг ичиди энг ёши Гаффор бўладирган бўлса, ўттиздан ошди. Абдураҳмон элликда. Рамазоннинг ўзи қирқ бешда..

Сойдан ўтиб бетон охурларга ўзини урган кўйлардан биттаси суҳбатимизга халақит берди: у Умар акани искаб-ялаб туртиб-туртиб сўзлатгани кўймади:

— Ҳей, Нонхўр!— Умар ака йўл-йўл тринка камзулининг устидан боғланган белбоғи қатидан яримта нон чиқариб кўйга тутди.— Бор-э!

«Нонхўр»ни нима дерсиз? Қўзичоқлигидан нон бериб ўргатилган кўй. Қарноб чорвадорлари орасида шундай одат бор. Яйловдаги кўйлар тунда ёйилишдан тўхтаб уймалашганда «Нонхўр» чўпон билан ётади. Сурув нимадандир ҳуркиб қочса, ёки туриб ёйилса, «Нонхўр» тортиб уйғотади: чўпон кўй бўйнидаги ипнинг бир учини билагига боғлаб ётади. Шундай, «Нонхўр» қоронғи тунда кучукдан ҳам содиқроқ бўлади.

— Абдували!— деб чақириб қолди Умар ака.

Чўпон йигит эшагини суғориб арқонлаётган эди чоғи, этиб келди. Елкасида хуржун, бир қўлида меш. Умар акадай унинг бошида ҳам қулоқчин, эғнида уриниброқ қолган кулранг костюм шим, оёғида чанг босган этик, мўйлови сабза урган бўйдоргина йигитча.

Мингдан ортиқ кўй-қўзи қуршовидан чиқиб машина ёнидан пана топдик. Даврада тунука товоқ лим-лим қоринчалоб — бу томондаги чўпонларнинг ҳам чойи, ҳам овқати — қўлдан-қўлга ўтади. Бетида ёғи килкиллаб сузиб юрибди. Қимиздай қимизаккина. Андак кайф ҳам берадиёв. Йўқ, қоринчалоб оддий кўй сути. Чўпон яйловдаги елини тирсиллаб кетган боласиз совлиқни тутуди-ю, соғиб сутини ошланган кўй қорни — мешга қуяди. Қориндаги сут эгар қошида осеғлик туриб чайқала-чайқала пишади. Чалоплигики, уни сувга кўшиб ичилади. Роҳатижон. Ҳали чанқоғимни қудуқ суви билан босмоқчи бўлганимда Умар ака «кўп ичманг» деб тайинлаганининг боиси бу ёқда экан. Кун уришдан асрайди қоринчалоб. Сувдан эса, чўлда қанча ичма, қонмайсан, аксинча лоҳас бўлганинг қолади.

Гурунг пайтида Абдувалини гапга солдим. Илжайиб кўяди-да, индамайди. Омбир билан тортиб олгандай оласан ундан бир сўзни.

— Агар аскарликка чақирмаса, келаси йилиёқ уйлантириб кўямиз!— дейди Умар ака.

Абдувалининг оғзи қулоғида.

— Фақат битта айби бор. Айтайми?

Абдували қизариб ерга қарайди.

— Қандай айб? — ҳатто Худойбердиев ҳам қизиқиб қолди.

— Уйқуси қаттиқ. «Нонхўр» қанча тортмасин уйғонмайди. «Нонхўр»ни бўшатиб ҳам юборади.

— Бобо!—Абдувалининг қорача юзи ловиллаб кетди,— ҳеч кўймас экансиз-да! Фақат бир марта..

— Партком, эшитдингизми? Фақат бир марта бўлган. Бошқа бўлмайди,— деди Умар ака.— Шоввоз-ку, бу Абдували.

□

Яйловдан «Ленинчи чорвадор» совхозининг маркази.—Қарнобга қайтаётибман-у, кекса чўпоннинг ҳам кўпгилчан, ҳам ўйчан қиёфаси кўз ўнгимда. Қулоғим тагида «Ҳайт» деган ҳайқириғи, Гўё бу билан у: «қачонгача биз кексалар кўй кетида тенти-

раймиз? Таёғимизни қўлимиздан олиб, оғиримизни енгил қиладиган ёшлар қани?» деяётгандай бўлади.

Балки моддий мафзаатдорлик кўнгилдагидай эмасдир?

Совхоз марказига келган бухгалтерияга кирдим. Йўқ, оддий чўпоннинг ҳам иш ҳақи олий маълумотли инженер ёки врачанидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Чўпон пландан ортиқ топширган ҳар бир қорақўл тери, ҳар бир килограмм гўшт, жун учун яна устама мукофот ҳам олади. Пландан ортган кўзиларни офатдан асраб ўстираолса, тенг ярмига эга ҳам бўлади. Агар буларни пулга чаксақ чўпоннинг ўртача ойлик иш ҳақи 200—300 сўм атрофида бўлади. Масаланинг моддий томони ана шундай.

Балки қишлоқ болалари обрў-эътибор, шуҳрат учуноқ шаҳарга интилишар? Қайдам, шаҳарда фикр-ғиж одам. Яхши ҳам кўп, ёмон ҳам кўп. Денгизга томган томчидай билинмай кетиш ҳеч гап эмас. Қишлоқда аксинча— ҳамма бир-бирини танийди, яхши бўлсанг яхшилигинг билан, ёмон бўлсанг ёмонлигинг билан ялт этиб кўринасан. Қорақўлчилик хўжаликларда-ку, асосий қаҳрамон—чўпон, иззат-икром, обрў-эътибор бари уники. Мана, қишлоқнинг кексаси Умар акани олинг. 1945 йили биринчи бўлиб дадаси Тошнӣёз ота иккови чорвада сидқидилдан меҳнат қилганликлари туфайли шуҳрат шоҳсупасига кўтарилдилар— Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландилар. Эллик тўртинчи йили ҳамқишлоқлари Умар акани ўша вақтлар учун рекорд юз бошига юз ўн-юз йигирма бешдан кўзи олгани учун ҳам бошларига кўтардилар, СССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар. 1977 йили тўққизинчи беш йилликда муттасил яхши кўрсаткичларга эришгани учун партия ва ҳукуматимиз уни иккинчи марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирлади. Қўкрагида яна ўнга яқин медаллар ярақлаб турибди. Бу мукофотлар бари Умар Тошнӣёзнинг киндик қони тўкилган тупроқ— муборак Қарноб қишлоғига муҳаббати, ота касби— чўпонликка садоқати туфайлидир.

Ёшларнинг чорва районида тўғилиб ўсган бўлишларига қарамай, чўпонликка унча ҳоҳишлари йўқлигига балки мактаб сабабчидир? Балки совхоз маъмурияти, партия ва комсомол ташкилотлари тарбия, политехник таълим ишларига аралашшни, мактабда қишлоқнинг донгдор чўпонлари Умар Тошнӣёзов, Тўхтамурод Усанов, Зафар Йўлдошев каби, ферма бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунбой Бўматов, катта ҳаёт тажрибасига эга, билимдон чорвадор, зоотехник Қўрбон Сафаров кабилар билан учрашувлар ўтказиш, чўпонлик касбининг сирлари, моҳияти тўғрисида суҳбатлар уюштиришни ўзлари учун ортиқча юк деб билишар?

Қарнобнинг чанг, гувала девор, тор кўчаларида кезганимда қадимий ичкент— тепалик устида ғарибона қўнқайган ёзги кинотеатрга назарин тушди. Йигирма йилча муқаддам келганимда энди ишга туширилган маданият ўчоғи ярақлаб турар эди. Теварагига қўчат ўтқазилган гулзор эди, кўрган кўз қувнар эди.

«Ленинчи чорвадор» совхоз «Қизил чорвадор» колхозидан ўша деворлари бузилган, сувоғи кўчган, ҳатто оқланмаган, кўримсиз бир ҳолга келган кинотеатр-у, уч-тўртта эски кўрғон, маъмурий хўжалик иморатларини мерос қилиб олибди-ку, аммо ўзи ҳали ҳеч нарса кўрмабди шекилли. Қарноб қишлоғи йигирма йил илгари қандай бўлса шундай... Йўқ, бир оз кўхналашган. Бутун Қарнобни қондирадиган булоқ— Обираҳмат тепасида сардоба бўлар эди шекилли. Ҳозир у ҳам йўқ.

Қарноб қишлоғи шаҳарлар, йирик маданият ўчоқларидан қанчалик йироқда, қақраган дашт ўртасидаги бир чуқурликда жойлашган бўлмасин (келинг, атом даврида яшайпмиз, демай қўя қолай), замонавий учқур транспорт, радио, телевизор бор. Қарнобликлар, айниқса ўсмирлар шаҳар ҳаётини телевизор орқали кўради. Кўркам, маданий коммунал қўлайликларга эга чиройли ҳаётга ҳаваслари келади, орзу қиладилар. Уларининг таппи ёпилган гувала деворли ҳовлилари, кўримсизгина қишлоқларига солиштириб кўнгиллари султ кетишям мумкин. Ҳар нечук улар ота-оналарининг бағрида тўқ, шўх ўсганлар. Уларнинг эркалигини кўтариш керак бўлади. Совхоз етмиш тўққиз, саксонинчи йиллари салкам бир миллион сўмдан соф даромад кўрган. Чунки совхознинг саксон олти минг саккиз юз бош қўйи бўлиб, шундан ўттиз тўққиз минг етти юз олти тўрттаси совлиқ пландаги қирқ саккиз минг тўққиз юз ўрнига олти минг олти минг бир юз олти тўққиз кўзи олинган, яъни совхоз бўйича ҳар юз бош совлиқ ҳисобига бир юз эллик бир яримтадан кўзи олинган. Бу совхоз чорваси тарихида энг юқори ўсиш! Давлатга ўттиз икки минг етти юз эллик ўрнига қирқ бир минг олти минг иккита қорақўл тери топширилган, йигирма беш минг бир юз етти кўзи ўстиришга қолдирилган. Гўшт, жун топшириш плани ҳам ортиғи билан бажарилган. Кўриниб турибдики, совхознинг даромади чакки эмас. Демак, совхоз маъмурияти қишлоқ ободончилиги ва чорвадорларнинг маданий турмуш шароитини тубдан яхшилаш ҳақида ўйлашлари учун аллақачон вақт келган.

Пахтачи райондаги «Коммунизм» ва бошқа илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ёшларнинг қишлоқда қолиб ижтимоий-хўжалик ишларига, кекса чўпон-Умар ака айтмоқчи, ихлос қўйиши, она тупроққа туб қўйиб палак отиши, кўп жиҳатдан қишлоқ маданияти ва ободончиликка боғлиқ экан.

2. ҚИШ ҒАМИ

Партком Ҳақим Ҳудойбердиев ҳузурига кирганимда у ғулабирдан келган кекса-роқ киши билан ҳангомалашиб ўтирган экан.

Уларнинг сўзларини бўлмаслик учун четроққа ўтира қолдим.

— Оғзи куйган одам, қатқни ҳам пуфлаб ичади. Ҳа!— тўладан келган кекса кишининг чиндан ҳам иссиқ овқат ичаётгандай чаккаларидан тер сирқир эди. У елкалари тирсиллаб турган эскироқ кулранг камзулининг чўнтагидан жиққа ҳўл, даструмолини олиб, артинаётиб, саломимга алик олди-да, сўзида давом этди. — Менинг мундай қурғоқ келган йиллардан овзим кўп куйган, эсингиздами, қирқ саккизинчи йилдаги ют? Шунда Қизилқумда эдим. Йил қурғоқ келиб Саҳобанинг чўлида шивокнинг томириям қолмагандан кейин, «Ленинчи чорвадор» колхозининг беш минг етти юз қўйини Қизилқумга ҳайдаганмиз. Бироқ қишга ориқ, ирғатилиб кирган қўйнинг аҳволи вой!

— Ем?..

Ғулабирдан келган киши «осмондан тушганми бу» дегандай парткомга қараб қўйди-да, ҳўл даструмолини юз-кўзига босди.

— Э-эй, ўртоқ Ҳудойбердиев, у вақтда ёш бўлсангиз керак, билмайсиз. Қирқ саккизинчи йилда одамга йўқ ем қўйга қаёқда? Ёмғир ёғди-ёғди. Кетидан қатқалоқ, қор ташлади.. Ют. Сизларнинг «Қизил чорвадор» колхозларининг бир қисм қўйи ҳам Қизилқумда эди. Тарашадай қотиб қолаберди жониворлар!

Қирқ саккизинчи йилги ютни бошга солмасин, лекин эслаганимнинг сабаби, мен кўзим билан кўрдим, фермаларда бултургидан ортган пичан, сомон ғарамлари қаровсиз ётибди. Подага қўшилмайдиган шахсий қўй, эчкилар, эшакми-туя — бари шу ғарамлар атрофида!

— Яхши айтдингиз, тайинлаймиз, Ҳақим Ҳудойбердиев енги калта қўйлагининг кўкрак чўнтагидан блокнотини олиб нималарнидир ёзишга киришди.

— Тайинлашам гапми!— қариянинг тўладан келган юмалоқ юзи тепчиб қизишгандан қизишарди.— Тиканлик сим билан ўраб ташлансин! Бизнинг иккинчи бўлимдаги минг гектар лалми арпадан беш центнердан тушибди.

Партком ёзишдан тўхтаб оғиз жуфтлаган эди, қария сўзлагани қўймади.

— Майли, шунисиға ҳам шукур! Бироқ арпа ҳали хирмондан бери келмаган. тезроқ оморга ташиб қулуп урилмаса-чи...

Ҳақим Ҳудойбердиев столдан кўз узмай аста бош ирғаб жилмаярди.

— Сиз куласиз, ўртоқ партком! Сурувимни анғизга ёйганимдан кўра, хирмонга сурсам...

— Ҳай, сиздан шу иш келадими?

— Мисол учун-да! Мен қилмасам бошқа бир хом сут эмган қилади. Минг қўй бир килодан еса минг кило арпа йўқ бўлди деяверинг. Сомон ҳам йиғиб олинмаган. Яна э-эй, куласиз, ўртоқ партком! Узингга маҳкам бўл, кўшнингни ўғри тутма, деган сўз бор. Қишда тутами тиллага топилмайди-я!

— Хўп-хўп, дедим-ку! Ҳақим Ҳудойбердиев қария билан ўрталаридаги гап-сўзни эшитганимдан ҳижолат тортди шекилли қизаринқираб, жилмайганича ўрнидан турди-да, менга юзланди.— Таништирамабман... Эрталаб совриндоримизни сўрагандингиз. Марҳамат: Тўхтамурод ака Усанов.

Саҳобадаги иккинчи бўлимиимизда бош чўпон. Лекин бу йил дўндирди! Рамазониям ортда қолдириб кетди-да, бу киши!

Тўхтамурод ака билан қайта қўл олишиб сўрашаётганимизда:

— Қишнинг ғамини еб журмиз, иним,— деб қўйди у чимирилиб. Ез бўйи вақвақ қилиб журган қурбақаларнинг аҳволи бошимизга тушмасин, дейман-да!— Тўхтамурод ака муғомбирона илжайиб партком томонга кўз қирини ташлади.

— Партком бобонинг айтишига қараганда, тўл тузук бўлганга ўхшайди-я? —деб ўсмоқчиладим.

— Ҳай, — бош ирғади Тўхтамурод ака ерга қараб.

Чамаси у мен билан очилиб сўзлашгиси келмаяпти шекилли. Ҳар қалай, синамаган отнинг сиртидан ўтма, деган мақол бор.

У бошини кўтарди.

— Тул олиш ҳам, талафот ҳам асосан қўйнинг ёзда семириш-семирмаслигига боғлиқ. Ориқ қўй кузда қочсаям қиш совуғида ё бола ташлайди, ё нобуд бўлади. Шунинг учун ҳам қиш ғамини ёз е, деб қўлоғимизни чўзар эди бобомиз!

Эсдаликларга бир тушдими, тўхтатиб кўр-чи кекса одамни! Чамаси Тўхтамурод ака мендан энди ётсирамай қўйди.

— ...Нега қўйни ҳуркитдинг, деб отамиз акамизга қамчи солиб юборган. «Узи ҳуркса, мен нима қилай?» деса, «қашқирмисан, сендан ҳурқади?» деб ғазабга олган. У вақтда бола эканмиз. Бу гапга ақлимиз етмаган эди,— Тўхтамурод ака шўх йигитдай елка учириб кулди.— Қўй тилини билган чўпондан қўй ҳурқадими? Йўқ. Ёмон чавандоздан отиям зириллаб туради. «Қўйнинг бир тили бор, бироқ юз хил меҳнати бор», дегучи эди бобой раҳматлик.

— Во-оҳ!— Ҳудойбердиев хахолаганча ўрнидан туриб кетди.— Ҳай, яхши, гуп-пилашдик! Энди чойлашайлик. Ҳангомани ўша ерда давом этказасиз.

Ховлига чиққанимизда Тўхтамурод ака биз билан хайрлашди.

— Юринг-эй!— Худойбердиев унинг қўлтиғидан олди.

— Мени қўстаманг, партком. Борганим билан ҳеч нарса емайман.

— Нега?

— Қаранг,— Тўхтамурод ака кўкка ишора қилди.

Осмонда тарам-тарам булут, ҳаво дим, хафагазак эди.

— Шундай ҳавода томоқдан овқат ўтадимми?— у тимирскиланиб чўнтақларидан яна дастрўмолини қидиришга тушди. «Жавзада осмондан ёмғир томгунча, илон ёққан яхши», дейишади бобойлар. Мол ҳам семирмайди, экинга ҳам шира тушади. Охири бахайр бўлсин-да, ёз ёмон келди.

Тўхтамурод ака оғир гавдасини бир оёғидан иккинчи оёғига ташлаб икки қадам босар-босмас тўхтаб қолди. Кетидан қараб турган Худойбердиев ташвишланиб етиб борди.

— Ҳи-и?— Тинчликми?!— деди суяб.

Тўхтамурод ака энкайганча тиззасини уқалаб андак турди-да, қаддини ростлагач хомуш пичирлади:

— Чарчадим.

— Қўйинг-эй! Умар ака эшитмасин, уят бўлади! — Худойбердиевнинг бу чиними, ҳазили — билиб бўлмасди.

— Ишонмайди булар!— Тўхтамурод ака кимлардандир ҳасрат қилгандай бош силкитиб қўйди-да, менга юзланди. — Бу оёқларда ҳақим қолмаганга ўхшайди. Биз чорвадор. Тетапоя қилиб юра бошлаганимиздан бери қўй кетида чўл, қум кезамиз. Минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи йили армияга қақирилган бўлсам, уруш йиллари Москов, Брянск, Боку... Қирқ олтинчи йилда Узок Шарқ, Хитой... Тинмай юради бу оёқ бечора.

— Майли Суннатуллангиз армиядан қайтсин. Чўпонтаёқ топшириш маросимини ўтказайлик. Яхшилаб оқ фотиҳангизни беринг. Ундан кейин... — Худойбердиев тегишгандай Тўхтамурод аканинг елкасига қоқди,— насиб бўлса, яна кўрармиз.

Тўхтамурод ака ҳам бир-бир босиб кетаётиб «насиб бўлса», деб қўйди. У киноя қилдими ёки дилдан айтдими, билолмадим.

Нортўхта Қиличев

ШИФОКОР ОНАХОН

Республикадаги энг йирик, энг машҳур туғуруқхона Тошкентнинг Тахтапул даҳасида жойлашган. Бир пайтлари у Охунбобоев номида эди. Туғуруқхона гўе қалин ўрмонзорда қад кўтарганга ўхшайди: баҳайбат чинорлар, ар-ар тераклар, ям-яшил арчалар кўп; ҳар хил гул ва майсалар ҳам. Узоқдан тинч, осойишта. Аммо яқинлашаверсангиз, гоҳо кўшқават деразалар ортидан чақалоқларнинг кишини энтиктириб юборувчи сержаранг ингаси қулоққа чалинади.

Туғуруқхонада жарроҳлик, гинекология, доялик, реанимация каби ўн бешга яқин бўлим бор. Ҳар куни йигирма беш-ўттиз бола туғилади. Оналар ва болаларга республикада хизмат кўрсатган врач Олия Султонова Умарова бошчилигидаги шифокорлар доимо парвона. Хорижий мамлакатлардан меҳмон бўлиб келаётган врачлару давлат арбоблари туғуруқхона шифокорларининг беморларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан ҳайратга тушиб, уларнинг тажрибаларини ўрганмоқдалар.

Туғуруқхонанинг «Таклифлар» дафтарида шундай қайдлар бор:

«Ўзбек биродарларимиздан, Ўзбекистон ҳукумати ва Совет Иттифоқидан беҳад миннатдоримиз.

Хусусан, Олияхонимга — Тошкент шаҳридаги 3-туғуруқхонанинг бош врачига, унинг барча ходимлари ва Хўжа Муҳаммад Ҳаким — мазкур туғуруқхонанинг машҳур жарроҳига ўз ташаккуримизни изҳор этамиз. Уларга узоқ умр ва медицина фани тараққиёти йўлидаги хизматларига муваффақиятлар тилаймиз.

Туғуруқхонанинг жуда озодалиги, докторларнинг ниҳоятда аҳиллигини кўриб, қойил қолдик.

Доктор Саид Муҳаммад
Содик,

Доктор Абдул Қодир,
Тошкентда ўтказилган тропик касалликлар
халқаро конгрессининг афғонистонлик ва
киллари.

1961 йил, сентябрь.



«Бизнинг бу ташрифимиз ҳаммамизга катта завқ бағишлади: беморларга хизмат кўрсатишнинг оқсак намунасини кўриб турибмиз. Дўстлар, одамзоднинг ҳамма жойда ана шундай имкониятлардан фойдаланишига умид қилайлик.

Буюк Тошкент шаҳридаги ҳамкасабаларимизнинг меҳмондўстлиги биз учун унутилмас воқеа бўлиб қолади.

Доктор Олияхоним шу қадар олижаноб эканки, хушфееьлик билан бўлимларни, палаталарни бирма-бир кўрсатди, тажрибаларини ўртоқлашди.

М. С. Чандра,
Ҳиндистон делегациясининг
раҳбари».

Олия Султоновна жуда хушчақчақ аёл экан, мударраомни эшитиб:

— Ўзим ҳақимда нима ҳам дердим, ўғлим,— деб кулди.— Ҳар куни йигирмата-лаб-ўттизталаб туғиб ётибмиз. Бир туғиш — етти ўлим билан баробар, деган гап бор, шундан ўзингиз билиб олаверинг. Бунга ҳам қаноат қилмасангиз, врачларимиз билан гаплашиб кўринг, балки улар бирор нарса дейишар...

Кейин мен кўп ажойиб врачлар билан танишдим, суҳбатлашдим. Менга айниқса, сочлари оппоқ оқарган, нуроний чехрали Людмила Петровна Шманская, хотин-қизлар консултацияси бўлимининг мудирини Холида Мирраҳимова, камтарлиги яққол сезилиб турган Юрий Михайлович Кримжаловлар жуда ёқиб қолди. Людмила Петровна институт аудиториясидан тўғри шу туғуруқхонага келиб, оддий ординаторликдан иш бошлаган экан, ҳозир бош врач ўринбосари. Юрий Михайлович — Квантун армиясини тормор эшида қатнашган, сўнг Қозоғистонда узоқ йиллар жарроҳлик қилган экан, бу ерда эса гинекология бўлимига мудирлик қиляпти.

— Мен ўн олти йилдан бери бош докторимиз билан ёнма-ён ишлаб келяпман,— деди Юрий Михайлович.— Олия Султонова жуда куйинчак врач, сўзида устивор аёл, жиндек жангари ва айна пайтда меҳрибон раҳбар. Ўтган йили туғуруқхонамизда ўн олти мингга яқин бемор даволанди, шундан беш минг нафарининг кўзи ёриди. Битаям ўлим бўлгани йўқ. Шубҳасиз, бу — жуда катта ютуқ! Туғуруқхонамизнинг каттаю кичик барча врачлари Олия Султоновани ўзларининг устозлари, онахонлари деб биладилар. Олия Султонованинг ҳаёт йўли, кундалик фаолияти ҳақиқатан ҳам ибратли ва таҳсинга сазовордир...

□

Олия Султоновна пиёлани дастурхон чеккасига қўйдию:

— Жим!— деди невараларига.— Анавини эшитайлик.

Лекин у салдан кейин туюқиб кетишини билмас эди.

Телевизорда наманганлик бир чиройли жувоннинг Уйчида, бутун водийда трахома касаллигини ниҳоят мутлақо тугатишга муваффақ бўлганлари, шу жараёнда талайгина қийинчиликларни енгишга тўғри келгани ҳақидаги суҳбатини тинглаётиб, Олия Султонованинг негадир жаҳли кўзиди.

Телевизорга чиққанидан роса яйраётгани шундоққина сезилиб турган жувон бир пайт бурнини хиёл жийириб, дабдурустан:

— Хусусан, парша касаллигини ҳам...— деб қолди.

Шунда Олия Султонованинг буткул бардоши тугади:

— Вой, уятсиз!— дедию тўнғич неварасига кескин буюрди.— Учир анавининг овозини! Бошқасига бура.

Лола бувисининг айтганини қилиб, жойига келиб ўтирди-да:

— Трахома нима, аяжон?— деб сўради. У катта қиз бўлиб қолган, кўп нарсаларга тушунади, аммо негадир бувисининг асабийлашаётганига фаҳми етмаётган эди.— Парша — кал, деганими?

— У нималар деб валдираётганини ўзи ҳам билмас керак,— дея буви қўл силтади.— Трахома — шилпиқ, дегани!

— Шилпиқ-чи?— деб, кичкина Олияча ҳам бувисига тикилди.— Айтинг, аяжон?

— Кўз касаллиги бўлса керак-а?— деди энди Лола.

— Ҳа,— деди Олия Султоновна бошини қимирлатиб.— Шунақа кўз касаллиги бор. У билан ориган одамнинг кўзи хира кўради, киприклари шапоқланиб юради, кўз жиякларига қуруқ дончалар чиқади. Шилпиқ-шилпиқ-да!

Бувисининг ижжилаб тушунтириши кичкина Олиячага ёқиб, иккинчи касаллик ҳақида ҳам билишга қизиқиб қолди:

— А-а, оти нима эди?— дея пешонасини тириштириб, опасига қаради.— Халиги айтди-ку?

— Паршами?— деди Лола.

— Ҳа-ҳа, шу!

— Парша — кал касаллиги. Лекин биз, бўталоқларим, бу касалликларни ришта, чечакдан кейин аллақачонлар — эллигинчи йиллардаёқ тугатиб юборганимиз. Аммо анави бетамиз орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг кўкрагига уриб, ниҳоят мутлақ тугатишга муваффақ бўлдик, дөяпти-я!..



Р. СОДИҚОВ фотолари.

— Аяжон, лишта нимэ, чечак нима?— деб сўради Олия чучук тил билан.

— Кўп бошимни қотирма,— деди Олия Султоновна кенжатоё неварасининг елкасига меҳрибона қоқиб.— Катта, ақлли қиз бўлиб, менинг касбимни эгалласанг, ҳаммасини билиб оласан. Сенга умид билан ўзимнинг отимни қўйганман-а! Хўш, ким бўлмоқчисан?

— Аяжон, айтганман-ку, мен ҳам сиздек доктор бўламан, кўкрагимга орденлар тақаман.

— Вой, худойим!— дея кулиб ёқасини ушлади у.— Умр бўйи туну кун ишлаб, орден ҳақида ўйламабман-а! Сен жинқарча тузуксан-ку!

— Аяжон, орденларингиз бор-ку?— деди Олияча қизариб.

— Медалларингиз ҳам бор,— деди Лола.

Ҳа, бор. У парша, трахома касалликларини тугатишда актив иштирок этгани учун, республика қишлоқларида биринчи боғча-ясиларни ва фельдшер-акушерлик пунктларини очишда кўрсатган фаол хизматлари учун «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланган. Эҳ-э, ундан бери кўп замонлар ўтиб кетган. Роса ажойиб эди-да, ўша пайтларда ишлаб чарчамасди, кезиб ҳормасди.

Олия Султоновна индамай, кўзлари билан невараларини кучиб-эркалагандек кулди-да, секин ўрнидан туриб:

— Аданг билан ойинг ҳалиям қайтмади-я?— деди.

— Ҳадемай кебқоларла,— деди Лола девор соатига нигоҳ ташлаб.— Меҳмонга борган одам дарров қайтарканми, аяжон.

— Майли, мен энди дам олайин. Сизлар ҳам...

□

Лола оёқ учида тунчиरोқ шаффоф ёғду таратаётган ётоқхонага кириб, бувисининг томонига чойнак билан пиёлани қўйди-да, тагин аста изига қайтди. Олия Султоновна кўзларини юмиб ётаркан, ногоҳ телевизорда сўзлаган жувон-

нинг гаплари қулоқлари остида жаранглагандек бўлдию хотиралар қюни миясида гужгон ўйнади. Кўз ўнгидан қизил паранжиси, комсомолга кирган пайтлари, техникумда ўқиган кезлари, САГУдаги талабалик йиллари, кейин министр ўринбосари бўлиб ишлаган даврлари... Эртаклардагидек олис қишлоқлар, Ситораимоҳихосадаги мрамар ҳовуз, товуслар — ҳаммаси айқаш-уйқаш алпозда ўта бошлади.

Онасини эслаш баробарида жамалак сочли қизлар — дугоналари — Ёдгора, Муҳаррам, Маҳфуралар ҳам ёдига тушди. Онаси Қурбонбиби отин улар мактабдан қайтганларидан сўнг араб алифбосидан сабоқ берарди. Отаси Султон кўнчи хайҳотдек ҳовлининг кунгай бетида ўтириб, тери ошларди.

Қизик, ўша ҳовли ҳалиям турганмикан? Ёдгоранинг невараси нечта бўлдийкин?... Узининг бештагина невараси бор: қизидан учта, ўғлидан иккитагина...

Ёдгора ҳам ўқимоқчи эди, лекин Қодирқул акага турмушга чиқиб, қолиб кетди. Агар Қодирқул ака бўлмаганда, балки ўзи ҳам қолиб кетармиди?..

Улар ҳовлима-ҳовли юриб, паранжи ташлаш, артелларга ишга кириш ҳақида аёллар ўртасида ташвиқот олиб боришарди. Аммо ўзлари рўпарадан эркак киши келаётганини кўришса, дарров паранжи ёпиниб олишарди. Унинг қизил паранжиси бор эди.

Бир кун, айни саратон эди, ўшанда, Чимкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Қодир Қурбонов уни фавқулодда мажлисдан аввал ҳузурига чақириб:

— Бугун дугоналарингга ўқишга бориш ҳақида гапирасан!— деди.— Тошкентга борайлик, ўқийлик, дейсан. Мана, йўлланма келган.— У шундай деб, конвертга солинган қоғозларни кўрсатди.— Биттасини сенга берамиз. Кейин акангинг ёнида, Тошкентда ўқийсан. Борасанми?

— Билмадим...

— Билмадим эмас, боришинг керак. Тушунапсанми, албатта, боришинг керак! Чамаси, фақат паранжи ташлаб, артелларга уюшиш билан иш битмаслигини, қадрдон Туркистонини, бутун Урта Осиёни ўқиганларгина қоқоқлик исканжасидан қутқизиши, ҳар қандай қафаслардан халос этиши мумкинлигини ўшанда юракдан хис этган экан; ўша йили — минг тўққиз юз йигирма олтинчи йили — биринчи курсни битириб, ёзги таътилга чиқиб борган Ориф акаси билан Охунбобоев номидаги Тошкент медицина техникумига ўқишга келди.

Техникумда яхши эди: бепул врекат, кийим, ётоқхона берилар, эртаю кеч ўқитишар эди. Уқитувчилар, айниқса директор Сирожиддин Маҳмудов талабаларга жуда меҳрибон эдилар.

Орадан бир йил ўтгандан сўнг Чимкентдан унга дугоналари — Муҳаррам, Маҳфуралар эргашди. Кейин бошқалар...

Йиллар оқар сувдек тез ўтди-кетди-я! Сирожиддин Маҳмудовнинг толиба: қизлар кўлдан қўймай кўтариб юрадиган кичкинтой ўғиллари — Урхон билан Эркин бугун медицина фанлари доктори, профессор. Опа-сингил Муҳаррам, Маҳфира Орифоноваларнинг, бечора акасининг ҳам умри қисқа экан. Ориф акаси ТошМининг доценти эди, опа-сингиллар эса фан доктори илмий даражасини, профессор унвонини олишган эди-я... Ў-ў, бевафо дунё!

Эшик тарақладими ё шамол турдими — Олия Султоновнанинг хаёли бўлинди. Юрагини нимадир эзиб ёғжимлаётгандек эди, кўкраги сиқилаётганини сездди. Аста пиёлага чай қўйиб, ҳўплади. Энтикиб-энтикиб нафас олди. Сўнг ғалати кулиб қўйди.

Одамнинг боши — тақдирнинг тоши, деганларича бор экан. У не-не мусибатларни бошидан кечирмади, дейсиз?! Яқиндагина раҳматли турмуш ўртоғи Турғун Умаровнинг акаси қазо қилди. Одамзод чидаркан-да...

Лекин кўп яхши кунларни ҳам кўрди. Энг яхши кунлари эса ҳали олдинда: ўғил-қизлари бор, неваралари бор — кўраверади.

Турғун Умаров билан Урта Осиё дорилфунунининг медицина факультетида ўқиб юрганида танишди. У ҳам чимкентлик экан, дорилфунунининг ишчилар факультетида ўқиркан. Энди ўйлаб қараса, умрининг энг гўзал дамлари ўша даврлар экан. Минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йили ўқишни тугатиб, шу туғуруқхонада роса беш йилча маза қилиб ишлади. Бу орада қизи Тамара туғилди, сўнг ўғиллик бўлдилар. Хуллас, яхши эди.

Лекин тўсатдан уруш бошланиб кетди. Аввал Турғун Умаров армияга чақирилди, кейин ўзи. Аммо болалари ёш бўлгани учун Тошкентга эвакуация қилинган 39-57 номерли ҳарбий госпиталнинг жарроҳлик бўлимига мудир, сўнгрок эса бош врач қилиб тайинлашди. Шу ерда партияга қабул қилинди. Иш кўп эди, бирпас ўтириб, ҳордиқ чиқаришга вақти бўлмасди. Фронтдан келаётган ярадор жангчиларнинг изи узилмасди, кундузлари операциядан қўли бўшамас, кечалари эса ҳамширалик қилар эди.

Уша пайтларда туну кун ишлаганлари кейинчалик Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари бўлганида жуда асқотди. Хизмат юзасидан республиканинг турли районларида тез-тез сафарда бўлиб турар, давр ҳасталиги, деб қаралган кал, шилпик сингари юкумли касалликларни тугатиш билан боғлиқ ишларнинг боришини бевосита назорат қилар, қишлоқларда фельдшер-акушерлик пунктлари

ташқил қилинишини, боғча-яслилар очилишини ҳукумат комиссиясининг масъул аъзоси сифатида кузатиб юраркан, қишлоқ касалхоналарида ҳам бир неча марта оғир операцияларни бажаришига тўғри келган. «Вой бетамиз-ей!— деб ўйлади у яна.— Мўхолифларимиз эшитса... Ахир, биз у касалликларни «синф сифатида» тугатиб юборганимизга неча йиллар бўлди-ку!»

Олия Султоновна тиниб-тинчимас кезларини эсларкан, даъфатан кўз ўнгида Бухоро гавдаланиб, беихтиёр энтикиб қўйди: Бухорода бўлганида амир Олимхоннинг маҳобатли ёзги саройида гоҳо дам оларди.

Ситораимоҳиҳосада охириги марта бўлганидан бери орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Ўттиз йилдан бери шу туғуруқхонанинг бош врач. Аниқ ёдида, ўттиз йил аввал туғуруқхона юз эллик ўринли, врачлар эса ҳозиргидан икки баравар кам эди. Бўлимлар сони ҳам беш-тўрттадан нарига ошмасди. Улим-йитим ҳам тез-тез бўлиб турарди. Қандай яхши, ўтган йили биттаям ўлим бўлмади. Лекин ҳали қилинадиган ишлар кўп: «Тагин битта реанимация «Тез ёрдам» машинаси олишимиз керак,— дея дилидан ўтказди у.— Албатта, олиш керак...»

Шу пайтда дарвоза кўнғироғи жириглади. Олия Султоновна беихтиёр тирсагига тираниб, қулоқларини динг қилди: ўғли билан келинимикан? Соат... Уҳ-ў, уч бўлипти-ку! Энди қачон ухлаб, қачон туради?

Дарвоза кўнғироғи яна устма-уст жириглади. Олия Султоновна ғира-шира емакхонадан ўтиб, қоп-қоронғи даҳлига чиқди, чироқни ёқди. Кафшандозда ўғли билан келинининг пойафзалини кўриб, кўнгли сал тинчиди. Невараларининг бўлмасига қаради: ухлаб ётишибди. Ёпирай, ким бўлдийкин?

У ташқарига чиқиб:

— Ҳозир!— деди ва эти жунжикиб, халатига ўранди. Ёмғир севалаб ёғмоқдайди, ер ёғ тўкилгандек қорайиб кўринади. Дарвозага яқинлашиб:— Ким?— деб сўради.

— Олия опа?— деди овоз эгаси саросима билан.— Мен — кўшнингиз Ҳусниддинман...

У қандайдир кори ҳол юз берганини сездию дарвоза пештоқидаги чироқнинг ёққичини босиб, ўрта эшикни очди:

— Тинчликми, Ҳусниддин?— деб, унга тикилиб қаради: ёмғирданмикан, унинг киприклари, юзлари чироқ шуъласида намчилдек кўринди.— Нима бўлди?

— Олия опагон, келинингизни тўлғоқ тутиб ётувди,— деди у ялинч оҳангида.— Бирдан ҳушини йўқотиб қўйди.

— «Скорийга» телефон қилиш керак эди. Нега қилмадинг?

— Қилдим, опагон,— деди Ҳусниддин юзларини аянчли бужмайтириб. Уч соатдан бери йўл пойлапмиз, йўқ. Илтимос, опагон, ўзингизнинг туғуруқхонангизга бир телефон қилиб бering?

— Бўпти, мен ҳозир чиқаман...

Олия Султоновна ранги рўйи сурпдек оқариб, ҳушига келиб-кетиб ётган беморнинг аҳволи руҳиясини кўриб, таҳликага тушди, лекин сездирмади. Эпчиллик билан унинг чап қўли томирини тутиб, баттар қўрқиб кетди:

— Келинпошша, ухламанг!— деди.

— Ая... аягон, болаларим ёш...— деди келинчак узук-юлуқ гапириб.

— Нима кипти, ўзингиз катта қилиб оласиз,— деди у беихтиёр ва дашном оҳангида Ҳусниддинга гап қотди.— Нега мени эртарок чақириб келмадинг?!

— Опагон,— деди Ҳусниддин эзилиб.— Телефон анави ерда, бир...

— Ҳозир кепқолади,— деди Олия Султоновна келинчакнинг чап кўксини уқалаб туриб.— Уйдан чиқаётганимда кўнғироқ қилганман.

— Раҳмат, опагон...

Худди шу пайтда даҳлиздан тапира-тупур оёқ товушлари эшитилиб, эшик очилиб-ёпилди. Болалар кўшни уйга ура қочиб кириб кетишди.

Хонага изма-из оппоқ халатли икки аёл кирди.

Олия Султоновна Ҳусниддинга «Тез ёрдам»нинг замбилини олиб келишни буюриб, докторларга кўрсатма берди:

— Соня, сен юракни қувватлантирувчи укол қил. Эҳтимол, йўлакай қон қуярсан. Борми?.. Кўп қон йўқотган. Дарҳол машинага чиқариш керак. Дарвоқе, қизлар тайёрами?

— Ҳа, Юрий Михайлович ҳам бор...

Олия Султоновна ичида севиниб қўйди: Юрий Михайлович туғуруқхонанинг пешқадам жарроҳларидан. У билан ҳар қандай операцияга дадил қўл уриш мумкин...

Туғуруқхонага етиб келганларидан сўнг Ҳусниддин ҳушсиз ётган хотинига хаёлан мадад тилаб:

— Опагон, илтимос, ҳеч бўлмаса ўзи омон қолсаям майли,— деди.

— Қабулхонамизда диван бор,— деди Олия Султоновна зинадан кўтарилаётиб.— Ҳадемай тонг отади. Сен бориб жиндек ухлаб ол. Ана, ёмғир ҳам зўрайди.

□

Ҳусниддин деразаларга интиқлик билан термулиб, жуда толиқди; бўйни оғриди, тиззаларига титроқ кирди. Утирмоқчи бўлиб, атрофига аланглади: яқин орада ўриндиқ кўзига чалинмади. Ёмғир эса ҳамон севалаб ёғмоқда эди.

У қабулхонанинг эшигини секин итарди, очиқ экан, ичкари кирди.

Оппоқ чойшаб ёпилган диваннинг биқинидаги столда хат ёзиб ўтирган хушрўйгина жувон бошини кўтариб, оғир қаради: «Сизга ким керак?»

— Шу ерда бирпас ўтирсам майлими, синглим?— деди у.— Олия опа айтдилар.

— Олия Султоновна шу ердамилар?— деб сўради жувон.— Қачон келдилар?

— Анча бўлди.

— Сиз кимлари бўласиз?

— Шундоқ... кўшилари.

— Марҳамат, кириб ўтиринг,— дея жувон ёзувини давом эттираверди.

Ўхсиддин ёмғирда ивиган плащчини ечиб, илгакка осди-да, диванга келиб ўтирди. Рўпарадаги деворга осиб қўйилган каттакон «Ўрмат тахтаси»даги суратлар беихтиёр диққатини тортди. Томоша қилгиси келиб, жувонга бир қараб қўйди: у қитирлаиб хат ёзарди.

Ўхсиддин аста ўрнидан туриб, деворга яқинлашди. Суратларда акс эттирилган қиёфалар бир-биридан кўркамлигини, нимаси биландир дилга яқинлигини ҳис этиб, остидаги ёзувларни ўқий бошлади. Уйда Юрий Михайловичнинг номини эшитгани учунми, унга айрича эътибор билан тикилди: у гўё «Ҳаммаси беш!» дегандек кулимсираб турарди. Ўхсиддин «Ютуқлар кўрсаткичи»даги рақамларни кўздан кечириб, туғуруқхонада 105 нафар олий маълумотли врач, 240 нафар ҳамшира, 135 нафар энага ишлашини, 350 нафар бемор даволанишини билиб олди. Кейин бетоқатлик билан соатига кўз қирини ташлаб, аста жойига келиб ўтирди-да, диваннинг болишига тирсагини тираб, кўзларини юмди. Шунда ногоҳ қаердандир чақалоқнинг жарангдор ингаси қулоғига чалиниб, ялт этиб жувонга қаради.

— Уртоғингизни олиб келганмисиз?— деб сўради у.

— Ҳа,— деди Ўхсиддин.— Аҳволи жуда оғир эди бечоранинг.

— Қўрқманг, Олия Султоновна жуда зўр врач,— дея жувон ручкасини столга қўйиб курсига суянди.— Хотинингизнинг бахти бор экан: бугун энг зўр врачларимиз— Юрий Михайлович, Лев Николаевич, Лола Абдулҳақовна, Просковья Денисовналар навбатчилик қилишяпти. Ана, досқада суратлари бор.

— Кўрдим,— деди Ўхсиддин бош ирғаб.— Энди операция қилишармикин? Боланинг соғлиғига зарар етмасмикан?

— Бизнинг туғуруқхонадан касал бола чиқмайди,— деди кулиб жувон.— Аксинча, бошқа туғуруқхоналарда касал туғилган чақалоқлар ёки туғишдан кейин касалга чалинган оналар бизнинг туғуруқхонага келтирилади. Шунақа бўлим Тошкент шаҳри бўйича фақат бизда бор.

Улар сўхбатлашиб турган пайтда чап тарафдаги эшик очилиб, ичкаридан оппоқ халатли Олия Султоновна чиқиб келди.

Ўхсиддин ирғиб ўрнидан турдию юраги жиғиллаб, унга пешвоз юрди. Докторнинг ҳорғин чеҳрасига, уйқусизликдан қизарган кўзларига илтижоли тикилиб, бир лаҳза жим қотди: «Гапиринг, опажон!»

— Ўхсиддин, бахтли экансан, ўғлим!— деди Олия Султоновна мардона овозда.— Хотининг паҳлавондек ўғил туғди. Калласига қараганда, олим бўладиганга ўхшайди.

Ўхсиддин самимият билан унинг қўлларини ўпиб, кўзларига суртаркан, қайта-қайта:

— Катта раҳмат, опажон! Қўлларингиз дард кўрмасин!— деб сўради.— Узининг соғлиғи яхшими?

— Биноидек. Фақат қорнига ипдан уч-тўрттагина хол қўйдик. Ҳечқиси йўқ, кейинчалик хоҳлаганинча туғиб бераверади.— У шундай деб, жувонга ўгирилди.— Тинчликми, қизим?.. Ундай бўлса, сен кабинетимга бир чойнак чой дамлаб киритгин. Бир мириқиб ичайлик.

Сўнг доктор Олия Султоновна ҳамон қўл қовуштирган куйи кўзлари жувондан порлаб турган Ўхсиддин билан илиқ хайрлашди-да, сутдек оидин йўлак бўйлаб ўз кабинети томон одатича шахдам юриб кетди.

Умарали Норматов

ИЖОДКОР ҚИЁФАСИ

(Таниқли олим Шоислом Шомухамедов 60 ёшга тўлди)

Шоислом акани кўп қиррали ижодкор дейишади. Дарҳақиқат, у аввало адабиёт-шунос олим, айна пайтда нуқтадон таржимон, ўзига хос шоир, шу билан баробар, яхшигина носир... Унинг фаолият, машғулот доираси ҳам кенг, хилма-хил: педагог — мураббий, ношир, илм-фаннинг моҳир ташкилотчиси — кўп йиллар Тошкент Давлат университети шарқ факультетига деканлик қилган, чет эл шарқи адабиёти кафедрасини бошқарган, Ўзбекистон Давлат нашриётида шарқ халқлари адабиёти редакциясига мудир бўлган, 1972 йилдан илмий ишлар бўйича университет проректори; коммунист олим бир қатор жамоат ишларини ҳам олиб боради — Совет — Эрон дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими бюроси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик комитети президиуми аъзолигига сайланган, СССР Ёзувчилари союзининг аъзоси, «Шарқ юлдузи» журналі редколлегияси аъзоси, ТошДУ ҳузуридаги ўзбек адабиёти бўйича ихтисослаштирилган совет раиси...

Хилма-хил соҳа, вазифа, машғулотлар билан банд бўлиб кетиб ўзининг ижодий қиёфасини йўқотиб қўйган ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Шоислом ака ўзига юклатилган барча вазифаларни қойилмақом қилиб адо этади, қайси соҳага қўл урса унга сидқидилдан ёндошади. Аммо Шоислом ака учун шундай бир соҳа, шундай бир ўқ борки, унинг бутун онгли ҳаёти; фаолияти шу ўқ теварагида айланади. У биринчи галда форс-тожик классик адабиётининг мафтун, жонкуяр тарғиботчиси, бу соҳанинг ҳақиқий билимдони. Агар сиз бу одамнинг суҳбатида бўлсангиз, қандай мавзуда гап бормасин, у албатта ўрнини

топиб шарқ бадиияти ҳақида сўз очади; ўз фикрининг далили учун ё Саъдий, ё Умар Хайём, ё Ҳофиз, ё Жомий ёки Бедилдан бирор байт келтириб мағзини чақиб беради; у қандай иш билан машғул бўлмасин, хаёлининг бир учи ё Фирдавсий мисрасининг ўзбекча ифодаси, ё Саъдий, Бедил байтларининг янги маъноси талқини ёки Ҳофиз ижодининг бирор ечилмаган жумбоғи билан банд эканлигини пайқаш қийин эмас. Агар унинг кабинетига кирсангиз иш столининг бир четида турган қадимий қўлёзмаларни кўрасиз, ташкилий ишлардан қўли бўшаса ёки танаффус пайти



елса, дарҳол ўша қўлёзмаларни титкилашга тушади; унинг дам олиш кунлари, меҳнат отпускази ҳам ҳамиса ижодий ишлар билан ўтади. Таниш-билишлари, дўстлари унинг ишчанлигига, ўз соҳаси бобида билимдонлигига, фидойилигига қойил қоладилар. «Шоислом билан Қора денгиз бўйида ҳам бўлган эдим, бирга ишлашган эдик, — деб ёзган эди шоир Миртемир. — Мени ҳамма вақт ундаги ишчанлик, топаганлик, бой қалб, маънавий давлат лоп қилиб келади».¹

Шоислом акада шарқ классик шеърлятига мафтунлик жуда эрта уйғонган. Навоий ижодидан илҳомланиб 11—12 ёшлариданоқ шеърлар ёза бошлаган; ўша кезлардаёқ шарқ классик адабиёти бўйича мутахассис бўлишни, ҳаётини шу соҳага бахшида этишни кўнглига тугиб қўйган. Бироқ она юрт бошига тушган оғир кулфат — Улуғ Ватан урушининг бошланиши бу ниятни орқага сурди. Шоислом ака Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ ёвуз душман билан юзма-юз жанг қилди, жангда оғир яраланди, даволанди, яна анча вақт ҳарбий хизматда бўлди. Ўша кезларда ҳам қўлидан қалам, қўнидан классиклар девони тушмади, шеър муталааси, шеър машии давом этди. Ниҳоят, анча кечикиб бўлса-да, мақсадига эришди — 26 ёшида САГУнинг шарқ факультети талабаси бўлди; А. Н. Болдилов, А. Т. Тоҳиржонов сингари донгдор шарқшунослардан таълим олди; университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб шарқ факультетидеда ишда қолди; ҳозирги замон прогрессив Эрон шоири Эҳсон Табари ижоди бўйича кандидатлик, «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманистик ғоялар тараққиёти проблемасига доир» деган мавзуда докторлик диссертацияларини ёқлади... Шу тариқа унинг ғоят қизгин, кўп қиррали ижодий фаолият даври бошланди; қисқа бир муддат — чорак асрлик давр ичидеда ўнлаб илмий, бадий, таржима китоблари, юзлаб мақолалари, шеър ва лавҳа-ҳикоятлари чиқди; хусусан унинг Фирдавсий, Саъдий, Умар Ҳайём, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Бедил ҳақидаги илмий ишлари, аруз вази, таржима назарияси ҳамда эмалиётига оид кузатиш ва хулосалари, Фирдавсий, «Шоҳнома»сидан, Саъдий, Умар Ҳайём, Деҳлавий, Жомий, Бедил асарларидан қилган таржималари маданий ҳаётимизда улкан ҳодиса бўлди.

Маълумки, ўзбек халқи маданияти, санъати ва адабиёти жуда қадим замонлардан форс-тожик маданияти, санъати, адабиёти билан яқиндан ҳамкорликда ривожланган; ўзбек китобхони форс-тожик адабларининг шоҳ асарларини худди ўз миллий маънавий бойлиги сифатида қадрлаган, ўтмишда Фирдавсий, Саъдий, Умар Ҳайём, Ҳофиз, Жомий, Бедилни билмаган ўзбек зиёлиси деярли бўлмаган, уларни таржимасиз оригиналда ўқиб ҳузур қила билган. Айни

пайтда илғор ўзбек ижодкор зиёлилари бундай улкан сўз усталари яратган санъат дурдоналарини кенг меҳнаткаш халқ орасига ёйиш, уларни ўз она тилига қалъириш учун ҳам ҳаракат қилганлар. Бироқ бу ният Октябрь инқилобидан кейингина тўла рўёбга чиқа бошлади; совет ҳокимияти йилларида форс-тожик адабиётининг республикамиздаги пропагандаси, илмий тадқиқи ва таржимаси изчил бир йўлга тушди, хусусан 60—70 йилларга келиб бу иш янги босқичга кўтарилди. Шоислом Шомухамедовнинг қизгин ижодий фаолияти худди мана шу даврга тўғри келади. Шоислом ака ҳам олим-тадқиқотчи, ҳам тарғиботчи, ҳам таржимон, ҳам ношир, муҳаррир, ҳам ташкилотчи, ҳам мураббий сифатида бу ишга ғоят улкан ҳисса қўшди, аниқроғи, бу ишнинг бошида турди.

Шоислом Шомухамедовнинг форс-тожик адабиёти классиклари ҳақидаги ишлари ҳар бири алоҳида ҳолда ҳам ғоят қимматли; олим ҳар бир санъаткор ижодига оид етакчи хусусиятларни катта билимдонлик, нозик дид билан очиб беради, айни пайтда атоқли сўз усталари ижодига хос муштарак томонларни ҳам кўрсатади. Олимнинг уқтиришича, классикларни бир-бирлари билан туташтириб турган энг таъсирчан, ҳаётбахш ғоявий-эстетик омилилардан бири улар ижодига хос гуманизмдир; тадқиқотчи классик шоирлар ижодини ҳаммадан бурун худди шу гуманизм нуқтаи назаридан текширади; натижада гуманизм тадқиқи илмий ишларининг етакчи концепциясига айланади; олим илмий ишларининг маълум синтези бўлиш докторлик диссертацияси худди шу форс-тожик классик адабиётда гуманизм масаласига бағишланганлиги ҳам тасодифий эмас.

Неча йиллар, балким асрлардан бери сўз санъатининг мангулик, умрбоқийлик сири, санъат ва адабиётдаги прогресснинг бош омили устида баҳслар кетади, бу хусусда ғоят хилма-хил, ҳаттоки зиддиятли фикрлар бор. Бир гуруҳ тадқиқотчилар, санъаткорлар чинакам санъат асарининг умрбоқийлик сири ундаги гуманизмда деб биладилар, гуманизм санъат ва адабиётдаги прогресснинг бош омили деб ҳисоблайдилар, гуманизм санъат ва адабиётда фақат ғоявий масала бўлиб қолмай, унинг бадиятига ҳам кучли таъсир кўрсатувчи омили деб қарайдилар. Бизнингча, бу фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Ш. Шомухамедов ўз тадқиқотларида айни шу концепцияга таянади; фақат форс-тожик адабиётда эмас, балки жаҳон адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутган даҳо санъаткорлар ижоди мисолида, ғоят ёрқин далиллар асосида ўз фикрини исбот этади ва классиклар учун гуманизм — абадийлик ялови деган теран илмий хулосага келади.

Ш. Шомухамедовнинг таржималари пухта илмий-назарий асосга қурилган. Шоислом ака дуч келган асарни эмас, аввало форс-тожик адабиёти классикларининг энг характерли, ибратли, бугунги ўзбек китобхони учун қизиқарли, ниҳоятда азиз асарларини таллаб таржима қилади; таржима

¹ Миртемир. Етуклик. «Совет Ўзбекистони», 1971 йил 5 июнь.

учун танлаган асарларни эса илмий асосда чуқур ўрганиб, ҳар бир сатр, сўзга жо этилган образли маънонинг тагига етиб, уни чуқур ҳис этган ҳолда ўзбекчага афдаради. Таржимон асли шоир бўлгани, маълум шеърини завоқ, тажрибага эга экани, ўзбек адабиётини, она тилининг шеърини имкониятларини яхши билиши таржимада унга ниҳоятда қўл келади. Ш. Шомуҳамедов бадий таржима бобида Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир каби моҳир сўз усталари билан ҳамкорлик қилиш бахтига муяссар бўлган, улардан катта кўмак, сабоқ олган таржимондир. Унинг Умар Хайём рубойларидан қилган таржималарига Ғафур Ғулом, «Шоҳнома» таржимасига эса Миртемир муҳаррирлик қилган эди.

Ш. Шомуҳамедов таржималари ҳақида талай мақолалар эълон этилди, таржималарининг аҳамияти, сифати, авторнинг таржимонлик маҳорати хусусида кўп илиқ гаплар айтилди. Таржимон санъатидан далолат берувчи баъзи далиллар келтириб ўтайлик. «Шоҳнома»даги ғоят ҳаяжонли, таржимон учун ниҳоятда масъулиятли ўринлар — Рустам билан Сухроб тўқнашуви, ота билан ўғил жанги, ўғилнинг ота томонидан ҳалок этилиши, Сухробнинг ўз ўғли эканидан воқиф бўлган отанинг ададсиз рухий қийноқлари, Сухроб жасади устиде чеккан нолалари тасвирини эслайлик. Мана, Рустам қалб изтиробларининг акс-садоси бўлмиш айрим сатрлар:

Бундай иш тушганми ҳеч кимсага,
боқ!
Ўз ўғлим ўлдирдим, сочга тушиб
оқ...

Мендекни кўрганми дийдан жаҳон,
Гўдак тепасида бўлсам зўравон.

Кесилса бўларди ҳар икки қўлим,
Қора ер сарига йўналса йўлим...

Не дерман, нечун у ўлди бегуноҳ,
Нечун қилдим ёруғ айёмим сиёҳ?

Қайси ота қилмиш бундай мудҳиш
иш?
Сазоворман қанча олсам сарзаниш.

Қай ота ўлдирмиш жонажон ўғлин?
Ақлли, баҳодир, навқирон ўғлин?

У тождор бобоси эшитса магар,
Покиза онага не бўлур хабар?

Сом наслига нафрат ёғилур осон,
Дерлар мени бедин, беақду имон...

Деярли минг йил бурун битилган, чуқур инсоний дард билан йўғрилган, бугунги кунда ҳам китобхонни ларзага соладиган бу хил шоҳ сатрларни шу тарзда — оригинал колоритини сақлаган ҳолда ҳозирги ўзбек шеърини тилига кўчириш ҳазилакам иш эмас!

Ёки Умар Хайёмдан қилинган, эл орасида жуда машҳур бўлиб кетган мана бу рубой таржимасини олайлик:

Май ичсанг оқилу доно билан ич,
Ёки бир гул юзли зебо билан ич.
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич, ҳам яширин ич,
Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

Бир томондан, асл нусхадаги маънога жуда яқин турувчи, иккинчи томондан, сўзма-сўзликдан қочиб оригиналдаги сатрларга, образларга эркин, ижодий ёндашишдан туғилган бу хил мисралар жуда катта ижодий изланишлар самарасидир.

Жомийнинг мана бу қитъаси таржимаси чинакам бадий кашфиёт даражасидадир:

Пўлатдан бир парча тиш билан
узмоқ,

Тирноқ билан тошда ариқлар қазмоқ.
Жаҳаннам ўтига бош билан кириш,
Кўзлар милки билан олов-чўғ териш,
Юз тева юкени бўйинга илиб,
Шарқдан то Ғарбгача югуриб-елиб —
Бормоқлик Жомийга енгилроқ, жўра,
Пастлар миннатиши тортгандан кўра!

Ниҳоят, Бедилдан олинган ушбу рубойни тинглаб кўринг:

Ўз васфида олим гуфтори қизиқ,
Ўз ишида Мажнун ашъори қизиқ.
Бу даштнинг қумлари тўзгит
битгунча
Лофу ҳангоманинг бозори қизиқ.

Таржимон Бедилга хос мураккаб образли, тагдор, сержило маъноли, айна вақтда ўта жозибадор сатрларни катта маҳорат билан ўзбекчалаштира олган!

Шоислом Шомуҳамедов қаламига мансуб шу хил таржималар, баракали илмий тадқиқот ва тарғиботлар туфайли ўзбек китобхони учун нодир хазина — бой классик форс-тожик адабиёти гўё янгидан кашф этилди. Шоир Миртемир Шоислом аканинг бу борадаги хизматларидан қувониб: «Шоислом улкан ва фусункор хазина эшигини кенгроқ очиб кўйгани рост. У ўша афсонавий ва бой хазина эшигида туриб: «Қани бир кўринг-чи!» дегувчи эшик оғасига ўхшайди хаёлимда» деган эди. Ёзувчи Пиримқул Қодиров худди шу фикрни давом эттириб дейди: «Ота-боболаримизда одат бўлган саъдийхонлик, бедидхонлик, хайёмхонлик аъаналари бугун янги бир асосда давом эттирилаяпти. Яхши-яхши давраларда Ҳофиз ғазалларини, Умар Хайём рубойларини ўзбекча ёддан айтиб ўтирган китобхонларни кўрасиз. Шунда бу рубойи ва ғазалларнинг тарғиботчиси ва таржимони Ш. Шомуҳамедовга эхтиромингиз ошади».

Ш. Шомуҳамедовнинг бутун илмий, тарғиботчилик, таржимонлик ва ташкилотчилик фаолияти чуқур интернационал руҳ билан йўғрилган; унинг тадқиқотлари, таржималари билан танишган китобхон бир умрга шу буюк адабиётнинг мафтунли бўлиб қолади.

Ш. Шомуҳамедовнинг бадий асарлари ҳам аслида шарқ классик адабиётига бўлган улкан меҳр самарасидир. Унинг талай

газаллари, ўқувчиларга маъқул бўлган рубоийлари, лавҳа-ҳикоятлари Саъдий, Умар Хайём, Навоий, Жомий, Бедил анъаналари руҳида битилган; уларда муаллиф шарқ классикларига хос гуманистик мотивларни давом эттиради, чин инсоний фазилатларни улуғлайди, инсонийликка ёт, инсон шайини ерга урадиган одат-таомилларни қоралайди; муаллиф шарқ классик адабиётининг қатор барқарор шакл-жанрларида бугунги куннинг гапларини ҳам айтиш, ифода лаш мумкинлигини намойиш этишга интилади. Хусусан унинг «Гулистон», «Баҳористон» каби машҳур асарларни эслатадиган, ҳаётини кузатишлар асосидаги ибратли лавҳа — ҳикоятлардан ташкил топган «Гулбоғ» китоби ўқувчиларга манзур бўлди, адабий танқидчилик унга яхши баҳо берди. Қисқаси, Шоислом Шомуҳамедов бадиий ижодда ҳам ўзлигига содиқ қолади, шарқ классик адабиётининг мафтунни эканини яна бир бор намойиш этади.

Шоислом Шомуҳамедовнинг тадқиқотчилик, тарғиботчилик, таржимонлик фаолияти республикамиздан ташқарида ҳам маъ-

лум ва машҳур. Унинг қатор илмий асарлари қардош республикаларда, чет элларда ҳам нашр этилган, бу ишлар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳо олган, И. Брагинский, Д. Комиссаров, Б. Гафуров, Р. Ҳодизода, Қ. Шарафиддинов, Иржи Бечка каби мўътабар олимлар улар ҳақида кўп илиқ сўзлар айтган. Унинг хизматларини ҳукуматимиз муносиб тақдирлаган. Форс-тожик адабиётини оммалаштириш, шарқшунос кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Шоислом Шомуҳамедовга 1974 йили Фирдавсий номидаги халқаро мукофот берилди; республикада филология фанини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги хизматлари учун у 1977 йили «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан тақдирланди.

Шоислом ака ҳаётининг олтмишинчи баҳорини бой ҳаётини, илмий, ижодий тажрибалар тўплаган, куч-ғайратга тўлган ҳолда кутиб олаётир. У ҳамон йўлда, ўзининг ижодий қиёфасига, юксак эътиқодига содиқ.



ШЕЪРИЯТГА КЎЧГАН ТУЙҒУЛАР

Шукрулло кўп йиллардан бери адабиёт оламига бир даврда кириб келган тенгдошлари Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Туроб Тўла сингари шоирлар билан ғирғаликда инсон шахсиятини, маънавий интеллектуал оламини ўз эстетик принципларига содиқ қолган ҳолда тадқиқ этиб келмоқда. Улар ўзбек совет шеърияти тараққиётига сифат ўзгаришлари олиб кирдилар. Инсоннинг ранг-баранг ички дунёсини турмуш ташвишларидан, ғам-аламлардан фориғ бўлган севинчини, гурурини, ифтихорини совет воқелиги билан уйғунликда куйлаш, тараннум этиш бу шоирлар ижодида бўртиб кўринади. Кейинги йилларда Шукрулло ижодида эса инсон ва яхшилик мавзунини куйлашга мойиллик, унинг янгидан-янги қирраларини очишга бўлган иштиёқ кучайди. Бу ўз-ўзидан юзага келган эҳтиёж эмас эди. Етмишинчи йилларда ижтимоий ҳаётда икки тузум — социалистик мафкура билан капиталистик мафкура ўртасидаги ғоявий кураш ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Ижтимоий ҳаётдаги ранглар тўқиниши маънавий ҳаётдаги, одамлар қалбидаги оҳанглар мураккаблигини ҳам юзага келтирди. Хусусан, бу нарса инсон ва тириклик масаласининг ишланишидаги фалсафий мушоҳадакорликнинг чуқурлашувида кўзга ташланади. Агар Шукруллонинг олтмишинчи йилларда яратилган шеърларига назар солинса, уларда ҳис-туйғу ва кечинмалардаги кўтаринки руҳ билан бирга фикрлар ифодасидаги афористик нақлга мойиллик кўзга ташланади. Шоирнинг бу давр ижодида ҳаёт ва воқеликни, воқеа-ҳодисалар жараёнининг кечиш тарзини кузатиш баробарида уни ижтимоий салмоқли фикрлар билан хулосалаш кўринмайди. Унинг учун инсон руҳияти ва ҳаёти билан боғлиқ равишда маънавий-ахлоқий хулосалар чиқариш (бу хулосалар ўзининг афористик йўналишига эга) аҳамият касб этади. Шукруллонинг бу

давр лирикасида муайян фикр айтиш орқали ўқувчи билан дилдан суҳбатлашиш ва шу орқали фикр уйғотиш хусусияти яққол кўринади. Бу фикрга қаноат ҳосил қилиш учун биргина «баъзан одамларни жуда мақтаймиз» шеърини кўздан кечириб кифоя. Шеър самимий ишонч туйғулари билан йўғрилган суҳбат оҳанги асосига қурилган. Шоир деярли ҳар бир шеърда халқимизнинг оддий турмуш тарзидан, ҳаётдан олинган маиший деталларни ёхуд халқ дилида нақл даражасига етган гапларни ўқувчи билан суҳбатида асос қилиб олади ва суҳбат жараёнида ана шу фикр ёки нақлбоп гапнинг янги маъноларини шоирона кашф этишга интилади. Шу асосда ўқувчига бирор ибратли фикр айтишга ҳаракат қилади, кўп ўринларда бу ғоявий ниятни уддалайди. Юқорида номи тилга олинган шеърда ҳам шу ҳолни кўрамиз:

Инсон! Инсондан зўр куч йўқ

оламда,
Оламнинг борлиги ахир шу номдан,
Майли, дабдабали қиёс изламанг,
Осмон билан тенг ҳам қилманг ҳеч
қачон.

Емошликка қарши кураши билан,
Яхшилиги билан қудратли инсон.
Чин Инсон бўлишлик ўзи зўр шараф!

Шоирнинг лирик қаҳрамони мазкур суҳбати билан ўқувчи табиатида инсонийлик, одамийлик, энг муҳими, яхшилик хислатларини, фазилатларини тарбиялайди. Мабодо инсон қалбида шу хислатлар гул очган бўлса, уларни нурдек меҳрга ўраб вояга етказеди.

Агар шоирнинг олтмишинчи йиллар лирикаси ўқувчини самимий, дилдан суҳбатлашишга ундаган бўлса, етмишинчи йилларда ёзилган шеърлари теран фикрлашга даъват этади. Бу нарса шоир шеърияти-

да чуқур мушоҳадакорликнинг кучайиши таъзимга зуҳур топди. Шу боисдан ҳам ўзининг шеърларидаги ҳаётини деталлар поэтик образларга айланган ҳолда ўқувчида рангинг кечинмалар уйғотади. Ижодкорнинг «Бобомнинг фалсафаси», «Мезон», «Дунё ва одамлар», «Сирли олам», «Мангулик ҳақида ўйлар», «Тупроқ», «Қиёфа» каби қатор шеърларида шундай фазилат кўринади. Бу жиҳатдан «Дунё ва одамлар» шеъри характерлидир. Унда шоир яхшилик ва ёмонлик, адолат ва разолат, виждон поклиги ва ноҳақликнинг моҳиятини очишга ҳаракат қиларкан, шеърнинг ҳар бир бандига реал, ҳаётини фикрнинг жо этиб, қайноқ ва жўшқин ҳис-туйғуларини сингдиради. Шу йўсинда яхшилик ва ёмонликнинг ҳаётдаги кўринишларини кўрсатади. Актив ва жўшқин, эҳтиросли одамларга қўлмак сувдек ҳаракатсиз, атрофида ноҳақлик, ёмонлик, нопоклик, виждонсизликни кўрганда ҳам жим турадиган, «дунё шундай экан» деб тасаллига қўл бўлгучи қиёфасиз кимсаларнинг табиатини контраст қўйиш натижасида поэтик ҳулосалар чиқаради. Дунёнинг, ҳаётнинг асосини аслида одамлар белгилайди, деган фикр шеърнинг маъзини ташкил қилади.

Шоирнинг «Яшагим келади» тўпламидаги шеърларнинг бутунлигини мушоҳадакорликдан келиб чиқувчи ҳиссий фалсафий умумлашмалар белгилаб беради. Бу нарса, энг аввало, ижодкорнинг дунёқарашини ва ғоявий нуқта-назаридagi яхлитлик билан характерланади, у бевосита шеърларга мавзуларни асос қилиб олиш, мавзунинг танланиши ва ундан поэтик ҳукм чиқарилишини ҳам таъминлайди, характерлайди.

Шукрулло санъаткор шоир сифатида жамиятда ва ҳаётда содир бўлаётган барча нарсаларга, умуман жамият ва ҳаёт олдида ўзини доимо маънавий масъул сезади. Ана шу масъулият ҳисси шоир лирикасида ёруғлик ва қоронғиликнинг, яхшилик ва ёмонликнинг, гўзаллик ва хунукликнинг маънавий ҳамда ижтимоий асосларини излашга даъват этиб туради. Шу асосда шоир боқий мавзулар, боқий ҳаётини даражалар ҳақидаги ўзининг конкрет тасаввур ва тушунчаларини илгари суради; улар тўғридан-тўғри замондошларимиз қалб зарблари билан боғлиқликда, тугаш ҳолда намоян бўладики, шу боисдан шоир шеърлари ўқувчилар қалбига акс садо беради, улар маънавий ҳаётининг бир бўлагини ташкил этади.

Шукрулло юксак ҳиссиётларга бой нозик таъб шоир. У инсон қалбига гўзал ва эзгу жиҳатларнинг, ҳаётдаги ва инсон шахси табиатидаги ёруғликнинг, гўзалликнинг тобора оламоро, одамлараро кенгроқ ёйилишини, тантана қилишини куйлайди, шеърлари билан ана шу эзгулик йўлида тинмайди; ҳаётдаги ва одамлар табиатидаги қоронғилик разиллик, ёмонлик, хунукликка қарши аёвсиз кураш очади, ҳис-туйғу ва фикрлар элангасини ифодалайди. Шу жиҳатдан шоирнинг «Сўн-

дирма, ёндир!» ва «Минг шукр» шеърлари ибратлидир:

Даволама мени!

Шу меҳр битан.

Майли қалбим ёнсин бир қуёш

мисол!

Бу ўтни сўндирма!

Аммо энг тубан,—

Лоқайд, шахспарастлар қалбига ўт

сол!

Агар Шукрулло «Сўндирма, ёндир!» шеърда инсон шахсиятидаги лоқайдлик ва шахспарастликка қарши ўт очиб, ушбу масалага маънавий ҳиссий йўналишда муносабат билдирса, унга поэтик жавоб излашга ҳаракат қилса, «Минг шукр» шеърда бошқа йўл тутади.

Шеър белорус шоири Максим Танкка бағишланган:

Ватан деган нарса, на бир чаман бу,

На боғу эраму на соя-салқин.

Киндик қонинг томган азият тупроқ

бу,

Қалбингда меҳридан яралган ёлқин.

Инсон киндик қони тўкилган тупроқни Ватан деб билади, уни тавоф қилади. У ўзининг энг ёруғ кунлари кечган, ўй-хаёллари, орзуларини йўргаклаган, мақсад ва идеалларининг манбаи бўлган Ватанга талпинади.

Шоир мазкур шеърда белорус тупроғининг Улуғ Ватан урушидан кейинги манзараларини тасвирлайди. Фашистлар қадамидан одамлар руҳиятигина эмас, ҳатто табиат ҳам куйди, вайронага айланди. Лайлақлар инин ахтариб келганда «Куйган дарахтларга урардилар бош». Улар «қишлоқ тепасида чарх урар» экан, ҳар бир дарахт устида парвона бўлади. Фашистларнинг шум қадамидан Ватан ҳам, табиат ҳам, қушлар ҳам, қишлоғига оёқланг кириб келган она ҳам «қанча жудолиғу қанча дард-аламлардан бағри эзилган. Лекин ўрмондан қайтган, сочлари тўзғиган она ўз киндик қони тўкилган тупроққа қадам қўйиши биланок бутун кўрган азобларини унутади:

У дод ҳам солмади, шукр қиларди,

Насиб қилганидан шу она тупроқ.

Ҳар сиқим тупроқни тўтиб биларди.

Куйган дарахтларга очарди кучоқ.

Сочлари тўзғиган онанинг руҳиятини ифодалаётган лирик қаҳрамоннинг айниқса сўнги сатрларидаги фикрлари, хусусан онанинг ўз қишлоғига қадам қўйган чоғидаги шукроналигида ғоят чуқур ва оламгир бир меҳр-муҳаббат, эътиқод ва садоқат туйғулари яширинган; бу ҳис-туйғулар Ватанга бўлган битмас-туганмас муҳаббатни, гарчанд аччиқ тутун ҳиди бурқсиётган бўлса-да, инсоннинг она тупроқ билан қондошлик алоқаларини аңлатади.

Шукруллонинг етмишинчи йиллар лирикасида ҳис-туйғулар билан тўйинган тафаккурнинг, ақл-идроқнинг кенг парвозини, шиддаткор оқимини кузатиш мумкин. Шоир бу даврда ўзининг суюкли мавзуи ин-

сон ва яхшилиқ, яхшилиқ ва ёмонлик, гўзаллик ва разолат мавзуйига содиқ қолган ҳолда ушбу масалаларнинг поэтик тадқиқига ҳиссий кечинмалар билан йўғрилган мушоҳадакорликни бириктиради. У қайси мавзуда — хоҳ севги-муҳаббат, хоҳ Ватан, хоҳ дўстлик тўғрисида шеър битмасин, уларга яхшилиқ, эзгулик, гўзаллик йўналишидан ёндашади. Унинг олтмишинчи йиллар лирикасида инсоннинг маънавий баркамоллиги, гўзаллиги одамларга яхшилиқ қилишда, эзгуликка садоқатида, хунуқлик, разиллик, инсофсизлик учун курашида кўринади, деган бош ғоя етакчилик қилади.

Кейинги йиллар шеърлятида эса инсоннинг маънавий баркамоллигини Ватанга, халқига, дўстликка, севги-муҳаббатга, умуман ҳаёт гўзалликларига садоқати белгилаб беради; мазкур садоқат, ўз маслагига эътиқод туйғуларини барқарор қилади ва улар биргаликда оламнинг чароғонлигини, нурафшонлигини таъминлайди, булар оламни тўтиб турган маънавий асофлардир, деган фикр ўз поэтик ифодасини топади.

Хуллас, Шукрулло лирикасидаги инсон буткул одамийлик, инсонпарварлик хусусиятлари билан намоён бўлади. У одамларни буюк меҳр билан севади; лекин ана шу меҳр-муҳаббатнинг ёнида туганмас қаҳр-ғазаб ва нафрат ҳам бор. Бу ҳаётдаги, одамлар табиатидаги ноҳақликларга, адолатсизликка қаратилгандир. Шукруллонинг деярли ҳамма шеърда гуманистик ҳис-туйғулар, фикрлар балқиб туради.

Бу нарса шоирнинг ҳар бир шеърда хусусийлик ва умумийлик доимо ёнма-ён келади, у бевосита ижодкорнинг муайян шаклдаги қатъий фикр-мушоҳадаларидан, поэтик баҳосидан пайдо бўлади, деган сўздир. Мазкур қатъий ҳис-туйғулар ва фикрлар одамларга, уларнинг муносабатларига, ҳаёти ва тақдирига қаратилганлиги билан эътиборга сазовордир. Шундай ҳис-туйғу ва фикрлар бирикувида унинг яхшилиқ ва гўзаллик тўғрисидаги идеал тушунчасига доир қарашлари ўз аксини топади. Хусусан, шоир яхшилиқнинг ҳамда ёмон-

ликнинг маънавий ва ижтимоий илдила-рини одамлардан ва уларнинг ўзаро муносабатларидан қидиради. Бу эса кўп ўринда шеърларнинг сюжетли бўлишини тақозо этади. Шу сабаб бўлса керакки, «Яшагим келади» тўпламининг, қолаверса сўнги йиллар лирикасининг асосий қисмини сюжетли шеърлар ташкил қилган.

Шукрулло ижодида яхшилиқнинг ёмонлик устидан, ёруғликнинг зулмат, қоронғилик устидан, эзгуликнинг разолат устидан тантанасини куйлаш асосий ўрин тутади, дедик. Бундай фазилат ёлғиз Шукрулло шеърлятигагина хос бўлган етакчи хусусият эмас, албатта. Бу нарса классик шеърлятимизда ҳам, совет даври шоирларимиз ижодида ҳам, умуман санъат асарларида умуминсоний пафосни белгилаб беради.

Хўш, ана шу ўринда Шукрулло лирикасининг ўзига хос поэтик олами нималарда кўринади? Шоир шеърлятининг оригинал-лиги қандай белгиларда намоён бўлади?

Бу саволларга шоирнинг «Дўстим, бу дунёни ўткинчи дема», «Кексалик», «Дарди йўқ кесак», «Мўъжиза», «Яшагим келади», «Сизга деганим», «Бўрон» сингари шеърларини ўқиш жараёнида жавоб топиш мумкин.

Шукрулло шеърлятининг бош қаҳрамони бўлган инсон шундай бир шахски, у олам ва одамлар ташвиши билан яшайди, олам ва одамлар қувончидан ададсиз сурур ва ғурур туяди. Одамларнинг бахтини ўз бахтидек ҳис қилиш, уларнинг ташвиш-ғамини ўзиникидек туйиш бу ғоят тансиқ фазилат. Унинг лирикасидан балқиб турувчи мазкур дунёқараш чуқур фалсафий мазмунга эга. Шукрулло лирикасидаги инсон янги социалистик жамият кишиси; у янги инсоний муносабатлардан, янги жамият ва социалистик воқелик шарофатидан баҳра топиб камолга етишган шахс. Унинг қиёфаси орқали кўз ўнгимизда ҳаётга ва борлиққа янги муносабатда бўлган, ўз қадр-қиммати ва ғурурига эга собит инсон сиймоси гавдаланади.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари кандидати.



МУНАҚҚИДНИНГ ИЖОД КУЗГУСИ

ОЗОД ШАРАФИД-ДИНОВ. БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979.

Таниқли мунаққид Озод Шарафиддиновнинг элли йиллиги нишонланаётган кунларда унинг «Биринчи мўъжиза» номли катта китоби нашрдан чиқди. Тўплам адабиётшунос Пирмат Шермухамедовнинг «Танқиднинг жозиба сири» сарлавҳали эҳтирос билан ёзилган сўзбошиси билан очилади. Унда танқидчи ижодининг қатор фазилатлари ишончли кўрсатиб берилган. Китобга Озод Шарафиддиновнинг сўнгги йилларда яратган йирик мақолалари ва илгари эълон қилинган асарларининг айримлари жамланган. Шунга кўра мазкур китоб танқидчи ижодининг камолоти, услубининг ўзига хослиги ҳақида ёрқин тасаввур беради. Шу билан бир қаторда тўплам ҳозирги ўзбек адабий-бадий танқидчилигининг қиёфасини, равнақини, камоли ва жамолини кўрсатади, чунки унга кирган мақолаларда сўнгги йиллардаги адабий танқид тараққитининг асосий йўналишлари, муҳим хусусиятлари ва фазилатлари яққол намоён бўлган. Мақолаларда адабиётнинг моҳиятини, сеҳрини, ўзига хослигини, қудратини, жамият ҳаётида тутган ўрнини ва тарбиявий ролинини чуқурроқ идрок этишга ҳамда халққа оммабоп тил-

да тушунтиришга интилиш тенденцияси бўртиб кўринадди. «Биринчи мўъжиза» деб аталувчи дастлабки мақола бу жиҳатдан характерлидир. Унда мунаққид ишонарли далиллар келтириш, ўринли мисолларга мурожаат қилиш, бадий асарларни ўзига хос тарзда таҳлил этиш йўли билан адабиётнинг бошқа санъат турларидан фарқларини, инсон қалби ва онгини бойитувчи ҳамда улғувор ишларга даъват этувчи қудратли куч эканлигини очиб беради. Шунинг учун мунаққиднинг «Адабиёт — инсон кашф қилган ҳамма мўъжизалар, ҳамма буюк ихтиролар ичида энг буюги, энг улғувори. У ажойиб булоқ. У шундай булоқки, унда кўз ёшининг мусаффолиги, қизлар хандасининг қўнғироқдек оҳангдор жаранги, камалак нурларидек ранг-баранг товланиши бор. Бу мусаффо булоқдан тўйиб-тўйиб ичишга, ота-боболаримиз, ҳаққоний хулосаси сифатида қабул қилинади.

«Биринчи мўъжиза» типдаги сўз санъатининг спецификасини очишга, адабиётимиз тараққитининг муҳим проблемаларини кўрсатишга бағишланган

«Ленин ва адабиёт», «Революция ва адабиёт», «Дўстлик қонуни», «Замон — қалб — поэзия», «Йиллар ва йўллар» сингари мақолалар тўпламга кирган асарларнинг биринчи гуруҳини ташкил қилади. Иккинчи гуруҳ эса, адабий портретлардан тузилган.

Биринчи гуруҳдаги мақолаларида мунаққид совет адабиёти тараққитига таъсир кўрсатган асосий омилларни, унинг ривожланиш йўллари ва қонуниятларини атрофлича ҳамда чуқур таҳлил қилишга интилади. Жумладан, муаллиф «Ленин ва адабиёт» мақоласида пролетариат доҳийсининг фаолиятдан, асарларидан ва адабий жараёндан келтирилган қизиқарли фактлар, далиллар, ҳаяжонли воқеалар ёрдамида Ленин ҳамда Коммунистик партиянинг сўз санъати равнақига қандай эътибор берганлигини ва бу ғамхўрлик қандай самараларга олиб келганлигини кенг ўқувчилар оммасига тушунарли шаклда кўрсатади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг инсоният бадий тафаккурига, хусусан, социалистик реализм адабиёти тараққитига қандай таъсир кўрсатаётганлигини чуқурроқ идрок этишга интилиш ортиб бормоқда.

Озод Шарафиддиновнинг «Революция ва адабиёт» мақоласига худди шу интилишнинг энг яхши самараларидан бири сифатида қараш керак.

Мақоладаги Сибирь, Узоқ Шарқ ва Урта Осиё халқлари адабиётининг тараққиёти юзасидан билдирилган мулоҳазалар, мантиқли муқоясалар, эсда қоладиган мисоллар ва уларнинг эҳтиросли нафис баёнини кузатиб, Улуғ Октябрь революциясининг сўз санъати ривожига ҳам ҳақиқий улугвор инқилоб ясаганлигига қаноат ҳосил қиламиз.

Танқидчининг юқорида фикр юритилган мақолаларида намоён бўлган фазилатлари, хусусан, бой билимга, чуқур фикр юритиш қудратига ва санъаткорлик талантига эгаллиги «Дўстлик қонуни» асарида кўп миллатли, интернационализм ғоялари билан суғорилган совет адабиёти тараққиётининг бениҳоя мураккаб проблемаларидан бирини изчил; асосли ёритиб беришига имкон берган.

Мунаққид бу мақоласида мамлакатимиздаги миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири совет адабиёти тараққиётининг объектив қонунияти, ривожланиш манбаларидан бири эканини ҳаққоний асослаб, кўрсатиб беради. Мазкур мақола қардош халқлар адабиётининг ўзаро таъсири, ҳамкорлиги, алоқалари масаласини ўзбек адабиётшунослигида мукамал ёритиб берган тадқиқот сифатида катта аҳамиятга эга.

Озод Шарафиддинов лирик мунаққид сифатида аллақачон тан олинган. Муаллифнинг бу хусусияти, айниқса, унинг шеърятга доир мақолаларида тўлалиги билан намоён бўлган. «Йиллар ва йўллар», «Замон — қалб — поэзия» мақолалари шундай характерда ёзилган. Мунаққид «Йиллар ва йўллар» мақоласида ўзбек совет шеърятининг ярим асрлик йўлига хос асосий хусусиятларни ҳар бир даврнинг талабидан, адабиётнинг умумий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда синчковлик билан белгилаб берса, худди шундай асосда олтимишчи йиллар шеърятининг етакчи тенденцияларини «Замон — қалб — поэзия»да проблематик йўсинда таҳ-

лил этади. Бу иккала мақола ўз даврида қанчалик қизиқишга сабаб бўлган бўлса, ҳозирда ҳам ушанчалик завқ-шавқ уйғотади. Чунки улар танқидчининг назик кузатишлари, шеърятнинг ўзига хослигидан келиб чиққан теран умумлашмалари асосида ёзилган, қисқаси, уларга муаллифнинг қалб бойлиги ва санъаткорлик маҳорати муҳрланган. Шунинг учун бу мақолалар ўзбек шеърятини масалаларига бағишланган сара асарлар туркумига киради.

Бугунги адабиётшунослигимиздаги юксалишнинг самаралари адабий портрет жанри ривожига ҳам яққол кўринди. Мунаққидларимиз рус ва қардош халқлар адабиётининг етук санъаткорлари, шунингдек, ўзбек ёзувчиларининг «тўнғич» ва «ўрта» авлоди вакиллари-нинг деярли ҳаммаси тўғрисида адабий портретлар яратдилар. Адабий портрет жанрининг шаклланиб ривож топишида Озод Шарафиддиновнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Унинг «Яловбардорлар» (1974), «Истеъдод жилolari» (1976) номли китоблари адабий портретлардан тузилган. Мазлумки, адабий портрет бадиий танқиднинг ғоят мураккаб, қийин ва масъулиятли жанрларидан бўлиб, муаллифдан жуда чуқур билим, мушоҳадакорлик ва фактлардан умумлашмалар чиқаришга моҳирлик, санъат асарини атрофлича таҳлил қилишга қодирликни талаб этади.

Ғафур Ғулومнинг ижоди доимо халқ ҳаётининг поэтик ифодаси сифатида элнинг кўзига, адабиётшунослигимизнинг диққат марказида. Ҳеч қайси тадқиқотчи адабиётимиз тараққиётининг бошқичлари ҳақида гапирганда ёки шоирнинг ижодий йўли тўғрисида сўзлаганда, унинг давр руҳи синган, социалистик курашлар нафаси билан йўғрилган «Яловбардорликка», «Туркисиб йўлларида», «Кўкан», «Ёдгор», «Тирилган мурда», «Кузатиш», «Соғиниш», «Қиш», «Сен етим эмассан», «Мен яхудий», «Вакт» каби асарларини четлаб ўта ол-

майди. Шунинг учун Ғафур Ғулумнинг ижодкорлик маҳорати борасида фикр юритиш, хусусан, шоирнинг юқорида эслатилган асарларини бетакрор таҳлил этиш жуда қийин. Аммо Озод Шарафиддиновнинг юксак санъаткорлиги бу қийинчиликни бартараф қилган. Муаллиф «Халқ бахтининг оташин куйчиси» мақоласида Ғафур Ғулум ижодига ҳаёт бахш этган омилларни, бу омилларнинг ажойиб самараларини илгари кўп бора таҳлил қилинган асарлар тадқиқи асосида кўрсатиб беради. Кўз олдимизда социалистик қурилишнинг равнақи, мустаҳкамланиши билан биргаликда улғайиб борган, ижодининг илк давридан бошлаб, то сўнгги нафасигача ўзини халқнинг беминнат хизматкори деб билган, шунинг учун совет шеърятининг улкан намояндаларидан бири сифатида эътироф этилган шоир Ғафур Ғулумнинг салобатли сиймосини суратлайди. Бир мисол келтирайлик: мунаққид шоирнинг ўттизинчи йиллар ижодига мансуб «Туркисиб йўлларида» шеъри ҳақида ёзади: «Шеърдаги марказий поэтик образ — йўл образидир. Ҳар бандда шоир йўл ҳақида, унинг қадимийлиги ҳақида гапирди. Кўҳна йўллар... асрлар девомида не-не фотиҳлар, қонхўр босқинчилар «қон» дея зўлм қарвонини етаклаб ўтган йўллар... Бу кўҳна йўллардан асрлар девомида оч-яланғоч жабрдийда халқ «нон» дея судралиб ўтган. Фақат эрк шабадаси эсиб, янги ҳаёт куёши чарақлаб чиққанидан кейингина бу йўллар ўзгарди — энди улардан озодлик шоирини янградиб, янги ҳаёт қарвони өлади. Шу тариқа йўл образи шеърда икки даврни бир-бирига таққослаш воситасига айланган. Шоир бу таққос билан иккала даврнинг моҳиятини яққол манзараларда, қуюқ рангларда очиб берган». Танқидчи шу тарзда Ғафур Ғулум ижодининг турли даврига оид ранг-баранг мавзудаги шеърларини катта билимдонлик, синчков кўз ва самимий муҳаббат

билан тадқиқ этади. Худди шундай гапларни муаллифнинг Фафур Фулом насри таҳлилига доир фикрларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Шайхзода, Миртемир ҳақидаги адабий портретларнинг ёзилганига салкам йигирма йил бўлди. Бу фурсат орасида бир-бирига ўхшамаган икки санъаткор тўғрисида қатор китоблар, мақолалар босилиб чиқди. Аммо Озод Шарафиддиновнинг адабий портретлари ўзининг қимматини, адабий жараёнга таъсирини ҳамон сақлаб келмоқда. Чунки муаллиф ўзбек адабий-бадий танқидчилигида биринчилардан бўлиб Шайхзода ва Миртемир ижодига хос

етакчи хусусиятларни кашф қилган, бу фазилатларни ўзбек совет шеърятининг асосий тенденциялари билан узвийликда текширган ҳамда шу асосда иккала шоирнинг поэтик оламини, такрорланмас услубининг жиоларини, ижодий тадрижини оригинал образли тафаккур, эҳтиросли ирода ёрдамида кўрсатиб берган. У социалистик воқеликнинг ижодий индивидуаллик, услублар хилма-хиллиги, манералар ранг-баранглиги учун беқиёс имкониятлар беражагини шу шоирларнинг ижоди мисолида кўрсатган.

Бадий адабиётнинг моҳиятини ва қудратини оммабоп тарзда аниқ-равшан

очиқ берганлиги, адабиётимиз тараққиёти масалаларини атрофлича ва теран таҳлил қилганлиги, шеърятимиз ривожини проблемаларини мукаммал ёритганлиги ҳамда кўплаб ўзбек совет адабиёти намояндalarининг ижодий олами ва қиёфасини ёрқин гавдалантирганлиги ва шу каби қатор фазилатлари тўғрисида Озод Шарафиддиновнинг «Биринчи мўъжиза» китоби ҳозирги танқидчиликнинг жиддий ютуқларидан бири ҳисобланади.

Санжар СОДИҚОВ,
Турғунбой ХАЛИЛОВ,
филология фанлари
кандидатлари.

ЗАМИН КЎРКИ — ШЕЪР

АСҚАР ҚОСИМОВ.
«ЗАМИН КЎРКИ».
Шеърлар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1979.

Кейинги йилларда шеърга қизиқувчилар гоят кўпайиб кетди. Гёте таъбири билан айтганда, улар «асардан ҳам завқланадилар, ҳам унга баҳо берадилар». Бу ўқувчилар дидининг бениҳоя ўсганлигини кўрсатади. Шеърга бўлган бундай фаол муносабат айна чоқда шоирлардан ҳақиқий поэзия яратишни ва унга замон нафасини, қалб ҳароратини сингдиришни тақозо этади.

Ёш шоир Асқар Қосимов шеърларида бугунги бахтиёр кунлар жозибасини куйлайди. У устоз шоирлар изидан юриб, келажакка умид, коммунистик жамиятга садоқат туйғуларини турфа рангларда ва халқчил оҳанглarda ифодалашга интилади. Асқарнинг лирик қаҳрамони ҳамisha эзгу, улғувор ниятлар билан яшайди. У коммунизм қурувчилари билан бир сафда меҳнат қилаётганидан бахтиёр.

Қилдин сафар: кўринур
коммунизм ҳамisha,
Ростмана ленинчилар
шу йўлни этар пеша.

«Замин кўрки» мажмуасининг шу шеър билан бошланиши бежиз эмас. Ёш шоирнинг эстетик идеаллари бу шеърда анча ёрқин ифодаланган. У қайси мавзуга кўл урмасин, давримизнинг асосий руҳини, етакчи пафосини мисралар бағрига жойлаб, содда услубда куйлайди:

Коммунизм бир мулки,
унда неъмат
мўлу қўл,
Ўз ризқингни тергали
саломат бўл,
ишчан бўл.

Шоир қалб туйғуларини:

Кўз очганман қучоғингда,
Яшай дейман ёниб-ёниб.

каби тиниқ мисраларда ифодалади.

Бу сатрларда шоирнинг эл-юртига қўйган ишқи, беқиёс ҳурмати балқиб турибди. Мана бу мисраларда эса Ўзбекистон мадҳи содда ва равон жаранглайди:

Ўйнанг-қулинг келди
фурсат,
Байрам бўлмас ахир
кунда.

Зафар! топинг, топинг
нусрат,

Юртлар борки,
деҳқон унда,
Бугдўй эниб, емайди нон.
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ушбу бандда ўзбек халқининг бахтли ҳаёти ва бошқа жамиятдаги мазлум меҳнаткашларнинг ўзлари экиб, ўзлари тиксаларда, бир бурда нонга зор, меҳрга хор эканликлари муқояса қилинади. Тўғри, Ўзбекистон ҳақида жуда кўп шоирлар қалам тебратишган. Асқар Қосимов ҳам бағри кенг, кўнгли очиқ ва ювош юртимиз тўғрисида ўзига хос услуб билан ёниб қуйлай олди.

Асқар ўтмишимиз тарихини яхши билади, ҳозирги кунни жон-жонидан севади ва чуқур ҳис қилади. Шунинг учун у давр калоритини тўғри, ҳаққоний акс эттиришга муваффақ бўлади.

У асқар шеърларида ўтмиш мазкурларини, халқ бошига тушган жабр-ситам-

ларни тасвирлашга ҳаракат қилади ва турли бадий приёмлардан фойдаланади. Масалан, «Мактуб» шеърда замоннинг бевафолиги туйфайли Фурқатнинг ўз ватанидан кетишга мажбур бўлганлиги, ғурбатда хору зор турмуш кечирганлигини хат воситасида таъсирли ифодалайди:

Уввос тортади кўнги
Юртим жамолин кўрмай!
Қандай сайрасин булбул
Гулзор камолин кўрмай!

Бу мисралар фикр ва туйғуларнинг мутаносиблиги билан ажралиб туради. Улардаги табиийлик ва равошлик шеър жозибасини оширган. Ёш шоир «Нодирабегим армони», «1916 йил» каби шеърларида ҳам шундай халқона оҳанглardan фойдаланган.

Асқарнинг табиат картиналарини чизиш маҳорати ҳам сезиларли даражада. Унинг шоирона гавдалантирилган лавҳалари киши кўнглини кўтаради ва дилини завқ туйғуларига кўмади:

Кун нурида ярқираган
Мавжи зарҳал, суви
тиник;
Лаби хандон, кўнгли
синиқ,
Вале бетин шарқираган
Ирмоқлардир, бу
ирмоқлар!

Асқар Қосимов шеърлари халқчилликка мойил. Унинг кўп мисралари ўзига хос мусиқийликка, куйчанликка эга. Улардаги халқ услубига хос параллелизм кўринишлари ва қофияланиш (масалан, оригинал қофиялар — ганжи — янч-чи, жангчи — санч-чи) тартиби ўқувчининг диққат-эътиборини ўзига тортади ва ўша сатрлар бир ўқишдаёқ эсда қолади. Одамлар ёдида қолиш эса — шеърнинг бахтидир.

Шу жиҳатдан Асқарнинг куйидаги шеърини парчаларини ўқиб кўрайлик:

Дилбар, менинг боғимга
Ойдаё бўлиб кир-кир.
Боғимдаги гуллардан
Узай сенга бир-бир.

Ёки:

Жилмаюрман чор-ночор,
Лек юракда дарду ғам.
Мен хуш кўрган
Йигитнинг
Ёри бўлди дугонам.

Буларга юзаки қаралса, оддий, шунчаки сўзлар бўлиб туюлиши мумкин, лекин улар бир ўқишдаёқ юрак торларининг аллақерини сеҳрли чертиб кетади ва тақрор ўқишга беихтиёр мажбур қилади. Биринчи банд ошиқ йигитнинг маъшуқасига бўлган илтижоли, майин, умидли қалб сўзларидир. Иккинчи бандда эса ўз умид-орзуларига эриша олмаган қизнинг нозик ҳис-туйғулари шоирона битилган.

Бир қизнинг яхши кўрган йигити унинг дугонасига уйланиши ва уларнинг никоҳ тўйларида иштирок этиш ҳоллари ҳаётда учраб туради. Маъшуқа қизнинг бу ҳолатини, тўйдаги аламли ҳаёлларини шоир шундай акс эттиради:

Қумғон экан дилгинам,
Ўт қўйдилар, қайнади.

Лекин лирик қаҳрамон ўша базмда сурат каби ўтиради, унинг кўзлари қоронғилашади, изтироб чекади, ўртоқлари, дугоналари «ебич» деб қистайдилар. Томоғидан нима ҳам ўтарди, кўнглига ўйин-кулгу сифармиди?

«Тўйдан чиқиб кетсин» дегувчилар ҳам топилади, лекин «қизлик иффати, ҳаёси, ғурури» деган нозик туйғулар бунга йўл қўймади. Шоир ўз шеърларида буларни таъсирли воситаларда намоён қила олган. Асқар Қосимов қишлоқ ҳаётини, деҳқонларимизнинг она юрт меҳри билан тўлиб-тошган қалбини ўйчан сатрлар орқали тасвирлайди:

Ўша қизнинг қуёшдан
юзи
нақшин қизилмиш,
Манглайда реза тер —
юлдузчалар
тизилмиш.

Инсонга ўйин-кулги, ҳазил, юмор, аския сув билан ҳаво каби зарур, чунки булар киши руҳини тетиклаштира-

ди, ҳордиқ чиқаради, юксак оптимизм кайфи я т и д а яшашга ундайди. Асқарнинг бир қанча шеърларида ана шундай қувноқ юморга дуч келамиз.

Қўйинг дедим, зах дедим,
Ҳозир дала, қир-қир...
Ҳо, айёрлик қиляпсиз,
Кулмай ўлинг хир-хир!

Шоир ўзига яқин тутиб айтилган «Кулмай ўлинг хир-хир!» мисраси орқали киши лабига, юзига табаскум бахш этади. Ана шундай қувноқ кайфият унинг «Мутуйба», «Иғвогар» шеърларида ҳам хосдир.

Асқар умидли, изланаётган ёш шоирдир. Шунинг учун унинг шеърларида айрим нуқсонлар, қиёмига етмаган ўринлар бўлиши табиийдир. Унинг баъзи шеърларида баёнчилик, ҳаммага маълум умумий фикрларни тасвирлаш кўзга ташланади.

«Барча аҳил, иноғу бир-
биридан кўнгли
тўқи!».

Ёки:

«Оқаятган селни ҳеч
тўхтатолмас бир
киши!»

Ёки:

«Тафаккур бир уммонни,
унга бўлмас соҳил
ҳам.

У бор ерда ғарқ бўлур
бадахлоқ ҳам,
жоҳил ҳам».

Буларни албатта поэтик кашфиёт деб бўлмайди.

Бундай нуқсонларга қарамай Асқар Қосимовнинг «Замин кўрки» шеърини тўплами тенгдошлари чиқарган китоблар орасида ажралиб туради. Шоир ўзи яшаб турган заминда рўй бераётган барча воқеаларни назардан четда қолдирмасликка интилади. Уларнинг кўпчилиги у ёки бу шаклда шеър қатига сингади. Шунинг учун ҳам иқтидорли ёш шоирдан давримизга муносиб баркамол асарлар кутамиз.

Сафо ОЧИЛ,
филология фанлари
кандидати.

«ИССИҚ ҚОР»НИ ҲАЖИГАЧ...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕ-ВА. ИССИҚ ҚОР. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1979.

Шеър бўлса, фикрингга чақиндай тушса, у пок нурдан ёришиб кетса кўнглинг. Асабларинг ҳалимлашиб, чеҳрангга ором кўнса! Кўзларингга ҳайрат тўлсаю олам ярақлаб кетса қаршингда. Қалбингда бирдан қалқиб кетган ҳислар жунбушидан бир энтикиб қўйсанг...

Ҳалиманинг шеърлари билан рўбарў келганимда аксари шундай ҳолатга тушаман. Жўнгина ўқий олмайман унинг шеърларини, гоҳ ҳисларим таажжуб ичра бир дақиқа қотгандай, гоҳ эса томир-томиримда «дув» этган ҳарорат сезаман. Шоира нон ҳиди уфурган қадрдон ҳаво меҳридан, оёқлари остида нурга қоришиб, ризқ-рўз кўпчиб турган она тупроқ меҳридан, «дунёнинг сут ҳиди анқиган оппоқ қўшиқларидан», қўйинг-чи, яшашнинг чарақлаган қувончи-ю лаҳча чўғ айлағувчи изтиробларидан тўфонга айланган туйғуларини борлиғига сиғдирибмай, ёниб-қуйиб шеър шаклида айтиб олади. Шунинг учун ҳам у мисралар ёниқ, кўнгиллари ўт солғувчидир.

Унинг шеърларидаги катта журъат, курашчанлик, ўтли туғён уни бошқалардан ажратиб туради. Шоира ўз таъбири билан айтганда «майдонга тик кириб келади», бағрида юрак уришини эмас, «учқур дулдўлларнинг туёқ сасини эшитида, бўронларни «иним» деб атайди, «бошга келганин кўриб» — яшаш сизмас юракка, акс-садо берарман мен ҳар чақин, гулдурракка», — дея хитоб қилади.

**Яшаяпман... билмай қай
рангга сукат —
Бетоқат тоқатга тўлди
жомимни.
Улсам ҳам... қачондир
ўлдиради ўт —
Ҳаяжсн олади жонимни...**

деб ёниб куйлайди. Унинг шеърлари исёнкорлик руҳи билан суғорилган. Лирик қаҳрамон ўз ҳаловатини курашлар бағридан излайди, «изтиробу аламлардан куч» олади, «бўрон таптаб ўтдими, қайтадан унамиз, бас», «темирдан-да қаттиқ бўлиб яшайман...» дея аҳдида собит туради:

**Курашга жонимни
тикарман бир кун...
Толсам армон билан
чўкарман бир кун,
Сузсаму толмасам,
ҳорғин ва ғолиб
Кун келиб қирғоққа
чиқарман бир кун...**

ва «...етарман манглайи ярқироқ бахтга», дея ўз ғалабасига ишонч руҳи билан яшайди.

Ҳалиманинг лирик қаҳрамони замонавий аёл. У яшаб турган жамияти олдига ўзини масъул санайди. Замондошларининг ички ва ташқи дунёси, шу куннинг энг долзарб масалалари, она-заминнинг бугуни-ю эртанги тақдири билан ўзини қалбан боғлиқ сезади:

**Юзининг бир ёни қора,
бир ёни оппоқ —
Дунё қувонч-ҳасратига
юрагим тўлиб,
Қачон унинг юзларида
қолмайди деб доғ
Яшаяпман унга
гирдикапалак бўлиб...**

У курашларда чиниққан авлоди билан фахрланади ва «Қадамимни мослаб босай замон қадамларига» деб ўз замондошларини синчковлик билан кузатади. Уларни «Ҳақиқат байроғи» остида «бўш келмаслик»ка чақиради. Уз манфаати йўлида «ўзилишиб арқон бўладиган», «юмаланиб тўп» бўладиган айрим пасткаш нухалардан поклик дунёсини асраша уринади.

Ҳалиманинг муҳаббат мавзусидаги шеърларини алоҳида эҳтиром билан қайд этгим келади. Инсон психологиясининг, айниқса, аёллар ички дунёсининг бу қадар ўзига хос, реал, чиройли тасвирини шу кунги шоирларимизда ҳар

доим ҳам учратавермайсиз.

Ғоҳида шоиранинг бошқа мавзусидаги шеърларини ўқийганингизда мисраларга уста-уст келиб уриллаётган фикрлар бўрони, туйғулар мавжидан ақлингиз чатнаб, уларни сингдиришга улгурмай толиқсангиз, муҳаббат мавзусидаги шеърларида эса ажиб бир осойишта тиниқлик, кўнгиллари қопловчи майинлик, фикрларнинг аёлларга хос сўлим ва синиқ ифодаси ром этади сизни. Мен бу шеърларни ўқиганимда кўз ўнгимда расо қад, «ўсмадан сув ичган қоп-қора қошли», «юзлари олча гуллари тусида қизғиш», «ҳур-как кўзларида ийманиш, ҳадик», ним қизил лабларини виқор билан қимтиб, қадамларидан райҳонлар ҳидини тарата-тарата соллониб келаётган мағрур аёл гавдаланади. Бу лирик қаҳрамон ниҳоятда ҳаётий ва турфа ранг кечинмалари билан қалбингизга зилзила солади. У гоҳ муҳаббатнинг ёп-ёруғ қувончлари ичра:

**Усма қўйган қора
қошларим
Ним қизил лабларим
билан,
Жавдирашим, гоҳ
довдирашим,
Кўзда қалққан ёшларим
билан —
Севилдим бирдан, —**

деб сархуш шивирласа ёки суюқлисига интиқ бўлса, гоҳида севгининг олчоқ ўйинларига танти фидойлик, мардонаворлик билан туриш беради. Севги қувончи икки дилнинг топишувандигина иборат эмаслигини, чин муҳаббатни юрак-юракдан туйишнинг ўзи ҳам бир умрлик бахт эканлигини куйлайди.

Хуллас, Ҳалима шеърляти ютуқларининг боиси, шеърларининг халқчиллиги, миллийлиги, реализмнинг кучли ифодаси, бой образлилик ва ўзига хос атри-тароватидир. У кўр-кўрона тавсиф, шунчаки мақташ, насихат, сус тасриф билан ўралишмайди, балки сизни

инсон руҳияти билан шундоққина юзма-юз қилади-қўяди. Шоиранинг айрим шеърларида кўтаринки руҳ меъёридан ортиб кетгандай туюлади, аммо унда зўрма-зўраки ўхшатишлар, ялтироқ сўзлар йўқ. Чунки у табиатнинг нақ ўзи билан сўзлашган, «қўлларидан тупроқ ҳиди анқиб турувчи» дала қизи. У содда, деҳқончасига, ҳарорат билан, юракдан гапиради. Унинг баъзи шеърларида халқ қў-

шиқларига мойил ўйноқи усуллар, нозик қочирим, ардоқловчи хуш лутф намоён бўлса, баъзида эса ҳаёт талқини ўта жиддий, шиддатли қатъият билан олиб борилади. Ҳалима образлилик шеърятнинг жон озиғи эканлигини яхши биледи. Унинг ўқ ҳақидаги муҳаббат ҳақидаги ва бошқа кўп шеърлари бунинг далилидир. Мана бир мисол — лирик қаҳрамон «ҳаётдан олган қарзларимни

тўлай-тўлай, умримнинг охирида» «гуллаган оқ олчага айланиб қолгум бир кун» дейди. Бу гуркираган сатр-ни ўқишнинг ўзидаёқ яшариб кетгандай сезасан ўзингни...

Ҳалима кўнгилларга малҳам шоира. «Алвон рангли, узун бўйли, кўшиқлари, «қуйлагувчи бармоқлари», «кўнгилларда яратаётган ям-яшил боғлари» учун мен уни олқишлагим келади...

Турсуной СОДИҚОВА.

ҲАР ШОИРНИНГ ЎЗ ДУНЁСИ

«ОЛТИН БЕЛАНЧАК» СЕРИЯСИ ҲАҚИДА

Ижодкорнинг ҳар бир тўплами унинг дунёси нечоғлик кенг, ранг-баранг, жозибали, эҳтиросли ёки аксинча эканлигидан далолат беради. Китобхон эса ижодкор яратаётган бу дунёдан ўз ниятларини, туйғуларини, севган рангларини ва кечинмаларини излайди. «Ёш гвардия» нашриёти томонидан «Олтин беланчак» сериясида чоп этилган бир гуруҳ ёш қаламкашларнинг тўплаларида ҳам ўз ижодий оламини кўрсатишга интилиш туйғуси борлиги сезилади. Серияга ўнта ёш шоирнинг мажмуаси жамланган.

Тўплалар шеърят мухлисларида умуман яхши таассурот қолдиради. Уларни ўқиган китобхон ҳар бир қаламкаш ўз дунёсини барпо этишга, борлиқни, инсон кечинмаларини фақат ўзига хос овоз билан куйлашга интилаётганлигини сезади. Масалан, истеъодли шоир Амирқул Пўлканов «Бировларга ўхшайсан дема, мен ўзимга ўхшайман холос», деса яна бир талантили қаламкаш Хуршид Даврон ижодда «Ҳар кимнинг ҳам бўлсин осмони, ўз гуллари бўлсин қалбининг» дейди. Бухоролик ёш шоир Садриддин Салимовнинг ўзига хос дунёси

эса ўқувчи кўз ўнгига гуллаётган, шовуллатётган ям-яшил дарахт тимсолида намоён бўлади. У оламга мана шу зангори гўзаллик орқали нигоҳ ташлайди, бахтини, қайғусини ўшанда кўради. Азим Суюн бўлса шеърларида минглар дардини, шодликларини баланд овозда куйлашни истайди.

Кўринадики, ҳар бири ўз куйи, ўз дарди, хуллас, ўз дунёси бўлишини хоҳлайди ва уни ўзига хос овоз билан тараннум этишга интилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қаламкашлар даврнинг муҳим масалаларига муносабат билдиришда бир-бирларини тўлдириб ижод қилмоқдалар. Лекин ҳар бир масалага улар ўзича ёндашаётганлиги сир эмас. Бундай муштарак мавзунинг бири ёш шоирларнинг ўтмиш, ҳозир ва келажакка муносабати, қарашидир, уларнинг сеҳрини, жозибасини, алвон рангли манзарасини, қонли лавҳаларини идрок этишга ва куйлашга интилишидир.

Бизнинг ижодкорларимиз бахтлидирлар. Чунки бахтга ошно Ватанимизда «Истиқбол деб шеър битанди ҳар битта шоир» (Амирқул Пўлканов). Бироқ бу халқимизнинг ўт-

мишини унутиш эвазига эмас, балки «Ўтмиш келажак учун кўзгу бўлар доимо» (Хуршид Даврон). Она юрт, халқ ва ҳаёт олдидаги бурч ҳамда масъулият ҳисси уларнинг олис чорловларга қулоқ тутиш, «мозийдан эртак, бугундан кўшиқ, истиқболдан орзу» тинглаш туйғусини келтириб чиқармоқда. Аммо бу эртак таскин берувчи эмас, фикр кўзготувчи, чуқур ўйга толдирувчидир. Шу жиҳатдан Абдулла Шернинг «Афросиёб кўшиғи» шеъри характерлидир. Шеърнинг лирик қаҳрамони—шоир Афросиёб қаршисига туриб, аждодларимизнинг ҳар қарич тупроқ учун олиб борган дахшати жанг манзараларини кўради, ҳис қилади. Афросиёбнинг қиличланган деворлари унга «яраланган эрkning достонини» куйлайди. Қулоқлари остида қалқонларнинг жаранги эшитилади ва булар барчаси шоир наздида юртини асраш учун курашган ота-боболаримизнинг она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббатидан дарак беради. Худди мана шу муҳаббат шоир ўйларини ҳозирги кунимиз ва келажакимиз олдидаги масъулият масаласига буради. У ўз замондошларини ҳам бахтиёр кунларимизни, соф

туйғуларимизни, келажат гимизни сақлаш учун фидойилик кўрсатишга, даврни кўз қорачигидек асрашга қақиради. Ҳар бир киши давр олдида ўзича масъулдир. Чунки:

... Давр — авлоднинг
аҳд, илинжи
Ортилган карвондирки,
олга интилоқ шиор.
Гоҳ у ортга бурилиб,
оқсоқ туя биринчи
Вулиб қолса мабодо —
фақат бизлар айбдор.

Шеър чуқур ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган. Ёш шоир ўтмиш мавзусига юксак жавобгарлик ҳисси билан ёндашган. Давр, замон олдидаги бурчни, жавобгарликни чуқур англаш унинг тенгдошларига ҳам тааллуқлидир. Хуршид Даврон ўтмиш, ҳозир ва келажак мавзусини ўзича талқин этишга уринмоқда. Бинобарин, у замондошининг қалбига жойлашиб олиб, ўтмишга назар ташлайди, унинг гоҳ нурли лаҳзаларини сатрларга муҳрлайди, гоҳ қонли лавҳаларини қуюқ рангларда чизади «Шукур Бурҳон ҳақида кўшиқ», «Самарқанд ҳақида оддий сатрлар», «Бобир ҳақида мисралар», «Кўзлар» шеърларига эътибор беринг). Садриддин Салимов эса Лабиховуз сувининг жимирлашида ҳам (шоир уларни «ажинлар» деб атайдиган) аждодларимиз дардларини кўради.

Сериядаги яна бир муштараклик эътиборни тортади. Бу ҳам бўлса шоир ва шеърининг замон, ҳаёт, халқ олдидаги масъулияти ва бурчи масаласидир. Шу нарса қувончлики, ҳар бир қаламкаш бу масъулият ва бурчни юрак-юракдан ҳис этмоқда, ўз шеърларининг ҳам мазмун, ҳам шакли жиҳатидан замон талабларига ҳар тарафлама мос, юксак савияли, бадий пишиқ бўлиши учун қайғурмоқда. Шеър халқ учун, унинг оғирини енгил қилиш учун ёзилади. Бундай вазифани адо этолмаган шеър ва унинг муаллифи тез унутилади. Бунини ёш шоирлар жуда яхши англаб ижод қилмоқдалар. Ёш қаламкашлар алоҳи-

да меҳр-муҳаббат билан қаламга олаётган яна бир мавзу табиат ва инсон муаммосидир. Ажойиб истеъдод эгаси Константин Паустовский «Жонажон ўлкага бўлган муҳаббатни унинг табиатига бўлган муҳаббатсиз тасаввур этиш мумкин эмас» деган эди. Ёш ижодкорлар ҳам худди мана шу моҳиятдан келиб чиқиб асарлар яратмоқдалар. Бинобарин, инсоннинг табиатга, унинг гўзаллигига ва бойликларига бўлган муносабати бу — шахснинг эстетик ҳамда маънавий бойиши билангина эмас, балки, энг аввало, ватанпарварлик ва гражданлик туйғуси билан боғланган масаладир. Шу нуқтаи назардан қараганда «Олтин белачак»даги китобларда бу хусусиятни поэтик акс эттирган қатор характерли шеърлар бор.

Хуршид Давроннинг қалбига қаламкаш билан бир вақтнинг ўзида мусаввир рассом ҳам яшайди. Шу боисдан у борлиқни ҳам қаламкаш, ҳам рассом кўзи билан кўради. Натижада унинг шеърлари табиатнинг гўзал парчаси бўлиши билан бирга катта ижтимоий мазмун ҳам касб этади. У ўзини табиатнинг узвий қисми, давоми деб билади, унинг қайғуси ва шодликларини ўз юрагида ҳис қилади, умрни табиат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин қилади. Ёш шоир ҳатто дарахларнинг кулгуси ва кўз ёшларини кўра олади, шамолнинг йиғлашини эшитиши, тушларига ялпиз килиб чиқади. Албатта, Хуршид Даврон шеърларининг мавзусини биргина табиат масаласи билан чеклаб қўйиш тўғри бўлмайди. Унинг фикрлаш тарзи кенг, мушоҳадаси чуқур.

Усмон Азимов шеърларида ҳаракат бор. Бу ҳаракат давом этади, иккинчи бир ҳаракат билан тўқнашади. Ҳаракатлар тўқнашуви натижасида драматизм, психологик ҳолат вужудга келади. Лирик қаҳрамон туйғуларининг талқини, ҳатти-ҳаракатлари орқали ёш шоир даврининг руҳи, тезкорлиги, за-

мондошларимизнинг буюк мақсад йўлидаги интилишларини ифодалашга интилади. Масалан, «Сиқилиб кетасан» мисраси билан бошланадиган шеърини олиб кўрайлик. Унда лирик қаҳрамоннинг ёлғизликдаги изтироблари ниҳоятда ёрқин ифодаланган:

Ҳозир жипслашади
шифт билан гилам,
Кўкрагингга сиғмай
талпинаётган юрагинг
Пажмурда гавдангдан
отилиб чиқади-да,
Ерга йиқилади қонга
беланиб.
Агар сен ҳозир...
Агар сен...

Бундан сўнги фикрни ўқувчининг ўзи давом эттиради: «Агар сен ҳозир... ташқарига чиқиб кетма санг...» Бу — шеърнинг китобхон қалбига яшовчанлиги, ҳаракатнинг давом этиши.

Амирқул Пўлканов билан Азим Суюн шеърларида ҳам янгича оҳорлар жило топиб бормоқда. Бироқ тўпламларда шундай шеърлар ҳам учрайдики, улар ёш қаламкашларнинг ижодий имкониятлари даражасида эмас. Бундай мулоҳазалар кўпроқ Болта Ёриев, Фарид Усмон, Ҳанифа Солиҳова кабиларнинг тўпламларига тааллуқлидир. Аввало, уларнинг шеърларида энг дардли масалалар ҳам бир оз эхтироссиз ва лоқайд куйланади. Дардини, албатта, очиқ баён қилиш шарт эмас, уни туйғулар, эхтирослар либосига ўраб, жозиба билан йўғириб бериш керак.

Биз юқорида тилга олган сериядаги барча ёш шоирлар учун муштарак бўлган масалалар — ўтмиш, ҳозир ва келажак, инсон ва табиат муаммоларини талқин этишда ҳам мазкур ижодкорларда фикрий торлик, кўп сўзлик каби қусурлар учрайди. Масалан, Болта Ёриевнинг тўпламида баҳор фасли тўғрисида биринкетин учта шеър берилган («Оламда кезмоқда...», «Дехқон баҳори», «Тантанавор тус олди бугун»). Бироқ улар ўқувчига бирор янгилик беролмайди,

қалбини жижиллатмайди. Сабаби мавзу бир — баҳорнинг келиши, мақсад бир — баҳорга мадҳия, шон-шараф. Демак, баҳорнинг ҳали бошқалар томонидан илганмаган гўзалликлари, қаламкашнинг бу фусункор фаслга ўз қарашини сезилмайди. Бунинг устига: «У ҳақли киймоққа зафар бўркини, йилларга улашар баҳор кўркини», «Чўққи кийиб гулдор бўркини, кўз-кўз айлаб бутун кўркини», «Яшарган чўлларда нур базми», «Бугун табиатда яшариш базми» каби эгизак иборалар ҳар учала шеърда ҳам такрорланаверади. Шунингдек, унинг шеърларида фикрни чўзиб юбориш, ялтироқ сўзлар, сунъий ташбеҳларга ортиқча бино қўйиш қусури ҳам сезилади.

Ғазал жанрида ижод қилаётган Фарид Усмоннинг шеърлари сиртдан қараганда ҳеч қандай эътироз туғдирмагандек таассурот қолдиради. Бироқ, ҳали уларнинг кўпчилигида фикр бор-у, поэтик фикрни кучли образли ифодалар, чуқур маъноли сўзлар билан етказиш тажрибаси, бадиийлик етишмай турибди. Тўғри, Фарид Усмон ўзи айтганидек, «шеърят гулшанидан билгича гул тераётган» ёшлардан. Албатта, бу гулларнинг ичида яхши очилганлари ҳам, ҳали гунча ҳолатини бошидан кечириётганлари ҳам, хушбўйлари ҳам, кам ҳидлилиги ҳам бор. Айрим ғазалларида аруздаги сакталиклар кўзга ташланади. Кўпчилиги арузнинг бир

хил вазнида яратилган. Истагимиз, шоирнинг аруз вазни баҳрларидан, унинг беқийс имкониятларидан янада унумлироқ фойдаланиши, ғазалларида замонавийлик мотивларини образлилик ҳисобига чуқурлаштириши зарурлигини таъкидлашдир.

Ҳанифа Солиҳованинг айрим шеърлари ўқувчига тугалланмагандек туюлади: уларни яна бемалол давом эттириш мумкин. «Дутор навоси», «Мен баҳорга шайдоман», «Комсомоллар қўшиғи» шеърлари бунга мисол бўла олади. Баъзиларида шоиранинг ғоявий нияти аниқ эмас, бир шеърнинг ўзида фикрий тарқоқлик сезилади.

Ижодкор учун асосий восита — сўздан ўринли ва унумли фойдаланиш, шеърни мантиқий хулосалаш, чуқур мазмунли фикрни чиройли поэтик шаклда баён қила билиш масалаларида ҳам ёш шоирларда маҳорат етишмайди. Айрим ёш қаламкашлар ўз асарларининг жозибасини кучайтираман деб ялтироқ сўзларни қалаштириб ташламоқдалар, сунъий иборалар яратмоқдалар. Масалан, Болта Ёриев шеърларида «Таҳсиним тўқаман аҳли нодирга», «Қимтинган юзларин (?) шамол совурган», «Ой рухсор ойнадай ойдинлашди уфқ», «Ноҳақ тўйда ўчин олган йиғидан (?) — келину куёвдай туришаар беҳуд», Ҳанифа Солиҳова тўпламида «муҳаббат васлидан чекма афғон» (одатда висолга

етишган ошиқ фиғон чекмайди, аксинча суюнади), Хуршид Давронда «Дардайд узун-узун кўчани оёқларинг саси ўпади») кўчани оёқнинг овози (сас) эмас, ўзи ўпиши мумкин), «Кўксимда қон йиғлар», Садриддин Салимовда «Шишир-хишир сас-ла умиди», «Юзингдаги гуноҳ» сингари мавҳум ибораларга дуч келамиз. Бу, албатта, фазилат саналмайди. Зеро, Болта Ёриев бир шеърда ёзганидек:

Шоирлар ҳам умрбод
бадном,
Вирор сўзни отса
бенишон.

Бу оддий ва қудратли ҳақиқатга фақат муаллифнинг ўзигина эмас, барча ёш шоирларимиз амал қилишса ёмон бўлмасди.

Хуллас, тўпламларнинг фазилатлари ва камчиликлари тўғрисида яна кўп гапириш мумкин. Аммо булардан қатъий назар, бизни бир ҳис тўла қаноатлантиради. Бу ҳам бўлса, ижодни қалб амри, маънавий эҳтиёж деб билиб, адабиётимизнинг муқаддас даргоҳига кириб келаётган ёшлар ўз даврининг манзараларини бутун мураккаблиги билан поэтик ифодалаш нақадар шарафли, нақадар масъулиятли эканлигини жуда яхши англаб қалам тебратаётганликларидир.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,

филология фанлари кандидати.



ЙИЛЛАР,
ҲУЖЖАТЛАР,
ВОҚЕАЛАР

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЭСТАФЕТАСИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов ўзбек бадиий ижодкорларининг совет даврида мамлакатимиздаги барча халқлар каби Урта Осиё ва Қозоғистондаги қозоқ, тожик, туркман ва бошқа халқлар адабиётлари намояндalари билан ҳамкорлиги ҳамда уларнинг рус халқи билан бўлган биродарлигининг шонли анъаналари ҳақида гапириб шундай деган эди: «Кекса авлод — маърифатчиларининг ғоялари таъсирида Совет шарқида атоқли интернационалист ёзувчиларнинг бутун бир авлоди вояга етди. Улар орасида Ғафур Ғулom ва Ҳамид Олимжон, Ойбек ва Мирзо Турсунзода, Берди Кербобоев ва Собит Муқоновлар бор. Улар — Фурқат ва Муқимий, Абай, Ҳамза ва Айнийнинг муносиб шогирдлари ва ўз устозлари ишининг изчил давомчилари бўлдилар. Улар халқлар дўстлигининг, авваламбор, оғамиз рус халқи билан дўстликнинг ҳақиқий байроқдорлари, рус маданияти ва рус тилининг оташин тарғиботчилари бўлдилар, миллий маданиятлар ва тилларни бир-бирига яқинлаштириш учун муттасил жонбозлик қилдилар. Улар ўз бадиий истеъодларининг бутун кучини шу ишга сарфладилар, совет даврида туғилган қулай шароитлардан фойдаландилар» (Шароф Рашидов. Дўстлик ва қардошлик гили, ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1977).

Ўзбек халқининг қўшни қардош халқлар билан узоқ тарихий илдизларга эга бўлган дўстлик ва ҳамкорлик анъаналари совет даврида кенг миқёсда ривож топди.

Инқилобгача турли шаҳарларда яшаган зиёлиларимиз бошқа халқлар ижодкорлари билан кенг алоқада бўлиш у ёқда турсин, ҳатто бир-бирлари билан яқин территорияда яшаб туриб ҳам кўпинча ўзаро учрашиш имкониятига эга бўлмаганлар. Совет даврида бундай қийинчиликлар барҳам топди. Энди ижодкорларимиз фақат тил, тарихий урф-одат, территория жиҳатдан яқин қўшнилари бўлган қаламқашлар билангина эмас, ҳатто тиллари бошқа-бошқа ва масофалари бир-бирларидан жуда узоқдаги турли миллат зиёлилари билан ҳам яқин алоқада бўла бошладилар. Бир-бирларининг бадиий ютуқ ва тажрибалари билан бемалол ўртоқлашиш, бу соҳада ўзаро ҳамкорлик қилиш учун кенг ва қулай имкониятлар юзага келди. Бошқача қилиб айтганда «Совет ҳокимияти узоқдагиларни яқинлаштирди, нотаовон кишиларни туғилган биродарларга айлантириб юборди» (М. Юнусов. Интернациональные связи узбекской советской литературы, «Коммунист Узбекистана», 1974, № 6). Натижада ўзбек адабиётида Ойбек ва Ғафур Ғулom, Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода ва Миртемир, Ҳамид Ғулom ва Мирмуҳсин, тожик адабиётида Мирзо Турсунзода ва Мирсаид Миршакар, қозоқ адабиётида Мухтор Авезов ва

Собит Муқонов, туркман адабиётида Берди Кербобоев ва бошқалар ўзаро қўшни республика қалам аҳллари билангина эмас, балки иттифоқдош ва ҳатто чет эллик касбдош дўстлари билан ҳам истаган вақтларида учрашиш ва ҳамкорлик қилиш имкониётларига эга бўлдилар. Улар совет ҳокимиятининг жанговар кураш йилларида ўз ўтмишдошлари бўлган Навоий, Муқимий, Фурқат, Аваз, Абай, Ҳамза, Айний ва бошқалар орзу қилган ва куйлаб ўтган дўстлик ва ҳамкорлик ғояларини амалда кўрдилар ва шу ягона олижаноб мақсад ва кураш йўлида вояга етдилар.

Адабий ҳаётдаги дўстлик ришталарининг бақувват тортишида, шубҳасиз устоз ижодкорлар билан бирга эстафетани муваффақиятли давом эттираётган ёшларнинг ҳам муҳим ҳиссаси бор. Бу жиҳатдан ёзувчи, таржимон, адабиётшунослардан Суннатулла Анорбоев, Носир Фозиллов, Асил Рашидов, Ҳамиджон Хомидов, Нажмиддин Комилов, Раҳматулла Иноғомов, Қолдибек Сейданов ва бошқаларнинг хизматлари диққатга сазовордир. Уларнинг ўзбек адабиётининг Урта Осиёдаги қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ адабиётлари билан бўлган жонли алоқалари, бу адабиётлардан қилган таржималари ва ўзбек адабиётининг қардош халқлар адабиётлари билан бўлган ҳамкорлиги ҳақидаги мақола ва тадқиқотлари аҳамиятга эга.

Улар ўзларининг ижодий фаолиятларини Гафур Ғулوم ва Ҳамид Олимжон, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор, Уйғун ва Миртемир, Зулфия ва Шоислом Шомухамедов, Мирмуҳсин ва Асқад Мухтор ва бошқаларнинг тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ адабиётлари билан бўлган жонли алоқалари, шахсий дўстликлари ва уларнинг шу адабиётлардан қилган таржима тажрибаларини ўрганиш асосида давом эттирдилар.

Улар адабиётларимиз дўстлиги ва ҳамкорлигига, интернационал тарбия ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Биргина Носир Фозилловнинг ўзи шу вақтгача қардош қозоқ адабиётидан Мухтор Аvezовнинг «Абай халқ фарзанди», Собит Муқоновнинг «Ҳаёт мактаби», «Чўлоқ полвон», «Чўпон бола», Ғабидин Мустафиннинг «Қарағанда», Ғабит Мусреповнинг «Қозоқ солдати», Абдулла Тожибоевнинг «Тўй арафасида» каби роман, повесть, пьесаларини ва Мухаммаджон Қоратов ва Дмитрий Снегинларнинг қозоқ адабиёти тараққиёти йўлларини тадқиқ этувчи «Қўшиқ қанотида» номли адабий-танқидий мақолалар тўпламини ўзбек тилига таржима қилди. Таржимон бу жараёнда қўшни қардош қозоқ халқининг тарихи, урф-одатлари, тил хусусиятлари, қозоқ ёзувчиларининг ғоявий ва услуб маҳоратлари билан янада яқинроқ танишди ва уларни ўз қалб ҳиссиётларидан қайтадан ўтказди. Бу таржималар ёзувчининг ўзига ҳам илҳом, ижод манбаи бўлиб хизмат қилди. Қозоқ халқи билан ўзбек халқининг қон-қардошлиги, биродарлиги, бир-бирларига кудая-кудағайлиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги аъёнлари таржимонни яна-

да руҳлантирди. Шунинг учун ҳам Носир Фозилловнинг биринчи повести «Оқим» да ўзбек ва қозоқ халқларининг азалии қон-қардошлиги, боқий биродарлиги, уларнинг елкама-елка туриб биргаликда меҳнат қилишлари, ўзларига эрк, ҳуқуқ берган ёш совет ҳукуматининг синфий душманларига қарши бир ёқадан бош чиқариб курашганликлари асосий мавзу қилиб олинди. Бошқача қилиб айтганда, интернационализм, халқлар дўстлиги ва унинг ҳозирги кунимиздаги самарасини бадий кўрсатиш Носир Фозиллов ижодининг асосий мавзуларини ташкил этади.

Ёзувчи худди мана шу юксак туйғулاردан келиб чиқиб, бадий таржимани ҳам қон-қардош халқларни бир-бирлари билан янада яқинлаштирувчи, дўстлаштирувчи, маънавий бойитувчи бир восита деб билди.

Албатта, ёзувчининг ўзбек—қозоқ халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлигини тараннум қилувчи асарлари ва қозоқчадан ўзбекчага ағдарган таржималаридаги ютуқлар бирданига юзага келгани йўқ. Бу ютуқлар ижодкорнинг ёшлик чоқлари Қозоғистонда ўтиши, мактабда ўқиш йилларининг қозоқ ёшлари ўртасида кечиши, шу кезларданоқ қозоқ халқининг урф-одати, оғзаки ва ёзма адабиётини сидқиқилдиан ўрганиши билан изоҳланади.

Бундан ташқари, унинг таржима қилган асарларининг муаяялифлари билан бевосита алоқада бўлиб борди-келди қилиши, улар билан ижодий мулоҳазалар юритиши, ёзишма ва маслаҳатлари ҳам катта фойда берган. Маълумки, қозоқ халқи оғзаки ва ёзма адабиётининг энг яхши намуналари Ўзбекистонда инкилобдан бурунроқ таниш бўлган. Совет ҳокимияти йилларида эса Абай шеърлари (1922), Илёс Жонсўғуровнинг «Болаларга бозорлик» (1929), Асқар Тўқмағамбетовнинг «Қора қиз» (1930, Эргаш таржимаси), Қозоғистон совет шоирларининг шеър ва дostonларини ўз ичига олган «Қизил дала» (1935, Уйғун таржимаси), Жамбулнинг «Қўшиқлар» (1938, С. Хусайн ва Ҳ. Ғуллом таржимаси), Абай шеърлари (1946, Миртемир таржимаси), Мухтор Аvezовнинг «Абай» (1951, Зумрад таржимаси) романи ва бошқа асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимизнинг маънавий мулкига айлиниб кетди.

Бу даврда қирғиз, туркман, қорақалпоқ адабиётларидан таржималар ҳам яхши йўлга қўйилди. Қисқа вақт ичида Асил Рашидовнинг қирғиз адабиётидан Чингиз Айтматовнинг «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Бўтакўз», «Сомон йўли», «Оқ кема» сингари қиссалари, Пиримқул Қодировнинг туркман адабиётидан Хидир Диревнинг «Қисмат» романи, Лола Тожиёванинг қорақалпоқ адабиётидан Тўлепберган Қаипбергенов асарларининг таржималари босилди.

Кейинги йилларда ўзбек тилига ағдарилган бадий таржима асарлари орасида қирғиз халқи ҳаётини, янги социалистик тузумда шаклланган характерини ёрқин акс эттирган Чингиз Айтматовнинг қиссала-

ри ажралби туради. Таржимон ва адабиётшунос Асил Рашидовнинг узоқ муддатли изланишлари туфайли адиб асарларининг ғоявий ва бадиий қуввати, қаҳрамонларининг чуқур психологик ҳолатлари, самимийлиги талабчан ўзбек китобхонлари қалбини ҳам забт этди. Ҳатто Чингиз Айтматовнинг ўзи ҳам асарларининг ўзбекча таржималарини ўқиб, катта қониқиш ҳосил қилганлигини, уларни худди асл нусхадагидек таъсирчан чиққанлигини эътироф этиб шундай деган эди: «Менга ихлос қилиб китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса адабиётшунос, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман. Чунки менинг «Оқ кема», «Жамила» каби бир неча повестларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қила олди» («Ёш ленинчи» газетаси, 1976 йил, 17 апрель).

Асил Рашидовнинг таржима соҳасидаги бу дастлабки ютуқ ва муваффақиятлари биринчи навбатда Чингиз Айтматов асарларининг катта ғоявий ва бадиий таъсир кучини чуқур ҳис этиб таржима қилингани билан изоҳланса, иккинчидан, таржимоннинг ёзувчи билан бевосита алоқа қилиб, интернационализм ғояларидан чуқур илқомланганлигига бориб боғланади.

Учинчидан эса, бу соҳада ўзбек халқининг қадимдан қирғизлар билан ёнма-ён яшаб келгани, тил, урф-одат, тарихий шароит жиҳатидан бир-бирига яқинлиги, адабий алоқа ва ҳамкорлик соҳасидаги аъналарнинг қадимийлиги ҳам маълум роль ўйнаган.

Маълумки, совет ҳокимияти йилларида қирғиз тилига жуда кўплаб ўзбек адабиёти намуналари таржима бўлгани каби бу давр ичида қирғиз тилидан ҳам ўзбек тилига қатор асарлар таржима қилинди. Қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси «Манас», Аали Тўқимбоевнинг «Шеърлар», Тугелбой Сидиқбековнинг «Замонамиз кишилари», «Тоғлар орасида», Шукурбек Бейшаналиевнинг «Кичан» сингари асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбек — қирғиз адабий алоқалари, ҳар икки халқнинг қон-қардошлигини акс эттирувчи ва мадҳ қилувчи бир қанча мақолалар, бадиий очерк ва лавҳалар, шеърӣ асарлар ёзилди (Ғафур Ғулومнинг «Тўғлоқ Мўлда», Ҳамид Ғулумнинг «Оға-инилар», Мирмуҳсиннинг «Қалбимизга марҳаб», Абдулла Ориповнинг «Табрик» каби).

Қирғизчадан ўзбекчага қилинган бу дастлабки таржималар, ўзбек ва қирғиз халқларининг яқинлиги, асрий биродарлиги ва мустақкам дўстлигини мадҳ этувчи бадиий лавҳаларни ўқиб, ўрганиб бориши, қирғиз халқи тарихи, турмуши, урф-одати ва тилини ёшлигиданоқ яхши билиши ва бошқа сабаблар таржимоннинг ютуқларига асос бўлди. Энг муҳими дейди таржимон бу ҳақда: «Мени таржима ишига ундаган, хусусан истеъдодли қирғиз ёзувчиси

Ч. Айтматов асарлари таржимасига ғоят қизиқтириб қўйган нарса биринчи навбатда мазкур ёзувчи асарларининг ғоявий бадиий юксаклиги, юксак жозиба кучи билан ўзига мафтун этганлигидир».


Шу билан бирга Чингиз Айтматовнинг ёзувчи сифатида камолотга етиб, катта доврүк таратишида Урта Осиё республикалари адабиётӣ вакилларининг асарлари, ҳамда улар билан бўлган дўстлик алоқалари, ҳамкорликлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам унинг ўзи бир неча бор Мухтор Аезовдан, Ғафур Ғулумдан, Садриддин Айнийдан кўп нарса ўрганиш кераклигини, айниқса Урта Осиёдаги реалистик прозада Мухтор Аезов, Садриддин Айний тарихий романлари алоҳида ўрин тутишини қайта-қайта таъкидлаган эди. Ғафур Ғулумни эса «Туркиғӣ халқлар шеърӣти ривожига буюк ҳисса қўшган... барчамизнинг ғуруримиз бўлган ажойиб сўз санъаткори» деб таърифлаган эди.

Қардош халқлар ёзувчи ва таржимонларнинг бундай ўзаро дўстлик ва ҳамкорликлари ҳақида филология фанлари кандидати Каримбой Қурбонбоев ҳам қизиқарли кузатишлар қилади. У ўзининг ўзбек — туркман адабий алоқаларига бағишланган қатор мақолалари, айниқса сўнги даврда нашрдан чиққан «Ўзбек — туркман адабий алоқалари» (1978) монографиясида ўзаро таъсир ва ҳамкорлик масалаларига тўхтаб, бу соҳадаги шонли аъналарни анча кенг ёритади. Ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг туркман ёзувчиси Хидир Диряев қаламига мансуб «Қисмат» романини таржима қилиш тажрибалари ва иккала ижодкорнинг ижодий ҳамкорликларига тўхтайдди. Шунингдек Хидир Диряевнинг ишадига Абдулла Қодирий асарларининг кўрсатган таъсирини қиёсий таҳлил ва турли хотиралар орқали исботлашга ҳаракат қилади. Туркман ва ўзбек халқи тарихи ва ҳозирги ҳаётидаги бой адабий ҳамкорлик ишларини қизиқ беради, уларнинг тобора ривожланиб бораётганлигини мисоллар орқали далиллайди. Бу ҳолларнинг ҳаммасида кейинги вақтларда ўзбек адабиётининг СССР даги барча халқлар каби Урта Осиёдаги қардош қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа халқлар ёзувчиларининг бир-бирлари билан янада яқин алоқада бўла бошлаганлиги, адабиётлар ҳамкорлигининг янада кенгайганлиги ва ривожланганлиги муҳим роль ўйнади.

Бунда айниқса мамлакатимизнинг барча тилларида кенг миқёсда олиб борилаётган таржима ишларининг роли алоҳида аҳамият касб этмоқда. Рус тилидан қардош халқлар тилларига, қардош халқлар тилларидан рус тилига ва қардош тиллардан бир-бирига таржималарнинг кенг йўлга қўйилиши халқларимиз дўстлиги ва ҳамкорлигининг кучайишига, уларнинг маънавий яқинлашишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Шерали ТУРДИЕВ.

Тўққайчи



Замоний

[Ҳажвия]

Бўлим бошлиғи отпускага чиқиб кетди. Урнига мени қолдиришди. Янги лавозимни эгаллаганимнинг тўртинчи ё бешинчи кунлари эди, эшикни оҳиста очиб, бир киши кириб келди.

— Ассалому алайкўм, укам, — деди у ортиқча тавозеъ билан.

— Салом, — дедим мен ҳам.

— Уртоқ Эшматов бормилар?

— Отпускада. Дам оляптилар.

— Ҳай-ҳай, жуда соз. Ёз таътилига нима етсин. Урини муборакларида ким?

— Камина, — дедим.

— Айни муддао. Энди ёшларга ишонавериш керак.

Ҳали ҳам бу одамга нима хизматим кераклигини билолмас эдим.

— Мени танимадингиз шекилли?

— Ҳа, — деб тан олдим.

— Биз шоири Замониймиз. Узоқ йиллардан бери шеър заҳматини тортиб келамиз. Бу сочлар, қолаверса, шу йўлда оқарди. Аммо ўзимизга ўта талабчан бўлганимиз учун на бирор нашрга бердик, на бирор кишига ўқитдик... Дарвоқе, хаёл фаромуш бўлиб... — дея у қўлтиғидан бир шиша коньякни олиб стол устига қўйди.

Ҳайратдан ёқа ушладим.

— Э, ука, гапни гапга пайванд қилиб, фикрни равшанлаштиради бу кургур.

— Йўғ-е, домла, қўйинг, бунақалар билан тобим йўқроқ...

— Ҳали ёшсиз-да, ёш...

Замоний ҳали у, ҳали бу чўнтагидан буклоғлиқ қоғозларни олиб ташлайверди. Ҳамма ёқни қоғоз босиб кетди.

— Энди, домла, шеърларингизни қолдириб кетинг, маслаҳатлашиб...

— А, лаббай? Йўқ иним, буларни сиз туғул онамга ҳам ишонмайман. Тагин кўнглингизга олманг-у!..

— Кечирасиз, — дедим зўрға «асар»ларни домла томон секин суриб.

— Ҳозир ўқиб, бир ёклик қиласиз — шу пайт Замоний «пақ» этказиб коньякнинг пробкасини узиб олди.— Қўрқманг укам, тишлар протез, томоғимиз қақраб қолмасин, ҳўплаб турмасак бўлмайди. Ўқийми, ўқийсизми?

— Майли, домла, ўқинг!

— Ҳай-ҳай, кўп сара, ўтинни ҳам терганга ёқтир деганлар-ку!

Замоний кўзойнагини бурнининг устига қўндирди-да, шишанинг оғзини оғзига қўйиб, босиб-босиб ҳўплади. Кейин шеър ўқишга тушди:

Келаман деб алдадинг кеча,
Куни билан тузгандим режа.
Севардим-ку жоним борича,
Бор-борича, йўқ ҳолича.
Бунга энди чидаб бўлмайди,
Ёки жоним, кўнглинг тўлмайди.
Замоний ўйнаб-қулмайди,
Сени ўйлаб шўрлик кексайди...

Ҳамма шеърлар шунга ўхшаш бири тоғдан, бири боғдан, олақуроқ сўзлар йиғиндисидан иборат эди. У ҳар тўрт қатор шеърхонликдан сўнг бир қултум коньяк ютиб олар, коньяк камайган сари кайфи ҳам, товуши ҳам кўтарилиб борарди. Ниҳоят сўнги бир қултум ҳам «ғилт» этиб ҳиқилдоғидан ўтди. Яна тўрт қатор олди-қочди сўзлар йиғиндиси ўқилди. Шоир бўш шишани оғзига элтди-ю, тўқ этиб столга қўйди. Бир-икки томчи коньяк томоқ йўлигача етиб бормади шекилли, тамшаниб ютинди. Бўлмади.

— Чўзинг, — деди.

— Мана домла, — деб олдимда турган шеърларни у томон суриб қўйдим.

— Қув экансиз, — деди шоир. — Шеърни эмас, пулдан чўзинг.

— Нега энди?

— Нега бўларди, коньякка-да.

— Ахир...

— Ҳеч қандай ахир-пахири йўқ. Раз шерикмисиз, шерик, бўлинг тез. Навбат сизга! — ўрнидан турди шоири Замон. Ва-жоҳатини кўриб мен ҳам кўзғалдим. Шоирнинг кайфи таранг эди. — Биламиз сенларнинг кимлигингни! Кимки ароқ олиб берса, зиёфат қилса, ўшанинг шеърини босасиз. Мана биз ҳам олиб бердик. Босмай кўринг-чи!

У «асарлари»дан бир дастасини менга қараб улоқтирди.

— Уф, ҳамма ҳам сиздек зиёфат қилса...

— Ҳали ками қолдимми?

— Йўқ-йўқ, зиёфат жуда зўр бўлди.

— Ундоқ бўлса, шеър ҳам шунга қараб зўр бўлсин.

— Хўп-хўп, — дедим олдимда шоири Замоний эмас, шоири зўравон турганлигини кўриб.

— Шундоқ ҳам бўлиши керак, — деди-да, хайр-хўшни насия қилиб чиқиб кетди.

— Ҳайрият — деб чуқур тин олганимча бўлмай яна шиддат билан қайтиб кирди. «Тагин, нима балони бошлар экан, шоири Зўравон» — деб хаёлимдан ўтказдим.

— Шишани олишни унутибман.

— Марҳамат, домла.

— Бюрократлар, — деб ғўлдираганича чиқиб кетди.

□

Бўлим мудури Эшматов отпускадан қайтди. Табаррук лавозимни икки қўллаб топшириб, ўзимга шукроналар айтиб чиқиб келаётсам, шипиллаб бир киши кириб келаяпти. Не кўз билан кўрайки, Замоний. Секин сирғалиб ўтмоқчи эдим, бўлмади.

— Ассалому алайқўм, укажон, энди узр, ўша куни кайфимиз ошибди. Айбга буюрмайсиз.

— Йўқ, ҳеч гап бўлгани йўқ.

— Уртоқ Эшматов келдиларми?

—Ҳа, — дедим кабинетга ишора қилиб.

Бўлим бошлиғи Эшматовнинг асаблари ишдан чиққанлиги сабабини энди тушундим. Замоний-ку ўз йўлида. Лекин у билан ади-бади айтишишнинг ўзи бўладими?!

Ҳофиз ФАЙЗИЕВ.

Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙГУН, ЗУЛФИЯ, Ҳамид ҒУЛОМ, Сарвар АЗИМОВ, ИБРОҲИМ РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, РАҲМАТ ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Туроб ТУЛА, Ҳ. НИЕЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, Ҳ. УМАРБЕКОВ, Ҳ. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Носир ФОЗИЛОВ (масъул секретарь).

© Шарқ юлдузи, 1981.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 4.

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1981.

Раском Э. Рўзиев. Техредактор М. Мирражабов Корректор А. Билалс

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қаттиқ тарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шар

Теришга берилди 5.02.1981 й. Босишга рухсат этилди 24.03.1981 й. Р—02875. Қоғаз
формати 70×108^{1/16}. Физ. листи 15. Қабариқ босма. Шартли босма листи 23,4.
Нашриёт ҳисоб листи 24. Тиражи 210.000. Заказ № 32.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байр
орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ № 1
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828,
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА БУЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАН-
ҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.